



Фёдор
Достоевский

ХҮРЛАНГАН ВА
ҲАҚОРАТЛАНГАНЛАР

Тўрт қисмдан иборат роман

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2Рус)

Д-74

Достоевский, Фёдор. «Хўрланган ва ҳақоратланганлар». Тўрт қисмдан иборат роман./Рус тилидан Ҳабиба Зиёхонова таржимаси. – Тошкент: Yosh kuch, 2019. - 480 бет.

Бу китоб инсонийлик қадр-қиммати, инсонлараро муҳаббат, садоқат ҳақида. Жамиятда қандай мавқеда бўлишдан қатъи назар табиат инъом этган умрни яхшиликларга сарф қилмоқ, уни бидъатга, нафсга алданиб беҳуда утказмасликка чақиради бу асар.

Беради, очкуз бир инсон ҳаётга яхшилик кўзи билан қаровчи, одамларга яхшилик қилишни ҳаётий маслаги деб билувчилар ҳаётини, тақдирини остин-устин қилиб юборади. Қалби севги билан лиммо-лим тўлган Наташа, юраги самолар қадар беғубор Алёша, тилида қизини “оқ” қилгану аммо бутун вужуди унга талпинишдан толмаган Ижменев, мурғак юракчасида севги куртак очган, аммо тақдирнинг бевафо ҳукми туфайли нобуд бўлган Нелли ва уларга ҳамisha мададкор ва таянч бўлган Ваня...

Сиз ушбу китоб орқали улар билан юзлашасиз, азиз китобхон!

Рус тилидан
ҲАБИБА ЗИЁХОНОВА
таржимаси

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2Рус)

ISBN 978-9943-5738-1-9

© Фёдор Достоевский, «Хўрланган ва ҳақоратланганлар», «Yosh kuch», 2019 йил.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1 БОБ

Бултур йигирма иккинчи март куни кечкурун мен ғалати бир ҳодисага дуч келдим. Ўша куни кечгача шаҳар кезиб, ўзимга квартира қидирдим. Турган уйим жуда зах эди, ёмон йўтал менда ўша вақтлардаёқ бошланган эди. Куздаёқ кўчиш ниятим бор эди, ана-мана деб баҳоргача чўзилди. Кечгача тентираб, бирорга тузукроқ уй тополмадим. Ижарачилардан квартира олиб туришни хоҳламас эдим, биринчидан, алоҳида, иккиламчи, биттагина хона бўлса ҳам каттароқ, мумкин қадар арзонроқ булса бас. Назаримда, тор уй фикр юритишга ҳам торлик қиладигандек туюлади. Мен бўлсам ёзмоқчи бўлган қиссаларимни бирма-бир хаёлимдан ўтказганимда ҳамиша уйнинг у бошидан бу бошига юриб туришни севар эдим. Шунини айтиб ўтиш керакки, мен учун асарни ёзишдан кўра, қандай ёзиш, унинг қанақа чиқиши ҳақида ўйлаш ёқимлироқ эди. Бироқ бу эринчоқликдан эмасди. Нега унақайкин-а?

Шу куни эрталаб тобим қочиб турган эди, кечга бориб жуда мазам қочди, этим увиша бошлади. Унинг устига, куни бўйи сандирақлаб юриб чарчадим. Кеч кириб, қош қорайган пайтда мен Вознесенский проспектидан ўтиб борардим. Мен Петербургнинг март кўёшини, айниқса, оқшомлари ҳаво очик, аёз бўлган кунлари, кунботар пайтини севаман, шафақ ажойиб гўзаллашди. Кўчалар бирдан нурга ғарқ, барча бинолар бир-

дан ярқираб кетгандек бўлади. Бир лаҳзада кулранг, сариқ ва туқ яшил ранг биноларнинг чиройи очилиб кетади, гўё шу дам кўнглинг ҳам равшан тортгандек, вужудинг жимиллаб кетади ёки сени биров тирсаги билан аста туртиб ўтгандек бўлади. Янги боқиш, янги фикрлар... Ажабо, қуёшнинг биргина шуъласи инсон қалбида нақадар ажойиб таассурот уйғотади!

Бироқ қуёш нури сўнди; совуқ кучайиб, буринни ачита бошлади; қоронғи куюқлашди, магазин ва дўконларда газ лампалар ёқилди. Миллернинг қандолат дўкони олдига келганимда бирдан таққа тўхтадим-у, худди шу тобда ғалати бир ҳодиса юз беришини кўнглим сезгандек, кучанинг нариги бетига қарай бошладим, шу пайт кучанинг нариги бетида чол билан унинг итини кўрдим. Яхши эсимда борки, ўша пайт юрагим аллақандай ёқимсиз бир ҳодиса юз беришини сезгандек увишиб кетди, бироқ нима учун шундай бўлганини ўзим ҳам билмадим.

Мен мистик эмасман, олдиндан сезиш, ром очиш каби нарсаларга ишонмайман, шунга қарамай, ҳаётимда бир неча бор шундай изоҳ қилиб бўлмайдиган ғалати ҳодисалар юз берган, балки бундай ҳоллар бошқаларда ҳам содир бўлгандир. Мисол учун, мана шу чолни олайлик. Нега ўшанда мен чолни кўришим билан шу оқшом ҳаётимда ғалати бир ҳодиса юз беришини кўнглим сезиб қолди. Шуниси борки, мен ўша тобда бетоб эдим. Бундай ҳолларда сезгилар ҳам одатда алдовчан бўлади.

Чол букчайганича худди ёғоч оёқда юргандек заиф оёқлари билан битта-битта қадам ташлаб, ҳассаси билан йўлак тошларини аста-аста уриб, қандолат дўконига яқинлашаверди. Мен умримда бундай ғалати беухшов гавдани кўрган эмасман. Бундан илгари ҳам, Миллер дўконида у билан учрашиб қолган пайтларимда ҳам унга раҳмим келиб юрагим эзилди. Новча буйи, эгилган елкаси, саксон ёшли кишининг мурдасимон башараси, чок-чокидан сўкилиб кетган эски пальтоси, фақат гарда-

нидаги оқ ҳам эмас, оқ-сарик бир тутам сочи қолган тақир бошини бекитиб турган йигирма йиллик ғижим-ғижим думалоқ шляпаси, унинг бураб юргизиб юборилгандек ҳаракат қилиши, буларнинг ҳаммаси уни дафъатан кўрган ҳар қанақа кишини ҳам ҳайратга соларди, ҳақиқатан ҳам бу ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган кимсасиз, ғариб кўринишида ўз назоратчиларидан қочиб кетган жиннига ўхшаган чол киши кўзига ғалати кўринарди. Унинг ҳаддан зиёд ориқлиги мени яна ҳам ажаблантирар, баданида эт деган нарса йўқ. Териси бориб устихонига ёпишганди. Атрофи кўм-қўк кўкариб кетган, катта-катта, лекин нурсиз кўзлари тўғрига қараб тикилганича тураверарди. Мен шунга аминманки, у атрофига ҳеч қачон қарамасди ҳам, ҳеч нарсани кўрмасди ҳам. Сизга қараб тургандек бўлса ҳам, худди рўпарасида ҳеч нарса йўқдек устингизга бостириб келаверарди. Мен буни бир неча бор сезганман. У Миллер дўконига яқиндан бери келадиган бўлди, унинг қаердан келганини ҳам ҳеч ким билмасди, тагин доим итини эргаштириб юрарди. Қандолат дўкони шинавандаларидан бирортаси ҳеч вақт у билан сўзлашмас, ўзи ҳам ҳеч кимга гап қотмас эди.

«Миллерникига келиб нима қиларкан? – деб ўйлардим мен кўчанинг у бетида туриб ундан кўз узолмай. Бетоблигимданми, чарчаганимданми, хуллас, ўзимдан ўзим тутақиб кетдим. – Бирор нарсани ўйлармикин, шу одам? – дедим ўзимга. – Умунан, мияси ишлармикин? Унинг афти башараси шу қадар жонсизки, унда бирор ифода кўринмайди. Анави ўлимтик итни қаердан олди экан? Худди киндиги бирдек ундан ажралмайди ҳам! Тагин худди ўзига ўхшайди-я, тавба!»

Бу жонивор ит ҳам эгасига ўхшаш саксонларга борган бўлса керак; ҳа, шубҳасиз шундай. Биринчидан, кўринишида у шу қадар қарикки, бошқа итлар ҳеч қачон бундай бўлмайди. Иккинчидан, уни биринчи кўришимдаёқ негадир бу ит бошқа итларга ўхшаган оддий ит эмас, деган фикр дарров кўнглимга келди. У қандайдир ғайритаби-

ий, қандайдир бир ажойиб, сеҳрли бир ит бўлиши керак, балки у ит қиёфасига кириб олган аллақанақа азозилу, унинг тақдири аллақандай сирли, номаълум йўллар билан эгасининг тақдирига боғланган. Унга қараб турсангиз сиз ҳам дарров у бечора йиғирма йилдан буён овқат емагандир, деган фикрга келардингиз. У шу қадар қилтириқ эдики, қовурғалари саналиб қолганди. Тўғрироғи, у эгасининг худди ўзгинаси эди. Устидаги жуни деярли батамом тушиб кетган, ҳамиша пути орасига суқилиб юрадиган таёкдек думида ҳам бир туки қолмаган. Шалпангкулоқ калласи ёсилиб юрарди. Мен умримда бунчалик ёқимсиз итни кўрган эмасман. Эгаси олдинда, ити кетида дайдиб юришганда итнинг тумшуги худди ёпиштириб қўйгандек чолнинг этагига тегиб туради. Уларнинг кўриниши, «қариб қолдик, э Худо, қартайиб қолдик!» дегандек.

Эсимда бор, ўшанда бир кун чол ҳам, ит ҳам ёзувчи Гофманнинг Говарни расмлари билан безалган китоби саҳифасидан ўрмалаб чиқиб олиб, афишадек ёруғ дунёда санғиб юрган бўлса керак, деган фикр келган эди миямга. Мен кўчани кесиб ўтиб, чолнинг орқасидан қандолат дўконига кирдим.

Қандолат дўконига чол ҳаммага танилиб қолган эди. Миллер ҳам кейинги вақтларда дўкон пештахтаси орқасида туриб, пашшахўрда мехмонни кўриши билан беихтиёр афтини буриштириб кўярди. Қизиғи шуки, бу ғалати мехмон ҳеч қачон, ҳеч нарса сўрамасди. У ҳар гал туппа-тўғри печканинг олдидаги бурчакка бориб, шу ердаги курсига утирарди. Борди-ю, унинг печка ёнидаги жойи банд бўлса, жойни эгаллаган одам рўпарасида ҳанг-манг бўлиб бирпас серрайиб турарди-да, кейин хуноб бўлиб, бошқа бурчакка бориб, дераза тагидан жой оларди. У ердан битта курсини суриб секин ўтирар, шляпасини ечиб ерга қўярди-да, унинг ёнига ҳассасини қўйиб, курсининг суянчитига суянганича уч-тўрт соат қимир этмай ўтирар эди. У қўлига бирор газетани ҳам олмас,

чуқ этмай кўзини бақрайтирганича бир нуқтага тикилиб ўтирар эди, боқиши шу қадар жонсиз, шу қадар ифодасиз эдики, атрофидаги ҳеч нарсани кўрмасди ҳам, эшитмасди ҳам, деб ўйлаш мумкин эди.

// Унинг ити бўлса бир жойда икки-уч айланиб, чолнинг оёқлари остига чўзилар, тумшугини унинг этиги орасига тикқанича бир-икки маротаба чуқур нафас олиб, полга узала тушиб ётар, у ҳам бутун օқшом давоми ўлиб қолгандек қимир этмас эди. Гўё бу икки махлуқ кун билан бирор ерда ўлиб ётадилар-у, кун ботиши билан Миллер дўконига етиб олиш ва у ерда аллақандай сирли, ҳеч кимга маълум бўлмаган бир вазифани адо этиш учунгина бирдан тирилиб қолардилар. Чол уч-тўрт соатча ўтиргандан кейин, ниҳоят ўрнидан турарди, шляпасини олиб, аллақайси гурдаги уйига равона бўларди, ит ҳам думини қисиб, бошини осилтирганича, аввалгидек беихтиёр қадам ташлаб эгаси орқасидан жунарни. Бора-бора қандолат дўконига келиб турадиган мижозлар чолдан ўзларини четга тортадиган, ундан ҳазар қиладигандек ёнига ўтирмайдиган бўлиб қолишди. Лекин чол ҳеч нимани сезмас эди.

Қандолат дўконига келувчиларнинг кўпчилиги немислар. Бу ерга Вознесенский проспектидаги турли корхона эгалари: чилангарлар, новвойлар, бўёқчилар, бош кийими усталари, саррожлар, куллас, немислар тушунчасига мувофиқ эски урф-одатларга амал қиладиган одамлар шу ерга йиғилар эди. Миллернинг ўзи ҳам эски расмларга риоя қиларди. Кўпинча у таниш меҳмонлар олдига келиб, улар билан ҳамсухбат бўлар, унча-мунча пунш ҳам ичиб турарди. Унинг итлари, майда болалари ҳам баъзан мижозлар олдига чиқиб туришар, мижозлар ҳам Миллернинг болаларини, итларини эркалаб қўйишарди. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан таниш ва бир-бирларини ҳурматлашар эди. Меҳмонлар немис газеталарини зўр иштиёқ билан ўқишга киришганларида, уйнинг ичкарасидан кўзиқ янграр, буни мезбоннинг

худди оқ сичқонга ўхшаган малла сочли катта қиз бу-
зуқ фортепиано чалиб айтар эди. Вальс ҳаммага майвур
бўларди. Мен Миллерникига ҳар ойнинг бошида ў олиб
турадиган рус журналларини ўқиш учун борардим.

Қандолат дўконига кирганимда чол дераза тагида
ўтирар, ити ҳар галгидек унинг оёғи остида чўзилиб
ётар эди. Мен ҳам индамай бурчакка бориб ўтирдим ва
ўзимга ўзим: «Нега бу ерга кирдим, бу ерда ҳеч қанақа
қиладиган ишим йўқ эди-ку, тобим қочиб турган бўл-
са, унинг ўрнига тезроқ уйга бормаيمانми, иссиққи-
на чой ичиб ётмайманми? Наҳотки атайлаб шу чолни
кўриш учун кирдим-а?» деб савол бердим. Ўзимга алам
қилиб кетди. «У билан нима ишим бор-а, тавба? – деб
ўйладим, ҳалигина кўчада кўрганда таъбим хира бў-
либ кетганини эслаб. – Мана бу сўхтаси совуқ немислар
билан нима ишим бор? Нега бунча руҳий тушкунлик?
Нега бунча арзимаган нарсалардан ташвишланаве-
риш?» Кейинги вақтларда менда гап ёқмаслик, бекор-
га ташвишланиш каби ҳолатлар рўй беряптики, улар
яшашга ва ҳаётни равшан кўришга халақит бермоқда,
бу ҳолат ҳатто ёзган асарларимда ҳам балқиб тура-
диган бўлди. Менинг кейинги қиссамни ўқиб чиққан
бир танқидчи ҳам буни яққол кўрган ва жаҳли чиқиб
юзимга айтган эди. Ўзимдан ўзим хуноб бўлиб, ноли-
ганим билан барибир чиқиб кетмадим, лекин борган
сари мазам қочаверди ва ниҳоят иссиққина уйдан ке-
тишни ўзим истамай қолдим. Франкфурт газетасини
қўлимга олиб, икки сатр ўқишим билан уйку босди.
Немислар менга халақит беришмасди. Улар ўқишар,
чекишар ва аҳён-аҳёнда, бир-бирларига паст овоз би-
лан Франкфурт янгиликларидан, яна машҳур немис
аскиячиси Сафирнинг аллақандай пайровини айти-
шар, шундан кейин яна миллий ифтихор туйғулари
жуш уриб, ўқишга киришиб кетишарди.

Ярим соатгина кўзим илинибди шекилли, баданим
увишиб уйғониб кетдим. Албатта, уйга жўнашим жуда

зарур эди. Бирок шу пайт хонада рўй берган бир ғалати воқеа яна мени тўхтатди. Мен ҳали айтиб ўтган эдим; чол стулда ўтириб олиб, бир нарсага тикилганича, уч-тўрт соат кўзини ўша ердан узмай бақрайиб ўтираверарди. Баъзан менга ҳам чол шундай тикилиб қоларди. Бундай вақтларда ёқимсиз туйғудан баданим жимирлаб кетиб, тезда жойимни ўзгартирар эдим. Ҳозир чолнинг кўзи кичкина, дум-думалоқ, крахмалли ёқалари типпа-тик, озода кийинган, шолғомдек қизил юзли немисга тикилиб қолди. Бу Ригадан келган меҳмон – Адам Иванич Шульц номли савдогар экан. Кейин билишимча, Миллернинг яқин оғайниси бўлган бу одам ҳали чолни ҳам ва бу ерга келувчиларнинг кўзини танимас экан. У «Dorfbarbieг»¹ газетасини зур иштиёқ билан ўқиб, пунш ичиб ўтирганида бирдан бошини кўтариб, чолга кўзи тушди. Чол унга бақрайганича ўтираверди. Бу ҳол немисни ҳайрон қолдирди. Адам Иванич умуман ҳамма «олижаноб» немислар каби ниҳоятда жижзаки ва нозик табиатли одам эди. Чолнинг безбетлик билан унга тикилиб туриши ғашини келтирди, ҳақоратдек туюлди. Тутиб келаётган жаҳлдан ўзини босди, бир нима деб тўнғиллади-ю, беодоб меҳмондан кўзини опқочиб, индамай газета билан юзини беркитди. Бирок сабр қилолмай бир дақиқадан сўнг яна шубҳа билан газета тепасидан мўраллади; ўша тикилиш, ўша бемаъни кўзлар! Адам Иванич бу гал ҳам индамади. Лекин бу ҳол олижаноб халойиқ олдида ўз номусини ҳимоя қилиш, ўзини гўзал Рига шахрининг намояндаси деб ҳисоблаганидан, эҳтимол, унинг обрусини тўкмасликни ўз бурчи деб билди. Тоқатсизлик билан газетани столга ташлади, газета қистирилган таёқча столга тегиб тарақлаб кетди, пуншдан ва нафсониятдан башараси шолғомдек қизариб, яллаган кўзчалари билан у ҳам ўз навбатида хира чолга тикилди. Немис ҳам, унинг рақиби ҳам «кимни ким қочираркан» деб кўз уриштириш ўйнагандек,

¹ Қишлоқи сартарош (немис.).

бир-бирларига қадалиб тикилиб қолишди. Таёқчанинг тарақлаб кетиши, Адам Иваничнинг уришқоқ хўроздек гўдайиб туриши ўтирганларнинг диққатини жалб этди. Ҳамма шу заҳоти ўз машғулотида йиғиштириб қўйиб, индамай қизиқиб икки рақибни томоша қилиб туришди. Одамнинг кулгисини қистатадиган ҳолат юз берган эди. Бироқ қизариб кетган Адам Иванич кўзчаларининг гипнотик қуввати зое кетди. Чол бўлса парвойи фалак, жони бўғзидан чиқиб кетай деяётган жаноби Шульцга тик қараб тураверди, у атрофдагиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилганидан мутлақо беҳабар, гуё унинг фикри хаёли ерда эмас, ойда парвоз этаётгандек эди. Ниҳоят, Адам Иваничнинг сабр косаси тўлди ва у немисчалаб, кескин ва чинқирқ товуш билан:

– Нега мунча менга тикилиб қарайсиз?! – деб дўқ қилди.

Бироқ унинг рақибни гапга тушунмагандек ва ҳаттоки саволни эшитмагандек индамай ўтираверди. Адам Иванич русчалаб гапиришга қарор қилди.

– Мен сиздан сўраяпман, нега мунча бақрайиб менга тикиласиз? – деди тутақиб. – Саройга маълум одамман, сиз саройга номаълум! – қўшиб қўйди у курсидан ирғиб туриб.

Аммо чол қимир ҳам этмади. Немислар орасида ғазабли товушларни, шовқин-суронни эшитиб, Миллернинг ўзи ҳам чиқди. Бўлаётган ҳодисадан хабардор бўлгач, чолни гаранг деб ўйлаб, унинг қулоғи тагига энгашди.

– Шульц жаноблари у кишига қаттиқ тикилмаслигингизни яхшиликча сўраяптилар, – деб қичқирди, бу дардисар одамни синчиклаб кўздан кечираркан.

Чол ярқ этиб Миллерга қаради, бирдан шу пайтгача ҳаракатсиз кўринган юзида аллақандай ташвишли ифода, ҳақжон аломатлари кўринди. У ҳовлиқиб қолди, инқиллаб шляпасини олиш учун энгашди, ҳассаси билан шляпасини апил-тапил ердан олди-ю, ўрнидан турди, ғариблардек илжайиб ўйдан чиқишга тайёрланди. Янглишиб бировнинг жойига ўтириб қолган фақир-бечорани ҳайдаганларида шундай илжаяди. Бечора мункиллаган

чолнинг мўминлик, итоаткорлик билан шошиб-пишиб чиқиб кетишга тайёрланишида кишининг юрак-бағри-ни эзиб юборадиган шу қадар аянч бир нидо бор эдики, Адам Иваничдан тортиб ҳамма ўз фикридан қайтди. Чол бировнинг кўнглини оғритиш у ёқда турсин, ҳар дақиқа ўзининг ҳамма ердан гадойдек ҳайдалишини тушуниб турганлиги аниқ кўриниб турарди.

Миллер оқкўнгил ва раҳмдил одам эди.

- Йўқ, йўқ, - деди у чолга далда бериб елкаси-га қоқиб кўяркан, - ўтираверсинлар! Aber!² Жаноби Шульц унга ҳадеб тикилиб қарамаслигингизни сура-яптилар. У киши саройга маълум одам.

Бечора чол бу гал ҳам тушунмади, у аввалгидан ҳам баттарроқ шошилиб қолди, шляпасидаи тушиб кет-ган эски, йиртиқ кўк рўмолчасини олиш учун энгашди. Ерда қимир этмай ётган итини чақира бошлади. Ити тумшуғини икки оёғи орасига олиб, қаттиқ ухлаётгандек кўринарди.

- «Азорка», «Азорка!» - ямлаб гапирди у кексаларга хос титроқ овоз билан. - Азорка!

«Азорка» қимирламади.

- «Азорка», «Азорка!» - такрорлади чол ташвиш би-лан, кейин ҳассаси билан туртиб кўрди, ит ҳамон қи-мирламай ётар эди.

Чолнинг ҳассаси қўлидан тушиб кетди. У энгашди-да, чўққайиб ўтириб, икки қўли билан Азорканинг тумшуғи-ни кўтарди. Бечора Азорка! У ўлган эди. У ўз эгасининг оёқлари остида жимгина жон берибди, бечора ё қари-ликдан ёки очликдан ўлгандир. Чол бир дақиқа Азорка-нинг ўлганлигига ишонмагандек ҳаиг-манг бўлиб турди, кейин астагина ўзининг вафодор йўлдоши ва дўстига яқинлашди-ю, унинг тумшуғига рангсиз юзини босди. Бир дақиқа жимжитлик ҳукм сурди. Ҳаммамизнинг кўн-лимиз бузилди... Ниҳоят, ғариб-бечора ўрнидан турди. Унинг ранги оппоқ оқарган, дағ-дағ титрар эди.

² Аммо (немис.).

- Терисига сомон тикиб тулуп ясаса бўлади, - деди раҳмдил Миллер яна рус тилини бузиб гапириб, нима билан бўдса ҳам чолнинг кўнглини олишга уришиб. - Яхши тулуп ясаш мумкин: Фёдор Карлович Кригер ажойиб уста. Фёдор Карлович Кригер тулуп ясашга жуда ҳам уста-да, - такрорлади Миллер ердан ҳассани олиб, чолга бераркан.

- Ҳа, мен яхши тулуп ясай оламан, - деди камтарлик билан Кригернинг ўзи олдинга ўтиб. Бу узун бўйли, озғин, жингалак сариқ сочли, қирра бурни устига кўзойнак тақиб олган саховатли немис эди.

- Фёдор Карлович Кригер жуда ҳам истеъдодли одам, ҳар қанақа тулупни ҳам қотириб ташлайди, - деди Миллер миясига келган фикридан тобора завқланиб.

- Ҳа, мен тулуп ясашга ниҳоятда устаман, - деди яна кейин тантилиги тутиб кетиб Кригер. - Мен текинга кучугингизнинг терисига сомон тикиб қотириб бераман! - деди.

- Йўқ, пулини сизга мен тўлайман! - бақирди овозининг борича боягидан баттарроқ қизариб кетган Адам Иванич Шульц ўз навбатида мардлик кўрсатиб. У соддадиллик билан ўзини барча фалокатнинг сабабчиси деб ҳисобларди. Чол ҳамма гапларни эшитарди-ю, ҳеч нарсага тушунмай, боягидек қалтираб турарди.

- Шошманг! Бир рюмка яхши коньяк ичиб олинг! - деди Миллер сирли меҳмоннинг кетишга чоғланаётганини кўриб.

Коньяк келтирдилар. Чол рюмкани беихтиёр олди, лекин кўллари титрар эди, лабига олиб бормасдан туриб коньякнинг ярми тўкилиб кетди, бир култум ҳам ичмасдан қайтариб патнисга қўйди. Кейин юзида ғалати, беўхшов бир илжайиш билан Азоркани шу жойда қолдириб, ҳаккам-дуккам қадам ташлаганича қандолат дўконидан чиқиб кетди. Ҳамма анқайганича қолаверди, кейин атрофдан хитоблар эшитилди:

- Швернот! Вас фюр эйне гештихте!³ - дейишарди немислар бир-бирига кузларини чақчайтириб.

Мен чолнинг орқасидан югурдим. Қандолат дуконидан бир неча қадам нарида, ўнгга бурилганда икки томони катта-катта бинолар билан ўралган тор ва қоронғи кўча бор. Кўнглимга, чол албатта шу ёққа бурилган бўлиши керак, деган фикр келди. Бу ерда ўнг томонга иккинчи бино қурилмоқда, атрофи ҳавоза билан ўраб ташланган. Қурилишнинг ихота девори тор кўчанинг қоқ ўртасига чиқади; бу ерга ўткинчилар учун тахта тўшама қилинганди. Девор билан бино ўртасидаги қоронғи бурчакка етганимда чолни кўрдим. У ёғоч йўлакнинг четида икки тирсагини тиззасига тираган ҳолда қўллари билан бошини чангаллаб утирар эди. Мен ёнига ўтирдим.

- Менга қаранг, - дедим мен гапни нимадан бошлашимни ҳам билмай, - Азорка учун куйманг. Юринг, мен сизни уйингизга олиб бориб қўяман. Тинчланинг. Ҳозир извошчи олиб келаман. Қаерда турасиз?

Чол жавоб бермади. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Ўткинчилар кўринмасди. Бирдан у менинг қўлимга ёпишди.

- Нафасим қисяпти! - деди у хириллаб, зўрға эшитиладиган овоз билан. - Нафасим қисяпти!

- Юринг, уйингизга борамиз! - дедим мен ўрнимдан туриб, уни зўрлаб турғиздим. - Иссиққина чой ичасиз, ўрнингизга ётасиз... Мен ҳозир извош олиб келаман. Доктор чақираман... Битта таниш докторим бор...

Яна нималар деганим эсимда йўқ. У ўрнидан кўзга-лишга уринди, озгина кўтарилгандан кейин узини ерга ташлади ва яна хириллаб бўғиқ товуш билан ғўдирлай бошлади. Унга яқинроқ энгашиб галини эшитдим.

- Васильевский оролида, - хириллади чол. - Олтинчи линия... олтинчи линияда...

У жимиб қолди.

³ Вой фалокат-э! Бу қанақа гап-а!

- Сиз Васильевскийда турасизми? Лекин сиз у ёқ томонга юрмадингиз; у ўнгда эмас, нап томонда, мен ҳозир сизни элтиб кўяман...

Чол қимирламади. Унинг қулини ушлаган эдим, қули ўликникидек шалоп этиб тушиб кетди. Мен унинг юзига қарадим, ушлаб кўрдим – чол қазо қилган эди. Назаримда, бу нарсалар тушимда содир бўлаётгандек эди.

Мана, бу саргузашт менга анча ташвиш орттирди, бу аснода безгагим ўзидан ўзи тарқалиб кетди. Чолнинг уйини қидириб топдик. Бироқ у Васильевский оролида эмас, ўзи вафот этган ердан икки қадам нарида, Клуген деган одамнинг ҳовлисида турар экан. Чол бешинчи қаватда, худди томнинг тагидаги кичкина бир даҳлиз ва дераза ўрнига учта туйнук очилган қатта ва шифти паст айрим хонада истиқомат қилар эди. У бениҳоя қашшоқликда яшаркан. Уйнинг бор жиҳози битта стол, иккита стул ва похоллари чиқиб ётган тошдан баттар қаттиқ эски чурук дивандан иборат эди, у ҳам бўлса уй эгасиники экан. Печкага эса чамаси кўп вақтлардан бери ўт ҳам ёқилмаган, шағам-пағам ҳам топилмади. Мен энди ўзимча, чол Миллерникига фақат шағам ёруғида ўтириш, исиниш учунгина борар экан, деган хулосага келдим. Стол устида битта бўш сопол кружка, бир бурда қаттиқ нон ётар эди. Пул деган нарсадан асар ҳам йўқ, ҳатто уни дафн қилиш учун кийгизишга битта ич кўйлагини топилмади; кимдир ўз кўйлагини бера қолди. Маълумки, бу аҳволда ёппа-ёлғиз ўзи тура олмасди, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам кимдир келиб, ҳолидан хабар олиб туриши керак эди. Столдан унинг паспорти чиқди. Марҳум чет элик, лекин рус фуқаролигига ўтган, етмиш саккиз ёшли, машинист Иеремия Смит деган одам эди. Стол устида иккита китоб: бири қисқача география, иккинчиси варақларига қалам билан чизиб ташланган, тирноқ билан белги қўйилган рус таржимасидаги Инжил китоби эди. Бу китобларни ўзим олдим. Бу ерда турувчилардан, уй хўжасидан сўраб-суриштиришди, лекин ҳеч ким чол

жақида бирор нарса билмас эди. Бу ерда истиқомат қиладиганлар анчагина, мастеровойлар ва уйни ижарага қўйиб, ижарага ўтирганларга овқат пишириб, хизмати-ни қиладиган немис аёллари эди. Зодагонлардан бўлган уй бошқарувчиси ҳам чол жақида ҳеч қанақа маълумот беролмади, унинг гапидан фақат шу маълум бўлдики, хона учун маржум ойига олти сўм тулаб, тўрт ойдан бери турар экан, аммо кейинги икки ойга бир тийин ҳам туламаганлиги учун уни уйдан қувишга тўғри келган экан. «Уникига бирор ким келармиди?» деб сўрадилар. Лекин ҳеч ким бу ҳақда қоникарли жавоб беролмади. Қўра Нуҳ кемасидек бўлса, унга кириб-чиққанларнинг ҳаммаси-ни эсда олиб қолиб бўладими? Шу қўрада беш йилчадан бери ишлаб келаётган қоровул балки бирор маълумот бериши мумкин эди, лекин у ҳам бундан икки ҳафта бу-рун ўрнига ёшгина жиянини қўйиб, ўз юртига кетибди, жияни бўлса ҳали ижарада турувчилардан ярмини ҳам шахсан танимас экан. Бу сўраб-суриштиришлар нима натижа берди, билмайман. Чолни бир амаллаб қўмдик... Мен энди шу кунларда, худди ўз ташвишим етмагандек Васильевский оролидаги Олтинчи линияга бордим. Шу ерга келганимдагина ўзимдан ўзим кулдим. Олтинчи линияда бир қатор оддий уйлардан бошқа нима қўра олардим. «Бўлмаса нима учун чол ўла туриб Олтинчи ли-ния ва Васильевский ороли жақида гапирди? Ёки алаҳла-димикин?» деб ўйладим.

Мен Смитнинг бўшаб қолган уйини кўздан кечирдим, кўзимга иссиқ кўринди. Ижарага олдим. Бу пастаккина, шифтига бошимни уриб олаётгандек бўлсам ҳам, ўзи каттагина хона эди. Шундай бўлса ҳам, мен тезда ўрганиб қолдим. Ойига олти сўмдан! Бундан ортиғини топиш ҳам қийин эди. Алоҳидалиги мени айниқса қизиқтирар эди. Фақат энди малай излаш ташвиши қолди холос, чунки бу ерда малайсиз туриш мумкин эмасди. Қоровул биринчи вақтларда ҳеч бўлмаса кунига бир марта кириб туришга ваъда берди, бирор зарур иш чиқиб қолса, бажарадиган

бўлди. «Эҳтимол, – деб ўйладим, – балки чолни йўқлаб бирор одам келиб ҳам қолар!» Аммо чол ўлганига мана беш кун бўлди ҳамки, ҳалигача ҳеч кимдан дарак йўқ.

II БОБ

Ўша пайтлар, бундан бир йил илгари, журналларга эмакдошлик қилиб юрар эдим, мақолалар ёзардим ва бирор яхши йирик асар ёзишимга ишончим зур эди. Мен ўша кезларда катта роман устида ишламоқда эдим; бироқ оқибати шу бўлдики, касалхонага тушиб қолдим, балки куп ўтмай вафот ҳам этарман. Модомики, шундай бўлгандан кейин ёзиб ўтиришнинг нима ҳожати ҳам бор эди-я?

Ҳаётимнинг мана бу охириги оғир йиллари ҳадеб беихтиёр ёдимга тушаверади. Энди ҳаммасини ёзиб чиқмоқчиман. Яхшики, шу машғулотим бор, бўлмаса юрагим тарс ёрилиб кетар эди. Мана шу ўтган таассуротлар баъзан мени шу қадар ҳаяжонлантирадики, бағрим алам ва изтироб билан тўлади. Қоғозга туширилса, бу таассуротлар кишига ором берадиган, силлиқ ёзилган асар характери ни касб этади, даҳшатли тушларга унчалик ўхшамайди, менга шундай туюлади, қалам тебратишнинг ўзи энг ажойиб иш: у кишига ором беради, тинчлантиради, аввалги ёзувчилик илҳомларини қўзғатади, хотираларим ва аламли орзуларимни ишга ва машғулотга айлантиради... Ҳа, яхши ўйлаб топдим. Шу билан бирга фельдшерга ҳам мерос бўлиб қолади; ҳеч бўлмаса қўл-ёзмаларим қишки ромларни қўйганда тирқишларига ёпиштиришга ярар-ку.

Бироқ мен нима сабабдандир ҳикояни ўртасидан бошлаб юборибман, модомики, ҳаммаси ёзиладиган бўлгандан кейин бошидан бошлаб ёза қолай-да. Бўпти, бошидан бошлаймиз. Шуни айтиб қўяйки, менинг таржимаи ҳолим унча узун эмас.

Асли бу ерлик эмасман, бу ердан узоқ бир ерда, N губернасида туғилганман. Билишимча, ота-оналарим яхши одамлар бўлишган, лекин мени жуда ҳам кичкиналигимда етим қолдириб кетишган. Мен ери унча катта бўлмаган помешчик Николай Сергеич Ихменев оиласида ўсдим, у мени шафқат юзасидан ўз тарбиясига олган. Уларнинг биттаю битта, мендан уч ёш кичкина Наташа исмли қизлари бўлган, холос. Биз Наташа билан ака-сингилдек ўсдик. О, менинг азиз болалик чоғларим! Йигирма беш ёшга кирганда сени соғиниш, сенга ачиниш, дунёдан ўта туриб фақат сенигина завқ билан, миннатдорлик билан эслаш нақадар телбалик! Ўшанда осмонда куёш шу қадар ёрқин эдики, Петербург куёшига ўхшамас, бизнинг жажжи қалбларимиз шу қадар шўх ва қувноқ тепарди. Ўшанда атроф ҳозиргидек ўлик тошлар уюндиси эмас, далалар, ўрмонлар билан қопланганди. О, нақадар ажойиб ва гўзал эди. Васильевскоедаги боғ, ўша пайтлар Николай Сергеич боғда иш бошқарувчи бўлиб ишларди. Шу боғқа биз Наташа билан ўйнагани бордик. Боғнинг орқа томонида эса катта ўрмон бўларди, биз ўша ерда икки мартаба адашиб қолгандик... Ажойиб бебаҳо даврлар! Эндигина гунча ёзиб келаётган ҳаёт сирли, жозибадор, у билан танишишнинг ўзи нақадар лазиз эди... Ўшанда гўёки ҳар бир бута, ҳар бир дарахт орқасида биз учун сирли ва номаълум махлуқлар яшарди; назаримизда афсонавий олам ҳақиқий олам билан қўшилиб кетгандек эди; баъзан чуқур водийларда оқшом туманлари куюқлашиб, жар ёқасидаги катта қоя бағрида ўсган бута шохларига оппоқ сочлари билан илашганда биз Наташа билан қирғоқда қўл ушлашиб туриб, кўрқув аралаш қизиқиш билан жар тагига қарар эдик ва сой тагидаги туман ичидан кимдир бизнинг олдимизга чиқишини ёки бир садо эшитилишини, шунда энагамиз айтиб берадиган эртақларнинг чинакам, қонуний ҳақиқатга айланишини кутиб турардик. Кейин бир кун, орадан анча вақт ўтгандан кейин Наташага,

қандай қилиб бизга «Болалар учун ўқиш китоби» олиб берганларини, биз шу заҳоти боққа чиқиб, ҳовуз олдидаги қари сершоҳ заранг дарахти остида турадиган, биз яхши кўрадиган яшил ўриндикқа бориб ўтирганимизни ва «Альфонс ва Далинда» деган сехли қиссани ўқий бошлаганимизни эсига соддим. Мана ҳозир ҳам мен ўша қисса ёдимга келса, юрагим ажабтовур уриб кетади. Яқиндагина, бундан бир йил илгари ўша қиссадаги: «Қиссамнинг бош қахрамони Альфонс Португалияда туғилган; унинг отаси Дон-Рамир ва ҳоказо» деган дастлабки икки сатрни эслата туриб, йиғлаб юборай дедим. Чамамда, менинг бу қилиғим аҳмоқона кўринди шекилли, ўшанда Наташа ғалати қилиб, менинг завқланишимдан кулиб қўйди. Лекин шу заҳоти ўз хатосини англаб (яхши эсимда бор), кўнглимни олиш учун ўзи ҳам ўтганлари эслай бошлади. Бора-бора ўзи ҳам қаттиқ таъсирланиб кетди. Ажойиб оқшом эди; биз ҳамма ўтганларни бирма-бир эслаб чиқдик, мени губерна шаҳридаги пансионга юборганларигача эсладик, ё Роббий, қандай йиғлаган эди ўшанда Наташа! Охирги айрилиқ қуни, менинг Васильевскоедан бутунлай кетган қуни – ҳамма-ҳаммасини эсладик. Мен ўшанда пансионни тугатиб, дорилфунунга тайёрланиш учун Петербургга жўнаётган эдим. Мен ўн еттида, у ун бешга қадам қўйган пайт эди. Ўшанда Наташа: «Сен шундай беўхшов, шундай найнов эдингки, сенга қараган кишининг кулгиси қистар эди», дейди. Хайрлашиш вақти келганда мен уни бир чеккага чақириб, аллақандай муҳим бир гапни айтмоқчи бўлдим. Бироқ бирдан тилим лол бўлиб, оғзимга ҳеч гап келмай қолди. «Ўшанда ҳаяжонланиб турган эдинг», деди Наташа. Албатта гапимиз қовушмаган бўлса керак. Мен нима дейишимни ўзим ҳам билмас эдим, эҳтимол, у ўша пайт гапимга тушунмасди ҳам. Фақат мен хўрлигим келиб, йиғлаб юбордим. Шу бўйи ҳеч нарса демай кетиб қолдим. Биз орадан анча вақт ўтгандан кейин Петербургда кўришдик, бундан икки йилча бурун. Кекса

Ихменев ўшанда ўзининг суд ишлари билан бу ерга келган, мен бўлсам, эндигина ёзувчи деб ном олган эдим.

III БОБ

Николай Сергеич Ихменев кўп вақтлардан бери камбағаллашиб қолган аслзодалардан эди. Лекин ота-онасидан бир юз эллик деҳқон билан серунум ер қолган. Йигирма ёшга тўлганда у гусар полкига хизматга киришга қарор қилди. Ишлари жойида эди; лекин хизмат даврининг олтинчи йили бир машъум кечанинг ўзида бор давлатини қиморга бой бериб қўйди. У тонг отгунча ухламади. Эртасига кечкурун яна карта ўйнайдиган стол ёнига келди. Отидан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди, ўшани қиморга тикди, омади келди. У уст-устига уч марта ютди, ярим соат ичида ўз қишлоқларидан бири – охириги текшириш бўйича эллик жонга эга бўлган Ихменевка номли қишлоқчасини ютиб олди. У бир жанжал чиқарди-ю, эртасигаёқ истеъфо берди. Юз жонли ер-сув шундай қилиб қўлдан кетди. Орадан икки ой ўтгач, у поручик унвони билан хизматдан бўшатилади ва ўз қишлоқчасига жўнаб кетди. Кейин умрининг охиригача қиморда ютқазганини оғзига олмади, юмшоқ кўнгилли бўлишига қарамай, бирор киши журъат қилиб шу нарсаларни эслатса, уришиб қолиши турган гап эди. Қишлоқда у хужалик ишларига кунт билан киришди ва ўттиз беш ёшга кирганда, камбағал дворян қизи, сепи бўлмаса ҳам, лекин губернада олий табақали пансионда – муҳожира аёл Мон-Ревешда таълим олган Анна Андреевна Шумиловага уйланди. Гарчи бу маълумот нимадан иборат эканини ҳеч ким ҳеч қачон билолмаса ҳамки, Анна Андреевна бутун умри давомида ўша муҳожирдан таълим олганидан фахрланиб юрар эди. Николай Сергеич ишбилармон чикди, кўшни ер эгалари ундан хўжалик ишларини урганибди. Орадан бир неча йил ўтди. Бирдан кўшни қишлоқ – тўққиз юз жонга эга бўлган Васильевское қишлоғига катта ер

эгаси помешчик Пётр Александрович Валковский Петербурдан келиб қолди. Унинг келиши теварак-атрофда катта таассурот қолдирди. Князь унча ёш бўлмаса ҳам, ҳали қирчиллама йигит эди. Ҳазилакам мансаб эгаси эмас, юқорилар билан алоқадор, ўзи чиройли, бадавлат ва бунинг устига у суққабош эди. Бу эса айниқса, барча уезд қиз-жувонларини қизиқтирар эди. Князь губерна-торга узоқ қариндош ҳам эди, у келган пайтда, губерна марказида кўрсатилган ажойиб илтифот ва қабул ма-росими, губернадаги барча аёллар «унинг мулозамати-дан девона бўлганлари» ва ҳоказо ва ҳоказолар ҳақида дув-дув гапириларди. Хулласи калом, у губерналарга камдан-кам келадиган, келганда ҳам жуда зур таассурот қолдирадиган Петербургдаги олий табақанинг аслзода вакиллари-дан бири эди. Аммо-лекин князь иши туш-майдиган ва бир оз бўлса ҳам ўзидан паст ҳисобланган одамларга илтифотли эмасди. У ўз мулки атрофидаги қўни-қўшнилар билан танишишни ўзига муносиб қур-мади ва шу туфайли тезда ўзига анча душман орттириб олди. Шунинг учун ҳам унинг тўсатдан Николай Сергеич хузурига бормоқчи бўлгани ҳаммани бениҳоя ҳайратга солди. Тўғри, Николай Сергеич унинг энг яқин қўшни-ларидан бири эди. Князь Ихменевлар оиласида зўр таас-сурот қолдирди. У иккисини ҳам ўзига мафтун этди; ай-ниқса, Анна Андреевна князни утқизгани жой тополмас эди. Бир оз вақт ўтгандан кейин у тортинмай ҳар куни келадиган, уларни ҳам тақлиф этадиган бўлди. Князь аския қилар, латиқалар айтар, шалоқ фортепьянони ча-лар, ашулалар айтар, Ихменевлар эса қандай қилиб шун-дай азиз, мулойим одамни ҳамма қўшнилар бир оғиз-дан такаббур, димоғдор, куруқ, худбин деб аташларига ҳайрон қолишар эди. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам Николай Сергеич содда, тўғрисуз, кўнглида кири йўқ, олижаноб одам бўлганидан князга ёқса ёқиб қолгандир. Тез кунда бу илтифотнинг таги очилди. Князь Васильевскоеге ўз иш бошқарувчисини ишдан ҳайдаш учун келган экан,

унинг иш бошқарувчиси бўлган немис соқол-муъловога оқ оралаган, кўзойнакли, қиррабурун, агроном эди, шу фазилатларга қарамай, шарми ҳаёсиз, қули эгри, яна шуларнинг устига бир неча мужикни қон қақшатган фотсияқ, жиззаки одам эди. Ниҳоят, жинояти устида қўлга туширилган Иван Карлович хафа бўлиб немисларнинг покизалиги ҳақида кўп гапирди; лекин шунга қарамай, расвойи олам қилиб ишдан ҳайдалди. Князга иш бошқарувчи керак эди. У Николай Сергеични кўз остига олиб қўйди. Унинг ишбилармон ва ниҳоятда ҳалоллигига ҳеч қанақа шак-шубҳаси йўқ эди. Чамаси, князь Николай Сергеичнинг ўзи келиб иш бошқарувчи бўлишини илтимос қилишни хоҳларди, бироқ бундай бўлмади, кунлардан бир кун эрталаб князь ўзи келиб, хокисорлик билан шу лавозимни дўстона таклиф қилди. Ихменев олдин рад этди. Бироқ каттагина маош Анна Андреевнани жуда қизиқтирди, князнинг ҳаддан ташқари лутфкорлиги барча шак-шубҳаларни йўқ қилиб юборди. Князь муродига етди. Нафсиламр, князь одам танлашга жуда ҳам уста эди. Ўзининг Ихменев билан қисқа муддатли танишлигида у ким билан муомала қилаётганини яхши билиб олди ва Ихменевни ўзига фақат самимий дўстлик йули билан жалб этиш зарурлигини, унинг кўнглига йўл топиш кераклиги, қуруқ пул билан иш битмаслигини тушунди. Ахир унга шундай бир иш бошқарувчи керак эдики, ундан доимо кўнгли тўқ бўлсин, кўр-кўрона ишонсин, ҳеч қачон Васильевскоеге келишга ҳам ҳожат қолмасин. У ўз режасида адашмади. Князь Ихменевни шу қадар ўзига мафтун этган эдики, Ихменев чин дилидан унинг дўстлигига ишонди. Николай Сергеич бизнинг Руснинг зийнати бўлган ажойиб оққўнгил, содда – романтик одамлардан бири эдики, бундай одамлар бирор кишини севиб қолса, ундан (Худо билсин, негадир) жонини ҳам аямайди. Баъзан кулгили даражада ўша одамга берилиб кетади. Ихменев шу тоифадаги ажойиб инсон эди.

Кўп йиллар ўтди. Князнинг ери гуллаб-яшнаб кета-верди. Васильевское қишлоғининг эгаси ва унинг иш бошқарувчиси ўртасида ҳеч қанақа кўнгилисизлик рўй бермади, икки ўртадаги алоқа иш юзасидан ёзилган қуруққина мактублар билан чегараланар эди. Князь Николай Сергеичнинг буйруқларига ҳеч аралашмасди, унга баъзан шундай маслаҳатлар берардики, Ихменев бу маслаҳатларнинг амалий жиҳатдан жуда фойдали ва қулайлигига қойил қолар эди. Унинг исрофгарчиликини севмаслиги, ҳатто давлат тўплашнинг кўзини билиши кўриниб турар эди.

Князь Васильевскоега келганига беш йил ўтгандан кейин, Николай Сергеичга шу губернанинг ўзида яна бошқа бир тўрт юз жонли серунум ер-мулк сотиб олиш учун ваколатнома юборди. Николай Сергеич шодлигидан терисига сиғмас эди, князнинг доврўғи, унинг муваффақиятлари ҳақидаги миш-мишлар, унинг даражаси кўтарилаётганини эшитганда худди гап ўз туғишган укаси ҳақида кетаётгандек қалби севинчга тўлар эди. Айниқса, князь яна бир ишда ўзининг ғоят зўр ишончини билдирганда унинг хурсандчилиги ошиб кетди. Бу мана бундоқ бўлган эди... Лекин мен шу ерга келганда князь Валковскийнинг ҳаётидаги баъзи бир тафсилотларни эслатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Ахир у қисман мана шу ҳикоямнинг бош қаҳрамонларидан бири-ку!

IV БОБ

Мен илгари ҳам унинг сўққабош эканлигини айтиб ўтган эдим. У анча ёш маҳалида пулига учиб уйланган эди. Москвада бор-йўғини совурган ота-онасидан унга деярли ҳеч нарса қолмади. Васильевское қайта-қайта гаровга қўйилган, қарз бошдан ошиб кетган эди. Ўша вақтларда чор-ночор Москвада аллақандай идорада ишлашга мажбур бўлиб юрган йигирма икки ёшли князнинг ёнида бир чақаси ҳам қолмаган эди, у «аслзода аждод-

ларнинг қашшоқ авлоди» сифатида ҳаётга қадам қўйди. У қандайдир ижарадор савдогарнинг анча қариб қолган қизига уйланиб, жон сақлаб қолди. Сеп масаласида қизнинг оғаси князни чув туширди. Лекин хотиннинг пули, ҳарқалай, отамерос ер-мулкни қайтадан сотиб олиш ва оёққа туриб олишга имкон берди. Савдогарнинг князга теккан қизи аранг ёзишни билар, на гапда бор, на хуснда, биттагина яхши хусусияти оққўнгиллилиги ва ювошлиги эди. Князь ювошлигидан тоза фойдаланди. Уйланганидан бир йил ўтгач, у ўғил туғиб берган хотинини Москвада – савдогар отасининг қўлида қолдирди-да, N губернасига кетиб, хизматга кирди, петербурглик бир аслзода қариндоши ёрдами билан каттагина мансаб эгаси бўлиб олди. Унинг қалби баланд мартабага эришиш, имтиёзли бўлиш истаги билан тўла эди, шу сабабдан у хотини билан Петербургда ҳам, Москвада ҳам туropolмаслигини назарда тутиб, яхши умид билан фаолиятни кичик шаҳардан бошлашга қарор қилди. Айтишларига қараганда, у хотини билан тура бошлаган дастлабки йиллардаёқ купол муомаласи билан унга роса азоб берган экан. Бу миш-миш гаплар ҳамиша Николай Сергеичнинг жиғига тегар, у жон-жаҳди билан князнинг ёнини олар, князнинг бунақанги номаъқул ишларни қилишга кўнгли бўлмаслигини таъкидлар эди. Бироқ ордан етти йил ўтгач, княгиня вафот этди. Князь вақтни қўлдан бой бермай Петербургга кўчиб келди. Петербургда у тез кунда кўзга кўриниб қолди. Ҳали ёш, чиройли, бадавлат, жуда ажойиб фазилатларга бой бўлган, доим ҳозиржавоб, дидли, ниҳоятда хушчақчақ бу йигит бахт ва ҳимоя излаб эмас, анчагина мустақил одам сифатида Петербург оқсуяклари доирасида пайдо бўлди. Унда ҳақиқатан ҳам аллақандай жозоба, аллақандай дилбарлик, аллақандай зўр куч бор, дердилар. У аёлларга жуда ҳам ёқар эди, бу туфайли аслзода гўзаллардан бири билан бўлган яқин алоқаси унинг шухратини оширган эди. У табиатан ҳаддан зиёд режали ва ҳатто қурумсоқ були-

шига қарамасдан, пулни пўчоқча кўрмай сарф қилар, керак одам билан қимор ўйнаганда ютқазиб қўяверар, катта пул ютқазган тақдирда ҳам пиннаги бузилмасди. Бироқ Петербургга у айши ишрат суриш учун эмас, балки иқбол йўлига тушиб олиб, юксак мартабага эришиш учун келди. Бу мақсадга у эриша олди ҳам. Башарти, у фақат ёрдам сўраб келган тақдирда, назар-писанд қилмайдиган баобрў қариндоши граф Наинский унинг киборлар доирасида қозонган ютуқларидан хайратга тушиб, унга алоҳида эътибор билан қарашни ўзига эп кўрди ва ҳаттоки унинг етти яшар ўғлини ўз тарбиясига олишга илфот қилди. Князьнинг Васильевскога борган ва Ихменевлар билан танишган вақти шу пайтларга тўғри келади. Ниҳоят, граф ёрдами билан у муҳим элчиюналардан бирида катта лавозимга ўтди-ю, чет элга жўнаб кетди. У ҳақда кейин ғалати миш-мишлар тарқалди; чет элда қанақадир кўнгилсиз воқеа юз берган, деб айтишарди, лекин бу хунук воқеанинг нимадан иборат эканини ҳеч ким билмасди. Шу орада тўрт юз жон эгаси бўлган қишлоқни сотиб олди, мен бу ҳақда боя гапириб ўтгандим. У чет элдан анча йил ўтгандан кейин катта унвон билан қайтди ва тезда Петербургда катта амалга минди. Ихменевкада шундай гап тарқалди: гуё у иккинчи марта уйланармиш ва қандайдир донгдор, бадавлат, зўр оила билан қариндош булармиш. «Осилсанг, баланд дорга осил!» деб қўярди Николай Сергеич завқ билан кўлларини ишқалаб. Уша маҳалда мен Петербургдаги дорилфунунда эдим, ўшанда эсимда бор, Ихменев атайлаб менга хат ёзган ва князьнинг уйланиши ҳақидаги гаплар рост-ёлғонлигини суриштириб билишимни сўраган эди. У князга менга ҳам ҳомийлик қилишини сўраб хат ёзди. Лекин князь унинг мактубини жавобсиз қолдирди. Мен фақат шуни билардимки, унинг аввал граф қўлида, кейин лицейда тарбия олган ўғли ўн тўққиз ёшга кирганда курсни тамомлади. Мен Ихменевларга шу тўғрида ёздим. Яна князь ўғлини қанчалик яхши кўришини, уни эркатой қи-

либ ўстираётганини, ҳозироқ унинг истиқболи ҳақида ўйлаётганларини ёздим. Мен буларнинг ҳаммасини до-рилфунундаги ёш князни танийдиган талаба ўртоқла-ридан эшитгандим. Худди мана шу вақтларда кунлардан бир кун эрталаб Николай Сергеич княздан уни ниҳоятда ҳайратга солиб қўйган мактуб олди...

Мен юқорида эслатиб ўтган эдим: шу чоққача княз-нинг Николай Сергеич билан алоқаси бир-икки оғиз ку-рук, иш юзасидан ёзилган мактублар билан чегараланар эди. Князь бу сафар унга ўзининг оилавий ишлари ҳақи-да тула-тўқис маълумот бериб, очикдан-очик ва дўсто-на хатда ўз ўғлидан нолиган, ёш князь ўзининг ярамас хулқи билан хафа қилаётганини ёзган эди. Лекин (чама-си, ўғлини оқлашга уриниб) ёш бола шўхлигига унчалик жиддий тус ҳам бериб бўлмайдикун-я, деб ёзган, аммо шунга қарамай, ўғлининг адабини бериб қўйишни, уни бир қанча вақтга қишлоққа, Ихменев назоратига юбориб жазоламоқчи бўлганини баён қилган эди. Князь «оли-жаноб, муҳтарам Николай Сергеич ва айниқса Анна Ан-дреевианинг ҳимматларига ишонишини, иккаласидан унинг энгилтак ўғлини ўз оиласига қабул қилиб, эсини киргизиб қўйишларини, унга меҳрибонлик кўрсатиш, иложи бўлса, унинг энгилтабиат хулқ-атворини ўзгар-тиб, инсон ҳаётида зарур бўлган нажотбахш ахлоқ қои-даларини унга тушунтиришларини илтимос қилган эди. Шубҳасиз, кекса Ихменев қувонч билан ишга киришди. Ёш князь ҳам етиб келди; уни ўз жонажон ўғилларидек қабул қилдилар. Кўп ўтмай уни Николай Сергеич ўз На-ташаси каби қаттиқ севиб қолди, ҳатто кейинчалик ҳам катта князь билан Ихменевлар орасига адоват тушиб, узил-кесил ажралиб кетганларидан сўнг ҳам чол ўз Алё-шасини шодлик билан эслар эди. Тўғриси айтганда, Алёша ҳам ёқимтой йигит эди; ўзи жуда гўзал, нимжон-гина, асабий, шу билан бирга, хушчақчақ ва содда, дили пок, энг нозик туйғуларга бой, меҳр-муҳаббатли, рост-гўй, миннатдор қалб эгаси Алёша Ихменевлар уйининг

арзандаси бўлди. Ўн тўққизга кирганига қарамай, у ҳали ёш боланинг ўзгинаси эди. Одамларнинг гапига қараганда, ўғлини қаттиқ севган князь нега уни қишлоққа жўнатиб юборганлиги ақлга сиғмас эди. Ёш князь Петербургда анча бевош, енгил ҳаёт кечирган, хизматга киришни истамаган, шу билан отасини хафа қилган, дейдилар. Николай Сергеич Алёшадан сўраб-суришгирмади, чунки князь Пётр Александрович ўғлини нима учун бадарға қилаётганининг сабаблари ҳақида оғиз очмаган эди. Лекин Алёшанинг аллақанақа кечириб бўлмайдиган гуноҳиш қилиб қўйганлиги, бир аёл билан алоқа боғлаганлиги, аллақанақа дуэль, қартадан жуда катта пул ютқазганлиги, ҳаттоки бировнинг пулини сарф этиб қўйганлиги ҳақида ҳам миш-мишлар тарқалган эди. Яна гўёки князь ўғлини айби бўлгани учун эмас, ўз манфаатини кўзлаб жўнатишга уринган, деган хабарлар ҳам бор эди. Николай Сергеич бу кейинги миш-мишлардан нафратланиб, уни инкор қилар эди. Ахир Алёша ўз отасини бутун болалик ва ўсмирлик даврларида кўрмаганига қарамай, шу қадар севар эдики, уни хурмат ва эҳтиром билан тилга олар, унинг чизган чизигидан чиқмаслиги кўриниб турар эди. Алёша ҳам баъзан аллақанақа графиня ҳақида гапириб, унга отаси ҳам, ўзи ҳам айланишиб қолганини, лекин Алёша отасидан устун чиққанлиги, отаси эса қаттиқ ғазабланганлигини айтар эди. У ҳамма вақт бу воқеани завқ билан болаларча, соддалик, қувноқ кулги билан ҳикоя қилар, лекин Николай Сергеич дарров уни тўхтатиб қўяр эди. Алёша отасининг уйланмоқчи бўлиб юрганини ҳам тасдиқлар эди.

Алёша қувғинликда бир йилча яшади, отасига вақти-вақтида хурмат билан оқилона мактублар ёзиб турди. Ниҳоят, Васильевскоёга ўзи шундай ўрганиб қолдики, отаси ёзни ўтказиш учун қишлоққа келганда (бу ҳақда у Ихменевларни олдин хабардор қилган эди), унинг ўзи отасидан Васильевскоёда мумкин қадар узоқроқ қолишга рухсат этишини, қишлоқ ҳаёти

уйга жуда монанд эканини сўраб, ёлвора бошлади. Алёшанинг барча қарор ва орзу-ҳаваслари унинг ниҳоятда асаби заиф, таъсирчанлигидан, қизғин қалблигидан, баъзан бемаъни енгилтакликдан, ҳар қанақа ташқи таассуротларга бўйсуниб қобилиятининг ниҳоятда ўткирлигидан ва бениҳоя иродасизлигидан келиб чиқар эди. Бироқ князь ўғлининг илтимосини ғалати шубҳа билан тинглади... Умуман, Николай Сергеич ўзининг собиқ «дустини» таниёлмай қолди. Князь Пётр Александрович ниҳоят даражада ўзгариб кетган эди. У ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бирдан Николай Сергеичга тирғаладиган бўлиб қолди, ер-мулк бўйича ҳисоб қоғозларни текшира туриб, аллақандай ярамас бир хасислик, курумсоқлик ва бадгумонлик курсатди, буларнинг барчаси оққунгил Ихменевни қаттиқ ранжитди. У анчагача ўзининг янглишаётганига ишонишга уриниб юрди. Бу гал ҳамма ишлар князнинг Васильевскоега бундан ўн тўрт йил бурун келганининг акси эди. Князь атрофдаги ҳамма қўшнилари билан, шубҳасиз, энг эътиборлилари билан танишиб олди; Николай Сергеичникига эса бирор марта қадам қўймади ва у билан ўзига тобе бўлган одамдек муомала қилди. Бирдан англашилмаган бир ҳодиса юз берди: ҳеч сабабсиз князь билан Николай Сергеич ўртасида қаттиқ жанжал бошланди, икки томондан ҳам аччиқ-тирсик сўзлар айтилди. Ихменев жаҳл билан Васильевскоедан кетиб қолди, лекин иш бу билан тугамади. Бутун теварак-атрофда бир-биридан хунук ғийбат гаплар тарқалди. Гуёки Николай Сергеич ёш князнинг хулқ-атвориغا тушуниб олиб, унинг ҳамма камчиликларидан фойдаланмоқчи бўлганмиш, гуё унинг қизи Наташа (ўшанда ўн еттига тўлган эди) ўзига йигирма яшар йигитни ошиқ қилиб олган эмиш-у, унинг ота ва онаси ўзларини билмаганга олишиб, бу ишқ-муҳаббатга йўл қўйиб беришган эмиш, қув ва «ахлоқсиз» Наташа навқирон ёш йигитни ниҳоят ўзига иситиб олибди. Унинг ҳаракати билан Алёша бир йил мобайнида муътабар қўш-

ни помешчиклар уйларида бўйи етган жуда кўп ҳақиқий аслзода қизлардан бирортасини кўрмаган эмиш. Тагин шундай гаплар ҳам тарқалдики, гўё ошиқ-маъшуқлар аллақачон, Васильевскоедан ўн беш чақирим наридаги Григорьево қишлоғига бериб, Наташанинг ота-онасидан яширинча ниҳок уқаттирмақчи бўлишган эмиш, лекин ота-оналари ҳамма гаининг ипидан игнасигача хабардор эмиш ва қизларига қабих маслаҳатлар бериб, йулга солишганмиш. Қисқасини айтганда, уезддаги ғийбатчи эркак-аёлларнинг бу ҳодиса ҳақида бичиб-тўқиганларини бир китобга сиғдириб бўлмайди. Аммо ҳаммадан ҳам хайрон қоладиган ери шуки, князь шу гапларнинг ҳаммасига чиппа-чиндан ишонди ва атайлаб ёлғиз шу гап учун, қишлоқдан Петербургга юборилган аллақанақа бир имзосиз мактуб туфайли Васильевскоега келди. Шубҳасиз, Николай Сергеични унча-мунча билган одам унга тўнқалган мана бу ғийбатларнинг бирортасига ҳам ишонмасди, шунга қарамай, ҳамма ҳовлиқиб оғиз кўпиртирарди, ҳамма надомат қиларди, ҳамма бош чайқар ва қоралар эди. Иззат-нафси кучли Ихменев бўлса тухматчилар олдида қизини оқлаб ўтиришни ўзига эп кўрмади, Анна Андреевнасига ҳам кўни-қўшнилар билан айтишиб ўтиришни қатъий ман қилди. Маломатга қолган Наташа бўлса, ҳатто орадан бир йил ўтгандан кейин ҳам унинг шаънига тўқилган бўҳтон ва ғийбатларнинг бирортасидан ҳам хабардор эмасди. Ундан ҳамма бўлаётган гапларни яширишарди, у эса ўн икки яшар боладек шўх ва беғубор эди.

Ўша кундан бошлаб жанжал авж олаверди. Хизматга ҳозир одамлар мудрамади. Чақимчилар, гувоҳлар топилди ва ниҳоят князни узоқ йиллар Васильевскоеда бошқарувчи бўлган Николай Сергеич унчалик ҳалол ишламаган, деб ишонтаришди. Бу ҳам етмагандек, бундан уч йил илгари Николай Сергеич чакалакни сотганда ўз фойдасига кумўш пул билан ўн икки минг сўмни яшириб олиб қолган, буни суд олдида энг яққол далиллар

билан исботлаш мумкин, ваҳоланки, чакалакни сотиш учун унинг княздан ҳеч қанақа қонуний ишонч ваколатномаси бўлмаган, шунчаки ўзининг шахсий манфатини кўзлаб сотган, анчадан кейин чакалакни сотиш зарур эканига князни ишонтирган-у чакалак учун олган пулини анча камайтириб кўрсатган, деган уйдирмалар ҳам тўқилди. Шубҳасиз, буларнинг барчаси қуруқ туҳмат экани кейин маълум бўлди, лекин князь ҳамма гапга ишонди ва гувоҳлар олдида Николай Сергеични ўғри деб атади. Ихменев чидаб туролмади, у ҳам шунга яраша ҳақорат билан жавоб қайтарди, жуда қабих бир вазият вужудга келган эди. Дарҳол судлаша бошладилар. Баъзи бир қоғозлар бўлмагани, ҳаммадан муҳими ҳимоячиси ва бунақанги ишларда тажрибаси бўлмаганлиги учун Николай Сергеичнинг сўзи ҳеч қаерда ўтмади. Унинг ери хатлаб қўйилди. Фигони фалакка чиққан чол ниҳоят ҳамма нарсадан воз кечиб, ўз иши билан шахсан ўзи шуғулланиш учун Петербургга кўчиб кетди, губернада эса ўз ўрнига битта тажрибали вакил қолдирди. Кўп ўтмай князь Ихменевни ноурин ҳақорат қилганини тушуна бошлади, лекин ҳар икки томон ҳам бир-бирини шундай таҳқирлаган эдики, ярашишнинг ҳеч бир иложи қолмагани, ғазабланган князь ишнинг ўз фойдасига ҳал бўлиши учун қўлидан келганича уринди, яъни аслини айтганда, ўзининг собиқ иш бошқарувчисининг охириги бурда нонигача тортиб олиш пайига тушди.

V БОБ

Шундай қилиб, Ихменевлар Петербургга кўчиб келишди. Бу узоқ ҳижрондан сўнг Наташа билан учрашувимни тасвирлаб ўтирмайман. Мана шу тўрт йил ичида мен уни ҳеч қачон эсимдан чиқармадим. Бироқ уни элаганимда қалбимда рўй берган туйғуларни том маъноси билан тушунолмасдим; бироқ биз у билан қайтадан қуришганимизда тақдирнинг ўзи уни мен учун яратган.

лигини фаҳмлаб қолдим. Энг аввал, дастлабки кунлари назаримда у шу йиллар давомида гўёки унча етилмагандек, ҳеч қанақа ўзгариш йўқдек – ўша вақтлар қандай бўлса, шундайлигича қолгандек туюлди. Бироқ кейин, кунлар ўтгани сайин унда шу чокқача менга нотаниш бўлган қандайдир янги, гўёки мендан атайлаб яшириб юрилган – янги хислатлар борлигини пайқадим, гўёки қиз мендан беркиниб юргандек эди. Бу жумбоқни топишнинг ўзи нақадар лаззатли эди! Чол Петербургга кўчиб келганининг дастлабки кунлари серзарда, ғазабнок эди, чунки ишлари юришмасди. Жиғибийрони чиқиб турли қоғозлар билан оворайи сарсон бўлиб, биз билан иши ҳам бўлмасди. Анна Андреевна бўлса, эс-хушидан айрилган кишидек аввал ҳеч нарсага тушунмай юрди. Петербург унинг юрагига кўркув соларди. Оҳ-воҳ қилар, аввалги Ихменевкадаги ҳаётларини қўмсар, Наташанинг бўйи етиб турибди, у ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди, деб йиғларди ва мендан бошқа сирдоши булмагани учун мен билан очикдан-очик ҳасратлашар эди.

Мана шу вақтларда, улар кўчиб келмасдан сал илгарирёқ ўзимнинг биринчи романимни тугатган эдим. Менинг адабиёт соҳасига кириб келишим ана шу романдан бошланди. У соҳада тажрибасиз бўлганим учун уни қаерга олиб боришни билмас эдим. Ихменевларникида мен у ҳақда оғиз очмадим: шундоқ ҳам улар менинг бекорчилигим, яъни ҳеч ерда хизмат қилмаслигим ва ўзимга иш қидирмаганлигимни билиб, мен билан уришиб қолаёзишди. Чол оталарча ғамхурлик қилиб мени қаттиқ койиб берди, аччиқ-аччиқ гаплар айтди. Мен бўлсам нима иш билан шуғулланаётганимни айтишга ҳам уялардим. Ахир қандай қилиб инлагим келмайди, романлар ёзишни хоҳлайман, дея оламан? Шу чокқача менга иш бермаяптилар, иш қидириб ҳолдан тойдим, деб уларни алдаб келган эдим. Мени текширишга чолнинг вақти ҳам йўқ эди. Эсимда бор, бир куни Наташа бизнинг гапларимизни эшитгандан кейин мени имлаб

бир чеккага олиб борди-да, кўз ёши тўкиб туриб ўз тақдирим ҳақида ўйлашимни ёлвориб суради, сўроқ қилди, нима иш қилиб юрганимни билишга уришди ва очиғини айтганимдан кейин, ялқов ва дайди бўлиб ўзимни хароб қилмаслигимга қасам ичтирди. Рост, зотан, мен ўзимнинг нима билан шуғулланишимга икром бўлмасам ҳамки, лекин эсимда бор, менинг асарим, биринчи романам ҳақида унинг бир оғиз далда берувчи сўзини бутун кейинги танқидчилар, мухлислардан эшитган мақтовларга алишмасдим. Мана ниҳоят, романим ҳам босилиб чиқди. Босилиб чиқмасидан буруноқ у ҳақида адабиёт мухлислари орасида шов-шув кўтарилди. Бу қўлёмани ўқиб, ёш боладек қувонди. Йўқ! Мен бирор марта бахтиёр бўлган бўлсам, у маст этувчи ютуқларимнинг дастлабки дақиқаларида эмас, ҳали қўлёмани ҳеч кимга кўрсатмаган ва ўқиб бермаган вақтларимда бахтиёр бўлган эдим: ўша узоқ кечаларда шавқли орзу-умидлар оғушида, меҳнатнинг завқини сурган пайтларимда гўё ўзим яратган сиймолар ростдан ҳам яшаётган қариндошларимдек қадрдон бўлиб кетган, уларга ўрганиб қолган пайтларда бахтиёр бўлганман, мен уларни сезардим, уларнинг севинч ва қайғуларига шерик бўлардим ва баъзан ҳатто ўзимнинг соддагина қахрамоним тақдири устида аччиқ-аччиқ ёшлар тўкиб, йиғлаб ҳам олардим. Чолу кампир дастлаб қаттиқ таажужубланиб, сўнггидан шу қадар шодланишдики, бу севинчларни тил билан ифодалаш қийин. Масалан, Анна Андреевна донғи кетган янги ёзувчи, ўша ўзимизнинг ҳалиги Ваняemiz эканига асти ишонишни хоҳламас, ҳадеб бош чайқар эди. Чол анчагача бўш келмади, менинг асарим ҳақида мишмиш гапларни эшитиб, кўрқиб ҳам кетди, маълум ишим бўлмагани, ёзувчиларнинг пала-партиш ҳаёт кечиришлари ҳақида гапира бошлади. Лекин тўхтовсиз эшитилаётган янги-янги хабарлар, журналлардаги эълонлар, қолаверса, чол ихлос қўйиб юрган баъзи шахслардан мен ҳақимда эшитган икки оғиз ёқимли сўзлар унинг

фикрини ўзгартирди. Қўлимга бирдан пул тушганини кўрганида ва адабий асарга қанчалик ҳақ тўланишини билгандан кейин унинг охириги шубҳалари ҳам тарқалди. Шубҳа тезда шавқ-завқли ишонч билан алмашингандан кейин Николай Сергеич бахтимдан ёш болалардек қувониб кетиб, менинг истиқболим ҳақида бирдан ширин хаёллар суриб, пуч умидларга берилиб кетарди. Ҳар куни мен учун янгидан-янги режалар тузарди, бу режаларда нималарни кўрмасдингиз! У мени шу чоққача мисли кўрилмаган алоҳида бир эҳтиром билан иззат қила бошлади. Лекин эсимда бор, шунга қарамай баъзан уни бирдан шубҳа ўраб олар, ажойиб завқ билан гапириб туриб, бирдан ҳафсаласи пир бўлиб қолар эди.

«Адиб, шоир! Қизиқ туюлади кишига... Шоирларнинг бирортаси одам бўлиб, мартабага эришгани борми? Бу халқ барчаси қоғознинг заволи, инобатсиз одамлар!» деб кўярди.

Менинг сезишимча, шу каби гумонлар, барча қалтис саволлар кўпинча унинг хаёлига шом пайтида келар эди (шундай аниқ сақланган хотирамда, ўша бебаҳо дамлар). Бизнинг чолимиз доимо шом пайтида жиззаки, таъсирчан ва бадгумон бўлиб оларди. Биз Наташа билан буни билардик ва элдан бурун кула бошлардик. Эсимда бор, шундай пайтларда мен Сумароковнинг генерал бўлгани, Державинга тамаки қути билан червон юборганлари ҳақидаги латифаларни, императоричанинг ўзи Ломоносов хузурига борганини, Пушкин, Гоголь ҳақидаги гапларни айтиб, унинг руҳини кўтарар эдим.

– Биладан, ука, ҳаммасини биладан, – эътироз қиларди чол, эҳтимол, умрида биринчи марта шу воқеаларни эшитаётган бўлса ҳам, – менга қара, Ваня, биласанми, нимага хурсандман, ана шу тўқималарнинг шеър билан ёзилмаганига хурсандман. Шеър деган нарса-чи, ука, бўлмағур гап, мен билан сўз талашма, «қари билганини пари билмас», менга, қарияга ишонавер, мен сенга яхшилик истайман, шеър беҳуда нарса, вақтни ўғирлайди.

Шеърни гимназистлар ёзсин. Шеър сиз, ёшларни жин-
нихонага олиб боради... Пушкин буюк одам, буни ҳеч
ким инкор қила олмайди. Бироқ нима бўлмасин шеър
шеър-да! Ҳавойи нарса! Лекин ўзим Пушкинни унча кўп
ўқиган эмасман... Наср бошқа гап! Бунда ёзувчи ҳатто
таълим ҳам бера олади. Масалан, Ватанга муҳаббат ва
саховат ҳақида гапириш мумкин. Лекин, ука, фикримни
унча тушунтира олмайман. Аммо сен мени тушунасан.
Шу гапларни яхши кўрганимдан айтаман-да. Қани-қани
ўқи-чи! – деб тамомларди юзига бир қадар жиддий
тус бериб. Биз чойдан сунг тўғарак стол атрофида жой-
лашиб ўтириб олиб, мен китобимни олиб келиб, ўқий
бошлаганимдан кейин: «Қани, ўқи-чи, нималарни би-
чиб-тўқибсан, жуда кўп гапниришяпти сен ҳақингда!
Кўрамиз, кўрамиз!» деб қўшиб кўярди.

Мен китобни очиб, ўқишга тайёрландим. Шу куни
кечқурун менинг романим эндигина босилиб чиқди,
мен бир нусхасини топиб, уз асаримни ўқиш учун Ихме-
невларникига югурдим.

Илгарироқ, ҳали кўлёзма маҳалида уларга ўқиб
бермаганим ўзимга алам қиларди, тутақиб кетардим.
Нима қилай, кўлёзма нашриётда эди-да. Наташа кўз
ёши ҳам қилиб олди. Ҳатто мени койиди, бировлар
романимни ундан олдин ўқишганидан куйиб-пишди...
Мана ниҳоят, биз стол атрофида ўтирибмиз. Чол юзи-
га ҳаддан ташқари жиддий тус берди ва танқид қи-
ладиган кишилардек афтини тириштирди. У қаттиқ
танқидий назар билан қарамоқчи, «бунга ўзи ишонч
ҳосил қилмоқчи» эди, кампир ҳам зўр тантана билан
эшитишга тайёрланди, ҳатто янги чепчик кийишга
ҳам ҳоли бор эди. Мен унинг бебаҳо Наташасига тил
билан ифодалаб бўлмас муҳаббат кўзи билан қара-
шимни, у билан гаплашганимда нафасим қисилиб, кўз
ўнгим қорайишини, Наташа ҳам энди менга илгари-
гидан очикроқ юз билан боқишини анчадан бери се-
зиб юради. Ҳа! Ниҳоят, ўша кун келди, олтин умидлар,

тўлиқ бахт дақиқалари, ҳаммаси бирдан келди! Кампир унинг чоли ҳам энди мени жуда мақтайдиган, менга ҳам, қизига ҳам ғалати қилиб қарайдиган бўлганини сезди... Сезди-ю, кўрқиб кетди: ахир нима деманг, мен граф ҳам эмасман, князь ҳам, бадавлат шаҳзода ҳам эмасман, ҳеч бўлмаса ҳуқуқшунослардан чиққан, кўкраги тўла орден ва чиройли «Коллежский советник» ҳам эмасман! Анна Андреевна осмондаги ойни олсам, дерди.

«Мунча мақташади шу одамни, – деб ўйларди у менинг ҳақимда, – негалигини билмасам... Ёзувчи, шоир эмиш... Ёзувчи ўзи ким бўпти?»

VI БОБ

Мен романимни бир ўтиришда ўқиб бердим. Биз чойдан кейиноқ бошлаб, кечаси соат иккигача ўтирдик. Чол олдин хўмрайиб ўтирди. У қандайдир ақлига сиғмайдиган, ҳатто ўзи ҳам тушуниб етмайдиган олий бир нарса ни кутган эди, унинг ўрнига бирдан шу қадар оддий, ҳаммага маълум, худди мана ҳозир атрофда бўлиб турадиган ҳодисалар тасвирланган. Ҳеч бўлмаса, роман қаҳрамони ажойиб одам бўлса ёки тарихдан олинган Рославлев ёки Юрий Милославский каби ажойиб одам бўлса ҳам кошкийди; унинг ўрнига аллақандай ғариб, хокисор, ҳатто вицмундирининг тугмалари узилиб кетган калтафаҳм бир чиновник тасвирланган, бунинг устига шу қадар оддий, шу қадар содда ёзилганки, Худо ҳаққи, худди ўзимиз гаплашиб ўтиргандек... Тавба? Кампир савол назари билан Николай Сергеичга қараб-қараб қўйди, ҳатто бир нарсадан хафа бўлгандек ўшшайиб ўтирди. Юзидан: «шу бемаъно нарса китоб қилиб босилиб, тагин уни эшитиб, яна унга пул тўланади-я, тавба!..» деган ифодани ўқиш мумкин эди. Наташа жон қулоғи билан тинглар, мендан кўз узмай днққат билан эшнтар, ҳар бир сўзни қандай ўқиётганимни билиш учун синчиклаб лабларимга тикилар ва ўзи ҳам латофатли дудоқчаларини қимирлатиб

кўяр эди. Кейин нима бўлди денг? Ярмига етмасданоқ ҳамма тингловчиларнинг кўзларидан ёш оқа бошлади. Анна Андреевна астойдил йиғлар, ич-ичидан қахрамонимга ачинар, уни қийин аҳволдан кутқариш учун заррача бўлса ҳам ёрдам беришни истар эди. Мен буни унинг оҳ-воҳларидан англадим. Чол буюклик ҳақидаги фикрларини миясидан чиқариб юборди: «Қарғага етаман деб чумчуқнинг бутти йирилган экан. Бу шунчаки бир ҳикоя. Аммо юракка бориб тегади, атрофингда бўлаётган ходисаларни тушуниб, фаҳмига етиб оласан, энг ғариб, ожиз инсоннинг ҳам инсон ва сенга биродар эканлигини билиб оласан», дерди у. Наташа тинглар, кўз ёшлари оқар, ўтирганларнинг кўзини шамғалат қилиб, стол тагидан қўлимни маҳкам қисиб кўярди. Ўқиш тамом бўлди. У ўрнидан турди; ёноқлари ловиллаб ёнарди, киприкларида дурдона ёш томчилари кўринарди, бирдан қўлимни ушлаб ўпиб олди-ю, югурганича уйдан чиқиб кетди. Отаси билан онаси бир-бирларига қараб кўйишди.

– Ҳа! Завқ-шавқини қаранг, – деб кўйди чол қизининг қилиғидан хижолат тортгандай, – ҳечқиси йўқ, лекин бу яхши, олижаноб жўшқинлик! Оққўнгил қиз... – деди у астагина Наташани ва шу билан бирга, негадир мени ҳам оқламоқчи бўлгандек ер тагидан хотинига қараб.

Аммо Анна Андреевна романимни ўқиб бераётганимда анча-мунча ҳаяжонланиб, кўнгли бузилиб ўтирган бўлса ҳам, энди: «Албатта, Искандар Зулқарнайн қахрамонликка қахрамон-ку, лекин бу достони Садди Искандар эмас», дегиси келгандек кўринарди.

Наташа тезда қайтиб кирди. У хурсанд ва бахтиёр эди, ёнимдан ўта туриб, секингина чимчилаб ҳам кўйди. Чол яна менинг қиссамга «жиддий» баҳо бермоқчи бўлди. Лекин хурсандлигини яшира олмай:

– Аммо, иним, Ваня, яхши, жуда яхши! Қойил қилдинг! Мен бунчалик бўлишини кутмаган ҳам эдим. Унчалик айтадиган юксак нарса эмас, кўриниб турибди... Ана, менда «Москванинг озод этилиши» ётибди, Москванинг

Ўзгинасида ёзганлар. Укажон, уни ўқисанг, биринчи сатрларидан бошлабоқ одам бургут бўлиб осмонга парвоз қилади. Аммо-лекин биласанми, Ваня, сеники соддароқ, тушунарлироқ. Мана шу тушунарли бўлгани учун ҳам ёқади-да! Қанақадир кўнгилга яқин. Худди киши ўз бошидан шуларни кечиргандек бўлиб турибди. Ахир шунчалик баландпарвозликнинг нима ҳожати бор? Ўзим ҳам тушунмасдим. Сенинг ўрнингда бўлсам, услубини сал тўғрилардим. Мақташга мақтадим-ку, бироқ нима деманг, кўтаринкилик йўқ-да... Ҳа, энди барибир вақт ўтди. Босилиб чиққан. Балки иккинчи нашрида иложи бормикан? Ҳали иккинчи марта нашр этилиши ҳам эҳтимол-ку, а? Ўшанда яна пул тўлайдиларми?.. Ҳм!

– Ростдан ҳам шунча пул оддингизми-а, Иван Петрович? – сўради Анна Андреевна. – Сизга қараб туриб ишонгим ҳам келмайди. Худоё тавба, қанақа нарсаларга пул тўлайдиган бўлишган!

– Биласанми, Ваня, – давом этарди чол тобора қизишиб, – бирор идорада хизмат қилишнинг йўли бошқа-ю, лекин бунинг ҳам келажоғи порлоқ! Олий табақали шахслар ҳам ўқишади. Мана, ўзинг айтгандек, Гоголь қанчадан-қанча ёрдам олиб туради, чет элга юборилган. Сени ҳам юборишса-я? Ёки ҳали эртами? Ҳали яна бирор нарса ёзиш керакми? Ёзавер, ундай бўлса, тезроқ ёз! Ютуқни қўлдан бой берма, ёзавер. Қараб ўтириб бўладими!

Шу қадар ишонч билан, шу қадар самимий гапирар эдики, уни тўхтатиб ҳовуридан туширишга журъат этолмасди киши.

– Ёки мисол учун, тамаки қутиси берадилар. Нима бўпти? Худо ҳаққи, берганнинг юзига қарама, дейдилар. Рағбатлантирмоқчи бўладилар. Худо билади, балки саройга ҳам манзур бўларсан, – қўшиб қўйди у паст овоз билан чап кўзини маъноли қисиб қўйиб. – Ёки йўқми? Ёки ҳали саройга етишга вақт эртами-а?

– Ҳали саройни унга ким қўйибди! – деди Анна Андреевна ранжигандек.

– Бирпас туриб мени ҳали генерал ҳам қилиб қўйсиз, – дедим мен астойдил кулиб.

Чол ҳам кулиб юборди, у жуда мамнун эди.

– Жаноби олийлари, овқатланишни истамайдиларми? – деди шу пайт бизга столустига кечки овқат келтираётган ўйноқи Наташа.

У хахолаб кулди, отаси олдига югуриб келди-да, иссиқ қўлчалари билан уни маҳкам қучоқлади:

– Меҳрибонгинам, отагинам.

Чолнинг кўнгли бузилиб кетди.

– Ҳа, бўлди. Яхши, жуда яхши! Ўзимча шунчаки валдираётибман-да. Генералми, генерал эмасми, юринглар, овқатланайлик. Айланай, зийрак қизимдан! – қўшиб қўйди у Наташасининг лоладек қизариб кетган ёнокларига аста-аста уриб қўйиб. Қулай пайт келганда уни шундай эркалатиб қўядиган одати бор эди. – Мана, кўряпсанми, Ваня, яхши кўрганимдан гапираман. Ҳай, майли, генерал бўлмаса ҳам генерал бўлишга ҳали эҳ-е! Ҳар ҳолда маълум ва машҳур одам – адиб!

– Бу вақтда-чи, дада, ёзувчи дейдилар.

– Адиб демайдиларми? Билмас эканман. Ҳа, ҳўп, фараз қилайлик, ёзувчи мен шуни айтмоқчиманки, роман ёзганинг билан албатта камергер⁴ қилмайдилар, буни ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ, лекин юзага чиқиш мумкин, ҳеч бўлмаса атташе бўлиб олиш мумкин. Чет элга юборишлари, чунончи, саломатликни тузатиш ёки бўлмаса, илму фандан малакани ошириш учун Италияга юборишлари ҳам мумкин, пулдан ёрдам қиладилар. Шуни ҳам айтиш керакки, сен ҳам ўз томонингдан олижаноблик кўрсатишинг керак; кирови пул олганингдан кейин бировнинг ёрдамидан фойдаланиб эмас, балки бажонидил, соф виждон билан ўзинг ишлашинг керак...

– Ушанда димоғинг шишиб кетмасин, Иван Петрович, – деб қўшиб қўйди Анна Андреевна кулиб.

⁴ Камергер – сарой аҳлларига бериладиган фахрий унвон.

- Унга тезроқ юлдуз берсалар бўларди, - деди Наташа, - сиз нуқул атташе дейсиз.

У менинг қулимни чимчилаб кўйди.

- Бу қизи тушмагур ҳадеб мени калака қилаверади, - қичқирди чод завқ билан юзлари гул-гул ёниб, кўзлари юлдузлардек чақнаётган Наташага тикилиб. - Мен, болаларим, ростдан ҳам жуда ҳовлиқиб ҳаво-ланиб кетдим, аравани куруқ опқочяпман, шекилли. Нима қилай, феълим шунақа... Лекин биласанми, Ваня, ўзинг жуда ҳам содда йигитсан-да...

- Вой, тавба, дадажон, у қандай бўлиши керак эди?

- Йўқ, мен ундай демоқчимасман! Ҳар ҳолда шуни айтмоқчиманки, Ваня, юзинг... яъни масалан, важоҳатингдан шоирга ўхшамайсан... Мен сенга айтсам, шоирлар рангсиз, сочлари узун-узун, кўзлари ҳам аллақанақа ўткир бўлади, дейдилар... Мен сенга айтсам, Гёте ёки ўшаларга ўхшаш... Мен буни «Аббаддона»да ўқиганман. Нима бўпти? Яна янглиш гапирдимми? Ана у қизалоқни қаранглар, мунча менинг устимдан кулади-а? Дўстларим, мен олим эмасман, билганимча айтаман, холос. Энди юзи деганим билан, шу юзини айтмоқчи эмасман, албатта. Лекин менга қолса, сенинг чиройинг ёқади. Умуман чин; ҳалол бўл, Ваня, виждонли бўл. Энг муҳими шу. Ҳалол яша, ошиб кетма! Сенга кенг йўл очик. Ўз ишинга содиқ бўл, мана шуни, худди мана шуни айтмоқчиман.

Ажойиб вақтлар эди! Ҳамма бўш соатларимни, оқшомларимни уларникида ўтказар эдим. Адабиёт оламидаги янгиликлар ҳақида, нима учундир чолни бирдан ғоят қизиқтира бошлаган адабиётчилар ҳақида хабарлар келтирардим. Ҳатто у ҳеч тушунмаса ҳамки, Б.нинг танқидий мақолаларини ўқий бошлади, бу танқидчи туғрисида мен унга жуда кўп гапирар эдим. Чол уни осмонларга кўтариб мақтар ва «Северний трутень»да ёздиган унинг душманларидан қаттиқ шикоятланарди. Кампир мен билан Наташага кўз-қулоқ бўлиб турарди, лекин барибир эҳтиётни кўлдан берди! Орамиздан бир

гап ўтди ва ниҳоят Наташанинг бош эгиб, дудоқчаларини ярим очганча шивирлаб «ҳа» деганини эшитдим. Буни чол-кампирлар ҳам билишди; чамалаб ўйлаб кўришди, Анна Андреевна анчагача бош чайқаб юрди. Унга бу ҳол ғалати ва ваҳимали туюларди. У менга ишонмасди.

– Иван Петрович, ишингиз ўнгидан келса, хўп-хўп, – дерди у, – борди-ю, юришмай қолса-чи ёки яна бирор ҳол юз бериб қолса-чи, унда нима булади? Бирор жойда ишласангиз ҳам гўрғайди..

– Ваня, биласанми, нима демоқчиман, – деди чол ўйлаб-ўйлаб, – очигини айтсам, мен пайқаб юрардим, ростини айтсам, Наташа ва сен учун хурсанд бўлдим. Ҳа, бунинг айби йўқ! Биласанми, Ваня, иккаланг ҳам ёшсан, Анна Андреевнанинг гапида жон бор. Шошилмайлик. Фараз этайлик, сен истеъдодли, жуда ҳам истеъдодлисан... Лекин даставвал сен ҳақингда доврўғ кўтарганларидек гений эмассан албатта, шунчаки, истеъдодли бир ёзувчисан (тағин мен сен ҳақингда бугун «Трутенъ»да ёзилган танқидни ўқидим, тоза пўстагингни қоқишибди, ҳа, майли, у газета бўлиб қаёққа борарди!) Хўш! Истеъдод деймиз-у, бироқ бу ломбардга қўйилган пул эмаску, ахир. Иккалангиз ҳам камбағалсизлар. Ҳеч бўлмаса, бир ярим йил, бир йил кутиб турайлик: ишинг юришиб кетса, оёққа туриб олсанг, Наташа сеники, ишинг ўнгидан келмаса, у ёғини ўзинг ўйлаб кўр!.. Ўзинг инсофли одамсан, ўйлаб кўр!..

Шу қарорга келдик. Бир йилдан кейин эса мана бундай ҳодиса юз берди: ҳа, роппа-роса бир йилдан кейин! Сентябрь ойи, ҳаво очиқ кунларнинг бирида, кечга яқин тобим қочиб, жонимни ҳовучлаганимча чол-кампирларникига кириб бордим, бордим-у, кўнглим озишига сал қолиб ўзимни стулга ташладим. Буни куриб, уларнинг ўтакаси ёрилиб кетай деди. Ушанда бошимнинг айланиши, юрагим сиқилиши уларникига киришдан олдин ўн марта келиб, ўн марта эшиқдан қайтганимдан эмас, омадим юришмай, доврўғим ҳам чиқмаганлиги, пулим

йўқлигидан ҳам эмас, бунинг сабаби мен аллақандай «атташе» эмаслигим, соғлигимни тузатиш учун Италияга юборилмаганим ҳам эмасди. Бунинг сабаби шуки, бир йил ичида ўн йиллик қартайиш мумкин. Менинг Наташам ҳам шу бир йил ичида ўн йиллигини кўрди. Наташа билан узоқлашдик. Мана, эсимда бор, ўшанда мен чол олдида, шундоқ ҳам ёғимланиб кетган шляпам четларини қўлларим билан эзгилаб, негадир, Наташа қачон чиқаркин деб пойлаб утирардим. Устимдаги костюмим хароб, ўзимга яхши ўтиришмас, рангим бир ҳолатда, озиб-тўзиб, сарғайиб кетганман, шоирга асло ўхшамайман, кўзларимда ҳам бечора оқкўнгил Николай Сергеич бир вақтлар кўришни истаган улуғлик йўқ... Кампир эса назаримда менга очикдан-очик ачиниб тикилар ва ичида: «Шу одам Наташага куёв бўлишга оз қолди-я, ё Раббий, раҳм қил, ўзинг асра!» деб ўйлагандек туюларди.

– Ҳа, Иван Петрович, чой ичмайсизми? (Самовар стол устида қайнаб турарди.) Аҳволингиз қалай, болам? Тобингиз йўққа ўхшайдими? – деди у ачинган овоз билан. Ўша овоз ҳали-ҳали кулоғимдан кетмайди.

Худди кечагидек кўз ўнгимда турибди: кампир гапиряпти-ю, кўзларида бошқа бир ташвиш кўринади, бу ташвишдан унинг чоли ҳам гангиб қолган ва шу тобда ўз хаёли билан банд бўлиб, пиёласидаги чойнинг совиб қолганидан ҳам беҳабар. Мен шу кунларда уларнинг князь Валковский билан жанжали уларнинг фойдасига ҳал бўлмагани ташвишга солиб қўйганини, Николай Сергеичнинг бошини ёстиққа етказган кўнгилсиз воқеалар юз берганини билар эдим. Бу кўнгилсиз можаронинг бош «қахрамони» бўлган ёш князь бундан беш ой муқаддам бир баҳона билан Ихменевларникига келиб-кетган экан. Алёшасини жонидан ҳам азиз кўрган, ўз фарзандидек севган, ҳар кун, ҳар соат уни тилидан қўймаган чол уни қувонч билан қарши олган. Анна Андреевна эса Васильевскоедаги воқеаларни эслаб, кўз ёши қилган. Шундан кейин Алёша отасига билдирмай уларникига тез-тез

келадиган бўлиб қолибди. Ҳалол, беғараз, кўнгли очиқ Николай Сергеич эҳтиёт бўлиш тўғрисидаги гапларни нафрат билан рад қилган. Ўзининг олижаноб мағрурлиги билан, ўғли яна Ихменевлар оиласига келиб юрганини билиб қолса, князь нима дер экан, деб ўйламабди ва унинг аҳмоқона шубҳаларидан ўзича нафратланиб юрибди. Бироқ чол янги ҳақоратларни кўтара олишга қудрати етиш-етмаслигини билмас эди. Ёш князь уларникига деярли ҳар куни келадиган бўлди. Чолу кампир, келганда қувонишарди, у бутун оқшом, ярим кечагача ўтирар эди. Шубҳасиз, ниҳоят отаси ҳамма гапдан хабардор бўлган; ифво гаплар тарқала бошлаган. Князь Николай Сергеичга илгариги гапларни ёзиб, ёмон ҳақорат қилган, ўғлига эса Ихменевларникига боришни қатъиян ман қилган. Бу воқеа уларникига келишимдан икки ҳафта илгари содир бўлган эди. Чол қаттиқ хафа бўлган. Бу қандай гап! Унинг беғуноҳ покиза Наташаси шаънига яна шу ифлос тухмат тошларини отишяпти! Қизининг номини уни ранжитган ўша одам ҳақорат билан тилга оляпти... Бу ҳақоратларга индамай кетаверадимми, ахир? Дастлабки кунлари у аламига чидолмай, ётиб олди. Мен бундан хабардор эдим. Гарчи мен мана шу кейинги уч ҳафтадан бери ўз дардим, ўз ғамим билан бўлиб, уйимдан қимирламаган бўлсам ҳам, бўлаётган воқеалар ипидан-игнасигача менга етиб турди. Бироқ мен билардим, яна... йўқ! У вақтларда юрагим сезиб турар, аммо ишонгим келмасди, бу воқеалардан ташқари уларни қаттиқ азобга солган яна бошқа шум воқеалар юз берганини билардим ва зўр ташвиш билан улардан хавотир олардим. Ҳа, мен азобланардим; шу хабарларнинг тагига етишдан кўрқардим, ишонишга ҳам кўрқардим, тишни тишга кўйиб, шу шум ҳодисанинг кечроқ руй беришини истардим. Шуларга қарамай, мен худди устидан чиқдим. Шу оқшом оёғим тортаверди.

– Ҳа, Ваня? – сўраб қолди чол бирдан хуши ўзига келгандек. – Тобинг қочиб қолдимми? Нега анчадан бери да-

рагинг йўқ? Айб ўзимда: сени кўриб келиш ниятим бор эди, лекин ҳали у, ҳали бу деб... – у яна хаёл суриб қолди.

– Тобим йўқ эди, – жавоб бердим мен.

– Ҳм! Тобинг йўқ! – такрорлади у беш дақиқадан кейин. – Тобинг қочмай нима бўларди! Айтган эдим-ку сенга, ўзингни эҳтиёт қил деб, қулоқ солмадинг! Ҳм! Йўқ, иним, Ваня, ёзув-чизув билан ҳеч кимнинг қорни ҳам тўйган эмас, тўймайди ҳам. Шундоқ!

Ҳа, чолнинг табнати хира эди. Агар унинг қалбида яраси бўлмаса, менга бундай гапни айтмас эди. Унинг юзига тикилиб қарадим. Ранги сарғайиб кетибди, кўзларида аллақандай ҳайрат аломати, ўзи ҳам ҳал этишга қурби етмайдиган савол аломати бор эди. Унинг ҳаракатларида қандайдир кескинлик ва одатдан ташқари серзардалик бор эди. Хотини унга ташвиш билан қараб-қараб қўйиб, бош чайқар эди. Чол нимагадир чалғиганда, кампир уни кўрсатиб менга секингина имлаб қўйди.

– Наталья Николаевининг соғлиғи қалай? Уйдами? – сўрадим мен ташвишли Анна Андреевнадан.

– Уйда, болам, уйда, – жавоб берди у гўё менинг саволим ортиқчадек. – Ҳозир ўзи сизни кўргани чиқади. Осонми? Уч ҳафтадан бери кўришмадинглар! Ҳа... у жуда ғалати бўлиб қолган, ҳеч тушуниб бўлмайди, соғми, касалми, Худо асрасин!

У эрига кўрқа-писа қараб қўйди.

– Нима бўпти? Ҳеч нарса бўлгани йўқ! – деб жавоб қилди Николай Сергеич истар-истамас шартта-шартта гапириб. – Соппа-соғ, норасида қизинг вояга етиб келяпти, вассалом. Бу қиз болаларнинг инжиқликларига ким тушунади дейсан?

– Инжиқлик эмиш-а! – деди Анна Андреевна кўнгли оғригандек.

Чол жим бўлиб қолди, кейин бармоғи билан столни чала бошлади. «Ё Раббий, наҳотки, ўрталаридан бир гап ўтган бўлса-я!» деб ўйладим мен кўрқув ичида.

– Хуш, сизларда аҳвол қалай? – деди у яна. – Б. Ҳали ҳам танқидлар ёзаяптими?

– Ҳа, ёзаяпти, – жавоб бердим.

– Эҳ, Ваня, Ваня! – деди у гапга хотима бергандек қулини силтаб. – Танқид нима қилиб юрибди бу ерда! Эшик очилиб, Наташа кириб келди.

VII БОБ

У қулида шляпасини ушлаганича уйга кириб, уни фортепьяно устига қўйди-да, кейин менинг оддимга келиб индамасдан қулини чўзди. Унинг лаблари билинар-билинемас қимирларди, гўё у менга бирор гап айтмоқчидай бўлди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

Куришмаганимизга уч ҳафта бўлди: мен унга таажжуб ва кўрқув билан тикилардим. Уч ҳафта ичида у шу қадар ўзгарганки, мен чаккалари ич-ичига кириб кетган рангсиз юзини, қовжираб кетган лаблар, қора узун киприклар остида аллақандай жасорат билан чўғдек ёниб турган кўзларга тикилар эканман, юрагим орқамга тортиб кетарди.

Ё Раббий, нақадар гўзал эди у! Мен учун ҳеч қачон, илгари ҳам, кейин ҳам ўша машъум кундагидек кўрган эмасман. Ўша Наташами шу? Бундан бир йилгина муқаддам мендан кўзларини узмай, романимни ўқиган пайтларимда менга эргашиб, дудоқчаларини қимирлатиб ўтирган, шу қадар шод, хандон ташлаб кулган, ўша оқшом кечки овқат маҳалида отаси билан, мен билан ҳазиллашиб ўйнашган қиз шу эмасми? Ўша, анави хонада бошгинасини эгган ҳолда ёноқлари чўғдек ёниб туриб менга астагина «ҳа» деган Наташа шу эмасми?

Черков кўнғироғининг кечки ибодатга чақирувчи овози эшитилди. Наташа чўчиб тушди, кампир чўқинди.

- Кечки ибодатга бормоқчийдинг: Наташа, ана бонг урди, - деди кампир. - Бора қол, Наташагинам, бора қол, бодажоним, ибодат қил. Худо ёр бўлсин! Қара, ранг-рўйинг бир ҳолатда - кўз текканга ўхшайди.

- Мен... балки... балки бугун бормасам, - деди Наташа чўзиб, жуда секин шивирлагандек. - Мен... мазам йўқ, - қўшиб қўйди у, ўзи доқа рўмолдек оқариб кетди.

- Бора қолганинг яхшийди Наташа; ахир ўзинг бормоқчийдинг-ку, шляпангни ҳам олиб чиқибсан. Ибодат қил, Наташагинам. Худодан соғлиқ тила, - деб ёлворди Анна Андреевна қизига тортинибгина қараб, гўё ундан қўрққандек.

- Ҳа, бориб кел, қизим, баҳона билан айланиб ҳам келасан, - деди чол ҳам ташвиш билан қизнинг юзига тикилиб, - онанг тўғри айтяпти. Мана, Ваня сени кузатиб боради.

Назаримда, Наташанинг лабларида аянчли табассум кўрингандек бўлди. у фортепьяно олдига келди, шляпасини олиб кийди, қўллари қалтирар эди. У гўё қилаётган ишини ўзи тушунмагандек ҳаракатлари шуурсиз эди. Отаси ҳам, онаси ҳам унга зеҳн солиб туришарди.

- Яхши қолинглар! - деди у эшитилар-эшитилмас.

- Эй, фариштагинам, нега «яхши қолинглар» дейсан, узок йўлга кетаётганинг йўқ-ку! Шамоллаб келасан, рангинг бир ҳолатда-я. Ҳа, эсим қурсин (доим эсимдан чиқиб қолаверади), туморингни тикиб, ичига дуо солиб қўйдим, фариштагинам, Киевдан келган ана у аёл бултур ўргатиб кетган эди; яхши дуо, бугун тикиб қўйган эдим. Тақиб ол, Наташажон. Зора, Худонинг ўзи сенга шифо берса, битта-ю битта қизимизсан-а!

Шундан кейин кампир стол ғаладонидан Наташанинг бўйнига тақадиган хочини олди; ана шунинг боғичига ҳалигина тикилган туморча осилган эди.

- Тақиб юр! - қўшиб қўйди у қизига хоч тақиб уни чўқинтираркан. - Бир вақтлар мен сени ҳар

кеча уйқуга ётишингдан олдин шунингдек чуқинтирар эдим, дуолар ўқирдим, сен эса менга эргашиб такрорлардинг. Энди сен бошқача бўлиб қолдинг, Тангрим сенга осойишлик ато қиляпти. Оҳ, Наташа, Наташа! Энди менинг дуоларим сенга кор қилмай қолди! – шундай деб кампир йиғлаб юборди.

Наташа индамасдан унинг қўлини ўпди ва эшик томон бир қадам ташлади, бироқ тезгина орқасига қайтди-ю, отаси олдига келди. У оғир нафас олар эди.

– Отажоним, сиз ҳам қизингизни дуо қилинг, – деди нафаси бўғилиб унинг олдига тиз чуқаркан.

Биз ҳаммамиз унинг кутилмаган бу тантанали ҳаракатидан ҳайрон бўлиб турар эдик. Отаси ўзини йўқотиб, бир неча дақиқа унга қараб турди.

– Наташажоним, болагинам, эрка қизим, сенга нима бўлди? – қичқириб юборди у ниҳоят ва кўзларидан ёш тирқираб чиқиб кетди. – Нима қайғунг бор? Нега кеча-кундуз йиғлайсан? Ҳаммасини кўриб турибман; кечалари ухламайман, ўрнимдан туриб, эшигинг олдига бориб, ҳаммасини эшитаман!.. Айт, менга, Наташагинам, чол отангдан ҳеч нарсани яширма. Балки биз...

У гапини тугата олмади, Наташани турғизиб, маҳкам бағрига босди. Наташа титраб-қақшаб отасининг кукрагига ўзини ташлади, елкасига бошини қўйди.

– Ҳеч гап эмас, ўзим шунчаки... тобим йўқ... – такрорлади у ич-ичидан келаётган кўз ёшларидан нафаси тикилиб.

– Худойим ўз паноҳида асрасин сени, дуоларим ижобат бўлсин, жон болам, меҳрибон қизим! – деди отаси. – Худойимнинг ўзи жонингга ором бериб, ғамдан озод қилсин. Худога ёлвор, қизим, мен бетавфиқнинг дуолари ижобат бўлсин!

– Менинг, менинг ҳам дуоларим ижобат бўлсин! – қўшиб қўйди кампир юм-юм йиғлаб.

– Яхши қолинглар! – шивирлади Наташа.

У эшик олдида тўхтади, яна бир марта уларга қаради, яна бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин айтолмай югурганича уйдан чиқиб кетди. Орқасидан мен ҳам чиқиб кетдим, «бир бало бўлган», деган фикр дилимдан утди.

VIII БОБ

У индамай бошини қуйи солганича, менга қарамасдан тез-тез юриб борарди. Бироқ кўчани кесиб қирғоққа чиққанимизда бирдан тўхтади-да, қўлларимга ёпишди.

– Нафасим қисяпти! – шивирлади. – Юрагим сиқилиб кетяпти...

– Қайт, Наташа! – дедим мен кўрқиб кетиб.

– Наҳотки кўрмаяпсан, Ваня, мен уйимни бутунлай ташлаб чиқиб кетяпман. Улардан кетдим, энди ҳеч қайтиб келмайман! – деди у ифодалаб бўлмайдиган ҳасрат билан менга боқаркан.

Юрагим «шув» этиб кетди. Уларникига келаётганимда бир нарса сезгандай эдим, булар барчаси эҳтимол, бундан анча илгарироқ унча яққол бўлмаса ҳам менга аён бўлганди. Бироқ энди унинг сўзлари куксимга пичоқдек санчилди.

Биз қирғоқ ёқадаб ғамгин борардик. Тилимга сўз келмас, турли фикрлар миямга келар, ўйлаб ўйимга етолмасдим, бошим гангиб қолган эди. Ёмон, жуда ярамас иш бўлаётганди, назаримда.

– Нима, мени айблаяпсанми, Ваня? – деди у ниҳоят.

– Йўқ, бироқ... кетаётганингга сира ишонмайман; бундай бўлиши асло мумкин эмас!.. – жавоб бердим мен нима деяётганимни ҳам билмай.

– Йўқ, Ваня, бўлганича бўлди. Мен уларни ташлаб кетдим, уларнинг ҳоли нима кечади, билмайман... ўзим нима бўлишимни ҳам билмайман!

– Сен... уникигами, Наташа?

– Ҳа, – деди у.

- Ахир бу мумкин бўлмаган гап-ку! - бақирдим бўғилиб. - Биласанми, нима иш қиляпсан? Бечорагинам, Наташагинам! Ақлсизлик-ку бу! Ахир сен уларни беажал ўлдирасан, ўзингни ҳам хароб қиласан! Шуни биласанми, Наташа?

- Биламан, бироқ на чора? Ихтиёр менда эмас, - деди у. Унинг сўзида шу қадар умидсизлик оҳанги бор эдики, гўё у ўлим жазосига ҳукм этилгандек эди.

- Қайт, ҳали ҳам бўлса қайт, - деб ёлвордим унга, ўзим қанчалик ялиниб-ёлворсам, насиҳатларимнинг шунчалик бефойда, айниқса шу дақиқада шунчалик беҳуда эканини сезардим. - Отангни не ҳолга солишингни тушунасанми, Наташа? Ўйлаб кўрдингми? Ахир унинг отаси отангнинг душмани-ку; ахир князь отангни ҳақорат қилди, пул ўғирлаган деб тухмат қилди; ахир уни ўғри деб атади-ку! Ахир улар судлашиб юришибди. Бу ҳам гапми! Бу ҳали ҳолва, хабаринг борми сенинг, Наташа... (эй, Худо, ахир ўзинг ҳаммасини биласан-ку!) биласанми, Алёша қишлоғингизда меҳмон бўлиб юрган кезлари сени унга қўшган деб князь ота-онангдан шубҳаланган-а? Ўйлаб кўр, отанг ўшанда бу қуруқ тухматдан қанча азоб тортган. Унга бир қара, шу икки йил ичида унинг сочлари оқариб кетди. Энг муҳими, бу воқеаларнинг ҳаммасидан ўзинг бохабарсан, Наташа! Эй, Худойим! Ҳали сени абадий йўқотиш улар учун нақадар оғир мусибат эканини айтаётганим йўқ, ахир сен уларнинг кўз қорачиғи, қариган чоғларида ёндирган шамчироғисан. Сендан ўзга уларнинг кими бор? Мен бу ҳақда гап очишни ҳам истамасдим, ўзинг билишинг керак, сенинг отанг ноҳақ тухматга қолган, ўша мутакаббирлар ранжитган деб ҳисоблайди! Энди бўлса бу можаро Алёшани уйларингга қўйганларинг учун бошқатдан алангаланиб, эски адоватлар кучайиб кетди. Князь отангни яна ҳақорат қилди. Мана бу янги хўрликдан чолнинг қаҳру ғазаби қўзиган пайтда бирдан мана бу ҳол юз берса, ҳамма-ҳамма юкланган айблар тўғри чиққан бўлади! Кимки бу

гаплардан хабардор бўлса, энди князни оклайди, айбни сенга ва отангга тўнкайди. Хуш, энди отангнинг ҳоли нима кечади? Бунга у бардош беролмай ўлади! Уят, номус, тагин ким туфайли? Унинг яккаю ягона қизи, бебаҳо фарзанди туфайли! Онанг-чи? Онанг отангдан ҳам илгарироқ тамом бўлади! Наташа, Наташа! Нима қиляпсан, ахир? Қайт, эсингни йиғиб ол!

У индамасди; ниҳоят мендан гўё гина қилгандек қаради. Унинг бу боқишида шунчалик чуқур алам, шунчалик қаттиқ изтироб бор эдики, мен, менинг насихатларимсиз ҳам унинг жароҳатланган қалби энди чил-чил бўлаётганини тушундим. Мен бу жароҳат унинг учун нақадар оғир эканини, бунинг устига мен бефойда, вақти ўтган гапларим билан уни қанчалик эговлаётганимни тушундим. Ҳамма-ҳаммасини тушунардим-у, лекин ўзимни тийёлмай ҳамон гапимда давом этардим:

– Ахир ўзинг ҳозиргина Анна Андреевнага балки «Уйдан чиқмай қўя қолай... Ибодатга бормасаммикин...» дединг. Бундан чиқди, қолишни истагандинг, ўшанда ҳали қатъий бир қарорга келмаганмидинг?

У жавоб ўрнига ғамгин илжайиб қўйди. Нега мен унга бу саволи бердим! Ахир мен узил-кесил қарорга келганини тушунишим керак-ку! Бироқ мен ўзимни тутиб ололмай қолдим.

– Наҳотки сен уни шу қадар қаттиқ севиб қолгансан? – дедим бақириб, ҳаяжон билан унга тикиларканман, нима деяётганимни ўзим ҳам тушунмай.

– Нима ҳам дердим сенга, Ваня? Кўриб турибсан! У келишни буюрди, мен уни шу ерда кутяпман, – деди у ҳалиги аччиқ кулги билан.

– Ахир менга қара, гапимга кулоқ сол, – деб гап бошладим мен яна унга ялиниб, «чиқмаган жондан умид» деганларидек, – ҳаммасини ҳали тузатса бўлади, бошқача, бошқа бир йўл билан ҳал этса бўлади! Уйдан кетиш шарт эмас. Нима қилишни мен сенга ўргатаман, Наташажон! Ҳаммасини, ҳаммасини, учраштиришнимга ўз бўйнимга

оламан... Фақат уйингдан кетма!.. Хатларинггача олиб бориб тураман. Нима бўпти, хат олиб бориш қийинми? Ҳар ҳолда ҳозиргидан яхшироқ-ку! Ҳаммаси кўлимдан келади, иккалангизнинг ҳам хизматингизга тайёрман, мана кўрасиз, кўлимдан келади... Сен ҳам ўзингни нобуд қилмайсан, Наташа. Акс ҳолда сен ўзингни тамоман хароб этяпсан. Хун дегин, Наташа, ҳамма ишлар жойида, соз бўлади. Бир-бирингизни истаганингизча сеvasиз... Оталарингиз ярашгандан кейин (шубҳасиз, улар ярашиб кетишади) – ўшанда...

– Бўлди, Ваня, тўхтат, – сўзимни бўлди у кўлимни қисиб, кўз ёшлари орасидан табассум қилиб. – Жуда кўн-гилчансан, Ваня! Оққўнгил, тўғри одамсан! Ўз ҳақингда бир оғиз гапирмайсан, мен сенга вафосиалик қилдим, сен бўлсанг ҳаммасини кечирдинг, фақат менинг бахтимни ўйлайсан. Бир-биримизга мактуб ташимоқчисан...

У йиғлаб юборди.

– Ахир мени қанчалик севганингни биламан-ку, Ваня, ҳозир ҳам сеvasан ва шу вақтгача менга таъна қилмадинг, бир оғиз аччиқ сўз айтмадинг. Мен-чи, мен... Эй Худойим, сенинг олдингда қанчалик гуноҳқорман. Эсингдами, Ваня, сен билан ўтказган вақтлар эсингдами? Эҳ, қани энди, мен уни ҳеч қачон билмаган ва учратмаган бўлсам!.. Сен билан бирга яшаган бўлардим, Ваня, сен билангина, менинг меҳрибоним!.. Йўқ, мен сенга арзимаيمان! Кўрдингми, мен қанақаман, шундай бир дақиқада, ўлганнинг устига чиқиб тепгандек, ўтган бахтиёр кунларимизни эслаётиман! Мана, сен уч ҳафтадан бери келмадинг, қасамёд этиб айтаманки, шу кунлар ичида, Ваня менга лаънат ўқиб, мендан нафратланыпти, деган фикр бирор марта хаёлимга ҳам келмади. Нега кетиб қолганингни билардим: бизга халақит беришни, орамизда чақиртикан бўлишни истамасдинг, сенга осонмиди бизни бирга кўриш? Мен бўлсам сени кутдим, Ваня, шундай кутдимки, асти қуявер. Менга қара, Ваня, агар мен Алёшага ошиқи беқарор бўлсам сени эҳтимол,

дўст сифатида ундан кўпроқ севаман. Биламани, мен сенсиз яшай олмайман, сен менга кераксан! Сенинг қалбинг, сенинг олтин қалбинг менга керак... Эҳ, Ваняжон, нақадар аччиқ, нақадар оғир дақиқалар яқинлашяпти!

У юм-юм йиғларди. Ҳа, унга ниҳоятда оғир эди.

– Сени шундай кўргим келдики, Ваня, – давом этди у кўз ёшларини ютиб. – Озиб-тўзиб кетибсан, бетобсан, рангинг бир ҳолатда, ростдан ҳам тобинг қочдим, Ваня? Ҳол сўраш ҳам эсимга келмай, нуқул ўз дардимки гапирман. Ҳуш, журналистлар билан алоқанг қандай? Янги романинг нима бўлди, силжий деяптими?

– Эҳ, Наташа, ҳозир роман эсга келадими? Нима бўларди менинг ишим – бир нав, бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар. Менга қара, Наташа, сенинг келишингни у талаб қилдими?

– Йўқ, у эмас, кўпроқ мен. У ҳам айтди-ю, лекин кўпроқ ўзим... Кўряпсанми, азизим, мен ўзим ҳаммасини сенга гапириб бераман; уни бадавлат ва зоти баланд қариндош-уруғлари тагли-тугли, зотли бир қизга унаштиряпти. Унинг отаси албатта ўша қизга уйланишини хоҳлайди, биласан-ку отаси ўлгудек айёр одам, мана шундай жойни қўлдан бой берармиди у, шунинг учун ҳамма чораларни ишга соляпти. Таниш-билиш... пул... қиз жуда соҳибжамол, ўқиган, хушфеъл, барно эмиш. Алёшанинг ҳам унга кўнгли бор. Бунинг устига отаси ўзи уйланиш учун уни тезроқ бўйнидан соқит қилмоқчи, шунга кўра, князь нима бўлса ҳам ўғли билан менинг орамизни бузишга аҳд қилган. У мендан, менинг Алёшага таъсирирдан кўрқади...

– Ҳали князь, – сўзини бўлдим таажжубланиб, – сизларнинг ишқ-муҳаббатингиздан хабардорми? У фақат шубҳа қиларди, шунда ҳам ишончи комил эмасди.

– Билади, ҳаммасини билади.

– Ахир унга ким айтибди?

– Алёшанинг ўзи яқинда гапириб берибди. Отасига гапириб берганини ўзи менга айтди.

– Эй Худо! Ўзи нима бўляпти ахир! Шундай бир пайтда ўзи гапириб бергани нимаси?..

– Уни қоралама, Ваня! – сўзимни бўлди Наташа. – Масхара қилма! Бошқалар сингари уни ҳам қоралаб бўлмайди. Адолат билан айтганда, у сен ва менга ўхшаш эмас. У ҳали бола, уни бошқача тарбия қилганлар. У қилаётган ишига тушунармиди? У шундай одамки, агар бир дақиқа илгари онг ичиб туриб бир ишни қилишга аҳд қилган бўлса, бирдан айниб қолаверади. У ниҳоятда лақма. Мана у сенинг олдингда қасам ичади-ю, шу куннинг ўзида астойдил бошқага самимий кўнгил бера олади; тағин ўзи келиб ўз оғзи билан шуни гапириб беради. Ножўя ишдан ҳам тоймайди. Лекин ана шу ножўя турмуши учун уни айблаб бўлмайди, аксинча, унга ачиниш керак. У ўзини фидо қилиш қобилиятига ҳам эга, қурбон қилганда қандок! Бу ҳам фақатгина янги бир таассуротгача; шунда у яна ҳамма нарсани унутиб юборади. Доимо унинг ёнида бўлмасам мени ҳам унутади. Мана у қанақа одам!

– Эй, Наташа, балки бу гаплар ҳаммаси нотўғридир, шунчаки миш-миш бўлса керак. Шу ёш болага уйла-нишни ким қўйибди!

– Сенга отасининг аллақандай режалари бор, дедим-ку!

– Бўлмаса, қайлиғининг чиройлилигини ва унга шайдолигини қаёқдан билдинг?

– Ахир унинг ўзи менга гапириб берди-ку!

– Нима, нима? Ўзи бошқа бировни сева олишини айтиб, тағин ўзи сендан энди шундай фидокорлик талаб қилдимми?

– Йўқ, Ваня! Сен уни билмайсан. Сен уни яхши танимайсан. Уни яқиндан танигандан кейингина орқасидан гапириш керак, дунёда унинг қалбидек ростгўй ва пок қалб йўқ! Хўш? Ёлғон гапиргани яхшимиди? Қизга кўнгил қўйгани рост, агар мен у билан бир ҳафта кўришмай қолдимми, бўлди, у мени эсидан чиқаради-ю, бошқани севади-қолади. Кейин мени қайта кўрса, яна оёқларимга

бош уради. Йўқ! Ўша мендан ҳеч нарса яширмаганини билганим яхши, бўлмаса мен шубҳа қилавериб, ўлиб бўлардим. Ҳа, Ваня! Мен шу қарорга келдим: агар мен доимо, ҳамини ёнида бўлмасам, бир дақиқа ёнидан силжисам, мендан кўнгли совийди, мени унутди, ташлаб кетади. Ҳа, у шунақа; ҳар қанақа бошқа қиз уни ўзига оғдириб ола билади. Унда мен нима қиламан? Бу мен учун ўлимдан оғир. Ўлиш нима деган сўз! Ҳозир ҳам ажал келса розиман. Аммо усиз ҳаёт кечириб мен учун ўлимдан ҳам, дунёдаги барча азоблардан ҳам оғир. О, Ваня, Ваня! Ахир бир сабаб борки, мана уни деб ота-онамдан кечдим. Менга панд-насихат қилма, ҳаммаси ҳал бўлган! У ҳар соат, ҳар дақиқа менинг ёнимда бўлиши керак; мен қайта олмайман, биламан, мен ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам хароб этдим... Эҳ, Ваня! – қичқириб юборди у бирдан ва аъзойи баданини қалтироқ босди. – Ростдан ҳам мендан кўнгли совиган бўлса-я! Ҳозир у ҳақда гапирган гапинг тўғри бўлиб чиқса-я (мен ҳеч нарса деганим йўқ эди), у мени алдаб юрган бўлса-я, ўзини росттуй, самимий кўрсатиб, аслида ярамас, мақтанчоқ одам бўлиб чиқса-я! Мана мен ҳозир сенинг олдинда уни ҳимоя қиляпман, у бўлса эҳтимол, шу тобда бошқа биландир, ўзича кулаётгандир... Мен-чи... мен ҳаммани ташлаб кўчаларда уни қидириб юрибман... Эҳ, Ваня!

Унинг кўксидан отилиб чиққан бу ноладан менинг юрак-бағрим эзилиб кетди. Наташанинг ихтиёри тамоман кўлидан кетганини тушундим. Фақат авжига чиққан кўр-кўрона рашккини уни мана шу тентакларча қарорга олиб келган. Бироқ менинг қалбимда ҳам рашк ўти алангаланиб бормоқда эди, мен ўзимни тутолмадим: ярамас бир туйғу эгаллаб олди мени.

– Наташа, – дедим мен, – мен фақат бир нарсага тушунолмаيمان: сен қандай қилиб ҳозир ўзинг шу гапларни гапириб туриб, тагин уни сева оласан? Уни ҳурмат қилмайсан, ҳатто унинг севгисига ҳам ишонмайсан, шунга қарамай, ўзинг яна уникига кетяпсан,

уни деб ҳаммани куйдириб адои тамом қиласан? Бу қанақаси ахир? У сени умрбод қийнайди, сен ҳам жонига азоб берасан. Уни ҳаддан ташқари сеvasан, Наташа, ҳаддан ташқари. Мен бунақанги муҳаббатга тунунмайман.

– Ҳа, ошиқи беқарорман, – жавоб берди у бир ери қаттиқ оғриётгандек оқариб кетиб, – мен сени ҳеч қачон шунчалик севган эмасман, Ваня. Ахир девона бўлаётганимни, бунақанги севиш яхши эмаслигини ўзим ҳам биламан. Ёмон яхши кўраман уни... Менга қара, Ваня, ахир мен бошдаёқ, энг лазиз дақиқаларимизни кечираётганимиздаёқ у менга азоб-уқубатдан ўзга ҳеч нарса кўрсатмаслигини сезиб турардим. Унинг берган азоби менга бахт бўлиб туюлса нима қилай? Ундан роҳат кўраман деб кетяпманми? У билан ҳол-аҳволим нима кечишини, қанчалик азоб чекишимни олдиндан билмайди, деб ўйлайсанми, ахир у сени севаман, деб қасам ичди, ваъдалар берди, мен бўлсам унинг ваъдаларидан бирортасига ҳам ишонмайман, уларни икки пулга ҳам олмайман, алдашини, алдамай тура олмаслигини билиб турсам ҳамки, ишонмаганман. Мен ўзим унга сени банд қилиб олишни хоҳламайман, деб айтганман. Унга шу яхши: тушовни ҳеч ким ҳам яхши кўрмайди, ҳаммадан бурун ўзим. Ҳар ҳолда мен жон-жон деб ўз ихтиёрим билан унга қул бўлишни истайман, ҳар қанақа жабр-ситамларга бардош бераман. Фақат у мен билан бирга бўлса, мен унинг дийдорига тўйсам! Майли, у бошқа бировни севсин, фақат менинг олдимда, мен унинг қошида бўлсам бас!.. Ахир бу қандай разиллик, Ваня?.. – сўради бирдан менга аллақандай ўтли нигоҳ ташлаб. Бир зум назаримда у худди алаҳлаётгандек бўлди. – Ахир буни ишаш қандай разиллик? Нима қилай? Разиллик деб ўзим айтяпман, башарти, у мени ташлаб кетса, мен унинг орқасидан жаҳаннамга ҳам бораман, қувласа ҳам, ҳайдаса ҳам бораман. Сен бўлсанг мени ҳозир қайт деб қистаяпсан, бундан нима чиқарди? Бугун қайтсам,

эртага тагин кетаман, буюрдими – кетаман, итни чақир-
гандек битта хуштак чалса, орқасидан чоғиб кетаман...
Азоб эмиш! Мен ҳеч қанақа азобдан қўрқмайман! Мен
унинг дастидан жафо чекаётганимни биламан... Оҳ,
Ваня, айтсам адо булмайди!

«Отаси-чи, онаси-чи? – деб ўйладим мен, – уларни
батамом эсидан чиқариб қўйган кўринарди».

– Сенга уйланмас экан-да, Наташа?

– Ваъда қилди, ҳаммасини ваъда қилди. Ахир у эрта-
гаёқ шаҳардан чеккароқ ерда яширин никоҳ ўқиттириш
учун мени бу ерга чақирди-да. Эй, ўзи нима қилаётгани-
ни билмайди ҳам. Балки у никоҳ қанақа қилиб ўқилиши-
ни ҳам билмаса керак. Қанақа эр бўлади! Кулгиси келади
кишининг. Уйланса бебахт бўлади, миннат қилаверади...
Мен бўлсам ҳеч қачон, бирор сўз билан миннат қилиш-
ни истамайман. Жонимни беришга ҳам тайёрман. У ҳеч
нарса қилмаса ҳам, майли. Модомики уйланиб бебахт
бўлса, нега уни бахтсиз қилишим керак?

– Йўқ, бу қанақадир бир гирдоб, Наташа, – дедим мен.
– Хўш, энди сен тўғри унинг олдига бормоқчимисан?

– Йўқ, у бу ерга келишга ваъда берган... Мени олиб
кетиш учун... келишиб қўйганмиз.

У зориқиб узоқларга қаради, лекин ҳеч ким кўрин-
масди.

– Ҳалигача ундан дарак йўқ! Сен ундан олдин ке-
либсан! – дедим мен тутақиб. Наташа зарб егандек
гандираклаб, юзи аламдан тиришиб кетди.

– Эҳтимол, бутунлай келмас, – деди у аччиқ кулги
билан. – Икки кун бундан илгари у менга хат ёзиб, агар
келишга сўз бермасам беихтиёр ўз қароридан – никоҳ
ўқитишдан воз кечишга мажбурлигини, отаси уни
қайлиғникига олиб кетишини баён этган эди. Оддий
сўзлар билан шундай табиий ёзганки, гўё ҳеч гап йўқ-
дек... Ростдан ҳам уникига кетган бўлса-я, Ваня?

Мен индамадим. У менинг қўлимни қаттиқ қисди,
кўзлари чақнаб кетди.

– Қайлиғиникида у, – деди Наташа эшитилар-эшитилмас. – Менинг бу ерга келмаслигимга ишониб, олдиндан, танбеҳлаб қўйган эди-я, ўзинг келмадинг, айб ўзингдан дейиш учун шундай ёзган. Мен унинг кўнглига тегдим. Шунинг учун ўзини олиб қочяпти... Ё Раббий! Девона бўлдим мен! Ахир унинг ўзи охирги кўришганимизда «кўнглимга урдинг», деди-ку... Нимага кутяпман!

– Ана у! – бақриб юбордим мен бирдан Алёшанинг қирғоқ ёқалаб келаётганини кўриб.

Наташа ирғиб тушди, чинқриб юборди. Яқинлашиб келаётган Алёшага тикилиб туриб бирдан менинг қўлимни қўйиб юборди-да, унга қараб югурди. У ҳам қадамини тезлатди, бир дақиқа ўтар-ўтмас Наташа унинг кучоғига отилди. Кўчада биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Улар ўпишарди, кулишарди, Наташа, гўё узоқ жудоликдан сўнг кўришгандек ҳам кулиб, ҳам йиғларди. Наташанинг рангсиз ёноқларига қизил югурди. У эс-хушини йўқотгандек эди... Алёша мени кўриб қолди-ю, дарров олдимга келди.

IX БОБ

Гарчи мен уни шу дақиқагача кўп маротаба кўрган бўлсам ҳам, унга суқланиб тикилдим; гўё унинг боқиши кўнглим муаммоларини ҳал этиб берадигандек, кўзларига боқардим, қандай қилиб, нима билан шу тирмизак Наташани ўзига шундай мафтун эта олган, олий бурчини ҳам унуттириб, Наташада у учун шу вақтгача муқаддас бўлган ҳамма нарсани телбаларча қурбон этиш даражасига олиб келган муҳаббатни туғдира олган? Князь мени икки қўлимдан ушлаб қаттиқ сикди, мулойим ва тиниқ кўзларининг нингоҳи қалбимни мумдек эритди.

Мен душманам деб билганлигим туфайли, у ҳақдаги хулосаларимнинг хато бўлиши мумкинлигини сездим. Дарҳақиқат, мен уни ёмон кўрардим, афсуски, уни танийдиганлар орасида, эҳтимол, фақат менгина уни ҳеч

қачон яхши кўролмасам керак. Унинг кўп хислатлари, ҳатто хушбичим қомати ҳам менга мутлақо ёқмасди. Бунинг сабаби балки унинг аллақандай ҳаддан зиёд зеболиги бўлса керак. Бора-бора, бу тўғрида ҳам янглиш хулосага келганимни тушундим. У баланд бўйли, қадди-қомати келишган, нозик, юзи узунчоқроқ, ҳамиша рангпар, малла сочили йигит эди. Унинг катта-катта мулойим ва ўйчан мовий кўзларида баъзан софдиллик ва болаларга хос шўхлик учқуни порлаб кетарди. Қалингина, кичкина ёқут лаблари бежирим, деярли ҳамма вақт аллақандай жиддий буришиб турарди, лабларида бирдан мавж урадиган, содда, соф ва кутилмаган табассум шунчалик жозибадор эдики, сиз ҳам қандай руҳий ҳолатда бўлманг, унга эргашиб, худди унинг табассумига жавобан табассум этиш заруриятини ҳис этардингиз. У ўзига унчалик оро бермас, лекин нафосат билан кийинарди, табиати нозик бўлгани учун бу унга осонлик билан муяссар бўлар эди.

Тўғри, унда ҳам бир қанча ёмон қилиқлар, яхши деб ҳисобланган ярамас одатлар, чунончи, тенгилтаклик, манманлик, мулойим сурбетлик хислатлари бор эди. Бироқ у шу қадар ажойиб оққўнгил эдики, ўзининг шу хислатларга эга эканлигига иқрор бўлиб, ўзи пушаймон ерди ва улардан куларди. Назаримда, бу бола ҳеч қачон, ҳаттоки ҳазиллашиб ҳам ёлғон гапира олмаса керак, башарти, ёлғон гапирса ҳам унинг ярамаслигига шубҳа ҳам қилмаса керак. Ҳаттоки ундаги худбинликнинг ўзи ҳам қандайдир жозибадор, чунки у ичидан пишган писмиқ бўлмай, ростгўй эди. У сир сақлай олмасди. Ўзи бўшгина, оққўнгил, юраксиз, ирода деган нарсадан қатра ҳам йўқ. Уни хафа қилиш, алдаш, худди ёш болани хафа қилиш, алдаш билан баробар гуноҳ ва бундай қилишга кишининг кўзи қиймас эди. У ёшига нисбатан анча ғўр, оқни қорадан ажратолмасди, у ҳатто қирққа кирганда ҳам ҳаётнинг нималигини тушунмаса керак. Бу тахлитдаги одамлар одатда умрининг охиригача ҳам шундайлигича

қолаверадилар. Назаримда, уни яхши кўрмайдиган одам бўлмаса керак. У ҳар кимга ёш боладек эркаланиб суйкалиб кетаверади. Наташа тўғри айтган экан. У бирор кишининг сўзига лақиллаб, ярамас иш қилиб қўйиши ҳам мумкин, бироқ қилинган иши ярамаслигини сезиб қолса, пушаймон еявериб ўлиб бўлади. Наташа унинг соҳибаси, маликаси бўлишини, ўзи учун унинг жон фидо қилишини юракдан сезарди. Наташа бениҳоя севишини, севган кимсасини жонидан ортиқ севгани учун уни қийнаб лаззатланишини сезарди, балки шунинг учун ҳам биринчи бўлиб ўзини шу йигит кучоғига отгандир. Бироқ Алёшанинғ кўзларида ҳам севги порлар, Наташага маҳлиё бўлиб тикиларди. Наташа шодлик билан менга қараб қўйди. Шу тобда у ҳамма нарсани – ота-онасини ҳам, хайрлашишни ҳам, шубҳаларини ҳам унутиб юборди. У бахт кучоғида маст эди.

– Ваня! – деди у. – Мен унинг олдида айбдорман, мен арзимайман унга! Мен энди келмассан ҳам деб ўйлагандим, Алёша. Ёмон ўйларга борувдим, мени кечир, Ваня! Гуноҳимни ювиб юбораман! – қўшиб қўйди у ниҳоясиз бир меҳр билан унга тикилиб. Алёша табассум қилди, Наташанинғ қўлидан ўпди ва унинг қўлини қўйиб юбормай, менга қараб гапирди:

– Мени ҳам айбламанг. Қачонлардан бери мен сизни туғишган акамдек кучоқлашни истардим; у сиз ҳақингизда жуда қўп гапирган! Биз сиз билан шунча вақтдан бери энди танишдик, негадир дўстлашолмадик. Дўст тутинамиз... бизни кечиринг, – деди у паст овоз билан, салгина қизариб. Бу сўзларни шундай ажойиб табассум билан айтдики, мен ҳам унинг илтифотига бутун қалбим билан жавоб қайтаришдан ўзимни тиёлмадим.

– Ҳа, ҳа, Алёша, – деб гапга аралашди Наташа, – у бизнинг акамиз, у бизни аллақачон кечирган, биз ҳам усиз бахтиёр бўлолмаймиз. Мен сенга илгари ҳам айтган эдим... Эҳ, қанчалик шафқатсизмиз, Алёша! Бироқ энди

учаламиз яшаймиз... Ваня! – деб ганида давом этди у-ва лаблари титраб кетди. – Мана энди сен уларникига – уйга қайтиб борасан. Шунчалик ажойиб қалбли одамларки, сенинг кечирганингни кўриб, улар ҳам гуноҳимдан ўтмасалар ҳамки, бир оз кўнгиллари юмшаши эҳтимол... Мени ҳимоя қил, азизим, кутқар мени. Уларга бор гапни ўзинг тушунганингдек қилиб гапир. Биласанми, Ваня, агар шу бугун ёнимда бўлмасанг, балки мен бу ишга журъат этолмасдим ҳам! Сен менинг паноҳимсан, сени кўрибоқ кўксимда умид уйғонди, негаки, сен уларга тушунтириб, ҳеч бўлмаганда улар учун энг мудҳиш бўлган дастлабки зарбани юмшата оласан. Эй, Худо! Эй, Тангрим!.. Уларга гапимни айт, Ваня, биламан, энди мени афв этиб бўлмайди – улар кечиргани билан Худо кечирмайди. Аммо на чораки, улар мени «оқ» қилган тақдирда ҳам мен уларнинг ҳаққига дуо ўқийман ва умр бўйи ибодат қиламан. Фикр-хаёлим уларда! Эҳ, нега ҳаммамиз бирга бахтли эмасмиз! Нега, нега?.. Раббий! Нима гуноҳ қилдим мен! – қичқириб юборди у бирдан худди ҳушига келган кишидек ва даҳшатдан аъзойи баданини титроқ босиб, юзиини қўллари билан беркитиб олди. Алёша уни кучоқлади-да, индамай бағрига қаттиқ босди. Орага сукунат чўкди.

– Сиз ҳам кўра била туриб, шу ишга ундагансиз-а! – дедим мен таъна билан Алёшага қараб.

– Мени айбламанг! – такрорлади у. – Ишонинг, бу бахтсизлик, гарчи ниҳоятда зўр бўлса-да, бир дақиқагагина чўзилади, холос. Мен бунга батамом аминман. Фақат мана шу дақиқани ўтказиш учун матонат керак, холос; Наташа ҳам менга шуни айтганди. Биласизки, буларнинг ҳаммасига сабаб ўша оилавий мутакаббирлик, анави ҳеч кераги бўлмаган жанжаллар, тағин қандайдир можаролар!.. Бироқ... (мен бу ҳақда жуда кўп ўйлаганман, ишонинг) булар ҳаммаси бир ёқли бўлади. Биз ҳаммамиз тағин топишиб кетамиз, шунда бахтли, саодатли бўламиз, бизни кўриб қарияларимиз ҳам ярашиб кетишади. Ким билади, балки худди бизнинг никоҳимиз уларнинг

ярашиб қетишига сабаб булар. Менимча, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Сиз нима деб ўйлайсиз?

– Никоҳ дейсиз. Қачон никоҳ ўқиттирмоқчисиз? – деб Наташага қараб кўйдим.

– Эрта ёки индинга, узоғи билан албатта индинга. Мана кўряпсизми, мен ўзим ҳали яхши билмайман, ростини айтсам, ҳали унча тайёргарлингим ҳам йўқ. Наташа балки ҳали бугун келмас деб ўйловдим. Бунинг устига отам мени албатта бугун қайлиқникига олиб бормоқчийди (мени унаштиряпти, Наташа сизга айтганмиди, лекин мен хоҳламайман). Шундай қилиб, мен ҳаммасини ҳисобга ололганим йўқ. Бироқ ҳарқалай, индинга ўқиттирсак керак. Ўзимча шундай деб ўйлаяпман, негаки, ахир бошқа иложи ҳам йўқ-да. Эртагаёқ биз Псков йўлига равона бўламиз. Маъна шу яқин қишлоқда ўртоғим бор, лицейда бирга ўқиганмиз, жуда яхши одам, балки уни сиз билан таништирарман. Ўша қишлоқда поп ҳам бор, лекин аниқ билмайман, борми, йўқми. Аввалроқ аниқлаш керак эди, лекин улгурмадим. Бундай қараганда булар ҳаммаси майда гаплар. Энг муҳими ҳал бўлса бўлди. Ахир шу ён атрофдаги бирор қишлоқдан поп чақирсак бўлаверади-ку, а, сиз нима деб ўйлайсиз? Ахир ўша ерда ҳам қўшни қишлоқ бор-ку! Фақат, афсуски, мен шу чоққача бир парча қоғоз ёзиб юборишга улгурмадим, огоҳлантириш зарур эди. Худо билсин, ўртоғим ҳам уйидами, йўқми... Бироқ булар ҳам арзимаган гаплар! Жасорат бўлса бас, қолгани ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаверади, тўғри эмасми? Ҳозирча эртага ёки жуда нари борса индингача у меникида туриб туради. Мен ижарага квартира олдим, у ердан қайтиб келганимиздан кейин ҳам шу ерда турамиз. Мен энди отамникига бормамайман. Тўғрими? Сиз келиб турасиз, жуда яхши ўрнашдим. Уйимизга лицейда бирга ўқиган ўртоқларим қелиб туришади, зиёфат бериб тураман...

Мен эсим оғиб, юрагим сиқидиб унга тикилардим. Наташа эса кўзи билан уни айбситма, мурувват қил, де-

гандек бўларди. Наташа унинг гапларини аляқандай ғамгин жилмайиш, шу билан бирга, худди шу маъсум болани гапиртириб қўйиб, унинг телба-тескари ширин гапларига қулоқ солгандек махлиё бўлиб тинглар эди.

Мен унга таънаомуз қарадим. Диққатим ошиб, ҳеч нарса юрагимга сиғмай кетди.

– Отангиз-чи? – сўрадим мен. – У кечиради деб ишонасизми?

– Шак-шубҳасиз! Нима ҳам қила оларди? Наридан борса у мени «оқ» қилади, турган гап. Отам шунақа одам, мени қаттиқ ушлайди. Балки ҳали бирор кишига устимдан шикоят ҳам қилар, ҳарқалай, отам ўз ҳукмини ишлатмай қўймайди. Лекин булар ҳаммаси пўписа... У мени жонидан ортиқ севади, жаҳлдан тушиб, гуноҳимдан ўтади. Шунда ҳаммалари ярашиб кетишади, ҳаммамиз бахтиёр бўламиз. Наташанинг отаси ҳам.

– Борди-ю, кечирмаса-чи? Бу тўғрида ўйлаб кўрингизми?

– Ҳеч шубҳасиз, кечиради, лекин дарров эмас. Ҳўш, нима бўпти? Мен унга менда ҳам ўз характерим борлигини кўрсатиб қўяман. У ҳадеб мени лапашангсан, енгилтаксан, деб уришаверади. Мана, энди у енгилтак-енгилтакмаслигимни куриб қўйсин. Ахир оилали бўлиш ҳазилакам гап эмас, ўшанда мени ёш бола, демайди... яъни бошқалар қандай бўлса, мен ҳам шундай бўламан, демоқчиман... Ўз меҳнатим билан кун кўраман. Наташа, бизга ўхшаб бировнинг қўлига қарам бўлгандан ўз кунимизни ўзимиз кўрганимиз яхши, дейди. Билсангиз эди, Наташа менга қанча яхши насиҳатлар қилади. Менинг бундай гапларга ҳеч қачон ақлим етмасди ҳам. Мени бундай тарбия қилган эмаслар. Рост, енгилтаклигимни, ҳеч нарсага уқувим йўқлигини ўзим ҳам биламан, аммо биласизми, бундан уч кун илгари миямга ажойиб бир фикр келди. Гарчи ҳозир вақти бўлмаса ҳамки гапириб бераман, ахир Наташа ҳам эшитиши керак-ку, сиз бўлсангиз бизга маслаҳат берасиз. Гап шундоқ: мен қис-

салар ёзмоқчиман ва худди сизга ўхшаб журналларга сотмоқчиман. Сиз мени журналистлар билан таништирасиз. Тўғрими? Мен сизга ишониб, кеча туни билан битта роман уйлаб чиқдим. Шунчаки, ўзимни бир синаш учун. Биласизми, туппа-тузук нарса чиқиши мумкин экан. Сюжетини Скрибнинг бир комедиясидан олдим... Майли, кейин гапириб бераман. Энг кераклиги унга пул тўлайдилар. Сизга тўлашади-ку, а?

Мен ўзимни кулгидан тухтата олмадим.

- Куласиз-да, - деди у ҳам илжайиб, - йўқ, менга қаранг, - кўшиб кўйди ниҳоятда соддалик билан, - сизга шунақа кўринаман, тўғриси, жудаям идроклиман. Мана ўзингиз кўрасиз. Бир ўриниб кўрай-чи, бирор нарса чиқиб қолар... Лекин бир томондан сиз ҳақлисиз ҳам. Ахир мен ҳақиқий ҳаётни билмайман, буни менга Наташа ҳам айтади, ҳамма ҳам гапиради, мендан қанақа ёзувчи чиқарди, а? Кулинг, а, кулинг. Ишга ўргатинг бунинг ўрнига! Ахир бу ҳаммаси Наташа учун, сиз бўлсангиз уни яхши кўрасиз, сизга тўғриси айтсам, мен унинг тирноғига ҳам арзимайман; мен буни сезаман, менга жуда оғир, нега мени шунчалик севиб қолганига ҳайронман. Назаримда мен унга жонимни ҳам беришга тайёрман! Ростини айтсам, мен шу дамгача ҳеч нарсадан кўрқмаган эдим, энди кўрқяпман, а! Қандай ишни бошлаб кўйдим, а! Эй танграм! Наҳотки, одам ўз бурчига содиқ бўлган бир пайтда, ўша бурчини адо этиш учун аксига ўзида куч ва матонат топмайди? Ҳеч бўлмаса сиз бизга ёрдам қилинг, дустимизсиз-ку! Бизга дўст бўлган битта сиз қолдингиз. Мен битта ўзим ниманинг фаҳмига етаман? Кечиринг, сизга шунчалик суянаётибман, мен сизни энг олижаноб одам деб ҳисоблайман, мендан ўлсангиз ўлингиз ортиқ. Декин хотиржам бўлинг, мен тузаламан ва ҳурматингизга сазовор бўламан.

Шуни деб у яна қўлимни қисиб кўйди. Унинг чиройли кўзлари меҳр билан порлади. У менга чиндан ҳам ихлос қилар, дўст бўлишимга астойдил ишонарди.

- Наташа тузалишимга ёрдам беради, - давом этди у. - Тагин биз ҳақимизда ярамас фикрларга келиб юрманг, бизни ўйлаб унча хафа ҳам булманг. Ҳар ҳолда умидларим зўр, иқтисодий томондан ҳам таъминланамиз. Мен масалан, романдан ҳеч нарса чиқмаса ростини айтсам, ўзим ҳам роман ёзиш беҳуда гаплигини фаҳмлаб қолдим. Энди шунчаки, сизнинг фикрингизни олиш учун гапирдим (қўйдим-да), мусиқадан дарс бера оламан-ку. Мусиқадан хабарим борлигини билармидингиз? Кейин бундай меҳнат билан яшашга ор қилмайман. Бу масалада мен янгича фикрдаман. Ундан ташқари, менда жуда кўп қимматбаҳо майда-чуйда нарсалар, туалет буюмлари бор. Уларнинг менга нима кераги бор? Мен шуларни сотаман. Биласизми, у бизга қанча вақтга етади? Жуда зўр келса ишга кираман. Отам ҳам хурсанд бўлади. Чунки у мени ҳамма вақт ишлагин, деб қўймайди. Мен касалман деб баҳона қиламан (ҳа, айтгандек, қандайдир идорага ёзилиб қўйганман). Отам уйланиш менга фойда берганини, қуйилиб қолганимни, чиндан ҳам хизмат қилаётганимни кўрса, севишиб кетиб гуноҳимдан ўтади...

- Алексей Петрович, энди отангиз билан Наташанинг отаси ўртасида қандай ҳангомалар юз беришини ўйлаб кўрдингизми? Бугун кечқурун уларнинг уйида нималар бўлишини ўйлайсизми? - дедим мен уларни аямай, бу сўзларимдан аъзойи бадани музлаб кетган Наташани кўрсатиб.

- Рост, рост, сиз ҳақлисиз, жуда хунук иш, - деди Алёша. - Ўйлайвериб ич этимни едим... Аммо на чора? Лекин сиз тўғри айтяпсиз. Ҳеч бўлмаса, унинг ота-онаси кечирисайди бизни! Билсангиз эди, мен уларни қанчалик севишимни! Ахир улар менга ўз ота-онам билан баробар а, мана энди мен кўрнамақдан келаётган иш!.. Эй Худо, шу жанжаллар, адоватлар бўлмаса, нима бўларди! Айтсам балки ишонмасиз, биз учун бу воқеа қанчалик кўнгилсиз! Нега ахир уришаверишаркан! Бир-биримизни шунчалик севишимизга қарамай, уришамиз! Ярашиб қўя қо-

лишса-ку, олам гулистон! Мен уларнинг ўрнида бўлсам, шундай қилардим. Сўзларингиз мени даҳшатга соляпти. Наташа, биз нималар қиляпмиз-а! Мен аввал ҳам сенга айтган эдим... Узинг мени кўярда қўймайсан... Менга қаранг, Иван Петрович, балки ҳамма ишлар жойида бўлиб кетар, а, сиз нима деб ўйлайсиз! Ахир бир кунмас бир кун улар ярашадилар-ку! Биз уларни яраштирамиз. Бу муқаррар шундай бўлиши керак. Улар бизнинг муҳаббатимизга қарши туrolмайдилар... Майли, улар бизни «оқ» қилсинлар, лекин барибир биз уларни севамиз. Улар чидаб туrolмайдилар. Айтсам ишонмайсиз, баъзан отам жуда раҳмдил бўлиб кетади. Кўринишидан шундай бадқовоқ бўлгани билан, кўп масалаларда у жуда ақли одам. У бугун мен билан жуда мулойим гаплашди, бир кўрсангиз эди. Мени гапга кўндирмоқчи бўлди. Мен бўлсам шу бугуннинг ўзидаёқ унга қарши чиқяпман, энди ўзим хафаман. Ҳамма гап мана шу ярамас бидъатлар туфайли! Жинни бўп кетасан! Эй, Худо, у Наташани бир кўрсайди, ярим соатгина у билан суҳбатлашсайди, шу суҳбатнинг ўзиёқ бизга рухсат бериб юборар эди, – шундай деб у Наташага меҳр-муҳаббат билан қараб қўйди.

– Мен ўзимча минг мартадан ширин хаёлларга бериламан, – деб яна валдираб кетди Алёша. – Отам Наташани бир кўрса бас, севиб қолади. У ҳаммани ҳайрон қолдиради. Ахир улар ҳеч қайсиси умрида бундай қизни кўришмаган. Отамнинг назарида у оддийгина, фитнесчи бир қиз бўлиб кўринади. Менинг вазифам – уни исноддан қутқариш, шуни қиламан ҳам! Эй, Наташагинам, мана кўрасан, сени ҳамма яхши кўриб қолади. Сени севай бўладими? – қўшиб қўйди завқ билан. – Мен сенинг бир тола сочингга арзимасам ҳам, сен мени сев, азизим! Мен... Мен бўлсам ўзинг биласан-ку мени! Бизнинг бахтимиз учун кўп нарса керакми? Йўқ, мен ишонаман, ишончим комилки, бу оқшом ҳаммамизга бахт, тинчлик ва тотувлик келтиради! Илоҳим, айтганим келсин! Шун-

дайми, Наташа? Сенга нима бўлди? Ё Раббий, сенга нима бўлди, Наташа?

Наташа мурдадек оқариб кетган эди. Алёша тинмай вайсаётганда, Наташа унга тикилиб қолган эди; унинг кўзлари тобора хиралашиб нурсизланиб борар, юзи эса борган сари оқараверди. Назаримда, у ҳозир ҳеч нарса ни эшитмас, эс-хушидан айрилгандек эди. Алёшанинг баланд овози уни уйқудан уйғотгандек бўлди, у хушига келиб, атрофга қаради ва бирдан узини менга ташлади. Алёшадан яширгандек титроқ қўллари билан шошилганича чўнтагидан мактуб чиқариб, менга узатди. Бу, чолу кампирга олдиндан ёзиб қўйилган мактуб эди. Мактубни узата туриб, у менга тикилиб боқди. Умидсизликни ифодаловчи бу боқишни ҳеч қачон унутолмайман. Вужудимни ваҳима босди. У ўз қилмишининг мудҳиш эканлигини эндигина тушуниб етганини кўрдим. У менга нимадир айтмоқчи бўлди, нимадир деди-ю, бирдан хушидан кетди; мен уни ушлаб қолдим. Алёша кўрққанидан бўздек оқариб кетди. У Наташанинг чаккаларини ишқар, қўлларидан, лабларидан ўпар эди. Бир-икки дақиқадан сўнг у ўзига келди. Нарироқда Алёша тушиб келган карета турар эди. Каретани чақирди. Наташа унга чиқа туриб қаттиқ ҳаяжон ва саросима билан қўлимни ушлаб олди, қайноқ кўз ёши бағримни куйдирди. Карета кўзгалди. Мен анчагача қоққан қозикдек турган еримда қотиб қолдим. Шу дақиқада менинг бутун бахтим, ҳаётим барбод бўлди. Мен буни қалбимда алам билан сездим. Аста-аста юриб келган йўлимга, чолу кампир олдига жўнадим. Уларникига қандай киришимни, шумхабарни қандай қилиб уларга айтишимни билмасдим... Фикрларим чувалишар, оёқларим чалкашарди.

Мана, қора бахтимнинг бор-йўқ тарихи шу. Менинг муҳаббатим шу билан тугади. Энди бўлиниб қолган ҳикояни давом эттираман.

Смит вафотидан беш кун ўтгандан кейин мен унинг уйига кўчиб келдим. Шу куни юрагим ғаш тортиб юрди. Ҳаво булут, кун совуқ эди, ёмғир аралаш ҳўл қор ёғиб турар эди. Фақат кечга бориб бир дақиқагина куёш кўринди, қандайдир бир нур қизиқсингандай адашиб уйимга муралаб кўйди. Мен бу ерга кўчиб келганимдан пушаймон қила бошладим. Хона ўзи каттагина бўлса-да, шифти пастаккина, ҳамма ёқни ис босиб кетган, намиққан ва унда-мунда жиҳоз бўлишига қарамай, кўнгилсиз, бўмбўш эди. Ўша замон мен бу уйда саломатлигимни энди батамом йўқотишимга ақлим етди. Худди шундай бўлди.

Шу куни эрталаб қоғозларимни титиб, уларни тартибга солиш билан овора бўлдим. Портфелим бўлмаганлиги учун мен уларни ёстиқ жилдида олиб келган эдим, ҳаммаси ғижимланиб аралаш-куралаш бўлиб кетибди. Кейин ёзишга ўтирдим. Мен ўша катта романимни ёзаётган эдим; лекин яна кўлим ишга бормади, хаёлим бўлинди.

Мен перони ташлаб, дераза ёнига келиб ўтирдим. Қоронғи тушмоқда. Қоронғилик билан бирга хафалигим ҳам ошиб бормоқда эди. Ҳар хил оғир фикрлар хаёлимни чулғаб олган эди. «Петербургда хароб бўлман шекилли, баҳор яқинлашиб келмоқда. Мана бу катакдан Худонинг ёруғ дунёсига чиқсанг-у, дала ва ўрмонларнинг ёқимли исларини мириқиб-мириқиб ҳидласанг, танларинг яйраб, кўнгил ором топарди... Қачонлар эди кўрганам уларни!..» деб ўйлардим. Эсимда бор, яна менинг хаёлимга шундай бир фикр келганди ўшанда: ажойиб бир мўъжиза юз берса-ю, кейинги йиллардаги кўрган-кечирганларимнинг барчаси унутилса, ҳаммаси эсдан чиқиб кетса, янги куч, ирода билан ҳаммасини бошидан бошласанг. Мен ўшанда шу орзуларга етишимга ишонардим. «Ҳеч бўлмаса, жиннихонага борсаммикин, – деган қарорга келдим, – ачиб кетган миям

шояд тузалса!» Ахир ҳаётга ташналик ва унга ишонч бор-ку!.. Бироқ эсимда бор, бу фикрлардан кулиб юбордим. «Жиннихонадан чиққандан кейин нима қиламан, наҳотки яна роман ёзишга ўтираман?...»

Орзулар, ғамлар билан вақтни кеч қилдим. Тун кирди. Шу оқшом биз Наташа билан кўришишга ваъдалашган эдик. У мени кечагина хат орқали боришимни ялиниб сўраган эди. Мен ўрнимдан ирғиб турдим-у, отлана бошладим. Бунингсиз ўзим ҳам шу уйдан бирор ёққа, ёмғир бўлса ҳам, шилта лой бўлса ҳам, чиқиб кетмоқчи бўлиб турувдим.

Қоронғи тушиши билан менинг хонам ҳам тобора кенгайиб бораётгандек туюларди. Назаримда, энди ҳар кеча уйнинг ҳар бурчагида Смит тургандек: у бир чеккада ўтириб, индамасдан худди қандолат дўкониди Адам Иваничга тикилгандек менга тикилади, унинг оёғи остида Азорка ётади. Худди шу дақиқада шундай ҳодиса юз бердики, мен таажубда қолдим.

Очиқчасига айтиб қўя қолай: асабларимнинг бузилишиданми, янги уйдаги таассуротларданми ёки яқиндагина бошимга тушган ғамданми, нима учундир қоронғи тушиши билан аста-секин ғалати руҳий ҳолатга туша бошлардим. Ҳозир касал маҳалимда ҳам кечалари тез-тез шу аҳвол юз берарди. Мен буни сирли ваҳима деб атайман. Бу ғоят оғир, кишининг юрагини олгувчи ваҳимаки, буни тил билан ифодалаш ҳам қийин. Бу шафқатсиз сирли даҳшат вужудингни ўраб, ақл-идрокингдан маҳрум қилиб, ақлнинг барча далилларини масхара қилгандек ҳақиқатга айланади-ю, олдимга келиб, ҳеч йўқотиб бўлмайдиган даражада аниқ бўлиб, қошимда туриб олади. Бу ваҳима одатда фаҳм-идрок далилларига қарамай тобора кучаяверади. Ниҳоят, ақл шу дақиқада ҳам равшан бўлишига қарамай, ҳисларга қарши туриш қобилиятидан бутунлай маҳрум бўлади. Мана шу иккиланишнинг ўзи, юракни ҳовучлаб кутишнинг ўзи даҳшатни янада кучайтиради. Менимча, ўликдан кўрқадиган одамлар-

да қисман мана шундай ҳиссиёт бўлса керак. Даҳшатнинг ноаниқлиги менга бешбаттар азоб беради.

Эсимда бор: мен эшикка орқамни ўгириб, столдан шляпамни олаётган эдим, шу дақиқа хаёлимга: «Ҳозир орқамга қайрилиб қарашим билан албатта Смитни кураман», деган фикр келди, у энг аввал эшикни секингина очади, остонадан туриб, ўйни кўздан кечиради, кейин астагина бошини эгиб киради, менинг рўпарамга келди-ю, хира кўзлари билан менинг кўзларимга тикилиб туриб, узоқ кулади, бу тишсиз одам овоз чиқармай шундай куладики, бутун жуссаси силкиниб кетади. Бу шарпа тўсатдан менинг тасаввуримда ҳаддан ташқари аниқ ва равшан тусга кира бошлади. Шу билан бирга, бирдан менда ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган ишонч пайдо бўлди. Бу ҳодиса содир бўлди ҳам, лекин эшикка орқа ўгириб турганим учун кўролмаб турибман, худди мана шу дақиқанинг ўзида, эҳтимол, эшик очилаётгандир. Мен шартта ўгирилдим. Ие, эшик бир дақиқа аввал тасаввур қилганимдек ҳақиқатан ҳам астагина очилди. Мен «вой!» деб юбордим. Эшк гўё ўзидан ўзи очилгандек... анчагача ҳеч ким кўринмади; бирдан остонада аллақандай, ғалати бир махлуқ кўринди, кимнингдир кўзлари менга қоронғида қаттиқ тикилиб боқар эди. Оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Қаттиқ даҳшат ичида остонада ёш бир қиз болани кўрсам бўладими – Худо ҳаққи, агар шу бемаҳалда мана бу кутилмаган нотаниш қиз бола эмас, Смитнинг ўзи остонада турган бўлса унча кўрқмаган бўлардим.

Мен ҳали айтган эдим, у худди киришга кўрққандек эшикни аста-секин очиб кирди. Киргандан кейин у остонада эс-хуши оғиб қолгандек ажабланиб менга узоқ қараб турди; ниҳоят, секин-аста олдинга икки қадам ташлади-ю, ҳеч нарса демасдан олдимга келиб тўхтади. Мен унга яқинроқ келиб қарадим. Бу ўн икки ёки ўн уч ёшлардаги паст бўйликкина, озгин, худди ҳозиргина оғир касалдан тургандек рангпар қиз эди. Катта қора кўзлари чакнардди. Чап қўли билан у кеч-

ки изғириндан совқотган кукрагини беркитиб турган эски йиртиқ рўмолини ушлаб турар эди. Унинг устидаги кийимининг азбаройи жулдурлигидан жанда деб атаса бўларди, қалин қора сочлари таралмаган, пахмоқ эди. Биз бир-биримизга бир-икки дақиқа тикилганимизча турдик.

– Бобом қани? – сўради у ниҳоят, кукраги ёки томоғи оғриётгандек эшитилар-эшитилмас бўғиқ овоз билан.

Бу саволни эшитишим билан менда кўрқувдан асар қолмади. У қиз Смитни сўраётган эди. Кутилмаганда унинг дарағи чиқиб қолди.

– У сенинг бобонг бўладими? Улиб қолди-ку! – дедим мен бирдан ўйламай-нетмай, кейин оғзимдан шу гап чиқиб кетганига ўзим пушаймон едим. Бир дақиқача у аввалги қиёфада турди, кейин шундай қаттиқ титрай бошладики, гўё хавfli бир асаб касали – тутқаноғи тутиб қоладигандек туюлиб кетди. Йиқилиб кетмаслиги учун уни ушламоқчи бўлдим. Бир неча дақиқадан сўнг у ўзига кела бошлади, лекин ўз ҳаяжонини мендан яшириш учун бор кучини туплашга ҳаракат қилаётганини аниқ кўрдим.

– Кечир, кечир мени, қизгинам! Кечир, болажоним! – дедим мен. – Бехосдан айтиб юбордим, балки ҳали у эмасдир. Бечорагинам... Кимни қидиряпсан? Бу ерда турган чолними?

– Ҳа, – шивирлади у зўрға, ташвиш билан менга термилиб туриб.

– Унинг фамилияси Смитмиди?

– Ҳ...ҳа!

– Ўша... ҳа, ўлди... Лекин хафа бўлма, жонгинам. Нега келмай юрувдинг? Ҳозир қаёқдан келдинг? Уни кеча кумдик. Тўсатдан ўлиб қолди. Хўш, сен унинг неварасимисан?

Қиз менинг шошиб-пишиб бераётган бетартиб саволларимга жавоб бермади. Индамасдан орқасига

Ўгирилди-ю, астагина уйдан чиқиб кетди. Мен шундай гангиб қолган эдимки, уни ортиқ ушлаб турмадим, бошқа ҳеч нарса сўрамадим ҳам. У остонада яна тўхтади ва менга ярим ўгирилганича:

– «Азорка» ҳам ўлдими? – деб сўради.

– Ҳа, «Азорка» ҳам ўлди, – жавоб бердим. Унинг саволи жуда ғалати туюлиб кетди. Гуё «Азорка» шубҳасиз чол билан бирга ўлиши кераклигига унинг ҳам ишончи комилдек эди. Жавобни эшитгандан кейин қиз эшикни астагина беркитиб, уйдан чиқиб кетди.

Бир дақиқача саросимада турдим-да, қизнинг орқасидан югурдим. Нега ахир қўйиб юбордим? У шундай секин чиқиб кетдики, мен ҳатто зина тепасидаги нариги эшикнинг қандай очилганини ҳам эшитмадим. Ҳали зинапоядан тушиб улгурмагандир, деб йўлакда тўхтаб, қулоқ солдим. Бироқ ҳамма ёқ жимжит, оёқ товуши ҳам эшитилмасди. Фақат қаердандир пастки қаватда эшик тарақлаб ёпилди ва яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Шошилиб пастга тушдим. Мен турадиган бешинчи қаватдан тўртинчи қаватгача айланма зина, тўртинчи қаватдан пастга тўғри зина билан тушиларди. Бу одатда кичик хонали катта биноларда бўладиган ифлос, қоп-қора ва ҳамма вақт қоронғи зиналардан бири эди. Шу тобда бу ер зим-зиё қоронғи эди. Тўртинчи қаватга тимирскиланиб тушганимдан кейин тўхтадим, негадир менга шу ерда кимдир бордек, кимдир яшириниб тургандек туюлди. Мен қўлим билан тимирскилана бошладим. Қиз шу ерда эди, бурчакда, деворга ўгирилиб олиб, пиқиллаб йиғларди.

– Менга қара, нимадан кўрқяпсан? – дедим. – Сени чўчитиб юбордим-а? Айб менда. Бобонг жон бера туриб, сен тўғрингда гапирди. Бу унинг охириги сузлари эди. Менда китоблари ҳам қолган, сеники бўлса керак. Исминг нима? Қаерда турасан? У Олтинчи линияда деган эди...

Гапимни тугата олмадим, у худди турадиган ери-ни билганимдан кўриб кетгандек бирдан чинқириб юборди, ўзининг ориқ, қоқсуяк кулчаси билан мени итариб, зинадан ғизиллаб тушиб кетди. Мен орқасидан чопдим. Пастдан унинг оёқ товуши эшитилиб турарди, бирдан жим бўлиб қолди... Мен кўчага чиққанимда у ҳеч ерда йўқ эди. Мен то Вознесенский проспектигача чолиб бордим, ниҳоят қидиришим бекфойда эканини тушундим: у қаёққадир ғойиб бўлган эди. «Мен ҳали зинапоядан тушаётганимда у бирор ерда яшириниб қолган бўлса керак», деб ўйладим.

XI БОБ

Проспектнинг ифлос йўлагига қадам қўйишим билан бирдан чуқур хаёлга ботиб, бошини куйи солганича тез-тез кетаётган ўткинчига дуч келиб қолдим. Бу Ихменев экан. Уни таниб, ҳаддан ташқари таажжубландим. Бу оқшом мен учун фавқулодда учрашувлар оқшоми бўлди. Мен чолнинг уч-тўрт кундан бери қаттиқ бетоб бўлиб ётганини билар эдим. Шунинг учун уни мана шундай намгарчиликда кўчада учратганимга ҳайрон бўлдим. Ундан ташқари у умуман кечки пайтларда кўчага чиқмас, айниқса Наташа кетган шу ярим йилдан бери уйдан чиқмайдиган бўлиб қолган эди. У ўз дардини айтиб, кўнглини бушатадиган дустини ниҳоят учратган кишидек мени кўриши билан ҳаддан ташқари суюниб кетди, қўлимни маҳкам қисиб, қаерга кетаётганимни ҳам суриштирмай ўзи билан бирга олиб кетди. У бир нарсадан ҳаяжонланган, шошиб тургандек, ҳаракатлари кескин эди. «Қаерга бордийкин?» деб ўйлардим ўзимча. Сураб ўтириш ортиқча эди, чунки у жуда ҳам жиззаки бўлиб қолган, баъзан энг оддий савол ёки оддий гап ҳам унга таънага ўхшаб туюларди.

Мен кўз қирим билан қарадим; ранги сарғайган, шу кейинги кунларда жуда озиб кетибди, соқолига

бир ҳафтадан бери устара тегмаганга ўхшайди. Оппоқ оқарган узун сочлари нижимланган шляпаси тагидан тартибсиз ҳолда чиқиб ётар, эскириб қолган пальтосининг ёқасига тудиб турарди. Мен илгари ҳам бир-икки бор сезгандим: баъзан у эсини йўқотгандек кўринарди: масалан, уйда одам борлиги ҳам эсидан чиқиб, ўзи билан ўзи гаплашар, қўллари билан ҳаракат қилар. Бундай ҳолларда унга қараш жуда оғир эди.

– Ҳуш, нима гаплар, Ваня? – гап бошлади у. – Қаёққа кетаётган эдинг? Мен бир иш учун кўчага чиқдим. Соғлиқ қалай?

– Ўзингиз қалайсиз? Яқиндагина тобингиз йўқ эди, юришингизни қаранг.

Чол гапимни эшитмагандек менга жавоб бермади.

– Анна Андреевнанинг соғлиғи қалай?

– Соғ-саломат... Бир оз тоби қочиб юрувди. У бечора ҳам ғамга ботган. Нега келмайди, деб сени эсловди. Ҳозир бизникига кетаётган бўлсанг керак, а, Ваня? Ёки бошқа ёққами? Балки сенга халақит бердимми ёинки ишдан қолдирдимми, а? – сўради у бирдан аллақандай ишончсизлик ва шубҳа билан қараб туриб. Бадгумон чол шу қадар зийрак ва жиззаки бўлиб қолганки, агар мен сизларникига кетаётганим йўқ эди, десам, балога қоламан, у албатта хафа бўлиб, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолади. Мен Наташаникига кечга қолишимни ёки бутунлай боролмай қолишимни билиб туриб, ростдан ҳам Анна Андреевнани кўриб келгани кетаётган эдим, деб жавоб беришга шошилдим.

– Жуда соз, – деди чол менинг жавобимдан тўлиқ қаноат ҳосил қилиб, – бу яхши иш... – кейин бирдан жимиб қолди. Ниманидир айтолмаётгандек хаёл суриб кетди.

– Жуда соз! – деди беихтиёр, беш дақиқадан кейин гўё уйқудан уйғонган кишидек. – Ҳм, биласанми, Ваня, сени ҳамма вақт ўз ўғлимиздек кўрар эдик. Худо бизга ўғил бермади... Сени юборди, мен доим шундай уйлардим. Кампирим ҳам. Ҳа! Сен ҳам энг яхши ўғил

қаторида бизни ҳамма вақт севиб, ҳурмат қилиб кел-
динг. Бунинг учун Худо сени қўлласин. Биз чол-кампир
ҳаққингга дуо қиламиз, яхши кўрамиз сени, Ваня!

Унинг овози титраб кетди. Бир лаҳза сукут қилиб турди.

– Эй... ҳа, хўш? Тобинг қочганимиди? Нега анчадан
бери келмадинг?

Мен унга Смит воқеасини ипидан-игнасигача гапи-
риб бердим. Смит иши билан овора бўлиб кетганим
учун узр сўрадим, булардан ташқари тобим қочинқи-
раганини ва шу икир-чикирлар билан овора бўлиб
уларникига, Васильевскийга (улар ушанда Васильев-
скийда туришарди) боролмаганимни, ораси анча
узоқлигини айтдим. Шу ораларда Наташаникига бо-
риб турдим, деб оғзимдан чиқиб кетай дебди. Лекин
вақтида тилимни тишлаб қолдим.

Смит воқеаси чолни жуда қизиқтирди. У гапимни
диққат билан тинглади. Менинг янги квартирамнинг
захлигини, аввалгисидан баттарроқ бўлса ҳам ойинга
олти сўм тўлашимни эшитиб, фиғони чиқиб кетди. Уму-
ман, у салга тутақиб кетадиган, бетоқат бўлиб қолган
эди. Бундай маҳалларда фақат Анна Андреевна у билан
муомала қила олар эди. Баъзан у ҳам ожизлик қиларди.

– Ҳм, сенинг адабиётинг, Ваня, чердакка опчиқиб
қўйди, у сени энди гуристонгача олиб боради! – деб
бақирди ғазаб билан. – Айтган эдим-ку сенга, каромат
қилган эдим!.. Нима, Б. хали ҳам танқидлар ёзаяптими?

– У сил касалидан вафот этди, мен сизга айтган
эдим шекилли.

– Вафот этибди-да, ҳм... Шундай бўлиши ҳам керак
эди. Нима, хотинига, болаларига бирор нарса қолди-
рибдими? Хотини бор деган эдинг, шекилли?.. Худоё
тавба, шунақа одамлар нима учун уйланишар экан!

– Йўқ, ҳеч нарса қолдирмабди, – жавоб бердим мен.

– Булган гап шу-да! – бу гапни у шу қадар тажаниглик би-
лан гапирдики, гўё бу иш унга тааллуқлидек, гўё вафот
этган. Б. унинг бир туғишган жигаридек. – Ҳеч нарса-я!

Ҳеч бало қолдирмаган дегин! Биласанми, Ваня, мен шундай бўлишини аввалдан сезгандим, эсингда борми, ҳув бир куни уни ҳадеб мақтайверганингда кўнглимга шу гап келган эди. Ҳеч нарса қолдирмаган, деб айтиш осон! Ҳм... шуҳрат қозонган. Фараз қилайлик, ўлмас ном қолдиргандир. Бироқ шуҳрат билан қорин тўймайди, ука! Мен бўлсам, жигарим, сенинг ҳам нима бўлишингни билиб қўйганман, кўзингга қараб мақтадим сени, Ваня, лекин ўзим нима бўлишини олдиндан билиб тургандим. «Б.» ўлди дегин-а? Ўлмай нима бўларди! Маишат ҳам жойида ва... турадиган жойимиз ҳам саз, қара!

У шошиб-пишиб, бармоғини бигиз қилиб менга, қоронғида милтиллаб ёнаётган фонуслар ғира-шира ёритиб турган туманли кўчаларни, чиркин уйларни, ҳўл бўлиб кетгандан ялтираётган йўлак плиталарини, қовоғи солиқ ва ивиб кетган ғамгин йўловчиларни, худди қора сиёҳ тўкилгандек тим қора Петербург осмонининг қуббаси остидаги бу манзараларни кўрсатарди. Биз майдонга чиқиб қолдик; рўпарамизда зулмат ичида пастидаң газ билан ёритилган ҳайкал қад кўтариб турарди, нарироқда сиёхранг осмондан ғира-шира ажралиб турган Исаакий жомеининг баҳайбат қорасн гавдаланди.

– Сен айтган эдинг-а, Ваня, у жуда яхши, инсофли, олижаноб, зийрак, кўнгли юмшоқ одам деб. Олижаноб, инсофли одамларнинг аҳволи шу-да! Етимчаларни тарқатишдан бошқага ярамайди. Ҳм... ўлиб қутулганига хурсанд бўлгандир, деб ўйлайман!.. Эҳ! Бир ёқларга, майли, Сибиргами бошингни олиб кетсанг, киши. Ҳа, қизгина? – сўради у тўсатдан, йўлакда тиланчилик қилиб турган ёш болани кўриб.

Бу етти-саккиз яшар кичкинагина, озғин қиз эди, устидаги кийими иркит, жулдур, кичкинагина оёқларида йиртиқ ботинка. У совуқдан қалтираётган баданини аллақачон ўзига кичкина келиб қолган жулдур халат билан ўрашга уринарди. Ориқ, заъфарондек сарғайган юзи

биз томонга ўтирилди; у тортиниб индамай қараб турар ва бир нарса бермасмикин, дегандек қўрқа-писа бизга титроқ қўлчасини узатарди. Чол уни кўриб, шу қадар титраб кетди ва унга томон шу қадар тез бурилдики, қиз чўчиб тушди, сесканиб орқага тисланди.

– Нима, нима керак сенга, қизгина? – деб қичқириб юборди у. – Нима? Тиланяпсанми, а? Мана, мана сенга... Ол, ола қол!

У қаттиқ ҳаяжонланиб, титраган бармоқлари билан чўнтагидан иккитами-учтами кумуш танга чиқарди. Бироқ кўзига кам кўринди шекилли, чўнтагидан кармонини чиқариб, ундаги бор пулини, бир сўмлик қоғозни олиб, кичкина гадойча қўлига берди.

– Худо ўз паноҳида сақласин сени, қизгинам, болагинам! Фаришталар ўзи ёр бўлсин сенга!

У титроқ қўли билан бечора қизни бир-икки чўқинтирди; бироқ менинг унга қараб турганимни кўриб қолиб, қовоғини солди ва тез-тез одим ташлаб йўлида давом этди.

– Кўряпсанми, Ваня, – деб гап бошлади у, узоқ давом этган оғир сукутдан сўнг, – мана бу ёш бегуноҳ болаларнинг лаънати ота-оналари туфайли совуқ кўчаларда саргардон бўлиб юришини кўришга асти юрагим йўқ... Энг бебахт онагина ўз боласини мана шу кўйга солади!.. Анави бурчақда яна етимчалар ўтирган бўлиши керак, бу ҳаммасидан каттароғи, кампирнинг ўзи касал... Ҳм! Князь боласи шу ҳолга тушармиди?.. Дунёда ҳаммаям князвачча бўлавермайди-да, Ваня...

У бир нарса дейишга иймангандек бир дақиқа жим бўлиб қолди.

– Биласанми, Ваня, Анна Андреевнага ваъда берган эдим, – деб бошлади у гапидан адашиб, дудуқланиб. – Мен унга ваъда қилган эдим... Тўғрироғи, биз Анна Андреевна билан бирор етим бола боқишга маслаҳатлашган эдик... Шу бирор кичкинароқ бола бечорани кўлимизда тарбияласак, деган эдик. Тушунасанми? Ёлғиз чол-кампир

зерикиб қоляпмиз. Ҳм... Лекин биласанми, Анна Андреевна кунмаяпти. У билан ўзинг бир гаплашиб кўрсанг, мени айтмасанг-у, ўз номингдан айтиб, уни кўндирсанг, тушуняпсанми? Мен анчадан бери сендан уни унатишингни сўрамоқчи бўлиб юрувдим. Узим ҳадеб қистаб сўрашга бўйним ёр бермайди. Ҳа энди, бу шунчаки бир гап-да! Мен қизга зорманми? Кераги ҳам йўқ. Шунчаки эрмак учун-да... Уйдан бола товуши чиқиб турса, бас-да. Аммо очигини айтсам, мен буни фақат кампирнинг кўнгли учун қилмоқчиман; ҳадеб битта мен билан бўлгандан кўра ўзига овунчоқ топгани яхши-ку, ахир. Кел, куй, ҳаммаси беҳуда гаплар! Биласанми, Ваня, бу аҳволда биз ҳалл-бери етолмаймиз, кела қол, извош олиб қўя қолайлик, йўл узоқ, Анна Андреевна кутиб қолди.

Биз Анна Андреевна олдига келганимизда соат етти ярим бўлган эди.

ХИ БОБ

Чолу кампир жуда тотув яшарди. Узоқ йиллар бирга туриб бир-бирларига ўрганиб, қадрдон бўлиб кетишганди. Бироқ Николай Сергеич ҳозир эмас, авваллари, энг бахтли кезларида ҳам Анна Андреевнага унча рўйхуш беравермасди, ҳаттоки баъзан одамлар олдида аллақандай совуқ муомала қиларди. Бир хил нозиктаъб ва хассос одамларда баъзан аллақандай қайсарлик, ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этишдан ўзини тийиш каби одат бўладикки, улар ҳатто биров олдида эмас, жонидан азиз кўрган одами билан танҳо қолган тақдирда ҳам, уни эркалатмайдилар, ёлғиз қолганларида ўзларини қаттиқроқ тутадилар-да, ҳислари қанча узоқ тийилса, шунча зўр ҳарорат ва жўшқинлик билан барқ уради. Кекса Ихменев ҳам ўзининг Анна Андреевнаси билан, ҳатто ёшлигида ҳам шундай эди. Зотан, Анна Андреевна содда ва эрини севишдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган аёл бўлса ҳам, Ихменев уни ҳурматлар, чексиз муҳаббат билан

севарди, лекин Анна Андреевна ўз навбатида азбаройи соддалигидан эрига ўз ҳисларини баъзан ҳаддан ташқари очик изҳор этиб қўйса, ғаш келарди. Бироқ Наташа кетиб қолгандан сўнг улар бир-бирига қаттиқ суяниб қолишди, дунёда ғариб бўлиб қолганликларини сезиб, баъзи-баъзида Николай Сергеич қовоғини солиб олса ҳамки, улар ҳатто чқки соат кўришмаса, юраклари ғамдан тарс ёрилиб кетай дерди. Наташа ҳақида иккаласи гапирмасликка аҳдқилгандек, гўё Наташа дунёга келмагандек у туғрида оғиз очишмасди. Анна Андреевна ичида қанчалик куйгани билан, эрининг олдида қизидан гап очишга журъат этолмасди. Кампир бўлса дилида Наташани аллақачон кечирган. Мен ҳар келишимда унинг кўз қорачиғи, болажонидан бирор хабар олиб келадиган бўлдим, бу одат тусига кириб қолган эди.

Кампир бечора қизи ҳақида анчагача бирор хабар эшитмаса, касал бўлиб қоларди, у мен келтирган янгиликларнинг ипидан-игнасигача қизиқар, орзиқиб суриштирар, менинг сўзларимдан кўнгли таскин топарди, ҳатто Наташанинг бир кун тоби қочиб қолганини эшитиб, ўтакаси ёрилай деди, ўзи унинг олдида бормоқчи ҳам бўлди. Лекин ноиложликдан шундай қилмоқчи бўлган эди. Бошда у, ҳатто менинг олдимда ҳам қизи билан дийдор кўришиш орзусини изҳор этишга юзи чидамас ва деярли ҳар гал ҳамма гапни суриштириб-билиб олгандан кейин, менга сир бой бермай, қизимнинг ҳол-аҳволини суриштирганим билан у жуда гуноҳкор, кечириб бўлмайди, деб қўярди. Бироқ булар ҳаммаси сохта сипоғарчилик эди. Баъзан Анна Андреевна қизини соғиниб юрак-бағри эзилиб кетар, йиғларди, менинг олдимда энг ширин сўзлар билан Наташанинг номини тилга олар, Николай Сергеичдан қаттиқ гинахонлик қиларди. Унинг олдида бўлса, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан одамларнинг мағрурлигидан, қаҳри қаттиқлигидан, одамнинг гуноҳидан ўтишни билмаслигимиздан, «дилозордан Худо безор», деганларидек, Худо ҳам қаҳри қат-

тиқларни кечира олмаслигидан гапириб, пичинг қила бошларди, лекин унинг олдида шундан ортиқ сўз айтолмасди. Бундай вақтларда чол дарҳол тўнини тескари кийиб, тумтайганича мум тишлагандек жимиб қоларди ёки бирдан ғайритабиий равишда шанғиллаб гапни бошқа ёққа бурар ёинки иккимизни холи қўйиб, ўз хонасига кириб кетар, бу билан у Анна Андреевнага менинг олдимда кўз ёшини тўкиб, ҳасратини айтиб олишга имкон туғдирар эди. Уларникига келганимда у мен билан салом-алик қилиб, Анна Андреевнага Наташа ҳақидаги охириги хабарларни етказишимга вақт қолдириш учун ўз хонасига кириб кетарди. Бу гал ҳам худди шундай қилди.

– Ивиб кетдим, – деди у остонага қадам қўяр-қўймас, – ўз хонамга кира қолай. Сен, Ваня, шу ерда ўтира тур. Квартира масаласида анча машмаша ўтибди. Қани, сен унга гапириб тур. Мен ҳозир қайтиб чиқаман.

Атайлаб бизни ёлғиз қўяётганидан номус қилгандек бизнинг афтимизга ҳам қарамай, кетишга шошилди. Бундай вақтларда, айниқса бизнинг олдимизга қайтиб чиққандан кейин ҳамиша тумтайиб оларди, мен билан ҳам, Анна Андреевна билан ҳам кўрс муомала қилар ва ҳатто кўнгилчанлик қилиб бўш келганлиги учун ўзидан хафа бўлгандек тирноқ остидан кир қидираверарди.

– Мана, қанақа одам бу, – деди кейинги вақтларда сиполигини ташлаб, мендан сир сақламайдиган бўлиб қолган кампир, – у ҳамма вақт мен билан шундай гаплашади, ахир биладики, унинг ҳамма қувлиги бизнинг тирноғимизнинг юзида. Менинг олдимда шунақа қилигини қилмаса, кимнинг кўнгли қолар экан! Мен унга бегонаманми, тавба? Қизи билан ҳам шундай. Ахир кечира қолса бўлади-ку, балки Худо билади, кечирини истайди ҳам. Кечалари йиғлаб чиқади, ўзим эшитганман! Ўзи сир бой бермайди. Уни кибр-ҳаво ўраб олган... Қани, бўтам, Иван Петрович, тезроқ гапириб бера қол: у қаёққа кетаётган экан?

– Николай Сергеичми? Билмадим, мен сиздан сўрамоқчийдим.

– У уйдан чиқиб кетганда капалагим учиб кетди, ахир тоби йўқ эди, мана шу ҳавода, қоронғи тушаётганда кўчага чиққанидан бирор зарур иши бор шекилли, деб ўйлабман, мана шу ўзингизга маълум бўлган ишдан зарурроқ қанақа иш бўлиши ҳам мумкин? Шундай деб ўйлашга ўйлайман-у, лекин сўрашга юрак қайда! Мен ундан бирор нарса сўрашга юрагим безиллайди. Худойим-ей! Ундан ҳам, қизимдан ҳам хавотир олиб ўлаёздим. «Ҳа энди, бу қизининг олдига кетди-ку, – деб ўйладим. – Кечиришга қарор қилдимикан-а?» Ахир у ҳаммасини билади, у тўғридаги ҳамма гапдан хабари бор; ўзимча билса керак, деб тахмин қиламан. Лекин бу хабарларни унга ким етказишига ақлим етмайди. Айниқса, у кеча ва бугун эзилиб кетди. Ҳой, нега индамайсиз? Гапирсангиз-чи, у ерда яна нима гаплар бор? Сизни фариштани куттандек кутиб, кўзларим тешилди. Нима гап, анави ярамас, Наташани ташлаб кетармишми?

Мен ўзим билган нарсаларимни шу заҳотиёқ Анна Андреевнага гапириб бердим. Мен энди ҳеч нарсани яширмай у билан очикдан-очик гаплашавердим. Ҳақиқатан, Наташа билан Алёшанинг ораси бузилгани, бу аввалги жанжаллардан жиддийроқ эканини айтдим. Наташа кеча менга хат ёзиб, бугун кечқурун соат тўққизда келишимни ёлвориб сўраганини ва шунинг учун ҳам бу ерга келиш хаёлимда ҳам йўқлигини, бу ерга мени Николай Сергеич олиб келганини гапириб бердим. Умуман, уларнинг аҳволи танглигини, икки ҳафта бурун сафардан қайтган Алёшанинг отаси бунга жон-жаҳди билан қарши эканлигини, Алёшани кўлга қаттиқ олганлигини ва ҳаммадан муҳими, Алёшанинг ўз қайлиғига кўнгли борлиги ва ҳатто миш-мишларга қараганда, унга ошиқ бўлиб қолганлигини оқизмай-томизмай гапириб бердим. Яна шу гапни қушиб қўйдим: сезишимча, хат қаттиқ ҳаяжон ичида ёзилган, Наташа ҳамма гап шу кеча ҳал

бўлади, деб ёзган, нима ҳал бўлиши – номаълум. Шуниси қизиқки, кечаги санани қўйган, келишга бугун буюрган, соатни ҳам белгилаган. Тўққизда. Шунинг учун ҳам мен нима бўлса ҳам, дарҳол боришим керак.

– Бор, бор, бўтам, албатта бор, – деди шошилиб қолган кампир, – мана ҳозир у чиқади, чой ичиб олгин-а... Ҳой, нега самоварни олиб келмайсан-а? Ҳой, Матрёна! Самовар нима бўлди? Қиз эмас, бир бало бу Матрёна тушмагур. Хўп, шундай қилиб чой ичиб олганингдан кейин бирорта баҳона топгин-у, кета қол. Эртага албатта менинг олдимга келиб, ҳаммасини гапириб бер; эртароқ кел. Эй, Тангрим! Бирор фалокат чиқиб қолмаганмикан? Бу ғамлар камлик қилаётгудими? Ахир Николай Сергеич ҳаммасидан хабардор бўлса керак, юрагим сезиб турибди – у билган. Мен бўлсам мана бу Матрёнадан кўп гапларни эшитяпман, у бўлса Агашка орқали эшитади. Агашка князь уйида турадиган Мария Васильевнанинг тутинган қизи бўлади... Ҳа, ўзинг ҳам биласан-ку. Бугун Николайим жуда хафа эди. Мен у деб кўрдим, бу деб кўрдим, бўлмади, жеркиб ташлади, кейин ўзининг раҳми келди шекилли, «пул оз» деб баҳона қилди. Пул учун шунча бақирармиди! Овқатдан кейин ухламоқчи бўлиб кириб кетди. Мен эшикнинг тешигидан мўраласам (эшикда кичкина тешик бор, борлигини у билмайди ҳам), у бечорагинам иконалар олдида чўкка тушиб олиб, ибодат қиляпти. Кўрдим-у, оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Чой ҳам ичмади, ухламади ҳам, шапкасини олди-ю, чиқиб кетди. Соат тўртдан ошган эди. Сўрашга ҳам ботинолмадим, бақириб беради-да, барибир. Тез-тез бақирадиган бўлиб қолди, кўпроқ Матрёнадан аламини олади, баъзан мендан ҳам. Бир бақирса, оёқ-қўлим бўшашиб, юрагим чиқиб кетай деди. Биладан, ахир шунчаки пўписа қилаётганини биладан-у, шунда ҳам кўрқиб кетаман. У кетгандан кейин Худо унга инсоф берсин, деб бир соат ибодат қилдим. Унинг хати қани, кўрсат-чи!

Мен кўрсатдим. Анна Андреевнанинг битгаю битга орзуси борлигини биламан. Алёшани гоҳо ярамас, гоҳо қаҳри қаттиқ аҳмоқ бола деб қойигани билан, ахир бир кун Наташага уйланади ва Алёшанинг отаси князь Пётр Александрович ниҳоят ўглига рухсат беради, деб умид қиларди. У ҳатто менга оғзидан гуллаб кўйган эди, лекин бошқа вақтларда айтганларидан пушаймон еб, сўзидан тониб туриб оларди. Гарчи чол унда шу умид борлигини сезган бўлса ҳам ва бир неча бор уни таъна қилган бўлса ҳамки, ўла қолса Николай Сергеич олдида ўз орзуси ҳақида чурқ этиб оғиз очолмасди. Менимча, Николай Сергеич агар шу никоҳнинг бўлишига кўзи етса, Наташани тамоман «оқ» қилиб юборар ва умрбод юрагидан чиқариб ташларди.

Биз ҳаммамиз ўшанда шундай деб ўйлар эдик. У ўз қизини зор-интизорлик билан кутарди. Лекин ёлғиз қизинигина, ўз Алёшасини дилидан сидириб ташлаган, тавба қилган қизини кутар эди. Гуноҳидан ўтишнинг бирдан-бир шарти шу эди, буни очик айтмаса ҳамки, унинг авзойидан бу қарорнинг қатъий ва шак-шубҳасиз эканини англаш мумкин эди.

– Лақма у, лақма бола, лақма ва қаҳри қаттиқ, мен доимо шундай дердим, – деб гап бошлади яна Анна Андреевна. – Уни тарбия ҳам қилолмаганлар, ҳавойи бўлиб кетган; шундай севги эвазига у Наташани ташлаб кетмоқчи-я, эй, Тангрим! Қизгинамнинг аҳволи, у бечорагинамнинг аҳволи нима бўлади? Ўша янги топганининг нимаси яхши экан, Худоё тавба!

– Мен эшитдим, Анна Андреевна, – эътироз билдирдим мен, – қайлиқ ажойиб, жозибадор қиз эмиш, Наталья Николаевна ўзи ҳам у тўғрида шундай дейди...

– Ишонма! – сўзимни бўлди кампир. – Жозибадор бўлиб қаёққа борарди? Фақат қоғознинг заволи бўлган сиздақаларга ҳаммаси жозибадор бўлаверади, фақат юбкаси бўлса, бас. Башарти, Наташа уни мақтаётган

бўлса, фақат олижаноблигидан мақтаган. Наташа уни кўлга олишни билмайди, ҳамма гуноҳини кечираверади, тағин ўзи азобланади. Неча мароталаб у Наташага хиёнат қилди! Бағритош, ярамас! Мен бўлсам, Иван Петрович, борган сари ваҳимага тушяпман. Ҳамма ни кибр-хаво ўраб олган. Ҳеч бўлмаса, чолим инсофга келсайди, кечира қолсайди, менинг жонгинамни қайтариб олиб кела қолсайди. Бағримга босиб, дийдорига тўйиб, хумордан чиқардим. Озиб қолганми?

– Ҳа, озиб кетган, Анна Андреевна.

– Бўтагинам! Ўз ташвишим бошимдан ошиб ётибди, Иван Петрович! Шу бугун кун бўйи йиғладим... асти кўявер! Кейин айтиб бераман! Неча мартадан унга узоқдан айлантириб келиб кечириш кераклигини гапиришга оғиз жуфтладим-у, тўғридан-тўғри юзига айтишга юрагим дов бермади, гапни узоқдан бошлашга бир ҳаракат қилдим. Ўзим бўлсам, «астойдил жаҳли чиқиб кетиб, уни тамом «оқ» қилиб юборса-я!» деб юрагим дукиллаб туради. Ҳали унинг оғзидан «оқ» қилдим, деган сўзни эшитганим йўқ... Мана шунинг учун «оқ» қилиб юборишидан жуда кўрқаман. Унда нима бўлади-а? Отаси «оқ» қилган одамни Худо ҳам қаҳрига олади! Шу аҳволда яшайман, кун сайин ваҳима ичида яшайман. Сен ҳам Иван Петрович, уялмайсанми? Бизнинг кўлимизда ўсдинг, ҳаммамиздан меҳрибонлик кўрдинг, тағин сен ҳам ўшани жозибадор дейсан-а? Мана, Мария Васильевнанинг гапи жуялироқ (мен ўлгур, уни бир кун чолим ўз иши билан уйдан чиқиб кетганда қаҳва ичишга чақирдим). У менга ипидан-игна-сигача гапириб берди. Князь ўлгур – Алёшанинг отаси, графиня билан хуфия ўйнаш экан! Графиня анчадан бери князь ўзига уйланмагани учун таъна қилар экан, у бўлса ана-мана, деб келар экан. Графинянинг ўзи эри ҳаёт маҳалида шаънига иснод теккизган экан. Эри улиши билан у чет элга кетиб, ҳамма итальянлар, фа-

ранглар билан борди-келди қилибди, аллақанақа баронлар билан дон олишар экан, князь Пётр Александровични ҳам ўша ерда қўлга илинтирган экан. Унинг аввалги савдогар эрининг қизи (бунга ўғай қиз бўлади) шу ўртада балоғатга етиб қолади, графиня – ўғай она эса бор-йўғини совурган, Катерина Фёдоровна кундан-кун бўйи етаверган ва савдогар отаси у учун Ломбардда қолдирган икки миллион сўм туғаверган. Энди унинг пули уч миллион бўлган дейишади; князь эса унинг исини билиб қолган, қани энди шу қизга Алёшани уйлантира қолса (у анойи эмаски, шундай бойликни қўлдан чиқарса!) эсингдами, уларнинг қариндоши граф сарой аҳлларидан, аслзода одам-да, у ҳам рози бўлибди; уч миллион ҳазил гапми, яхши, ўша графиня билан гаплашиб кўринг, деб маслаҳат беради. Князь ўз истагини изҳор этади. У бўлса, ўламан саттор, бермайман, деб туриб олади: ўзи шундай бебош, жанжалкаш хотин эмишки! Графиняни энди чет элда эмас, бу ернинг ўзида ҳам ҳамма қабул қилавермас эмиш, дейдилар. «Йўқ, князь, – дебди графиня, – сен Алёшага қизимни сўраганингдан кўра, ўзинг менга уйлан». Қизпошша эса ўз ўғай онасининг чизган чизигидан чиқмас экан, шундай итоатли эмишки, унга сажда қилишга ҳам тайёр эмиш. Шу қадар ювош, фариштадек қиз дейдилар! Князнинг балога ҳам ақли этади, у графиняга: «Сен ташвиш қилма, – дебди. – Ер-мулқингни совуриб бўлдинг, қарзларинг бошингдан ошиб ётибди. Сенинг қизинг Алёшага тегса, иккаласи хил тушади. Сеники содда, менинг Алёшам лақма. Энг аввал биз уларни қўлга оламиз ва биргаликда васийлик қиламиз; шунда сенинг қўлингга ҳам пул тушади. Менга куёвга чиқиб нима қиласан», дейди. Жуда ҳам қув одам-да! Маеон! Бу гап бундан ярим йил илгари бўлган, графиня рози бўлмай юрган экан, энди Варшавага бориб келишибди-ю, ўша ерда ҳал этишибди. Мана менинг эшитганларим. Буларнинг ҳаммасини ипидан-игнасигача Мария Васильевна гапириб берди;

у ишончли одамдан эшитган. Мана гап шунда; пул... миллионлар... Гап унинг жозибадорлигидамас!

Анна Андреевнанинг гаплари мени ҳайратга солди. Бу гапларнинг ҳаммасини яқинда Алёшанинг ўз оғзидан эшитган эдим. У гапириб туриб, «Мен пул учун уйланмайман», деб чиранар эди. Бироқ Катерина Фёдоровна уни ўзига мафтун этиб қўйибди. Алёшанинг гапларига қараганда унинг отаси, эҳтимол, уйланар ҳам, лекин вақтидан илгари графинянинг жиғига тегмаслик учун ҳозирча бу миш-мишларни инкор қилмоқда экан. Мен аввал ҳам айтиб ўтган эдим: Алёша ўз отасини жуда яхши кўради, унинг соясига салом беради, у билан мақтанади ва унга худди Худога ишонгандек ишонади.

– Анави жозибадоринг ҳам графлар зотидан эмас экан-ку! – давом этди Анна Андреевна ёш князнинг қайлиғини мақтаганимдан бениҳоя жаҳли чиқиб. – Ундан кўра, унга Наташа муносиб эди. У савдогарнинг қизи, Наташа бўлса қадимий дворян оиладан, олий табақали қиз. Кеча чолим (сизга айтиш эсимдан чиқибди), сандиғини очди, биласизми, тунука билан қопланган сандиқ – бутун оқшом рўпарамда ўтириб, эски ёрлиқларимизни текшириб чиқди. Шундай сипо бўлиб ўтирдик, унга қарашга ҳам кўрқиб, индамай пайпоқ тўқийвердим. Қарасаки, мен индамайман, жаҳли чиқиб кетди-да, ўзи мени чақириб олди ва бутун оқшом менга бизнинг аждодларимиз кимлар эканини айтиб берди. Мана, кўрдингми, бундан чиқди биз, Ихменевлар ҳали Иван Васильевич Грозний давридаёқ дворян эканмиз, менинг авлодим Шумиловлар эса Алексей Михайлович даврида маълум экан. Хужжатларимиз ҳам бор, Карамзин тарихида ҳам эслатиб ўтилган. Мана, бўтам, бу томондан биз ҳам бошқалардан қолишмас эканмиз. Чолим менга ҳадеб шу гапни гапиравергандан унинг кўнглидаги гапни билиб олдим. Чамаси, Наташани камситганлари унга ҳам алам қилар экан. Улар биздан давлатмандлар, шу важдан кеккаядилар. Майли, уша безори Пётр Александрович бойлик деб жонини жа-

бборга берсин. Унинг қаҳри қаттиқ, хасислиги ҳаммага маълум. Варшавадан хуфиёна иезуитлар тариқатига кириб олган эмиш-а, қуриб кеткур! Тўғрими шу?

– Бўлмаган гап, – дедим мен, зур бериб шу хабарнинг тарқатилаётганига беихтиёр қизиқиб, аммо Николай Сергеичнинг ёрлиқларини титиши қизиқ. Илгари у уз шажараси билан ҳеч қачон мақтанган эмас.

– Ҳамма ярамас одамларнинг қаҳри қаттиқ бўлади! – давом этди Анна Андреевна. – Айт-чи, менинг жонгинам куйиб йиғлаб ўтирганмикин? Эй, сен унинг олдига тезроқ боришинг кераг-а! Матрёна! Ҳой, Матрёна! Қиз эмас, бу бир бало! Уни ҳақорат қилишмадими? Айта қолсанг-чи, Ваня.

– Нима ҳам дердим мен? Кампир йиғлаб юборди. Мен ундан: «Ҳали гапириб бермоқчи бўлган анави хунук воқеа нимаиди?» деб сурадим.

– Эй, бўтам, битта дардим етмагандек устига устак бўлди! Эсингда борми, эркам, ё йўқми, менда битта олтин медальон бор эди, шунчаки ёдгорлик учун қилинган. унинг ичида Наташажонимнинг болалигидаги сурати турар эди, саккиз ёшларда эди ўшанда, менинг фариштагинам. Ўшанда Николай Сергеич билан бир ўткинчи рассомга буюриб солдирган эдик. Эсингдан чиқиб кетган шекилли, бўтам! Яхши рассом эди – қизимнинг шаклини малаксиймо қилиб олган эди, ўшанда унинг оочлари малла, жингалак-жингалак, устида дока кўйлак бор эди, баданлари шундоқ кўриниб турарди. Расм шундай яхши чиққан эдики, одам қараб тўймасди. Ўшанда рассомдан қанот ҳам ясаб қўйишни илтимос қилсам рози бўлмаган эди. Мана шунақа қилиб, бўтам, мен ана уша фалокатлардан кейин медалчани қутидан олдим-у, ипга тақиб кўкрагимга осиб олдим, шундоқ хочи ёнида тақиб юравердим. Ўзим тагин чолим кўриб қолмасин деб кўрқиб юраман, ахир уша кунлари у Наташанинг ҳамма буюмларини уйдан чиқариб ташлашга ёки уни эсламаслик учун барчасини ёқиб ташлашга буюрган эди-да. Мен

бўлсам ҳеч бўлмаса суратига қараб юрай дейман-да, баъзан унга қараб йиғлаб-йиғлаб аламдан чиқаман, баъзан ўзим танҳо қолган пайтларимда худди ўзини ўпаётгандек тўйиб-тўйиб ўпаман, ширин-ширин сўзлар билан эркалайман, ҳар кеча чўқинтираман, ёлғиз ўзим бўлсам у билан гаплашаман, ҳар нарсалар сўрайман. Гуё у жавоб бераётибди деб тасаввур қиламан, яна сўрайман. Эй, жонгинам Ваня, гапиришнинг ўзи ҳам оғир! Мана шундай қилиб ҳеч бўлмаса медальоннинг борлигини билмаганига, сезмаганига хурсандман. Кеча эрталаб шундоқ қарасам, медальон йўқ! Ипининг ўзи осилиб ётибди, чамаси, ипи қийилиб кетиб, тушириб қўйибман, шекилли. Капалагим учиб кетди. Роса қидирдим, йўқ! Ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам. Қаяёққа кетдийкин? Ўринда туширдим шекилли, деб ўйладим; ҳаммасини титдим, йўқ! Агар узилиб бир ерга тушиб қолган бўлса, бирор киши топиб олган бўлиши керак-ку. У билан Матрёнадан бошқа ким топарди? Матрёнадан шубҳа қилиш хаёлимга ҳам келмайди. У менга бутун жон-дили билан содиқ... (Ҳой, Матрёна, самоваринг қачон қайнайди?) Ўзимча: у топиб олса, нима бўлади, деб ўйлайман. Хафа бўлиб утириб роса йиғладим, кўз ёшларимни тўхтата олмадим. Николай Сергеевич эса менга борган сари юмшоқ муомала қилади, нима учун йиғлаётганимни билгандек менга қараб у ҳам хафа бўлади, менга ачинади. У қайдан биларкин? Ростдан ҳам медальонни топиб олиб, ойнадан ташлаб юборган бўлса-я, деб ўйлайман. Ахир у шу ишни қилишга қодир-ку! Ташлашга ташлаган-у, энди ўзи хафа бўляпти – ташлаганига ачиняпти, дейман. Мен деразалар, форточка тагини ҳам Матрёна билан бирга қидирдим. Ҳеч нарса тополмадик. Ном-нишони йўқ. Тун бўйи йиғлаб чиқдим. Биринчи марта мен Наташанинг суратини кечаси чўқинтирмадим. Оҳ, яхшилик аломати эмас. Бу Иван Петрович бир фалокат бошлаб келади; эртасига ҳам кўз ёшим қуримади. Кўнглимни бўшатар эканманми, деб сизни интизор бўлиб кутдим, бўтагинам...

Кампир юм-юм йиғлади.

– Вой, эсим курсин, сизга айтиш эсимдан чиқиб қолибди! – деди у бирдан эсига тушиб қолганидан севиниб. – Етим қиз тўғрисида ундан сиз ҳеч нарса эшитдингизми?

– Эшитдим, Анна Андреевна, иккалангиз битта етим қизни асрашга қарор қилиб, ўзаро келишган эмишсизлар. Шу тўғрими?

– Хаёлимга ҳам келгани йўқ! Бошимга ураманми уни! У оғир қисматимиз ва бахтсизлигимизни эсимизга солиб туради. Наташадан бошқа ҳеч ким керакмас. Қизим битта эди, битталигича қолаверади. Бу ўзи нима гап-а, бўтам, нега у етим қиз асрамоқчи бўлиб қолибди? Сен нима деб ўйлайсан, Иван Петрович? Ҳадеб кўз ёши қилаверганим учун кунглимни олмоқчими ёки жигаргўшасини бутунлай эсидан чиқариб, бошқа болага меҳр кўйиш учунми? У кела туриб мен ҳақимда сизга нима деди? Сизга у қандай кўринди, хафами, тажангми? Жим! Келяпти! Кейин гапириб берарсиз, бўтам, кейин!.. Эртага келиш эсингдан чиқмасин...

ХIII БОБ

Чол кирди. У бир нарсадан уялаётгандек, мароқ билан бизни кўздан кечирди, қовоғини солди. Кейин стол олдига келди.

– Самоварга нима бўлди, нима, шу вақтгача олиб келмадиларми?

– Опкеляпти, дадаси, опкеляпти, мана опкелди, – деди Анна Андреевна питиллаб.

Матрёна ҳам худди Николай Сергеичнинг чиқишини кутиб тургандек, уни кўриши билан самоварни олиб кирди. Матрёна кексайиб қолган, қадрдон ва содиқ оқсоч эди. Бироқ дунёдаги ҳамма оқсочлардан ҳам энг вайсақиси, ўзбошимча ва қайсар эди. У Николай Сергеичдан кўрқар, унинг олдида чурқ этиб оғиз очолмасди. Аммо Анна Андреевнадан ҳиссасини чиқарар, ундан ҳеч ибo

чиқмас, кўрслик қилар, зотан, Анна Андреевна билан Наташани жон-дилидан астойдил севгани билан барибир ҳар қадамда бекасидан узини юқори тутишга уринар ва бунинг яширмасди ҳам. Матрёнани мен Ихменевка қишлоғида кўрган эдим.

– Ҳм... ивиб кетганингни ўзи табиатингни хира қилади, бунинг устига сенга чой қайнатиб қўйишни ҳам истамайдилар, – вайсарди чол ғудраниб.

Анна Андреевна уни кўрсатиб, менга имлаб қўйди. Унинг бунақанги сирли имо-ишораларга тоб-тоқати йўқ эди, гарчи ҳозир бизга қарамасликка ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, ҳозир Анна Андреевнанинг менга имлаб қўйганини сезиб тургани унинг афтидан кўриниб турарди.

– Иш билан юрувдим, Ваня, – деди у тўсатдан. – Ишларнинг пачаваси чиқиб кетди. Сенга айтмовдимми? Айб менинг устимга тушиб қоляпти. Далиллар йўқ эмиш, керакли қоғозлар йўқ эмиш, бундан чиқди маълумотномалар ҳам нотўғри экан-да!.. Ҳам...

У ўзининг князь билан бўлаётган жанжали ҳақида гапираётган эди. Бу иш ҳамон судралиб келмоқда, лекин Николай Сергеич учун оқибати хунук бўлмоқда эди. Мен нима деб жавоб берншни билмай индамай ўтирдим. У менга шубҳа билан қараб қўйди.

– Ҳа, нима бўпти! – давом этди худди бизнинг жим ўтиришимизга жаҳли чиққандек. – Қанча тез ҳал бўлса, шунча яхши. Гарчи тўлашга мажбур қилиб ҳукм чиқарсалар ҳам, мени муттаҳамга чиқаролмайдилар. Менда виждон бор, майли, ҳукм қилаверсинлар. Ҳарқалай иш тугади. Ишни бартараф қилишади, хароб қилишади. Ҳаммасини ташлайман-у, Сибирга кетаман.

– Эй, Худо, қайси гўрга? Нега энди шунча узоқ ерга кетиш керак? – деди сабри чидамай Анна Андреевна.

– Бу ерингнинг нимаси яқин? – сўради чол жеркиб гўё эътироз билдирилгани учун севиниб кетгандек.

– Бу ер минг қилса ҳам одамларга яқин... – ғудирлади Анна Андреевна ва менга ғамгин қараб қўйди.

– Қанақа одамларга?! – бақирди у ғазаб билан кўзларини гоҳ менга, гоҳ унга чақчайтириб. – Қанақа одамларга? Талончиларга, тухматчиларгами, сотқинларгами? Бунақалар ҳамма жойда сероб, ташвиш қилмай кўя қол, Сибирда ҳам топнади. Мен билан боришни хоҳламасанг, қолавер; мен зурламайман.

– Ҳой, Николай Сергеич, сенсиз мен ким билан қорлардим? – чинқириб юборди бечора Анна Андреевна. – Сендан бошқа бу ёруғ дунёда ҳеч кимим йўқ, ҳеч ким...

У бирдан дудуқланиб жим бўлиб қолди, кўрқиб кетиб менга қаради, бу кўзларда «нима қилай, ёрдам бер!» деган маъно бор эди. Чолнинг феъли жуда айниган, у ҳар нарсага тирғилар, унга ҳозир сўз қайтариб бўлмасди.

– Қўйинг-э, Анна Андреевна, – дедим мен, – Сибирь сиз ўйлаганча ёмон жой эмас. Агар ишнинг пачаваси чиқиб, Ихменевкани сотишга тўғри келадиган бўлса, Николай Сергеичнинг нияти жуда ҳам яхши. Сибирда яхшигина жой толиб, ўрнашиш мумкин.

– Гапга тушунадиган одамнинг садағаси кетай, мана сен тушундинг, Ваня, ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. Ҳамма нарсанинг баҳридан утаман-у, кетаман-қўяман.

– Эй, хали сендан келган гап шуми? – чийиллади Анна Андреевна кафтларини бир-бирига уриб. – Сен ҳам; Ваня, ўша томондамисан? Аммо лекин сендан буни кутмагандим, Иван Петрович, кутмагандим... Қўлимиздан келганча сизга меҳрибонлик қилгандик, сиз бўлсангиз...

– Ҳо-ҳо-ҳо! Бўлмаса нимани кутгандинг? Уйлаб кўр ўзинг, бу ерда қолсак, нима билан тирикчилик қиламиз? Пуллар тамом, охирги чақалар кетяпти! Ёки Пётр Александрович олдига бориб, афв сўрашни буюрмоқчимсан?

Князнинг номини эшитиб, бечора кампир шундай кўрқиб кетдики, азбаройи қаттиқ қалтираганидан қўлидаги чой қошиғи тарелкага урилиб жиринглаб кетди.

– Рост-да, – деди Ихменев захарханда қилиб ўз-ўзидан қизишиб, – ростдан ҳам афв сўрагани бора қоламиз-а, Ваня!

Сибирда бало борми? Яхшиси, эртага яхшилаб кийинаман, сочларимни силлиқ қилиб тарайман, Анна Андреевна янги манишка тайёрласин (шундай одамнинг олдига бошқача бориб бўлармиди!) олифталик бекаму кўст бўлиши учун янги перчатка сотиб олай-да, жаноби олийлари хузурига борай: «Тақсири олам, пуштифаноҳим! Гуноҳимдан ўт, раҳм-шафқат қил, бурда нон хайр қил, хотиним, ёш болаларимнинг раҳмини е!..» дея қолай. Шундайми, Анна Андреевна? Шунини хоҳлайсанми?

– Вой шўрим!.. Ҳеч нарса керакмас менга. Шунчаки аҳмоқлик қилиб оғзимдан чиқиб кетибди, ранжитган бўлсам кечир, лекин менга бақирма! – шўрлик кампир қўрққанидан тобора қаттиқроқ қалтираб.

Имоним комилки, бечора хотиннинг қўрқиб, кўз ёши қилаётганини кўриб, шу тобда юрак-бағри қон бўляпти, ўзи хотинидан бешбаттар эзиляпти, лекин ўзини тутолмай қолди. Баъзан ниҳоятда меҳрибон, аммо кўнгли бўш кишилар ўзларининг мурувватли бўлишларига қарамай, бошга тушган ғам-кулфатдан қаттиқ изтиробга келиб, қандай бўлса ҳам бунинг захрини бировга, ҳеч гуноҳи бўлмаган, аксарият ўзига энг яқин кишига сочиб, уни бекордан-бекорга хафа қилишади. Масалан, аёллар баъзан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзларини бебахт ва хўрланган одам деб ҳисоблашга эҳтиёж сезадилар. Шунга ўхшаган асаблари мустаҳкам, хотинлар каби заиф бўлмаган кўп эркаклар ҳам шу жиҳатдан аёлларга ўхшаб кетишади. Чол бечора жанжалга баҳона қидирар, лекин ўзининг шу каби эҳтиёжидан ўзи қийналар эди.

Эсимда бор, ўшанда бир фикр менинг хаёлимдан ўтди: дарҳақиқат, у Анна Андреевна тахмин қилганича бирор иш қилиб келмаганмикин? Худонинг ўзи инсоф бериб, Наташанинг олдига бормоқчи бўлган-у, йўлда бу фикридан айниган ёки бирор тасодиф рўй бериб, у ўз ниятидан қайтган ёки бирор сабаб ниятини амалга оширишга халал берган. Шундай бўлиши эҳтимол, мана энди у фиғони чиқиб, қийналиб уйига қайтиб келди

ва ҳалигина кўнглидан ўтган истак ва туйғусидан ўзи уялиб, ўзининг кўнгли бўшлиқ қилганининг аламини гумонича шу истак ва туйғу вужудини қамраб олган кишилардан олмақчи. Эҳтимол, у қизининг гуноҳидан ўтганда бечора Анна Андреевнанининг қандай қувониб кетишини кўз олдига келтиргандир ва орзуси рўёбга чиқмагач, албатта бунинг аламини яна шу бечора Анна Андреевнадан олаётгандир.

Бироқ хотинининг ғамгин чехраси, даҳшатдан титраб турганини кўриб, унинг раҳми келди. У ўзининг ғазабидан уялди шекилли, бир дақиқа ўзини босди. Ҳаммамиз жим турардик, мен бўлсам унга қарамасликка уриндим. Бироқ бу ҳол узоққа бормади. Қандай бўлмасин, жеркиб, лаънат ўқиб, кўнглини бўшатиб олиши шарт эди.

– Кўряпсанми, Ваня, – деди у бирдан, – афсуски гапирмоқчи эмасдим, бироқ шундай бир пайт келдики, ростгўй одамлардек очиқчасига илмоқсиз гаплашиб олиш керак... Тушунасан-а, Ваня? Келганинг учун хурсандман, шунинг учун сенинг олдинда, бошқалар ҳам эшитсин, деб баралла гапирмоқчиман: ниҳоят, мана бу машмашалар, мана бу кўз ёшлар, оҳ-фарёдлар, нолишлар ҳамма-ҳаммаси жонимга тегди. Қалбимдан юлиб ташланган нарса, ҳар қанча алам ва изтироб билан олиб ташланган бўлса ҳамки, ҳеч қачон қайтиб ўрнига тушмайди. Шундай! Айтганим-айтган. Мен ярим йил илгари бўлган ҳодиса ҳақида гапираётиман, тушунапсанми, Ваня? Гапирганда ҳам сен менинг гапларимда ҳеч қанақа хато топмаслигинг учун очиғини, тўппа-тўғриси айтяпман, – қўшиб қўйди у, қизариб кетган кўзлари билан менга қараб, афтидан, хотинининг кўрқувдан ола-кула бўлиб кетган кўзларига қарашдан қочиб. – Такрор айтаман, булар беҳуда гап. Мен истамайман!.. Мени аҳмоқ, тубан одам, шундай паст, шундай заиф туйғуга эга бўлишга қобилиятли деб ҳисоблашлари жонимни ҳалкумимга келтиряпти, ғамдан мияси алжиб қоляпти, деб

уйлайдилар... Бўлмаган гап! Мен ҳаммасини бошимдан соқит қилдим, мен эски туйғуларни унутиб юбордим! Мен учун хотира деган нарса йўқ. Ҳа! Гап шу!..

У урнидан ирғиб туриб, столни шундай муштладики, пиёлалар жаранглаб кетди.

- Николай Сергеич! Наҳотки, Анна Андреевнага ачинмасангиз! Қаранг, у бечорани нима аҳволга соляпсиз! - дедим мен ўзимни туютолмай ва унга жаҳд билан тикилиб. Бироқ мен ўтга мой сепгандай бўлдим.

- Ачинмайман! - бақирди у титраб ва ранги ўчиб. - Ачинмайман, чунки менга ҳам ачинмайдилар! Ачинмайман, чунки ўз уйимда мен фалокатзодага қарши ҳар қанақа жазога сазовор бўлган лаънати бузуқ қиз туфайли фитна уюштирмоқдалар.

- Дадаси, Николай Сергеич, қарғама! Нима қилсанг қил, лекин қизимни «оқ» қилма! - қичқирди Анна Андреевна.

- «Оқ» қиламан! - бақирди чол аввалгидан баттарроқ қичқириб. - Чунки хўрланган ва ҳақоратланган мен бўлсам-у, яна ўша лаънатига бориб, ундан узр сўрашимни талаб этадилар! Ҳа, шундай, гап шундай! Бу билан мени кеча-кундуз, менинг ўз уйимда кўз ёшлари, оҳу воҳ ва аҳмоқона имо-ишоралар билан қийнайдилар! Менинг кўнглимни юмшатмоқчи бўладилар... Мана бунга қара, Ваня, - қўшиб қўйди у шошиб-пишиб титроқ қўллари билан ён чўнтагидан қоғозларни чиқарар экан, - мана бу тазкирадан кўчирилган нусха. Бу хужжатга қараганда мен энди ўғри, фирибгар бўлиб чиқибман, ўз валинеъ-матимни талабман!.. Ўша қиз учун мен бадном, шармандаи шармисор бўлдим! Мана, мана, ўзинг қара, Ваня!..

У камзулининг ён чўнтагидан кетма-кет хилма-хил қоғозларни олиб стол устига ташлай бошлади. У тоқатсизлик билан улар ичидан менга кўрсатмоқчи бўлган қоғозни қидирар, лекин аксига олиб керакли қоғоз топилмасди. У чўнтагидаги қўлига илинган ҳамма нарсани олиб бетоқатлик билан улоқтираверди ва беҳосдан бир нарса столга жаранглаб тушди.

Анна Андреевна чинқириб юборди. Бу йўқолган медальон эди...

Мен кўзларимга ишонмай қолдим. Чолнинг юзига қон югуриб қип-қизариб кетди, чўчиб тушди. Анна Андреевна қўл қовуштирганича ялингандай унга мултиллаб тикилиб турарди. Унинг чехраси севинч ва умид билан порларди. Бизнинг олдимизда чолнинг хижолати, қизариб кетган юзи... Анна Андреевна хато қилмаган, медальоннинг қандай йўқолганини энди тушунган эди.

Анна Андреевна у медальонни топиб олганини билди, эҳтимол, у қувончидан юраклари уйнаб, ховлиққанича бегона кўзлардан медальонни беркитган, ҳеч ким йўқ ерда ўзи ёлғиз болажонининг дийдорига тўйиш учун унга чексиз муҳаббат билан термилган, эҳтимол, у ҳам бечора она каби, беркиниб олиб ўзининг бебаҳо Наташаси билан ғойибона гаплашган, ўзига саволлар бериб уларга ўзи жавоб қилган кечалари эса алам-изтирөб билан кўксидан отилиб чиққан фарёдини босиб уни эркалатган, жонажон қизининг суратини ўпган, одамлар кўзида кўришни ҳам истамай «оқ» қилган қизини қарғиш ўрнига ундан афв сўраб, унга умр тилагандир.

– Жонгинам, хайрият, уни ҳалиям жонингдек кўраркансан-да, – қичқирди Анна Андреевна, бундан бир дақиқа муқаддам унинг Наташасини қарғаган бағритош ота олдида ўзини тутолмай.

Кампирнинг нидоси унинг қаҳрини оширди, бирдан унинг кўзларида ғазаб ўти чақнади. У медальонни қўлга олиб, кучининг борича ерга отиб урди ва жон-жаҳди билан тепкилай бошлади.

– Умрбод «оқ» қилдим! – хириллади у нафаси тикилиб. – Умрбод «оқ» қилдим! Умрбод!

– Ё Раббий! – бақирди кампир. – Уни-я, уни-я! Менинг Наташамни-я! Унинг юзларини оёғи билан тепкилайди-я! Оёқлари билан-а!.. Золим! Қаҳри қаттиқ, бағритош, мутакаббир!

Ақлдан озган чол хотинининг дод-фарёдини эшитиб, қилган ишидан даҳшатга келди ва ўзини босди. Бирдан у полдан медальонни кўтарди-ю, ташқарига югурди; лекин икки қадам ташламасдан йиқилиб, чўккалаб қолди, олдидаги диванга қўлларини тираб, мадори кетган ҳолда бошини қуйи солди.

У ёш боладек, аёллардек ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади, ич-ичидан келяётган фарёд унинг кўксини ёриб юборгудек эди. Басавлат чол бир зумда ёш гўдақдек бўлиб қолди. Энди у лаънат ҳам ёғдирмас, ҳеч қайсимиздан уялмай бундан бир дақиқа илгари оёқлари остига олиб тепкилаётган суратни жон-жаҳди билан тўхтатмай ўпарди. Унинг қизига бўлган бутун муҳаббати, қалбида шунчалар узоқ сақланган муҳаббати, гўё энди ҳеч тўхтатиб бўлмайдиган сув тошқинидек отилиб чиқмоқда ва унинг борлиғини парчаламоқда эди.

– Кечир, кечир уни! – уни ёлворарди йиғлаб Анна Андреевна энгашиб эрини кучоқлаганича. – Қайтар уни ота-она бағрига, маҳшар куни Парвардигорнинг ўзи ҳам инсоф ва мурувватнинг учун сени ярлақайди!..

– Йўқ, йўқ! Ҳеч қачон! – бақирди у хириллаб, нафаси тиқилиб. – Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! –

XIV БОБ

Мен Наташаникига анча кеч, соат ўнларда келдим. У вақтда Наташа Семёновск кўпригига яқин Фонтанка кўчасида, савдогар Колотушкиннинг «данғиллама» ифлос ҳовлисида, тўртинчи қаватда турар эди. Наташа уйдан кетган дастлабки кунлари улар Алёша билан Литейная кўчасида учинчи қаватда, кичикроқ бўлса ҳам жуда чиройли ва ҳар жиҳатдан қулай бўлган шинамгина бир квартирада турардилар. Бироқ кўп ўтмай ёш князнинг ҳамёни бўшаб қолди. Мусиқа муаллими ҳам бўлолмади, аммо қарзга пул олаверди, бошдан-оёқ қарзга ботди. Пулни у уйни жиҳозлаш, Наташага совғалар олиш учун

сарф этар эди, лекин Наташа унинг беҳуда пул сарфлашига тиш-тирноғи билан қарши турар, уни уришар ва ҳатто йиғлаб олар эди. Баъзан ҳафталаб совға учун нима олишини, Наташанинг қанчалик хурсанд бўлишини кўз олдига келтириб, бундай кунни ўзи учун катта байрам ҳисоблайдиган ҳассос ва зийрак Алёша ўзининг орзу-умидларини менга завқ билан гапириб берарди. Наташанинг кўз ёши ва койишларидан шу қадар таъби бузилардики, кишининг унга юраги ачиб кетар эди. Натижада шу совғалар туфайли ораларида аччиқ-тиззиқ таъналар, урушлар чиқар эди. Ундан ташқари, Алёшанинг Наташадан яшириб қилаётган сарфлари ҳам бўлар эди. Чунончи, у ўртоқларига таассуб қилиб Наташасига хиёнат қилар, ҳар хил Жозефиня ва Миналарникига бориб юрар эди; аммо шунга қарамай, Наташани қаттиқ севар, жон-жаҳди билан севар эди. У кўпинча хафа бўлиб, парижон ҳолда меникига келар, Наташанинг тирноғига ҳам арзимаслиги, ўзининг қўпол ва заҳар эканлигини, унинг муҳаббатига лойиқ эмаслигини, унинг қадрига етмаслигини гапириб ҳасрат қиларди. Бир жиҳатдан унинг гапи тўғри: уларнинг орасида фарқ катта эди. У Наташа олдида ўзини ёш боладек сезар, Наташа ҳам уни ҳар доим ёш бола ҳисоблар эди. Жозефиня билан танишиб қолганидан минг пушаймон еб йиғлаб гапирарди-да, тагин ўзи бу гапларни Наташага айтмаслигимни сўраб ёлворарди. Менга юрагидагини очиб сочганидан кейин қўрқа-писа мен билан бирга Наташаникига жўнарди (албатта, мен билан бориши шарт эди, негаки, мана бу хиёнатлардан кейин унинг кўзига қарашдан қўрқшини, ёлғиз менгина унга мадад бера олишимни таъкидларди), бироқ Наташа унга кўзи тушиши билан нима гаплигини дарров сезиб қоларди. Наташа ўлгудек рашкчи эди, лекин қандай қилиб Алёшанинг бебошлигини ҳамма вақт кечира олишига асло ақли етмасди. Одатда, бундай бўлар эди: Алёша уйга мен билан бирга кириб, қўрқа-писа у билан гаплашади, тортинибгина мулойимлик билан унинг

айбли эканини шу заҳотиёқ сезиб олади, лекин ҳеч қачон сир бой бермайди, бу ҳақда гап очмайди, ўсмоқчилаб ҳам сўрамайди, аксинча, шу заҳоти хушмуомала, мулойим, хушчақчақ бўлиб олади, лекин булар ҳаммаси аллақандай бир ўйин ёки атайлаб қилинган қувлик эмас. Йўқ, мана бу олижаноб аёл учун кечириш ва афв этишнинг ўзи унга битмас-туганмас завқ бахш этар, Алёшани афв этишнинг ўзида у аллақандай бир назокат ва латофат бор деб билар эди. Шунини айтиш керакки, ўшанда гап фақат Жозефинялар устида борар эди. Унинг ювош ва беозорлигини куриб, Алёша ортиқ чидаб туролмас ва ҳеч ким сўрамаса ҳамки, ўз таъбирича, юракни бўшатиб, «олдингидек бўлиш» учун тавба-тазарру қила бошлади. Афв этилгандан кейин у қувончга тўлар, баъзан шодликдан кунгли бузилиб йиғлаб юборар, уни кучоқлаб ўпа бошлар эди. Шундан кейин жуда очилиб кетиб, ёш болалардек очиққунгиллик билан Жозефиня билан бўлган ишларни ипидан-игнасигача гапириб берар, қотиб-қотиб кулар, Наташани кўкларга кўтариб мақтар эди. Оқшомни хурсандчилик ва хушчақчақлик билан ўтказар эдилар. Унинг пули соб бўлганда буюмларини сота бошлади. Наташанинг қистови билан Фонтанкадан кичкинагина, арзон квартира топдилар. Буюмларини ҳамон сотишарди, Наташа ҳатто уст кўйлаklarини пуллаб, ўзига иш қидира бошлади; Алёша бундан хабар топиб, жиғибийрони чиқди. У ўзига ўзи лаънат ўқир, ўз-ўзимдан нафратланаман, деб қичқирар, аммо ишни тузатиш учун ҳаракат қилмасди. Ҳозирги пайтда энг сўнгги маблағ ҳам тугаган эди; охириги умидлари иш эди, аммо ишга жуда оз ҳақ туланарди.

Бошдаёқ ҳали улар бирга туришган пайтларида Алёша шу туфайли отаси билан қаттиқ уришиб қолди. Князнинг у вақтда Алёшани графинянинг ўғай қизига – Катерина Фёдоровна Филимоновага уйлантириш ҳақидаги нияти ҳали фақат режагина эди, холос. Бу режани амалга ошириш учун у жон-жаҳди билан уринарди; у Алёшани

бўлажак қайлиқниқига судрагани-судраган, қизга ёқишга ҳаракат қил, деб қистар, пўписа ҳам қилар, далиллар келтириб, уни гапга кўндирмоқчи бўларди, лекин графиня туфайли иш чатоқлашди. Шундан кейин князь ҳам Алёшанинг Наташа билан бўлган алоқасига бефарқ қарай бошлади, арқонни узун ташлаб қўйди, Алёшанинг енгилтабиат, ҳавойилигини билгани учун бунинг муҳаббати ҳам узоққа чўзилмас, деб уйлади, унинг Наташага уйланиши мумкинлиги эса охириги вақтгача князнинг хаёлига ҳам келмади. Ошиқ-маъшуклар эса оталари билан расмий равишда ярашиб олгунча, умуман шароитнинг ўзгаришигача ишни орқага суриб келдилар. Бироқ чамамда Наташа бу ҳақда чурқ этиб оғиз очишни истамас, Алёша отасининг шу бўлган ишлардан унча-мунча хурсанд ҳам экани, бу воқеалар туфайли Ихменевнинг таҳқирланиши унинг кўнглидаги муддао эканини менга яширинча гапириб қўйди. Хўжакурсинга у ўғлига ўз нозилигини изҳор этаверди, чунончи, ўғлига бериб турадиган озгина маблағни камайтирди (ўғлига нисбатан жуда хасис эди). Шу маблағдан ҳам махрум этаман, деб кўрқитарди, бироқ кўп ўтмай Польшага графиня орқасидан жўнаб кетди. Графинянинг у ерда ишлари бор эди, князь эса ҳамон ёшларни унаштириб қўйиш дардида юрар эди. Алёша уйланиш учун ҳали анча ёш бўлса ҳам, лекин қайлиқ жуда бадавлат эди. Бундай қайлиқни қўлдан чиқариб бўлмасди. Ниҳоят, князь мурод-мақсадига етди. Унаштириш масаласи ижобий ҳал бўлибди, деган хабарлар бизга ҳам етиб келди. Мана шу воқеалар тасвир этилаётган вақтда князь Петербургга қайтиб келган эди. У ўғлини хушмуомалалик билан қарши олди. Лекин Наташага ҳалигача вафодор бўлиб келаётгани унга ёқмади. У шубҳалана ва кўрқа бошлади. Наташадан ажралишни жиддий ва қатъий суръатда ўғлидан талаб қилди, лекин тез орада яхши бир йўл топди: Алёшани графиняниқига олиб борди. Графинянинг ўғай қизи ҳали жуда ёш, камдан-кам учрайдигап пок қалбга эга бўлган хушчақчақ,

ақли, мулойим, гузал қиз эди. Князнинг мўлжалича, шу ярим йил ўз самарасини кўрсатиши керак эди, Наташа энди унинг ўғли учун ўзининг дастлабки жозибадорлигини йўқотган, энди у ўзининг бўлажак қайлиғига бундан ярим йил илгариги кўз билан қарамаслиги аниқ эди. Қисман у ўйлаганидек бўлди. Алёша ростдан ҳам графинянинг қизига айланишиб қолди. Шуни айтиб ўтиш керакки, отаси ўғлига нисбатан бирдан ширинсўз бўлиб қолди (бирок ҳали ҳам пул бермасди), Алёша бу ширин муомалалар асосида шак-шубҳасиз қатъий бир қарор яширинганини сизди. Ундан баттар юраги сиқилди, лекин бу юрак Катерина Фёдоровнани кўриб турмаса, баттар сиқиларди. Мана, беш кундан бери у Наташага қорасини кўрсатмасди. Мен Ихменевларникидан чиқиб, Наташанинг олдига кетар эканман, турли-туман фикрлар хаёлимни чулғаб олди. «Менга нима деркин?» деб ўйладим ташвиш билан. Узоқдан турибоқ унинг деразасидаги чироққа кўзим тушди. Аллақачон, агар Наташанинг менда зарур иши бўлса, шағамни дераза олдига қўйиши керак, деб келишиб қўйган эдик. Мен ўтиб кета туриб (ҳар оқшом унинг деразаси тагидан ўтишимга тўғри келарди), деразада шағам кўрсам, демак, мени кўриши жуда ҳам зарурлиги маълум бўларди, бундан мени кутаётганини, унга керак эканимни билардим. Кейинги вақтларда у жуда тез-тез шағамни дераза олдига қўядиган бўлиб қолган эди...

XV БОБ

Келганимда Наташа ёлғиз эди. У қўлларини кўксига қўйганича чуқур хаёлга ботиб, уйнинг у бошидан бу бошига аста-аста юриб турарди. Стол устида ўти ўчиб қолган самовар аллақачондан бери мени кутаётган эди. У индамай жилмайганича менга қўлини чўзди. Юзи оқарган, унда алам ва изтироб ифодаси бор эди. Табассуми мунгли, нозик ва сабр-қаноатли

эди. Уинг мовий, порлоқ кузлари гўё илгаригидан каттароқ, сочлари яна ҳам қалинга ўхшаб кўринарди, бунинг сабаби унинг озиб кетганлиги ва бетоблиги бўлса керак.

– Энди келмайсан шекилли, деб ўйлаган эдим, – деди у қўлини бера туриб. – Яна тобинг қочиб қолдимикан, деб Маврани юбормоқчи ҳам бўлиб турган эдим.

– Йўқ, соғман. Мен ушланиб қолган эдим. Ҳозир ай-тиб бераман. Хўш, ўзинг қалайсан, Наташа? Нима бўлди сенга?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – жавоб берди у таажжублангандай. – Нима бўпти?

– Ўзинг ёзибсан-ку... Кеча келишимни сўраб ёзибсан, тағин одатингга хилоф қилиб келиш вақтимии ҳам тайинлабсан.

– Ҳа, айтгандек!.. Мен кеча уни кутгандим.

– Нима, у ҳали ҳам келгани йўқми?

– Йўқ, борди-ю, келмай қолса, сен билан гаплашиб олишга тўғри келар, деб ўйловдим, – деди у бир оз жим тургандан кейин.

– Бугун-чи? Бугун кечкурун уни кутдингми?

– Йўқ. Кутганим йўқ: бу оқшом у уникида.

– Энди у ҳеч қачон келмайди, деб ўйлаяпсанми?

– Келишга келади, – жавоб берди у ғалати бир жиддийлик билан менга тикилиб.

Менинг савол устига савол беришим унга ёқмасди. Биз ҳамон у ёқдан бу ёққа юрар, индамасдик.

– Сени кутавериб кўзларим тўрт бўлди, Ваня, – бошлади у яна жилмайиб, – биласанми нима қилдим? Шу ерда у ёқдан бу ёққа юриб, ёдаки шеърлар ўқидим. Эсингда борми, «Кўнғироқча, қишки йўллар: Қайин столимда қайнар самовар...» биз тағин бирга ўқирдик:

*Қор бўрони тинди ва ёришди йўл,
Тун боқар миллионлаб хира кўз билан...*

Ундан кейин:

*Ногоҳ эшитилар жарангли кўшиқ,
Кўнғироқ сасига бўлиб оҳангдош.
«Бир кун келар ёр, кетар айрилиқ
Кўяр тин олгали кўксим узра бош.
На соз бу ҳаётим!*

Энди тонготар,

*Дарчамга сочганда майин шуъласин,
Қайин столимда қайнар самовар,
Печкада аланга ловиллаб ёнар,
Нурида ётоғим товланар рангин...*

- Нақадар ажойиб! Алам ва ҳасрат тўла шеърлар, Ваня, нақадар хаёлий, завқбахш манзара, фақат чизилган, нима хоҳласанг шуни тикаверасан. Икки хил туйғу: аввалги ва охириги ҳис тараннум этилган. Самовар, чит парда, барчаси шу қадар қадрдон... Бизнинг уезд шаҳарчамиздаги мешчан хоиадонларидагидек, мен ана шу уйни худди кўриб тургандекман: яп-янги, ёғоч уй ва ҳали устига тахта қопланмаган... Мана, бошқа бир манзара:

*Яна эшитилар жарангли бир ун,
Кўнғироқ сасига янграр оҳангдош.
Қайда экан ёрим, у келиб бир кун,
Эркаланиб кўяр сийнам узра бош.
Шу ахир ҳаётми? – Қоронғи кулбам,
Тор ғамли бир хона, зах қийнар ёмён,
Дарчам орқасида ўсар бир олча,
Музлаган дарчамдан кўринмас у ҳам,
Балки қуриб қолган у аллақачон.
Камалак рангага мен бўлиб асир,
Бетоб кезаману, ҳеч қайга бормам.
Мени ким тергайди? – Ёрим йўқ ахир,
Фақат кампир вайсар...»*

- «Бетоб кезаман...» сўзи шу ерга қанчалик ўринли тушган! «Мени ким тергайди?» – бу байтда қанча назокат, қанча ноз-истиғно бор, хотиротлар ва қанча изгируб

бор, ўзинг сабабчи бўлган азоблардан яна ўзинг завқланасан... Эй, Тангрим, нақадар саз! Ахир булар барчаси шу қадар ҳаётий!

Наташа гўё томоғини бўғиб келаётган нарсани тухтатиш учун жим бўлиб қолди.

– Азизим, Ваня! – деди у бир лаҳзадан сўнг ва яна бирдан айтмоқчи бўлган сўзини унутиб қўйгандек ёки бехосдан ўзини қамраб олган ҳисларга берилиб, уйламасдан оғзидан чиқиб кетгандек яна жимиб қолди.

Биз ҳамон уйнинг у бошидан бу бошига юришда давом этардик. Икона олдида шамчироқ ёниб турарди. Наташа кейинги вақтларда кундан-кун художўй бўлиб бормоқда эди. Бу ҳақда оғиз очгудек бўлсанг, ёқтирмасди.

– Нима, эртага байрамми? – сўрадим мен. – Шамчироқ ёқиб қўйибсан.

– Йўқ, байрам эмас... Ҳай, ўтирсанг-чи, Ваня, чарчагандирсан. Чой ичасанми? Ҳали чой ҳам ичмагандирсан?

– Майли, ўтирайлик, Наташа, чой ичганман.

– Ҳозир қаердан келдинг?

– Уларниқидан, – биз унинг туғилган уйини ҳаммаша шундай деб атардик.

– Уларниқидан? Қандай улгурдинг? Ўзинг кирдингми? Ёки чақирдиларми?

У менга усти-устига савол берарди. Ҳаяжондан унинг юзи баттар оқарарди. Мен унга чол билан учрашиб қолганимни, онаси билан гаплашганимни, медальон воқеасини оқизмай-томизмай, батафсил гапириб бердим. Мен ундан ҳеч қачон ҳеч нарсани яширмасдим. У жон қулоғи билан тинглар, битта гапни ҳам тушириб қолдирмасликка тиришарди. Кўзларида ёш милтиллади. Медальон воқеаси уни қаттиқ ҳаяжонлантирди.

– Шошма, шошма, Ваня, – дерди у сўзимни тез-тез бўлиб, – батафсил гапир, ҳаммаси-ҳаммасини битта қўймай гапир, тўла гапирмаяпсан, Ваня!..

Мен ҳикоямни икки-уч маротаба такрорлар, унинг бехисоб саволларига жавоб берар эдим.

– Сен ростдан ҳам дадам менинг олдимга келаётган эди, деб уйлайсанми?

– Билмайман, Наташа, нима деб ўйлашга ҳам ҳайронман. У сен ҳақингда қайғуради, сени соғинади, бу рост гап, лекин олдинга келаётганмиди-йўқми, бунисини... бунисини...

– Медальонни ўпди, дейсанми? – сўзимни бўлди. – Ўпганда нима деди?

– Оғзига келгани айтаверди, сени энг ширин сўзлар билан эркалади, сени чақирди...

– Чақирди?

– Ҳа.

Наташа товушсиз йиғлай бошлади.

– Бечоралар! – деди у. – Ҳамма гапдан хабардор бўлса, ажаб эмас, – қўшиб қўйди бир лаҳза сукутдан сўнг. – У Алёшанинг отаси ҳақида ҳам кўп нарса билади.

– Наташа, – дедим мен тортинибгина, – юр кетамиз уларникига...

– Қачон? – сўради у ранги ўчиб ва креслодан сал кутарилиб. У «ҳозир юр», дейди деб уйлаган эди. – Йўқ, Ваня, – деди у икки қўлини елкамга қўйганича ғамгин жилмайиб, – йўқ, азизим, бу гапни сен менга ҳамма вақт гапириб келдинг, аммо... яхшиси, бу ҳақда оғиз очма.

– Наҳотки, бу жанжалнинг поёни бўлмаса? – деб юбордим мен ҳасрат билан. – Наҳотки сен шу қадар мутакаббирсанки, биринчи қадамни ташлашга ор қилсан? Сен боришинг керак. Биринчи қадамни сен қўйишинг керак. Эҳтимол, отанг сени кечириб учун фақат шуни кутиб тургандир... У ахир ота, сен томондан хурланган ота! Унинг иззат-нафсига тегма, аччиқланиши қонуний ва табиий! Сен шундай қилишинг керак. Ҳаракат қилиб кўр, у сени ҳеч шартсиз кечиради.

– Шартсиз! Бунинг асло иложи йўқ, бекорга таъна қилма, Ваня. Бу ҳақда туну кун уйлайман. Мен уларни ташлаб кетганимдан бери бир кун йўқки, бу ҳақда бош қотирмасам, узинг билан ҳам бир неча бор шу туғрида

гаплашдик-ку! Ўзинг ҳам биласанки, бунинг асло иложи йук!

- Уриниб кўр!

- Йук, дўстим, иложи йук. Башарти, ҳаракат қилсам кўзига баттар ёмқн кўринаман. Бўлар иш бўлди, ғишт қолипдан кўчди. Биласанми, нимани қайтариб бўлмайди? Улар билан биргалиқда ўтказган бахтиёр болалик чоғларни қайтариб бўлмайди. Отам кечирган тақдирда ҳам, энди у мени таний олмайди. У қизчасини, норасида боласини севарди. У менинг болаларга хос соддалигимдан завқланарди. У мени эркаларди, худди етти яшар маҳалимда унинг тиззасида ўтириб олиб, кўшиқ айтган вақтлардагидек сочларимни силарди. Туғилган кунимдан бошлаб, то шу охири кунгача у ҳар оқшом қанда қилмай каравотим олдига келар, хайрли тун тилаб, мени чўқинтирарди. Мана шу фалокат бошланмасдан бир ой илгари у менга билдирмай зирак сотиб олиб келди (мен бўлсам буни билардим). Совға учун менинг қанчалик қувонишимни тасаввур қилиб, у болаларча шодланарди, лекин зирак олингани анчадан бери ошкор бўлиб қолганини менинг ўзимдан эшитиб, ҳаммадан, айниқса мендан қаттиқ ранжиди. Кетишимдан уч кун илгари у менинг хафалигимни сезиб қолди. Сезди-ю, ўзи ҳам қаттиқ қайғурди, биласанми, ўшанда у нима қилди? Хафалигимни аритиш учун у театрга билет олмоқчи бўлди!.. Худо ҳаққи, шу билан у менинг дардимга даво топмоқчи бўлди! Такрор айтаман сенга, у мени қиз бола деб биларди ва севарди, бир кунмас бир кун мен ҳам аёл бўлишим кераклигини у тасаввур ҳам қилолмасди, истамасди ҳам. Бу унинг хаёлига ҳам келган эмас. Энди мен башарти уйга қайтгудек бўлсам, у мени таний олмайди ҳам. Кечирган тақдирда ҳам энди у кимга дуч келади? Мен энди у билган Наташа эмасман, энди мен норасида болажони эмасман. Кўп нарсани бошимдан кечирдим. Башарти, кўнглини олсам ҳам у ўтиб кетган бахтни эслаб хўрси-

нади, у севиб эркалаган болалик чоғларимга асла ўхшамаганимни куриб куяди, ўтмиш бўлса, ҳаминча ширин туюлади! Куп нарсалар алам билан хотирага олинади. О, ўтган кунлар нақадар яхши эди, Ваня! – қичқирди у ўзидан ўзи қизишиб кетиб ва қалбидан отилиб чиққан шу аламли нидо билан ўз сўзини бўлиб.

– Ҳамма айтаётган гапларинг туғри, Наташа, – дердим мен. – Демак, у сени энди янгидан таниб, янгидан севиши керак. Энг муҳийи шу. Ҳа, нима бўпти? У сени қайтадан сева олади. Наҳотки, у сени қайтадан таниб, тушунишдан ожиз бўлса? У-я? Шундай қалб эгаси-я!

– Эҳ, Ваня, шунчалик ноинсоф бўлма, ким бўлибманки, мени шунча тушуниш қийин бўлса? Мен уни айтмоқчимасдим. Билсанг, Ваня, ота муҳаббати ҳам рашкли бўлади. Бу ишлар ҳаммаси усиз бошланиб, Алёша билан топишганимиздан у беҳабар қолган. У билган ҳам эмас, сезган ҳам эмас ва севгимизнинг машъум оқибати, менинг уйдан қочишимни, ҳаммасини менинг писмиқлигимдан деб билади. Мен бошда унинг олдига бормадим, кейин уни севгимнинг дастлабки даврларида қалбимнинг ҳар бир талпинишидан боҳабар қилмадим, аксинча, ҳаммасини ичимга солдим, ундан беркитдим. Шунинг учун ҳам Ваня, у ичдан қаттиқ ранжиди, севгимнинг бебахт оқибатидан, уларни тарк этиб ўйнашни деб кетганимдан ҳам ҳақоратлироқ туюлди. Фараз қилайликки, у мени ҳозир ҳам, ота сифатида меҳр-муҳаббат билан қарши олади, бироқ адоват уруғи қолади-ку! Орадан икки-уч кун ўтгач, диққатбозлик, зарда, таъналар бошланади. Шу билан бирга, у мени индамай-нетмай кечириб қўя қолмайди. Майли, мен унга туғрисини, чин қалбимдан уни таҳқир қилганим, унинг олдида оғир гуноҳкор эканимни тушунишимни айтай. Башарти, у Алёшага эришиш бахтим қандай қимматга тушганини, не-не азоблар чекканимни тушунишни хоҳламаслиги менга қанчалик азоб бермасин, ўзимни босиб ҳаммасига чидай-

ман, бироқ бу ҳам унга камлик қилади. У мендан жуда катта қурбонлик талаб этади: қилмишларимга лаънат ўқиб, Алёшани қарғаб, унга бўлган севгимдан пушаймон ейишимни талаб қилади. У асло мумкин бўлмаган нарсани – ўтмишни қайтариб, умримизнинг кейинги ярим йилини учуриб ташлашимни хоҳлаб қолади. Бироқ мен ҳеч кимни қарғай олмайман, қилмишимдан пушаймон ҳам бўлмайман... Бўлар иш бўлди, пешонада борини кўрдим... Йўқ, Ваня, энди иложи йўқ. Ҳали вақти эмас.

– Қачон келади ўша вақт?

– Билмайман... Истиқболдаги бахтимиз учун қайтадан азоб тортиш керак. Қандайдир янги аламлар эвазига келади энди у бахт. Алам-изтироб ҳаммасини ювиб юборади... Эҳ, Ваня, Ваня, ҳаёт кишига нақадар озор беради.

Мен индамасдан хаёл суриб, унга тикилардим.

– Нега мунча менга тикиласан, Алёша... Вой, ўлай, Ваня? – деди у адашиб, адашгани учун ўзи кулиб.

– Мен энди табассумингга қараяпман, Наташа. Бу табассумни қаердан олдинг? Авваллари бунақа табассум қилмас эдинг-ку!

– Табассум қилсам, нима бўпти?

– Табаасумингда болаларча маъсумлик бор... Бироқ табассум қилган чоғингда юрагинг қаттиқ санчиганга ўхшайди. Мана, озиб қолибсан, Наташа, сочларинг бўлса, қалинлашибди... Бу қайси кўйлагинг? Уйдалигингда тиктирганмидинг?

– Қанчалик севасан мени, Ваня? – деди у менга меҳрибонлик билан қараб. – Ҳуш, ўзинг-чи? Энди ўзинг нима қиляпсан? Ишларинг қалай?

– Ўзгариш йўқ; ҳали ҳам роман устида ишляпман, қийин, ишим ўнгидан келмаяпти. Илҳом етмайди. Наридан-бери ёзиб ташлай қолсам ҳам бўларди, балки қизиқарлироқ чиқармиди, аммо яхши ғояни бузишга кўзим қиймайди. Бу энг яхши ғоялардан бири. Журналга ўз муддатида топширишим зарур. Мен ҳатто

романни йиғиштириб қўйиб, осонроқ, кишини хафа қилмайдиган латиф бир ҳикоя ўйлаб топсаммикин, деб юрибман. Ўқиб ҳамма қувонсин, шодлансин!...

– Бечора заҳматкаш йигит, Смит қалай?

– Ўлди Смит.

– Олдингга келмадим? Ваня, рост айтяпман, сен бетобсан, асабларинг қақшаб қолган. Хаёл сураверинг оқибати бу. Ижарага квартира олганингни гапириб берганингда мен буни сезгандим. Нима, топган уйинг захми? Ёмонга ўхшайди-а?

– Ҳа, яна бугун кечкурун бир воқеа юз берди... Ҳа, майли, кейин гапириб бераман.

У эса энди менинг гапимни эшитмай, чуқур хаёлга чўмиб ўтирарди.

– Ажабо, қандай қилиб ўшанда уларникидан кетиб қолганимга ўзим ҳам ҳайронман. Бутун вужудим ёнарди ўшанда, – деди у ниҳоят мендан жавоб талаб қилмайдиган бир боқиш билан.

Шу дақиқа мен унга бир гап айтсам ҳам, қулоғига кирмасди.

– Ваня, – деди у эшитилар-эшитилмас, – мен сени бир иш билан чақирган эдим.

– Ҳўш?

– Мен ундан ажраляпман.

– Ажралдингми ёки ажралишмоқчимисан?

– Бундай турмушга барҳам бериш керак. Юрагимда йиғилиб қолган, шу чоққача сендан яшириб келган ҳамма сирларни, ҳаммасини изҳор этиш учун сени чақирдим, – у ҳамма вақт ўзининг яширин сирларини гапиришдан олдин шундай гап бошлар, лекин оқибатда бу сирларни илгариеқ унинг ўз оғзидан эшитганим маълум бўларди.

– Эй, қўйсанг-чи, Наташа, бу гапни ўзингдан минг марталаб эшитганман! Шубҳасиз, сизларнинг бирга яшаб кетишларинг мумкин эмас; алоқангиз ғалати;

ораларингизда ер билан осмонча фарқ бор. Бироқ...
қурбинг етармикин?

– Ваня, аввалгилари фақат ният эди, холос. Энди қатъий қарорга келдим. Мен уни борлигим билан севаман, лекин шундай бўлиб чиқяптики, мен унга биринчи душман эканман; мен унинг истиқболини хароб қиляпман. Уни озод қилиш керак. У менга уйлана олмайди, отасига қарши боришга ожизлик қилади. Мен ҳам уни боғлаб ўтирмоқчи эмасман. Шунинг учун ҳам ҳатто унга унаштирмоқчи бўлган қизни севиб қолгандан ҳам хурсандман. Мендан ажралиш ҳам унга осон бўлади. Мен шундай қилишга мажбурман! Бу менга ҳам қарз, ҳам фарз. Модомики, мен уни севар эканман, мен унга жонимни фидо қилишим керак, битмас муҳаббатимни шу йул билан исбот этишим керак, бу менинг бурчим! Ёки нотўғрими?

– Бироқ сен уни кўндира олмайсан.

– Мен кўндирмоқчи ҳам эмасман. Башарти, у ҳозир келиб кирса ҳам мен у билан бояги-бояги муносабатда бўламан. Аммо мен шундай чора излаб топишим керакки, у осонгина, виждон азобисиз мени ташлаб кетсин. Мана шу мени азобляпти, Ваня, кумак бер. Бирор маслаҳат беролмайсанми?

– Бундай чора бор, – дедим мен, – ундан бутунлай совиб, бошқа бировни севишинг керак. Бироқ бу чора бўла олармикан? Ахир, сен унинг феълини биласан-ку! Мана, у олдингга беш кундан бери келмаяпти. Майли, фараз қилайлик, у сендан бутунлай воз кечган, аммо сен бир оғиз ундан воз кечганингни ёзиб юборсанг, дарҳол ҳузурингга югуриб келади.

– Нега уни ёмон кўрасан, Ваня?

– Мен?

– Ҳа сен, сен? Сен унинг душманисан, ичингдан ҳам, сиртингдан ҳам унга душмансан! Ачитмасдан гапиролмайсан. Минг мартадан сездим: уни ерга уриб, қоралашдан роҳат оласан, ёмонотлиққа чиқарасан, мен тўғриси айтяпман.

- Шунин менга минг марта айтдинг. Кел, шу гапни йиғиштириб қўяйлик, Наташа.

- Бошқа квартирага кучиб ўтсам, деган эдим, - деди яна у бир оз жимликдан сўнг. - Ке қўй, Ваня, диққат бўлма.

- Бошқа квартирага кела олмайдими? Топади. Мен хафа бўлаётганим йўқ.

- Севги кучли нарса. Янги муҳаббат уни ушлаб қолиши мумкин. Мени олдимга келса ҳам бир неча дақиқагина кириб кетиши мумкин. Нима деб ўйлайсан-а?.

- Билмайман, Наташа, унинг ўзини ҳам, қилган ишини ҳам тушуниб бўлмайди, у ўша қизга уйланишни хоҳлайди, сени ҳам севади. Қизиғи шундаки, у ҳаммасини бир вақтда қила олади.

- Мен уни севишини аниқ билганимда эди, бир қарорга келган ҳам бўлардим... Мендан ҳеч нарсани яширма ёки менга айтишни истамаган бир гапинг борми-а?

У менга ташвиш аралаш синчков назар ташлади.

- Ҳеч нарса билмайман, дўстим, Худо ҳаққи, сен билан ҳамма вақт очик гаплашаман. Лекин биласанми, мен яна нима деб ўйлайман, балки у графинянинг ўғай қизини биз ўйлаганча қаттиқ севиб қолмагандир. Шунчаки ишқибоз бўлиб юрган бўлиши мумкин...

- Шундай деб ўйлайсанми-а, Ваня? Эй, Танграм, аниғини билсам эди! Уни шу дақиқа бир кўришни, юзига бир қарашни истардим, юзидан ҳаммасини билиб олардим. Ундан ҳамон дарак йўқ!

- Ҳали сен уни кутяпсанми, Наташа?

- Йўқ, биламан, уникида, билиб келиш учун одам юбордим. Ўша қизни бир кўрсам эдим... Менга қара, Ваня, алжираяпман, лекин уни бир кўришнинг иложи йўқмикан-а? Бирор ерда у билан учрашиб бўлмасмикан-а? Сен нима деб ўйлайсан?

У тоқатсизлик билан жавобимни кутарди.

- Кўриш мумкин. Бироқ кўришнинг ўзи кифоя қилармикан?

- Битта кўришнинг ўзи кифоя қиларди, у ёғини ўзим билиб олардим. Ваня, мен шундай тентак бўлиб қолдим, ўзим ёппа-ёлғиз, юрганим-юрган, хаёлдан бошим чиқмайди. Хаёл ўлгур худди қуюндек бостириб келаверади, шунчалик оғирки! Уйлаб-уйлаб, шуни тоқдим, Ваня, сен ўша қиз билан танишсанг бўлмасмикан-а? Ахир графиня (ўзинг гапириб берган эдинг) романингни мақтаган экан-ку; ахир сен баъзан князь Р. нинг зиёфатларига ҳам бориб турасан, у ўша ерда бўлади. Шундай қилгинки, сени у билан таништирайсизлар. Ё бўлмаса, Алёшанинг ўзи таништиради ҳам бўлади. Мана шунда сен менга у тўғрида батафсил гапириб берардинг.

- Наташа, дўстим, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Менга шуни айт, наҳотки ростдан, бу жудоликка қурбим етади, деб ўйлайсан-а? Ўзингча бир қараб кўр, кўнглинг тинчми ҳозир?

- Е-та-ди! - жавоб берди у эшитилар-эшитилмас. - Ҳаммаси у учун! Мен ҳаётимни унга бағишлаганман! Бироқ биласанми, Ваня, мен шунисига чидолмайманки, Алёша уникида, мени эсдан чиқариб, унинг олдида. Бир вақтлар бу ерда қандай ўтирса, ўшанақа ўйнаб-кулиб ўтиргандир. Унинг кўзларига тик қараб ўтиргандир. У ҳамма вақт шундай қарайди, лекин мен бу ерда... Сен билан бирга ўтирганим хаёлига ҳам келмайди...

У гапини тамом қила олмади, ҳасрат билан менга тикилди.

- Бу қандай гап, Наташа? Ҳозиргина, ҳозиргина ўзинг...

- Майли, ажраладиган бўлсак, ҳаммамиз баробар ажралайлик, - сўзимни бўлди у кўзларини чакна-тиб. - Мен ўзим унга оқ фотиҳа бераман. Бироқ аввал у ташлаб кетса, менга жуда оғир бўлса керак, Ваня? Эй, Ваня, бу қандай азоб? Ўзимга ўзим тушунмайман. Ақлан шундай, лекин амалда бошқача. Энди аҳволим нима кечади?

- Бўлди, бас қил, Наташа, тинчлан!..

– Мана, беш кун бўлди, шундан бери ҳар соат, ҳар дақиқа... Ухласам, тушимда фақат уни кўраман. Ваня, юр ўша ёққа, мени кузатиб бор!

– Қўй, Наташа.

– Йўқ, борамиз! Мен шунинг учун сени кутаётган эдим, Ваня! Уч кундан бери шуни ўйлайман. Шунинг учун сенга хат ёзган эдим-да... Сен мени бошлаб боришинг керак; сузимни қайтарма, Ваня... Сени кутдим, уч кун... У ерда бугун зиёфат... У ўша ерда... Юр, борамиз!

У худди алаҳлаётганга ўхшар эди. Йўлакдан овоз эшитилди, Мавра ким биландир айтишаётгандек эди.

– Шошма, Наташа, ким у? – сўрадим мен. – Қулоқ сол!

У ишонқирамай жилмайиб қулоқ солди-ю, бирдан ранги ўчиб кетди.

– Эй, Худойим! Ким у? – деди у эшитилар-эшитилмас.

У мени ушлаб қолмоқчи бўлди, лекин мен йўлакка, Мавра олдига чиқдим. Худди кутганимдай бўлди! Ростдан ҳам у Алёша эди. Алёша Маврадан нималарнидир суриштирарди. Мавра бошда уни киргизмаган эди.

– Қаёқдан келдинг? – деди Мавра ундан баланд келиб. – Нима? Қаёқларда санғиб юрган эдинг? Ҳа, майли, кира қол! Менга суйкалмай қўя қол! Кир-чи, қани, кўрамиз, қанақа қилиб жавоб бераркансан?

– Мен ҳеч кимдан кўрқмайман! Кираман, дедимми, кираман, – дерди Алёша бир оз хижолат чекиб.

– Кир, кира қол, хирахандон!

– Киравераман! А, сиз ҳам шу ердасиз? – деди у мени кўриб. – Жуда соз, жуда соз! Мана, мен ҳам келдим, нима қилсам экан энди...

– Нима қилардингиз, кираверинг, – жавоб бердим мен. – Нимадан кўрқасиз?

– Азбаройи Худо, ҳеч нарсадан кўрқмайман, чунки мен айбдор эмасман, тепамда Худо! Мени айбдор деб ўйлаяпсизми? Мана кўрасиз, ҳозир ўзимни оқлайман.

Наташа, мумкинми? – қичқирди у аллақандай ясама жасорат билан, берк эшик олдида тўхтаб.

Ҳеч ким жавоб бермади.

– Ўзи нима гап? – сўради у ташвиш билан.

– Ҳеч гап йўқ, у ҳозир шу ерда эди, – дедим мен, – бирор ҳодиса юз бермаган бўлса...

Алёша астагина эшикни очди, торгинибгина атрофга куз югуртирди. Уйда ҳеч зоғ йўқ эди.

Бирдан у Наташани бурчакда, шкаф билан дераза ўртасида турганини кўриб қолди. Наташа гўё ундан яширингандай, мурдадай қотиб турарди. Эсимга тушса ҳали ҳам кулгим қистайди; Алёша секин ва оҳиста юриб, унинг олдига борди.

– Нима бўлди сенга, Наташа, салом! – бу сўзларни у кўрқа-писа, тикилиб туриб аранг гапирди.

– Ҳеч нима... Ҳеч гап йўқ, – худди ўзи бир айб қилиб кўйгандек қаттиқ хижолат чекиб жавоб берди Наташа. – Чой... чой ичасанми?

– Менга қара, Наташа... – дерди Алёша эсанкираб, – балки мени ростдан ҳам айбдор деб уйлаётгандирсан... Лекин менда айб йўқ; тариқча айб йўқ! Мана кўрасан, ҳозир ҳаммасини гапириб бераман.

– Йўқ... нима кераги бор? – шивирлади Наташа. – Йўқ, кераги йўқ, кел, кўлингни бер, бояги-боягидек, ҳеч нарса ўтмагандек... – у бурчакдан чиқди, ёноқларига қизил югурди.

У Алёшага қарашдан кўрққандек ерга боқиб турарди.

– Ё Раббий! – деб юборди Алёша қувониб. – Агар ростдан ҳам гуноҳкор бўлсам, унинг бетига тик қарай олармидим? Уни қаранг! – дерди у менга мурожаат қилиб. – У бўлса доим мени айбдор деб ҳисоблайди, ҳамма менга қарши, ҳамма! Беш кундан бери келолмадим. Мен қайликникида эмишман, нима бўпти? Қаранг, мени кечиряпти ўзи: «Кўлингни бер, вассалом!» де-

япти. Наташагинам, жонгинам, фариштам! Худо ҳаққи, тариқча ҳам менда айб йўқ! Аксинча! Аксинча!

– Аммо... лекин сен у ерда эдинг-ку!.. Сен ҳозир ҳам у ёққа чақирилгансан... Қандай қилиб бу ерга келдинг?.. Соат неча?

– Ўн ярим! Мен у ерда эдим... Лекин ўзимни касалга солиб жўнаб қолдим, мана шу беш кун давомида биринчи марта бўш юришим, бир баҳона қилиб зўрғатдан қутулдим-у, олдингга чопдим, Наташа. Яъни масалан, аввал ҳам келсам бўларди-ю, атайлаб келмадим! Нега дейсанми? Ҳозир ўзинг билиб оласан, айтиб берман, сенга айтиш учун ҳам келдим, лекин Худо урсин, бу гал сенинг олдингга гуноҳкор эмасман, зиғирдек ҳам айбим йўқ, қилча ҳам!

Наташа бошини кўтариб, унга қаради... Аммо Алёшанинг порлаган кўзларида шу қадар ростгўйлик аломати, юзида шу қадар шодлик, шунчалнк поклик, хушчақчақлик ифодаси бор эдики, унга ишонмасликнинг асло иложи йўқ эди. Мен улар ҳозир қийқиришиб бир-бирларининг кучоғига отилишади деб ўйладим, чунки авваллари ҳам мана шундай яраш-яраш пайтида шу ҳол юз берган эди. Бироқ Наташа бахтининг юки остида қолгандек бошини кўксига эгди ва бирдан... аста-аста йиғлай бошлади. Энди Алёша ўзини тутиб туролмади. Ўзини унинг оёқлари остига ташлади. Алёша ақл-хушини йўқотиб, унинг қўлларини; оёқларини ўпарди. Мен Наташага курсини суриб қўйдим. У ўтирди. Унинг оёқ-қўли бўшашиб кетган эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I БОБ

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ҳаммамиз жиннилардек кула бошладик.

- Эй, қўйсаларинг-чи, мен гапириб берай, қичқирарди Алёша ўзининг жарангдор товуши билан бизнинг овозимизни босиб. - Ҳамма ўша аввалгидек гап деб ўйлайди... Арзимаган гапни топиб келди, дейишяпти... Ахир айтяпман-ку, жуда ҳам қизиқ гаплар бор, деб. Ҳой, жим бўласизларми-йўқми, ахир?

Унинг жуда гапиргиси келиб турарди. Афтига қарасангиз, жуда муҳим бир янгилик бор, деб ўйлаш мумкин эди. Шундай янги гапдан хабардор бўлганидан ғурурланиб, соддадиллик билан ҳикоя бошлашга тайёрланишидан Наташанинг кулгиси қистади. Наташага эргашиб мен ҳам беихтиёр кулиб юбордим. У биздан қанча жаҳли чиқса, биз шунча кўп кулардик. Алёшанинг жиғибийрони чиқиши, ёш болалардек хуноб бўлиши бизни ниҳоят шу даражага олиб келдики, биз Гоголнинг мичманидек, биров бармоғини курсатса, ичагимиз узилиб кетгудек қотиб-қотиб кулдик. Мавра ошхонадан чиқиб остонада турар, Наташа Алёшанинг бурнини ерга ишқалаш урнига, хушчақчақлашиб ўтирганимиздан жаҳли чиқиб, бизга хўмрайиб қарарди. Чунки у ана шу беш кундан бери «ҳа, сеними қараб тур!» деб яниб юрар, бунга қарамай ҳамма хурсанд эди.

Ниҳоят, Наташа бизнинг кулгимиз Алёшани хафа қилаётганини сезиб тухтади.

– Нимани тўхтатмоқчисан? – деб сўради.

Мавра эса Алёшадан тап тортмай, гапини бўлиб:

– Самовар қўйиб юборайми, а? – деб сўради.

– Боравер, Мавра, бор, – жавоб берди Алёша, тезроқ кет дегандек, унга қўл силтаб, – нима бўлганини, нима бўлаётгани ва энди нима бўлишини гапириб бераман, чунки ҳаммасини биламан. Кўриб турибман, дўстларим, шу беш кун ичида қаерда бўлганимни билмоқчисизлар, худди шуни гапирмоқчиман, сиз бўлсангиз нукул халақит берасиз. Аввало, Наташа, мен сени ҳамма вақт алдаб келдим, мана шу кунларда ҳам, аллақачондан бери ҳам, гапнинг энт муҳими ҳам шунда.

– Алдаб келгандинг?!

– Ҳа, алдаб келаётувдим, бир ойдан бери, ўша отам келмасдан илгариданоқ алдай бошлагандим, ана энди юракни очиб соладиган пайт келди. Бундан бир ой илгари, отам ҳали сафардан қайтмай туриб, бирдан мен ундан узундан-узоқ мактуб олдим. Аммо-лекин иккалангиздан ҳам буни сир тутдим. Хатда у гапнинг пўсткаласини айтибди-қўйибди. Билсангиз, хат шунчалик жиддий ёзилганки, мен ўқиб, ҳатто қўрқиб ҳам кетдим; чунончи, мени унаштириш масаласи ҳал бўлганмиш, менга тегадиган қиз ҳадди камолга етган, мен унинг тирноғига ҳам арзимасмишман, лекин нима бўлса ҳам унга уйланишим шарт эмиш. Шунга биноан мен беҳуда гаплар ва ҳоказо ва ҳоказоларни миямдан чиқариб ташлаб, тайёр бўлиб туришим керакмиш, қанақа беҳуда гаплар ҳақида гап кетяпти, маълум. Мана шу хат ўлгурни мен сизлардан яширган эдим.

– Ҳеч ҳам яширганинг йўқ! – сўзини бўлди Наташа.

– Шу билан мақтанмоқчимидинг? Бизга дарҳол айтиб бергансан. Эсимда бор, ушанда сен бирдан шундай мўминқобил, шундай меҳрибон бўлиб қолдинг, худди бир айб иш қилиб қўйган боладек ёнимдан бир қадам ҳам жилмай қолдинг, кейин бирин-сирин мактубнинг мазмунини айтиб бердинг.

- Бўлмаган гап, эҳтимол, энг муҳим ерини айтмагандирман. Эҳтимол, ўзларинг гапнинг тагига етиб олгандирсизлар, бу сизнинг ишингиз, мен айтган эмасман. Мен яшириб юрдим-у, лекин ўзим тоза қийналдим.

- Менинг ҳам эсимда бор, Алёша, ушанда сиз ҳар дақиқа мен билан маслаҳатлашардингиз, батафсил бўлмаса ҳамки, тахминан гапириб бергансиз, - дедим мен Наташага қараб қўйиб.

- Ҳаммасини айтгансан! Мақтанчоқлик қилма кўп! - деб суҳбатга қўшилди Наташа. - Сен нимани яшира олардинг? Сендан ёлғон гап чиқармиди? Ҳатто Мавра ҳам ҳаммасини билиб олган. Биласанми, Мавра?

- Билганда қандоқ! - деди Мавра эшикдан бошини тикиб. - Ҳаммасини ўша кунлардаёқ гапириб бергансан. Қувликни сенга ким қўйибди!

- Эй, қанақа одамсизлар ахир, тавба! Сен бўлсанг, Наташа, жаҳлинг чиққандан гапиряпсан! Сен-чи, Мавра, сен ҳам янглишяпсан. Эсимдан чиққани йўқ, ушанда худди жиннига ўхшаб қолувдим, эсингдами, Мавра?

- Нега эсимдан чиқаркан? Сен ҳозир ҳам худди жиннига ўхшайсан.

- Йўқ, йўқ, уни гапираётганим йўқ. Эсингдами, ушанда ёнимизда ҳеч пулимиз қолмовди, сен менинг кумуш папиросдонимни гаровга қўйгани кетдинг, лекин шуни айтиб қўяйки, Мавра, сен жуда ҳам ҳақдингдан ошиб кетяпсан. Буни сенга Наташа ўргатган. Майли, бўлса бордир, бошидан кириб оёғидан чиқиб сизларга гапириб бергандирман (энди эсимга тушяпти). Бироқ мактубнинг қандай услубда ёзилганини билмадинглар. Ахир мактубнинг услуби - унинг энг муҳим томони. Мана шуни айтмоқчиман-да.

- Бўлмаса, услуби қанақа экан? - сўради Наташа.

- Менга қара Наташа, ҳазилга айлантириб сўраяпсан. Ҳазиллашмай тур бирпас! Худо ҳаққи, бу жуда ҳам муҳим. Мактуб шундай ёзилганки, уни ўқиб, тарвузим қўлтиғимдан тушди. Отам ҳеч қачон мен билан шу

тарзда гаплашган эмас. Лиссабон йиқилса йиқиладики, отамнинг нияти юзага чиқмай қолмайди, мана, гапнинг пўсткаллеси!

- Қани, қанн, гапир-чи бўлмаса, нега мендан яшириш керак эди?

- Эй, Худо-ей! Сени кўрқитиб юбормай, дедим-да! Ўзим бу ишни тўғрилаб юборишимга ишондим. Шундай қилиб, ўша мактубдан кейин отам сафардан қайтиши билан менинг кулфатларим бошланди. Мен унга очиқдан-очиқ қатъий жавоб беришга тайёрландим-у, лекин қулай пайт келмади. У мендан ҳеч нарсани суриштирмади ҳам. Шунақанги тулкики у! Аксинча, у ўзини шундай тутардики, гўё ҳамма гаплар аллақачон ҳал бўлган, орамнда ҳеч қанақа мунозара-ю тушунмовчиликлар бўлиши мумкин эмас, эшитяпсизми, бўлиши ҳам мумкин эмас! Ўзбилармонлигини қаранг! Менга шунчалик мулойим, шунчалик меҳрибон бўлиб қолдики, хайрон бўлдим. Билсангиз эди, Иван Петрович, у қандай доно одам! У кўп ўқиган, кўпни кўрган, сиз унга бир қарашингиздаёқ у дилингиздагини биледи-қўяди. Мана шу учун ҳам унга иезуит деб лақаб қўйган бўлсалар керак. Наташа уни мақтаганимни ёмон кўради. Сен аччиқланма, Наташа. Хўш деганингизда, яна... ҳа, айтгандек, у менга аввал пул бермасди, энди бўлса, кеча пул берди, Наташа! Фариштам, қашшоқлигимиз битди энди! Мана, қара! Мени жазолаш учун бермай юрган пулларини, ҳаммасини, мана шу ярим йил ичидаги ҳаммасини кеча қўшиб берди, қара, қанча, ҳали санаганим ҳам йўқ. Мавра, қара, қанча пулимиз бор! Энди қошиқ, запонкаларни гаровга қўйиб юрмайсиз.

У чўнтагидан бир ярим минг сўмча келадиган бир боғлам янги пул чиқариб, стол устига қўйди. Мавра пулларга суқланиб қараб, Алёшани мақтаб қўйди. Наташа уни ҳадеб шошилтирарди.

- Шундай қилиб, энди нима қилсам экан, деб ўйладим, - деб давом этди Алёша, - қандай қилиб унга қарши ту-

ришим мумкин? Яъни масалан, Худо ҳаққи, ишонинглар, у менга нисбатан бунақанги ширин сўз бўлмай захрини сочиб юрганда, ўзим билардим нима қилишимни. Юзига тик қараб, «бас энди, мен ёш бола эмасман, одам бўлдим, вассалом», дердим. Худо ҳаққи, айтганимнинг устидан чиқардим ҳам. Энди бўлса, нима ҳам дея оламан? Лекин мени айбламанглар, кўриб турибман Наташа, энсанг қотяпти. Нега иккалангиз бир-бирингизга қарайсиз? Балки уни тузоққа илинтиришяпти, унда озгина ирода деган нарса йўқ, деб ўйлаётгандирсизлар. Иродадан ҳам бор, сиз ўйлагандан ҳам ортиқ иродам бор! Бунинг исботи шуки, мен ўзимнинг аҳволимга қарамай, ўзимга ўзим: бу менинг бурчим, мен отамга ҳаммасини очиқ айтишим керак, дедим, гапирдим ҳам, юрагимдаги ҳамма гапни гапирдим. Отам қулўқ солиб ўтирди.

– Нимани гапирдинг, айта қолсанг-чи, – деди Наташа ташвиш билан.

– Менга ҳеч қанақа бошқа қайлик керакмаслигини, ўзимнинг қайлигим борлигини – у сен эканингни айтдим. Яъни масалан, ҳали шу чоққача тўғрисини айтолганим йўқ, олдини олиб унинг этини ўлдириб қўйдим, эртага айтаман, шунга қарор қилдим. Олдин мен унга давлат учун уйланиш уят, номус, олижаноблик эмаслигини, ўзимизни аллақанақа оқсуяклар деб ҳисоблашимиз аҳмоқлик эканини айтдим (мен у билан худди оға-инилардек очиқ гаплашавераман). Кейин, шу заҳотиёқ мен tiers-etat ва tiers-etat c'est l'essen tiel⁵ ва мен ҳамма қатори одамман, улардан мени қилча ошиқ жойим йўқлигидан фахрланаман, дедим... Гапирганда ҳам ажойиб жушқинлик ва қизиққонлик билан гапирдим. Ўзим ҳам жасоратимдан ҳайрон қолдим. Ниҳоят, мен унинг нуқтаи назаридан... биз князь бўлиб қаёққа борардик, деб тик айтдим. Аждодларимиз князь бўлиб ўтгани билан бизда қандай князлик хислати бор? Аввало, бизда давлат йўқ. Бу энг муҳими. Ҳозир энг катта князь

⁵ Учинчи табақаданман, учинчиси энг муҳими (франц.).

– Ротшилд. Иккинчидан, чинакам катта олий табақалар ичида биз аллақачон тилга олинмай қўйганмиз. Ожиргиси амаким Семён Валковский эди, у ҳам бўлса фақат Москванинг ўзидагина маълум бўлиб, мол-мулкани со-вурган, агар отам ўзи пул – давлат тўпламаганда, унинг неваралари ўзлари ер ҳайдаб, кун кўришлари ҳам ҳеч гап эмас эди. Шундай князлар ҳам бор. Бинобарин, биз кеккайиб кетмасак ҳам бўлади. Хуллас, ҳаммасини, юрагимда йиғилиб қолган ҳамма гапларни очиқчасига гапириб ташладим, ҳатто унча-мунча ошириб ҳам гапирдим. Отам бўлса гапларимга бир оғиз эътироз билдирмади, нега князь Наинскийлар уйига бормаи қўйганимдан ўпкалади. Ундан кейин менинг тутинган онам княгиня К.нинг пинжига кириш кераклигини, агар княгиня мени яхши қабул қилса, ҳамма ерда қабул қилинишим, истиқболим яхши бўлишини гапириб тоза эзмаланди! Бунинг тагида гап бор. Наташа! Гўё мен сен билан яқинлашганимдан кейин ҳаммадан воз кечиб кетибман, бу сенинг таъсиринг эмиш. Аммо ҳали шу чоққача сенинг ҳақингда очиқ гапиргани йўқ. Чоғимда, гап очишни хоҳламайди. Иккимиз ҳам қувлик қиламиз, кутамиз, бир-биримизни илинтиришга уринамиз, лекин ишон, Наташа, бизнинг кўчада ҳам байрам бўлиб қолар.

– Ҳа, хўп! Гап нима билан тугади? Қандай қарорга келди отанг? Энг муҳими шу. Бирам эзмасанки, Алёша...

– Ким билади дейсан, нима қилмоқчилигини ҳеч тушуниб бўлмайди, мени бекор эзма деяпсан, ахир бўлган гапни гапираман-да. У ҳеч қанақа қарорга келмади, фақат менинг мулоҳазаларимдан кулиб ўтирди, кулишидан худди менга ачинаётгандек кўринди. Тушунаман, бу билан мени ерга уряпти, лекин мен уялмайман. Фикрларингга қўшиламан, дейди у, лекин қани юр, граф Наинскийникига кетдик. Лекин эҳтиёт бўл, у ерда бунақа гапларни гапирма. Мен тушунаман, лекин улар тушунишмайди бу гапларга, дейди. Назаримда, унинг ўзини улар унча хуш кўришмайди. Нимадандир кунгиллари

қолган. Умуман, нима учундир олий табақалар отамни яхши кўришмайди! Авваллари граф мени дабдаба билан ўзини катта олиб қабул қиларди, ҳаттоки у мен унинг уйида ўсганлигимни ҳам эсидан чиқариб қўйган шекилли, секин-секин эсига тушира бошлади, Худо ҳаққи, рост! У шунчаки менинг нонкўрлигимдан аччиқланса керак, лекин мен ҳеч қанақа нонкўрлик қилганим йўқ, ростини айтсам, уларникида одам зерикиб кетади, шунинг учун бормай қўя қолгандим. У отамни ҳам энсаси қотиб қабул қилди, шунчалик совуқ қабул қилдики, шундан кейин отам у ерга қандай қилиб боради, ақлим етмайди. Булар ҳаммаси менинг қонимни қайнатиб юборди. Бечора отам унинг олдида таъзим қилишга мажбур, булар ҳаммаси мен учун, лекин менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Кейин мен қоним бузилганини отамга айтмоқчи бўлдим, лекин тағин ўзимни ушладим. Нима ҳожати ҳам бор! Бу билан мен отамнинг эътиқодини ўзгартирмайман, фақат унинг дилини сиёҳ қиламан, холос, бусиз ҳам у бечорага қийин. Шундай бўлгандан кейин энди қувлик ишлатиш керак, айёрлик билан ҳаммасини қўлга олиш керак, граф мени ҳурмат қилишга мажбур бўлади, деб ўйладим, хўш, нима бўлди, денг? Шу заҳотиёқ муродимга етдим, бир куннинг ўзида ҳаммаси ўзгарди! Граф Наинский энди мени утқазिशга жой топмайди. Ҳаммасига ўзим, битта ўзим, ўзимнинг ҳийла-найрангим орқали эришдим, отамнинг оғзи очилиб қолди!..

– Менга қара, Алёша, яхшиси, иш ҳақида гапир! – деди Наташа тоқатсизланиб. – Бизнинг ишларимиз ҳақида бирор нарса айтасан, деб ўйласам, сен ҳадеб графникида хунар кўрсатганингни гапиргинг келади. Графинг билан нима ишим бор?

– Қанақа иш? Эшитяпсизми, Иван Петрович, қанақа иш? Энг кераги шу ерда-да. Мана ўзинг кўрасан, охирда ҳаммаси англашилади. Фақат мени гапиргани қўйинглар... Ниҳоят (нега очигини айтавермас экаман!) гап шуки, Наташа, сиз ҳам эшитинг, Иван

Петрович, эҳтимол, мен баъзан ростдан ҳам калта-фаҳмлиқ қиларман, айтайликки (ахир баъзан шундай ҳам бўлган-ку), ҳатто аҳмоқ бўлганман. Бироқ бу ерда мен шундай қувлик кўрсатдим... ҳатто ақл ншлатдимки, менинг ҳамма вақт лақмалиқ қилавермаслигимга ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз.

– Кўй шу гапингни, Алёша! Азизим!..

Алёшани беақл десалар Наташанинг жони чиқиб кетарди. Мен баъзан Алёшанинг бирорта номаъқулчилигини юзига айтиб изза қилсам, Наташа сўз билан айтмаса ҳамки аразлаб қоларди, бу кўнглини қаттиқ оғритарди. У Алёшанинг ақли қисқалигига ичидан иқрор бўлгани учун ҳам, унинг ерга уришларига ҳеч ҳам чидолмасди. Лекин ўз фикрини у ҳеч қачон бетига айтолмас, унинг иззат-нафсини ҳақорат қилишдан қўрқарди. Алёша бўлса бу масалада жуда зийрак эди ва ҳамиша унинг кўнглидагини билиб оларди. Наташа буни сезиб қолар ва қаттиқ эзиларди, шу лаҳза хушомад қилиб, уни эркаларди. Мана шунинг учун унинг ҳозир айтган сўзларидан Наташанинг кўнгли оғриган эди...

– Бўлди, Алёша, сен фақат бир оз енгилтаксан, холос, унақа эмассан, – қўшиб қўйди у, – нега мунча ўзингни ерга урасан?

– Яхши, хўп, энди мен гапимни тугатай ахир. Графнинг қабулидан кейин отам мендан хафа бўлди. Шошмай тур, дедим ўзимча. Биз ўшанда княгиняникига кетаётган эдик, мен, княгиня азбаройи қариб кетганидан мияси ачиб қолган, устига-устак қулоғи кар ва кучук болани ўлгудек яхши кўраркан, деб эшитувдим. Бир тўда ити бор, улардан жонини ҳам аямасмиш. Шунга қарамай у олий табақалар ичида катта обрўга эга, ҳатто le superbe⁶ граф Наинскийнинг ўзи унинг олдида antichambre⁷ қилади. Мана шундай қилиб, мен йўл-йўлакай ҳамма қиладиган ишларимнинг режасини тузиб бордим, биласизми

⁶ Такаббур (франц.).

⁷ Лаганбардорлик (франц.).

нимага асосланиб? Гап шундаки, нима учундир мени, Худо ҳаққи, ҳамма итлар яхши кўради! Мен буни сезганман. Ёки менинг бир жойимда магнитим борми ёки бўлмаса ўзим ҳамма ҳайвонларни яхши кўрганим учунми, билмайман, ҳарқалай, итлар мени жуда яхши кўришади! Ҳа, магнетизм ҳақида ҳали мен сенга айтиб берганим йўқ, Наташа. Биз яқинда арвоҳларни, мен битта арвоҳ чақирувчиниқида бўлдим, жуда қизиғ-а, Иван Петрович, жуда ҳайрон қоларлик. Мен Юлий Цезарни чақирдим.

- Эй тавба! Юлий Цезарнинг нима кераги бор сенга? - деди Наташа қотиб-қотиб кулиб. - Шу кам эди энди!

- Нега ахир... худди мен... Нега энди қаққим йўқ экан Юлий Цезарни чақиритишга? Унинг бир жойи камайиб қолармиди? Кулишини қаранглар!

- Ҳа, майли, ҳеч нима бўлмайди, унга албатта... эй, азиз дўстим-ей, хўш, Юлий Цезарь сенга нима деди?

- Ҳеч нарса дегани ҳам йўқ. Фақат мен қалам ушлаб турдим, қалам ўзи қоғоз устидан юриб ёзди. Буни Юлий Цезарь ёзпти, дейишадн. Мен бунга ишонмайман.

- Нима ёзди бўлмаса?

- Ҳа, Гоголдагидек «обмокни» қабилида бир сўз ёзди... Бўлди, мунча куласан!

- Княгиня ҳақида гапир энди!

- Ҳа, айтганча-я, ҳадеб гапимни бўлаверасизлар. Шундай қилиб, биз княгиняникига бордик, мен ишни «Мими» билан ўйнашдан бошладим. «Мими» бу кучукнинг оти, ўзи қари, ирганчик, унинг устига қайсар ва қопағон ит. Княгиня шу итни жуда ҳам яхши кўради, жонидек кўради, иккаласининг ёши ҳам тенг бўлса керак. Мен «Мими»га конфет едира бошладим ва орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас ит қўл беришни ўрганди, шуни улар бир умр ўргата олишмаган экан. Княгиня шодлигидан терисига сиғмай кетди, хурсандлигидан йиғлаб юборай деди: «Мими!» «Мими!» «Мими» қўлини беряпти!» Кимдир келувди, унга ҳам «Мими» қўлини беряпти! Мана, тутинган ўғлим ўргатди!» деди. Граф Наинский кирди, унга

ҳам «Мими» қўлини беряпти!» деди. Мен унинг кўзларига ойдек кўриниб кетдим. Жуда ҳам оққўнгил кампир, одамнинг раҳми келади. Мен яна ютуқни қўлдан бермаслик учун тағин бир хушомадгўйлик қилдим. Унинг тамаки қутиси устига расми солинган, бу бундан олтмиш йил илгариги, ҳали у келин вақтидаги сурати. Шу кутини ерга тушириб юборди. Мен уни ердан даст кўтардим-у, худди билмагандек: *Quelle charmante pienture!*⁹ Бу мислсиз бир гўзаллик, деб юбордим. У тамом эриб кетди, мен билан у ёқ бу ёқдан гаплашиб, қаерда ўқиганимни, кимларникига бориб турганимни суриштириб, сочларимни мақтай кетди. Мен ҳам қизиқ бир можарони гапириб, роса кулдирдим. У бунақа нарсаларни яхши кўради. Фақат бармоғи билан пўписа қилиб қўйди. Лекин ўзи роса кулди. Кетишга рухсат бераётганда ўпиб, чўқинтириб, у зерикмаслиги учун ҳар куни келиб туришимни буюрди. Граф қўлимни маҳкам қисди, кўзлари сузилиб кетяпти; отам бўлса энг мулойим, энг софдил, ҳаддан ташқари олижаноб одам бўлишига қарамай хоҳишонинг, хоҳишонманг, иккаламиз уйга кириб келганимизда қувончидан йиғлай-йиғлай дейди, мени қучоқлади, очилиб кетиб аллақандай карьера, алоқалар, пуллар, никоҳларнинг сирлари ҳақида жавради, мен кўпини тушунмадим ҳам. Ана шундан кейин пул берди. Бу кеча бўлган эди. Мен эртага яна княгиняникига бораман, лекин отам ҳар ҳолда жуда ажойиб, олижаноб одам, зотан, у мени сендан узоқлаштираётган бўлса ҳам, Наташа, сиз у ҳақда ёмон нарса ўйламанглар. Негаки, у ҳозир маст-аласт, чунки у Катянинг миллионларига қизиқади, сенда бўлса у йўқ; битта мен учун у шуни деб ўлиб турибди, фақат билмаганлиги туфайли, сенга нисбатан ноинсофлик қияпти, холос. Ким ўз ўғлига бахт тиламайди? Ахир бахт миллионларда деб ҳисоблашга ўрганиб қолганлиги учун у айбли эмас-ку!.. Улар ҳаммаси бир гур. Ахир унга фақат шу нуқтаи назардан қараш керак-да, шундай

⁹ Нақадар ажойиб сиймо (франц.).

қаралганда у ҳақли бўлиб чиқади-қўяди. Мен атайлаб, Наташа, шуларни сенга тушунтириш учун ҳузурингга шошилдим, чунки биламан, сен унга нисбатан ёмон фикрдасан, лекин бу ҳақда сени ҳам айблаб бўлмайди. Мен сени айбламайман.

- Бўлган гап шуми, сен княгиня ҳузурда ўз карьерангни таъмин этиб келдингми? Бутун найрангинг шундан иборатми? - сўради Наташа.

- Нега? Нима деяпсан ўзинг? Бу фақат хамир учидан патир... Мен княгиня ҳақида шунинг учун гапиряпманки, у орқали отамни қўлга оламан, тушунаяпсанми? Асосий воқеалар ҳали бошлангани ҳам йўқ.

- Гапир бўлмаса.

- Бутун мен билан яна жуда ҳам ғалати ҳодиса бердики, шу чоққача ўзимга келолмайман, - давом этди Алёша. - Шунини қайд этиб ўтиш керакки, зотан, отам билан графиня ўртасида бизни унаштириш масаласи ўзаро ҳал этилгани билан ҳали шу пайтгача расмий равишда ҳеч бир иш қилингани йўқ. Бинобарин, биз ҳозироқ ажралиб кетаверсак ҳам ҳеч қанақа жанжал бўлмайди. Ёлғиз граф Наинскийгина билади, бироқ у ҳарқалай, бизга ҳам қариндош, ҳам ҳомий ҳисобланади-ку! Ундан ташқари, гарчи мана шу икки ҳафта ичида Катя билан жуда иноқлашиб кетган бўлсам ҳам, то мана шу оқшомга қадар у билан бўладиган ишлар, яъни масалан, никоҳ ҳақида... хуллас, муҳаббат ҳақида бир оғиз гапиришганимиз йўқ. Бундан ташқари, яна энг аввал княгиня К.нинг розилигини олиш тақазо қилинади, нима деманг, бизникилар княгинядан ҳар томонлама ҳомийлик ва катта умидлар кутмоқдалар. У нима деса олий табақа ҳам шунини дейди, таниш-билиши кўп. Мени бўлса муқаррар олий табақа орасига олиб киришмоқчи, одам қилишмоқчи. Аммо асосан бу уларнинг ҳаммаси Катянинг ўғай онаси княгинянинг қистови билан бўляпти. Гап шундаки княгиня К. унинг чет элда қилган номаъқулчиликлари учун қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Княгиня қабул қилмади,

деган сўз, ҳеч ким қабул қилмайди, деган сўз; шундай қилиб, бизнинг Катя билан унаштирилишимиз унга жуда қўл келади. Мана шунинг учун ҳам авваллари унаштиришга қарши турган графиня бугун княгиня К. ҳузуридаги ютуқларимдан ўларча хурсанд бўлди, лекин бу ҳам гапнинг муҳим томони эмас, муҳими бу ёқда: Катерина Фёдоровнани мен бултурдан бери билардим; бироқ мен унда ҳали ёш, анча ғўр эдим, шунинг учун ҳам мен уни яхши билолган эмасдим...

- Ҳа, энди, у вақтда сен мени қаттиқроқ севардинг, - сўзини бўлди Наташа. - Шунинг учун ҳам яхши қарамагансан, энди бўлса...

- Жим тур, Наташа, - қизишиб гапирди Алёша. - Сен қаттиқ янглишяпсан, бу билан мени ҳақорат қиляпсан!.. Сенга эътирозим йўқ, лекин бирпас жим ўтириб эшитгин, ўзинг кўрасан... Эҳ, Катяни, билсайдинг, қани энди сен унинг пок, нозик қалбини, қўйдек ювошлигини билсайдинг! Лекин аминманки, бир кунмас бир кун билиб оласан, фақат гапимни охиригача эшит! Бундан икки ҳафта илгари, уларнинг келиши муносабати билан отам мени Катеринаникига олиб борди, шунда мен унга зеҳн солиб қарай бошладим, сезсам у ҳам менга зеҳн соляпти. Бу эса менинг диққатимни жалб этди. Мен ҳам кўнглимдаги ниятимни - ҳов анави, мени гангитиб қўйган отамнинг мактубидан кейинги ниятим, яъни қизни яхшилаб билиб олиш ниятида эканимни гапирмасам ҳам бўлади. Ҳеч нарса демайман ҳам, уни мақтаб ҳам ўтирмайман, фақат битта гап айтаман: у ўз атрофидагилар орасида яққол ажралиб туради. У табиатан шундай зўр ва ҳаққоний қалб эгасики, ана шу поклиги ва ҳаққонийлиги билан ҳам зўр бир кимсаки, энди ўн еттига кирганига қарамай, мен унинг олдида шунчаки бир ёш бола, гўё унинг укасидек бўлиб қолдим. Мен яна шуни сездим: гўё унинг қанақадир яширин бир қайғуси бордек ғамгин кўринди. Камгап, уйда унинг овозини эшитмайсиз, гўё бир нарсадан юрак олдиргандек... У нимадандир хуркиб

юргандек кўринди. Назаримда, отамдан кўрқади. Ўгай онасини ёмон кўради. Мен буни фахмладим: графиня қандайдир бир мақсадда, «қизим мени жонидан ҳам ортиқ кўради», деб гап тарқатган, бу ғирт ёлгон. Катя фақат унга бўйсунди, худди иккаласи бир-бири билан тил бириктиргандек сир бой беришмайди; тўрт кун илгари, барча мушоҳадаларимдан сўнг ўз ниятимга етишга қарор қилдим ва шу бугун кечкурун етдим. Ниятим шу эдики, мен Катяга ҳамма гапни гапириб, ҳаммасига иқроп бўлиш, уни ўз томонимизга оғдириб олиб, сўнг бирдан ҳаммасига хотима бериш эди...

– Нима? Нимани гапириб? Нимага иқроп бўлмоқчийдинг? – сўради Наташа тоқатсизлик билан.

– Ҳаммасини, нимаики бўлса ҳаммасини, – жавоб берди Алёша. – Шу фикрни кўнглимга солган Худога беадад шукр; қулоқ солинг, қулоқ солинглар ахир! Тўрт кун илгари мен шундай қарорга келдим: уч-тўрт кун сизларга кўринмай ўзим, ёлғиз ўзим ҳамма ишни битирмоқчи бўлдим. Сизлар билан бирга бўлсам ҳам иккиланиб юрган, сизларнинг сузингизга кириб, ҳеч қачон бир қарорга келолмаган бўлардим. Ёппа-ёлғиз, ўзимни ўзим шу ҳолга солиб қўйдимки, ҳар соат, ҳар дақиқа; «Тамом қилиш керак, тамом қилишим шарт!» деб такрорлайвердим; бор кучимни тўплаб туриб тамом қилдим ҳам! Олдингизга қатъий бир қарор билан келишга аҳд қилган эдим, шу қарор билан келдим.

– Нима деяпсан? Нима бўлди? Тезроқ гапирсанг-чи!

– Шундай бўлди! Мен унинг ҳузурига дадил, соф виждон ва жасорат билан бордим, аммо бундан олдин мени эсанкиратиб қўйган бир ҳодиса юз берди, буни бир бошдан гапириб беришим керак. Биз у ерга жўнашимиздан сал олдин отам қандайдир бир мақтуб олди. Шу пайт мен унинг кабинетига кирмоқчи бўлиб турган эдим, уни кўриб, эшик олдида тўхтадим. У мени кўрмасди. У мақтубдан шу қадар таажубланган эдики, ўзича нималарнидир гапирар, бир нима деб хитоб қилар: ўзи-

ни йўқотиб, уйнинг у ёғидан бу ёғига юрарди, ниҳоят, қўлида хатни ушлаб туриб қаттиқ хахолаб қулиб юборди. Қарашга юрагим дов бермади. Шунинг учун бирпас кутиб туриб, кейин кирдим. Отам нимагадир шундай хурсанд, шундай хурсанд эдики, асти қўйинг, мен билан ғалати гаплашди; кейин бирдан гапдан тўхтади-ю, вақт ҳали анча эрта бўлишига қарамай, менга отланишга буюрди. Бугун уларникида ҳеч ким йўқ эди, фақат биз ўзимиз эдик. Сен бўлсанг, Наташа, бекорга уларникида эиёфат деб ўйлаяпсан, сенга нотўғри ахборот беришибди...

– Эй, ҳадеб чалғиб кетаверма, Алёша. Шундай қилиб, Катяга ҳаммасини қандай қилиб гапириб бердинг?

– Ишнинг ўнгидан келишини қарангки, биз иккаламиз роса икки соат ёлғиз қолдик. Мен очикдан-очиқ унга: гарчи бизни унаштирмоқчи булганлари билан, уйланишнинг сира иложи йўқ; ҳусн таважожим сизда, сизгина мени кутқара оласиз, дедим ва воқеани очиб гапирдим. Биласанми, Наташа, у иккимизнинг бошимиздан ўтган воқеалардан мутлақо беҳабар экан! Унинг кўнгли бузилиб кетганини кўрсанг эди: аввал кўрқиб, ранги оқариб кетди. Мен ўртамиздаги ҳамма воқеаларни, сен мени деб уйингдан кетиб қолганинг, ёлғиз яшаганимиз, энди қанчалик ғурбат чекаётганимизни, ҳаммадан кўрқиб ҳаёт кечиримиз, энди унинг кўмагига муҳтож бўлиб, ёрдам кутишимизни (мен сенинг номингдан гапирдим, Наташа) бирма-бир гапирдим. Кейин унинг ўзи ўтай онасига, очикдан-очиқ «мен тегмайман», деб туриб олса, шундагина бизни барча машаққатлардан озод қилган бўлишини, шу билан бизни кутқаришини, биз учун бошқа нажот йўқлигини айтдим. У шу қадар қизиқиш ва хайрихоҳлик билан тингладики, асти қўяверасиз. Уша дақиқада унинг кўзларини кўрсанг! Унинг кўзлари қалб ойнасидек мусаффо, осмон каби мовий. Ундан шубҳаланмаганимиздан миннатдор бўлди ва қўлидан келганча бизга ёрдам беришга ваъда берди. Кейин сен тўғрингда суриштира бошлади, сен билан танишишни хоҳлагани-

ни, сени ўз жигари каби севиб қолгани, сен ҳам сингил қаторида севишинг кераклигини айтиб қўйишимни сўради. Кейин беш кундан бери сени кўрмаганимни эшитиб, шу заҳотиёқ кетишимни талаб қила бошлади...

Наташанинг кўнгли бузилди...

- Шунча гаплар туриб аллақандай қар княгиняники-да кўрсатган ботирликларингни гапириб ўтирибсан-а! Вой, Алёша-ей! - деди Наташа Алёшадан упкалаб. - Ҳўш, гапир-чи, ўзи қалай? Сени хурсандчилик билан жўнат-димми?

- Ҳа, қўлидан шунчалик олижаноб иш келганидан шод эди, аммо ўзи кўз ёшини тўхтата олмади. Чунки ахир ўзи ҳам мени севади-да, Наташа! У энди-энди мени севиб келаётганини, одамларга аралаша олмаганини, мен унга ёқиб қолганимга анча бўлганига иқрор бўлди; маккорлик, ёлғончилик ҳукм сурган бир муҳитда мен унга самимий ва виждонли одам бўлиб кўринибман. Шунинг учун ҳам у мени бошқалардан юқори қўйибди. У ўрнидан турди-да: «Майли, Худога топширдим сизни, Алексей Петрович, мен бўлсам...» деди-ю, у ёғини айтолмай йиғлаб юборди ва чиқиб кетди. Биз шундай қарорга келдик: у эртагаёқ ўгай онасига, менга тегмаслигини айтади, мен ҳам эртадан қолдирмай отамга шу гапни дадил айтишим керак. У илгарироқ айтмаганим учун гина қилди. «Виждонли одам ҳеч нарсадан қўрқмаслиги керак!» деди. У шу қадар олижаноб қизки! Отамни ҳам яхши кўрмайди; «У жуда қув, пул учун муккасидан кетган одам», дейди. Мен отамни ҳимоя қилдим. Лекин у ишонмади. Башарти, эртага отам билан гаплашиб, ҳеч иш чиқаролмасам (Катя ҳеч иш чиқаролмайди деб ўйласа керак), у ҳолда княгиня К.дан ёрдам сўрашимга рози бўлди. Шунда ҳеч ким қаршилиқ қилолмайди, деди. Биз у билан ака-сингил тутиндик. О, унинг ҳаётини билсайдинг, Наташа, у ҳам бебахт, ўгай она қўлида нима ёруғлик кўради, дейсан, ўзи яшаётган муҳитига нафрат билан қарайди. У мендан ҳадиксирайди, шекилли, бу гапларни

очиқ айтмайди, аммо баъзи гапларидан фаҳмлаб олса бўлади. Жонгинам, Наташа! У сени бир курса, бирам ҳаваси келар эди. Ажойиб раҳмдил қиз! У билан ўтирса киши енгил тортади. Сиз бир-бирингиз билан туғишган эгачи-сингил бўлиш учун яратилгансиз. Сиз бир-бирингизни севишларинг керак. Мен шуларни ўйладим. Иккингизни бир-бирингизга қўшиб қўйсам-у, ўзим завқ билан томоша қилсам. Мен уни мақтасам, кўнглингга оғир ботмасин. У тўғрида гапиришга рухсат бер. Сен билан у ҳақда, у билан сен ҳақингда гаплашгим келади. Биласан-ку, сени дунёда ҳаммадан ортиқ севаман, ундан ортиқ севаман... Бору йўғим сен!..

Наташа чурқ этмай, унга меҳрибонлик билан мунғайиб тикилиб ўтирар, Алёшанинг сўзлари уни эркалагандек, шу билан бирга, ранжитаётгандек кўринарди.

– Мен Катяга бундан икки ҳафта илгари баҳо бериб қўйганман, – давом этди Алёша. – Мен ахир уларникига ҳар куни кечқурун бориб юрдим-да. Уйга қайта туриб ҳадеб иккалангиз ҳақингизда ўйлардим, иккингизни бир-бирингиз билан солиштирардим...

– Қайси биримиз яхшироқ эканмиз? – сўради Наташа жилмайиб.

– Баъзан сен, баъзан у. Лекин доимо ундан ортиқсан. Мен у билан гаплашганимда ўзимни тобора яхши, ақлли, олижаноб бўлиб кетгандай сезаман. Бироқ эртага, эртага ҳамма иш ҳал бўлади!

– Унга ачинмайсанми? У ахир сени севади-ку, ўзим сездим, деяпсан-ку!

– Ачинаман, Наташа! Шунинг учун ҳам биз учаламиз бир-биримизни севишимиз керак, ана унда...

– Унда, хайр деб кетаверсанг ҳам бўлади! – деди Наташа, худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек. Алёша таажжубланиб унга қаради.

Бироқ бизнинг суҳбатимиз ҳеч қутилмаган бир ҳолда бирдан бузилди. Ошхонага (у ер ҳам даҳлиз эди) худди биров киргандек енгилгина шарпа эшитилди.

Бир дақиқадан кейин Мавра эшикни очди-ю, Алёшани имлаб чақирди. Биз ҳаммамиз унга угирилиб қарадик.

– Сени сўраяптилар, бу ёққа чик, – деди у сирли оҳангда.

– Бемаҳалда мени ким сўраши мумкин? – деди Алёша ажабланиб бизга қараб. – Чиқай-чи.

– Ошхонада князнинг ливрея кийган лакейи турар эди. Князь уйига қайтаётиб каретасини Наташанинг уйи олдида тўхтатибди ва Алёшанинг шу ердалигини билиш учун лакейини юборибди. Лакей шуни айтди-ю, чиқиб кетди.

– Тавба! Ҳеч қачон бундай бўлмаган эди, – деди Алёша хижолат чекиб, – ўзи нима гап?

Наташа ташвиш билан унга қаради. Бирдан тагин Мавра эшикни очди. Шоша-пиша:

– Князнинг ўзи келяпти! – деб шивирлади-ю, яна ғойиб бўлди.

Наташанинг ранги ўчиб кетиб, ўрнидан турди. Кузлари бирдан чақнаб кетди ва столга сал-пал суяниб, кутилмаган меҳмон кирадиган эшикка қараб қолди.

– Наташа кўркма, мен сен билан! Сени хафа қилишга йўл қўйиб бўлман! – деди хижолат чеккани билан узини йўқотиб қўймаган Алёша.

Эшик очилиб, остонада князь Валковскийнинг ўзи пайдо бўлди.

II БОБ

У бизга диққат билан кўз югуртирди. Бу қарашдан у бу ерга дўст бўлиб келдими, душман бўлиб келдими, аниқлаб бўлмасди. Бироқ мен унинг ташқи қиёфасини муфассал тасвирламоқчиман. Бу оқшом унинг қиёфаси мени жуда ҳам ҳайратда қолдирди.

Мен уни аввал ҳам кўрган эдим. Бу қирқ бешдан ошмаган, юзи хушбичим ва ниҳоятда чиройли бир одам эди, юзининг ифодаси шароитга қараб ўзгариб турарди;

Ўзгарганда ҳам жуда кескин ўзгарар, гўёки қандайдир бир пружинасини бехосдан босиб юборгандек кўз очиб юмгунча энг ёқимли ифода бирдан ўзгариб, қайғу ёки норозилик ифодаси пайдо бўларди. Чиройли, хушбичим, юзи қорачадан келган, тишлари бутун, юпка лаблари келишган. Тўғри, бир оз узунироқ бурни, битта ҳам ажин тушмаган кенг пешонаси, катта-катта қўй кўзлари бирга қўшилиб уни чиройли кўрсатар, лекин шунга қарамай, бу чирой совуқ, кишида ёқимли таассурот қолдирмасди. Юзидаги ифода гўёки ўзиники эмасдек, ҳамиша сохта, ясама, бировдан урганиб олингандек кўринадик, бу кишининг нафратини кўзгатарди ва сизда юзининг асл ифодасини ҳеч қачон кўриб бўлмайди, деган ишонч уйғотарди. Зеҳн солиб қараган сари бу доимий ниқоб остида қандайдир ёвузлик, қувлик ва ўтакетган худбинлик яшириниб ётганга ўхшаб кўрилади. Айниқса, ажойиб чиройли тиниқ қўй кўзлари диққатингизни жалб этарди. Фақат кўзларигина унинг ихтиёрига бўйсунмайдигандек эди. Балки у одамларга меҳр-муҳаббат билан қарашни истарди, бироқ қарашида илиқ бир ифода билан бирга қандайдир бир хунуқлик ва совуқлик асари ҳам бор эди... У анча новчадан келган, қомати келишган, қотмароқ ва ўз ёшига нисбатан анча ёш кўринадик. Тўқ сариқ, майин сочларига ҳали битта ҳам оқ тушмаган. Қулоқлари, қўллари, оёқлари ниҳоятда келишган. Хуллас, бу наслий бир гўзаллик эди. У дид билан нафис ва ниҳоятда озода кийинган, бироқ ёшига нисбатан кийиниши бачканароқ кўринса ҳам, шунга қарамай ўзига жуда ярашган эди. У Алёшанинг катта акасидек кўринадик. У тўғри Наташанинг олдида борди ва унга тик қараб:

– Менинг бемаҳал огоҳлантирмасдан келишим, сизга жуда ғалати, одатта хилофдек кўринадик, бироқ умидворманки, бу келишимнинг ноурин эканлигига ўзим иқрорлигимга ишонарсиз. Мен ҳам ким билан суҳбатдош бўлганимни биламан. Сизнинг зийрак ва олижаноб эканингизга имоним комил. Менга ўн дақиқагина

вақтингизни ҳада этинг, ишонаманки, шунда ўзингиз ҳам гапимга тушунасиз ва мени оқлайсиз.

Бу гапларни у одоб билан, айна вақтда шиддат билан, аллақандай қатъийлик билан айтди.

– Ўтиринг, – деди Наташа, ҳали дастлабки хижолат ва ҳадиксирашдан тамоман қутула олмай.

У енгилгина таъзим қилиб ўтирди.

– Аввало, унга бир оғиз гап айтишга рухсат этинг, – деб гап бошлади у ўғлини кўрсатиб. – Алёша, сен мени ҳам кутмай, ҳеч ким билан хайрлашмай чиқиб кетишинг билан Катерина Фёдоровна ҳушидан кетаёзганини графиняга айтдилар: дарҳол графиня Катя олдига кирмоқчи бўлиб турувди, олдимизга Катянинг ўзи чиқиб қолди. У хафа ва қаттиқ ҳаяжонда эди. У бизга очикдан-очик сенга хотин бўла олмаслигини айтди. У яна монастырга жўнамоқчилигини, сен ундан ёрдам сўраганинг ва Наталья Николаевнани севишингни изҳор этганингни гапирди... Катерина Фёдоровнанинг шу вақтдаги ғайритабий эътирофи, ҳарқалай унинг сен билан бўлган ғалати суҳбатнинг оқибатидир. У ўзини тамом йўқотиб қўйган эди. Менинг қанчалик ҳайратда қолиб, кўрқиб кетганимни тасаввур этарсан. Ҳозир ўтиб кета туриб, деразангизда чироқ кўрдим, – давом этди у Наташага мурожаат қилиб. – Шунда хаёлимни анчадан бери банд қилиб юрган бир фикр шу қадар мени қамраб олдики, бу истакни қайтаришга ўзимни ожиз сездим ва ҳузурингизга кирдим. Нега? Буни ҳозир айтаман, бироқ илтимос шуки, менинг сўзим дағалроқ туюлса, ажабланманг. Булар шунчалик кутилмаган воқеаларки...

– Ишонаманки, гапларингизнинг маънисини чақиб... тўғри хулоса чиқара оларман, – деди Наташа тутилиб.

Князь унга тикилиб қаради, гўё у бир-икки дақиқа ичида уни батамом билиб олишга шошилгандек кўринарди.

– Фаҳму фаросатингиз зўрлигига имоним комил, – давом этди у, – модомики, шучоғ олдингизга киришга журъ-

ат этдимми, демак, ким билан муомала қилаётганимни
биламан. Бир вақтлар сизга нисбатан ғоят ноинсофлик
қилганим ва олдингизда гуноҳкор бўлганимга қарамай,
мен сизни кўпдан бери биламан. Қулоқ солинг: отангиз
билан орамиздаги эски адоватлардан хабардорсиз. Ўзим-
ни оқламайман: эҳтимолки, мен отангиз олдида ўзим
ўйлаб юргандан ҳам кўра кўпроқ айбдордирман. Башар-
ти шундай бўлса, унда мени алдаганлар. Ўзим бадгумон
одамман, бунга иқрорман ҳам. Мен яхшиликдан олдин,
ёмонлик кутиб, шубҳаланаверишга майли бор одамман.
Бу қаттиқ кўнгилли одамларга хос ярамас одат. Бироқ
ўзимдаги камчиликларни беркита олмайман. Мен ҳам-
ма иғво гапларга ишондим, шунинг учун ҳам сиз ота-о-
нангиздан воз кечиб кетганингизни эшитиб Алёшадан
қаттиқ хавотир олдим. Бироқ мен сизни ҳам билмасдим,
аста-секин суриштириб-суриштириб, ким эканингизни
билганимдан кейин кўнглим жойига тушди. Кузатдим,
ўргандим, ниҳоят шубҳаларим асоссиз эканига қаноат
ҳосил қилдим. Оилангиз билан бўлган жанжалингизни
ҳам, отангиз менинг ўғлимга тегишингизга тиш-тир-
ноғи билан қарши эканини ҳам биламан. Бироқ Алёшага
сўзингизни ўтказа олишингиз, унга таъсирингиз зўрли-
гидан фойдаланиб, уни ўзингизга уйланишга мажбур эт-
маганингизнинг ўзи, сизнинг нақадар олижаноб инсон
еканингизни кўрсатади. Очиқ айтиб қўя қолай: ўшанда
мен ўғлим билан турмуш қуришингизга бор кучим би-
лан қаршилиқ қилишга уриндим. Биламан, мен жуда
ҳам очяқ гапиряпман, чунки ҳозирги шароит шуни тақ-
зо қилади. Гапимни охиригача эшитсангиз, ўзингиз ҳам
фикримга қушиласиз. Сиз уйингизни тарк этиб кет-
ганингиздан кейин кўп вақт ўтмай мен ҳам Петербургдан
кетдим, бироқ кета туриб мен Алёшадан жуда хотиржам
эдим. Мен сизнинг олижаноб ғурурингизга ишонардим.
Тушундимки, сиз оилавий адоватларимиз тугамасдан
туриб никоҳ ўқилишини, Алёша билан менинг муноса-
батимни бузишни истамасдингиз, чунки Алёша сизга

уйланган тақдирда мен уни ҳеч қачон афв этолмаслигимни билардингиз, князваччадан куёв излаб топибди, шундан фойдаланиб унинг оиласига кириб олмоқчи бўлибди, деган таъналарни эшитишни истамасдингиз. Аксинча, бизни назар-писанд қилмай, ўзим келиб ўғлим учун қўлингизни сўрашимни кутгандирсиз. Бироқ мен сизга юзимни тесқари ўгириб, қаттиқ туриб олдим. Мен ўзимни оқлаб ҳам ўтирмайман, сабабларини сиздан яширмайман ҳам. Чунончи: сиз аслзода оқ суяклардан ҳам эмассиз, бадавлат ҳам эмассиз, давлатим бўлгани билан бизга ҳали кўп керак. Бизнинг зотимиз сўниб бормоқда. Бизга обрў ва пул керак. Графиня Зинаида Фёдоровнанинг ўғай қизи таниш-билишлари оз бўлгани билан жуда бадавлат. Озгина кечиксам, унинг харидорлари кўпайиб, биз қуруқ қолар эдик. Бундай фурсатни қўлдан бермаслик керак эди. Шунинг учун Алёшанинг ҳали ёшлигига қарамай мен уни унаштиришга қарор қилган эдим. Кўрдингизми, мен сиздан ҳеч нарса ни яширмайман. Сиз ўз манфаатини кузлаб ва маиший хурофотларга берилиб, ўз ўғлини ярамас йўлларга бошлаб, ўзи шунга иқрор бўлган отага нафрат билан қарашингиз мумкин, чунки ўзи олдида шу қадар гуноҳкор бўлган одам учун ҳар бир нарсадан воз кечган олижаноб қизни ташлаш разиллиқдир. Бу ерда ҳам ўзимни оқламайман. Ўғлимни графиня Зинаида Фёдоровнанинг ўғай қизига уйлантириш кераклигининг иккинчи сабаби шуки, у қиз ниҳоят даражада ҳурмат ва муҳаббатга сазовордир. У кўҳлик, яхши тарбия олган, яхши хулқли, ҳали анча ёш бўлишига қарамай, жуда ҳам доно бир қиздир. Алёша бўлса бўш характерли, енгилтабиат, мулоҳазасиз, йигирма икки ёшга киришига қарамай ҳали жуда ҳам хом, лекин унинг битта яхши томони шуки, у жуда оққўнгил, лекин бошқа камчиликлари бўлган кишига бу фазилат ҳатто хавфлидир. Мен аллақачондан бери сезиб юрибман, менинг бунга таъсирим йўқолиб бормоқда: жўшқинлик, йигитлик ҳаваслари баланд, баъзи бир зарурий бурчлар-

дан ҳам устун келмоқда. Мен балки уни жуда қаттиқ севарман, лекин шунга иқрорманки, битта мейнинг рақбарлигим унга камлик қилмоқда. У албатта бировнинг муттасил, шарофатли таъсири остида бўлиши керак. У итлоатли, ожиз, севувчан, бировга амр беришдан кўра севиш ва бўйсунушни афзал кўради. У умр бўйи шу кўйи қолаверади. Мен Катерина Фёдоровнада, ўғлимга олиб бермоқчи бўлган қизда бўлишини хоҳлаган энг юксак фазилатларни кўриб, нақадар қувонганимни кўз олдингизга келтиролсангиз керак. Бироқ мен вақт ўтгандан кейин хурсанд бўлиб юрибман. У энди емирилмас кучли бир таъсирот сизнинг таъсирингиз остига тушиб қолди. Мен бундан бир ой илгари Петербургдан қайтгач, унга зеҳн солиб юрдим ва унда яхши томонга ўзгариш борлигини таажуб билан сездим. Енгилтаклиги, болалиги ҳали ҳам қолмаган, бироқ унда бир қанча яхши фазилатлар пайдо бўлибди. У энди фақат ўйинчоқлар билангина эмас, юксаклик, олижаноблик, софдиллик билан ҳам қизиқа бошлабди. Унинг ғоясида сабот йўқ ва баъзан бемаъни, аммо нияти холис, қалби яхши, бу эса ҳамма нарсага пойдевордир. Мана шу олижаноб фазилатлари шубҳасиз сизнинг таъсирингиз самарасидир. Сиз уни қайтадан тарбияладингиз. Ўшандаёқ унинг бахт-саодати учун ҳаммадан ҳам сиз кўпроқ унга мос тушардингиз, деган бир фикр хаёлимдан ўтган ҳам эди. Бироқ мен бу фикрни миямдан чиқариб юбордим, бундай фикр юритишни истамадим. Қандай бўлса ҳам мен уни сиздан совитишим керак эди; мен шунга уриндим, муродимга етдим, деб ўйладим. Бундан бир соат муқаддам ҳам зафар мен томонда, деб ўйлаган эдим. Бироқ графиня уйида содир бўлган ҳодиса ҳамма мўлжалларимизни остин-устин қилиб ташлади. Алёшадаги ажойиб жиддийлик, сизга бўлган меҳр-муҳаббатининг қатъийлиги, шу меҳрнинг собитлиги, жонлилиги мени танг қолдирди. Такрор айтаман: сиз уни бошқатдан тарбиялабсиз. Унинг ўзгариши, мен ўйлагандан кўра ҳам тез суръат билан олға

кетаётганини бирдан кўриб қолдим. Бугун у менинг олдимда, мен ундан ҳеч қачон кутмаган фаҳм-фаросат, шу билан бирга, таъбининг ҳаддан ташқари нозиклигини ва вафодорлигини кўрсатди. Ниҳоятда мушкул кўринган бир аҳволдан чиқиш учун у энг туғри йўлни топди. У инсон қалбини энг олижаноб қобилиятини, яъни афв эта олиш ва ёвузликка олижаноблик билан жавоб бериш қобилиятини уйғотди. У ўзи томонидан ранжитилган бир инсон ҳукми остига кирди, ундан ёрдам ва илтифот кутди. У энди узини севиб қолган аёлга унинг рақибаси борлигини айтиб, шу билан бирга, ўз рақибасига нисбатан унинг қалбида хайрихоҳлик туғдирди, ўзи учун афв сураб, беғараз ака-ука тутиниш туғрисида ваъдасини олиб, аёллик ғурурини кўзгата олди. Кишини ҳақорат қилмай, кўнглини оғритмай ўз мақсадини бундай изҳор эта билиш баъзан энг эпчил доноларнинг ҳам қўлидан келавермайди, бу хислат фақат кўнгли тоза, туғри йўлни топиб олган инсонлардагина бўлади. Мен шунга аминманки, Наталья Николаевна, у бугун сизнинг маслаҳатингизсиз шу ишнинг урдасидан чиқди. Балки буларни ҳозиргина унинг ўзидан эшитиб тургандирсиз, янглишмадимми?

– Янглишмадингиз, – такрорлади юзлари ловуллаб, кўзлари аллақанақа илҳом нури билан чақнаётган Наташа. Князнинг хатти-ҳаракати ўз таъсирини кўрсата бошлаган эди. – Мен Алёшани беш кундан бери кўрганим йўқ, – кўшиб кўйди у. – Ҳаммасини ўзи ўйлаб топиб, ўзи қилибди.

– Шубҳасиз шундоқ, – деди князь. – Бироқ шунга қарамай, унинг мана бу кутилмаган зийраклиги, мана бу қатъийлиги, ўз бурчини тушуниши, ниҳоят мана бу олижаноб матонати, ҳаммаси сизнинг таъсирингиз натижасидир. Буларнинг ҳаммасини мен ҳозир уйга кета туриб тушуниб олдим. Ўйлаб-ўйлаб, бирдан ўзим қатъий бир қарорга келишга жазм қилдим. Графиня билан куда бўлиш режаларим батамом барбод бўлди, энди

синган нонни бутун қилиб бўлмайди, бўлиши эҳтимол бўлган тақдирда ҳам бундан сўнг Алёшага у ерга бориш мумкин эмас. На чораки, ёлғиз сизгина ўғлимни бахтли қила олишингизга, сизгина унинг чин раҳбари, сиз энди унинг истиқболига йўл очганингизга ўзим қатъий ишонишга бўлсам! Мен сиздан ҳеч нарсани яширмадим ва яширмайман ҳам. Туғри, мен пул-давлатни, аслзода бўлишни ва ҳатто амалдорликни жонимдан ҳам яхши кўраман, шулардан кўпи бидъат эканини ҳам тушуниб тураман, бироқ шу бидъатларни яхши кўраман ва улардан юз ўтиришни истамайман. Бироқ шундай пайтлар ҳам келадики, бунда бошқа мулоҳазаларга ҳам йўл қўйиш керак, беш қўл баробар эмас. Ундан ташқари мен ўғлимни қаттиқ севаман. Хуллас, мен шундоқ хулосага келдимки, Алёша сиздан ажралмаслиги керак, акс ҳолда у хароб бўлади. Очигини айтайми? Бир ой бўлди, шу қарорга келганман, лекин бу қарорга узил-кесил келганлигимни шу бугун англадим. Бу фикрларни айтиш учун ярим кечада сизни безовта қилмасдан ҳузурингизга эртага келсам ҳам бўлар эди, лекин менинг бу шошқалоқлигим, эҳтимол, шу ишга қанчалик қизғин, чин юракдан киришаётганимни сизга кўрсатар. Мен ёш бола эмасман; бу ёшимда мен ўйламасдан бир иш қилолмайман ҳам. Мен бу ерга кирганимда ҳамма нарса ҳал этилган ва обдан ўйлаб чиқилган эди. Аммо менинг самимийлигимга сизни батамом ишонтириш учун анча кутишга тўғри келди, шекилли. Энди гапдан ишга ўтиш керак. Нима учун бу ерга келганимни баён этайми? Сизнинг олдингизда ўз бурчимни адо этиш учун келдим. Сизга чексиз ҳурматимни изҳор этиб, ўғлимни бахтиёр этмоғингизни, унга рафиқа бўлишга розилик бермоғингизни сўрайман. Аммо мени, ниҳоят болаларининг гуноҳидан ўтиб, раҳм-шафқат юзасидангина уларнинг бахт-саодатига йўл очгани келган золим оталардан ҳисобламанг. Йўқ, йўқ! Агар шундоқ деб ўйласангиз, мени ҳақорат қилган бўласиз. Ўғлим учун шунчалик фидокорлик қилганин-

гизга асосланиб розилик беришингизга олдиндан ишониб қолган, деб ўйламанг мени, йўқ, бундай эмас! Мен ўзим биринчи бўлиб овозимни баралла қўйиб айтаманки, у сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайди (у оққўнгил, ювош). Ва буни ўзи ҳам тасдиқлай олади. Бироқ бу ҳам роз. Мени бемаҳалда шу мулоҳазагина бу ерга бошлаб келгани йўқ... Мени бу ерга... (у тавозе ва дабдаба билан ўрнидан кўзгалиб ўтирди), мен бу ерга сизга дўст бўлиш учун келдим! Бу бахтга сазовор бўлишга ҳеч қанақа ҳаққим йўқ, аксинча! Бироқ шу бахтга сазовор бўлишга ижозат беринг! Ишонишга рухсат беринг!

Князь Наташа рўпарасида такаллуф билан бош эгиб, унинг жавобини кутарди. У ҳамма гапни гапириб бўлгунча мен унга зехн солиб қараб ўтирдим. У буни сезиб қолди. У ўзининг совуқ нутқига мунозара ва мубоҳаса оҳангини беришга тиришар, баъзан пала-партиш гапирарди. Ҳатто баъзан гапининг оҳанги, уни шу бемаҳалда бизнинг олдимизга келиб, айниқса, икки орадаги муносабат шундай нозик бўлган маҳалда айтган жўшқин сўзларига мос келмас эди. Унинг баъзи бир иборалари ясама, гапни чўзгани-чўзган, у ўз ҳисларини яшириш учун ўзини гўлликка солиб, қизиқчилик қилмоқчидай бўларди. Буларнинг ҳаммасини мен кейин фаҳмладим. У охириги сўзини шу қадар баланд руҳ билан, шу қадар берилиб, Наташага нисбатан шу қадар ҳурмат билан гапирдики, ҳаммамиз ҳам эриб кетдик. Ҳатто, унинг киприкларида ёш ҳам пайдо бўлгандек бўлди. Наташанинг олижаноб қалби тамом эриган эди. Наташа унга эргашиб ўрнидан турди ва индамасдан, чуқур ҳаяжон ичида унга қўлини чўзди. Князь назокат ва муҳаббат билан унинг қўлини ўпди. Алёша бўлса терисига сиғмас эди.

– Сенга айтмаганмидим, Наташа! – деди у қичқириб. – Менга ишонмаган эдинг! Дунёда энг олижаноб одам десама, сен ишонмаган эдинг! Кўрдингми, ўз кўзинг билан кўрдингми?..

У отаси бағрига ўзини отиб, уни маҳкам қучоқлаб олди. Отаси ҳам уни кўксига босди. Лекин ўзининг ҳисларини ошкор қилишдан уялгандек кўнгилни эри-тадиган гапларни тезроқ қисқартиришга шошилди.

– Бўяди, бас, – деди у шляпасини олиб, – мен кетдим, сизлардан ўн дақиқагагина ижозат сўраган эдим, бир соатга чўзилиб кетди, – қўшиб қўйди у жилмайиб. – Бироқ мен кетяпман-у, лекин сиз билан қайтадан учрашиш-ни сабрсизлик билан кутаман. Сизни бот-бот зиёрат қилишга рухсат этасизми?

– Ҳа, ҳа! Тез-тез келиб туринг! Мен ҳам сизни тезроқ... севишни истайман... – қўшиб қўйди у довдираб.

– Нақадар ростгўй, нақадар покизасиз! – деди князь унинг сўзларидан кулиб. – Сиз ҳатто оддий назокат учун ҳам қувлик қилишни истамайсиз. Аммо сизнинг самимийлигингиз ана у ҳамма назокатлардан минг марта ортиқ. Шундай! Мен шунга иқрорманки, сизнинг муҳаббатингизга сазовор бўлиш учун ҳам узоқ, жуда узоқ вақт керак!

– Бас, мени кўп мақтаманг... етар! – шивирлади хи-жолат тортиб Наташа. О, нақадар гўзал эди шу дамда Наташа!

– Бўпти, бўлмаса! – деди князь, – яна бир-икки оғиз гап бор. Қаранг мен бечорани! Ахир эртага ҳузурингизга келолмайман, эртага ҳам, индинга ҳам. Бугун кечқурун мен зарур бир мактуб олдимки (бир ишда тўхтовсиз менинг иштироким талаб этилади), бормасликнинг ҳеч иложи йўқ. Мен эртага эрталаб Петербургдан жўнаб кетаман. Лекин илтимос қиламан, кўнглингизга, эрта-индин вақти бўлмагани учун шу бемаҳалда келибди-да, деган гап келмасин. Балки шу гап сизнинг хаёлингизга ҳам келмаётгандир. Бироқ бу ҳам бўлса менинг бадгумон-лигимнинг бир аломати! Нима учун миямга сиз шундай хаёлга борасиз, деган фикр келди? Ҳа, менинг бу васвасалигим ҳаётимда жуда кўп халақит берди, балки сизнинг оилангиз билан аразлашиб қолишимиз ҳам фақат мана

шу менинг ноҳўя феъл-атворим туфайлидир!.. Бугун сешанба. Чоршанба, пайшанба ва жума кунлари мен Петербургда бўлмайман. Шанба куни шак-шубҳасиз қайтаман ва шу куниёқ сизникига келаман. Айтинг-чи, ўша куни бугун оқшомни сизлар билан ўтказсам бўладими?

– Албатта, албатта! – деди Наташа шошилиб. – Шанба куни кечқурун сизни кутаман! Сабрсизлик билан кутаман.

– О, нақадар бахтли одамман! Кўришган саримиз бир-биримизни синайверамиз! Бўпти... Кетдим! Лекин сизнинг кўлингизни қисмасдан кетолмайман, – деди у бирдан менга юзланиб. – Кечиринг! Биз ҳаммамиз шундоқ телба-тескари гаплашяпмизки... Мен сиз билан бир неча бор учрашишга мушарраф бўлганман, ҳатто бизни таништирганлар ҳам. Сиз билан бошқатдан танишиш мен учун қанчалик шараф эканини изҳор этмай бу ердан кетолмайман.

– Рост, сиз билан учрашганмиз, – жавоб бердим мен унинг кўлини олиб, – лекин узр, сиз билан танишганимиз ёдимда йўқ.

– Ўтган йили князь Р.никида.

– Кечирасиз, унутибман. Аммо бу галгисини эсимдан чиқармайман. Бу оқшом айниқса унутилмайдиган оқшом бўлди.

– Ҳа, ҳақлисиз, мен учун ҳам шундоқ. Сиз Наталья Николаевна ва ўғлимнинг чинакам, самимий дўсти эканингизни мен аллақачонлардан бери биламан. Уч дўст ичида туртинчиси бўлишимга ишонаман, шундоқ эмасми? – кўшиб кўйди у Наташага мурожаат қилиб.

– Ҳа, у бизнинг энг яқин дўстимиз, биз ҳаммамиз бирга бўлишимиз керак! – жавоб берди Наташа чуқур ҳаяжон билан. Бечорагинам! Князь менга нлтифот қилишни унутмаганини кўриб, шодлигидан кўзлари чақнаб кетди. Мени қанчалик яхши кўрарди у.

– Сизнинг истеъдодингизга қойил қолганларнинг жуда кўлини учратганман, – давом этди князь, – сизга

каттиқ ихлосманд бўлган икки аёлни ҳам биламан. Сиз билан шахсан танишиш улар учун катта бахт бўлади. Улар менинг энг яхши дўстим графиня ва унинг угай кизи Катерина Фёдоровна Филимоновалар. Сизни шу хонимлар билан таништириш шарафига ноил бўлишимга ишонишга ижозат беринг.

– Танишларим кўп бўлмаса-да, ғоят хурсандман.

– Аммо менга манзилингизни берасиз! Қаерда турасиз? Хурсанд бўлардим...

– Мен ўз уйимда қабул қилмайман, князь, айниқса ҳозирги пайтларда.

– Мен алоҳида ҳурматга сазовор бўлганлар қаторида бўлмасам ҳам, аммо...

– Марҳамат, марҳамат, агар сиз шуни талаб этсангиз, мен жуда мамнун бўламан. Мен М. кўча, Клуген ҳовлисида тураман.

– Клугенникида! – деб юборди у худди бир нарсадан ажаблангандек. – Қандай қилиб! Кўпдан бери у ерда турасизми?

– Йўқ, яқиндан бери, – жавоб бердим мен ихтиёрсиз унга тикилиб. – Қирқ тўртинчи номерда тураман.

– Қирқ тўртинчи? Ёлғиз турасизми?

– Ёлғиз ўзим.

– Ҳм! Мен шу ҳовлини... биламан, чамамда. Тағин яхши... Мен албатта бораман, албатта! Сиз билан гаплашадиган кўп гапларим бор. Сиздан кўп нарса кутаман. Сиз мени кўп нарсада мамнун қила оласиз. Кўрдингизми, мен тўғридан-тўғри илтимосдан бошляяпман. Хўп, хайр! Яна бир кўлингизни беринг!

У мени ва Алёшанинг кўлини қисди, Наташанинг кўлини яна бир марта ўпди. Алёшага «юр» ҳам демай чиқиб кетди.

Бу ҳодиса ҳеч қутилмаган вақтда кўққисдан содир бўлган эди. Учаламиз ҳам ҳанг-манг бўлиб қолдик. Ҳаммамиз ҳам бир зумда ҳамма нарса ўзгариб кетиб, аллақандай янги, мисли кўрилмаган бир воқеа содир бўли-

шини сезардик. Алёша индамасдан Наташа ёнига ўтирди ва аста-аста унинг қўлини ўпа бошлади. Нима дер экан, дегандек ҳар замонда унинг афтига қараб қўяр эди.

– Алёшам, жонгинам, эртагаёқ Катерина Фёдоровнанинг олдига бор, – деди у ниҳоят.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаяпман, – жавоб берди у, – албатта бораман.

– Балки сени кўриш унга қийин бўлармикин... Нима қилсак экан-а?

– Билмадим, азизим. Шу ҳақда мен ҳам ўйлаётган эдим. Кўраман-да... Ўшанда ҳал қиламан. Ҳа; энди Наташа, ҳамма ишларимиз бошқача бўп кетди-ку, – деди сабри чидамай Алёша.

Наташа табассум қилди. Алёшага узоқ ва нозли тикилди.

– Унинг сиполигини ҳам кўрдингми? Сенинг уйинг фақироналигини кўрса ҳам индамади.

– Нима дейиши керак эди?

– Энди-да, бошқа квартирага кўчиб ўтиш ёки шунга ўхшаш бир гап, – қўшиб қўйди Алёша қизариб-бўзариб.

– Қўйсанг-чи, Алёша, нега ундай десин?

– Шуни айтяпман-да, сипо деб. Сени қандай мақтади-я! Айтган эдимми сенга... айтган эдим! Йўқ, ростдан ҳам у ҳаммасини тушуниб, сезиб туради! Мен тўғримда бўлса, худди ёш бола тўғрисида гапиргандек гапирди; ҳаммалари мени бола деб ҳисоблайди! Нима ҳам қилардим, ростдан ҳам ўзим шундоқман-да.

– Сен ёш бола бўлганинг билан ҳаммадан кўра зийракроқсан. Оққўнгилсан, Алёша!

– У бўлса, оққўнгиллилиги ўзига зарар, дейди. Бу нима дегани? Тушунмайман. Биласанми, Наташа, мен дарҳол унинг олдига борсаммикин-а? Эрталаб азонда олдингга етиб келаман.

– Бор, бора қол, жоним. Буни тўғри ўйлабсан. Албатта, унинг кўзига кўрин, хўпми? Эртага мумкин қадар тезроқ

кел. Энди мендан беш кунлаб қочиб юрмайсанми? – қўшиб қўйди Наташа макр ва ноз билан унга боқиб.

Ҳаммамиз ҳам аллақандай сокин ва кучли шодлик кучоғида эдик.

– Мен билан кетасизми, Ваня? – қичқирди Алёша уйдан чиқа туриб.

– Йўқ, у қолади; биз сен билан ҳали гаплашамиз, Ваня. Алёша, эртага азонда кел.

– Азонда келаман! Хайр, Мавра!

Мавра қаттиқ ҳаяжонда эди, у князнинг ҳамма гапларини эшитибди, эшик орқасидан қулоқ солиб эшитиб олибди, лекин кўп гапига тушунмабди. У сўроқлаб билиб олишни истарди, лекин ўзини мағрур тутиб қараб турарди. Кўп ўзгаришлар рўй берганини у ҳам пайқанган эди.

Биз ўзимиз қолдик. Наташа менинг қўлимни ушлади-ю, айтишга сўз ахтараётгандек анчагача жим ўтирди.

– Ҳоридим! – деди у ниҳоят паст овоз билан. – Менга қара, сен эртага бизникиларга бормоқчисан-а?

– Шубҳасиз.

– Ойимга айтгин-у, унга айтмай қуя қол.

– Ҳали ҳам мен у билан сенинг ҳақингда ҳеч нарса гаплашмайман.

– Ҳа, тузук, у айтмасанг ҳам билиб олади. Сен зеҳн сол-чи, у нима дер экан? Қандай қабул қиларкан? Эй, Худо, Ваня! Наҳотки у ростдан ҳам шу никоҳ учун мени «оқ» қилса? Йўқ, бу мумкин эмас!

– Ҳаммасини князнинг ўзи тўғрилаши керак, – дедим мен шошилиб. – У албатта отанг билан ярашиши керак, ўшанда ҳаммаси жойига тушади.

– Ё Танграм! Кошкийди! Кошкийди! – деб нидо қилди Наташа ёлворгандай.

– Хотиржам бўл, Наташа, ҳамма иш унглиниб кетади. Шунақа бўладиганга ўхшайди.

У менга тикилиб қаради.

– Ваня! Князь ҳақида сен нима деб ўйлайсан?

– Агар у чин кўнгилдан гапирган бўлса, у ҳолда у жуда олижаноб одам.

– Чин кўнгилдан айтган бўлса, дедингми? Буни нима деб тушунса бўлади? Ахир чин кўнгилдан айтмаслиги ҳам мумкинми?

– Менга ҳам шундоқ туюляпти, – деб жавоб бердим мен. «Демак, кўнглига бир гап келибди-да, – деб ўйладим мен ўзимча. – Тавба!»

– Сен унга шундай тикилиб ўтирддингки... шундай тикилдингки...

– Ҳа, ғалатиноқ одамга ўхшайди. Менга шундай кўринди.

– Менга ҳам. У ҳамма гапни ғалати қилиб гапирдики, чарчадим, азизим, чарчадим. Биласанми, Ваня? Бор, сен ҳам уйингга бор. Эртага иложи бўлса, уларниқидан бу ерга вақтлиноқ кел. Қани, айт-чи, ҳали, мен сизни тезроқ севишни истайман, деганим унга қаттиқ тегмадимикан?

– Йўқ... нега қаттиқ тегсин?

– Тағин... хунук чиқмадимми? Бу сўздан, ҳозирча мен сизни яхши кўрмайман, деган маъно чиқдида-а?

– Аксинча, бу гап жуда ҳам чиройли чиқди, соддадиллик билан айтилди. Ўша дақиқа сен шу қадар гўзал эдинг, Наташа! Аслзодалиги билан шуни тушунмаса, бифаросат экан.

– Ваня, сен ундан хафага ўхшайсан-а? Қара, қанчалик ўзим тентак, бадгумон ва мақтанчоқман-а! Кулма, ахир мен сендан ҳеч нарса яширолмайман. Эҳ, Ваня, ўзимнинг дўстгинам! Агар яна бахтсиз бўлсам, бошимга бир кулфат тушса, яна кунимга ўзинг ярайсан, сенгина ёнимда бўласан, азизим! Нима билан мен сенинг ҳамма яхшиликларингни қайтараман, Ваня! Мендан ҳеч қачон хафа бўлма, Ваня!..

Уйга келгач, шу заҳоти ечиниб ётдим. Уйим ертўладек зах ва қоронғи эди. Жуда аломат фикр ва туйғулар чулғаб олди мени, узоқ вақт ухлай олмадим.

Аммо шу дақиқанинг ўзида бошқа бир зот ўзининг пар тушакларида уйкуга кета туриб, ўзича роса кулгандир, башарти биз назарида кулишга арзиган бўлсак, балки бизни кулишга ҳам лойиқ топмагандир!

НИ БОБ

Эртасига эрталаб соат ўнларда Васильевский оролига бориш учун уйдан шошиб чиқдим, мен у ерда Ихменевларникига кириб, у ердан дарҳол Наташаникига жўнашим керак эди. Эшикда кечаги меҳмонимга, Смитнинг неварасига дуч келиб қолдим. У бизникига кириб келаятган экан. Ўзим билмайман, лекин унинг келишидан жуда қувониб кетганим эсимда бор. Кеча унга тузукроқ разм солишга улгурмаган эдим. Бугун кундузи мен уни яхшироқ куриб олдим. Фақат сиртқи қиёфасигагина қараб гапирганда бу каби жуда ажойиб ва ғаройиб қизчани учратиш қийин эди, албатта. Ўзи ушоққина, аллақандай, русларникига ўхшамаган қоп-қора шахло кўзлари билан, қалин тим қора жингалак сочлари билан ва сирли, сўзсиз тикилиб боқиши билан у кўчада ўтиб кетаётган ҳар қанақа кишининг ҳам диққатини ўзига жалб этар эди. Айниқса, унинг қараши ажойиб; кўзларида ақл-идрок нури порлайди, шу билан бир қаторда, қандайдир ишончсизлик ва ҳатто гумонсираш ифодаси бор. Унинг эскирган, кир бўлиб кетган кийимлари ёруғда кечагидан баттар жулдур-жулдур куринар эди. Менинг назаримда у вужудини аста-секин ва шафқатсиз емириб борувчи қандайдир узун оғриқ касалга мубтало бўлса керак. Унинг рангсиз, қорача ориқ юзи заъфарондек эди. Аммо ҳаддан ташқари камбағаллигига, касалмандлигига қарамай, у келишгангина қиз эди. Унинг қошлари қаламдек ингичка ва чиройли; айниқса бир оз қия кенг пешонаси чиройли, сал-сал қизил рангсиз лаблари ҳам чиройли эди.

– Э, яна келдингми? – деб юбордим. – Ўзим ҳам келарсан, деб ўйлагандим, қани кир!

У худди кечагидек атрофга ишончсизлик билан аланглаганича остонадан астагина ҳатлаб уйга кирди. У бошқа биров келиб жойлашиши билан бобоси турган уйда қандай ўзгариш юз берганини пайқамокчи бўлгандек диққат билан уйни кўздан кечирди. «Бобоси қанақа бўлса набираси ҳам худди шунақа-я, тавба, – деб ўйладим ўзимча. – Жинни эмасмикан-а?» У ҳамон индамасди, мен гапиришини кутиб турардим.

– Китобларимга келдим, – деди у секингина кўзларини ерга тикиб.

– Ҳа, айтгандек! Сенинг китобларинг-а; мана, ола қол! Мен уларни атайлаб сен учун сақлаб қўйганман.

У менга ишончсизлик билан қаради, лабларини қийшайтириб кулмоқчи эди-ю, бироқ кулги асари йўқолиб, кўзларида бояги серзарда ва сирли ифода пайдо бўлди.

– Бобом сизга мен тўғримда гапирганмиди? – сўради бошимдан оёғимгача кинояомуз тикилиб.

– Йўқ, сен тўғрингда ҳеч нарса деган эмас, лекин у...

– Бўлмаса менинг келишимни қаёқдан билган эдингиз? Сизга ким айтди? – у шошилинич билан сўради менинг сўзимни бўлиб.

– Чунки бобонг жуда кексайиб қолган ожиз одам эди, менимча у шу аҳволда, биров қарамаса яшай олмасди. Мана шунинг учун мен унинг олдига бирор киши келиб турса керак, деб ўйлардим. Мана китобларинг. Ма, ол, сен шуларни ўқирмидинг?

– Йўқ.

– Бўлмаса уларнинг сенга нима кераги бор?

– Мен бобомнинг олдига келиб турган маҳалларимда у мени ўқитар эди.

– Кейин келмай қўйганмидинг?

– Кейин келмай қўйгандим... Касал бўлиб қолдим, – қўшиб қўйди ўзини оқламоқчи бўлгандек.

– Киминг бор? Ота-онанг борми?

У бирдан қошларини чимириб олди, кўркув аралаш менга қаради. Кейин бошини қуйи солганича орқасига

бурилди-да, худди кечагидагидек гапимга жавоб ҳам бермай секингина уйдан чиқиб кета бошлади. Мен таажубланганимча орқасидан қараб қолдим. Кейин у остонада тўхтади.

– У нимадан ўлди? – сўради у кескин оҳангда менга ярим ўгирилиб. Кеча ҳам худди мана шунингдек чиқиб кета туриб орқасини ўгирганича шу зайлда Азоркани сўраган эди.

Мен олдига бордим, кўрганимни наридан-бери ҳикоя қила бошладим. У орқасини ўтирган ҳолда бошини қуйи солиб, индамай кулоқ солди. Мен яна чол ўла туриб Олтинчи линия ҳақида гапирганини айтдим. «Мен, бунга яқин одамлардан бирор киши ўша ерда яшаса керак, деб хулоса чиқардим, бир кунмас бир кун уни йўқлаб келиб қолар-ку, деб кутдим. Мана, у охириги дақиқаларда сени тилга олдим, демак, сени яхши кўраркан», дедим.

– Йўқ, – шивирлади у ғайриихтиёр равишда, – у мени яхши кўрмасди.

У қаттиқ ҳаяжонланган эди. Мен гапириб туриб унинг юзига энгашиб қарадим. У ҳаяжонланганини менга билдириб қўйишдан уялгандек ўзини тутиб олишга уринаётганини сездим. У борган сари оқарар, қуйи лабини тишлар эди. Ҳаммадан ҳам юрагининг тепиши мени ҳайратлантирди. Унинг юраги шу қадар қаттиқ дукиллаб ура бошладики, худди қизил қон томирлари шишган одамникидек икки қадам нарида турган одамга ҳам бемалол эшитилар эди. Мен уни кечагига ўхшаб ўпкаси тўлиб йиғлаб юборар, деб турган эдим, лекин у ўзини бошиб олди.

– У девор қаерда?

– Қанақа девор?

– Бобом тагида ўлган девор?

– Кўчага чиққанимиздан кейин мен у ерни кўрсатиб кўяман. Менга қара, қизгина, сенинг исминг нима?

– Керакмас...

– Нима керакмас?

– Керакмас, ҳеч нарса... керак эмас... Отимни билишингиз ҳам керакмас! – у энтикиб-энтикиб жавоб берди, кетмоқчи бўлиб турувди, мен уни тўхтатдим.

– Тўхта, ғалати қиз экансан-ку! Ахир мен сенга яхшилик қилмоқчиман; кеча анави бурчақда туриб йиғлаганинг эсимга тушса, юрагим эзилиб кетади. Бунинг устига бобонг менинг қўлимда жон берди. Эҳтимол, бобонг Олтинчи линияни гапирганда сени эслагандир, бу, сени менга топшириб кетди, деган сўз. У менинг тушларимга киради... Мана, китобларингни ҳам сақлаб қўйдим. Сен бўлсанг ёввойидек мендан кўрқасан. Назаримда, жуда ҳам камбағалга ўхшайсан, етимча бўлсанг керак, балки бировларнинг эшигида юргандирсан, шундай эмасми?

Мен қизишиб гапирдим, унга нега шунчалик раҳмдиллик қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Менинг ҳисларимда унга ачинишдан ҳам бошқа яна аллақандай ҳис бор эди. Билмайман, умуман, шароитнинг сирлилигимни, Смитнинг менда қолдирган таассуротларими, қалбимда юз бераётган сирли ҳолатми, ишқилиб ифодалаб бўлмайдиган қандайдир бир куч мени унга тортар эди. Менинг сўзларим унинг кўнглини кўтарди шекилли, менга ғазаб билан эмас, майинлик билан узоқ тикилди, кейин яна ўйланқираб ерга қараб олди.

– Елена, – шивирлади у кутилмаганда жуда ҳам паст овоз билан.

– Сенинг исминг Еленами?

– Ҳа...

– Ҳўш, энди менинг олдимга келиб турасанми?

– Мумкинмас... билмайман... келаман, – шивирлади у бир қарорга кела олмагандек. Шу дақиқа қаердадир девор соати занг ура бошлади. У чўчиб тушди ва сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган қайғу-ҳасрат-ла менга қараб: – Соат неча бўлдийкин? – деди.

– Ўн ярим бўлса керак.

– Эй, Худо! – деб юборди ва бирдан чопганича чиқиб кетди. Мен уни йўлакда тўхтатдим.

- Сени шундай қўйиб юбормайман, - дедим, - нимадан қўрқяпсан? Кечга қолдингми?

- Ҳа, мен билдирмасдан кетганман! Қўйиб юборинг! У мени уради! - деб бақирди, чамаси, бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди шекилли; у қўлимдан чиқиб кетишга уринарди.

- Шошма, юлқинаверма, сен Васильевский томонга борасан-ку, мен ҳам ўша томонга, Ўн учинчи линияга боришим керак. Мен ҳам кечикиб қолдим, извошда бормоқчиман. Мен билан кетасанми? Мен олиб бориб қўяман. Пиёда юргандан кўра тезроқ етиб борасан.

- Йўқ. Мен турган жойга бориб бўлмайди, асло бориб бўлмайди! - деб бақирди у баттароқ қўрқиб. Негадир у турган жойга менинг боришим мумкинлигини ўйлаб, қаттиқ қўрқиб кетди.

- Мен сеникига эмас, ўз ишим билан Ўн учинчи линияга бормоқчиман! Орқангдан бормайман, извошда тезроқ етиб борамиз. Кетдик!

Биз тез-тез юриб, пастга тушдик. Мен хароб бир от қўшилган, биринчи учраган извошни олдим. Модомики, Елена мен билан ўтиришга рози бўлдими, демак, ростдан ҳам у жуда шошилаётган экан. Мен ундан бир оғиз гап сўрашга журъат этолмас эдим, бу жуда шубҳали эди. «Уйда кимдан шунча қўрқасан?» деб сўраганимда, у қўлларини силкитиб извошдан сакраб тушишига сал қолди. «Шунчалик сир сақлайди-я!» деб ўйладим ўзимча. Извошда ўтириш унга жуда ўнғайсиз эди. Ҳар силкинганда у йиқилиб кетмаслик учун ўзининг иркит, кичкина, ёрилиб кетган чап қўли билан менинг пальтомга ёпишиб оларди. Иккинчи қўли билан у китобларини маҳкам бағрига босиб ўтирар, китоблари унга нақадар азиз экани кўриниб турар эди. Ўрнашиб ўтирмоқчи бўлган эди, бирдан оёғи очилиб кетди; унинг оёғида пайпоғи йўқлиги, яланг оёғига йиртиқ-ямоқ чорик кийиб олгани мени хайрон қолдирди. Мен унга савол бермасликка қарор

қилгандим, лекин буни кўрганимдан кейин ўзимни тўхтатолмадим.

- Наҳотки, пайпоғинг ҳам йўғ-а? - сўрадим мен.
- Мана шу рутубатли, совуқ ҳавода пайпоқсиз юриб бўладими?

- Йўқ, - деди у шартта.

- Э, Худойим, сен бировнинг эшигида юрасан! Ахир кўчага чиқишинг керак экан, ўшалардан сўраб ола қолмайсанми?

- Сўрагим келмади.

- Касал бўлиб, ўлиб қолсанг, нима бўлади?

- Майли ўлсам.

Чамамда жавоб беришни истамасди, савол берсам, аччиқланар эди.

- Мана шу ерда у вафот этди, - дедим мен чол ўлган уй деворини кўрсатиб.

У диққат билан тикилиб қаради ва бирдан менга ўгирилди-ю, ялиниб-ёлворди:

- Худо ҳаққи, орқамдан борманг, мен ўзим келаман, келаман, албатта! Иложини топган заҳоти келаман.

- Хўп, хўп, айтдим-ку сенга, бормайман деб, лекин нимадан шунча кўрқасан? Ростдан ҳам бахтсиз қиз бўлсанг керак. Сенга қарасам, юрагим эзилиб кетади...

- Мен ҳеч кимдан кўрқмайман, - деди у ғалати бир асабийлик билан.

Лекин ҳали ўзинг: «У мени уради!» дегандинг-ку!

- Урса ураверсин! - жавоб берди кузларини чақна-тиб. - Ураверсин! Ураверсин! - деб такрорлади изти-роб билан. Унинг юқориги лаби аллақандай нафрат билан кўтарилиб титрарди.

Ниҳоят биз Васильевскийга етиб келдик. У Олтинчи линия бошида извошчини тўхтатди ва жонсараклик билан у ёқ бу ёққа аланглаганича извошдан сакраб тушди.

- Тезроқ жўнанг, мен ўзим келаман, келаман!.. - та-крорлади у қаттиқ безовталаниб, орқасидан бормас-

лигимни ўтиниб. – Тезроқ жўнай қолсангиз-чи, бўлинг тезроқ!

Мен кетдим. Лекин қирғоқ ёқалаб бир неча қадам юргангидан кейин извошчига жавоб бериб юбордим-да, орқамга, Олтинчи линияга қайтиб, кўчанинг нариги бетига ўтиб олдим. Мен қизчани кўрдим; у атрофга олазарак бўлиб, тез-тез қадам ташлаб кетаётган бўлса ҳам, ҳали узоққа кетолмаган эди. Ҳатто, мен орқасидан келаётган-келмаётганлигимни яхшилаб билиш учун у бир зум тўхтаб ҳам олди; мен рўпарамдаги дарвозага кириб беркиниб турдим, у мени пайқамасди. У йўлида давом этди, мен бўлсам кўчанинг бу бетида ҳамон орқасидан борар эдим.

Менда ҳаддан ташқари кучли қизиқиш уйғонган эди. Гарчи мен унинг орқасидан уйига кирмасликка қарор қилган бўлсам ҳам, лекин ҳар эҳтимолга қарши унинг кирган ҳовлисини билиб қўймоқчийдим. Мен энди қандолат дўконида Азорка ўлган пайтдаги чолнинг менда қолдирган таассуротига ўхшаш оғир ва тушуниб бўлмайдиган бир таассурот остида эдим.

IV БОБ

Биз узоқ юрдик, Малий проспектигача бордик. У илдам юриб кетар эди; ахийри бориб кичкина дўкончага кириб кетди. Мен унинг чиқишини кутиб, тўхтаб турдим. «Ахир дўконда яшамаса керак-ку», деб ўйладим ўзимча.

Ростдан ҳам у бир дақиқадан сўнг қайтиб чиқди, энди қўлида китоби йўқ эди. Китоблар ўрнига унинг қўлида аллақандай қулоқли сопол товоқ бор эди. Озгина юргандан кейин у кўримсизгина ҳовли дарвозасига кирди. Бу унча катта бўлмаса ҳам, пишиқ ғиштдан солинган, сариқ бўёққа бўялган икки қаватли эски бино эди. Биринчи қаватнинг деразаларидан бирида (ҳаммаси бўлиб учта дераза бор эди) кичкина тобут чиқиб турар,

бу дўкони кичкина тобутсознинг вивескаси эди, юқори қаватнинг деразалари жуда ҳам кичик – туртбурчак, хира, кўкимтир, дарз кетган ойналардан қалин пушти ранг сурп пардалар кўриниб турар эди. Мен кўчани кесиб ўтдим, бинога яқинлашдим ва дарвоза тепасида темир тахтага ёзилган: «Мешчанка Бубнованинг ҳовлиси» деб ёзилган лавҳани ўқидим. Бироқ мен ёзувни энди ўқиб улгурган эдим ҳамки, бирдан Бубнова ҳовлисидан шанғиллаган хотин товуши ва орқасидан қарғиш эшитилди. Мен эшикдан мўраладим; ёғоч пиллапояда мешчанкаларга мос кийим-бош кийган, елкасига мошранг румол ташлаган семиз хотин турар эди. Унинг юзи бадбуруш, шолғомдек қип-қизил, мой босган кўзлари қип-қизил, тушки овқат маҳали бўлмаса ҳам, башарасидан кайфи тароқлиги кўриниб турарди. У олдида сопол товоқ билан қотиб турган бечора Еленага қараб бақирарди. Унинг орқасида сочлари хурпайган, юзига упа-элик чаплаган бир аёл мўралаб турар эди. Бирпасдан кейин пастки қаватдан ертулага тушадиган зинанинг эшиги очилди ва пиллапояда фақирона кийинган истараси иссиққина, ўрта ёшли аёл пайдо бўлди. Назаримда шовқин-суронни эшитиб чиқди, шекилли. Қия очилган эшикдан пастки қаватда турувчи бошқа ҳамсоялар, мункиллаган чол ва бир қиз мўралади. Узун бўйли, бақувват бир эркак, ҳовли қоровули бўлса керак, ҳовли ўртасида қулида супургиси билан жанжални бепарвогина томоша қиларди.

– Қорагинанг ўчгур, оғзи-бурнингдан қон келгур, итвачча! – деб чийилларди хотин энтика-энтика, дунёдаги бор қарғишларни узлуксиз қаторлаштириб. – Менинг ғамхўрлигимга қилган яхшилигингми бу, чувринди! Бодрингга юборсам, зим-зиё булиб кетдинг! Ўзим шундоқ деб ўйлаган эдим-а, юбораётганимда! Юрагим сезиб турувди! Кеча кечқурун-ку шу қилиғи учун сочларидан буйдалаб урган эдим, бугун тагин қочиб кетибди! Қаёққа борасан, сен, бузук ўлгур, қаёққа-а?!

Кимникига борасан, сен, серраймай ўлгур, захар, ким-
никига?! Гапир деяпман, чувринди! Гапир деяпман,
бўлмаса ҳозир бўғиб ўлдириб қўя қоламан!

Бу қутурган хотин бечора қиз устига ташланган вақт-
да пастки қаватдан қараб турган аёлни кўриб қолди-ю,
бирдан тўхтади ва аввалгидан ҳам баттарроқ чийиллаб,
бу қизнинг қилган ярамас ишини қаранг, дегандек қўл-
ларини пахса қилиб, унга мурожаат этди:

– Онаси қурғур ҳаром ўлди! Ўзларинг биласизлар-
ки, яхши одамлар, бу қуриб кеткур дунёда бошпана-
сиз битта ўзи қолди. Сиз, бечоралар ўз кунларингизни
зўрға ўтказасизлар, ҳеч бўлмаса савоб бўлар-ку, деб
етимчани ола қолай, дедим. Олдим. Оқибати нима
бўлди, деб ўйлайсизлар? Мана, икки ойдан бери боқиб
ётибмай, бу ўлгур икки ой ичида қонимни сўрди, усти-
хонимни кемирди. Зулук, аждарҳо! Безбет! Иблис!
Урсанг ҳам, отиб урсанг ҳам ғиқ этмайди, жувонмарг,
миқ этмайди. Мени юрагим тарс ёрилиб кетай деди.
У бўлса индамагани-индамаган! Ҳой, сен ўзингни ким
деб ўйлайсан, ювиндихўр!.. Мен бўлмасам, кўчада
очингдан ўлардинг, қадримни билмасанг, ҳаром ўла-
сан, сен ёвуз, қора илон! Ҳаром ўлардинг менсиз!

– Сизга нима бўлди, Анна Трифоновна, бунча ўзин-
гизни койитасиз? У сизга тағин нима қилди? – сўради
хурмат билан ҳалиги аёл қутурган хотинга қараб.

– Нима гуноҳ қилди, дейсанми, яхши хотин? Менинг
йўриғимни бузса, жон-поним чиқиб кетади! Ёмон бўлса
ҳам, менинг айтганимни қил! Мана мен кимман! У мени
бугун нариги дунёга юборишига сал қолди. Дўконга бо-
дрингга юборсам, уч соатдан кейин қайтса-я! Юбораёт-
ганимда юрагим сезиб турувди; жигар-бағрим хун бўл-
ди, қаерда эдинг? Қаерга бординг? Ёки ўзингга ғамхўр
топдингми? Унинг бошини силаган мен эмасмидим-а?
Ахир мен уни жулдурвоқи онаси қарзга олган ўн тўрт
сўлкавойдан кечиб юбордим, ўз ҳисобимга кўмдим,
мана бу итваччани тарбиямга олдим, ахир ўзинг хабар-

дорсан-ку, айланай! Шулардан кейин мен унга гапириш-га ҳаққим борми-йўқми? Унинг ўзи шуларни билиши керак, унинг ўрнига айтганимнинг тескарисини қилади! Мен унга бахт тилагандим. Мен бу разилни яхши кийинтирмоқчийдим, Гостиний двордан ботинка олиб бердим. Қўғирчоқдек ясатдим, оқибати нима бўлди, денглар, яхшилар! Икки кунда ҳамма кийимни йиртиб ташлади, бурда-бурда қилиб йиртиб ташлади-да, энди хароб бўлиб юрибди! Сандирақлаб юргани-юрган! Ўзи атайлаб йиртди, Худо ҳаққи, ўз кўзим билан кўрдим. Шундоқ чурук-чурук бўлиб юрармишлар, ҳарир кийим киймасмишлар! Шунда қаҳримга чидамай шундоқ саваладимки, охирда табиб чақирришга тўғри келди, мен унга пул тўладим. Худо олсин сени, битлиқи, улганинг яхши! Унинг адабини бериш учун пол ювишга буюрдим, нима деб ўйлайсизлар, ювяпти, ювяпти. Манжалақи ювяпти! Жонимни чиқаряпти! Ҳа, қани энди қочиб кўрсин-чи, деб ўйладим! Ўйлаб улгурганим ҳам йўқ эди, кеча тагин қочиб кетди. Ўзларнинг эшитдинглар, яхшилар, кеча мен уни роса саваладим, қўлларим қавариб кетди, яланг оёқ кетмас-ку, деб пайпоғу бошмоқларигача ечиб олдим, бугун бу хазон бўлгур тагин ўша ёққа йўқолди! Қаерда эдинг? Гапир! Кимга шикоят қилдинг, газанда, кимга мени чақдинг? Гапир, лўливачча, келгинди, гапир!

Унинг ғазабидан жазаваси тутиб кетиб, яна даҳшатдан эсини йўқотиб қўйган қизга ташланди, сочларини чангаллаб ерга отиб урди. Бодринг солинган сопол товоқ учиб бориб чил-чил бўлди, бу эса маст хотиннинг яна қаҳрини оширди. У қизнинг юзига, бошига туширарди, аммо Елена шунча калтак еганда ҳам чурқ этмасди, на бир оғиз гап, на бир қичқирриш, на бир дод деган овоз оғзидан чиқарди. Мен азбаройи ғазабланганимдан ўзимни йўқотиб қўйиб ҳовлига, маст хотин олдига отилиб чиқдим.

- Нима қиялпсиз? Бечора етимчани мунча хўрлайсиз? - бақирдим аёлнинг қўлидан ушлаб.

– Бу нимаси? Ким бўласан сен ўзинг? – шанғиллади у Еленани қўйиб юбориб, биқинини ушлаганича. – Хуш, менинг уйимда нима ишингиз бор?

– Шунчалик ҳам шафқатсиз бўладими одам! – деб бақриб юбордим. – Бечора болани шунчалик қийнашга нима ҳаққингиз бор? У сизнинг болангиз эмас, сиз уни асраб олганингизни эшитдим, бечора етимча...

– Худоё тавба! – додлай бошлади алвасти. – Сен қаёқдан келдинг? У билан келдингми? Ҳозир мен сени приставга олиб бораман, Андрон Тимофеичнинг ўзи мени ҳурматлайди! Ҳа, сеникига бориб юраркан-да! Кимсан ўзинг? Бировнинг уйида тўполон қилишга нима ҳаққинг бор? Вой дод!

У устимга мушт кўтариб югуриб келди. Бироқ шу дақиқа бирдан одамзотнинг овозига ўхшамаган чинқирик эшитилди. Мен қарадим, Елена бирдан даҳшатли, ғайритабиий бир қичқирик билан ерга йиқилди ва шайтонлай бошлади. Юзлари ўз қиёфасини йўқотди, унинг тутқаноғи тутиб қолган эди. Пастдан пахмоқ сочли қиз ва аёл югуриб чиқишди. Кўтариб олиб шошилганларича юқорига олиб чиқиб кетишди.

– Эй, ўлиб кетсанг ҳам кошқийди, аблаҳ! – чийиллади унинг орқасидан бояғи аёл. – Бир ойда учинчи марта тутқаноқ тутиши... йўқол бу ердан даллол! – деди ў ва яна менга ёпишиб кетди. – Ҳой, қоровул, нима қилиб қараб турибсан? Нима учун ойлик оласан?

– Кет, кет дедим сенга, нима, танобингни тортиб кўяйликми, – дўнғиллади эринчоқлик билан қоровул, шунчаки хўжакурсин учун... – Бировнинг ишига аралашиб нима қиласан, йўлингга кетавермайсанми?

Иложим йўқ эди, мен қилган ишимнинг ҳеч қандай фойда бермаганига қаноат ҳосил қилиб дарвозадан чиқдим. Аммо ғазабим қайнаб турган эди. Мен дарвоза рўпарасидаги йўлакка ўтиб, эшикка қараб турдим. Мен чиқишим билан аёл шу заҳотиёқ томга югурди, қоровул ҳам ўз ишини тугатиб, қаёққадир ғойиб бўл-

ди. Бир дақиқадан сўнг Еленани томга олиб чиқишга ёрдамлашган аёл шошилиб зинапоядан тушди.

У тўхтаб менга қизиқиб қаради. Унинг юзидаги раҳмдиллик ифодаси менга далда берди. Мен яна ҳовлига кириб, туппа-тўғри унинг олдига бордим.

– Бир гап сўрашга рухсат беринг, – деб гап бошладим мен, – бу қиз ўзи ким бўлади? Анави ярамас хотин нега унга озор беряпти? Сиз мени шунчаки томошабин деб ўйламанг. Бу қизни мен олдин ҳам учратганман, бир сабабга кўра унинг кимлигини билишга қизиқяпман.

– Модомики, қизиққан экансиз, уни ўзингизга олиб кўя қолмайсизми ёки бу ерда хор-зор бўлиб ётгандан кўра унга бирор жой топиб бермайсизми? – деди истар-истамас у аёл кетишга шайланиб.

– Сиз менга ўргатмасангиз, нима қила олардим? Айтяпман-ку, мен ҳеч нарса билмайман, деб. Бу аёл шу унинг эгаси бўлса керак-а?

– Ҳа, уша.

– Бўлмаса қиз унинг қўлига қандай қилиб келиб қолган? Унинг бу ерда онаси ўлганми?

– Ишқилиб, келиб қолган-да... Бизнинг ишимиз эмас, – у яна кетмоқчи бўлди.

– Илтифот қилинг, айтяпман-ку бу мени ниҳоятда қизиқтиради деб. Балки бирор ёрдам қилиш қўлимдан келар. Ким ўзи бу қизча? Унинг онаси ким эди, сиз биласизми?

– Чет элдан келган, келгинди эди, шекилли. Бизда, пастда турарди, сил эди, шу касал билан ўлиб кетди.

– Агар ертўлада, бир бурчакда яшаган бўлса, жуда ҳам қашшоқ экан-да?

– Қашшоқ, жуда ҳам қашшоқ эди! Юрак-бағри қон бўлиб оқди. Биз ўзимиз зўрға кунимизни кўрамиз, шунга қарамай, биздан ҳам беш ой ичида олти сўм қарздор бўлди. Биз кўмдик, эрим тобут ҳам қилиб берди.

– Бубнова, мен кўмганман, деяпти-ку!

– Қаёқда!

- Фамилияси нима эди?

- Эй, тидим ҳам келмайди, ука, ғалати немисча ном.

- Смитмиди?

- Йўқ, бошқачароқ эди. Анна Трифоновна етимчани ўзи олди-қўйди, тарбия қиламан, дейди. Аммо яхши бўлмади.

- Бирор мақсад билан олган бўлса керакда-а?

- Ярамас ишлари бор унинг, - жавоб берди аёл ўйланқираб айтайми-йўқми, дегандек иккиланиб. - Бизнинг нима ишимиз бор, биз бегона одамлармиз...

- Тилингни тийсанг, ундан ҳам яхшироқ бўларди! - деган эркак овози, орқамиздан эшитилди. Бу ёши қайтиб қолган, халат устидан кафтан кийган, кўринишдан мастеревойга ўхшаган одам чамамда ҳамсуҳбатимнинг эри эди.

- Иним, сиз билан унинг гаплашадиган гапи йўқ; бизнинг ишимиз эмас... - ғудурлади у менга кўз қирини ташлаб. - Сен бўлса, йўқол! Яхши боринг, жаноб, биз тобутсозлармиз. Агар иш билан келган бўлсангиз, бажонидил... Сиз билан гаплашадиган бошқа гапимиз йўқ.

Мен бу ҳовлидан хаёлим бузилган ҳолда чуқур ҳаяжон билан чиқдим. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди, лекин ишни шу аҳволда қолдирсам, азоб чекишимни сезардим. Тобутсоз хотиннинг баъзи бир гаплари айниқса кўнглимга ғалаён солмоқда эди. Кўнглим сезяпти: бу ерда қандайдир ёмон бир сир бор!

Мен бошимни қуйи солганимча хаёл суриб кетаётган эдим, кимдир бирдан фамилиямни айтиб чақириб қолди. Қарасам, озодагина бўлса-да, алламбало шинель ва ёғ босган шапка кийган маст киши гандираклаб турибди. Афти жуда таниш эди, диққат билан қарардим. У менга имлаб киноя аралаш илжайди.

- Танимаяпсанми?

– Эй, Маслобоевсан-ку, – деб юбордим мен, – губерния гимназиясида бирга ўқиган мактабдошимни бирдан таниб қолиб, – учрашганимизни қара-я!

– Ҳа, ажойиб учрашув. Олти йилдан бери кўришмадик. Учрашишга учрашдику-я, аммо сиз жаноблари назарга илмадилар-да. Ахир сиз генералсиз, яъни адабиёт соҳасида!.. – деб захарханда кулиб қўйди у.

– Бўлмағур гапларни қўйсанг-чи, – сўзини бўлдим мен. – Биринчидан, генераллар, гарчи адабиёт соҳасидаги генерал бўлса ҳам, кўринишда менга ухшамайди. Иккинчидан, ростдан ҳам бир-икки бор сени кучада учратганим эсимда бор, лекин назаримда ўзинг мени кўрмасликка солдинг, бас, шундай экан, мен билан кўришишни ҳам истамаган киши олдига хира бўлиб борармидим? Биласанми, ҳозир миямга қандай фикр келди? Агар кайфинг тароқ бўлмаса, ҳозир ҳам мени чақирмаган бўлар эдинг. Гапларим ростми? Ҳа, майли, кел, сўрашайлик, саломатмисан? Оғайни, сени кўрганимдан жуда-жуда хурсандман.

– Ростини айт! Мен бу қиёфам билан сени иснодга қўймайманми? Ҳа, майли, буни суриштириб ўтирмай қўя қолай, гап бунда эмас, жигарим, Ваня, қанақа ажойиб бола эдинг, ҳамма вақт ёдимда турасан! Хув ўшанда мен учун сени калтаклаганлари эсингда борми? Миқ этмадинг, сиримни очмадинг, мен бўлсам миннатдорчилик ўрнига бир ҳафта сени калака қилиб юрдим. Худонинг мўмин бандасисан! Салом, жигарим, салом! (Биз кўришдик.) Ахир неча йиллардан бери кўргилигимни кўриб юрибман. Тонг отади, кун ботади, аммо ўтганларни унутмадим. Ҳеч ёддан кетмайди! Сен-чи, сен? Сен нима қилиб юрибсан?

– Нима қилардим, бир нав қилиб кун кечиряпман.

У ичкилик туфайли кўнгли бўшаб кетган одамнинг қараши билан менга узоқ тикилди. Аммо бусиз ҳам у жуда юмшоқкўнгил одам эди.

– Йўқ, Ваня, сен бошқа, мен бошқа, – деди у ниҳоят мунгли оҳангда. – Ахир ўқидим, ўқидим, Ваня, ўқидим! Менга қара, Ваня, бир отамлашиб гаплашайлик! Шошилаётганинг йўқми?

– Шошиляпман, сенга айтиб қўя қолай, бир нарсани кўриб, кўнглим жуда бузилди. Яхшиси, айт-чи, қаерда турасан?

– Айтаман. Лекин бундан тузукроқ гап бор. Нималигини айтайми?

– Ҳўш?

– Гап бундоқ! Кўряпсанми? – у менга биз турган ердан ун қадамча наридаги вивескани курсатди. – Кўрдингми: қандолат дўкони ресторан, яъни масалан, оддий қилиб айтганда, ресторация. Аммо жуда маза жой. Шуни айтиб қўяйки, яхши дам оладиган жой, ароғини асти қўявер! Киевдан келтирилган! Бу ерда жуда кўп ичганман, биладан, менга бу ерда ёмонини беришга ҳеч ким ботинолмайди. Филипп Филиппични биладилар. Ахир каминангиз Филипп Филиппич-да. Нима? Афтингни тириштиряпсанми? Тўхта, мен гапимни тамом қилай, ҳозир ўн бирдан чорак ўтди, ҳозир қарадим, ҳўш, роса ўн бирдан ўттиз беш дақиқа ўтганда сенга жавоб бераман. Шу вақт ичида томоқни ҳўллаб оламиз. Эски ошна учун йигирма дақиқалик вақтингни аямасан-а, бўлдимми?

– Ростдан ҳам йигирма дақиқа бўлса майли; негаки, азизим, ростдан ҳам зарур иш бор...

– Бўлса бўпти-да. Шошма, яна бир гап бор: ранги-вошинг унча яхши эмас, худди ҳозир сени биров хафа қилгандек кўринади. Тўғрими?

– Тўғри.

– Ҳа, ўзим ҳам билиб турибман, жигарим, энди мен одамнинг афтини кўриб, кўнглидагини билиб оладиган бўлиб қолганман. Бу ҳам бир машғулот-да! Ҳўп, бўпти, бир отамлашайлик, йигирма дақиқа ичида, биринчидан, мўйсафидидан кейин березовкадан отиб оламиз, кейин ҳадегунча померанец солингани, сўнг

яна бир кўнгилга келган нарса жиғилдондан сувдек ўтаверади. Хуллас, ичадиган бўп қолдим, ука! Байрам кунлари, тушки ибодатдан олдин ичишга нима етсин! Сен ичмасанг ҳам майли. Ўзинг кераксан. Ичиб олсанг яна ҳам яхши, очилиб дилкашлик қиласан. Юр! Бир-икки оғиз вақиллашамиз-у, яна беш-ўн йил кўришмай кетамиз. Оғайни Ваня, мен сенга тенг эмасман!

- Ҳадеб валдирайверма, тезроқ борайлик, йигирма дақиқа сенинг ихтиёрингдан, кейин рухсат берасан.

Ресторацияга чиқиш учун икки қанотли айланма ёғоч зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилиш керак эди. Бироқ зинапойда биз бирдан икки нафар қаттиқ маст жаноблар билан тўқнаш келдик. Бизни кўргач, улар гандираклашиб четлашишди.

Улардан бири жуда ёш, ҳали соқоли чиқмаган, энди-гина мўйлабсабз бўлиб келаётган ва афтидан қип-қизил аҳмоқлиги билиниб турган ёш йигит эди. У жуда олифта кийинган, лекин кийими ўзига ярашмасди: худди бировнинг кийимини кийиб олганга ўхшарди; бармоқларида қимматбаҳо узуклар, галстугида ҳам қимматбаҳо тўғноғич, сочини бўлса жуда ҳам кулгили тарзда антиқа қилиб тараб олган. У ҳадеб тиржайиб ҳиринглар эди. Унинг ўртоғи эликларга кирган, семиз, қорни катта, пала-партиш кийинган, унинг галстугида ҳам катта тўғноғичи бор эди, боши тақир кал, салқиган, мастона чутир юзли, бурнининг устига тугмачага ўхшаш кўзойнак тақиб олган киши эди. Афтидан бераҳм ва фосиклиги кўриниб турарди. Хунук, қаҳрли ва гумонсираб қарайдиган кўзлари ёғ босиб кетганидан тешиқдан қараб тургандек кўринарди. Улар иккаласи ҳам Маслобоевни танишарди шекилли, мешқорин бизни кўриши билан энсаси қотиб, бетини тириштириб қўйди, ёши эса ялтоқланиб илжайди. У ҳатто картузини ечди.

- Кечирасиз, Филип Филиппич, - деб ғудурлади хушомадгўйлик билан унга тикилиб.

- Нимаиди?

– Кечирасиз... Ҳалиги... (у бўйнига чертиб қўйди) у ерда Митрошка ўтирибди. Мен сизга айтсам, Филипп Филиппич, у ярамас одам!

– Нима гап ўзи?

– Ҳалиги... Шундоқ... Мана буни (уртоғини кўрсатди) ўтган ҳафта ўша Митрошка туфайли бир ножўя ерда афтига қаймоқ чаплашди... ҳии!

Уртоғи аччиғланиб, уни тирсаги билан туртиб қўйди.

– Сиз Филипп Филиппич, биз билан бирга ярим дюжинасини Дюссоникада отиб олсак бўларди, умид қилсак бўладими?

– Йўқ, жигар, ҳозир мумкин эмас, – жавоб берди Маслобоев. – Иш бор.

– Кҳи... Менинг ҳам сизда қиттак ишим бор... – ўртоғи уни яна тирсаги билан туртиб қўйди.

– Кейин, кейин!

Маслобоев уларга қарамасликка уринар эди. Биз пештахтасига бошидан оёғигача, усти турли ноз-неъматлар, қип-қизил пишган пироглар, оғзи очик сомсалар, турли рангдаги шароблар тўлдирилган графинлар тизиб қўйилган биринчи уйга кирдик. Киришимиз билан Маслобоев мени бир бурчакка олиб борди-да:

– Ёши – савдогарнинг ўғли Сизобрюхов, машҳур аллофнинг ўғли, отасидан ярим миллион мерос қолди, энди шуни совурапти. Парижга борди, у ерда пулни кулдек совурди, балки ўша ерда ҳаммасини совуриб бўларди ҳамку, тоғасидан мерос тегадиган бўлиб, Париждан қайтиб келди, энди қолганини бу ерда тугатяпти. Бир йил, ярим йилдан кейин хонавайрон бўлса керак. Ақл деган нарсдан тариқча ҳам йўқ, юриши катта ресторан, кабаклар, майхона, таниши артисткалар; гусар ҳам бўлмоқчи бўлди – яқинда ариза берди. Наригиси, ёши қайтгани – Архипов, у ҳам савдогарми ёки гумаштами, ишқилиб шунга ўхшаш, солиқларни ўлпонга олиб ҳам юрди; фирибгар, муттаҳам, ҳозир Сизобрюховнинг пинжига кириб юрибди. Ўта айёр, майхўр. Икки марта синган, ярамас, ифлос

кўчаларга кириб чиққан фосиқ одам. Шу қабилдаги бир жиноят қилганини ҳам билар эдим, лекин қутулиб кетди. Бир иш важдан мен уни бу ерда учратганимга хурсандман, уни қидириб юрувдим... Архипов Сизобрюховни тоза шилаётган бўлса керак. Жуда кўп хилват жойларни билади, шунинг учун ҳам ана унақа ёшлар назарида қадр-қиммати баланд. Мен, ука, унга анчадан бери тишимни қайраб юрибман. Митрошка ҳам. Ҳов анави дераза тагида ўтирган бойвачча, белбурма камзул кийган лулибашара ёш йигитча – ўша Митрошка. У асбжал-лоблик қилади, шу ердаги ҳамма гусарлар билан таниш. Сенга айтсам, у шунақанги доғулики, кўзингни бақрайтириб туриб, қалбаки пул ясаб ташлайди, лекин сен ўз кўзинг билан кўриб турган бўлсанг ҳам пулини майдалаб бераверасан. У бахмал белбурма камзулда славянофилларга ўхшайди (ҳа, ростини айтсам, бу ўзига ярашиб турибди). Унга ҳозир башанг фрак ёки шунга ўхшаш кийимларни кийгизиб, инглиз клубига олиб бориб, бу фалончи, катта ер эгаси, граф Барабанов десанг, ҳеч сўзсиз уни икки соат ўтар-ўтмас граф деб ўйлайдилар, қарта ҳам ўйнайверади, графларга ўхшаб гапира олади ҳам, ҳеч ким сезмайди, ҳаммани алдаб кетади. Лекин охири вой бўлади. Шундай қилиб, ана шу Митрошка мешқоринга роса тиш қайраб юрибди, чунки унга алам қилган ери бор – унинг бели бақувват эмас, терисини шилиб ололмаган илгариги оғайниси Сизобрюховни мешқорин ундан айнитиб олди. Агар улар ресторацияда учрашган бўлса, ораларидан қизиқ бир гап ўтган бўлса керак. Мен нима бўлганини ҳам биладман. Архипов Сизобрюхов билан бу ерда бўлишини ва баъзи бир ярамас ишлар учун бу ерда изғиб юришларини менга Митрошканинг ўзгинаси шипшитиб қўйган. Митрошканинг Архиповга бўлган адоватидан мен фойдаланмоқчиман, чунки бунга сабабларим бор, бу ерга келишимнинг сабаби ҳам шу. Лекин Митрошка сезмаслиги керак, сен ҳам унга қарайверма. Бу ердан чиқаётганимизда унинг ўзи олдимизга

келиб, менга керакли гапни айтса керак... Энди юр, Ваня, хув анави хонага кирамиз, кўряпсанми? Хўш, Степан, – давом этди у хизматкорга мурожаат этиб, – менга нима кераклигини биласанми?

– Биладан.

– Баже келтирасанми?

– Келтираман.

– Бўпти, ўтир, Ваня. Хўш, нега менга қарайверасан? Кўзингни узмайсан. Ҳайрон бўляпсанми? Ҳайрон булма. Одамнинг аҳволи шу экан, бошига ҳар хил савдолар тушаркан, етти уҳдаб тушингга кўрмаган балолар тушиши мумкин экан. Айниқса, айниқса ўша вақтларда... Ўша биз сен билан Корнелий Непотанинг асарларини ёдлаб юрган чоғларимизда!.. Ваня, сен битта нарсага ишонгинки, Маслобоев ёмон йўлга кириб кетган бўлса ҳам, унинг қалби ўша-ўша! Муҳит ва шароит ўзгарган, холос. Устим жудур бўлгани билан ҳеч кимдан кам эмасман. Докторликка ўқидим, она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлишга ҳам тайёрландим, Гоголь ҳақида мақола ҳам ёздим, олтин кони эгаси бўлишни ҳам истадим, уйланмоқчи ҳам бўлдим, кўнгил қўрғур қайларни тусайди, – уйимда сичқонлар ҳасса таяниб юрганига қарамай, қиз ҳам рози бўлди. Ўзим бўлсам тўй маросимига тайёрланиб, қарзга пишиқроқ этик ҳам олмоқчи бўлдим, чунки ўзимники бир ярим йилдан бери тешик эди. Лекинига уйланолмадим. У қиз бир ўқитувчига эрга тегди, мен идорада хизмат қила бошладим. Яъни савдо идораси эмас, шунчаки, оддий идорада. Шундан бошлаб ҳамма ишлар чанпасига айланиб кетди. Йиллар ўтди, мен энди бир жойда ишламасдан ҳам пул топиш йўлини биламан: пора ейман, адолат йўлини тутаман, ўзимни шер биламан-у, ботирни кўрсам, думимни қисаман, йўл-йўрнқни биламан, масалан, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган сўзнинг маъносига ҳам етаман-у, лекин бўш келмайман, менинг ишларимнинг кўпи хуфия ишлар... тушунасанми?

- Нима бало ёки айғоқчимисан?

- Йўқ, айғоқчи деб бўлмайди. Шундай ишларки, қисман расмий равишда, қисман ўз майлим билан шуғулланаман. Ваня, билсанг, ароққа берилиб кетдим. Ичганим билан ақлимни еб қўйганим йўқ, шунинг учун ўз келажигимни биламан. Даврим ўтди, қора теватни ювганинг билан оқармайди. Шуни айтайки, агар менда одамгарчилик қолмаган бўлса, бугун сенинг олдинга бормаган бўлардим, Ваня. Тўғри айтасан, мен сени, илгарилари ҳам бир неча бор кўрганман, кўп марта олдинга бормоқчи ҳам бўлганман, аммо ботинолмаганман, ана-мана деб кейинга сураверганман. Сенинг тирноғинга ҳам арзимаيمان. Ўзинг тўғри айтдинг, Ваня, фақат кайфим борлиги учун олдинга бордим, булар ҳаммаси беҳуда гаплар, кел, қўй, мен тўғримда бас қилайлик. Кел, яхшиси сен тўғринга гаплашамиз. Хўш, ўқидим, ўқидим, бошдан-оёқ ўқиб чиқдим! Мен, оғайни, сенинг илк асаринг ҳақида гапиряпман. Ўқиб чиқиб, яхши одам бўлиб қолишимга сал қолди-да! Сал қолди, ўйлаб-ўйлаб, яхшиси, ярамаслигимча қолишни маъқул кўрдим. Шунақа гаплар...

У менга яна жуда кўп гапирди. Унинг тобора кайфи ошиб борарди, кўнгли бўшаб кетиб, кўзига ёш олди. Маслобоев ҳамма вақт ёқимтой одам эди, аммо у ичидан пишган ва ёшига нисбатан фикри ўсган, доғули, мактабдалиги чоғларидаёқ суллоҳ ва уддабурон, лекин шунга қарамай раҳмдил эди. Хароб бўлган одам. Бундай одамлар рус халқи ичида кўп учрайди. Улар катта истеъдод эгалари бўлишса-да, лекин булар ҳаммаси уларда аралаш-қуралаш бўлиб кетади, бунинг устига маълум бир нуқтада ожизлик қилиб, онгли равишда ўз виждонларига хилоф иш қилишдан ҳам тоймайдилар, ҳалокатга кетаётганларини ўзлари олдиндан биладилар. Шу билан бирга, Маслобоев ичкилик балосига мубтало бўлган эди.

- Дўстим, яна битта гап бор, - давом этди у. - Довруғинг қанчалик таралиб кетганини эшитдим,

кейин сенинг тўғрингда ёзилган ҳар хил танқидларни ҳам ўқидим, рост, ўқидим (мени ҳеч нарса ўқимайдиган бўлиб кетган деб ўйлайсанми), кейин сени йиртиқ этикларда, лойларда калошсиз, ғижимланган шляпада юрганни ҳам кўрдим, нима ҳодиса бўлганини пайқадим. Энди журналист бўлиш ниятинг борми?

- Ҳа, Маслобоев.

- Демак, почтахона қирчанғиси бўлмоқчи экансан-да!

- Шунақага ўхшайди.

- Гапим шуки, дўстим, ундан кўра ичган яхши! Мана мен, мириқиб ичиб оламан-да, диванга ўзимни ташлайман (яхши юмшоқ диваним бор), ётаман-у, ўзимни ўзим аллақандай Гомер ёки Дант ё бўлмаса Фридрих Барбарусаман, деб фараз қиламан. Ким бўлишни хоҳласанг, ўзингни ўша одам деб тасаввур қилиш мумкин. Лекин сенга келсам, сен албатта ўзингни Дант ёки Фридрих Барбаруса деб фараз қилолмайсан, сабабики: биринчидан, сен ўзинг ўз йўлингдан қолмоқчи эмассан, иккинчидан, бир нарсани орзу қилиш ҳуқуқи йўқ, чунки сен ўзинг почтахона қирчанғисан. Мен хаёл, сен бўлсанг ҳақиқат оламида. Менга қара, ошна-оғайнилардек очик гаплашайлик (бўлмаса, минбаъд кўнглимни оғритиб, хўрлаган бўласан), пул керакми? Пул бор. Эй, афтингни тириштирмагин. Пулни ол, аптрепенерлар билан ҳисоб-китобингни қил, елкангдаги бўйинтуруқни олиб ташла, кейин ўзингни бир йилга таъминлаб олиб, хоҳдаганингча фикр юргизавер, буюк асар ярат! Нима дейсан бунга?

- Менга қара, Маслобоев! Меҳрибончилигинг учун раҳмат, лекин ҳозирча ҳеч нарса деёлмайман, негаки, ҳозир гапириб бераман, десам, гап кўп. Мавриди келганда бир кун ҳаммасини батафсил гапириб бераман, таклифинг учун миннатдорман, олдинга келиб туришга ваъда бераман. Ҳали келавериб, сени зериктирарман ҳам. Гап шундаки, сен мендан юрак сирларингни беркитмайсан, шу

сабадан сендан бир маслаҳат сўрамоқчиман, бунақанги ишларни дўндира оладиган кишисан.

Мен унга Смит ва унинг набираси воқеасини қан-долат дўконидаги ҳодисадан бошлаб ҳаммасини гапириб бердим. Қизиқ, мен унга гапириб бераётганимда, бу гаплардан қисман хабардорлиги кўзидан билиниб турарди. Мен бу тўғрида унга савол бердим.

– Йўқ, бундай эмас, – деб жавоб берди у. – Аммо Смит ҳақида эшитганим бор, қандолат дўконда қанақадир бир чол ўлганлигидан хабарим бор. Бубнова хонимни бўлса ҳақиқатан ҳам унча-мунча танийман. Бу хонимдан бундан бир ой муқаддам пора олганман.

*Je prends mon bien, ou je le trouve.*⁹

Шу жиҳатдан Мольерга ўхшайман. Бироқ мен ундан юз сўм шилиб олганим билан, ўшандаёқ ўзимга ўзим, уни юз сўм эмас, беш юз сўмга чув тушираман, деб сўз берганман. Ярамас хотин! Ножуя ишлар билан шуғулланади. Майлийди-ку, лекин баъзан жуда ҳам ҳаддидан ошиб кетади. Сен мени, Худо хайр бергур, Дон Кихот деб ҳисоблама. Ҳамма гап шундаки, менга анча қўл келадиган иш бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундан ярим соат илгари Сизобрюховни учратганимда жуда хурсанд бўлдим. Чамамда, Сизобрюховни бу ерга бошлаб келганлар, олиб келган киши ўша мешқорин бўлади, у мешқориннинг айниқса қанақа ишлар билан шуғулланишини биламан, бас, шундай хулоса чиқаришим мумкинки... Шошмагин, мен уни бошлаб қўлга туширмасам! Анави қиз ҳақида сендан эшитганим учун ҳам хурсандман, энди мен бошқа ишнинг изига тушдим. Мен-чи, оғайни, ҳар хил хусусий ишлар билан шуғулланаман. Э-ҳа, шундай одамлар билан танишманки! Яқинда бир князь учун шунақанги ишни ахтариб топдимки, мен сенга айтсам, ўша княздан шу иш келади деб сира ҳам ўйламайсан. Хоҳласанг, яна бошқа бир нарсани – эрли хотин воқеасини гапириб бераман. Сен оғайни, мени-

⁹ Ўз насибамни қаердан топсам, шу ердан оламан (франц.).

кига келиб тургин, сенга шунақанги сюжетларни тайёрлаб қўйдимки, ёсанг, одамлар ишонмишмайди...

- Ўша князнинг фамилияси нима? - деб сўзини бўлдим, ниманидир юрагим сезиб.

- Сенга нима кераги бор? Майли, айта қолай: фамилияси Валковский.

- Пётр?

- Худди ўзи. Танишимсан?

- Танишман, лекин жуда ҳам танишмасман. Хўп, Маслобоев, бу жаноб туфайли сени кўп йўқлайман, - дедим мен ўрнимдан турар эканман, - мени ўлардек қизиқтириб қўйдинг.

- Мана, кўрдингми, эски оғайним, хоҳлаганингча йўқлайвер. Чўпчак айтишга жуда устаман, аммо ҳаммасининг қам чегараси бор-а, тушундингми? Йўқса кредит эмас, обрудан ҳам ажраласан, яъни бурдингни йўқотасан ва ҳоказо!..

- Виждон кутарганича.

Мен ҳовлиқиб қолган эдим. У буни сизди.

- Хуш, ҳозир мен сенга айтиб берган воқеа ҳақида энди нима дейсан? Иложини ўйлаб топдингми ёки йўқми?

- Сен гапириб берган воқеа тўғрисидами? Бўлмаса, икки дақиқа мени кутиб тур; ҳисоблашиб келай.

У буфетга борди ва бетакаллуфлик билан Митрошка деб аташадиган ҳалиги камзулли йигит-ла гўё тўсатдан учрашиб қолди. Назаримда, Маслобоев ўзи менга айтиб бергандан кура уни яхшироқ билар эди. Ҳарқалай, улар биринчи маротаба учрашмаётганликлари кўришиб турибди. Митрошканинг қиёфаси жуда ғалати эди: юзининг чизиқлари кескин бўлса ҳам истараси иссиқ, кўринишда ёш, қорачадан келган, кўзларида жасорат чақнаган йигит эди. У ўзининг қиёфаси ва қизил шоҳи қўйлак билан камзули ярашиб турган қадди-қомати билан кишида жуда аломат ва илиқ таассурот қолдирар эди. Унинг ҳаракатлари довюраклигидан дарак берар,

шу билан бирга, шу дақиқа ўзини сипо ва ишбилармон қилиб курсатишга уринганлиги сезилиб турарди.

– Гап бундоқ, Ваня, – деди Маслобоев олдимга қайтиб келиб, – бугун соат еттида менга бир учрашиб кет! Балки мен бирор нарса айтиб берарман. Бир ўзимнинг қўлимдан иш келмайди, илгари келарди-ю, энди ароқхўр ва ишдан чиқиб қолган одамман. Лекин илгариги таниш-билишларим бор, шулардан баъзи нарсаларни суриштириб билиб олишим мумкин, шулар менга иш беради; рост, бўш вақтларимда, яъни масалан, кайфим тароқ бўлмаган маҳалда ўзим ҳам унча-мунча иш қиламан, у ҳам танишлар орқали... Кўпинча айғоқчилар ёрдамий билан... Ҳуш энди, бас қилайлик... мана сенга менинг манзилим: Шестилавочная. Энди, ука, менинг мазам қочиб қолди. Яна битта олтин юлдузлидан ютаман-у, уйга равона бўламан. Дам оламан. Келсанг, Александра Семёновна билан таништираман, вақт бўлса, шеърийат ҳақида суҳбатлашамиз.

– Анави ҳақда-чи?

– У ҳақда ҳам балки гаплашармиз.

– Келсам келарман, албатта келсам керак.

VI БОБ

Анна Андреевна анчадан бери мени кутиб ўтирган экан. Наташанинг мактуби ҳақидаги кечаги гапим уни жуда қизиқтириб қўйибди. Шунинг учун у мени эрталаб соат ўндан кутишга бошлабди. Ниҳоят, мен тушдан кейин, соат бирдан ошганда келсам, бечора кампирнинг тоқати тоқ бўлиб, диққати ошиб ўтирган экан. Ундан ташқари, у кечадан бошлаб пайдо бўлган янги умидлари, кечадан бери тоби қочиб, маъюсланиб юрган, шу билан бирга, унга нисбатан анча мулоғим бўлиб қолган Николай Сергеич ҳақида гапириб беришни истар эди. Мен келганимда у мени норози ва совуқ ифода билан қабул қилмоқчи ва келиш-кел-

маслигим унга бефарқ бўлгандек, «Нега келдинг? Ҳар куни тентираб юрганнинг-юрган», демоқчидек кўринди. У кеч келганим учун аччиқланарди. Аммо мен шошилардим, шунинг учун ҳеч нарсага эътибор бермай, Наташаникида кеча бўлган ҳодисаларнинг ҳаммасини гапириб бердим. Кампир бечора катта князнинг келгани, унинг тантана билан қизига ўғлига тегишни таклиф этганини эшитган заҳоти, ундаги сохта хафгарчиликдан асар қолмади. Унинг қанчалик севиниб кетганини тасвирлашга сўз ҳам ожизлик қилади, у ўзини тамом йўқотиб қўйиб чўқинар, йиғларди, икона олдига келиб тиз чўкиб, ер ўпарди, мени кучоқларди ва шу заҳоти Николай Сергеич олдига бориб, ўз шодлигини изҳор этмоқчи бўларди.

- Менга қара, бўтам, ахир у турли-туман хўрлик ва ҳақоратлардан хафа бўлиб юрибди. Энди бу гапни эшитса, Наташанинг муроди ҳосил бўлганини билса, дарров ҳаммасини эсидан чиқаради-қўяди.

Мен уни зўрғатдан тўхтатдим. Бечора кампир йигирма беш йил эри билан бирга умр кечирганига қарамай уни яхши билмас эди. У мен билан бирга Наташа олдига боргиси келиб қолди. Николай Сергеич унинг бу ишини маъқуллаши у ёқда турсин, ишни тамом бузиб қўйишимиз мумкинлигини тушунтирдим. Зўрға у ўзига келди, лекин мени яна ярим соат ортиқ олиб ўтириб, жағитинмай гапирди. «Бу хурсандчиликларни кимга айтиб, юрагимни бушатаман? - дерди у. - Тўрт девор ичида ким билан қоламан?» Ниҳоят, менга жавоб бериши кераклигини, Наташа мени кутавериб кўзи тешилишини уқтирдим. Кампир менга оқ йўл тилаб, бир неча бор чўқинтирди, Наташага дуо юборди. Наташа тинч бўлса, шу кеча кечқурун қайтиб келолмаслигимни эшитиб, йиғлаб юборай деди. Николай Сергеични бу гал кўрмадим: у шу кеча тонг отгунча боши оғриб, эти увишиб ухламай чиқибди, ҳозир ўз кабинетида ухлаб ётган экан.

Наташа ҳам мени эртадан бери кутаётган экан. Мен кирганимда у одати бўйича уйда у ёқдан бу ёққа қўл қовуштирганича хаёл суриб юрарди. Ҳатто ҳозир ҳам мен уни эсласам, жиҳозга камбағал уйда биттагина ўзи, ўйчан ҳолда интизор бўлиб, кўзларини ерга тикканича бемақсад у ёқдан бу ёққа юриб тургани кўзимга кўринади.

У астагина, ҳамон юришда давом этиб, нега кеч келганимни сўради. Мен ҳамма саргузаштларни қисқача гапириб бердим, аммо у менга қулоқ солмасди. У бир нарсанинг ташвишини тортаётгани сезилиб турарди. «Нима янгиликлар бор?» деб сўрадим. «Ҳеч қанақа янгилик йўқ», жавоб берди у, аммо мен унинг кўринишидан, бирор янгилик борлигини ва шу янгиликни айтиш учун мени кутаётганини, бироқ одати бўйича ҳозир эмас, кетаётганимда айтишини дарров сездим. Унинг шундай одати бор эди. Унинг феълига тушуниб қолганман. Шунинг учун индамай кутдим.

Биз албатта гапни кечаги воқеадан бошладик. Мени ниҳоятда хайратга солган нарса шу бўлдики, қатта князь ҳақидаги таассуротларимиз юзасидан иккимизники ҳам худди бир хил эди. Князь унга асло ёқмасди. У кўзига кечагидан ҳам баттар ёмон кўринар эди. Биз князнинг кечаги тасодифий зиёратини бирма-бир эсладик. Кейин Наташа шундай деди:

– Биласанми, Ваня, кўпинча бирор одам бошда сенга ёқмаса, кейин албатта ёқиб қолади. Менда, масалан, ҳамиша шу ҳол юз беради.

– Кошқийди шундоқ бўлса, Наташа. Мен ҳам ўйлаб-ўйлаб, шу хулосага келдимки, агар князь тилёғла-малик қилаётган бўлса ҳам, сизнинг турмуш қури-шингизга чиндан ва жиддий розилик беряпти...

Наташа уйнинг ўртасида тўхтаб, менга тумтайиб қаради. Унинг юзи ўзгариб кетди; лаблари астагина дирилларди.

- Ундай бўлса, қандай қилиб у айёрлик қилиб ёлғон гапирар экан? - сўради у ғурур билан ўзини билмасликка солиб.

- Гап шунда-да! - дедим мен тасдиқлашга шошилиб...

- Ёлғон гапирмаган бўлса керак. Менимча, бу тўғрида ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Ҳатто, айёрлик қилишга ҳам важ топиб бўлмайди. Ниҳоят, унинг назарида кимманки, у мени шу даражада калака қилади? Наҳотки, инсон бошқа бир инсонни шунчалик ранжитишга қодир бўлса?!

- Албатта йўқ, - деб унинг гапини тасдиқладим, аммо дилимда: «Сен бечора уйда у ёқдан бу ёққа юриб, фақат шу ҳақда ўйласанг керак, балки мендан ҳам кўра кўпроқ шубҳаланаётгандирсан», деб ўйладим.

- Эҳ, тезроқ кела қолсайди! - деди у. - Келиб бутун оқшом ўтирмоқчийди, ўшанда. Модомики, ҳаммасини ташлаб кетган экан, зарур иш чиқиб қолгандир. Нималигини билмайсанми, Ваня? Ҳеч нарса эшитганинг йўқми?

- Буни Худо билади. У ҳадеб пул тўплаяпти. Петербургда участка баҳолаб олаётганини эшитдим. Биз, Наташа, бунақа ишларга тушунмаймиз.

- Рост, тушунмаймиз. Алёша кеча қандайдир мактуб ҳақида гапирган эди.

- Бирор хабардир-да. Келдими, Алёша?

- Келди.

- Барвақт келдими?

- Соат ўн иккида: у кўп ухлайди. Бирпас ўтирди; кейин мен уни Катерина Фёдоровнанинг олдига жўнатдим, шундай қилмаса бўлмайди-да, Ваня.

- Ўзи бормоқчимасмиди?..

- Йўқ. Ўзи ҳам бормоқчийди.

У яна ниманидир айтмоқчийди, лекин жим бўлиб қолди. Мен унга қараб кутиб турдим. Унинг чехраси ғамгин эди. Мен бунинг сабабини сўрамоқчи ҳам бўлдим, аммо ботинолмадим. У ҳадеб сўраб-суриштиришни ёмон кўргувчийди.

- Ғалати йигит-да, - деди у ниҳоят лабини буриб, бетимга қарамасликка уриниб.

- Бирор гап утганга ўхшайди-а?

- Йўқ, шунчаки... У жуда ширинсўзу... Аммо...

- Мана, шундай қилиб у барча ғаму ташвишдан қутулди-қўйди, - дедим мен.

Наташа менга синчиклаб тикилди. Балки бу қарашда у: «Илгари ҳам унинг ғаму ташвиши унча кўп эмас эди», демоқчидай эди. Аммо назарида менинг сўзимда шу маъно бордек туюлди-да, тумтайиб олди.

Лекин шу заҳотиёқ яна хушчақчақ, хушмуомала бўлиб қолди. Бу гал у жуда ҳам ювош, беозор эди. Мен унинг олдида бир соатдан кўп ўтирдим. У қаттиқ хавотирда эди. Князь уни чўчитарди. Наташанинг баъзи бир саволларидан мен кечаги ўтиришда у князда қандай таъсир қолдирганлигини билишга қизиққангани пайқадим. У князь олдида ўзини кераклигича тута билдими? Хурсандлигини очиқ билдириб қўймадимикин? Хафа ёки аксинча ортиқ даражада такаббур кўринмадимикин? Унинг хаёлига ёмон нарса келмадимикин? Масхара қилиб кулмадимикин? Ундан нафратланмаган бўлса гўрга-я! Бу фикрлардан унинг ёноқлари ловиллаб ёнар эди.

- Битта ярамас одам нима деб ўйларкан, деб шунча хафа бўлишнинг нима ҳожати бор? Садқан сар, ўйласа, ўйлайверсин! - дедим мен.

- Нега ярамас бўлар экан? - суради у.

Наташа ҳар нарсадан ҳадиксирайверар, аммо қалби пок, оқкўнгил эди. Унинг бадгумонлиги ҳам қалбининг поклигидан эди. У ажойиб олижаноб ва мағрур қиз эди, у қадрлаган нарсани унинг кўз олдида ерга урсалар, масхара қилсалар, асло чидолмас эди.

Паст одамнинг нафратига у ҳам албатта фақат нафрат билан жавоб берган бўларди, аммо ким бўлмасин, ўзи ҳурмат қилган кишини масхара қилиб кулса, унинг юраги қон бўлиб кетар эди. Бу унинг кўнгли юм-

шоқлигидан эмас, балки киборлар ҳаётини кам билганлигидан, одамларга ўрганмаганлигидан, одамларга аралашмаганлигидан келар эди. У бир умр одамларга аралашмасдан ўсди, ниҳоят, энг қўнғилчан одамларга хоё бўлган хусусият (бу отасидан ўтган бўлса эҳтимол), одамларни мақташ, ўжарлик билан бир одамни узидан юқори қўйиш, ҳовлиқиб кетиб шу одамдаги фазилатларни ошириб юбориш хусусияти ғоят даражада кучли эди. Бундай одамлар бировдан қўнгли қолса, жуда оғир аҳволга тушади; айниқса, ўзи айбли бўлган вақтда жуда ҳам оғир туюлади, нега улар қўлидан шу иш келади, деб ўйлайсан, киши. Бундай одамларни ҳар дақиқа умидсизлик кутади. Бундай одамлар учун ўз уйларида тинчгина ўтиришдан, киборларга аралашмасликдан яхши нарса йўқ; мен шуни ҳам пайқадимки, бунақанги одамлар ўз уйларида шу қадар яхши кўришадикки, ҳатто ёввойилашиб кетадилар. Аммо Наташанинг бошига жуда кўп ғам тушди, кўп таҳқирланди. Бу энди хаста бир кимса эдики, гарчи мен айблаётган бўлсам-да, уни айблаб бўлмасди.

Мен шошилаётганим учун ўрнимдан турдим. У менга келганимдан бери унча рўйхуш бермаган, мен билан одатдагидан ҳам кўра совуқ муомалада бўлган эса-да, кетаётганимни кўриб, ҳайрон бўлди ва йиғлаб юборай деди. У мени қаттиқ ўпди, кўзларимга узоқ тикилиб қолди.

– Биласанми, Ваня, – деди у, – Алёша бугун жуда ҳам кулгимни қистатди, мен ҳайрон қолдим: у кўринишда жуда ёқимтой, жуда ҳам шод, бахтиёр эди. У парвонадек отилиб кирди. Шундай олифта эдики, ойна олди-дан нари кетмади. У шу қадар бетакаллуф эдики... кўп ўтирмади ҳам. Менга конфет ҳам олиб келяпти-я, тавба.

– Конфет? Нима бўпти, жуда яхши, бу соддалик аломати. Эй, иккалангиз ҳам қизиқсизлар-да! Энди бир-бирингизни кузатиш, бир-бирингизни пойлаш, бир-бирингизнинг ички сирингизни юзингиздан билиб олиш бошланди (барибир ҳеч нарса тушунмай-

сизлар); бу ҳам баҳарнав. У очик, аввалгидек мактаб боласи. Сен-чи сен-чи, а?

Эсимда бор, Наташа ҳамма вақт гап оҳангини ўзгартириб, Алёшадан ҳасрат қилиш ёки бирор нозик масалани ҳал этиш учун олдимга келган ва ё бирор сирни айтиб, оғзидан чиқмасдан туриб кўнглидагини билиб олишимни истаган пайтларида менга шундай қарарди, унинг кўнглини олиш учун ҳозирок бир қарорга келишимни кутиб, ярим илжайиб турар эди. Бироқ шуниси ҳам эсимда борки, шундай вақтларда мен худди бировни қоймоқчи бўлгандек дарров қовоғимни солиб, жиддий бўлиб олгувчи эдим, ҳақиқатан бу қиёфага мен жуда тез кира олардим. Менинг хўмрайишим ва димоғдорлигим, сипогарчилигим жуда ўринли бўларди, обрўлироқ кўринарди, негаки, ахир одам деган нарса вақти-вақти билан танбеҳ эшитиш заруратини сезади. Ҳарқалай, Наташа ҳамма вақт уртамизда шундай гап ўтгандан кейин анча таскин топарди.

– Йўқ, менга қара, Ваня, – давом этди у бир қўлини елкамдан олмай, иккинчи қўли билан қўлимни қисиб, кўзларимга хушомадгўйлик билан тикилиб, – назаримда, у мендан совигандек кўринади... Назаримда, худди уйланганига ун йил бўлган-у, лекин ҳали ҳам хотини билан хушмуомала таг¹⁰дек кўриниб кетди, ахир ҳали анча эртасмасми-а?.. Уйнаб-кулиб, уралашиб юрди, аммо булар ҳаммаси менимча аввалгидек эмас, шунчаки кўнгил учун қилгандек туюлди... Катерина Фёдоровна олдига бориш учун жуда шошилди... Мен унга гапирсам у ё кулоқ солмайди ёки бошқа ёқдан гапирди. Биласанми, бу аслзодаларга хос энг ёмон бир одат, биз бу одатни ташлатиш учун қанча уриндик. Хуллас, у менга нисбатан бепарводек кўринди... Аммо мен нима қила олардим? Ҳасратимдан чанг чиқа бошлади! Эй, Худо, мунча ҳам биз талабчанмиз-а, Ваня! Инжик, ўз сўзликмиз, а? Фақат энди пайқаяпман! Одамнинг афтидаги оддий ўзгариш-

¹⁰ Эр (франц.).

ни кечира олмаймиз, Худо биледи, унинг башараси ни-мадан ўзгарди экан! Мени ачитиб-ачитиб гапиришга ҳақлисан, Ваня! Бир мен ўзим айблیمان! Ўзимизга ўзимиз ҳам орттириб, яна ўзимиз оҳ-воҳ қиламиз... Раҳмат, Ваня, мени анча овутдинг. Эй, кошкийди, кела қолса шу бугун! Ҳалиги гаплардан аччиқланар балки.

– Наҳотки уришиб қолган бўлсангиз! – дедим мен ҳайрон бўлиб.

– Ҳеч сир бой берганим йўқ! Лекин бир оз хафароқ эдим, у бўлса хурсанд бўлиб туриб бирдан ўйчан бўп қолди ва назаримда мен билан совуқ хайрлашгандек бўлди. Ҳа, олдига одам юбораман. Ваня, сен ҳам шу бугун кел.

– Албатта келаман, агар бир иш билан тутилиб қолмасам.

– Нима иш тагин?

– Эй, ўзимга ўзим ташвиш орттирдим. Ҳа, бўпти, албатта келаман.

VII БОБ

Худди соат еттида Маслобоевникида бўлдим. У Шестилавочная кўчасида, унча катта бўлмаган бир ҳовлининг флигелида, уч хонали ивирсиган уйда турар экан, уй яхшигина жиҳозланган, кўринишда рўзғори мўл-кўлгинага ўхшайди, шу билан бирга, ортиқ даражада бетартиблиги кўриниб турарди. Менга эшикни ун тўққизларга кирган, соддагина, лекин яхшигина кийинган озодагина ва кўзлари мулойимгина қиз очди. Бу қиз боя Маслобоев гап орасида қистириб ўтган ва мен билан таништирмақчи бўлган Александра Семёновнанинг ўзгинаси эканини дарров пайқадим. У менинг кимлигимни сўради ва фамилиямни эшитгандан кейин, кутаётганини, аммо ҳозир ўз кабинетида ухлаб ётганини айтди-да, уйга бошлаб кирди. Маслобоев жуда бопта юмшоқ диванда, устига исқирт шинелини ёпиб, бошига қирилиб кетган чарм ёстиқни қўйиб, ухлаб

ётарди. Уйқуси жуда ҳам зийрак экан, биз киришимиз билан шу заҳотиёқ отимни айтиб чақирди.

- Э, сенмисан? Кутиб ётибман. Ҳозир тушимда кўрсам, сен келиб мени уйғотяпсан. Демак, вақти, қани кетдик.

- Қаерга борамиз?

- Хонимникига.

- Қанақа хоим? Нега?

- Бубнова хонимникига, унинг ишларига барҳам бериш учун борамиз. О, унинг хусни жамолини бир томоша қилсангиз, - чўзиб гапирди у Александра Семёновнага юзланиб ва Бубнова хонимни эслаб туриб, бармоқларининг учини упиб кўйди.

- Ана энди бошланди, ичидан чиқариб гапираве-ради, энди, - деди Александра Семёновна, - аччиқла-нишни лозим деб топиб.

- Танишмасмисан? Танишиб кўй, ука... Александра Семёновна, бу адабиёт генерали; буларни бир йилда бир марта бепул кўриш мумкин, қолган вақтларда пулга кўрилади.

- Жуда аҳмоғини топиб олган-да бу. Сиз унинг гап-ларига қулоқ солманг. Яна мени калака қиляпти. Қанақа генерал бўлардилар?

- Шунга айтяпман-да, бошқача деб. Сен бўлсанг, тақ-сири олам, бизларни унча лақма деб ўйлама. Биз кўри-нишда шундай бўлганимиз билан, аслида анча ақлли-миз, ошна.

- Қулоқ солманг, унинг гапига! Яхши одамлар ол-дида изза қилгани-қилган, уятсиз. Ундан кўра бирор марта театрда олиб борсанг-чи.

- Эй, Александра Семёновна, ундан кўра уй ичин-гизни севсангиз-чи. Нимага кунгил кўйиш керакли-гини унутмадингизми? Ўша сўзни унутмадингизми? Ҳалиги сизга ўргатганим-чи?

- Ҳеч эсимдан чиқарганим йўқ. Лекин бўлмағур бир сўз бўлса керак.

- Қани айтинг-чи, қанақа сўз эди?

– Меҳмон олдида шарманда бўлиб менга зарил келиб-
дими. Балки уятли сўзدير. Айтсам агар тилим кесилсин.

– Демак, эсингиздан чиқибдида-а?

– Чиқарганим йўқ. Пенатлар!¹¹ Уз пенатларингизни севинг... Уйлаб топган гапни қаранг! Балки ҳеч қанақа пенатлар бўлмагандир ҳам, нимага уларни севиш керак экан? Шундай ёлғон гапипрадики!

– Лекин Бубнова хонимникида...

– Бубновага ҳам ажал келсин, туф! – Александра Семёновна жаҳл қилиб, уйдан чиқиб кетди.

– Айни вақти, кетдик. Хайр, Александра Семёновна! Биз чиқиб кетдик.

– Кўрдингми, Ваня, аввал шу извошга ўтирамиз. Хўш, иккиламчи, мен ҳали сен билан хайрлашганимдан кейин баъзи нарсаларни билиб олдим, билганимда ҳам тахминан эмас, аниқ билдим. Мен Васильевскийда яна бир соат қолдим. Анави мешқорин энг разил ҳаромзода, минг эшикка кириб чиққан фосиқ, ифлос нарсаларга ишқибоз бўлган ярамас одам. Бубнова бўлса, шу қабилдаги ишлари билан купдан маълум хотин. У яқинда туппа-тузук оиланинг қизи билан қўлга тушишига сал қолди. Анави етимча қизга кийдирган анави ҳарир кўйлақлар (ҳали ўзинг айтгандинг-ку), мени ташвишга солиб қўйган эди, чунки мен бунга қадар ҳам баъзи нарсаларни эшитганман. Ҳали мен яна баъзи бир нарсаларни билиб олдим, тасодифан эшитдим-у, лекин ҳаммаси тўғри бўлиши керак. Қизнинг ёши нечада?

– Афтидан, ўн учларда.

– Лекин бўйи пастроқ бўлса керак. Уни ўзи тўғрилайверади. Керак бўлса, ўн бирда дейди, керак бўлса, ўн бешга кирган, дейди. У бечоранинг бошида ота-онаси, ҳимоячиси бўлмаса...

– Наҳотки?

– Сен нима деб ўйлаган эдинг? Бубнова хоним юраги ачиганидан етимчани олибди, деб ўйлайсанми? Модо-

¹¹ Пенат – уй, уй ичи.

мики, у ерга мешқорин танда қўйган бўлса, гап ўша. У Бубнова билан шу бугун эрталаб кўришган. Анави кумпар Сизобрюховга бугун чиновник ва штаб офицери-нинг хотини, гўзал бир жувон ваъда қилинган. Пулни пўчоқ деб биладиган савдогарваччалар бунақа нарсаларга ўч, ҳамма вақт мансабини суриштирадилар. Бу ҳалиги лотин грамматикасидаги гапга ўхшайди, эсингда борми, мазмун қўшимчадан афзалроқ, дейилади. Оҳо, мен ҳали ҳам мастга ўхшайман-а. Бубновага бундай ишлар билан шуғулланишга йўл қўймаймиз. У полицияни ҳам алдамоқчи бўлади. Бекор айтибсан! Мана шунинг учун мен унинг ўтакасани ёраман. У биладикки, мен эски одатим бўйича... ишқилиб, шунақа гаплар-да, тушунасанми?

Менинг эсим оғиб қолди. Бу гаплар менинг юрагимни ҳовлиқтириб қўйди. Мен кечикмасайдик, деб кўрқардим ва ҳадеб извошчини, тезроқ ҳайда, деб қистардим.

– Ташвиш қилма, чораси кўриб қўйилган, – деди Маслобоев. – Митрошка у ерда. Сизобрюхов унга пул билан чув тушса, ифлос мешқорин натура билан тўлайди. Бу ҳам ҳали ҳал этилган эди, Бубнова бўлса, менинг улушим... Шунинг учун ҳам чурқ этолмайди...

Биз етиб келдик, ресторация олдида тўхтадик, лекин Митрошка деб аталган одам у ерда йўқ эди. Извошчига бизни ресторация эшигида кутиб туришга буюриб, ўзимиз Бубнованикига жунадик. Митрошка бизни дарвоза тагида кутиб турган экан. Ойналардан ёруғ тушиб турар, Сизобрюховнинг мастона қаҳқаҳаси эшитиларди.

– Улар ҳаммаси шу ерда, чорак соатча бўлди, – деди Митрошка. – Ҳозир айна вақти.

– Биз қандай қилиб кирамиз? – сўрадим мен.

– Меҳмонмиз-да, – эътироз билдирди Маслобоев. – Бубнова мени танийди. Митрошкани ҳам. Рост, ҳамма ёқ берк, лекин биз учун эмас.

У дарвозани аста тақиллатди, дарвоза шу заҳоти очилди. Эшикни қоровул очди ва Митрошкага куз қи-

сиб қўйди. Биз астагина ичкари кирдик: уйдагилар кирганимизни пайқашмади. Қоровул бизни зинапоядан олиб чиқиб, кейин эшикни тақиллатди. Ундан кимлигини сўрадилар, у «Бир иш чиқиб қолди», деб жавоб берди, эшикни очдилар, биз ҳаммамиз бирдан ёпирилиб кириб олдик. Қоровул ғойиб бўлди.

– Ҳой, ким бу? – деб қичқирди маст, сочлари хурпайган Бубнова кичкинагина даҳлизда шам ушлаб турган ҳолда.

– Ким бўларди! – деди Маслобоев. – Бу қандай гап ахир, Анна Трифонова, наҳотки, азиз меҳмонларни танимасангиз-а? Ким бўларди, Филипп Филиппич-да!

– Э Филипп Филиппич! Сизмидингиз! Азиз меҳмонлар... Қаёқдан шамол учирди?.. Мен... майли... Қани бу ёққа...

У сарөсимага тушиб қолди.

– Қаёққа бу ёққа? Ахир бу ер тўсиб қўйилган-ку!.. Йўқ, бизни тузукроқ кутиб олинг. Муздаккинадан ичгани келдик, қўлболасидан йўқми?

Бубновага жон кирди.

– О, бунақанги азиз меҳмонлар учун ер тагидан бўлса ҳам топаман, Хитойдан топтириб келарман.

– Бир оғиз гап бор, Анна Трифонова; Сизобрюхов шу ердами?

– Ш... шу ерда.

– Худди ўзгинаси керак-да менга. Қанақа қилиб у ифлос менсиз айш-ишрат қилишга журъат этибди-а?

– У сизни эсидан чиқаргани йўқдир. Аллакимни кутаётган эди, шу сиздирсиз балки...

Маслобоев эшикни итарди, биз мўлжаллаганимиздек иккита ойнали дераза тагига, герань гул қўйилган сават курсилар ва эски фортепьяно турган кичикроқ уйга кириб қолдик. Ҳамма нарса жойида. Аммо биз кирмасдан туриб, ҳали даҳлизда турганимиздаёқ Митрошка йўқ бўлиб қолди. Кейин билсак, у ичкари кирмай, эшик орқасида турган экан. У кейин биров-

га эшик очиши керак эди. Ҳалиги эрталабки Бубнова орқасидан муралаб турган пахмоқ, юзига упа-элик чаплаган хотин унинг тутинган опаси экан.

Сизобрюхов қизил дарахтдан ясалган кичкинагина диванда ўтирарди, олдида устига дастурхон ёзилган тугарак стол, стол устида икки шиша илиқ шампан виноси, бир шиша жўнгина ром, конфет, пряник, уч хил ёнғоқ солинган ликопча. Стол ёнида, Сизобрюхов рўпарасида қирқларга кирган, чўтир, хунук хотин ўтирарди. Унинг устида қора шоҳи кўйлак, кўлида бронза билагузук ва брошкалар тақиб олган, аммо у штаб офицерка эмас, балки бошқа бир аёл эди. Сизобрюховнинг кайфи тароқ, ўзи жуда хурсанд эди. Унинг мешқорин йўлдоши бу ерда йўқ эди.

– Мана одамлар нима билан машғул! – бақирди овози борича Маслобоев. – Тағин Дюссога таклиф қилади!

– Филипп Филиппич, хурсанд қилдингиз, – ғудурлади Сизобрюхов талтайганича, хурматимиз учун ўрнидан туриб.

– Ичяпсанми?

– Кечирасиз...

– Кечирасиз демай, меҳмонларни чақирсанг-чи. Сен билан бирга айш сургани келдик, мана яна битта меҳмон олиб келдим. Оғайним! – Маслобоев мени кўрсатди.

– Буни қараю, шампан виноси эмиш, ачиган карам шўрвага ўхшайди.

– Хафа бўляпсизми?

– Дюссога кўринишга ҳам ботинолмайди-ку, тағин чақиради-я!

– У ҳозир Парижда бўлганини гапириб бераётган эди, – деди штаб офицерка, – ёлғон айтаётган бўлса кераг-а?

– Федосья Титишна, хафа бўлманг... Бўлганмиз... Борганмиз.

– Эй, сендақа мужикка Парижни ким қўйибди?

– Борганмиз, бориш кўлимиздан келади. Биз у ерда Карп Васильевич билан иш кўрсатганмиз. Карп Васильевични танийдиларми?

– Карп Васильевични таниб нима қиламан?

– Ҳа, шунчаки айтяпман-да... сиёсий иш... Биз у киши билан Париж яқинидаги бир жойда, Жубер хонимни-кида инглиз трюмосини синдирганмиз.

– Нимани синдиргансизлар?

– Тошойна. Тошойна бўлганда ҳам бутун деворни эгаллайдиган, шипгача етадиган ойна эди! Карп Васильевич шундай маст эдиларки, Жубер хоним билан русчалаб гаплашдилар. Тошойнага тирсагини тираб турарди. Жубер бўлса ўз тилида бир нарса деб бақирди: «Тошойналар етти юз франк туради, синдирасан!» деган бўлса керак. У иржайди-да, менга қаради. Мен бўлсам рўпарасидаги креслода утирибман. Ёнимда чиройли бир аёл, лекин мана бу бедаводақа эмас, қулинг ўргилсин, ишқилиб оромижон дейсан. У: «Степан Тереньгич, ҳой Степан Тереньгич! – деб бақирди. – Қоқ ўртасига туширайми? Мен бўлсам: «Қоқ ўртасига!» дедим, у муштуми билан қарсиллатиб солувди, тошойна чил-чил бўлди! Жуберта дод деб тўппа-тўғри унинг юзига чанг солиб: «Ҳой, муттахам, қаердан келдинг?» (ўз тилида гапирди). У бўлса: «Сен Жубер хоним, пулини ол, мен кўнглимга келганини қиламан», деди-да, шу замони унга олти юз эллик франк чиқариб берди: эллик франк кам беришга кўндирдик.

Шу дақиқа биз турган жойдан икки-уч хона наридаги эшик орқасидан даҳшатли, чинқирган овоз эшитилди. Мен чўчиб тушдим, беихтиёр бақариб юбордим. Мен у овозни таниган эдим. У Еленанинг товуши эди. Шу заҳоти чинқирқ орқасидан инграган овоз, шовқин-сурон, сўкиш ва ниҳоят шапалоқ овози аниқ ва равшан эшитила бошлади. Бу Митрошка, ўз ишини бажараётган бўлса керак. Бирдан эшик қаттиқ очилди, ранги оппоқ оқарган, кўзлари хираланган, олиша-

вериб ғижим-ғижим бўлиб йиртилиб кетган оқ ҳарир кўйлақда, сочлари тўзғиб кетган Елена уйга отилиб кирди. Мен эшик рўпарасида турган эдим. Кира солиб мени икки қўли билан кучоқлаб олди. Ҳамма ўрнидан туриб кетди, шовқин-сурон кўтарилди. Унинг орқасидан ўзининг семиз душманини итдек қийнаб сочидан бураб судраб Митрошка кирди. Митрошка ҳаллослаб уни остонагача судраб келди-да, олдимизга улоқтирди.

– Мана у! Олинглар бунини! – деди мамнун овоз билан.

– Ҳой, менга қара! – деди Маслобоев олдимга астагина келиб ва елкамдан аста туртиб. – Ҳалиги извошда қизни олиб, уйингга жўна. Сенинг бу ерда ортиқ ишинг йўқ. Эртага ҳаммасини тўғрилаймиз.

Мен сўзини икки қилмай итоат эта қолдим. Еленани қўлидан ушлаб бу ярамас уйдан олиб чиқиб кетдим. У ерда нима бўлганини билмайман. Бизни ҳеч ким тўхтатмади. Уй бекасининг эси чиқиб кетган эди. Бу ишлар шу қадар тез содир бўлдики, у аралашшишга ҳам улгурмай қолди. Извошчи бизни кутиб турган экан, йигирма дақиқадан кейин менинг уйимга етиб келдик.

Елена чала ўликдек ётарди. Мен унинг кўйлақ илгакларини ечдим. Юзига сув сепиб, диванга ётқизиб қўйдим. Унинг иситмаси кўтарилиб, алаҳдай бошладди. Мен унинг рангсиз юзчасига, оқариб кетган лабларига, сочмой суриб таралган, лекин ҳозир паришон қора сочларига, унинг барча уст-бошига, кўйлагининг у ер бу ерида сақланиб қолган пушти ленталарига тикилдим ва бу қабих воқеанинг тагига етдим... Бечора! Унинг аҳволи тобора оғирлашмоқда эди! Мен олдидан кўзғалмадим, шу оқшом Наташа олдига бормасликка қарор қилдим. Аҳён-аҳёнда Елена узун киприкларини кўтарар ва менга қараб-қараб қўярди, худди мени таниётгандек узоқ ва тикилиб қарарди. Алламаҳалда, кечаси соат бирларга яқин ухлаб қолди. Мен унинг олдида, ерга жой солиб ухладим.

Мен жуда эрта турдим. Тонг отгунча ҳар ярим соатда уйғониб, бечора меҳмонимга қарар эдим. Унинг иситмаси бор, бир оз алаҳларди. Лекин эрталабга бориб, қаттиқ ухлаб қолди. Бу яхши аломат деб ўйладим мен ўзимча. Лекин эрталаб уйғониб, бечора қиз ухлаб тургунча бирров докторга бориб келишга қарор қилдим. Мен хотинсиз ўтган оққунгил бир чол докторни танирдим, у жуда кўп вақтлардан бери бир немис аёл – экономкиси билан бирга Владимирскаяда турарди. Мен шу чолниқига равона бўлдим. У соат ўнда келишга ваъда берди. Мен борганимда соат саккиз эди. Йўл-йўлакай Маслобоевниқига бир кириб кетгим келди-ю, лекин фикримдан қайтдим: негаки, у балки кечаги ҳодисалардан кейин ҳали ухлаб ётгандир, ундан ташқари, Елена уйғониб қолиши ҳам мумкин, кимсасиз менинг уйимда ётганини кўриб, кўрқиб кетиши ҳам мумкин. У касал ҳолда, қанақа қилиб, қачон меникига келганини унутиб қўйган бўлиши ҳам эҳтимол.

Мен уйга кириб келган маҳалимда у уйғонди. Олдига бориб ҳол-аҳволини сўрадим. У жавоб бермади, аммо ўзининг утқир, қора кўзлари билан менга узоқ тикилиб қаради. Назаримда, ҳамма нарсани тушунгандек ва эс-ҳуши жойида эди. Эҳтимол, индамай қўя қолишга одатлангани учун менга жавоб бермагандир. Кеча ҳам, ўтган куни ҳам у меникига келганида саволимга бир оғиз ҳам жавоб бермаган, фақат у кўзларимга ҳайрат ва ёввойи синчковликдан ташқари яна қандайдир мағрурликни ифодаловчи кўзлари билан узоқ тикилган эди. Энди бўлса унинг боқишларида қаҳр ва ҳатто ишончсизлик сездим. Мен иситмаси бормикин, деб пешонасини ушлаб кўрмоқчи бўлган эдим, у индамасдан ўзининг кичкина кўллари билан менинг кўлимни суриб қўйди ва юзини деворга ўгириб олди. Мен энди безовта қилмай қўя қолай, деб нари кетдим. Уйимда катта мис чойнак

бор эди. Мен уни анчадан бери самовар урнида ишлатиб, унда сув қайнатаётган эдим. Ўтиним бўлса бор, қоровул бира тўла беш кунлиж ўтин олиб кириб қўярди. Мен печка ёқдим, сув олиб келиб чой қўйдим. Столга чойнак, пиёла келтириб қўйдим. Елена мен томонга ўтирилиб, нима қилаётганимга зеҳн солиб ётди.

– Бирор нарса кўнглинг тилайдими? – деб сўрадим. Аммо у яна тескари ўтирилиб ётди, гапимга жавоб ҳам бермади.

«Мендан нега аччиқланаркин? – деб ўйладим. – Жуда аломат қиз-а!»

Таниш докторим ваъдасига вафо қилиб худди соат ўнда келди. У немисларга хос ҳафсала билан қизни кўрди, озгина иситмалаб турган бўлса ҳам ҳеч қанақа хавфли касали йўқ, деб менга тасалли берди. «Буннинг бошқа бир касали – эски юрак касали бўлиши керак, аммо бу алоҳида текширувни талаб этади, ҳозирча хавф-хатар йўқ», деб қўшиб қўйди. Доктор унга унча зарур бўлмаса ҳамки, кўнгил учун суюқ дори ва аллақанақа порошоклар ёзиб берди ва шу заҳоти, «Бу қиз қандай қилиб бу ерга келиб қолди?» деб сўраб қолди, ўзи эса ажабланиб уйимни кўздан кечирар эди. Жудаям эзма эди бу чол.

Елена бўлса, чол томирларини ушламоқчи бўлганда қўлини тортиб одди, тилини кўрсатишни ҳам хоҳламади, шу билан уни ҳайратда қолдирди. Саволларига бир оғиз ҳам жавоб бермади, фақат доктор бўйнида осилиб турган катта Станислав нишонига тикилиб қараб қолди. «Боши қаттиқ оғриётган бўлса керак, – деди чол, – лекин унинг қарашлари жуда ажиб». Елена ҳақида ҳозир гапириб ўтиришни эп кўрмадим ва «гап кўп, кўмир оз», деб қўя қолдим.

– Керак бўлса менга хабар қилинг, – деди у кета туриб. – Ҳозирча хатар йўқ.

Мен кун бўйи Елена ёнида бўлишга, то тузалмагунча ёлғиз ўзини қолдирмасликка қарор қилдим, аммо Наташа ва Анна Андреевна мени кутавериш эслари ке-

тишини ўйлаб, ҳеч бўлмаса, Наташага шаҳар почтасидан хат ёзиб, бугун боролмаслигимни хабар қилмоқчи бўлдим. Лекин Анна Андреевнага хат ёзиб бўлмасди. У мени ўзи бир куни, Наташа касал вақтида, хабар қилганимда, илло-билло хат ёзмазлигимни сўради. «Сенинг хатингни кўрса, чолнинг табиати хира бўлади, – дерди у, – бечора хатда нима ёзилганини билгиси келади-ю, сўрамоқчи ҳам бўлади-ю, тагин бўйин ёримади. Лекин куни билан хафа бўлиб юради. Ундан ташқари, «Бўтам, хат ёзганинг билан менинг кўнглим бузилади, холос. Беш-ўн сатр билан нимани айта оларди киши! Ўзингни кўриб битта-биттадан сўрагим келади», дерди. Шунинг учун мен битта Наташанинг ўзига ёздим ва дорихонага рецепт олиб борганимда бира тўла хатни ҳам почтага ташлаб юбора қолдим.

Шу орада Елена яна ухлаб қолди. Уйқусида у астагина инграр ва чўчиб-чўчиб тушар эди. Доктор тўғри айтди, унинг боши қаттиқ оғрир эди. Баъзан у қаттиқ чинқириб уйғониб кетарди. Менинг меҳрибонлигим унга малол келаётгандек жаҳл билан қарарди. Туғриси айтсам, бу менга жуда оғир ботар эди.

Соат ўн бирда Маслобоев келди. У серташвиш ва парижон эди; бир дақиқагагина кирибди, ўзи қаергадир жуда шошиляпти экан.

– Эй, оғайни, шунақа кўримсиз уйда турарсан, деб ўйлаган эдим, – деди у ёқ бу ёққа кўз ташлаб; – аммо қафасда турарсан, деб ўйламаган эдим. Бу уй эмас, бир қафас-ку! Бу ҳам майлику-я, лекин мана шу машмашалар сени ишдан қолдиради. Мен бу ҳақда кеча Бубнованикига кетаётганимиздаёқ ўйлаган эдим. Мен, оғайни, мижозим ва ижтимоий аҳволим бўйича шундай одамлар тоифасиданманки, уларнинг қўлидан бирорта дурустроқ иш келмайди-ю, бошқаларга ундай қил, бундай қил, деб насиҳат қилади. Энди менга қара, сеникига эрта ёки индинга келаман, сен бўлсанг якшанба куни эрталаб менга албатта учраш. У вақтгача бу қизнинг иши бирёқлик

бўлса керак, деб ўйлайман. Ушанда сен билан яхшилаб гаплашаман, чунки сени энди қўлга олмасам бўлмайди. Бу аҳволда яшаш мумкин эмас. Мен кеча сенга фақат шама қилган эдим, энди бўлса мантиқий равишда тушунтираман. Ҳой, менга қара, оғайни, нима, мендан қарзга пул олишни ўзингга ор деб биласанми?..

– Кел қўй, ғиди-биди қилаверма! – сўзини бўлдим мен унинг. – Яхшиси, айт-чи, кеча можаро нима билан тугади?

– Нима бўларди, жуда ҳам муваффақиятли тугади, айни муддао бўлди, тушундингми? Вақтим зик, фурсатим йўқлигини ва сендан бошқа ҳам дарди касалим борлигини айтиб қўйиш учун бир дақиқагагина олдингга кирган эдим. Ҳа, айтгандек, уни бирор ерга ўрнаштирасанми ёки ўзингникида тура турадимми? Негаки, шу масалани ҳам ҳал қилиш керак.

– Буни ҳали ўзим ҳам билмайман, ростини айтсам, маслаҳатингни олиш учун сени кутиб ўтирган эдим. Ҳўш, буни қайси асосга мувофиқ, ўз уйимда сақлай оламан?

– Эй, шунинг ҳам ғамини еб ўтирибсанми, хизматкор қиз қаторида тураверади-да...

– Илтимос қиламан, секинроқ гапир. У касал бўлгани билан барибир ҳуши ўзида, сени кўриб, назаримда, бир чўчиб ҳам тушди. Кечаги гаплар эсига тушди, шекилли.

Шу ерда мен қизнинг характери ва унда сезган ҳамма хусусиятларни гапириб бердим. Менинг сўзларим Маслобоевни жуда қизиқтирди. Мен уни бир оилага олиб бориб қўйсам дедим ва чолу кампирим ҳақида қисқагина гапириб бердим. Шуниси қизиқки, Наташа воқеасини қисман биларкан. Мен ундан: «Сен қаердан биласан?» десам, шундай жавоб берди:

– Шундоқ. Анча бўлувди, қулоғимга бир чалиниб қолган эди бир иш муносабати билан. Ахир мен сенга айтган эдим-ку князь Валковскийни танийман деб. Лекин уни ўша чолу кампирникига юбормоқчи булганинг яхши, бўлмаса сиқилиб қоласан. Яна битта гап: уни сал-пал одамбашара қилиб кийинтириш керак. Лекин, ошна, сен

ташвишланмай қўя қол, буни мен ўз бўйнимга оламан. Яхши қол, тез-тез бориб тур. У нима, ухляяптими?

- Шунақага ўхшайди, - жавоб бердим.

Бироқ у кетиши билан мени Елена чақирди.

- Ким у? - деб сўради. Унинг овози титраб кетди, аммо менга ҳамон ўша синчков ва такаббуруна тикилди. Бошқача қилиб айтолмайман қам.

Бу Маслобоевнинг фамилиясини айтдим. Ўша орқали мен уни Бубнова қўлидан қутқариб олганим, Бубнова ундан жуда кўрқишини қўшиб қўйдим. Бир нарсалар ёдига тушиб кетди, шекилли, унинг ёноқлари бирдан ловиллаб кетди.

- Энди Бубнова бу ерга ҳеч қачон келмайдими? - сўради Елена менга синчков назар ташлаб.

Мен уни тинчлантиришга тиришдим. У жим бўлиб қолди, ўзининг қайноқ панжалари билан менинг қўлимни ушлади, аммо шу заҳотиёқ эс-хуши жойига келгандек қўлимни итариб ташлади. «Наҳотки, ростдан ҳам у мендан шунчалик нафратланса?» деб ўйладим ўзимча. Бу унинг одати бўлса керак ёки... бечора бошидан шунча ғам-кулфат кечирганки, энди дунёда ҳеч кимга ишонмай қолган.

Худди белгиланган вақтда мен дори олиш учун дорихонага ва йўл-йўлакай, баъзан ўзим овқатланиб турадиган ва менга насияга овқат берадиган бир таниш трактирга бордим. Бу гал уйдан бир идиш кўтариб чиқдим ва трактирдан Елена учун бир порция товук шўрва олдим. Лекин у туз тотмади, шўрва печкада қолди.

Унга дори ичириб, мен ўз ишимга ўтирдим. Ухляяпти деб ўйлаган эдим, аммо бехосдан қайрилиб қарадим. У бошини кўтариб тикилганича менинг ёзишимни кўздан кечириб турган экан, мен ўзимни кўрмаганга солдим.

Ниҳоят, у ростакамига ухлаб қолди ва Худога шукрки, бу гал алаҳламади ҳам, инграмади ҳам. Хаёлим қочди: Наташа менинг ишларимдан хабарсиз, бугун бормаганлигим учун мендан аччиқланиши у ёқда турсин, худди

мана шундоқ мен унга керак бўлган маҳалимда бепарволик қилганимдан хафа бўлиши ҳам мумкин, деб ўйладим. Балки ташвиш чиқиб қолгандир, менга топширадиган ишлари бордир, мен бўлсам аксига олиб боролмаяпман.

Анна Андреевнага келсак, энди эртага унга нима деб жавоб беришимни билмасдим ҳам. Ўйлаб-ўйлаб ахийри у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам югуриб бориб келмоқчи бўлдим: ҳаммаси бўлиб икки соат уйда бўлмаслигим мумкин. Елена ухлаб ётибди, бориб келганимни пайқамайди ҳам. Мен ирғиб ўрнимдан турдим, пальтомни елкамга ташладим, фуражкамни олиб, энди чиқиб кетаётган эдим, бирдан Елена чақириб қолди. Мен ҳайрон бўлдим. Наҳотки у ёлғондан ўзини ухлаганга солиб ётган бўлса?

Шуни ҳам қайд этиб ўтайки, Елена гўё мен билан гаплашишни истамагандек бўлса ҳам, тез-тез чақириб туриши, ўзини таажжублантирган нарсани сўрайвериши бунинг аксини исбот этарди ва очиғини айтсам, бу менга ёқарди.

– Сиз мени қаерга бермоқчисиз? – сўради у мен олдига келганимдан кейин. Умуман, у қандайдир беҳосдан, кутилмаганда савол бериб қоларди. Бу гал ҳатто мен саволига дарров тушунолмай ҳам қолдим. – Ҳали анави танишингизга мени аллақандай хонадонга бермоқчи бўлганингизни айтдингиз. Мен ҳеч қаёққа боришни истамайман.

Мен унга энгашдим: яна ҳарорати кўтарилиган, иситмалаб ётарди; мен уни юпатиб, тинчлантира бошладим, агар у меникида қолишни истаса, ҳеч ерга бермаслигимни айтдим. Гапириб туриб пальтом билан фуражкамни ечиб қўйдим. Уни шу аҳволда ёлғиз ташлаб кетишга кўзим қиймади.

– Йўқ, бораверинг! – деди у шу дамдаёқ менинг қолаётганимни сезиб. – Ухламоқчиман, ҳозир ухлаб қоламан.

– Қанақа қилиб ёлғиз ўзинг қоласан?.. – дедим мен ҳанг-манг бўлиб. – Аммо мен икки соатга ҳам қолмай келиб қоларман.

- Бораверинг дедим-ку. Бир йил касал бўлиб ётсам, бир йил уйдан чиқмай ўтирасизми? - у жилмайишга уринди ва гўё қалбидан барқ уриб чиқаётган яхши туйғулар билан курашаётгандек менга ғалати қилиб қараб қўйди. Бечора! Одамовилигига, ғазабли кўринишига қарамай унинг меҳрли, покизагина қалби ўзини кўрсатиб турар эди.

Мен олдин Анна Андреевнаникига югуриб бориб келдим. У мени жони ҳалқумига келиб кутаётган экан, киришим билан ўпкалай бошлади. Ўзи бўлса, жуда ташвиш тортаётган экан; Николай Сергеич ҳозир овқатдан кейин ҳовлидан чиқиб кетибди. Қаерга кетгани номаълум. Сезишимча, кампиршо ҳовлиқиб кетиб, ўзининг одати бўйича шама қилиб ҳамма гапни айтиб қўйганга ўхшайди. Кейин ўзи ҳам шунга иқроп бўлди: «Шундай хушбарни унга айтмай туролармидим?» Бунинг эшитгандан кейин, кампирнинг гапича Николай Сергеичнинг қовоғидан қор ёғибди-ю, ҳеч нарса демабди, «ҳатто саволларимга жавоб ҳам бермади». Бирдан овқатдан кейин отланибди, ғойиб бўлибди. Буларни гапираркан, Анна Андреевна ўзи кўрққанидан қалт-қалт титрарди, у Николай Сергеични бирга кутиб ўтирайлик, деб ёлворди. Мен кўнмадим, балки эртага ҳам келолмасман, тўғриси айтсам, огоҳлангириш учун келгандим, деб қаттиқ туриб олдим. Бу гал уришиб кетишимизга сал қолди. У кўз ёши қилди; аччиқ-аччиқ гаплар айтди, лекин мен энди эшикдан чиқиб кетаётган пайтимда югуриб келиб бўйнимдан кучоқлаб олди ва ундай «ғарибдан» хафа бўлмаслигимни, унинг сўзларини кўнглимга олмаслигимни сўради.

Наташани яна ёлғиз топаман деб ўйламаган эдим. Шуниси қизиқки, назаримда, у менинг келишимдан кечагидек, умуман, олдинги сафарлардагидек хурсанд эмасди. Гўё мен уни хафа қилгандек ёки халақит бергандек. Бугун Алёша келдими? - деган саволимга: «Келишга келди, аммо кўп ўтирмади. Бугун кечқурун келишга ваъда қилди», деб жавоб берди у ўйчанлик билан.

- Кеча кечкурун келганмиди?

- Й-йўқ. Уни ушлаб қолибдилар, - деди у тез-тез гапириб. - Хўш, Ваня, ўзингнинг ишларинг қалай?

У нима учундир гапимизни бошқа ёққа чалғитмоқчи бўлганини сездим. Мен унга тикилиб қарадим. У хафа кўринарди. Менинг диққат билан тикилаётганимни сезиб, жаҳл аралаш ялт этиб менга қаради, у ёқ бу ёғимдан ўтиб кетгандек бўлди унинг бу қараши, «Унинг бошига яна кулфат тушган, - деб ўйладим мен, - лекин у менга айтишни истамаяпти».

Ишларинг қалай, деб берган саволига мен Елена воқеасини ипидан-игнасигача ҳикоя қилиб бердим. Менинг ҳикоям уни ғоят қизиқтирди ва таажублантирди.

- Эй, Танграм! Ўша касал қизни яна ёлғиз қолдирдингми-а? - деди у ҳовлиқиб.

- Бугун келишни истамаган эдим-ку, аммо келмасам мендан хафа бўларсан, балки менда ишинг бордир, деган хаёл билан келдим, - дедим.

- Иш дейсанми, - ғудурлади у ўйчанлик билан, - иш-ку бор-а, Ваня, лекин яхшиси, бошқа сафар. Бизни-кига бордингми?

Мен гапириб бердим.

- Ҳа, Худо билади энди, отам бу гапларга қандай қараркин. Ҳа, энди қандай қараса ҳам бунинг нима аҳамияти бор...

- У нима деганинг? - сўрадим мен. - Бирор жиддий гап бор, шекилли.

- Йўқ, шунчаки... Отам қаерга кетди экан-а? Анави гал ҳам менинг олдимга кетган деб ўйлаган эдинглар. Ваня, биласанми, иложи бўлса, эртага кел. Балки бир сир айтарман... Фақат сени безовта қилишга виждоним йўл қўймайди, энди, уйингга, меҳмонинг олдига борганинг ҳам маъқул. Уйдан чиққанингга икки соат бўлиб қолгандир, а?

- Ўтди. Хайр, Наташа. Хўш, бугун Алёша сен билан қандай муомала қилди?

– Ҳа, Алёша, дейсанми? Ҳеч нима.. Бунга қизиқаверганинга ҳайронман.

– Кўришгунча, яхши қол, дўстим.

– Яхши бор, – у менга бепарволик билан қўл чўзди ва хайрлашув олдидан унга қарашимдан қочгандек юзини ўтириб олди. Мен ҳайрон бўлиб, унинг олдидан чиқдим. «Ҳа, – деб ўйладим мен, – бош қотирадиган гаплар кўп. Ахир бу ҳазилакам иш эмас. Эртага келсам, ўзи яна ҳамма гапни гапириб беради-қўяди».

Мен уйга дилим сиёҳ бўлиб қайтдим ва эшикдан киришим билан ҳанг-манг бўлиб қолдим. Уй ичи қоронғи бўлса ҳам, Елена диванда бошини қуйи солганича чуқур хаёлга ботиб ўтирганини пайқадим. Хаёл дарёсига ботгандек, менга қарамади ҳам. Олдига борганимда у ўзича нималардир деб шивирларди. «Яна алаҳдлаптимикин-а?» деб ўйладим.

– Елена дўстим, нима бўлди сенга? – сўрадим мен ёнига ўтириб, елкасидан қучоқлаб.

– Мен бу ердан кетаман... Уникига бора қолганим яхшироқ, – деди у менга бошини кўтармасдан.

– Қаерга? Кимникига? – сўрадим мен ҳайрон бўлиб.

– Бубнованикига. Мен ундан жуда кўп қарз эмишман, ойимни ўз пулига кўмган эмиш... Онамни қарғашини хоҳламайман, мен унинг қўлида ишлаб, ҳамма қарзларимдан қутулишни истайман... Ушанда ундан ўзим кетаман. Ҳозир яна қайтиб ўшаникига бораман.

– Тинчлан, Елена, уникага бориб бўлмайди, – дедим мен. – У сени қийнайди, у сени хароб қилади...

– Майли, хароб қилаверсин, қийнайверсин, – деди алам билан Елена сўзимни бўлиб, – қийналган битта менми, ҳамма ҳам, мендан яхшироқлар ҳам қийналади. Буни менга кўчада битта гадой хотин гапирди. Мен қашшоқман, қашшоқ бўлишни хоҳлайман. Умр бўйи қашшоқ бўламан; ойим ўлаётган пайтда шундай деган. Мен ишлайман... Мана бу кўйлақда юришни хоҳламайман...

– Мен эртагаёқ сенга бошқасини олиб бераман. Китобларингни ҳам олиб келиб бераман. Сен шу ерда турасан. Агар ўзинг хоҳламасанг, сени ҳеч кимга бермайман, хавотирланма.

– Мен оқсоч бўламан.

– Яхши, яхши! Фақат ҳозир тинчлан, ёт, ухла!

Бечора қизнинг кўз ёшлари дув-дув оқди. Секин-аста хўнграб йиғлай бошлади. Мен нима қилишни билмасдим: сув ичирдим, чаккаларини, бошларини хўллардим. Ниҳоят, у тамом ҳолсизланиб диванга йиқилди, яна шақиллатиб иситмаси тута бошлади. Мен уни тўғри келган нарсалар билан ўраб ташладим. У уйқуга кетди, лекин нотинч ухлади, ҳар дақиқа чўчиб-чўчиб уйғонар эди. Бугун унча кўп юрмаган бўлсам ҳам қаттиқ чарчадим, вақтлироқ ётишга қарор қилдим. Миямни оғир хаёллар чулғаб олди. Бу қиз бошимга ташвиш орттиришини сезардим. Аммо мени ҳаммадан кўп ташвишга солган Наташа ва унинг ишлари эди. Умуман, ҳозир эсимга тушяпти, ҳеч қачон уйқуга кетаётганда ўша кун оқшомидагидек оғир руҳий ҳолатга тушган эмасман.

IX БОБ

Шу куни мен уйқудан анча кеч, эрталаб соат ўнда, мазам қочиброқ уйғондим. Бошим айланар ва оғрир эди. Мен Еленанинг ўрнига қарадим, ўрин бўш эди. Шу вақтда ўнг томондаги хужрамдан аллақандай овоз – супурги овози ашитилди. Мен қарагани чиқдим. Елена бир қўлида супурги, бир қўли билан ўзининг ҳали ўша кечадан бери ечиб ташламаган ҳай-ҳай кўйлагининг этагини кўтариб олиб, полни супураётган эди. Печка учун тайёр қилиб қўйилган утинлар бир чеккага тўплаб қўйилган, стол артилибди, чойнак тозаланибди, хуллас калом, Елена хўжайкалик қилаётган экан.

– Елена! – бақирдим мен. – Ким сени пол супургин деяпти? Сен касалсан ахир, нима, сен менга оқсоч бўлиш учун келибсанми?

– Ким бу ерни супурарди? – сўради у қаддини кўтарганча менга тик қараб. – Мен энди касал эмасман.

– Аммо мен сени ишлатиш учун олиб келган эмасман, Елена. Бу ҳам Бубновага ўхшаш еган-ичганларимни юзимга солади, деб кўрқяпсан шекилли. Мана бу чўлтоқ супургини қаердан топдинг? Супургим йўқ эди-ку! – дедим мен унга ҳайрат билан боқиб.

– Бу менинг супургим. Бунни ўзим бу ерга олиб келганман. Бувамнинг ҳам полини супуриб берардим. Супурги ўша вақтдан бери мана шу ерда, печканинг тагида ётган экан.

Мен хаёл сурганимча уйга кирдим. Балки янглишаётгандирман-у, бироқ назаримда менинг меҳмондўстлигимдан у хижолат чекаётгандир, ҳар хил йўллар билан у гўсхўр эмаслигини исбот қилишга тиришаётгани кўринарди. «Мунча сержаҳл қиз-а?» Орадан икки дақиқа ҳам ўтмай ўзи кириб келди ва индамасдан бошимдан оёғимгача тикилиб, кечаги жойга – диванга ўтирди. Шу ўртада мен чой қайнатдим, дамладим, унга бир пиёла қўйиб бериб, бир бурда оқ нон узатдим. У сўз қайтармай олди. У кечадан бери туз тотмаган эди.

– Ана, супурги билан яхши кўйлагингни булғатиб қўйибсан, – дедим мен юбкасининг этагида каттакон доғни кўриб.

У у ёқ бу ёғига қаради ва пиёлани ерга қўйди, совуққонлик билан индамай кўйлагини икки қўли билан чангаллаб бир тортишда бошидан оёғигача йиртиб туширди. Кейин у менга чақнаб турган кўзлари билан тикилиб қаради. Ранги қув ўчиб кетган эди.

– Нима қиляпсан, Елена? – бақирдим мен, энди бу қизнинг ғирт жинни эканига ишониб.

– Бу ёмон кўйлак, – деди у ҳаяжондан нафаси тикилиб, – нега бунни яхши кўйлак дейсиз? Мен уни кий-

майман, – чинқирди у бирдан ўрнидан туриб, – йиртиб ташлайман. Мен унга «мени ясантир», деган эмасман. У ўзи мени зўрлаб ясантирди. Мен олдин ҳам биттасини йиртиб ташлаган эдим, буни ҳам йиртаман! Йиртаман! Йиртиб ташлайман!..

У жон ҳолатда яна кўйлагига ёпишди. Бир зумда кўйлакни бурда-бурда қилиб ташлади. Еленанинг ранги бўздек оқарди, қалт-қалт титраб оёқ устида зўрға турарди. Мен унинг бунчалик қаҳру ғазаб қилишига ҳайрон бўлиб оғзимни очганимча анқайиб турар эдим. У ҳам менга, худди менинг ҳам унинг олдида бирор айбим бордек, жаҳл билан тикилиб турар эди. Мен нима қилишим кераклигини билардим.

Мен унга шу бугун эрталабнинг ўзидаёқ янги кўйлак сотиб олишга қарор қилдим. Мана бу ёввойи, аламзада қизга меҳрибонлик билан ёндашиш керак эди. У шундай ўқрайиб қарар эдики, гўё унинг кўзлари инсофли одамни сира кўрмагандек эди! Модомики, шунча қаттиқ жазога қарамай аввалги кўйлагини бурда-бурда қилиб йиртиб ташлабдими, демак, яқиндагина содир бўлган даҳшатли дақиқаларнинг шохиди бўлган мана бу кўйлакни ҳам шу каби ғазаб билан йиртиб ташлаши табиий эди.

Чайқов бозорнда яхшигина, оддийгина кўйлакни арзон-гаровга сотиб олиш мумкин эди. Аксига олиб ҳозир қўлимда бир чақа ҳам пулим йўқ. Майли, қарзга пул олса бўладиган ишончли бир киши бор, бугун ўша томон, чайқов бозор томон боришим керак эди. Кеча ўринга ётганимда ўшаникига боришга жазм қилган эдим. Шляпамни олдим. Елена худди бир нарса кутаётгандек мени сиңчиклаб таъқиб этиб турарди.

– Тағин устимдан қулфлаб кетасизми? – сўради у, калитни қўлимга олганимда.

– Азизим, – дедим мен унинг олдига бориб, – бунга хафа бўлма. Сен касалсан, бирортаси келиб қолса, кўрқиб кетишинг мумкин. Борди-ю, Худо кўрсатмасин, Бубнова келиб қолса-чи!

Мен бу гапни атайлаб айтдим. Аслида мен унга ишонмаганим учун устидан беркитиб кетардим, назаримда, у бирдан кетиб қолаётгандек эди. Вақтинча эҳтиёт бўлиб туришга жазм қилдим, Елена индамай кўя қолди, бу гал ҳам устидан беркитиб кетдим.

Мен кўп томлик бир асарни уч йилдан бери нашр этаётган ноширни танир эдим. Баъзан пул зарур бўлиб қолган маҳалларда ўшандан иш олар эдим. Ҳақини яхши тўларди. Мен бир ҳафтада бошқаларнинг асаридан фойдаланиб ёзилган бир мақола топширишга ваъда қилиб, ундан йигирма беш сўм олишга муваффақ бўлдим. Мен романимни ёзиш учун фурсат топаман деган умидда эдим. Пул зарур бўлиб қолганда шундай қилардим.

Пул олганимдан кейин чайқов бозорига равона бўлдим. У ерда эски-туски сотадиган бир таниш кампирни топдим. Мен унга Еленанинг тахминан бўйи қандоқлигини тушунтирдим. У бир зум ўтмай, ювилса бир мартагина ювилган, пишиқ-пухта, ранги очиқ чит кўйлакни жуда арзон баҳога топиб берди. Кичкина рўмолча ҳам олдим. Пулини тўлаб туриб, Еленага яна битта арзонгина пўстин ёки шунга ўхшаш қишлоқ кийим ҳам олиш керак, деб уйладим. Ҳаво совуқ, унинг қишга ҳеч нарса си йўқ эди. Лекин бу харажатни кейинги галга қолдирдим. Елена жуда аразчи, кибрли қиз эди. Худо билсин, у ҳали мана бу кўйлакни ҳам қандай қабул қилар экан? Кўйлакнинг мумкин қадар соддасини, кўримсизгинасини, энг жўнини танлашга ҳаракат қилдим. Бунинг устига икки жуфт ип пайпоқ, битта жун пайпоқ олдим. Унинг бетоблигини ва уйнинг совуқлигини баҳона қилиб, буни бера оламан. Унга ички кўйлак ҳам керак эди. Аммо мен буларнинг ҳаммасини у билан яқиндан танишиб олганимдан кейин олишга қарор қилдим. Каравотни тўсиб кўядиган эскироқ парда ҳам сотиб олдим, бу жуда зарур ва Елена бундан хурсанд бўлиши мумкин эди.

Олган нарсаларимни бир тугун қилиб уйга соат бирда қайтдим. Қулфим ҳеч шарпасиз очилар эди, шунинг учун

келганимни Елена сезмади. У стол олдида менинг китоб, қоғозларимни титиб турганини пайқадим. Менинг шарпамни эшитиб, ўқиётган китобини шартта ёпди ва қип-қизариб столдан нари кетди. Мен китобга қарадим: бу менинг айрим китоб ҳолида босилиб чиққан, тепасига менинг номим ёзилган биринчи романим эди.

– Сиз йўғингизда бугун кимдир эшикни тақиллатди, – деди у гўё «мана, беркитганингни жазоси» деб мени масхара қилгандек.

– Доктор эмасмикин-а? – дедим мен. – Овоз бердингми, Елена?

– Йўқ.

Мен индамай тугунни ечиб, ундан харид қилинган кўйлакни олдим.

– Мана, азизим, Елена, – дедим мен унинг ёнига келиб, – мана бу устингдаги жулдур-жулдур кийимда юриб бўлмайди. Шунинг учун мен сенга ҳар кун киядиган одми кўйлак сотиб олдим. Сувтекин, ҳаммаси бўлиб бир сўм йигирма тийин. Сен ташвиш тортмасанг ҳам бўлади. Буюрсин.

Кўйлакни унинг олдига қўйдим. Елена қизариб кетди ва кўзларини катта очиб, менга тикилди.

У ниҳоятда ажабланган ва назаримда қаттиқ хижолат чекаётгандек эди. Аммо кўзларида қандайдир юмшоқ ва мулойим бир ифода жилваланди. У индамагандан кейин мен столга қараганимча қолдим. Қилган ишимдан ҳайратланиб, бир нарса демоқчи бўлди-ю, бироқ ҳеч нарса демай ерга қараб олди.

Бошим борган сари қаттиқ оғриб, борган сари қаттиқроқ айлана бошлади. Очиқ ҳавода юриб келганимнинг ҳам қиттак фойдаси тегмади. Лекин нима бўлса ҳам Наташаникига бориш керак эди. У ҳақдаги ташвишим кечадан бери пасаймас, аксинча тобора ошиб бормоқда эди. Бирдан назаримда Елена мени чақиргандек бўлди. Унга қайрилиб қарадим.

- Сиз бир ёққа кетганингизда менинг устимдан беркитманг, - деди у бошқа ёққа қараб туриб, бармоқлари билан диван попуқларини тараб, гўё бутун борлиғи билан шу машғулотга берилиб кетгандек. - Мен ҳеч қаёққа кетиб қолмайман.

- Яхши, мен розиман, Елена. Аммо бирор бегона одам келиб қолса-чи? Ким билади дейсан, ким келади...

- Ундай бўлса, калитни менга ташлаб кетинг, мен ичидан беркитиб оламан, тақиллатсалар, уйда ҳеч ким йўқ, дейман, - деди-ю; «бу осон гап-ку!» дегандек менга қараб қўйди.

- Киригини ким ювади? - деб сўраб қўйди у тўсатдан, жавоб беришга улгурмасдан туриб.

- Шу ерда, бир аёл ювади.

- Мен кир ювишни биламан. Кеча овқатни қаердан олдингиз?

- Трактирдан.

- Мен овқат қилишни ҳам биламан. Сизга овқатни энди ўзим пишираман.

- Қўйсанг-чи, Елена, қанақа қилиб сен овқат пиширишни билардинг? Бекорчи гапларни гапирма...

Елена индамай бошини қуйи солиб ўтирди. Менинг гапимдан хафа бўлди, шекилли. Орадан ўн дақиқача ўтди, иккимиз ҳамон жим ўтирар эдик.

- Шўрва, - деди у ердан бошини кўтармай.

- Шўрва? Қанақа шўрва? - сўрадим мен ажабланиб.

- Шўрва қилишни биламан. Ойим касал вақтида шўрва пишириб берар эдим. Бозорга ҳам борар эдим.

- Мана, кўрдингми, сен қандай кибрлисан, - дедим мен унинг ёнига ўтириб. - Мен сенга чин дилимдан ёрдам қилмоқчиман. Энди сен ёлғизсан, ота-онанг йўқ, бечора бир фақирсан. Мен оғир аҳволда қолсам, сен ҳам ёрдам қилган бўлардинг. Лекин сен бундай мулоҳаза юргизишни хоҳламаяпсан, кичкинагина илтифотим ҳам сенга малол келгандек, худди мен ҳам Бубновага ўхшаш юзингга соладигандек шу заҳоти

яхшилиқни бир иш билан қайтармоқчи бўласан. Агар шундай бўлса, бу уят, айб, Елена.

У жавоб бермас, лаблари титрар, афтидан, у менга бир нарса айтмоқчи эди. Лекин ўзини босиб жим утирарди. Мен Наташанинг олдига бориш учун ўрнимдан турдим. Бу гал мен Еленага калитни ташлаб кетдим. Бирор кимса келиб тақиллатса, кимлигини сўраб қолишни тайинладим. Нима учундир, Наташанинг бошига оғир бир иш тушган-у, мендан яшираётганга ўхшарди. Бир дақиқага бўлса ҳам унинг олдига кириб чиқмоқчи бўлдим.

Ҳа, айтганим келди. У мени яна совуқ, малол келгандек қарши олди. Унинг рўйхушлиқ бермагани менга оғир ботди, лекин чиқиб кетишга оёғим тортмади.

– Олдинга бир дақиқагагина кирдим, Наташа, – дедим мен, – меҳмонимни нима қилсам экан, деб сен билан маслаҳатлашмоқчийдим. – Шундан кейин мен ҳовлиқиб Елена тўғрисида гапира бошладим, Наташа мени индамай тинглади.

– Нима деб маслаҳат беришни ҳам билмайман, Ваня, гапларинга қараганда, жуда аломат қизга ўхшайди. Менимча, у ҳўрланган, юрак олдирган бир бебахт қизга ўхшайди. Майли, у олдин тузалсин. Бизникига жойлаштирмоқчимисан?

– У рози бўлмаяпти. Ҳеч ёққа кетмайман, дейди. Худо билсин, бизникилар нима дейишаркин, нима қилишни ўзим ҳам билмайман. Хўш, дўстим, ўзинг қалайсан? Кеча мазанг қочиб турганга ўхшовди? – деб сўрадим кўрқибгина.

– Ҳа... нима учундир бугун ҳам бошим оғриб турибди, – жавоб берди у хомушгина, – бизникилардан ҳеч кимни кўрмадингми?

– Йўқ. Эртага бориб келаман. Ахир эртага шанба-ку...

– Шанба бўлса нима бўпти?

– Кечқурун князь келади...

– Келса нима бўпти? Эсимдан чиққани йўқ.

– Йўқ, ўзим... шунчаки...

Наташа рўпарагинамга келиб тўхтади, кўзларимга узоқ тикилди. Бу гал унинг боқишида аллақандай қатъийлик, ужаллик, ҳажжон, жўшқинлик аломати бор эди.

– Биласанми, Ваня, – деди у, – Худо хайрингни берсин, уйингга бор, менга жуда ҳам халақит беряпсан...

– Жоним, Наташа! Сенга нима бўлди? Нима гап ўзи? – дедим мен хайрат билан, курсидан ирғиб туриб.

– Ҳеч гап бўлгани йўқ! Ҳаммаси, ҳаммасини эртага биласан, ҳозир ўзим танҳо қолишни истайман. Эшитяпсанми, Ваня. Кет ҳозир! Ҳозир сени кўришга ҳам тоқатим йўқ, бор!

– Ахир ҳеч бўлмаса...

– Ҳамма, ҳаммасини эртага биласан! Эй, Худо! Кетасанми, йўқми?

Азбаройи эсанкираб қолганимдан нима қилишни билмай чиқиб кетдим. Мавра орқамдан югуриб даҳлизга чиқди.

– Нима, аччиқланияптими? – сўради у. – Бугун унга рўпара бўлишдан ҳам кўрқяпман.

– Нима бўлди? Билмайсанми?

– У уч кундан бери қорасини кўрсатмайди.

– Қанақа уч кун? – сўрадим мен хайрат билан. – Кеча эрталаб келди, тағин кечкурун ҳам келмоқчи, деган эди-ку кеча?

– Қанақа кечкурун? У эрталаб ҳам келгани йўқ! Айтяпман-ку уч кундан бери бедарак деб! Наҳотки, эрталаб келди, деб ёлғондан айтган бўлса.

– Ўзи айтди.

– Бе, – деди Мавра уйланиб қолиб. – Келмаганини сендан яширган бўлса, демак, жуда ҳам қаттиқ алам қилган экан-да. Оббо, қизи тушмагур-э!

– Ахир ўзи нима гап, айтсанг-чи?

– Эй, менинг ҳам бошим қотиб қолган. Нима қилишни ҳам билмайман, – давом этди Мавра қўлларини кериб. – Кеча мени икки марта унинг олдига юборди, икки марта ҳам йулдан қайтарди. Бугун бўлса, мен билан гаплашги-

си ҳам келмайди. Сен Алёшани бир куришинг керак. Мен олдидан бир қадам нари кетишга кўнглим бўлмаяпти.

Жоним ҳалкумимга келиб, зинапоядан пастга югуриб тушдим.

– Кечкурун келасанми? – бақирди орқамдан Мавра.

– Кўрамиз, – дедим мен йўл-йўлакай. – Балки сенинг олдинга келиб-кетарман, нима гаплигини сендан сўрарман. Агар бошим омон бўлса...

Юрагимга бир нарса бўлгандек сиқилиб оғрий бошлади.

Х БОБ

Тўппа-тўғри Алёшаникига жўнадим. У отасиникида – Малое Морское кўчасида турарди. Ёлғиз ўзи истиқомат қилишига қарамай князнинг квартираси анча катта, Алёша бу квартиранинг иккита жуда чиройли хонасини ишғол этарди. Мен Алёшаникига аҳён-аҳёнда бир ёки икки марта келганман. У бўлса менинг уйимга, айниқса Наташа билан дастлабки танишган кезларимизда тез-тез келиб турарди.

Алёша уйда йўқ экан. Мен унинг хонасига ўтдим-у, мана шу мактубни ёзиб қолдирдим.

«Алёша, назаримда, эсингизни йўқотиб қўйганга ўхшайсиз. Ахир сешанба куни кечкурун дадангиз мурувват қилиб, сиз учун Наташанинг қўлини сўради, сиз бундан ғоят шод эдингиз, бунга мен ҳам гувоҳман, аммо ҳозирги вазиятда сизнинг хатти-ҳаракатингиз бир қадар ғалати, хўп денг. Наташани қандай аҳволга туширганингизни биласизми? Ҳарқалай, менинг бу қисқагина мактубчам, бўлажак рафиқангиз олдида ниҳоят даражада беандишалик қилаётганингизни эслатар. Сизга насихат қилишга ҳеч қандай ҳаққим йўқлигини жуда яхши билман, аммо бунга эътибор бермайман.

Менинг мактубим ҳақида у ҳеч нарса билмайди, сизнинг бормаи юрганингизни у айтган эмас».

Мен конвертни ёпиштириб, мактубни унинг столи устида қолдирдим. Алёшанинг хизматкори: «Алексей Петрович уйда деярли бўлмайдилар, энди келсалар ҳам ярим кечада, тонгга яқин келадилар», деди.

Мен уйга аранг етиб келдим. Бошим айланиб, оёқларим бўшашиб титрарди. Уйимнинг эшиги очиқ. Уйда Николай Сергеич Ихменев мени кутиб ўтирган экан. У ҳайрат билан Еленага тикилганича стол ёнида ўтирар, Елена ҳам ҳайрон бўлиб, чурқ этмай унга қарар эди. «Қизиқ иш бўпти-я, – ўйладим мен, – Елена унинг кўзига жуда ғалати кўринса керак».

– Вой, иним-эй, бир соатдан бери сени кутаман-а, аммо сени бу аҳволда кўраман, деб сира ўйламаган эдим, – давом этди у уйни кўздан кечириб, секингина Еленага имлаб қўйиб. Унинг кўзларида ҳайрат ифодаланарди, аммо яқинроқ келиб, серташвиш ва ғамгин эканлигини кўрдим: Юзи докадек оқарган эди.

– Ўтир-чи, ўтир, – деди у паришонлик билан, – мана, шошилиб сенинг олдинга келдим, иш бор; ўзинга нима бўлди? Афт-ангоринг бир ҳолатда-я.

– Тобим қочиб турибди. Эрталабдан бери бошим айланади.

– Эҳтиёт бўл, бепарволик қилма. Шамоллагандирсан.

– Йўқ, шунчаки... асабларим бузилган. Баъзан шундай бўлиб туради. Хўш, ўзингиз соғ-саломатмисиз?

– Баҳарнав... Сеникига шошиб келганимдан шунақа... Сенда бир иш бор. Ўтир.

Мен курсини яқин суриб, у билан юзма-юз ўтирдим. Чол мен томон салгина энгашди-да, шивирлаб гап бошлади:

– Қиз томонга қарама, у ҳақда гаплашаётганимизни билмасин, гуё бошқа нарса тўғрисида гаплашаётгандек кўринайлик. Бу ўтирган меҳмон қиз ким ўзи?

– Кейин ҳаммасини тушунтириб бераман, Николай Сергеич. Бу шу уйда турган ва қандолат дўконига ўлган Смит чолнинг набираси, камбағал, ғирт етим қиз.

– Ҳа, ҳа, унинг набираси бор экан-да! Иним, бу жуда ғалати қиз экан! Шундай тикилиб қарайдики, Худо ҳаққи яна беш дақиқа келмасанг, бу ердан қочиб кетардим. Эшикни ҳам аранг очди. Шу чоққача чурқ этмайди. Шундай тикиладики, кишининг юраги орқасига тортиб кетади, одамзотга ўхшамайди-я! У қанақа қилиб бу ерда пайдо бўлиб қолди? Ҳа, эҳтимол, бува-сининг ўлганини билмай, келиб қолган бўлса кераг-а?

– Ҳа, бу бечора жуда ҳам бахтсиз қиз. Чол қазо қила туриб буни эсга олган эди.

– Ҳа! Бобоси қандай бўлса, невараси ҳам шундай. Кейин менга ҳаммасини гапириб берарсан. Балки шунчалик бахтсиз, бечора экан, бирор нарса билан ёрдам қилармиз... Ҳўш, энди унга чиқиб тур, деёлмайсанми, чунки сен билан гаплашадиган жиддийроқ гаплар бор.

– Кетадиган ери йўқ-да. У шу ерда туради.

Мен чолга воқеани қўлимдан келганича, қисқача тушунтирдим, гап орасида, унинг олдида гапиравериш ҳам бўлади, у ёш бола, деб қўйдим.

– Ҳа, рост... Ёш бола, дегин. Аммо иним, мени довдиратиб қўйдинг. Сен билан бирга туради-я, Худоё тавба!

Чол таажуб билан унга яна қаради. Елена ўзи ҳақида гап бораётганини сезиб, бармоқлари билан диван популарини титиб индамай ерга қараганича ўтирарди. У янги қўйлагини қийиб олган, қўйлак ўзига жуда мос келган эди. Сочларини силлиқ тарабди, янги қўйлак кийгани учун шундай қилган бўлса керак. Умуман, унинг кўзларини чақчайтириб туриши бўлмаса, анча ёқимтой қиз эди.

– Гапнинг пўсткалласини айтиш керак, иним, гап шуки, – деб гап бошлади чол, – гап кўп, жуда зарур гап...

Чол бошини қуйи солганича ўтирар ва «гапнинг пўсткалласини айтиш керак», дегани билан сўзни нимадан бошлашини билмас эди.

– Биласанми, Ваня, мен сенга катта бир илтимос билан келдим. Бироқ энг олдин... сенга баъзи бир нарсаларни тушунтириш керак, ниҳоятда нозик иш...

У йўталиб олиб менга кўз қирини ташлаб қўйди; қаради-ю, ўзи қизариб кетди; қизарди-ю, ўзидан ўзининг нуноқлигидан жаҳли чиқиб кетди; жаҳл аралаш гап бошлади:

– Ҳа, нимасини ҳам тушунтириб ўтирардим! Ўзинг тушунасан. Гапнинг пўсткаллеси шуки, мен князни дуэлга чақираман. Сендан шу ишга бош бўлиб, менинг секундантим бўлишингни илтимос қиламан.

Мен чўчиб тушиб, стул суянчиғига ўзимни ташладим, унга бақрайганимча қараб қолдим.

– Нега бақраясан, хўш! Мени жинни бўлиб қолган, деб ўйлаяпсанми?

– Николай Сергеич! Ниманн баҳона қиласиз, мақсад нима? Ниҳоят қанақа қилиб шу...

– Баҳона! Мақсад! – бақирди чол. – Жуда соз!

– Яхши, яхши, нима дейишингизни биламан; аммо бу ишингиз билан нимага эришасиз? Бунинг натижаси нима бўлади? Худо ҳаққи, ҳеч нарсага тушунмаяпман.

– Ўзим ҳам ҳеч нарсага тушунмасан, деб ўйлагандим. Эшит бўлмаса, бизнинг судлашишимиз тугади (яъни яқин кунларда тугайди, баъзи бир расмий жиҳатлари қолди, холос); мен маҳкум этилдим. Мен ўн мингча тўлашим керак, шундай ҳукм чиқардилар. Бунга Ихменевка қишлоғи кетади. Бинобарин, энди анави разил одам пулини олади. Мен бўлсам Ихменевкани топшириб, пулини тўладим дегунча, холи одам бўламан-қўяман. Мана шунда мен бош кўтараман. Ундай қилиб ҳам, бундай қилиб ҳам, мухтарам князь мени икки йил ҳақорат қилиб келдингиз; менинг номимни, оилам номусини булғаддингиз, мен буларнинг ҳаммасига чидашим керак эди! Мен у вақтда сизни дуэлга чақиролмадим. Ўшанда чақирсам, сиз менга очикдан-очик: «Сени қараю, хийлакор, пулни эртами-кеч менинг фойдамга ҳукм бўлишини сезиб, тўламаслик учун мени ўлдирмоқчисан-да! Йўқ. Олдин кўрайлик, нима ҳукм чиқарилар экан, кейин чақиравер!» дер эдингиз. Энди, мухтарам князь, суд тугади, сиз қано-

атландингиз, бинобарин, ҳеч қанақа тўсиқ йўқ. Шундай бўлгач, марҳамат қилиб майдонга чиқсинлар. Мана, гап нимада. Ҳўш, қани айт-чи, ниҳоят ўзим учун, ҳамма учун қасос олишга менинг ҳаққим йўқми?

Унинг кўзлари чақнар эди. Мен унга жавоб бермай, тикилганимча миқ этмай утирардим. Мен унинг яширин фикрини билиб олмоқчи бўлардим.

– Менга қаранг, Николай Сергеич, – дедим ниҳоят, – бақамти гаплашиб, бир-биримизни тушуниб олиш учун, мен билан очик гаплаша оласизми?

– Гаплаша оламан! – деди у қатъий.

– Шуни айтинг-чи, қасос олиш ҳиссасигина сизни дуэлга чиқишга мажбур этяптими ёки кўнглингизда бошқа гап ҳам борми?

– Ваня, – деди у, – ўзинг биласан, мен гаплашганда баъзи бир нозик масалаларга тегишга ҳеч кимга рухсат бермайман, аммо бу гал у қоидадан четга чиқишга тўғри келади. Ўзинг ҳам ўткир фаҳм-фаросатинг билан шу нозик ерга тегмаслик мумкин эмаслигини дарров пайқадинг. Ҳа, менинг бошқа мақсадим бор. Бу мақсад – хароб бўлган қизимни қутқариш, уни ҳалокат жари томон судраб бораётган фалокатдан асраб қолишдир.

– Бироқ дуэль билан уни қанақа қилиб қутқармоқчисиз?

– Ҳозир улар бошламоқчи бўлган ишга ҳалақит бериш билан. Сен, ўйлайманки, менинг қалбимда оталик меҳри ва шунга ўхшаш заиф ҳислар кўзғалибди деб. Булар ҳаммаси беҳуда гаплар! Мен қалбимнинг ичини ҳеч кимга кўрсатмайман. Уни сен ҳам билмайсан. Қизим мени ташлаб кетди, ўйнаш деб уйимдан кетди, мен ҳам уни энди қалбимдан юлиб ташлаганман, ўша оқшом мен уни қалбимдан бутунлай юлиб ташлаганман. Эсингда борми? Башарти, унинг сурати олдида йиғлаётганимни кўрган бўлсанг, бу менда кечириш нияти туғилди, деган сўз эмас. Мен ўшанда ҳам кечирган эмасман. Мен йўқолган бахт, барбод булган орзулар учун йиғладим, лекин

ҳозирги қизим учун эмас. Балки тез-тез йиғлаб турарман ҳам; аммо боламни авваллари дунёда ҳамма нарсадан ортиқ севганимга энди иқрор бўлишдан номус қилмаганимдек, бунга иқрор бўлишдан ҳам номус қилмайман. Эҳтимол, булар ҳаммаси менинг ҳозирги ҳаракатларимга зидма-зиддир. Сен, модомики, кечган қизингизнинг тақдирига бепарво экансиз, бўлмаса, нима учун энди у ерда бўлаётган тайёрланишларга аралашасиз, дерсан. Жавоб бераман: биринчидан, анави пасткаш, ҳийлакор одамнинг тантана қилишига йўл қўймайман, иккинчидан, энг оддий инсонпарварлик, одамгарчилик ҳисси мени аралашашига мажбур этяпти. Гарчи у энди менинг қизим бўлмаса ҳамки, у ожиз, ҳимоясиз ва алданган бир кимса, унинг умрини хазон этиш учун баттарроқ алдашяпти, бу ишга мен туғридан-туғри аралаша олмайман, билвосита – дуэль орқали аралаша оламан. Дуэлда мени ўлдиришлари ёки ярадор қилишлари мумкин. Наҳотки, менинг қизим шу тўсиқни босиб ўтиб, балки анави подшоҳнинг қизи сингари менинг жасадим устидан ҳатлаб ўтиб, менинг қотилимнинг ўғли билан никоҳ ўқиттираркан-а? (Эсингда борми, бизда шундай бир китоб бор эди, сен ўша китобдан ўқишга ўрганган эдинг), шунда бир подшонинг қизи отасининг жасади устидан аравада ўтиб кетгани ёзилган эди. Ундан ташқари, ҳамон дуэль масаласи кутарилгандан кейин князимизнинг ўзи тўйни тўхтатади. Хуллас калом, мен бу никоҳга тиш-тирноғим билан қаршиман. Шу никоҳни бузиш учун қўлимдан келганича уринаман. Энди тушундингми?

– Йўқ. Агар сиз Наташага ёмонликни раво кўрмагангиз, қандай қилиб бу никоҳга моне бўласиз. Ахир, турмушга чиқиш билан у шаънига доғ туширган маломатлардан халос бўлиши мумкин. Ахир у ҳали узоқ яшайди-ку!.. Номини покиза қилиб олиши керак-ку!

– Ўша асизодаларнинг гап-сузига тупурдим, дейиши керак у! Унинг номусини ерга урадиган нарса, асосан, мана шу никоҳ, ана ўша қабиҳ одамлар, жирканч

оқсуяклар муҳити. Уларга олюжаноб мағрураник билан жавоб берсин! Шундагина балки мен унга ёрдам қилини чўзарман. Мана шунда курамиз, менинг азиз боламни маломат қилишга ким журъат эта олар экан?!

Бу ўтакетган идеализм мени ҳайратга солди. Бироқ мен чолнинг жаҳл устида, азбаройи куйиб кетганидан гапираётганини билардим.

– Бу ўта идеалистлик, бинобарин, шафқатсизликдир, – дедим. – Сиз у бечора ожизадан шу қадар оғир ирода талаб этиясизки, туғилишда бу кучни унга бермагансиз. Наҳотки сиз уни фақат княгиня бўлиш ниятидагина бу никоҳга розилик берган, деб ўйласангиз? У севади, ахир бу кучли муҳаббат қисмати азалий-ку! Сўнг сиз Наташадан оқсуяклар жамиятининг фикрига нафрат ўқишни талаб этасиз-у, ўзингиз унга сажда қиласиз! Князь сизни хўрлади, алдаб-сулдаб, князь авлодига уруғ бўлмоқчи, деган қабих сўзлар билан сизни халқ кўзида шарманда қилди, сиз ўйлайсизки, улар томонидан расмий равишда қилинган таклифни Наташа рад этса, бу аввалги тухматларга хотима берувчи очиқ жавоб бўлади, деб, сиз шуни истайсиз. Сиз ўзингиз князнинг мулоҳазалари олдида тиз чўкяпсиз. Уни ўз хатосига икром қилдирмоқчисиз. Сиз князни масхара қилмоқчи, унда қасос олмоқчисиз, бу ниятларга эришиш учун қизингизнинг бахтини қурбон қилмоқчисиз. Бу худбинлик эмасми?

Чол қовоғидан қор ёғиб, анчагина ғиринг этмай турди.

– Ҳаққониятсизлик қиляпсан менга, Ваня, – деди ниҳоят. Киприкларида кўз ёши мунчоқдек йилтилади. – Худо ҳаққи, адолатсизлик қиляпсан. Майли, бас қилайлик! Афсуски, қалбимни ёриб сенга кўрсатолмайман, – давом этди у ўрnidан кўзғалиб, шляпасини олар экан. – Шуни айтиб қўяй: сен қизимнинг бахти ҳақида гап очдинг, лекин мен мана шу бахтга сира-сира ишонмайман! Башарти, мен аралашмаган тақдирда ҳам никоҳ бўлмайди, мана кўрасан!

- Нега ахир? Нега шундай деб ўйлайсиз, сиз бирор сирни биласизми? – деб юбордим мен қизиқсиниб.

- Йўқ, айтарли ҳарса билмайман. Бироқ бу ифлос тулки бу ишга бежиз аҳд қилган эмас. Ҳаммаси беҳуда гап, ҳийлаю найранг! Шу гапим эсингдан чиқмасин – бу ишнинг тагидан миси чиқмаса, отимни бошқа қўяман! Иккиламчи, туй бўлса, демак, у разил одамнинг кўнглида ҳеч кимга маълум бўлмаган махфий бир сири бор, бу никоҳнинг унга қандайдир бир фойда келтирадиган ери бор, лекин нималигига ақлим етмайди. Мана энди ўзинг айт, қалбингга ҳавола қил, қандай қилиб бу никоҳдан қиз бахтли бўла олади? Ҳалитдан унинг севгиси кўнглига урган, ҳалитдан таъна қилаётган, хўрлаётган бола уйлангандан кейин уни ҳурмат қилмай қўяди, ранжитади, камситади. Шу билан бир вақтда, у совиган сари қизда севги кучаяди, рашк, алам, ситам, кулфат бошига тушади. Иш бориб ажралишга тақалади, шунинг орқасида балки жиноят ҳам содир бўлмоғи мумкин... йўқ, Ваня! У ерда бир ишни бошлаган бўлсангиз, сен ёрдам бераётган бўлсанг, олдиндан айтиб қўяйки, Худоёи таоло олдида ўзинг жавоб берасан, бироқ унда вақт ўтган бўлади. Яхши қол!

Мен уни тўхтатдим.

- Менга қаранг, Николай Сергеич, шундай қилайлик: сабр этиб турайлик. Хотирингиз жам бўлсинки, бу иш фақат сизнигина ташвишга солаётгани йўқ, зўрлик қилмасдан, яхшиликча уни, масалан, дуэлсиз битар. Вақт энг яхши қози дейдилар! Шунинг ҳам айтиб қўяйки, сизнинг ўйлаган нарсангиз хомхаёл. Наҳотки князь дуэлга рози бўлади, деб ўйласангиз?

- Нега қабул қилмас экан? Эсинг жойидами ўзи?

- Худо ҳаққи, қабул қилмайди! Шунга ишонингки, у жуда асосли баҳона топади ва бу ишни шундай сипогарчилик билан ижро этадики, икки ўртада кулги бўлганингиз қолади...

- Менга қара, Худо хайрингни бергур! Сен ишнинг белига тепдинг! Нега у қабул қилмас экан! Йўқ, Ваня.

Сен ғалати одамсан, чинакам шоирсан! Хўш, сенингча мен билан дуэлга чиқиш ор-номусми? Мен ундан кам эмасман. Мен кекса, ҳақоратланган отаман; сен рус ёзувчисисан, демак, ўзингга яраша ҳурматинг бор, секундантим бўла оласан ва... ва... мен тушунолмай ҳам қолдим, тағин сенга нима даркор?..

- Мана, кўрасиз, у шундай баҳоналар топадики, сиз ўзингиз биринчи бўлиб, отишишнинг сира ҳам иложи йўқ эканига иқроор бўласиз.

- Ҳм... Яхши, дўстим, бўпти, сен айтганча бўла қолсин! Мен кутаман, албатта, маълум бир вақтгача. Кўрамиз, вақт ўзи нималарни кўрсатар экан. Аммо жигарим, гап бундоқ бўлсин, менга сўз бер, у ерда ҳам, Анна Андреевнага ҳам бу ҳақда оғиз очмайсан.

- Сўз бераман.

- Яна... Ваня, Худо хайрингни берсин, менга ҳам ҳеч қачон бу ҳақда оғиз очмасликка сўз бер!

- Яхши, сўз бераман.

- Яна битта илтимос: биламан, азизим, балки бизникида зерикиб ҳам қоларсан, лекин иложини топсанг, тез-тез бориб тур. Бечора Анна Андреевнам сени шундай яхши кўрадики ва... сенсиз шундай зерикадики... Ҳа, ўзингдан ўтадиган гап йўғ-а, Ваня?

У менинг қўлимни маҳкам қисди. Мен чин кўнгилдан унга ваъда бердим.

- Энди-чи, Ваня, охирги, нозикроқ бир гап қолди; рост айт, пулинг борми?

- Пул? - такрорладим мен ажабланиб.

- Ҳа (чол қизариб кетди ва ерга қараб олди), уйингга қараб, иним... мана бу шароит... Ҳар хил зарур харажатларинг борлигини уйласам... (ҳозир айниқса бўлиши мумкин), мана, жигар, бир юз эллик сўмни ҳозирча ишлатиб тур.

- Бир юз эллик сўм-а, ҳозирча эмиш, айтишга осон... Судлашиб ютқизган пайтингизда...

- Ваня, сенга гап уқтириш қийин бўп қопти-да! Ҳар хил зарур харажатлар чиқиб қолиши мумкин, тушунгин, ахир. Кишининг ёнида пули бўлса, бели бақувват, мустақил бўлади. Балки ҳозир сенга керак ҳам эмасдир, аммо бирдан зарур бўп қолиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда мен сенга ташлаб қетаман. Топган-тутганим шу бўлди. Ишлатмасанг, қайтиб берарсан. Хайр бўлмаса! Эй, Худо, касалсан-ку! Рангингда ранг қолмабди.

Мен қаршилиқ қилмадим, пулни олдим. У пулни нима учун ташлаб кетаётгани ойдан ҳам равшан эди.

- Ўзим ҳам зўрға турибман, - жавоб бердим.

- Бепарволик қилма, Ваня, жон болам. Эҳтиёт бўл! Бугун ҳеч қаёққа борма. Анна Андреевнага аҳволингни тушунтириб қўяман. Доктор керакмасми-а? Эртага яна хабар оларман, Худо хоҳласа, агар ўзим соғ бўлсам. Оёқда тура билсам. Энди ёта қолсанг бўларди. Хўп, хайр. Хайр, қизим; тескари қараб олганини қара-я бунинг. Менга қара, жигарим! Мана яна беш сўм, бу қизга. Аммо мен берганимни унга айтма, ўзинг унга у-бу олиб берарсан, оёғигами, устигами... Ишқилиб, асқатиб қолар. Хайр, дўстим, хайр...

Мен уни дарвозагача кузатиб чиқдим. Қоровулдан овқат келтириб беришни сўрашим керак эди. Елена халигача овқатланмаганди...

XI БОБ

Бироқ ўз хонамга қайтишим билан, бирдан бошим айланиб кетди-ю, уй ўртасига гуп этиб йиқилдим. Елена чинқириб юборгани ва чапак чалиб мени ушлаб қолишга югургани эсимда. Хотирамда сақланиб қолган сўнгги таассурот шу эди. Кейин қарасам, кўрпада ётибман. Қолганларини Елена гапириб берди: овқат олиб кириб қолган қоровул билан мени диванга олишибди. Ҳушимга келиб кўзимни очсам, ҳар гал тепамда энгашиб турган Еленинг ташвишли, меҳрибон сиймосига кўзим тушарди.

Аммо булар ҳаммаси бир тушдек, туман орасидан кўрингандек, бечора қизнинг меҳрибон қиёфаси, ҳушимдан бир кетиб, бир ўзимга келиб ётганимда гўё бир шарпа сура- рат каби кўринарди; у менга сув ичирар, кўрпамни туза- тар ёки бўлмаса, кўрқа-писа ёнимда паришонхотир ути- рар ва ўзининг жажоки бармоқлари билан сочларимни силарди. Бир гал юзимдан астагина ўпгани ҳам эсимда. Бошқа бир гал кечаси уйғониб кетиб, диван олдига суриб қўйилган столча устида ёниб турган шам ёруғида, Елена қонсиз лаблари ярим очик, юзида кўрқув ифодаси билан кафтини илиқ юзчасига қўйганича менинг ёстиғимга бош қўйиб ухлаб ётганини кўрдим. Тонг отардагина мен ўзимга келдим. Шам батамом ёниб бўпти, тонг кўешининг пушти ранг, ёрқин нури деворда жилваланарди. Елена стол олдидаги курсида ўтирганича, ҳорғин бошини чап қўли устига қўйиб, қаттиқ ухлар эди. Шунда эсимда бор, мен унинг мана бу, ҳатто уйқуда ҳам ёш болаларникига ўхшамаган ғамгин, дардчил ажойиб гўзал юзчасига, узун киприклари, тим қора сочлар ўраб турган рангпар озгин ёноқларига осилиб тушган, наридан-бери турмакланган сочларига маҳлиё бўлиб тикилгандим. Иккинчи қўли менинг ёстиғимда эди. Мен ана шу нозик қўлчаларни астагина ўпдим, аммо бечора болагина уйғонмади, фақат рангсиз лабларида табассум ўйнагандек бўлди. Унга узоқ тикилиб туриб, тинч, осойишта, шифобахш уйқу элитди мени. Бу гал мен чошгоҳгача ухлаб қолибман. Уйғонсам, руҳим анча енгил тортиб қолибди. Фақат дармонсизлик ва барча мучаларимдаги ҳорғинлик касаллигимдан да- рак берарди. Илгарилари ҳам шунга ўхшаш бирдан тутиб қоладиган асабий хасталигим бор эди, шунинг учун мен касалимнинг тилини яхши билар эдим. Одатда, хасталик бир кеча, бир кундузда батамом босиларди-ку, аммо жуда қаттиқ тутарди.

Туш маҳали бўлиб қолган эди. Уйғониб, кеча мен олиб келган парда бурчакка тутиб қўйилганини кўр- дим. Шунда Елена қилган албатта. У хонадан ўзига

алоҳида бурчак ажратиб олибди. У печка олдида ўтириб, чой қайнатаётган эди. Уйғонганимни кўрди-да, очиқ чеҳра билан кулиб олдимга келди.

– Дустгинам, – дедим мен унинг қулини ушлаб, – кечаси билан мени парвариш қилиб чиқдинг, сенинг шунчалик кўнгилчанлигингни билмаган эдим.

– Қаёқдан биласиз, парвариш қилганимни, балки кечаси билан ухлаб чиққандирман? – сўради у менга мулойим ва макр аралаш уятчанлик билан қараб. Айни замонда ўз сўзидан ўзи уялиб қизариб кетди.

– Мен уйғониб-уйғониб турдим, ҳаммасини кўрдим. Сен фақат тонг отишига яқин қолганда ухлаб қолдинг...

– Чой ичасизми? – сўзимни бўлди у, гапни давом эттиришдан қийналгандек. Маъсум, ниҳоятда покиза қалбли кишилар ўзлари ҳақида мақтовли сўз эшитганларида шундай қиладилар.

– Ичаман, – жавоб бердим, – айт-чи, кеча ўзинг тушлик қилдингми, йўқми?

– Тушлик қилганим йўқ, кечкурун овқатландим. Қоровул олиб келди. Аммо сиз кўп гапирманг, тинчгина ётинг, ҳали тузалиб кетганингиз йўқ, – қўшиб қўйди у чой келтириб, менинг ўрнимга ўтираркан.

– Ётишга бало борми? Қош қорайгунча ёта тураман, кейин кўчага чиқишим керак. Албатта, боришим керак, Леночка.

– Шунча зарурми! Кимникига борасиз? Ёки кечаги меҳмонникига бормоқчимисиз?

– Йўқ. Уникига эмас.

– Яхшиям уникига эмас. Кеча сизни ўша хафа қилди. Булмаса, унинг қизиникигами?

– Унинг қизини сен қаёқдан биласан?

– Кеча ҳаммасини эшитдим, – деди у ерга қараб. У қовоғини солиб олди. Қошлари чимирилди. – У ёмон чол, – қўшиб қўйди кейин.

– Сен уни танийсанми? Аксинча, у жуда ҳам кўнгилчан одам.

- Йўқ, йўқ, у бағритош одам. Мен эшитдим, - деди у қизишиб.

- Нимани эшита қолдинг?

- У ўз қизининг гуноҳидан ўтишга кўнгли йўқ...

- Аммо у қизини севади. Қизи унинг олдида гуноҳқор, шунга қарамай, у қизининг ғамини ейди, азобланади.

- Нега бўлмаса кечирмайди? Энди кечирса ҳам қизи уникига бормасин.

- Бу нима деганинг? Нима учун?

- Негаки у қизининг муҳаббатига лойиқ эмас, - жавоб берди у қизишиб. - Қизи ундан бутунлай кетсин, яхшиси, гадойлик қилсин, у қизининг гадойлик қилиб юрганини куриб, куйиб ўлсин.

Унинг кўзлари чақнар, ёноқлари ловиллар эди. «Бекордан бекорга шундай демаяптику-я», деб қўйдим ўзимча.

- Мени шу одам уйига юбормоқчимидингиз? - сурадн у бир оз жим тургандан сўнг.

- Ҳа, Елена.

- Йўқ. Ундан кўра хизматкорликка кирганим яхши.

- Эҳ, Леночка, яхши эмас бу гапинг! Кимга ҳам хизматкор бўлардинг? Беҳуда гап.

- Бирор мужик-пужикка, - деди у тоқатсизлик билан, тобора бошини қуйи солиб. Жиззакилиги яққол кўриниб турарди.

- Мужикка бунақа хизматкорнинг кераги ҳам йўқ, - дедим мен кулиб.

- Бўлмаса жанобларга.

- Сен шу феълинг билан жанобларникида туриб бўпсан.

- Шу феълим билан? - у қизишган сари шартта-шартта жавоб қайтарар эди.

- Сабринг чйдамайди.

- Чидайди! Мени сўксалар, атайлаб жим туравераман. Урсалар ҳам индамай туравераман, ғиқ этмайман,

урганлари билан йиғламайман, йиғламайман! Йиғламаганимдан кейин уларнинг жиғибийрони чиқади.

– Вой, Елена тушмагур! Қанчалик аламзадасан-а, ўзингга етгунча такаббур экансан-ку! Жуда кўп жафо чекканга ўхшайсан-а?

Мен туриб катта стол ёнига бордим, Елена диванда қолди, у ўйчанлик билан ерга қараганича ўтирар ва бармоқчалари билан парда попуқларини тарамларди. У жим ўтиргани учун: «Гапимдан ранжиди шекилли?» деб ўйладим.

Стол олдида туриб мен бехосдан мақола ёзиш учун олган кечаги китобни очиб қолдим ва секин-аста ўқишга берилиб кетдим. Шунақа одатим ҳам бор: бораман-у, бир нарсани билиш учун китобни очаман ва ўқишга берилиб кетиб, ҳамма нарсани эсимдан чиқариб юбораман.

– Сиз бу ерда нималарни ёзасиз? – сўради Елена ийманибгина илжайиб, аста столга яқинлашиб.

– Ҳар хил нарсалар ёзаман, Леночка. Менга шунинг учун пул тўлайдилар.

– Аризаларми?

– Йўқ, аризалар эмас, – мен унга қўлимдан келганча тушунтирдим: – ҳар хил одамлар бошидан ўтган турли воқеаларни ёзаман, булардан китоблар чиқади, шулар қиссалар, романлар деб аталади. У мени зўр қизиқиш билан тинглади.

– Нима, сиз бўлган воқеаларни ёзасизми?

– Йўқ, ўйлаб тўқийман.

– Нега ёлғон нарсаларни ёзасиз?

– Мана, ўзинг ўқиб кўр, кўрдингми мана бу китобчани; сен аввал ҳам кўргансан буни. Ўқишни биласан-ку, а?

– Биламан.

– Жуда соз, ўзинг кўрасан. Мана шу китобчани мен ёзганман.

– Сиз-а? Ўқиб чиқаман...

У ниманидир менга айтмоқчи бўларди-ю, ammo қийналарди, шунинг учун қаттиқ ҳаяжонда эди. Унинг саволлари тагида бир сир бор эди.

– Сизга кўп пул тўлайдиларми бунинг учун? – сўради у ниҳоят.

– Ҳа, унча-мунча. Баъзан кўп, баъзан ҳеч нарса ҳам бўлмай қолади, чунки иш юришмайди. Бу қийин иш, Леночка.

– Бундан чиқди, сиз бой эмасмисиз?

– Йўқ, бой эмасман.

– Бўлмаса мен ишлай қолай, сизга ёрдам берай...

У менга ялт этиб қаради, ўзи қизариб кетди. Бошини қўйи солганича мен томон бир-икки қадам ташлади-ю, бирдан икки қўллаб мени кучоқлаб олди, юзини кўкрагимга қаттиқ босиб турди. Мен ажабланиб унга тикилиб турардим.

– Мен сизни яхши кўраман, мен кибрли эмасман, – деди у. – Кеча сиз мени такаббур дедингиз. Йўқ, йўқ... Мен унақа эмасман... Мен сизни яхши кўраман. Дунёда битта сиз мени яхши кўрасиз...

Йиғи томоғидан хиппа бўғиб олгандек эди. Бир дақиқадан сунг, худди кечаги тутқаноғи тутган вақтдагидек кўксидан фарёд отилиб чиқди, энди у хўнграб-хўнграб йиғлар, менинг оёқларим остига тиз чўкиб қўлларимни, оёқларимни ўпарди...

– Сиз мени яхши кўрасиз! – такрорлади у. – Битта сиз, битта сизгина мени яхши кўрасиз!..

У менинг тиззаларимни жон-жаҳди билан кучоқларди. Кўп вақтдан бери кўксида сақланиб келган бутун ҳислари бирдан шалола каби шиддат билан отилиб чиқарди, ифбатли қалбининг ажиб матонати менга равшан бўлди. Кўнглидаги ҳисларини яширишда қалб қанча кўп матонат кўрсатса, уларни изҳор этиб, кўнгли бушатиш эҳтиёжи ундан ҳам даҳшатлироқ, кучлироқ бўлади. Инсоннинг бутун борлиғи бирдан мана бу севги, миннатдорчилик, навозиш, кўз

ёшларини тўкишга эҳтиёжи билан тўлиб тошиб кетган бўлса, у ўзини ортиқ тутиб тура олмайди, бу менга шу чоғ равшан бўлди!..

У шу қадар қаттиқ йиғладики, ниҳоят тутқаноғи тутиб қолди. Тиззамни кучоқлаб олган қўлларини аранг бўшатдим. Кўтариб диванга олиб бориб ётқиздим. Гуё менинг бетимга қарашга уялгандек, ёстикқа юзини қўйиб олиб, узоқ йиғлади, аммо менинг қўлимни ўзининг жажжи қўлчаси билан маҳкам ушлаб, кўксига қўйди-ю, анчагача қўйиб юбормади.

Аста-секин овуна бошлади, аммо ҳали ҳам юзимга қаролмасди. Бир-икки марта менга ўғринча кўз қирини ташлади. Бу қарашларда шунчалик меҳрибонлик ва кўрқа-писа яшириниб олган туйғу ифодаланарди. Ниҳоят, у қизариб-бўзариб, ширингиа жилмайиб қўйди.

– Енгил тортдингми? – сўрадим мен. – Кунгли ярим Леночкам, бетобгинам?

– Йўқ, Леночка эмас... – шивирлади у ҳамон мендан юзчасини яшириб.

– Леночка эмас? Нима бўлмаса?

– Нелли.

– Нелли? Нега энди, албатта, Нелли бўлиши шарт? Лекин бу жуда чиройли исм. Сен хоҳласанг, бундан кейин шундай деб айтаман.

– Онам мени шу исм билан атарди. Онамдан бошқа ҳеч ким ҳеч қачон мени Нелли деб чақирмаган... Мен ўзим ҳам онамдан бошқа ҳеч ким шу ном билан аташини хоҳламасдим. Майли, сиз айтсангиз майли. Мен бунга розиман. Мен сизни доимо севаман, бир умр...

«Севгига мушток, мағрур қалб, – ўйладим, – Нелли деб чақириш менга осонликча муяссар бўлмади». Бироқ бу қалб менга энди абадий мафтун эканлигини биламан.

– Нелли, менга қара, – сўрадим мен у тинчланиши билан, – битта онамдан бошқа ҳеч ким мени яхши кўрмаган, деб айтдинг. Буванг-чи, буванг ростдан ҳам сени севмасмиди?

– Севмасди...

– Сен бўлсанг у ўлгандан кейин йиғладинг, эсингда борми зинапояда.

У уйланиб қолди.

– Йўқ. Яхши кўрмасди. У ёвуз одам эди, – Неллининг юзида аллақандай алам ифодаланди.

– Ундан бунни талаб қилиб ҳам бўлмасди, Нелли. Мияси айниб қолганди, шекилли. У ўлганда ҳам жиннилардек ўлди. Қандай ўлганини мен сенга айтиб бергандим-ку.

– Ҳа, лекин охириги ойлардагина унинг эси пастроқ бўп қолган эди. Шу ерда эртадан-кечгача ҳақ деб ўтираверар, мен келмасам икки кун, уч кун ҳам ичига туз кирмасди. Авваллари анча тузук эди.

– Қачон?

– Онам ўлмасдан илгари.

– Демак, унга овқатни сен олиб келар экансан-да, а, Нелли?

– Ҳа, мен олиб келардим.

– Сен қаердан олардинг, Бубноваданми?

– Йўқ, мен Бубновадан ҳеч қачон, ҳеч нарса олмаганман, – деди у қатъий ва қандайдир титроқ овоз билан.

– Бўлмаса қаердан олардинг, ахир ҳеч нарсанг йўқ эди-ку!

Нелли индамади, ранги оппоқ оқариб кетди, кейин менга узоқ тикилиб қаради.

– Мен кўчаларда хайр тилардим... Беш тийин йиққаннимдан кейин унга нон, бурнаки сотиб олардим...

– Нелли! Неллигинам! Буванг сени шу ҳолга солганмиди?

– Энг олдин ўзим бошладим, унга айтмадим. Билиб қолгандан кейин ўзи мени хайр тилашга чиқара бошлади. Мен кўприкда туриб ўтган-кетганлардан тилайман, у кўприк атрофида юриб кутади, садақа берганларини кўриб қолса, югуриб келади-да, худди мен

ундан яшнрнб қўядигандек, у учун тиланмаётганим-дек пулни торгнб олади.

Бу гапларни айта туриб алам билан, захарли кулиб қўйди.

– Бу ишлар ҳаммаси онам ўлгандан кейин бўлди, – деди у, – шундан кейин жудаям жиннига ўхшаб қолди.

– Бундан чиқди у онангни қаттиқ яхши кўрар экан-да? Нега бўлмаса бирга турмаган?

– Йўқ, яхши кўрмасди... У ёмон эди, онамнинг гуноҳини кечирмади, худди кечаги баджаҳл чолдек, – ранги борган сари оқариб, шивирлаб гапирди у.

Мен ғалати бўп кетдим. Бутун бошли бир романинг ечими кўз олдимга келди. Тобутсознинг ертўласида аста-секин жон бераётган ана у бечора аёл, ўз қизини «оқ» қилган бобосини аҳён-аҳёнда йўқлаб турадиган етимча қиз, қандолат дўконида ити ўлгандан кейин жон берган, ақлдан озган тентак чол!

– «Азорка» олдин ойимники эди-да, – деди тўсатдан Нелли бир нарса эсига тушгандек жилмайиб. – Бувам олдин онамни жуда яхши кўрган, онам ундан кетиб қолгандан кейин «Азорка» бувамда қолган. Шунинг учун ҳам «Азорка»ни у жуда яхши кўрар эди... Онамни кечирмади, ит ўлгандан кейин, ўзи ҳам ўлиб кетди, – деб қўшиб қўйди тумтайиб Нелли, энди унинг юзидаги табассум ҳам йўқолган эди...

– Нелли, у ўзи илгари ким бўлган? – сўрадим бир оз сукутдан сўнг.

– У олдин жуда бадавлат бўлган... Мен унинг кимлигини билмайман, – жавоб берди у. – Унинг аллақанақа заводи бўлган. Онам шундай дерди. У авваллари мени кичкина деб, ҳамма гапини гапирмасди. Онам мени ўпиб-ўпиб қўярди-да: «Ҳаммасини биласан, вақти келиб ҳаммасини билиб оласан, бечорагинам, бахтсизгинам!» дерди. Ҳар доим мени бечора, бебахт деб айтарди. Кечалари мени ухлади деб ўйлаб (мен атайлаб

Ўзимни ухлаганга солардим), тепамда ҳамон йиғларди, ушиб-ушиб, «бечорагинам, бетолеим», деб йиғларди.

- Онанг нимадан ўлган?

- Сил касалидан; олти ҳафтача бўлди.

- Бувангнинг бой бўлган вақтини эслайсанми?

- Мен унда туғилмаган ҳам эдим-ку. Онам мен туғилмасдан илгари бувамникидан кетган экан.

- Ким билан кетган экан?

- Билмайман, - жавоб берди Нелли астагина хаёлчанлик билан. - У чет элга кетган, мен ўша ерда туғилганман.

- Чет элда? Қаерда?

- Швейцарияда. Мен ҳамма ерда бўлганман, Италияда ҳам, Парижда ҳам.

Мен ҳайрон қолдим.

- Шулар ҳаммаси эсингда борми, Нелли?

- Кўпи эсимда бор.

- Қандай қилиб сен русчани шунча яхши биласан, Нелли?

- Онам мени ҳали ўша ёқдагилимиздаёқ русчага ўргатган. У рус эди, чунки унинг онаси ҳам рус бўлган, бувам бўлса инглиз эди-ку, лекин руслашиб кетган экан. Биз бундан ярим йил илгари онам билан бу ерга қайтиб келганимиздан кейин яхши ўрганиб олдим. Онам ўшандаёқ касал эди. Бу ерда биз кундан-кунга камбағаллашиб кетавердик. Онам ҳадеб йиғлар эди. Онам Петербургга келганимиздан кейин бувамни жуда кўп қидирди, у ҳадеб, «Мен унинг олдида гуноҳқорман», деб йиғлайверарди. Шундай йиғлардики! Шундай йиғлардики! Бувамнинг қашшоқ бўлиб қолганини билгандан кейин ундан баттар йиғлади. Унга жуда кўп хатлар ёзарди, лекин у ҳеч жавоб қайтармасди.

- Онанг нима учун бу ерга қайтиб келган эди? Фақат шу отаси учунми?

- Билмайман. У ерда биз шундай яхши яшардикки,

- Неллининг кўзлари чакнаб кетди, - онам ёлғиз ўзи

мен билан турарди. Унинг битта ошнаси бор эди, сизга ўхшаган оққўнғил... У онамни аввалдан, бу ердан таниркан, аммо у одам ўлиб қолди. Шундан кейин онам қайтиб келди...

- Демак, онанг ўша билан кетган экан-да?

- Йўқ. У билан эмас. Онам бошқа бир одам билан, у бўлса онамни ташлаб кетган...

- Ким билан кетган экан, Нелли?

Нелли менга бир қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демади. Қарашидан онаси ким билан кетганини ва унинг отаси ким эканини биларди. Унинг номини ҳатто менга айтиш ҳам унинг учун оғир эди...

Ҳадеб суриштиравериб қийнагим келмади.. Бу ажойиб, таъсирчан, ўзгариб турувчи, қизғин, шу билан бирга, жўшқин ҳисларини яшира оладиган, ёқимтой, айна замонда мағрур ва писмиқ бир қиз эди. Мана шу кунлар давомида у мени чин қалбидан, энг ёрқин ва жўшқин муҳаббат билан севганини, ҳатто алам-изтиробсиз эслай олмайдиган онаси қатори севганига қарамай, у мен билан жуда кам очилиб гаплашарди, шу кундан бошқа ўтмиши ҳақида мен билан камдан-кам ҳасратлашадиган, мендан чўчигандек сир сақлайдиган бўлиб қолди. Бироқ шу кун, бир неча соат давомида у ўзининг энг оғир, ҳаяжонлантирувчи хотираларини ҳиқиллаб йиғлаб туриб, алам билан гапириб берди. Бу мудҳиш ҳикоя ҳеч қачон хаёлимдан кетмайди. Бироқ ҳикоянинг муҳим қисми ҳали олдинда...

Бу мудҳиш қисса, бебахт, дилпора, ташлаб кетилган бир аёл қиссаси эди. Бемор, хўрланган, ҳамма тарк этган, сўнгги умиди, суянган тоғи – бир вақтлар ўзи ҳақоратлаган ва ўз навбатида даҳшатли хўрликларга бардош беролмай ақлдан озган ёлғизгина отаси томонидан тарк этилган ғариб, мискин аёлнинг қиссаси эди... Бу қисса орзу-умидлари топталиб, кичкинагина қизчаси билан Петербургнинг совуқ, ифлос кўчаларида тентираб, тиланиб юрган, охири зах ертўла-

да ойларча ўлим тушагида ётган, ҳаётининг охирги дақиқаларигача отаси афв этмаган заифанинг қиссаси эди, ниҳоят, энг охирги дақиқадагина қилмишидан пушаймон еб, ёруғ дунёда ўзи учун энг азиз бўлган фарзандини афв этиш учун келиб, унинг совуқ мурдаси устидан чиққан ота қизининг тарихи эди. Бу мияси айниган чол билан унинг ёш бўлишига қарамай, ҳаётининг аччиқ-чучугини тотган, тинч ва осойишта ҳаётда яшовчи бир кимса кўп йиллар давомида тушуниб етолмайдиган нарсаларга фаросати етадиган кичкинагина набирача ўртасидаги сирли, англаб бўлмайдиган муносабат ҳақидаги ажойиб ҳикоя эди.

Ҳа, бу мудҳиш воқеа Петербургнинг булутли осмон остида, шаҳри азимнинг хилват кўчаларида тез-тез бўлиб турадиган, ўта худбинлик, шахсиятпарастлик, жирканч кайф-сафо, яширин жиноятлар, бемаъни ва чиркин ҳаёт шароитида рўй берадиган воқеаларнинг энг даҳшатлисидир.

Бироқ буни кейин эшитасиз...

УЧИНЧИ ҚИСМ

І БОБ

Аллақачон қоронғи тушиб, кеч киргандан кейингина мен мудҳиш рўёлардан ўзимга келдим. Ҳозирги ишлар эсимга тушди.

– Нелли, – дедим, – мана ҳозир бетобсан, хафасан, мен бўлсам сени шу аҳволда, ҳаяжонларинг, кўз ёшларинг билан қолдиришим керак. Азизим, меини кечир, билгинки, сендан бошқа яна бир севимли, лекин афв этилмаган, бебахт, хўрланган, ташланиб кетилган бир кимса бор. У мени кутаётир. Ўзим ҳам, сенинг ҳикояларингдан сўнг уни кўришга шу қадар ошиқяпманки, назаримда ҳозир, шу тобнинг ўзида уни кўрмасам чидаб туролмайдиганга ўхшайман.

Билмадим, Нелли менинг айтганларимнинг ҳаммасини тушундим, йўқми? Мен унинг ҳикоясиданми, яқиндагина касалдан турганимданми, қаттиқ ҳаяжонлангандим, дарҳол Наташанинг олдига югурдим. Мен уникига кирганимда алламаҳал бўлган, соат саккиздан ошиб кетган эди.

Ҳали кўчадаёқ, Наташа турадиган ҳовлининг дарвозаси олдида коляскага кўзим тушди, назаримда, у князнинг коляскасидек туюлди. Наташаникига ҳовлидан кирилар эди. Зинага оёқ қўйишим билан, мендан бир неча пиллапоя юқорида, бу жой билан нота ниш ер бўлгани учун эҳтиётлик билан пайпасланиб чиқиб кетаётган одамнинг шарпасини эшитдим. Бу князь бўлса керак, деган фикр дилимдан ўтди. Бирок

Ўз фикримдан дарров қайтдим. Нотаниш одам зинадан кутариларкан, ҳадеб вайсар, йўлни сукар, кутарилгани сари сукиши ҳам авжига чиқарди. Бешак зинапоя тор, ифлос, типпа-тик, қоп-қоронғи эди, бироқ учинчи қаватдан эшитилаётган болохонадор сукишлар князь оғзидан чиқишига ақлим бовар қилмасди. Чиқиб кетаётган жанобнинг оғзидан оқ ит кириб, қора ит чиқмоқда эди. Шукрки, учинчи қаватда ёруғ бошланди. Наташанинг эшиги тепасида кичкинагина фонус ёнмоқда эди. Худди эшик олдида мен нотаниш кишига етиб олдим, бу одам князь эканлигини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Мен билан тасодифан тўқнаш келгани унга жуда ҳам ёқимсиз туюлди, шекилли. Дафъатан, у мени таний олмади, бироқ бирдан унинг чехраси ўзгарди. Юзида пайдо бўлган дастлабки ғазаб ва нафрат ифодаси бирдан йўқолиб ёришиб кетди. Фавқулодда шодлик билан менга икки кўлини узатди.

– Эй, сизмисиз! Мен бўлсам ҳозир жонимни ўз паноҳингда сақла деб Худога ёлвормоқчийдим. Сўкинишларимни эшитдингизми?

У жуда ҳам соддадиллик билан қаҳ-қаҳ уриб кулди. Аммо бирдан унинг юзида жиддият ва ташвиш аломати пайдо бўлди.

– Қандай қилиб Алёша Наталья Николаевнани шу уйга кўчириб келган? – деди у бошини силкитиб. – Мана шунақанги майда-чуйдалардан одамнинг кимлигини билиш мумкин. Ундан жуда ташвиш тортаман. У ювош, оққўнгил, лекин мана сизга бир мисол: жонидан ортиқ севган одамани мана шу қафасга тиқиб қўйибди. Мен эшитдимки, баъзан ейишга нонлари ҳам бўлмас эмиш, – деди у шивирлаб кўли билан эшик кўнғироғини изларкан, – мен унинг келажагини ўйласам, айниқса, Анна Николаевнанинг ўғлимга теккандан кейинги келажагини ўйласам, бошим қотади...

У Наташанинг номини янглиш айтди, лекин кўнғироқни тополмасдан хуноб бўлиб тургани учун янглиш-

ганини ҳам сезмади. Кўнғироқчанинг ўзи йўқ эди. Мен эшик ҳалқасини тортдим ва шу заҳотиёқ Мавра эшик очиб, шоша-пиша бизни қарши олди. Даҳлиздан тахта билан тўсиб қилинган кичкинагина ошхонада, қия очилиб турган эшикдан унча-мунча тайёргарлик кўриб қўйилгани кўзга ташланарди: ҳамма ёқ қиртишлаб тозаланган, печкага ут ёқилган, стол устида қандайдир янги идиш-оёқ пайдо бўлган эди. Бизни кутаётганлари билиниб турарди. Мавра пальтоларимизни ечишга шошилди.

– Алёша шу ордами? – сурадим мен.

– Келгани йўқ, – шивирлади у менинг қулоғимга аллақандай сирли оҳангда.

Биз Наташанинг олдига кирдик. Унинг хонасида деярли ҳеч қанақа тайёргарлик кўринмас, ҳаммаси аввалгидек жой-жойида эди. Шуни ҳам айтиш керакки, Наташанинг хонаси ҳамиша топ-тоза, шинам бўлар, йиғиштириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Наташа бизни эшик олдида кутиб олди. Гарчи унинг сўлғин ёноқларига бир зум қизил югурган бўлса ҳам, озиб кетган заъфарондек сап-сарик ориқ юзларини кўриб, жуда таажубландим. Унинг кўзлари жавдирар эди. У индамасдан, шошилганича князга қўлини узатди, унинг довдирагани, хижолат чекаётгани сезилиб турарди. Менга қиё ҳам боқмади. Мен индамай кутиб турдим.

– Мана, мен ҳам келдим! – дўстона ва шодлик билан гапирди князь. – Қайтганимга бир неча соатгина бўлди, холос. Ҳамма вақт кўз олдимдан кетмадингиз (у мулойимлик билан Наташанинг қўлини ўпди), – неча маротаба сиз ҳақингизда ўйладим, билсангиз... Сизга айтиш учун қанча гаплар ўйлаб қўйдим... Албатта, ҳали мириқиб гаплашамиз-ку! Назаримда, менинг енгилтагим ҳали келмаганга ўхшайди-а...

– Кечирасиз, князь, – деди Наташа унинг сўзини бўлиб, уялганидан қизара-бузара, – Иван Петровичга

икки оғиз сўз айтишим керак. Ваня, бу ёққа юр... Бир оғиз гапим бор...

У мени қўлимдан ушлаб, ширма орқасига олиб кирди.

– Ваня, – деди у шивирлаб, мени қоронғи бурчакка олиб кириб, – мени кечирасанми, йўқми?

– Наташа, қўйсанг-чи, сенга нима бўлди?

– Йўқ, йўқ, Ваня жуда кўп мартаба мени кечириб келдинг. Ахир ҳар қандай тоқат ҳам тоқ бўлади-да, биласанми, ҳеч қачон мендан кўнглинг қолмайди, аммо мени нонкўр деб аташинг мумкин, кеча ҳам, аввалги кун ҳам сенинг олдингда нонкўр, худбин, бемехрман...

Бирдан унинг ёшлари дув тўкилиб юзини елкамга қўйди.

– Бас, Наташа, – овутишга шошилдим мен. – Туни билан оғриб чиқдим; ҳозир ҳам зўрға турибман, шунинг учун кеча кечкурун ҳам, бугун ҳам келолмадим, сен бўлсанг мени хафа бўлган, деб ўйлабсан... Дўстим, ахир сенинг қалбингда нималар бўлаётганини билмайманми?

– Бўпти, бўлмаса... демак, ҳар вақтдагидек яна кечирибсан, – деди у кўз ёшлари орасидан жилмайиб ва қўлимни қаттиқ қисиб. – Қолганларини кейин гаплашамиз. Сенга жуда кўп нарсалар айтишим керак, Ваня. Энди юр, унинг олдига чиқайлик...

– Тезроқ, Наташа, тўсатдан уни ёлғиз қолдирдик...

– Мана, ўзинг кўрасан, нима бўлишини, – шивирлади шошилиб. – Ҳаммасини биламан, ҳаммасига ақлим етади. Ҳаммасига айбдор ўшанинг ўзи. Бугунги оқшом кўп гапларни ҳал қилади... Юр!

Мен тушунмадим, аммо қайтадан сўрашга вақт йўқ эди. Наташа князь олдига очик чехра билан чиқди. У ҳамон қўлида шляпасини ушлаганича типпа-тик турарди. Наташа кулиб ундан узр сўради, шляпасини олди, унга стул суриб қўйди, учаламиз унинг столи атрофига ўтирдик.

– Мен ўзимнинг енгилтак ўғлим ҳақида гап бошлаган эдим, – давом этди князь, – уни бир дақиқагина

кўрдим, холос. У ҳам бўлса кўчада, графиня Зинаида Фёдоровнаникига бориш учун коляскага ўтираётган вақтида учратдим. Ўлгудай шошилаётган экан, буни қарангки, тўрт кундан бери кўришмаганимизга қарамай, ўрнидан туриб мен билан хонамга киришни ҳам раво кўрмади. Ҳозир у сизнинг хузурингизда бўлмаганига айбдор мен ўзим, Наталья Николаевна, биз ундан илгари келдик, ўзим бугун графиняникига боролмаганим учун фурсатдан фойдаланиб, унга битта топшириқ бердим. Аммо у ҳадемай келиб қолади.

– Сизга бугун келаман, деб ваъда берганмиди? – сўради Наташа жуда ҳам соддалик билан князга қараб.

– Эй, келмай нима қиларди, тагин сўрайсиз-а, тавба! – деди у хайрат билан Наташага тикилиб. – Ҳа, ҳа, биламан, сиз ундан хафасиз. Нафсиламр, ҳаммадан кейин келиш унга ярашмайди. Лекин такрор айтаман, мен ўзим айблиман. Ундан ҳам хафа бўлманг. У энгилтак, бетайин, мен унинг ёнини олмайман, аммо баъзи бир муҳим мулоҳазалар шуни тақазо қиладики, унга ҳозир графиня ва бошқа баъзи бир керакли оилалардан узоқлашиш эмас, аксинча, уларга мумкин қадар яқинлашиш, тез-тез бориб туриши керак. Сизнинг олдингиздан бир қадам жилмай, киборлар муҳитини бутунлай эсдан чиқарган ўғлимни ҳар замонда баъзи бир топшириқлар билан бир-икки соатга банд этсам, хафа бўлмайсиз. Аминманки, у ўша оқшомдан бери бирор марта ҳам княгиня К.никида бўлмаган, ҳали шуни сўраб қолмаганим учун энди ўзимни койияпман!..

Мен Наташага қарадим. У князь гапларини энгил кинояли табассум билан тингларди. Аммо князь шундай ишонч билан, шундай табиий гапирардики, бирор нарсадан гумонсирашга ҳеч ўрин йўқдек туюларди.

– Мана шу кунларда у меникига бирор марта ҳам келмаганини ростдан билмасмидингиз? – секин сўради Наташа хотиржам овоз билан, гуё у ўзи учун энг оддий ҳодиса ҳақида гапираётгандек.

- Нима-нима? Бирор марта келмади, дедингизми? Тушунтириброқ гапиринг! – деди князь жуда ҳам ҳайратга тушгандек.

- Сиз меникига сешанба куни кечкурун алламаҳалда келган эдингиз; эртасига эрталаб у ярим соатгагина келиб-кетди, ушандан бери дом-дараги йўқ.

- Йўғ-е, мумкин эмас (унинг тобора ҳайрати ошарди). Мен бўлсам у сизнинг олдингиздан кўзғалмай ўтирибди, деб юрибман. Кечирасиз, аммо бу жуда ғалати гап... Ақл бовар қилмайди!

- Афсуски, ҳақиқатда шундай. Мен бўлсам унинг қаердалигини билиш учун сизни орзиқиб кутаётган эдим.

- Эй, тавба! Лекин ўзи ҳали замон кеп қолади! Аммо сизнинг гапингиз мени шу қадар гангитиб қўйдики... Мен ундан ҳамма нарсани кутишим мумкин эди, аммо буни, буни – асло!...

- Нега мунча таажжубланасиз? Мен таажжубланиш у ёқда турсин, шундай бўлишини билардингиз, деб ўйловдим.

- Билардим! Мен-а? Ишонинг, Наталья Николаевна, мен уни шу бугун бир зумгина кўрдим холос, ҳеч кимдан уни сўраганим ҳам йўқ. Гуё ишонмаганингиз мени ҳайратга соляпти, – давом этди у иккимизга қараб қўйиб.

- Худо сақласин, – деди унинг гапини оғзидан олиб Наташа, – гапингизнинг ростлигига ишонамиз.

У яна князнинг кўзига тикка қараб туриб шундай кулиб қўйдики, назаримда, князнинг томири тортишиб кетди.

- Тушунтириб гапиринг, – деди у саросимага тушиб.

- Тушунтирадиган ҳеч гап ҳам йўқ. Мен тўғриси-ни айтаман-қўяман. Сиз уни қанчалик енгилтак, қанчалик эси жойида эмаслигини биласиз. Гап шу, энди унинг жилови бўшатиб юборилган, шунга кўра у ҳам билганини қилиб юрибди.

– Аммо бунчалик бебош бўлиб кетиши мумкин эмас ахир, бу ерда бир гап бўлиши керак, кўрасиз, келиши билан ҳамма гапни айтишга мажбур қиламан. Аммо ҳаммадан кўп мени таажжублантираётган нарса шуки, назаримда сиз бу масалада мени ҳам айблаётганга ўхшайсиз, ваҳоланки, мен ўзим бу ерда бўлмаганман. Аммо-лекин Наталья Николаевна, сиз ундан тоза хафага ўхшайсиз, бу табиий! Сиз бунга тўла ҳақлисиз ва... ва шунинг учун мени гуноҳкор ҳисоблашингиз тўғри, кўзингизга аввал мен кўринганим учун аламингизни мендан оляпсиз, тўғримми? – давом этди ва зарда билан мийиғида кулиб менга қаради.

Наташа бўғриқиб кетди.

– Рухсат этинг, Наталья Николаевна, – давом этди у виқор билан, – гуноҳкорлигимга иқрорман, айбим шуки, мен сиз билан танишганимнинг эртасигаёқ жўнаб кетдим, менинг сезишимча, табиатингиздаги ҳар нарсага гумонсирайвериш одатингиз туфайли мен ҳақимдаги фикрингизни ўзгартиришга улгурибсиз, бу шароит тақазоси. Кетмаганимда эди, сиз мени яқинроқ билган бўлардингиз, Алёша ҳам менинг назоратим остида енгилтаклик қилмаган булар эди. Шу бугуноқ эшитасиз унга нималар дейишимни.

– Яъни шундай қиласизки, у мендан совий бошлайди. Сизнинг шу донолигингиз билан, бу чора менга фойда етказди, деб ўйлашингизга кишининг ақли етмайди.

– Ҳали, бу ўғлининг кўнглини мендан совитиш учун атайлаб шундай қиляпти, деб шама қилмоқчисиз, шекилли? Мени ранжитяпсиз, Наталья Николаевна!

– Мен ким билан гаплашмайин, мумкин қадар шама қилиб гапирмасликка уринаман, – деди унга жавобан Наташа, – аксинча, ҳамма вақт, иложи борица, тўғрисини гапиришга ҳаракат қиламан, бунга ўзингиз балки шу бугуноқ ишонч ҳосил қиларсиз. Сизни хафа қилишни ҳам истамайман, бунга ҳожат ҳам йўқ,

шунинг учун ҳамки сиз барибир, мен нима десам ҳам гапимдан хафа бўлмайсиз. Бунга мен тўла ишонаман ҳам, негаки, орамиздаги муносабатни ҳам жуда яхши тушунаман: ахир сиз бунга жиддий карамайсиз, тўғри эмасми? Аммо мен сизни ростдан ҳам хафа қилган бўлсам... меҳмондўстлик бурчини адо этиш юзасидан узр сўрашга тайёрман.

Наташа шу жумлани енгилгина ва ҳатто лабларида табассум билан ҳазил оҳангда гапирган бўлса ҳам, мен уни ҳеч қачон бунчалик серзарда кўрмаганман. Шу уч кун ичида қалби қанчалик изтироб чекканини эндигина тушундим. Унинг ҳамма нарсани билиб, ақлим етиб турибди, деган сирли сўзлари мени кўрқитиб юборди, булар князга тегизиб айтилаётган эди. У энди князь ҳақидаги ўз фикрини ўзгартирган, унга душман деб қараётгани очиқдан-очиқ билиниб турарди. У ўзининг Алёша билан иши ўнгидан келмаслигини унинг таъсири натижаси деб билар ва бунга қандайдир далили ҳам бордек эди. Ораларида тусатдан жанжал чиқиб кетишидан кўрқар эдим, негаки, Наташанинг ҳазиломуз гапларининг маъниси равшан, ҳаддан ташқари пардасиз эди. Унинг князга айтган охирги сўзи, яъни уларнинг муносабатига князнинг жиддий қаролмаслиги, меҳмондўстлик туфайли ундан узр сўраши, шу оқшомнинг ўзида очиқ гапира олишга кудрати етишини таҳдидомуз айтиши шу қадар заҳарли ва шу қадар ниқобсиз эдики, князь буларнинг ҳаммасига тушунмаган бўлиши асло мумкин эмасди. Мен унинг ранги ўзгариб кетганини кўрдим, аммо у ўзини қўлга олишни биларди. У шу заҳоти ўзини айтилган гапларни сезмаганга, уларни асли маъносига тушунмаганга солди ва ҳазилга олди-ю:

– Худо урибдими сиздан узр талаб этиб! – деди кулиб. – Мен буни истаганим ҳам йўқ ва умуман, аёллардан узр сўрашни талаб этиш одати менда йўқ. Ўша, сиз билан биринчи кўришганимиздаёқ феълим қа-

нақалигини айтиб, огоҳлангириб ўтган эдим, шунинг учун мен битта гап айтсам, модомики, гап умуман ҳамма аёллар ҳақида бораркан, хафа бўлмасангиз керак; сиз ҳам менинг фикримга қушилсангиз керак, – давом этди у мулозамат билан менга мурожаат қилиб. – Мен аёл характерида шундай бир хислат сездимки, масалан, хотин киши бирор масалада айбдор бўлса, у кейинчалик ўз айбини ювиш учун минг хил ноз-карашма қилса қиладики, аммо у ўла қолса ҳам, худди ўша айб устида тутилса, шу дақиқада унга иқроор бўлиб, афв сўрашга рози бўлмайди. Шу равишча, фараз қиламиз, сиз мени хафа қилган бўлсангиз ҳам, мен ҳозир, шу дақиқа атайлаб узр сўрашингизни хоҳламайман; менга кейинчалик, сиз ўз хатоингизни тушуниб, уни ювиш учун мендан минг навозиш-ла узр сураганингиз афзалроқ.. Сиз бўлсангиз, шу қадар софдил, шу қадар пок, зоҳиран шу қадар нафиссизки, Худо ҳаққи, кўнглим сезиб турибди, ўша пушаймон еган дақиқаларингиз ажойиб, жозибадор бўлади. Аммо афв сўраш ўрнига, яхшиси, шуни айтингки, мен сиз билан ўйлаганингиздан самимийроқ, тўғри муносабатда бўлишимни шу бугуннинг ўзидаёқ бирор йўл билан исбот эта оламанми-йўқми?

Наташа қизариб кетди. Менга ҳам князнинг жавобида қандайдир ҳавойилик, ҳатто илтифотсизлик, аллақандай беҳаё ҳазилкашлик оҳанги эшитилаётгандек бўлди.

– Сиз менга нисбатан самимий ва софдил эканлигингизни исбот қилмоқчимисиз? – сўради Наташа унинг жиғига тегиб.

– Ҳа.

– Шундай бўлса менинг илтимосимни бажаринг.

– Жоним билан.

– Илтимос шу: менинг ҳақимда на бир оғиз гап, на бир имо-ишора билан бугун ҳам, эрта ҳам Алёшани безовта қилмайсиз. У мени эсдан чиқариб қўйганини

на юзнга селасиз ва на унга насихат ўқийсиз. Мен уни шундай кутиб оламанки, гўё орамизда ҳеч гап ўтмагандай ҳеч нарсани сезмасин. Менга шу керак. Шунақа сўз берасизми менга?

– Бажонидил! – жавоб берди князь. – Чин қалбимдан шу сўзларни айтиб қўйишга ижозат беринг: мен бундай ишларда ҳеч кимда бундан ортиқ донолик, бундан ортиқ софдиллик кўрмаганман... Ҳа, Алёшанинг ўзи ҳам келди шекилли.

Дарҳақиқат, йўлакда шов-шув эшитилди. Наташа чўчиб тушди ва гўё нимагадир тайёргарлик кураётгандек бўлди. Князь жиддий қиёфада ўтирар ва бир нима бўлишини кутар, Наташага синчиклаб разм соларди. Эшик очилди-ю, елиб-югуриб Алёша кирди.

II БОБ

Дарҳақиқат, у очиқ чехра, шод ва шўхлик билан югуриб кирди. Шу тўрт кунни у ростдан ҳам хурсандчилик билан бахтиёр ўтказгани кўриниб турарди. Унинг бизга бир нарсани айтмоқчи экани худди пешонасига ёзиб қўйилгандек равшан эди.

– Мана, мен ҳам келдим! – деди у уйни бошига кўтариб. – Ҳаммадан илгари келишим керак эди-ю, кечикдим. Аммо ҳозир ҳаммасини, ҳаммасини биласизлар. Ҳали, дада, сен билан бир оғиз гаплашолмадик, сенга айтадиган гапларим жуда кўп эди. Дадам ҳуши келган дақиқаларда менга ўзини «сенлаш»га рухсат беради, – ўз гапини бўлди у менга юзланиб. – Бошқа вақтларда Худо кўрсатмасин! У шундай йўл тутади, мени бирдан сизлай бошлайди. – Аммо шу бугундан бошлаб у ҳаммиша яхши кайфиятда бўлишини хоҳлайман, шундай қиламан ҳам! Умуман айтганда, мен шу тўрт кун ичида жуда ҳам ўзгариб кетдим. Тамом ўзгардим, ҳаммасини гапириб бераман. Кейинроқ. Ҳозир энг муҳими ана у! Ана ўзи! Ана, Наташа, жонгинам, саломатмисан,

фариштам? – деди у Наташанинг ёнига ўтира туриб, унинг қўлларини орзиқиб ўпар экан. – Шу тўрт кун ичида сени жуда соғиндим, аммо иложим қанча, келолмадим! Улгура олмадим. Жонгинам! Назаримда озиб қолибсанми? Рангларинг кетиб қолибди...

У завқ билан Наташанинг қўлларидан ўпар, қараб тўймагандек ўзининг ажойиб гўзал кўзлари билан унинг юзларига суқланиб боқар эди. Мен Наташага қарадим, унинг кўзларида иккимизнинг ҳам фикримиз бир «унда ҳеч қандай айб йўқ», деган ифодани кўрдим. Ҳа, қўй оғзидан чўп олмаган Алёша қачон айбли бўларди? Наташанинг қалбида тўпланиб ётган қон гўё бошига ургандек, унинг рангсиз ёноқларига қизил югурди, кўзлари чақнади ва у ғурур билан князга қаради.

– Хўш... бўлмаса... шунча кундан бери қаёқда эдинг? – деди у боёқ ва титроқ овоз билан. У энтиқиб оғир-оғир нафас олар эди. Ё Раббий, қанчалик севарди-я уни!

– Ахир шуни айтяпман-да, гўёки мен сенинг олдингда айбдордекман. Гўёки эмиш. Ростдан ҳам айблиман, бунини ўзим биламан, билганим учун олдинга келдим. Катя кеча ҳам, бугун ҳам, бунчалик бепарволикни аёл киши кечиролмайди деди (ахир у сешанба куни бизда нима аҳвол рўй берганини билади. Ҳа, эртасигаёқ гапириб берганман). Мен у билан роса олишдим, бу аёлни Наташа дейдилар, бу оламда унга тенг келадиган битта одам бор, у ҳам бўлса Катя дедим: мен бекорга баҳслашганим йўқ, ютиб чиқдим, шуни билганим учун бу ерга келдим. Сенга ўхшаш фаришта кечирмай қўярдимми? Келмадимми, демак, бирор нарса тўсқинлик қилган, бу нарса кўнгли совиганини билдирмайди, шундай деб ўйлайди менинг Наташам! О, сендан кўнгил совиши мумкинми? Ахир шу мумкинми? Сени соғинавериб юрак-бағрим эзилиб кетди-ку! Лекин барибир, мен айбли! Лекин барибир, мен айбли! Ҳаммасини билгандан кейин сен ўзинг мени би-

ринчи бўлиб оқлайсан! Ҳозир ҳаммасини ҳикоя қилиб бераман. Мен ҳаммангизнинг олдингизда кунглим сирларини айтишим керак. Шунинг учун ҳам келдим. Шу бугун (ярим дақиқагина бўш вақтим бор эди) сени биттагина ўпиб кетиш учун ғизиллаб келиб кетмоқчийдим, йўқ, яна бир монелик чиқди: Катя қандайдир ғоят зарур иш билан дарқол ҳузурига чақириб қолди. Бу, ҳали мен извошда ўтирган пайтимда. Дада, сен мени кўрганингдан аввал бўлган эди; мен бошқа сафар, бошқа мактуб билан Катянинг олдига кетаётган эдим. Чопарлар хат билан куни бўйи у уйдан бу уйга танда қўйишган эди. Иван Петрович, сизнинг ёзиб қолдирган мактубингизни мен фақат кечаси ўқишга улгурдим. Ёзган гапларингиз ҳаммаси тўғри. Аммо нима иложим бор, танимни бўлолмайман-ку! Ўзимча, эртага кечкурун ҳамма гуноҳимни ювиб юбораман, деб ўйладим. Негаки бугун кечкурун ҳам сенинг олдинга келмаслигимнинг иложи йўқ эди, Наташа.

– Қанақа мактуб эди у? – сўради Наташа.

– Иван Петрович кеча уйимга бориб, мени тополмай хат ёзиб кетибди, сенинг олдинга келмаганим учун бошлаб сўкибди. У тўғриси эзган, ҳаққи бор. Бу воқеа кеча бўлган эди.

Наташа ялт этиб менга қаради. Князь:

– Катерина Фёдоровнаникида эртадан-кечгача ўтиришга вақт топасан... – деган эди, Алёша:

– Биладан, нима демоқчилигингни биламан, – деб сўзни кесди. – «Катяникига боришга баҳона топсанг, унда, бу ерга келишга икки баробар кўп баҳона топишинг керак эди», демоқчисан. Фикрингга қўшиламан ва ўзим ҳам қўшимча қилишим мумкин: бунга икки марта эмас, миллиондан ортиқ баҳона топишим мумкин эди. Аммо ҳаётда шундай ғалати, кутилмаган ҳодисалар юз берадики, ҳамма нарса айқаш-уйқаш, остин-устин бўлиб кетади. Хўш, деганингиздан, шу ҳодисалар менинг ҳам бошимдан ўтди. Айтяпман-ку, мен шу кун-

ларда тамом, тиш-тирноғимгача ўзгардим. Шундан хулоса чиқариш керакки, муҳим ҳолат юз берган!

– Эй, Худойим, нима бўлди ахир? Одамни кўп хит қилмай гапира қолсанг-чи! – деди Наташа Алёшанинг қизишиб кетганидан кулимсираб.

Дарҳақиқат, Алёша бир оз кулгили эди: у шошилар, лаби лабига тегмай бидирлар, пала-партиш гапирар, тўхтовсиз гапиришни истарди. Сўзлаб туриб ҳам Наташа қўлини қўйиб юбормас, гўё ўпиб тўймагандек дам-бадам лабига олиб борар эди.

– Гап шунда-да! Менда шу қадар муҳим ҳолат юз бердики! – давом этарди Алёша. – Эй, дўстларим! Мен нималар кўрмадим, нималар қилмадим, қандай одамлар билан танишмадим. Биринчидан, Катя камолотга эришган бир қиз экан! Мен уни шу чоққача ҳеч ҳам, жиндак ҳам билмас эканман! Ўша, сешанба куни, мен сенга у ҳақда гапирганимда ҳам, уни яхши билмас эканман, эсингда борми, Наташа, мен у ҳақда баланд руҳ билан гапирган эдим. Лекин уни тирноқча ҳам билмас эканман. Унинг ўзи худди шу пайтгача мендан яшириниб юрган экан. Аммо энди биз бир-биримизни обдан тушуниб олдик. Биз энди бир-биримиз билан «санлаб» гаплашамиз. Бироқ шошманглар, бошидан бошлайман: биринчидан, Наташа, сен билсайдинг, у сен ҳақингда, ўша куни эртасига – чоршанба куни олдига бориб, орамизда утган гапларни гапириб берганимдан кейин, нималар деганини билсайдинг... Ҳа, эсимга тушяпти. Ўша куни – чоршанба куни эрта-лаб сенинг олдинга келганимда, ўзимни шу қадар аҳмоқона тутдимки, ўзим энди ҳайрон қоламан. Сен мени шодлик билан қарши олдинг, янгидан рўй берган аҳвол бутун вужудингни қамраб олган, мен билан якка шу ҳақда гаплашмоқчи бўласан; ўзинг ғамгин бўлганинга қарамай, шўхлик қиласан, мен билан ўйнашасан, мен бўлсам сиполик қилиб, ўзимни катта оламан! Вой, аҳмоғ-эй! Аҳмоқ! Худо ҳақи, ўшанда мен

олифтагарчилик қилиб яқинда куёв бўлишимни, сипо одам бўлишимни кўрсатмоқчи, мақтанмоқчи бўлувдим. Тағин ким олдида керилмоқчи бўлдим – сенинг олдингда-я! Эҳ, ўшанда тоза мени масхара қилган бўлсанг кераг-а, масхара бўлишга лойиқ эканман!

Князь индамасдан, лабларида қандайдир тантанали кинояомуз кулги билан Алёшага қараб ўтирар эди. Худди у ўғли ўзини енгилтабиат, кулгили қилиб кўрсатаётганидан хурсанддек. Мен ўшанда бутун оқшом унга разм солиб ўтирдим ва ўзимча, гарчи князь ўғлини оташин оталик меҳри билан севишини гапирса ҳамки, у ўғлини асло севмаслигига ишондим.

– Сендан кейин мен Катяникига кетдим, – жаврарди ҳамон Алёша. – Мен айтдим-ку, худди шу бугун эрталаб бир-биримизни жуда яхши билиб олдик деб. Бу шундай рўй бердики... ҳатто эсимда ҳам йўқ... Бир неча оташин сўзлар, бир неча ҳиссиёт, очиқчасига айтилган фикрлар бизни абадий яқинлаштирди. Наташа, Наташа, сен уни билишинг керак! Сенинг қанақалигингни тушунтириб, нақадар ажойиб сўзлар айтди. Сен мен учун бебаҳо бир хазина эканингни тушунтирди. Аста-секин у менга ўзининг ҳаётга бўлган қарашларини ва орзуларини гапириб берди; у шу қадар жиддий, шу қадар жўшқин юракли қизки! У бурч, мақсад ҳақида, биз барчамиз инсоният учун хизмат қилмоғимиз ҳақида гапирди. Иккимиз шу қисқа беш-олти соатлик суҳбат асносида бир-биримизни тамоман тушуниб олдик, ниҳоят суҳбат шу билан тамом бўлди: иккимиз қиёматли дўст бўлишга, умримиз борича бирга иш кўрмоққа қасамёд этдик!

– Қанақа иш? – сўради князь хайрон бўлиб.

– Мен шу қадар ўзгардимки, дада, булар барчаси сени хайратга солиши турган гап; ҳатто эътироз билдиришингни ҳам олдиндан сезиб турибман, – жавоб берди тантана билан Алёша. – Сиз ҳаммангиз тажрибакор одамларсиз, сизлар қолиб кетган, жиддий, қаттиқ қои-

даларга риоя қиласиз, сиз барча янгиликка, янги тушунчага ишончсизлик, душманлик билан қарайсизлар, уни масхара қиласизлар. Аммо энди мен, бундан бир неча кун илгариги сен билган одам эмасман, бошқа одамман! Мен ҳаммага, оламда бор ҳамма нарсага тик қарай оламман. Агар мен ўзимнинг маслагим адолатли эканини билсам, жоним борича шунинг орқасидан кетаман ва агар мен йўлдан адашмасам, демак, мен соф виждонли инсонман. Бўлди бас. Шундан кейин нима десанглар деяверинглар. Мен ўзимга ишонаман.

– Уҳў! – деди князь истехзо билан.

Наташа олазарақ бўлиб бизга бир-бир қаради. У Алёшани ўйлаб ташвиш қиларди. Алёша бир гапга тушиб кетгандан кейин кўпинча алжиб кетиб кулги бўлиб қоларди, Наташа буни яхши биларди. Алёшани бизнинг олдимизда, айниқса, отаси олдида майна бўлишини истамасди.

– Сенга нима бўлди, Алёша? Бу гапларинг аллақанақа-аллақанақа фалсафа-ку, – деди у, – сенга биров ўргатган шекилли: яхшиси, бўлган гапни айт.

– Гапиряпман-ку! – деди Алёша қичқириб. – Билсанг, Катянинг иккита узоқ қариндоши, аллақанақа амакиваччалари, Левинька ва Боринькалар бор экан, биттаси талаба, биттаси оддий бир йигит. Катянинг улар билан алоқаси бор, улар бўлса жуда ажойиб одамлар! Ўз приципларига асосан графиняникига келишмайди. Биз Катя билан инсоннинг мақсади, вазифаси ва ҳоказолар хусусида гапиришганимизда, у шуларни тилга олди ва дарҳол уларга хат ёзиб берди. Мен шу заҳоти улар билан танишиш учун югурдим. Шу оқшомнинг ўзида биз ҳаммамиз тил топишиб олдик. У ерда ўн икки ҳар турли одамлар, талабалар, офицерлар, рассомлар бор эди, битта ёзувчи ҳам бор... Улар ҳаммаси Иван Петрович, сизни яхши билишади, яъни сизнинг кўп асарларингизни ўқишган ва келажакка сиздан умидлари жуда катта. Улар ўзлари шундай

дейишди. Мен уларга сиз билан танишлигимни айтдим, уларни сиз билан таништиришга ваъда қилдим. Улар ҳаммаси мени биродорона, жон-диллари билан қабул қилдилар. Мен аввал бошдаёқ уларга яқинда уйланишимни айтдим, улар ўзлари ҳам мени оилали деб ўйлаган эканлар. Улар бешинчи қаватда, тулука том тағларида яшайдилар. Мумкин қадар тез-тез учрашиб турадилар, кўпинча чоршанба кунлари Левинька, Боринькаларникида йиғилишади. Булар ҳаммалари барча инсониятни оташин муҳаббат билан севувчи янги фикрли ёшлар; биз ҳаммамиз истиқбол, илмуфан, адабиёт ҳақида суҳбатлашдик. Шундай яхши, очиқ ва такаллуфсиз гаплашдик... Уша ерга яна битта гимназист бориб туради. Улар бир-бирлари билан шундай муомала қиладилар, шундай олижанобларки, мен умримда бундайларни асло кўрмаганман! Мен шу чоққача қаерларда юрибман? Нимани кўрдим? Қандай ўсдим? Битта сенгина, Наташа, менга шунга ўхшаш нарсалар гапирар эдинг. Эҳ, Наташа, сен улар билан дарҳол танишмоғинг керак; Катя аллақачондан бери таниш. Улар Катяни эҳтиром билан тилга оладилар, Катя ҳам ўз навбатида Левинька билан Боринькага, ўз давлатини идора этиш ҳуқуқига эга бўлиши билан, шу ондаёқ тўхтовсиз бир миллионни жамият фойдасига ҳада этишини айтган.

– Шу миллионни бошқарувчи Левинька, Боринька ва уларнинг улфатлари бўлса керакда-а? – сўради князь.

– Йўқ, йўқ, дада, бундай дейиш уят! – қичқирди Алёша қизишиб. – Фикрингни билиб турибман! Шу миллион ҳақида ростдан ҳам гап бўлди, уни нимага ишлатиш ҳақида анчагача бир қарорга келолмадик. Ниҳоят, энг аввал уни жамият илм-маърифати учун сарф этишга қарор қилдик...

– Ҳа, мен ростдан ҳам Катерина Фёдоровна қанақалигини шу чоққача билмаган эканман, – деди князь, ўзига ўзи гапиргандек, ҳамон ўша истехзоли кулги би-

лан. – Мен, масалан, ундан кўп нарсани кутган эдим, аммо бу...

– Нима, бу? – сўзини кесди Алёша. – Нимаси сенга галати кўриняпти? Нима, сизларнинг қондаларингизга хилофми? Шу чоққача ҳеч ким иона қилмаган миллионни у қилмоқчи бўлгани учунми? Шуми? Хуш, у бировлар ҳисобига яшашни истамаса, нима қилсин; чунки бу миллионлар ҳисобига яшаш – бировнинг ҳисобига яшаш демакдир. (Мен буни эндигина билдим.) У Ватани учун, ҳамма учун фойдали бўлишни, шунинг учун жамият фойдасига ўз ҳиссасини кўшишни истайди. Иона ҳақида биз бир вақтлар хуснихатларда ўқиганимиз, мана шу ионадан миллионлар иси келиб қолиши билан, «бу қанақаси» бўлиб қолди-да, а? Мен шунчалик ишонган, анави мақталган тадбирчанлик нимага асосланган экан? Нега менга унақа қарайсан, дада! Худди бир олдинда масхарабоз, аҳмоқ одамни кўраётгандек! Аҳмоқ бўлсам, нима қипти? Сен эшитсайдинг, Наташа, шу туғрида Катя нима деганини: «Энг муҳими ақл эмас, уни йўлга сола билган, натура, қалб, олижаноб фазилатлар, тараққиёт», дейди. Аммо энг муҳими бу ҳақда Безмигиннинг дохиёна иборалари бор. Безмигин – бу Левинька, Боринькаларнинг таниши, орамизда энг ақлли, доноси шу! Куни кеча у гап орасида: ўз аҳмоқлигига иқроп бўлган аҳмоқ ортиқ аҳмоқ эмас, дейди! Нақадар оқилона гап. Бундай гаплар ундан қайнаб чиқади! Ҳақиқатни очиб ташлайди.

– Дарҳақиқат, ажойиб доно экан! – деб қўйди князь.

– Нуқул куласан. Аммо мен сендан ҳеч қачон шундай сўзларни эшитмаганман, сен яшаган муҳитдагиларнинг ҳам биронтасидан эшитган эмасман. Сизда, аксинча, буларнинг ҳаммасини яширадилар, ерга уришнинг пайида бўладилар. Ҳаммага ўз андозангизга қараб, ўз қондангиз бўйича тун бичасиз. Гуё бу мумкин бўлган гапдек! Гуё биз гапириб, биз уйлаган нарсадан минг марта қийинроқ ва мумкин эмасдек. Тағин

бизни хаёлпарастлар, деб айтадилар. Сен уларнинг кечаги гапларини эшитсанг эди...

– Хуш, нимани гапириб, нимани уйлайсизлар? Гапириб бер, Алёша, мен ҳали ҳам унча тушунганим йўқ, – деди Наташа.

– Умуман тараққиётга олиб борадиган, инсонпарварлик, муҳаббат ҳиссини уйғотадиган ҳамма нарса ҳақида уйлаймиз; ҳозирги замонга оид масалалар ҳақида гапирилади. Биз ошкоралик, бошланиб келаётган реформалар, инсониятга муҳаббат, шу замон арбоблари ҳақида гаплашамиз; биз уларни муҳокама қиламиз, ўқиймиз. Энг муҳими, биз ўзаро ўз ҳақимизда ҳеч тортинмасдан, самимий ва очиқчасига гаплашишга сўз бердик. Фақат самимият, фақат ростгўйлик мақсад томон олиб бора олади. Бунга Безмигин айниқса катта аҳамият беради. Мен буни Катяга гапириб берган эдим, у ҳам Безмигинга хайрихоҳлик билдирди. Шунинг учун биз Безмигин раҳбарлиги остида умрбод соф виждон билан иш қилишга, бизни қанча қораламасинлар, орқамиздан қанча гапирмасинлар, ўзимизнинг шавқ-завқимиз, ҳавасларимиздан уялмай, хатолардан ҳеч тап тортмай тўғри йўлдан кетишга сўз бердик. Агар сени ҳурмат қилишларини истасанг, ҳаммадан аввал ўзингни ҳурматла; шундагина, ўз қадрингни билганингагина, бошқалар сени ҳурмат этиши мумкин. Буни ҳам Безмигин айтган ва Катя ҳам унга батамом қўшилади. Умуман, биз энди ўзимизнинг маслагимиз туфайли битишиб келяпмиз, энди ҳар ким алоҳида-алоҳида ўзини ўрганиши керак, ҳаммамиз биргаликда бир-биримизни ўрганиб, бир-биримиз билан таништирамиз.

– Бу қанақа сафсатабозлик? – қичқирди князь таҳликага тушиб. – Безмигининг ким ўзи? Йўқ, бу ишни шундоқлигича қолдириб бўлмайди...

– Нимани қолдириб бўлмайди? – сўзини оғзидан олди Алёша. – Менга қара, дада, биласанми, нима са-

бабдан мен энди буларни сенинг олдингда гапиряпман? Чунки сени ҳам ўз сафимизга олиб киришни истаيمان ва шунга ишонаман ҳам. Мен у ерда сенинг орқангдан сўз бериб кўйдим. Сен куляпсан. Ҳа, кулишингни ўзим ҳам билардим! Аммо кулоқ сол! Сен олижаноб, ҳимматли, тушунган одамсан, буни ўзинг билмайсан, лекин бу одамларни кўрмагансан, уларнинг ўз оғзидан эшитмагансан. Фараз қилайликки, бу гапларни эшитгансан, ҳаммасини ўргангансан, олим одамсан, аммо сен уларни ўз кўзинг билан кўрмагансан, уларникида бўлмагансан, бас, қандай қилиб сен улар ҳақида тўғри ҳукм чиқара оласан! Сен биламан деб хаёл қиласан. Йўқ, сен улар билан бирга бўлиб кўр, ўз кулоғинг билан сўзларини эшит, шунда, шундагина, аминманки, сен бизники бўласан! Ҳаммадан муҳими шуки, сени қуршаб олган жамиятдан, ҳалокатдан, сени ўз маслагингдан қутқаришга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

Князь индамасдан, заҳарханда қилиб унинг гапини тинглар, аммо юзида қаҳру ғазаб ифодаси бор эди. На-таша ҳеч яшириб бўлмайдиган бир нафрат билан уни кузатарди. Князь буни сезар, аммо ўзини кўрмаганга солар эди. Бироқ Алёша сўзини тамом қилиши билан у бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. У мадори қолмаганидан курси суянчиғига ўзини ташлаб куларди. Аммо бу кулгининг сохталиги яққол кўриниб турарди. Лекин ўғлини иложи борица қаттиқ ранжитиш ва уни ерга уриш ниятида кулганлиги билиниб турарди. Алёша ростдан ҳам ранжиди, қаттиқ қайғургани юзидан билиниб турарди. Лекин сабр билан отасининг қаҳқаҳаси босилишини кутиб турди.

– Дада, – деди у хомуш, – нега менинг устимдан куласан? Мен сир сақламай сенга гапнинг очиғини айтдим. Башарти, сенинг фикрингча мен аҳмоқона гап қилаётган бўлсам, кулиш ўрнига ақл ўргат. Кулишнинг ўрни эмас-ку. Мен учун энди муқаддас, шарафли кўринган

нарсалар устидан куляпсанми? Майли, мен йўлдан озган бўлай, майли, булар ҳаммаси хато бўлсин, майли, мен сен бир неча марта айтгандек аҳмоқ бўлай, аммо адашаётган бўлсам ҳам самимий, софдилман; мен ўз фазилатларимни йўқотганим йўқ. Мен буюк ғоялардан завқланаман. Майли, улар хато бўлсин, аммо уларнинг асоси муқаддасдир. Мен сенга айтиб ўтдим-ку, на сен ва на сенинг жамиятинг мени йўлга соладиган, қизиқтирадиган ҳеч нарса айтган эмассизлар. Майли, уларнинг ноҳақлигини исбот эт, улардан яхшироқ бирор фикр айтгинки, мен сенинг орқангдан эргашай, бироқ менинг устимдан кулма, бундан мен қаттиқ хафа бўламан.

Алёша бу гапларни зўр олижаноблик ва ғалати бир вазминлик билан гапирди. Наташа хайрихоҳлик билан уни таъқиб этарди. Князь бир оз таажуб билан ўғлининг сўзларига кулоқ солди ва дарров муомаласини ўзгартирди.

– Сени асло хафа қилмоқчи эмасдим, дўстим, – жавоб берди у, – аксинча, сенга ачинаман. Сен ҳаётда шундай бир йўлга кияпсанки, бу сендан енгилтак ёш болаликни йиғиштириб қўйишни тақазо қилади, мана менинг фикрим. Мен беихтиёр кулдим, сени ранжитишни асло истамагандим.

– Бўлмаса нега шундай туюлди менга? – давом этди Алёша алам билан. – Нима учун анчадан бери сен менга ота ўғлига қарагандек эмас, ғаразлик билан мийжқостидан кулиб қараганга ўхшаб кўринадан? Нима учундир, назаримда, агар мен сенинг ўрнингда бўлсам, ўз ўғлимни сендек таҳқирламаган, масхара қилмаган бўлар эдим. Менга қара: ҳозир юзма-юз гаплашиб олиш керак, орамизда ҳеч қанақа англашилмовчилик қолмасин... Мен очигини, рост гапни айтмоқчиман: мен бу ерга кирганимда бир англашилмовчилик юз бергандек туюлди; мен сизларни бу ерда мана шундай ҳолда бирга кўраман, деб ўйламовдим. Шундайми, йўқми? Агар шундай бўл-

са, унда ҳар ким ўз кўнглидаги туйғусини очиб сочгани яхшироқ эмасми? Рўй-рост гапириш билан не-не ёмон ишларнинг олдини олиш мумкин!

– Гапир, гапир, Алёша, – деди князь. – Таклифинг ниҳоятда оқилона таклиф. Балки гапни шундан бошлаш керак эди ҳам, – деди у Наташага қараб.

– Гапнинг очиғини айтганим учун жаҳлинг чиқмасин, – бошлади Алёша, – сен ўзинг шуни истайсан, ўзинг шунга рағбатлантиряпсан. Эшит бўлмаса: Наташа билан турмуш қуришимга ўзинг рози бўлдинг, сен бизга бу бахтни ато этиб, ўзингни ўзинг енгдинг. Сен шундай мурувватли иш қилдингки, биз ҳаммамиз сенинг бу олижаноблигингдан ғоят миннатдор бўлдик. Аммо нима учун энди ўзинг неғадир севинч билан тўхтовсиз мени аҳмоқ бола эканимни, куёв бўлишга арзимаслигимни шама қиласан, бу ҳам камдек, сен мени Наташанинг олдида масхара қилишни, пастга уришни истайсан, ҳаттоки, қоралашни ҳам хоҳлагандек кўринасан. Сен ҳамма вақт мени бирор йўл билан кулги қилганингдан хурсанд бўласан. Мен буни эндигина эмас, анчадан бери сезаман. Сен нима учундир атайлаб бизнинг турмуш қуришимиз кулгили, бемаъни эканини, бир-биримизга мос эмаслигимизни юзимизга солишга тиришасан. Ўзинг биз учун лойиқ кўрган нарсангга ўзинг ишонмагандек кўринасан; бу ишларга бир ҳазилдек, ўйинчоқдек, қанақадир кулгили бир томошадек қарайсан... Мен сенинг бугунги сўзларингга қарабгина хулоса чиқараётганим йўқ. Мен ўшандаёқ, ўша сешанба куни кечқуруноқ бу ердан олдингга қайтиб борганимда, ўз оғзингдан, мени ҳайратга солган ва ҳатто ранжитган бир қанча ғалати сўзлар эшитдим. Чоршанба куни ҳам, Петербургдан жўнай туриб, бизнинг ҳозирги вазиятимизга доғ туширадиган кесатиклар қилдинг, Наташа ҳақида ҳам, ҳақоратли бўлмаса ҳамки, қандайдир мен эшитишни хоҳламаган юзаки, унга нисбатан ҳурматсизлик бўлган қанақадир

бир-икки совуқ гап қилдинг... Буни англатиш қийин, аммо гап тагида гап борлигини кўнгил сезиб туради. Янглишаётган бўлсам айт, ишонтир, далда бер менга... унга ҳам, чунки сен унинг ҳам кўнглини оғритдинг. Мен буни бу ерга киришим билан, бир қарашдаёқ пайқадим...

Алёша бу гапларни жўшқинлик ва қатъият билан айтди. Наташа унинг сўзларини қандайдир завқ, ҳаяжон билан тинглади, юзлари ловиллаб кетганди. Сўз орасида: «Ҳа, ҳа, шундай!» деб пичирлаб ўтирди. Князь хижолат тортди.

- Чироғим, - жавоб берди у, - сенга айтган гапларимнинг ҳаммасини эслай олмайман, албатта. Бироқ ўша гапни эгриликка олганинг менга эриш туюляпти. Кўлимдан келганча янглишаётганингни исботлашга тайёрман. Мен ҳозир кулаётган бўлсам, бу ҳам тушунарли. Шунини айтиб қўяйки, кулги билан мен ҳатто аччиқ туйғуларимни яширмоқчи бўлган эдим. Сени ҳадемай куёв бўлишингни кўз олдимга келтирсам, назаримда, бу асло иложи бўлмаган, бемаъни бир ишдек, кечирасан-у, кулгилидек кўринарди. Менинг кулгимдан хафа бўляпсан, лекин шунини айтиб қўяйки, бунга фақат ўзинг сабабсан. Мен ҳам ўзимни оппоқ демайман, албатта... Эҳтимол, кейинги вақтларда сенга унча эътибор бермай қўйгандирман, шунинг учун ҳам мана шу оқшом нимага қодир эканингни тушуниб етдим. Наталья Николаевна билан бирга қурадиган келажакдаги ҳаётинг мени таҳликага солиб қўйди, мен шошилибман, бир-бирингизга ўхшамаслигингизни кўриб турибман. Муҳаббат бу ўткинчи нарса, аммо орадаги тафовут ҳамиша қолади. Ҳали ҳам сенинг тақдиринг ҳақида гапираётганим ҳам йўқ, бироқ сен соф ният билан шу ишни қилаётган бўлсанг, ўзинг ўйлаб кўр, ахир сен бир ўзинг эмас, ўзинг билан бирга Наталья Николаевнани ҳам хароб этасан, хароб этасан! Мана, ҳозир сен бир соат давомида инсониятга муҳаббат, олий маслак,

Ўзинг танишган олижаноб одамлар ҳақида жаврадинг, лекин Иван Петровичдан сўра, мен ҳалигина мана бу ердаги ифлос зинадан тўртинчи қаватга чиқа туриб нималар дедим? Биз эсон-омон чиқиб олганимизга минг шукрлар қилдик... Биласанми, ўшанда қандай фикрлар ўтди хаёлимдан беихтиёр? Хайронман: Наталья Николаевнани шу қадар қаттиқ севганинг ҳолда, қандай қилиб сен уни шу уйда яшашига чидаб тура оласан? Ёнингда бир чақанг йўқлигини, ўз бурчингни адо этишга қурбинг етмаслигини била туриб уйланишга, ўз устингга бундай бурчни олишга ҳам ҳаққинг йўқлигига қандай қилиб ақлинг етмади? Битта севгининг ўзи кифоя қилмайди, севги иш билан изҳор этилади. Сен бўлсанг: «Мен билан кулфат чексанг ҳамки, бирга тур!» деб муҳокама юритасан, ахир бу инсофдан эмас-ку, бу олижаноблик эмас-ку! Ажабо, оламшумул муҳаббат ҳақида гапириб, умумбашар масалаларидан завқланиб, айни замонда севгига қарши жиноят қилиш ва уни сезмасликка хайронман! Сўзимни бўлманг, Наталья Николаевна, мен тугатай, менга алам қиляпти, ҳаммасини айтишим керак. Ҳали айтиб ўтдинг, Алёша, шу кунларда сен нафосат, инсоф, олижаноблик ҳисларига берилиб кетибсан, бизнинг жамиятда бундай нарсаларга қизиқиш йўқлигини, қуруқ тадбирчанликдан ўзга ҳеч нарса йўқлигини юзимга солдинг. Менга қара, азизим, олижаноб ва ажойиб ишлар билан шуғуллансанг-у, яна сешанба кун бу ерда бўлган гаплардан сўнг, тўрт кун мобайнида сен учун дунёда энг азиз киши бўлиши керак бўлган бир зотни менсимай, қорангни кўрсатмай кетиб қолишинг нимаси? Ҳатто, Наталья Николаевна сени шунчалик севишини, нимаики қилсанг ҳаммасини кечириб юборадиган даражада олижаноб эканлигини исбот қилиш учун Катерина Фёдоровна билан бас бойлашганингга ҳам иқрор бўлдинг. Аммо кечиришига ишонишга ва бу тўғрида тағин биров билан баҳслашишга қандай ҳаққинг бор? Наҳотки,

шу кунлар мобайнида Наталья Николаевна хаёлига қанчадан-қанча аччиқ фикрлар, шубҳалар, гумонлар солишингни бирор марта ўйламадинг? Наҳотки сен у ерда аллақандай янги ғоялар билан бош қотириб, энг муқаддас бурчингга илтифотсизлик қилишга ҳақли эдинг? Наталья Николаевна, сўзимнинг устидан чиқмаганлигим учун кечиринг. Бироқ эндиги ишлар бу сўздан жиддийроқ: ўзингиз буни тушуниб оласиз... Биласанми, Алёша, Наталья Николаевна мен келганимда қандай изтиробда эди, бу тушунарли, негаки, сен унинг ҳаётида энг лазиз дақиқалар бўлиши керак бўлган тўрт кунни ғойиб бўлиб кетиб дўзахга айлантиргансан. Ваъдалар, ваъдалар бошқа-ю, қилмишинг бошқа... Ёки мен нотўғри гапиряпманми? Шундан кейин ҳам, ўзинг бошдан-оёқ айбли бўла туриб ҳам мени айблай оласанми?

Князь сўзини тугатди. У ўзининг сўзамоллигидан шу қадар завқланиб кетган эдики, ҳатто биздан ўз тантанасини яшира олмади. Алёша Наташанинг азоб чекканини эшитгач, юраги пора-пора бўлиб ҳасрат билан унга қаради, аммо Наташа бир қарорга келганди:

- Бас, Алёша, ғам ема, бошқаларнинг айби сеникидан каттароқ. Ўтир, эшит отангга нима дейишимни. Бу гапларга хотима бериш пайти келди!

- Тушунтириб гапиринг, Наталья Николаевна! - деди сўзни оғзидан олиб князь. - Илтимос қиламан! Икки соатдан бери шу муаммони эшитяпман. Сабр косаси тўлди. Тўғриси айтсам, мени бу ерда бундай кутиб оладилар, деб ўйламагандим.

- Бўлса бордир, чунки сиз сўзларингиз билан бизни мафтун этиб, яширин ниятларим сезилмай ўтиб кетади, деб ўйлагандингиз. Нимани тушунтирай? Сиз ўзингиз ҳаммасини билиб, ҳаммасига тушуниб турибсиз. Алёша ҳақли. Сизнинг энг биринчи мақсадингиз - бизни ажратиш. Ўша сешанба оқшомидан кейиноқ, бу ерда нима бўлишини беш панжангиздек билардин-

гиз. Мен аввал ҳам айтганман: сиз менга ҳам, ўзингиз бош кўшган ишга, унаштиришга ҳам жиддийроқ қараганингиз йўқ. Сиз ҳазиллашяпсиз, сиз ўйнашяпсиз, лекин ўзингиз билган мақсад сари кетяпсиз. Ўйинингиз бехато. Алёша, бу нарсага ўйин деб қарайсиз, деб сизни тўғри таъна қилади. Сиз Алёшадан хафа бўлишининг ўрнига хурсанд бўлишингиз керак эди, негаки у ҳеч нарсани сезмасдан сиз кутган ишларни бажараверган, балки сиз кутгандан ҳам ошириб бажарган.

Оғзим очилиб, қотиб қолдим. Шу оқшом қандайдир бир фалокат юз беришини кутган ҳам эдим. Аммо Наташанинг юракдаги бор гапни ҳаддан ташқари қатъийлик билан айтиши, сўзларидаги нафрат оҳанги мени ниҳоят даражада ҳайратга солди. Бундан чиқди, ростдан ҳам у бирор сирни билса керакки, орани очди қилишга қасд этган, деб ўйладим. Шунинг учун ҳам ҳамма гапни шартта юзига айтиш учун князни сабрсизлик билан кутаётган экан-да. Князнинг сал-пал ранги ўчди. Алёшанинг юзида маъсумона кўрқув ва сабрсизлик ифодаланди.

– Мени ҳозир нима даб айблаётганингиз эсингизда турсин, – деди князь бақириб, – жиндай ўйлаб гапирсангиз бўлмайдами... Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман!

– Ҳа-ҳа! Ҳали ўзингизни тушунмаганга ҳам солмоқчимисиз? – деди Наташа. – Ҳатто у ҳам, ҳатто Алёша ҳам гапингизга худди мен тушунгандек тушунди, биз бўлсак тил бириктирган эмасмиз, ҳатто кўришганимиз ҳам йўқ! У ҳам бизни майна қилаётганингизни, найрангбозлигингизни пайқади. У бўлса сизни севади ва сизга Худога ишонгандек ишонади. Сиз унга эҳтиётроқ бўлишни ҳам, муғамбирроқ бўлишни ҳам ўзингизга лойиқ топмагансиз, ақли етмайди, деб ўйлагансиз. Аммо у зийрак, мулойим, таъсирчан қалбли одам, сизнинг гапларингиз, унинг таъбирича, товушингизнинг оҳанги дилини ранжитган...

– Ўлай агар, тушунаётган бўлсам! – деди яна князь қаттиқ таажжубланган ҳолда, менга мурожаат қилиб,

худди мени гувоҳликка чақираётгандек. Унинг жаҳли чиқиб бирдан қизишиб кетди. – Сиз ҳар нарсани кўнглингизга олаверасиз, сиз ваҳима қиляпсиз, – давом этди у Наташага қараб. – Очиғини айгганда, сиз уни Катерина Фёдоровнадан рашк қиляпсиз, шунинг учун ҳам бутун киборларни, биринчи навбатда мени қоралашга тайёрсиз... Ва... ҳаммасини айтишга рухсат этинг: умуман, сизнинг феъл-атворингиз ҳақида кишида ғалати бир тасаввур пайдо бўлади. Мен бунақа харҳашаларга ўрганган эмасман; агар ўғлим масаласи мени қизиқтирмаса, мен бу ерда бир дақиқа ҳам қолмас эдим... Марҳамат қилиб, гапингизни тузукроқ тунтиринг... Мен ҳали ҳам кутиб турибман.

– Демак, сиз ҳалиям ўжарлик қиляпсиз, ҳамма гапини ипидан игнасигача билганингиз ҳолда, ўзингизни билмасликка соляпсиз-а? Тўппа-тўғри юзингизга айтишимни истайдиганга ўхшайсиз?

– Ҳа, шуни истаيمان.

– Жуда соз, эшитинг бўлмаса, – бақирди Наташа ғабдан кўзлари чақнаб, – ҳамма-ҳаммасини айтиб бераман!

III БОБ

У ўрнидан турди ва азбаройи ҳаяжонланганидан ўзи сезмагани ҳолда тикка туриб гапира бошлади. Князь ҳам гапига қулоқ солиб туриб ўрнидан турди. Можаро тобора тантанали тус олмоқда эди.

– Сешанба куни айтган сўзларингизни эсга олинг, – бошлади Наташа. – Ўшанда менга пул, текис йўл, оқсуяклар орасида мавқега эга бўлишим керак, деган эдингиз, эсингиздами?

– Эсимда.

– Балли, мана шунинг учун пул топиш ниятида, кўлингиздан кетган ютуқларни қайтадан қўлга киритиш учун сиз сешанба куни бу ерга келдингиз ва мени ўғлин-

гизга унаштириш кераклигини ўйлаб топдингиз, сиз ўзингизча бу найранг бой берилган ютуқларни яна қўлга киритишга ёрдам беради, деб ўйладингиз.

– Наташа, – қичқирдим мен, – нималар деяпсан, ўйлаб гапиряпсанми?

– Найранг! Ғараз! – такрорлади князь нафси ниҳоятда ҳақоратланган тус билан. Ғамдан адо бўлган Алёша ҳеч нарсага тушунмай ўтирарди.

– Ҳа, ҳа, тўхтатманглар мени, мен бир бошдан гапириб беришга қасд қилдим, – давом этарди асабийлашган Наташа, – эсингизда борми, Алёша гапингизга кирмай қўйганди. Уни мендан айнитиш учун ярим йил уриндингиз. Лекин у кўнмади. Вақт зиқ келиб қолди. Уни қўлдан чиқариб юбориш демак, ҳам қайлиқни, пулни, энг муҳими пулни, бутун бошли уч миллионли сепни бой бериш демак эди. Сиз учун биттаю битта чора қолди, у ҳам бўлса сиз унга олиб бермоқчи бўлган қизни Алёша севиб қолиши керак эди. Башарти севиб қолса, Наташадан совиб кетар деб ўйлаган эдингиз...

– Наташа, Наташа! – қичқирди Алёша паришон ҳолда. – Нималар деяпсан!

– Сиз шундай қилдингиз ҳам, – давом этди Наташа Алёшанинг қичқириғига парво ҳам қилмай, – аммо яна бояги-бояги, бой хўжанинг таёғи! Ҳамма ишларингиз юришиб кетиши ҳам мумкин эди, аммо яна мен ғов бўлдим! Сизни битта нарса умидвор қилиши мумкин эди: сиз кўпни кўрган, муғамбир одамсиз, эҳтимол, ўшандаёқ Алёшанинг баъзан аввалги меҳр-муҳаббати унга малол келаётганлигини сезиб қолгансиз. Унинг менга нисбатан илтифотсиз бўла бошлаганини, мен билан бирга бўлгандаги зерика бошлаганини, беш кунлаб менинг олдимга келмай юрганини сезмай қолмасдингиз, албатта. Ҳа, шундай қилиб юриб кўнгилга тегар, ташлаб ҳам кетар деб юрувдингиз, тасодифан сешанба кундаги Алёшанинг қатъий ҳаракати сизни эсанкиратиб қўйди. Нима қилмоғингиз керак эди!..

- Ахир, - деди князь қичқириб, - аксинча, бу воқеа...

- Мен гапиряпман, - деб шартта сўзини бўлди Наташа, - ўша кеча сиз ўз-ўзингизга: «Нима қилсам экан?» деб савол бердингиз ва энди Алёшани менга уйланишига йўл қўйиш керак, деган қарорга келдингиз, аммо бу шунчаки уни тинчитиш учунгина оғзаки гап эди. Тўйни истаганимизча орқага суриш мумкин, деб ўйладингиз, шу ўртада янги ишқ-муҳаббат бошланиб қолди; сиз бунни сездингиз. Мана шу янги муҳаббатни сиз асос қилиб олдингиз.

- Ишқ-муҳаббат можаролари, - ғудурлади князь ўз-ўзи билан гаплашаётгандек эшитилар-эшитилмас, - ёлғизлик, хаёлпарастлик ва роман ўқишларнинг оқибати!

- Ҳа, мана шу янги муҳаббатни сиз ҳамма нарсага асос қилиб олдингиз, - давом этди Наташа князнинг сўзини эшитмай, унга зътибор ҳам бермай, титраб-қақшаб борган сари қизишиб, - бу янги муҳаббатдан умид зўр эди! Ахир бу ишқ Алёша ҳали қизнинг барча ажойиб фазилатларини билиб етмаган чоғдаёқ бошланган эди-ку! Худди ўша дақиқада, уни сева олмаслигини, ўша қиз олдида бошқа қизга кўнгил бериб қўйгани туфайли бурч ва бошқа қизнинг севгиси унинг севгисига монелик қилишни изҳор этган оқшомда, у қиз бирдан бунинг олдида ажойиб олижаноблик кўрсатади, унга ва ўзининг рақибасига шу қадар хайрихоҳлик билдирадики, шу қадар чин кўнгилдан уни афв этадики; гарчи шу дақиқага қадар йигит унинг гўзаллигига қойил қолса ҳам, аммо унинг бу қадар ажойиб қиз деб билмаган эди! У ўшанда менинг олдимга келиб ҳам уни тилидан қўймади, - у Алёшани бениҳоя мафтун этган эди. Ҳа, у яна эртасигаёқ бу ажойиб қизни, ҳеч бўлмаса миннатдорчилик нуқтаи назаридан яна кўришга унда ҳеч қайтариб бўлмайдиган эҳтиёж уйғониши зарур эди. Рост, нима учун унинг хузурига бормаслиги керак эди! Ахир, эски ёр энди қийналмайди. Унинг тақдири

ҳал этилган, модомики, унга бир умр бахш этилган бўлса, бир дақиқа нима деган нарса... Шу бир дақиқани Наташа ундан рашк қилса, нонкўрлик бўлмасмиди? Мана шундай қилиб, аста-секин Наташадан энди дақиқалар ўрнига кунлар олиnaverди. Аммо мана шу давр ичида қиз ўзининг ажойиб, асло кутилмаган янги латофатларини намоён қилади; у шу қадар олижаноб, серзавқ, шу билан бир вақтда, шунчалик бегуноҳ гўдакки, бу хислатлари билан у Алёшага жуда ҳам ўхшаб кетади. Улар бир-бирлари билан қиёматли дўст, ака-ука тутинадилар, умрбод бир-бирларидан жудо бўлмасликка қасам ичадилар. «Қандайдир беш-олти соатлик суҳбатда унинг юраги янги ҳиссиётлар учун очилади, қалби таслим бўлади... Ниҳоят, шундай бир вақт келадикки, деб ўйлайсиз сиз, у ўзининг олдинги ишқ-муҳаббатини, янги, жозибадор туйғулар билан солиштиради; у ерда ҳаммаси таниш, кўнгилга урган, у ерда жиддий муомала, талабчанлик, уни рашк этадилар, қойийдилар, кўз ёши қиладилар... башарти, шўхлик қилиб у билан ўйнашсалар ҳам, ўз тенги билан эмас, гўё бола билан ўйнашгандек ўйнашадилар... энг муҳими: у ерда ҳаммаси қадимгича, ҳаммаси беш қўлдек маълум...

Кўз ёшлари ва аччиқ аламлар уни бўғиб қўйди, аммо Наташа, яна бир дақиқагина ўзини қўлга олди.

- Хўш, кейин-чи? Кейин, вақт мезон, дейдилар! Ахир Наташанинг тўйи ҳали-бери бўлмайди-ку, вақт ҳали кўп, бора-бора ҳаммаси ўзгаради... Тағин шуларнинг устига сизнинг сўзларингиз, шама, изоҳларингиз, фасоҳатларингиз... Ҳатто, анави жиғингизга тегадиган Наташага тухмат қилиш ҳам мумкин, уни шундай ёмон кўрсатиш мумкинми, оқибати нима бўлиши номаълум бўлса ҳам, аммо ютуқ сиз томонда! Алёша! Мени айблама, азизим! Мени, муҳаббатингни тушунмайди ёки қадрига етмайди, дема. Ахир ҳали ҳам мени севишингни биламан, балки шу дақиқа нолаларимга

тушунаётгандирсан ҳам... Биладан, мен шуларнинг барчасини ҳозир айтиб жуда ёмон иш қилдим, аммо мен шуларнинг ҳаммасига тушунсам, шунга қарамай, сенга бўлган муҳаббатим тобора аланга олаётган бўлса... эс-хушимдан ажралиш даражада сени севсам, нима қилай!

У қўллари билан юзини беркитди, курсига ўзини ташлаб ёш боладек ўкириб йиғлади. Алёша фарёд этиб унга ўзини отди. У Наташанинг кўз ёшига чидолмасди.

Унинг йиғиси князга қўл келди, шекилли, Наташанинг ўз дардини мана шу йўсинда узундан-узоқ жўшқинлик билан изҳор этиши, князнинг юзига айтган қаттиқ сўзларига у ҳеч бўлмаса кўнгил учун хафа бўлиш керак эди-ю, бироқ буларнинг барчасини энди телба рашк ўти, оёқ ости қилинган севги, ҳатто хасталик натижаси, деб изоҳлаш мумкин эди. Ҳаттоки кўнглини овлаш ҳам керак бўлиб қолди...

– Тинчланинг, куйманг, Наталья Николаевна, – деб овутарди уни князь, – булар ҳаммаси асабийлик, хаёл суриш, ёлғизлик оқибати... Сиз унинг енгилтаклигидан қаттиқ хафа бўлгансиз... Аммо булар унинг томонидан содир бўлган енгилтаклик, холос. Сиз алоҳида қайд этиб ўтган муҳим факт – сешанба кунги ҳодиса кўпроқ унинг сизга бўлган беқиёс содиқлигини исбот қилади, сиз бўлсангиз аксинча...

– Қўйинг, гапирманг, ҳеч бўлмаса ҳозир мени қийнаманг! – сўзни бўлди Наташа, йиғлаб туриб, – юрагим аллақачон ҳаммасини сезган, анчадан бери! Наҳотки, унинг илк севгисидан асар ҳам қолмаганини сезмайди, деб ўйлайсиз... Шу ерда, мана бу кимсасиз хонада, ёлғиз қолиб... у ташлаб, унутган чоғларида мен ёниб адои тамом бўлганман... ҳаммасини ўйлаб чиққанман... Нима қилишим керак эди! Сени айблаётганим йўқ, Алёша... Нега сиз мени алдайсиз? Наҳотки, ўзимни ўзим алдаб кўрмаганман деб ўйлайсиз!.. О, неча марта, неча марталардан! Мен унинг товушини жон қулоғи

билан тингламаганманми? Мен унинг юзидан, кўзларидан фикрларини уқиб олишга ўрганмаганманми?.. Барчаси, барчаси барбод бўлди, барчаси қаро ер бўлди... Эй, пешонам қурсин!

Алёша унинг олдида тиз чўкиб ўтириб йиғларди.

– Ҳа, мен, мен айбдор! Ҳаммасига мен сабаб!.. – деб такрорлади у йиғлаб туриб.

– Йўқ, сен ўзингни айблама, Алёша, – бошқа одамлар сабаб... бизнинг душманларимиз... Улар, улар!..

– Ахир ижозат беринг, – деди князь бир оз сабрсизлик билан, – қанақа асосга мувофиқ сиз мана бу.. жинойтларни менга тўнкаяпсиз? Ахир булар ҳаммаси сизнинг, ҳеч нарсага асосланмаган гумонларингиз-ку..

– Исбот керакми? – бақирди Наташа курсидан ирғиб туриб. – Сизга исбот керакми, маккор! Сиз ўз таклифларингиз билан бу ерга келганингиздаёқ бошқача ҳаракат қилишингиз мумкин эмасди! Сиз ўғлингизни тинчителишингиз керак эди. Катянинг оғушига тинчгина, бемалол ўзини ташлаши учун уни виждон азобидан қутқаришингиз керак эди; бунингсиз у мени эсга олаверар, сизнинг сўзингизга кирмаган бўларди, сизнинг эса тоқатингиз тоқ бўлган эди. Ёки нотўғрими?

– Икроман, – жавоб берди князь кинояли жилмайиш билан, – агар мен сизни алдамоқчи бўлган бўлсам, шуларни ҳисобга олган бўлар эдим; сиз жуда ҳам... доно қизсиз, аммо буни исбот этиш керак, кейин кишиларни мана бундай таъналар билан таҳқирлаш керак.

– Исбот қилиш керак, дейсизми? Уни мендан ажратиш учун қилган сизнинг аввалги ҳаракатларингиз-чи? Кимки ўз ўғлини олий табақалар орасида обрў қозониш учун, пул учун мана бунингдек бурчларини назар-писанд қилмасликка, уларни эрмак қилишга ўргатса, уни бузади! Ҳали зина тўғрисида, уйнинг ёмонлиги тўғрисида нималар дедингиз? Ахир муҳтожлик, очлик туфайли бир-биримиздан ажралиб кетишга мажбур қилиш учун аввал бериб турган маошни тўхтатиб қўйган сиз

эмасмидингиз? Сизнинг касофатингиз билан шу квартада турамиз, шу зинадан чиқамиз, энди ўзингиз шуни бизнинг юзимизга соляпсиз, иккиюзлама одам! Қаёқдан, бирдан ўша кеча сизда шундай қизгинлик, сизга хос бўлмаган янги бир ишонч пайдо бўлди? Ва нега мен сизга шунча зарур бўлиб қолдим? Мен мана шу тўрт кун мобайнида шу ерда юриб, ҳаммасини бирма-бир ўйлаб чиқдим. Сизнинг ҳар бир сўзингиз, юз ифодангизни эслаб, шу хулосага келдимки, улар ҳаммаси сохта майнавозлик, кишини ҳақоратловчи паст ва ярамас комедиядан иборат эди... Ахир мен сизни биламан, аллақачондан бери биламан-ку! Алёша ҳар гал сизнинг олдингиздан келган пайтларида, афтидан, сиз унга нима деганингиз, нималарни уқтирганингизни пайқаб олардим. Сизнинг унга бўлган таъсирингиз тирноғим юзида! Йўқ, сиз мени алдай олмайсиз! Балки ҳали сизнинг яна бошқа ниятларингиз ҳам бордир, балки мен энг кераклигини айта олмагандирман, аммо менга барибир! Сиз мени алдаб келгансиз, энг муҳими шу! Шуни тўпна-тўғри юзимга айтсангиз ҳам бўлар эди...

- Шу холосми? Ҳамма исботингиз шуми? Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, жаҳли тез аёл, мен ўзимнинг ўша қилиғим билан (сешанба куни қилган таклифни сиз шундай қилиб айтяпсиз) ўзимни ўзим боғлаб бердим. Бу эса мен учун ниҳоят даражада енгилтаклик эди.

- Нима нима билан сиз ўзингизни боғладингиз? Сиз учун мени алдаш нима деган гап? Битта қиз ранжитилди, холос, сизга бундан нима? Ахир у битта бебахт қочқин, отаси тарк этган ожиза, ўзини маломатга қўйган ахлоқсиз бир қиз-да! Модомики, бу масҳарабозлик, жиндек бўлса ҳам фойда келтирадиган бўлгандан кейин ундан тортиниб ўтиришга на ҳожат?!

- Ўзингизни қандай аҳволга солиб қўйяпсиз, Наталья Николаевна, ўйлаб кўринг! Мени таҳқирлаган эдинг, деб шу гапга ёпишиб оляпсиз. Аммо бу шу қадар зўр таҳқир ва шу қадар тубанликки, мен буни фа-

раз қилиш мумкинлигини, айниқса, шу гапга ёпишиб олишингизни ақлимга сиғдиролмаيمان! Мени кечиринг-ку, бундай ҳақоратга осонгина йўл қўйиш учун ҳар нарсага одатланиб қолган бўлиш керак. Сиздан ҳар қанча ўпкалашга ҳақлиман. Чунки сиз ўғлимни менга қарши қайраб соляпсиз: ҳозир у сиз учун менга қарши чиқмаётган бўлса ҳамки, юракдан у энди менга қарши.

– Йўқ, дада, йўқ, – бақирди Алёша, – мен сенга қарши чиқаётган бўлсам, бу сенга ишонганим туфайли, сен бундай ҳақорат қилолмайсан, шунчалик таҳқирлаш мумкинлигини мен хаёлимга ҳам келтиролмаيمان!

– Эшитдингизми? – деди князь.

– Наташа, ҳаммасига айбдор ўзим, уни қоралама. Бу гуноҳ, бу даҳшат!

– Эшитясанми, Ваня, энди бу ҳам менга қарши! – қичқирди Наташа.

– Бас! – деди князь. – Бу фожиага хотима бериш керак! Чегарадан чиқиб кетган бу кўр-кўрона ва ғазабларашк характерингизни мен учун янги бир шаклда тасвирлаб берди. Мен огоҳдантирилдим. Биз шошилган эканмиз. Мени нақадар хўрлаганингизни ўзингиз ҳам сезмаяпсиз; булар сиз учун ҳеч гап эмас экан! Шошилибмиз. Шошилганда қандоқ... шубҳасиз, менинг сўзларим муқаддас бўлиши керак, бироқ... мен ҳарқалай отаман, ўз ўғлимга бахт тилайман.

– Сиз сўзингиздан қайтяпсиз! – бақирди Наташа бўғилиб. – Сиз баҳона топилганига хурсандсиз. Лекин шуни билиб қўйингки, мен ўзим бундан икки кун илгари уни берган сўзидан қутқариб қўйишга қарор қилганман, энди ҳаммининг олдида тасдиқлайман. Мен унинг баҳридан ўтдим!

– Яъни уни қайтадан ўзингизга оғдириш учун сиз унда аввалги барча ташвишларни, вафо туйғуси, ҳали ўзингиз айтгандек ўз бурчини адо этишга интилиш каби ҳисларни янгидан қўзғатмоқчисиз. Ахир булар

ҳаммаси сизнинг назариянгиз бўйича содир бўляпти, шунинг учун ҳам мен шундай деяпман; бироқ бўлди, бас, узил-кесил ҳал этиш пайти келди. Мен сиз билан очиқ гаплашиб олиш учун бундан тинчроқ вақтни кутаман. Ишонаманки, биз сиз билан алоқамизни батамом узмаймиз. Ишонаманки, сиз ҳам менинг қадримга тузукроқ етадиган бўларсиз. Мен шу бугуноқ ота-онангиз ҳақидаги режаларимни айтмоқчийдим, шундан ўзингиз хулоса чиқарардингиз... Бироқ бас! Иван Петрович! – қўшиб қўйди у менинг олдимга келиб. – Энди сиз билан ҳамма вақтдагидан ҳам кўпроқ яқиндан танишиб олишим мен учун ниҳоятда зарур. Бундан кўпдан бери орзу қилиб юрганганимни гапирмасам ҳам бўлади. Умидворманки, сиз тушунасиз. Яқин кунларда хузурингизга бораман. Ижозат берасизми?

Мен бош эгдим. Ўзимга ҳам энди у билан танишишдан қочиб юриш мумкин эмасдек кўринди. У менинг қўлимни қисди, Наташага сўзсиз тавозе қилди-да, кадр-қиммати таҳқирланган тус билан чиқиб кетди.

IV БОБ

Бир неча дақиқа биз ҳаммамиз индамасдан ўтирдик. Наташа хаёлчан, паришон ҳолда ўтирар, унинг барча ғайрат-шижоати бирдан сўнган эди. У беихтиёр Алёша қўлини ушлаганича бир нуқтага тикилиб, хаёлга ботган эди. Алёша бўлса, алам ёшларини тўкар ва ҳар замонда кўрқа-писа Наташага қараб қўярди.

Ниҳоят, у тортинибгина Наташага тасалли бера бошлади; хафа бўлмаслигини сўраб ёлворди, ўзини айблади; у нима қилиб бўлса ҳам отасини оқлашни истагани, бу нарса унинг юрагини қаттиқ ғаш қилаётгани кўриниб турарди; у бир неча бор шу ҳақда гап очиш учун оғиз жуфтлади, аммо қайтадан Наташанинг ғазабини кўзғатишдан чўчиди шекилли, журъат этолмади. У ўзининг Наташага бўлган доимий содиқ

севгиси ҳақида қасамёд-этиб гапирар ва Катяга бўлган муносабатини оқлашга зўр бериб уринар эди; Катяни бир сингил қаторида севишини, уни тамом ташлаб кета олмаслигини, бундай қилса, унга нисбатан инсофсизлик ва ҳатто, хунук иш қилган бўлишини ҳадеб такрорлар ва агар Наташа Катя билан яқиндан танишса, шу заҳотиёқ иноқ бўлиб кетишларини, ҳеч қачон бир-бирларидан ажрала олмасликларини, шунда ҳамма гаплар ўзидан ўзи босилиб кетишини уқтирар эди. Мана шу фикр айниқса унга ёқар эди. Бечоранинг гапларида ёлғон йўқ эди. У Наташанинг хавфсирашига тушунмасди, умуман, Наташа ҳали унинг отасига нималар деганини ҳам яхши англамаган эди. Фақат улар бир-бирлари билан ғижиллашиб қолганларинигина тушунди, бу эса унинг юрагини ғаш қилар эди.

– Отанг учун мени айблаяпсанми? – сўради Наташа.

– Вой, мен, ҳамма нарсага ўзим сабаб, ўзим ҳаммасига айбдор эканимни била туриб, кимни ҳам айблай олар эдим, – деди жавобан Алёша изтироб билан. – Шунчалик жаҳлинг чиқишига мен сабаб бўлдим, сен бўлсанг жаҳл устида унга айб қўйдинг, чунки сен мени оқламоқчи бўлдинг, сен мени ҳамма вақт оқлайсан, аммо мен бунга арзимаيمان. Айбдор кимлигини билиб олиш керак эди-да, сен бўлсанг унга ёпишиб кетдинг. Аммо Худо ҳаққи, айб унда эмас! – деди Алёша жонланиб кетиб. – Шунинг учун у бу ерга келганмиди! Кутгани шу эдими?

Аммо Наташанинг ўпка қилиб унга алам ила қараб турганини кўриши биланоқ, чўчиб кетди.

– Бўлди, бўлди, бошқа гапирмайман, мени кечир, – деди у, – ҳаммасига сабабчи ўзим!

– Ҳа, Алёша, – давом этди Наташа ҳасрат билан, – у орамизга совуқлик солиб, умрбод бизнинг тинчлигимизни бузди. Сен ҳамиша ҳаммадан ҳам кўп менга ишонар эдинг, энди бўлса у сенинг юрагингда менга қарши шубҳа, ишончсизлик уйғотди, сен мени қора-

лайсан, у сенинг қалбинг ярмини мендан тортиб олди. Орамизга совуқлик тушди.

- Ундай дема, Наташа. Нега «совуқлик тушди», дейсан? - унга шу сўз қаттиқ теккан эди.

- У сохта яхшилик, ёлғон мурувватлар билан сеңи ўзига оғдирди, - давом этди Наташа, - энди тобора у сени менга қарши қўяверади.

- Онт ичаман, бундай бўлмайди! - қичқирди Алёша ҳалигидан баттарроқ қизишиб. - «Шошилган эканмиз», деб жаҳл устида гапирди. Мана ўзинг кўрасан, эртагаёқ, яқин кунлардаёқ ўзи шу гапидан пушаймон ейди, агарда, у ростдан ҳам қаттиқ аччиқланиб, бизнинг турмуш қуришимизга қарши чиқса, қасамёд қилиб айтаманки, мен унинг сўзига кирмайман. Шунга эҳтимол, қудратим етса керак... Биласанми, бизга ким кўмак беради? - қичқириб юборди ўз фикридан завқланиб: - Катя бизга ёрдам беради! Шунда ўзинг кўрасан, унинг нақадар олижаноб қиз эканини! Ўзинг кўрасан, у сенга кундош бўлишни, бизни бир-биримиздан жудо қилишни истайдими-йўқми! Мени тўйнинг эртасигаёқ кўнгли совиб айниб қоладиган одамлардан деб ҳали ноҳақ гапирдинг! Биласанми, менга қанчалик оғир эди шуларни эшитиш! Мен унақалардан эмасман, башарти мен Катянинг олдига...

- Бас, Алёша, хоҳлаган вақтингда олдига боравер. Мен ҳали бу ҳақда гапирганим йўқ. Сен тушунмабсан. Ким билан хоҳласанг, ўша билан бахтли бўл. Ахир мен қалбингдан шундан ортиғини талаб қила олмайман-ку!..

Мавра кирди.

- Нима қилай, чойни олиб кираверайми? Икки соатдан бери қайнайди-я самовар; соат ўн бир бўлди ахир.

У қўполлик билан жаҳл аралаш сўради; унинг феъли айниб тургани, Наташадан аччиқлангани кўриниб турар эди. Гап шундаки, у шу кунларда, сешанбадан бери, соҳибаси (жонидан ҳам яхши кўрадиган соҳи-

баси) эрга тегишидан терисига сиғмай хурсанд бўлиб юрган эди, бу гапни ҳовлидагиларнинг ҳаммасига, те-варак-атрофдагиларга, дўкондорга, ҳовли қоровулига айтиб улгурган эди. У мақтанарди ва оғзини кўпирти-риб, князнинг катта мансабли одам, генерал ва ўлгудек бадавлат эканини, атайлаб ўзи келиб соҳиббасининг розилигини сўраганини ўз қулоғи билан эшитганини ҳикоя қилган эди, энди бўлса бирдан ҳамма иш чаппа-сидан кетди. Князь хафа бўлиб чой ҳам ичмай кетиб қолди, ҳаммасига айбдор соҳиббасининг ўзи! Соҳиббаси князга ҳурматсизлик билан гапирганини Мавра ўз ку-лоғи билан эшитди.

– Майли... олиб кела қол, – деди Наташа.

– Закускаларни-чи, уни ҳам келтирайми?

– Ҳа, закускани ҳам... – Наташа доводи раб қолди.

– Тайёрлайман деб кечадан бери оёғимда оёқ қол-мади, – давом этди Мавра. – Вино учун Невскийга бо-риб келибман-а! Энди бўлса... – у зарда билан эшикни тарақлатиб чиқиб кетди.

Наташа кип-қизариб кетди ва менга ғалати қилиб қараб қўйди. Шу орада чой олиб келдилар, закуска ҳам, қуш гўшти, аллақанақа балиқ, Елисеевдан олинган икки шиша, жуда ажойиб вино келтириб қўйилди. «Нима учун шунча тайёргарлик?» деб ўйладим ичимда.

– Кўрдингми, Ваня, мен қанақаман, – деди Наташа стол олдига келиб, ҳатто менинг олдимда ҳам хижо-лат чекиб, – худди шу бугундек бўлишини олдиндан сезиб юрган бўлсам ҳам, зора, шундай бўлмаса деб ҳам ўйлаган эдим. Алёша келиб ярашар, ҳаммамиз ярашиб кетармиз, менинг барча шубҳаларим асоссиз чиқар, мени ишонтиришар, деган умид билан... ҳар эҳтимол-га қарши, газаклар тайёрлаб қўйган эдим. Гаплашиб узоқ ўтириб қолармиз, деб ўйлаган эдим...

Бечора Наташа! Шуларни айта туриб кип-қизариб кетди, бу гапдан Алёшанинг завқи келиб:

- Мана, кўрдингми, Наташа! - деб қичқирди. - Сен ўзингга ўзинг ишонмасдинг; бундан икки соат илгари ўз шубҳангга ўзинг ишонмагандинг! Йўқ, ҳаммасини тўғрилаш керак, мен айбли, ҳаммасига ўзим сабаб бўлгандан кейин ҳаммасини ўзим тузатаман. Наташа, рухсат бер, мен ҳозир отамнинг олдига борай! Мен уни кўришим керак, у ранжитилган, таҳқирланган; уни юпатиш керак, мен унга ҳаммасини ўз номимдан, ёлғиз ўз номимдан тушунтираман, сени аралаштирмайман ҳам. Ўзим ҳаммасини тўғрилайман... Мен унинг олдига боришга шошилаётганим, сени ташлаб кетаётганим учун мендан хафа бўлма. Гап унда эмас; мен унга ачиняпман, у сенинг олдингда ўзини оқлайди, кўрасан... Эртага тонг ёришар-ёришмас олдингда етиб келаман, кун бўйи олдингда бўламан, Катяникига бормайман...

Наташа уни тўхтатмади, ҳатто ўзи ҳам боришни маслаҳат берди. Алёша энди ўзини зўрлаб менинг олдимда эртадан-кечгача ўтириб, мендан кўнгли совиб қолади, деб кўрқар эди Наташа. У фақат менинг тилимдан ҳеч нарса гапирма, деб илтимос қилди ва хайрлаша туриб хурсандлик билан жилмайишга уринди. У энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда бирдан Наташа олдига қайтиб келди-ю, икки қўлини ушлаганича ёнига ўтирди. Алёша унга суқланиб қарар эди.

- Наташагинам, жонгинам, фариштам, мендан ачиқланма. Кел, ҳеч қачон уришмаймиз. Энди менга ҳамма вақт ҳамма масалада ишонишингга сўз бер, мен ҳам сўз бераман. Мана энди менинг фариштам сенга бир нарсани айтай: бир кун сен билан уришиб қолдик, нима учунлиги ҳозир эсимда йўқ; мен айбли эдим. Биз бир-биримиз билан гаплашмай юрдик. Олдин афв сўрашга бўйним ёр бермади, кўзимга дунё қоронғи эди. Шунда мен кўчама-кўча тентираб, бўрмаган ерим қолмади, ошна-оғайниларимникига ҳам бордим, лекин шундай хафа эдимки, ичимга чироқ

ёқса ёришмасди... Шунда ақлимга бир гап келди: борди-ю, Наташа касал бўлиб ўлиб қолса, нима бўлади? Шу фикр хаёлимга келди-ю, бирдан ростдан ҳам мен сени абадий йўқотгандай юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Бири биридан оғир, бири биридан даҳшатли хаёллар кўнглимдан ўтаверди. Бора-бора шундай фараз қила бошладимки, гўё мен сенинг қабринга келиб беҳуш йиқилибман ва изтироб чекиб қабрингни кучоқлаганимча ётибман. Хаёлимда шу қабрни ўпган, бир дақиқагина чиққин, деб сени чақирган эмишман ва Худойи таолодан бир дақиқагина илоҳий қудрати билан сени тирилтириб, менинг олдимга чиқаришини илтижо қилган эмишман: шунда мен жон-дилим билан сенинг кучоғингга отилиб, бағримга босиб ўпганларимни, бир дақиқагина қадимгидек сени яна кучоқлаб ўпишга муяссар бўлсам, жоним ором олишини кўз олдимга келтирдим. Шуларни фараз қилиб турсам бирдан хаёлимга шу гап келиб қолди: мана мен Худодан бир дақиқагина дийдорингни кўрсатишини сўраяпман, ҳолбуки, биз сен билан олти ойдан бери биргамиз, шу олти ой ичида неча марталаб ғижиллашдик, неча кунлаб гаплашмай юрдик! Бир неча кун уришган ҳолда юрдик, бахтимизнинг қадрига етмадик, энди бўлса мен сени бир дақиқагина қабрдан чиқишингни сўраяпман, мана шу бир дақиқа учун бор ҳаётимни беришга ҳам тайёрман!.. Шуларни кўз олдимга келтириб, тоқатим тоқ бўлди ва висолингга шошилдим, юраверибу ерга келсам, сен мени кутиб ўтирган экансан, шунда жанжалдан кейин сени кучоқлаб туриб бағримга шунчалик қаттиқ босдимки, назаримда, ростдан ҳам мен сендан ажралиб қоладигандек. Наташа, ҳеч қачон уришмаймиз! Бу мен учун ҳамиша шу қадар оғирки! Эй, Худо! Сени ташлаб кета олармидим мен?

Наташа юм-юм йиғларди. Улар бир-бирларини маҳкам кучоқладилар. Алёша яна бир марта уни ҳеч қачон ташлаб кетмасликка қасам ичди. Кейин у ота-

си хузурига жўнади. У ҳамма ишни тўғрилаб келишга қаттиқ ишонар эди.

– Ҳамма иш адои тамом бўлди! Чаппасидан кетди, – деди Наташа менинг кўлимни жон ҳолатда қисиб. – У мени севади ва ҳеч қачон мендан кўнгли совимайди; аммо у Катяни ҳам севади ва бир қанча вақтдан кейин уни мендан кўра кўпроқ севиб қолади. Анави ичи қора князь ғаниматни кўлдан бермайди, ана шунда...

– Наташа! Князнинг қаллоблик қилаётганига мен ҳам ишонаман, аммо...

– Мен унга айтган гапларимнинг ҳаммасига ҳам сен ишонмайсан! Мен бун сенинг афтингдан сездим. Аммо шошмай тур, ўзинг кўрасан, мен ҳақли эдимми ёки йўқ? Мен тағинам шунчаки билганларимни гапирдим, Худо билсин, унинг тағин қанақа ниятлари бор экан! У жуда ҳам ёвуз одам! Мен мана шу тўрт кун ичида уйда у ёқдан бу ёққа юриб, ҳаммасига ақлим етиб қолди. Унга худди шунинг ўзи, Алёшанинг тинч яшашига монелик қилган, ғамдан, менга бўлган севгиси туфайли бўйнига тушган бурчдан унинг юрагини озод қилиш керак эди. У мени унга унаштириш кераклигини ўйлаб топди, мақсади ўз таъсири билан ичимизга суқилиб кириб олиш ва ўзининг олижаноблиги билан Алёшани ўзига мафтун этиш эди. Бу рост гап, Ваня! Алёшанинг феъли худди шунақа. У мендан хотиржам бўлиб олиб, хавотир олмай кўярди: «Энди у менинг хотиним, у ҳамиша мен билан», деб ўйларди-да, беихтиёр Катяга кўпроқ эътибор бера бошларди. Чамаси князь ўша Катяни яхши билиб олган ва у Алёшага мендан кўра кўпроқ мос келишига, мендан кўра кўпроқ уни ўзига жалб эта олишига ақли етган. Оҳ, Ваня! Энди ҳамма умидим сендан: у нима учундир энди сен билан яқинлашмоқчи, танишмоқчи. Бун рад этма, азизим, Худо ҳаққи, тезроқ графиняникига боришга ҳаракат қил. Ўша Катя билан таниш, яхшилаб билиб олиб, унинг кимлигини менга айтиб бера-

сан. У ерда сен менинг кўз-қулоғим бўлишинг керак. Ҳеч ким мени сенчалик тушунмайди, ёлғиз сенгина менга нима кераклигини тушунасан. Яхшилаб билиб ол, улар қанчалик дўст, ўрталарида нима гап бор, нималарни гаплашишади; Катяга, ҳаммадан кўп Катяга яхши эътибор бер... жонгинам, жондан азиз Ванягинам, яна бир марта, яна бир марта ўзингнинг дўстлигингни исбот қил! Сендангина, ёлғиз сендангина менинг умидим...

Мен уйга қайтиб келганимда кеч соат ўн иккидан ўтган эди. Нелли уйқули кўзи билан эшикни очди. У жилмайди ва очиқ чехра билан менга қараб қўйди. Бечорагина, ухлаб қолгани ўзига алам қилар эди. Нелли менинг келишимни кутиб ўтиришни хоҳларди. У кимдир келиб мени сўраганини, у билан ўтириб, кейин стол устида мактуб қолдирганини айтди. Мактуб Маслобоевдан эди. У мени эртага соат бирларга чақирган эди. Мен ҳаммасини Неллидан суриштириб, билгим келиб турса ҳам, буни эртага қолдиришга жазм қилдим, бориб ухлашни талаб этдим, негаки, бечора Нелли усиз ҳам мени кутавериб чарчаган, келишимдан ярим соат илгари кўзи уйкуга кетган экан.

У БОБ

Эрталаб Нелли Маслобоевнинг кечаги келиши тўғрисида ғалатиноқ нарсалар гапириб берди. Қизиқ: нима боисдан Маслобоев кеча кечқурун келибди экан, ҳолбуки, менинг уйда бўлмаслигимни билган, шу куни уйда бўлмаслигимни ўзим унга охириги кўришганимизда айтганим эсимда бор. Неллининг айтишича, олдин эшикни очишни ҳам хоҳламабди, негаки, кўрқибди, вақт кеч соат саккиз бўлиб қолган экан. Аммо у берк эшик орқасидан туриб, шу бугун мактуб ташлаб кетмаса, эртага менинг ишим чатоқ бўлишини гапириб ишонтирибди. Кейин Нелли эшикни очгандан кейин

у дарров мактубни ёзибди-ю, келиб унинг ёнига – диванга ўтирибди. «Мен ўрнимдан туриб кетдим, у билан гаплашишни хоҳламадим, – деди Нелли, – мен ундан жуда кўрқдим, у Бубновадан гап очди; мени қайтариб олишга журъат қилолмай, тоза хуноб бўлаётганини гапирди, кейин сизни мақтай кетди; у сиз билан қалин оғайни эканини, сизни ёшлигингиздан бери билишни айтди. Шундан кейин у билан гаплаша бошладим. У чўнтагидан конфет чиқариб, олишимни сўради; мен хоҳламадим; шунда у ўзининг оққўнгил одам эканини уқтирди, ашула айтишни, ўйинга тушишни билишни айтди-да, ўрнимдан ирғиб туриб, рақсга тушиб кетди. Менинг кулгим қистаб кетди. Кейин тагин бирпас ўтириб турай-чи, зора Ваня келиб қолса, деди ва сира кўрқмаслигимни, ёнига келиб ўтиришимни сўради. Мен ўтирдим, аммо у билан ҳеч гаплашгим келмади. Шунда у менинг онамни ва бувамни танишини айтди ва... шундан кейин мен ҳам гаплашавердим. У анча ўтирди».

– Нималарни гаплашдинглар?

– Онам ҳақида... Бубнова... бувам ҳақида гаплашдик. У икки соатча ўтирди.

Назаримда, Нелли улар нима ҳақда гаплашганларини айтгиси келмаётгандек эди. Мен Маслобоевдан эшитарман, деб ортиқ суриштирмадим ҳам. Маслобоев атайлаб Неллини ёлғиз учратиш учун мен йўқлигимда келган, деган фикр хаёлимга келди. «Бу нима учун унга керак экан?» деб ўйладим ўзимча.

Нелли менга у берган учта конфетни кўрсатди. Бу яшил ва қизил қоғозга ўралган, арзонбаҳо обаки эди, чамаси, уни сабзавот дўконидан сотиб олган бўлса керак. Нелли уларни менга кўрсата туриб ўзи кулиб юборди.

– Нега конфетларни емадинг? – деб сўрадим.

– Хоҳламайман, – деди у жиддий оҳангда, қошларини чимириб. – Мен, кўлимга ҳам олмадим, ўзи диванга ташлаб кетди...

Шу бугун жуда кўп юришим керак эди. Мен Нелли билан хайрлаша бошладим.

– Битта ўзинг зерикапсанми? – деб сўрадим кета туриб.

– Зерикаманам, зерикмайманам... Сиз бўлмаганингиз учун зерикаман.

У бу гапни айта туриб, менга шундай меҳрибонлик билан қараб қўйдики. У менга шу сафар шундай мулойим тикилардики, бу қарашда қанчадан-қанча шўхлик, навозиш, шу билан бирга, қандайдир уятчанлик, қаттоки тортинчоқлик ифодаланарди, гўё у нима биландир мени ранжитиб қўйишдан, унга бўлган меҳри-муҳаббатимни йўқотишдан чўчигандек ва... ва буни изҳор этишдан худди уялгандек кўринарди.

– Нимага зерикмайсан бўлмаса? Ахир ўзинг айтдинг-ку: «зерикаманам, зерикмайманам», деб, – сўрадим мен беихтиёр жилмайиб, у менга тобора азиз ва дилкаш бўлиб борарди.

– Буни ўзим биламан, – жавоб берди у мийиғида кулимсираб ва негадир яна уялиб кетди. Биз очиқ эшик остонасида туриб гаплашардик. Нелли менинг рўпарамда, бир қўли билан елкамни ушлаб, иккинчи қўли билан камзулимнинг енгини юлқилаганича ерга боқиб турар эди.

– Нима, бу сирми? – сўрадим.

– Йўқ... ҳеч нарса... мен... мен сизнинг китобингизни ўқий бошладим, – гап бошлади оҳиस्ताгина юмшоқ синчков боқиш билан менга қараб. Ўзи эса қип-қизариб кетди.

– Шунақами ҳали? Хўш, сенга ёқяптими? – мен муаллифларни кўзига қараб туриб мақтаганларида тушадиган саросимада қолган эдим. Аммо Худо ҳаққи, ҳозир, шу тобда уни бир ўпиш учун ҳеч нарсани аямасдим. Бироқ ўпиш мумкин эмасдек эди. Нелли индамади.

– Нега, нега ахир у ўлди-я? – сўради Нелли чуқур қайғу ифода этган юз билан, менга кўз қирини ташлаб, яна бирдан ерга қараб олиб.

– Ким, у?

– Анави-чи, ёш йигит, сил бўлиб ўлган... китобдаги-чи?

– Нима қилиш керак, шундай бўлиши шарт эди, Нелли.

– Ҳеч кераги йўқ, – жавоб берди у энди шивирлаб.

Аммо у негадир бирдан худди жаҳли чиққандек ду-доқчаларини сўлжайтириб, баттароқ ерга қараб олган эди.

Яна бир дақиқа ўтди.

– Анави-чи... ҳалигилар... қиз билан чол, – шивирлади у қаттикроқ менинг енгимни юлқилаб, – нима, улар бирга яшашадими? Қашшоқ бўлиб қолишмайдими?

– Йўқ, Нелли, қиз узоққа кетиб қолади; катта ер эгасига эрга тегади, чол ёлғиз ўзи қолади, – жавоб бердим мен ниҳоятда афсусланиб. Унга тасалли берадиган бирор жавоб беролмаслигимдан ҳақиқатан ҳам афсусланган эдим.

– Шу-да... Шу! Шунақа экан-да! Сизни қарангу!.. Энди ўқишни ҳам хоҳламайман!

У зарда билан қўлимни итариб ташлади-да, тескари қараб олди. Стол олдига бориб, менга орқасини ўгирганича бошини қуйи солиб тураверди. У лоладек қизариб кетган эди ва бир нарсадан қаттиқ ғазаблангандек тез-тез нафас олар эди.

– Бўлди, Нелли, жаҳлинг чиқиб кетди-я! – деб гап бошладим мен олдига бориб. – Ахир ёзилган нарсалар ҳаммаси ёлғон, тўқима гаплар. Шунга хафа бўлиш керакми? Нозик қизгина-ей!

– Хафа бўлаётганим йўқ, – деди у тортинибгина, у менга меҳр-муҳаббат оловлари билан чақнаётган кўзларини тикиб турарди. Кейин бирдан менинг қўлимни ушлаб олди. Кўкрагимга юзини қўйди-ю, негадир кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бироқ шу заҳоти кулиб юборди, у ҳам куларди, ҳам йиғларди. Менинг ҳам кулгим келар, ҳам қандайдир ширин туйғу билан кўнглим

тўлгандек эди. Аммо у бошини кўтариб, менга қарашни ҳеч ҳам истамасди, мен елкамдан унинг юзини ажратмоқчи бўлсам, у баттарроқ менга ёпишарди ва баттарроқ қотиб-қотиб куларди.

Ниҳоят, бу эркаликлар тугади. Биз хайрлашдик, мен шошилиб турган эдим. Нелли ёноқлари ловуллаб ва ҳамон бир нарсадан уялгандек, юлдуз каби чарақлаган кўзлари билан орқамдан зинапоягача югуриб чиқди ва тезроқ қайтишимни сўради. Овқат маҳалигача, албатта етиб келишга, мумкин қадар барвақтроқ келишга ваъда қилдим.

Энг олдин мен қарияларникига бордим. Иккови ҳам бетоб эди. Анна Андреевна анчагина касал экан. Николай Сергеич ўз кабинетида ўтирарди. У менинг оёқ товушимни эшитди, аммо одатдагидек ўн беш дақиқалардан сўнг, биз обдан гаплашиб олганимиздан кейингина, чиқишини билар эдим. Мен Анна Андреевнани унчалик хафа қилишни истамасдим, шунинг учун кеча кечкурун бўлиб ўтган гапларни иложи борица анча юмшатиб гапирдим, лекин тўғриси айтдим; таажжубки, кампир бир оз хафа бўлгани билан, аммо ажралиш ҳақидаги хабарни эшитганда унчалик ҳайрон бўлмади.

– Эй, бўтам, ўзим ҳам шундай бўлар, деб ўйлаган эдим, – деди у. – Сиз ўша куни кетдингиз, мен ўйлаб-ўйлаб «шундоқ бўлмас» деган фикрга келдим. Худо ярлақаманган бандалар эканмиз, шундоқ разил одамга дучор бўлганмиз; ундан яхшилик кутиб бўлармиди? Ўн минг сўмни кўра-била туриб тортиб оляпти, ҳазилакам гапми?! Бекордан-бекорга олаётганини ўзи билади, шунда ҳам олади. Охирги бурда нонимизни тортиб оляпти, Ихменевкани сотадилар. Наташагинанам уларга ишонмай тўғри қилади, ақли хуши бор-да, доно қиз. Биласизми, бўтам, – давом этди у овозини пасайтириб, – менинг чолимни айтмайсизми, чолимни! У шу тўйга бутунлай қарши. Ўзидан ўзи гапириб

юрадиган бўлиб қолди: хохламайман, деб қўяди. Олдин мен телба бўлиб қолибди, деб ўйладим. Қарасам, ростдан айтаётган экан. Шундоқ бўлса, жонгинам Наташанинг ҳоли нима кечади? Ахир у тамом «оқ» қилиб юборади-ку! Хўш, Алёшанинг ўзи-чи, унинг ўзи нима дейди?

У яна узоқ сўраб-суриштирди. Ўз одати бўйича ҳар бир жавобимдан оҳ-воҳ қилиб, нолир эди. Умуман сезишимча, кейинги вақтларда у эс-ҳушини йўқотиб қўйган эди. Ҳар қандай хабар уни изтиробга солар эди. Наташанинг ғами юрагини тилка-пора қилиб, уни адоёи тамом қилиб қўйган эди.

Устида халат ва оёғида туфли билан чол кириб келди, у безгак хуруж қилаётганидан шикоят қилди. Аммо хотинига меҳрибонлик билан қараб қўйди. Ўша ердалигимда у хотинини энага каби парвариш қилар, кўзларига термилар, ҳатто унинг олдида ўзини йўқотиб қўярди ҳам. Кўзларида мулойимлик акс этарди. У хотинининг касалидан қўрқиб қолган, энди ундан ҳам ажралса, дунёда кимсасиз ғариб бўлиб қолишини сезарди.

Мен уларникида бир соатча ўтирдим. Хайрлаша туриб у менинг орқамдан йўлаккача чикди ва Неллидан гап очди. Неллини қизи ўрнига уйига қабул қилиш фикрида эди. У шунга Анна Андреевнани қандай қилиб кўндириш ҳақида мен билан маслаҳатлаша бошлади. Неллига жуда ҳам қизиқиб, у ҳақда яна бошқа янгиликлар билган-билмаганимни суриштирар эди. Мен наридан-бери гапириб бердим, менинг ҳикоям унда чуқур таассурот қолдирди.

– Биз бу ҳақда тағин гаплашамиз, – деди у қатъийлик билан, – ҳозирча... ҳа, майли, мен ўзим сеникига бораман, бир оз соғлиғим жойига келсин, ўшанда ҳал этамиз.

Худди соат ўн иккида мен Маслобоевникида бўлдим. Мени ниҳоятда ҳайратга солган нарса шу эдики, у ерга киришим билан даставвал кўрган одамим князь бўлди. У йўлакда пальтосини кияётган эди, Маслобоев

бўлса, елиб-югуриб унга ёрдам берар, ҳассасини қўлига тутқазарди. У князь билан таниш эканини илгари айтган эди, аммо шундай бўлса ҳам мана бу учрашув мени ниҳоятда таажжублантирди.

Князь мени кўриб, довдираб қолгандек бўлди.

– Эй, сизмисиз! – қичқирди у ҳовлиқиб. – Учрашган жойимизни қаранг-а! Аммо лекин мен ҳозиргина жаноб Маслобоевдан, у киши билан таниш эканингизни билдим. Хурсандман, сизни учратганимдан гоё хурсандман, ўзим ҳам сиз билан бир учрашиш ва имкони бори ча тезроқ сизникига бориш орзусида эдим. Ижозат берадиларми? Сиздан бир илтимосим бор: менга ёрдам беринг, ҳозирги аҳволимизни тушунтириб беринг. Сўзимга тушунган бўлсангиз кераг-а. Мен кечаги гаплар ҳақида... Сиз у ердагиларга яхшироқ танишсиз, дўстсиз, сиз ҳамма гаплардан хабардорсиз, сўзингиз ўтади... Афсуски, сиз билан ҳозироқ суҳбатлаша олмайман... Иш кўп! Аммо яқин кунларда, балки ундан ҳам илгарироқ, суҳбатингизга муяссар бўларман, деб ўйлайман. Ҳозирча...

У негадир қўлимни ҳаддан ташқари қаттиқ қисди ва Маслобоев билан имлашиб чиқиб кетди.

– Менга айт-чи, Худо ҳаққи... – деб гап бошладим уйга кира туриб.

– Ҳеч нарса дея олмайман, – сўзимни бўлди Маслобоев шошилганича шапкасини чангаллаб ва йўлак томон қадам ташлаб, – иш, оғайни, иш! Мен шөшилиб кетяпман, оғайни, кеч қолдим!..

– Ахир ўзинг ёзибсан-ку, худди соат ўн иккида кел, деб.

– Ёзсам нима бўпти? Кеча мен сенга ёздим, бугун менга ёздилар, тагин шундай ёзибдиларки, миям ёрилиб кетай деяпти, ишлар шунақа! Мени кутяптилар. Кечир, Ваня, сени рози қилиш учун қўлимдан келгани шуки, бекорга овора қилганим учун мени савалашинг мумкин. Агар истасанг, майли, савала, лекин Худо ҳаққи, тезроқ! Вақтимни олма, ишлар кўп, кутяптилар.

- Нега энди савалар эканман? Ишинг бўлса боравер, ҳамманинг ҳам кутилмаган ишлари чиқиб қолиши мумкин. Фақат...

- Йўқ, ана шу фақатни мен айтайин, - сўзимни бўлди у йўлакка югуриб чиқиб, шинелини кияр экан (унинг орқасидан мен ҳам кийина бошладим). - Сенда бир ишим бор, жуда зарур иш, шунинг учун ҳам сени чақирган эдим, худди сенга тегишли, сенинг манфаатингга доир ишлар. Бир дақиқада ҳаммасини баён этиб бўлмагани учун, азбаройи шифо, ваъда бергин, шу бугун худди соат еттида меникига келасан, эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас. Мен уйда бўламан.

- Бугун, - дедим мен иккиланиб, - эй оғайни, бугун кечкурун бир жойга бормоқчийдим...

- Бугун кечкурун бормоқчи бўлган ерингга, чироғим, ҳозир бор, кечкурун меникига. Негаки, Ваня, сенга айтмоқчи бўлган гапларим етти ухлаб тушингга ҳам кирган эмас.

- Шошма, шошма, нима бўлиши мумкин? Ростини айтсам, юрагимга ғулғула солиб қўйдинг-да.

Шу орада биз дарвозадан чиқиб, куча йўлагига ту-
рар эдик.

- Келасанми? - сўради у қистов билан.

- Келаман.

- Йўқ, чин сўз бер.

- Эй, тавба, ҳа, бўпти сўз бераман.

- Жуда соз. Сен қай томонга?

- Бу ёққа, - дедим мен ўнг томонни кўрсатиб.

- Хўш, мен бўлсам бу ёққа, - деди у чап томонни кўрсатиб. - Хайр, Ваня, эсингда бўлсин, соат еттида.

«Қизиғ-а?» ўйладим мен орқасидан қараб қолиб.

Мен Наташаникига кечкурун бормоқчи эдим. Бироқ энди Маслобоевга ваъда бериб қўйганим учун уникига ҳозир боришга жазм қилдим. Мен Алёша ҳам ўша ердадир, деб ўйлаган эдим, ҳақиқатан ҳам у ўша ерда экан, мени кўриб жуда севиниб кетди.

Алёша ҳам мулойим, Наташага ғоят меҳрибон бўлиб қолган эди; мен келишим билан жуда очилиб кетди. Наташа ўзини хурсандликка солгани билан унинг шодлиги зўрма-зўраки экани кўриниб турарди. Ранги кетган, захил, кечаси билан ухламагани кўриниб турарди. Алёша билан ортиқча меҳрибонлик қилар эди.

Алёша Наташанинг кўнглини очиш, унинг табасумга мойил бўлмаган дудоқчаларига кулги югуртириш учун эзмалик қилиб кўп гапиргани билан отаси ҳақида сўзламасликка уринаётгани сезилиб турарди. Чамаси, ярашиш ҳақидаги кечаги уринишлари натижа бермаганга ўхшайди.

– Биласанми? Олдимдан чиқиб кетиш иложини тополмаяпти, – шивирлади шошилиб Наташа, Алёша ниманидир айтиш учун Мавра олдига чиқиб кетганда, – бироқ кўрқяпти. Мен бўлсам «кет» дейишга кўрқяпман, чунки, шундай десам, у атайлаб кетмай қолиши ҳам мумкин, энг кўрққан ерим шуки, бу ерда у зерикиб қолади, шу сабабдан мендан бутунлай совиб кетади! Қандоқ қилсам экан-а?

– Худоё тавба. Мунча ўзингларни ўзинглар қийнайсизлар-а? Шундай бадгумонсизларки, бир-бирингизни пойлаганинглар-пойлаган! Очикдан-очик гаплашиб олиш керак – вассалом. Мана шу аҳволда у ростдан ҳам сендан совиши мумкин.

– Нима қилай бўлмаса? – қичқирди у кўрқиб кетиб.

– Тўхта, ўзим ҳаммасини тўғрилайман... – дедим-у, Маврадан лойга ботган бир пой калишимни артиб қўйишини сўрашни баҳона қилиб ошхонага чиқдим.

– Эҳтиёт бўл, Ваня, – деди орқамдан Наташа.

Мен Мавранинг олдига киришим билан, худди мени кутиб тургандек Алёша олдимга югуриб келди:

– Иван Петрович, азизим, нима қилсам экан? Маслаҳат беринг: кеча мен шу бугун, худди мана шу пайтда Катяникида бўлишга ваъда берган эдим. Бебурд бўлиб қоламан-ку, ахир! Наташамни жонимдек

севамаи, у учун ўзимни ўтга ташлашга ҳам ҳозирман, аммо ўзингиз ўйланг, у ерга боришни ҳам бутунлай тарк этиб бўлмайди, бу ахир мумкин бўлмаган гап...

- Ҳа, нима бўпти, бораверинг...

- Наташага нима дейман? Ахир унинг кўнгли оғрийди-ку, Иван Петрович, бир бало қилиб ҳожатимни чиқаринг...

- Менимча бораверганингиз яхши. У сизни қандай севишини биласиз, унинг назарида худди сиз у билан зеркиб қолаётгандек, ўзингизни зўрлаб ўтиргандек кўринасиз. Одам ўзини эркин тутгани яхшироқ. Майли, бўпти, юринг, мен сизга ёрдам қиламан.

- Азизим, Иван Петрович, қандай яхши одамсиз-а!

Биз ичкари кирдик, бир дақиқадан сўнг мен унга мурожаат қилиб:

- Ҳозир дадангизни кўрдим, - дедим.

- Қаерда? - қичқирди у чўчиб кетиб.

- Кўчада, тасодифан кўриб қолдим. У мен билан бир дақиқа тўхтаб гаплашди, яна «таниш-билиш бўлайлик», деди. Ҳозир унинг қаердалигини билмайсизми, деб сизни сўради. Сизни кўриши жуда зарур экан, сизда гапи бор экан.

- Вой, Алёша, бора қол бўлмаса, кўриниш бер, - деди Наташа менинг нимага шама қилаётганимни тушуниб.

- Бироқ... мен уни энди қаердан топаман? Уйдамикан?

- Йўқ. Графиняникида бўламан, деган эди, шекилли.

- Ундай бўлса... - деди соддалик билан Алёша Наташага маъюс қараб қўйиб.

- Э, Алёша, нима бўпти! - деди у. - Наҳотки сен ростдан ҳам фақат мени тинчлантириш учун ўша танишингдан воз кечмоқчисан-а? Ахир бу болалик бўлади-ку! Аввало, бўлмағур гап, иккинчидан, Катянинг олдида пасткашлик қилган бўласан, сизлар ошнасишлар, ахир алоқани шундай кўполлик билан узиб бўладими? Агар рашк қилади, деб ўйласанг, мени хафа қилган бўласан. Бор, дарров бор, барака топкур! Отанг ҳам тинчланади.

– Наташа, фариштадан ҳам поксан, мен сенинг тирноғингга ҳам арзимайман! – қичқирди Алёша ҳам завқ билан, ҳам пушаймон бўлиб. – Сен шундай ажойиб одамсанки, мен... мен бўлсам... қанақалигимни билиб ол бўлмаса! Мен ҳозирнинг ўзида, ошхонада Иван Петровичдан бу ердан кетишимга ёрдам беришини сўраган эдим. Шунинг учун у шу йўлни ўйлаб топди. Аммо мени койима, фариштам! Менинг унча айбим йўқ, чунки мен сени дунёда ҳаммадан кўп севаман, шунинг учун ҳам янги бир фикр ўйлаб топдим. Катяга ҳамма гапни очиқ гапирмоқчиман ва ҳозирги аҳволимизни, кечаги бўлган воқеаларни дарҳол гапириб бермоқчиман. У бизни қутқариш учун бирор йўл топади, у бизга чин қалбдан содиқ...

– Майли, бора қол, – жавоб берди Наташа жилмайиб, – биласанми, азизим, мен ўзим ўша Катя билан танишишни жуда хоҳлайман. Қандай иложини топсам экан?

Алёшанинг севинчи ичига сиғмасди. У шу заҳотиёқ қандай қилиб таништириш йўллари қидира кетди. Унингча бу жуда осон. Катянинг ўзи иложини топади. У ўз фикрини қизишиб баён эта бошлади. Шу бугуннинг ўзидаёқ, икки соатдан кейин жавобини олиб келиб, оқшомни Наташаникида ўтказмоқчи бўлди.

– Ростдан келасанми? – сўради Наташа уни кузата туриб.

– Наҳотки шубҳа қилсанг-а? Яхши қол, Наташа, яхши қол, севгилим, умрли севгилим! Хайр, Ваня! Эй, Худо, беҳосдан сизни Ваня деб юборибман-а, менга қаранг, Иван Петрович, мен сизни яхши кўраман, шундай бўлгандан кейин нега сенлашмаймиз. Келинг, санлашамиз.

– Хўп, бўпти.

– Худога шукр! Шу гап юз марталаб кўнглимга келган эди, аммо сизга айтишга журъат этмасдим. Мана ҳозир ҳам сизлаяпман. Рост, сен дейиш жуда қийин-а? Бу ҳақда Толстойнинг аллақайси асарида ёзилган: икки киши бир-бирига сансирашга сўз беришган,

аммо ҳеч тиллари бормас экан, шунинг учун гаплашганда олмош келадиган жумлаларни ишлатмасликка уринганлар. Эҳ, Наташагинам! Бир вақт топиб «Болалик ва ўсмирлик»ни ўқиб чиқамиз, қандай яхши-а!

– Бора қол, энди, жўнай қол, – деб ҳайдарди уни Наташа кула-кула, – севинганингдан тилинг очилиб кетди...

– Яхши қол! Икки соатдан кейин ҳузурингда бўламан!

У Наташанинг қўлини ўпиб, шошилганича чиқиб кетди.

– Кўрдингми, Ваня, кўрдингми? – деди у ва кўз ёшлари оқиб кетаверди.

Мен унинг олдида икки соатча ўтирдим, юпатдим ва ҳамма гапларга ишонтириб улгурдим. Ваҳоланки, унинг ҳамма гапи, хавфсирашлари ўринли эди. Мен унинг ҳозирги ҳолини ўйласам, юрагим ғаш тортиб кетар эди; мен унинг ҳоли нима кечади, деб кўрқардим, аммо на чора?

Мен учун Алёша ҳам ғалати кўринарди! У Наташани аввалгидан ҳам кўпроқ севарди, пушаймон еганидан ва унга миннатдор бўлганидан яна ҳам кучлироқ, қаттиқроқ севар эди. Аммо шу билан бир вақтда, янги ишқ-муҳаббат унинг қалбида мустаҳкамланиб бормоқда эди. Булар ҳаммаси нима билан тугашини олдиндан билиб бўлмасди. Ўзим ҳам Катяни кўришга жуда қизиқар эдим. Мен яна, у билан танишиб олишни Наташага ваъда қилдим.

Охирига бориб унинг чехраси очилгандек бўлди. Шу орада мен Нелли, Маслобоев, Бубновалар ҳақида ҳикоя қилиб бердим, бугун Маслобоевникида князь билан учрашиб қолганим, соат еттига ваъда берганимгача гапирдим. Булар ҳаммаси уни ғоят қизиқтирди. Кексалар ҳақида кўп гапирмадим, Ихменевнинг келганини ҳозирча айтмай қўя қолдим. Николай Сергеич билан князь ўртасида бўлиши мўлжалланган дуэль уни кўрқитиб юбориши мумкин эди. Князь билан Маслобоевнинг муносабати, гарчи ҳозирги шароит шуни тақазо қилса

ҳамки, князнинг мен билан танишишга ғоят мушток экани, унга жуда ҳам ғалати туюлди...

Соат учларда уйга қайтиб келдим. Нелли мени порлоқ чехра билан қарши олди.

VI БОБ

Худди соат кеч еттида мен Маслобоевникида бўлдим. У мени шовқин-сурон билан қулочини кенг ёзиб кутиб олди. Унинг ширакайфлиги кўриниб турарди. Аммо мени жуда ҳам таажжублантирган нарса, мени меҳмон қилиш учун кўрилган фавқулодда тайёргарлик эди. Мени кутаётганлари билиниб турарди. Яхшигина рух самовар, жуда чиройли ва қимматбаҳо дастурхон ёйилган тўғарак стол устида шақиллаб қайнаб турар, биллур, қумуш, чинни идишлар ялтирар эди. Ҳалигидан қолишмайдиган бошқачароқ дастурхон ёйилган нариги стол устидаги ликопчаларда жуда яхши конфетлар, Киев мурабболари, суюқ-қуруқ мармеладлар, пастила, жем, фаранг мурабболар, апельсин, олмалар ва уч-тўрт хил ёнғоқлар муҳайё, хуллас, бутун бошли мева дўкони дейсиз. Оппоқ дастурхон ёйилган учинчи стол устида турли-туман газаклар: балиқ уруғи, пишлоқ, паштет, колбасалар, дудланган чўчқа сон гўшти, балиқ ва ажойиб яшил, ёқутранг, тилла рангларда товланувчи хилма-хил навли шароблар тўлдирилган хрусталь графинлар те-риб қўйилган. Ниҳоят, нарироқда, устига оқ дастурхон ёйилган кичкина стол устида шампан виноси солинган иккита ваза турибди. Диван олдидаги столчада уч шиша - Елисеевдан олинган энг қимматбаҳо сотерн, лафит ва коньяк жилваланарди. Чой столи олдида Александра Семёновна ўтирарди. Унинг кийим-бошлари оддийгина бўлса ҳам, аммо жуда нозик, яхши дид билан тиктирилган ва жуда хушбичим эди. Кийимлари ўзига ярашиб турганини у яхши тушунарди ва бунинг учун фахрланаётгани ҳам билиниб турарди; мени кўриб у

бир қадар тантана билан ўрнидан турди. Унинг мамнунлик ва шўхлик ифода этган юзчаси порларди. Маслобоев оёғида ажойиб хитойи кавуш устида қимматбаҳо халат ва яп-янги жуда ҳам олифта ич кийимда эди. Унинг кўйлагининг модали запонка ва тугмалар қадалмаган ери қолмаган эди. Сочлари силлиқ таралган, мойланган ва модага яраша фарқи қийшиқ очилган.

Мен ҳанг-манг бўлиб, уйнинг ўртасида тўхтаб қолдим, дам Маслобоевга, дам терисига сиғмай ғурурланиб ўтирган Александра Семёновнага қараб турардим.

– Ўзи нима гап, Маслобоев? Бугун катта зиёфат бераётганмидинг? – дедим мен ниҳоят ташвиш билан.

– Йўқ, албатта ўзинг, – жавоб берди у баланд руҳ билан.

– Булар-чи, – дедим мен таомларни кўрсатиб, – булар билан бутун бошли бир полкни тўйдирса ҳам бўлади-ку!

– Ичириб қондирса ҳам, энг керагини унутдинг, – деб қўшиб қўйди Маслобоев.

– Шуларнинг ҳаммаси битта мен учунми?

– Александра Семёновна учун ҳам. Булар ҳаммаси унинг майли билан қилинган.

– Ана холос! Ўзим ҳам шуни билгандим! – деди лавлагиси чиқиб кетган Александра Семёновна, аммо ўзининг мамнунлигини ҳеч яшира олмади. – Меҳмонни тузукроқ кутиб ҳам бўлмайди, дарров мен айбли! Тонгдан бошлаб биласанми, сени кечқурун келишингни эшитиб, сахар туриб олиб куймаланади-я; тоза уринди!

– Бу ҳам ёлғон! Тонгдан бошлаб эмас, кеча кечқурундан бошлаганман. Сен кеча кечқурун келишинг билан, бу киши бугун оқшом бизникига меҳмон бўлишларини айтдинг...

– Буни янглиш эшитибсиз, – дедим.

– Янглиш эшитганим йўқ. Худди шундай. Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмайман. Ҳа, нима бўпти, меҳмонни

кутиб ололмаимизми? Яккамохов бўлиб ўтиб кетаверадим киши, ҳеч ким келмаса, кетмаса! Ҳамма нарсамиз бор. Кўрсин яхши одамлар бошқалардек яшай олишимизни.

– Энг муҳими, сизнинг қанчалик ажойиб чаққон ва тадбирли уй бекаси эканингизни билиб оладилар, – қўшиб қўйди Маслобоев. – Биласанми, дўстим, мен мен бечоранинг нима гуноҳим бор дегин-а! Устимга голландча кўйлакни кийдирдилар, запонкалар қадаб ташладилар, туфли, хитойи халат ва ҳоказо... ўзи сочимни таради, ўзи олмуруди соч мойини суркади, аллақанақа крем-брюле атирини сепаиб қўймоқчийди, аммо мен шунисига қолганда чидолмадим, қаршилиқ қилдим, эр нималигини бир кўрсатиб қўйдим...

– Ҳеч ҳам олмуруд эмас-да, нақшли чинни банкачадаги энг яхши француз соч мойи! – деди сўзни бўлиб, бирдан тутақиб кетган Александра Семёновна. – Ўзингиз ўйлаб кўринг, Иван Петрович, на бир театрга, на бир ўйин-кулги бўладиган ерга, ҳеч ерга олиб бормайдиги ўзи мени, ҳадеб кийим олиб бераверади. Ҳа, кўйлакни нима қиламан? Ясаниб олиб, ёлғиз ўзим уйда у ёқдан бу ёққа юраман. Тунов кун зўрғатдан театрга боришга кўндирдим, энди отланиб, тўғноғичимни қадагани ўгирилишим билан жавонни очди-ю, ҳадеб усти-устига ютаверди, бирпасда кайфи ошди, қолди. Театр ҳам қолди. Ҳеч ким, ҳеч бир зот ҳам бизникига меҳмон бўлиб келмайди, фақат эрталаблари ғалати-ғалати одамлар иш билан келиб-кетиб туришади, мени ҳайдаб чиқаришади. Аммо ҳамма нарса бор, самовар дейсизми, чиройли чой идишлар, ғалати қулоқ пнёлалар – ҳаммаси бор, ҳаммаси совғага келган. Озиқ-овқат ҳам олиб келиб туришади, ёлғиз ичимлик ва ҳар замонда бир упа-элик сотиб оламиз, холос. Мана бу газакларни, паштет, дудланган чўчка гўшти ва конфетларни сиз учун сотиб олдик... Ҳеч бўлмаса, бирор киши кўрсайди, бизнинг рўзғоримизни! Бир йилдан бери бирорта меҳ-

мон, қадрли меҳмон келсайди, ҳаммасини кўрсатардик, зиёфат қилардик, келган меҳмонлар мақташса, ўзимиз ҳам хурсанд бўлардик, деб ўйлайман. Анави тентакнинг сочини мойлаб қўйсам ёкмайди, бунга ўзи арзимайди ҳам. Унга қолса, иркит бўлиб юраверса. Устидаги халатини қаранг, уни ҳам совға қилганлар. У шу халатга арзимайдими? Унга томоғини хўллаш бўлса бўлди. Ана ўзингиз кўрасиз, чойдан олдин сизга ҳали ароқ беради.

– Бўлмаса-чи! Бундан соз гап борми? Қани, Ваня, олтинранг, кумуш ранглисидан ютиб юборайлик, ундан кейин дилни тозалаб олиб, бошқа ичимликларни бошлаймиз.

– Ана, ўзим ҳам билувдим!

– Ташвиш қилманг, Сашенька, сизнинг саломатлигингизга коньяк билан чойни ҳам ичиб юборамиз...

– Ана холос! – қичқирди Александра Ивановна чапак чалиб. – Хонлар ичадиган чой, олти сўлкавойдан олинган, бундан уч кун илгари бир савдогар совға қилган эди, буни у коньяк билан ичмоқчи! Сиз унинг гапига қулоқ солманг, Иван Петрович. Мана ҳозир ўзим қўйиб бераман... Кўрасиз, ўзингиз кўрасиз, қанақа чойлигини!

Шуни деб у самовар олдида ўралаша бошлади.

Мени бутун оқшом олиб ўтирмоқчи эканликлари билиниб турар эди. Александра Семёновна бир йилдан бери меҳмон келишини кутар экан, ана энди мен билан тоза дилкашлик қилмоқчи. Аммо булар ҳаммаси менинг режаларимга тўғри келмасди.

– Менга қара, Маслобоев, – дедим мен ўтира туриб, – ахир сеникига меҳмон бўлиб келганим йўқ-ку, иш билан келдим, ўзинг ниманидир айтмоқчи бўлиб мени чақирибсан-ку!..

– Аммо иш ўз йўлига, улфатчилик ҳам ўз навбатида бораверади-да.

– Йўқ, азизим, умид қилмай қўя қол. Саккиз ярим бўлиши билан жўнаб қоламан! Иш бор, мен ваъда берганман...

– Йўғ-а! Мени шарманда қилмоқчимисан? Александра Семёновнанинг аҳволи нима бўлади? Унинг афтига бир қара, қотиб қолди. Мени у бекорга сочларимни мойладими, ахир олмуруд ёғи сурилган-а, ўзинг ўйла!

– Ҳазилга олаверасан-а, Маслобоев. Александра Семёновнага, келаси ҳафта, ҳеч бўлмаса жума куни келишга ваъда бераман, ҳозир бўлса, оғайни, мен бировга сўз берганман, ростини айтсам, бир жойга боришим керак. Яхшиси, сен менга тушунтир, нима гап айтмоқчийдинг?

– Вой, тавба, ростдан ҳам фақат саккиз яримгача ўтирмоқчимисиз! – қичқирди Александра Семёновна ийманиб, ялинчоқ овоз билан, йиғламсираб, кулоқ пиёлада ажойиб катоп чойни узатаркан.

– Ташвиш қилманг, Сашенька, ҳаммаси бўлмағур гап, – деди Маслобоев. – У қолади; беҳуда гап гапиряпти. Ундан кўра менга айт-чи, Ваня, сен қаерларга бориб юрасан-а? Қанақа ишларинг бор? Билсак бўладими? Ахир сен ҳар куни қаерлардадир изғиб юрасан, ишламайсан...

– Нима ишинг бор? Балки хонаси келганда айтарман ҳам. Ундан кўра сен менга айт-чи, кеча кечқурун ўзинг уйимга борибсан, уйда бўлмаслигимни ўзим сенга айтгандим, эсингда борми?

– Кейин эсимга тушди, кеча унутган эканман. Чиндан ҳам сен билан иш ҳақида гаплашмоқчийдим, аммо энг зарури Александра Семёновнани тинчлантириш керак эди. «Шундоқ оғайнинг бор экан-у, нега чақирмайсан?» деб безор қилди. Ошна, агар билсанг, сен учун мени тўрт кундан бери тинчлантиришмайди. Олмуруд учун қиёматда, эҳтимол, гуноҳимдан ўтишар-ку, аммо ошнанг билан бир оқшомгина улфатчилик қилсанг нима бўпти, деб ўйладим ўзимча. Шундоқ қилиб, сиёсат ишлатдим: шундоқ ишки, башарти бормай қолсанг, кемаларимиз фарқ бўлиб кетади, деган мазмунда мактуб ёзиб қолдирдим.

Мен бундан кейин бунақа қилмаслигини, яхшиси, очикчасига хабардор қилиб қўйишни сўрадим. Бирок унинг гапи мени қониктирмади.

– Хўш, бўлмаса, ҳали нега мени ташлаб қочдинг? – деб сўрадим.

– Ҳали, ростдан ҳам зарур иш бор эди, шунча ҳам ёлғони йўқ.

– Князь биланми?

– Чойимиз сизга ёқяптими, йўқми? – сўради Александра Семёновна мулойим товуш билан.

Мана, у беш дақиқадан бери унинг чойини мақташимни кутиб турган экан, менинг бўлса бунга фаросатим етмабди.

– Жуда ҳам соз, Александра Семёновна, жуда ажойиб! Мен бунақасини ҳеч ичган эмасман.

Гапим Александра Семёновнага мойдек ёқиб кетиб, яна ҳам лоладек қизариб кетди, менга яна чой қўйишга шошилди.

– Князь! – бақирди Маслобоев. – Бу князь шунақанги муттаҳам, шунақанги доғулики... учига чиққан! Сенга айтсам, оғайни, менинг ўзим ҳам тоза муттаҳамман, шундай бўлса ҳамки, унинг ўрнида бўлишни асло истамасдим! Ке, қўй, бас қилайлик! Пилдир-пис! У ҳақда шунигина айта оламан, холос!

– Мен бўлсам, атайлаб ўша тўғрида сўраб-суриштириш учун келган эдим. Майли, кейин гаплашамиз. Хўш, нега сен кеча менсиз Еленамга обакилар бериб, унинг олдида ўйнадинг? Бир ярим соат сен у билан нима ҳақда гаплаша олдинг?

– Елена, бу кичкинагина, ўн икки ёки ўн бир ёшлардаги қиз вақтинча Иван Петровичникида турибди, – тушунтирди Маслобоев бирдан Александра Семёновнага ўтирилиб. – Қара, Ваня, қара, – давом этди у бармоғи билан Александра Семёновнани кўрсатиб, – мени бегона қизга обаки олиб борганимни эшитиши билан тутақиб, қизариб кетди, худди биров тўппон-

чадан отгандек бир ирғиб тушди... Кўзларини қара, чўғдек ёняпти-я! Ҳа, яширмай кўя қолинг, Александра Семёновна, рашкингиз зўр. Агар мен ўн бир яшар қиз эканлигини тушунтирмасам, алдақачон сочимдан буйдалаган бўлар эди. Олмуруд ёғи ҳам қутқармасди.

- У ҳали ҳам қутқаролмайди!

Шундай деб Александра Семёновна чой столи олди-дан бир хатлаб ўтди-да, Маслобоев бошини тортишга улгурмай, унинг бир тутам сочини тутамлаб тортқилади.

- Мана, мана, сенга керак бўлса! Меҳмон олдида мени рашкчи деб уялтириш бунақа бўлади, бунақа бўлади!

У қип-қизариб кетди, кулиб ҳазил қилгани билан, барибир, Маслобоев анчагина адабини еган эди.

- Бўлмағур уят гапларни гапиради! - жиддий оҳангда кўшиб кўйди у менга ўгирилиб.

- Мана кўрдингми, Ваня, менинг ҳаётимни! Шунинг аламига ароқни ичамиз! - деди Маслобоев сочларини тузатиб ва югурганича, графин олдига бориб. Аммо Александра Семёновна ундан эпчиллик қилиб, стол олдига югуриб борди-да, ўзи кўйиб узатди ва уни эркалаб ёноқларига уриб-уриб кўйди. Маслобоев ғурур билан менга имлаб кўйди, тилини тақиллатиб тантана билан ўз рюмкасидагини ичиб юборди.

- Обакилар хусусида нима дейишга ҳам ҳайронман, - бошлади у менинг ёнимга - диванга ўтира туриб. - Мен уларни бундан уч кун бурун мастлигимда мева дўконидан сотиб олган эдим, нима учун олганимни ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, Ватанимиз савдо ва саноатини қувватлаш учундир, - шуниси эсимда борки, мен ўшанда маст бўлиб кўчада кетаётган эдим, лойга йиқилиб тушдим, сочларимни юлдим ва ҳеч нарсага укувим йўқ, деб йиғладим. Обакилар эсимдан чиқиб кетган экан, то кеча сеникига бориб, диванга ўтиргунимча чўнтагимда қолиб кетаверибди, устига ўтириб олганимдан сўнггина эсимга тушди, ўйинга тушга-

нимга келсак, бунга ҳам ўша мастлик сабаб: кеча кайфим анча тароқ эди, кайфим ошган маҳалларда агар ўзимдан хурсанд бўлсам, баъзан ўйинга тушаман. Ҳамма гап шу; иннайкейин, анови етимча қизга жуда раҳмим келиб кетди, ундан ташқари, у менга жаҳл қилгандек гаплашишни хоҳламади ҳам. Шундай қилиб, унинг кўнглини очмоқ учун ўйинга тушавердим ва обаки билан сийладим.

– Ёки ундан гап олиш учун обаки сотиб олдингми? Ростини айт. Атайлаб менинг йўқлигимни била туриб, ҳеч ким йўқлигида ундан гап олиш учун кирдингми? Ахир хабарим бор-ку, сен бу билан бир ярим соат ўтиргансан, марҳума онангни танирдим, деб ишонтирибсан ва яна нималарнидир сўрабсан.

Маслобоев кўзини қисиб, айёрона кулимсиради.

– Шундай фикрда бўлсам, ёмон бўлмасди-я, – деди у. – Йўқ, Ваня, ундай эмас. Масалан, шундай қулай пайт келиб қолганда сўрамай нима қиласан. Лекин гап бунда ҳам эмас. Сўзимни эшит, қадрдон дўстим, мен одатдагидек ҳозир ҳам маст бўлганим билан, шуни билиб қўйки, Филипп сени ёмон ният билан ҳеч қачон алдамайди, яъни ёмон ният билан!

– Ёмон ниятсиз-чи?

– Ёмон ниятсиз ҳам... Ке қўй, шу гапларни, ичамиз, кейин гаплашамиз! Ўзи арзийдиган гап эмас, – давом этди у ичиб бўлиб. – Анави Бубнованинг бу қизни ушлаб туришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ эди; мен ҳаммасини билиб олдим. Қиз қилиб асраб олган ҳам эмас ва ҳоказо. Онасининг ундан қарзи бор экан, шунинг эвазига қизини олибди. Бубнова ҳар қанча айёр ва ёвуз хотин бўлгани билан, ўлгудай аҳмоқ, ҳамма хотинларга ўхшаш аҳмоқ. Марҳуманинг паспорти тоза, демак, ҳаммаси жойида. Елена сеникида турса бўлади, яхшироқ бўларди агар оилали ва қимматли одамлар ўз тарбиясига олса. Аммо ҳозирча сеникида тураверсин, дуруст, ўзим ҳаммасини тўғрилайман. Бубнованинг қўлидан

ҳеч бало келмайди. Мархума онаси ҳақида мен деярли ҳеч нарса билолмадим. У Залцман деганнинг беваси экан.

- Шундай, Недли ҳам менга шундай деган.

- Ҳуш, шундай бўлса жуда соз. Энди-чи, Ваня, - бошладди у бир қадар эшитана билан, - сендан жиндаккина илтимосим бор. Сен бажо келтир. Менга иложи борича ўз ишларингдан гапириб бер: қаерларга борасан, куни билан қаерларда тентираб юрасан? Ўзим ҳам қисман биламан, эшитганман ҳам, аммо тўлароқ билишим керак.

Унинг дабдаба билан гапириши мени ҳайрон қолдирди ва ташвишлантирди ҳам.

- Ахир ўзи нима гап? Нима учун сен буларни билишинг керак? Шунчалик дабдаба билан сўрайсанки...

- Гап бундай, Ваня, кўн ган эшакка юк: мен сенга яхшилик қилмоқчиман. Кўряпсанми, дўстим, агар мен қувлик қилмоқчи бўлсам, дабдабасиз ҳам сириггни билиб олардим. Сен бўлсанг мени қувлик қияпти, деб шубҳаланясан: ҳалиги обаки тўғрисида гапирдинг; ахир мен тушундим-ку! Ваҳоланки, мен дабдаба билан гапираётган бўлсам, бу ўзим учун эмас, сен учун. Шундай қилиб сен шубҳаланма, тўғрисиани дангал гапириб ташлайвер...

- Қанақа яхшилик? Менга қара, Маслобоев, нима учун сен князь ҳақида ҳеч нарса дегинг келмайди? Менга кераги ҳам шу. Гапириб берсанг, яхшилик қилган бўласан.

- Князь ҳақидами? Ҳм... Бўпти, тўғрисиани гапириб бера қолай: сендан суриштираётганимнинг сабаби ҳам шу князь-да.

- Ие!

- Гап шундай: оғайни, биласанми, у негадир сенинг ишларингга араллашиб қолганини сездим, сен ҳақингда мендан сўраб ҳам қолди. Сен билан танишлигимизни у қайдан билди, бу сенинг ишинг эмас. Энг муҳими

шуки, сен шу княздан эҳтиёт бўл. Бу ўтакетган хоин одам, ундан ҳам баттар. Шунинг учун у сенинг ишларингга араллашиб қолганини кўрганимдан кейин оёғи куйган товукдек типирчилаб қолдим. Бирок мен ахир ҳеч нарса билмайман, шунинг учун ҳам менинг бирор хулосага келишим учун ўзини гапириб бер, деяпман... Ҳатто, шунинг учун бугун сени чақирдим ҳам. Ўша муҳим иш деганим ҳам шунинг ўзи: очиғини айтяпман.

— Лоақал бирор гап айтасанми, ҳеч бўлмаса, нима учун мен княздан эҳтиёт бўлишим кераклигини тунтирарсан.

— Яхши. Мен оғайни, умуман, баъзан бошқача ишлар билан шуғулланаман. Ахир ўзинг ўйла, оғзим бўш одам бўлса, бошқалар менга ишониб сир айтишарми-ди? Қанақа қилиб мен сенга ҳаммасини гапириб бераман? Шунинг учун мен фақат унинг қанақа қаллоб эканини кўрсатиш учунгина умумий тарзда гапирсам койимайсан. Бўпти. Сен ўзинг олдин бошла, ўз ишларингдан гапир.

Мен Маслобоевдан ҳеч нарсани яшириш керак эмас, деган фикрга келдим. Наташанинг ишлари ҳеч ким учун сир эмасди, шу билан бирга, мен Маслобоевнинг унга бир қадар фойдаси тегади, деб умид қилишим мумкин эди. Ўз-ўзидан равшанки ҳикоямда иложи борича баъзи бир нуқталарни ташлаб ўтдим. Маслобоев князга тааллуқли бўлган ҳамма гапларни айниқса диққат билан тинглади; кўп ерларда мени тўхтатиб, қайталаб сўради. Шундай қилиб, мен анча тўлиқ гапириб бердим. Менинг гапларим ярим соатча давом этди.

— Ҳм! Мияси жойида у қизингнинг, — хулоса қилди Маслобоев. — Башарти, князь ҳақида унчалик тўғри тушунчаси бўлмаса ҳамки, шуниси яхши бўптики, биринчи қадамдаёқ қанақа одамга иши тушганини билиб олибди ва у билан алоқани узибди. Баракалла, Наталья Николаевна! Унинг соғлиғига ичаман! (У ичди.) Бу ерда фақатгина ақл эмас, алданмаслик учун

яна қалб ҳам керак эди. Шу қалб уни алдамаган. Турган гап, унинг иши пачава: князь айтганини қилади ва Алёша уни ташлаб кетади. Ихменевга ачинади киши, ана шу аблаҳга ўн минг тўлайди-я! Ким унинг ишини олиб борди, ким ҳаракат қилиб юрибди? Ўзи бўлса керак-да! Эҳ! Қизиққонликнинг, олижанобликнинг оқибати шу-да! Ҳеч балога ярамайди бу халқ! Князь билан бошқача иш олиб бориш керак эди. Мен Ихменевга шунақанги адвокатни топиб берардимки, эҳ-эҳ! - у алам билан столга уриб қўйди.

- Ҳўш, энди князь ҳақида нима гапириб берасан?

- Сен ҳадеб княздан гап очасан. У тўғрисида нима ҳам деб бўларди? Ундан гап очганимга ўзим ҳам хурсанд эмасман. Мен ахир, Ваня, мен фақат унинг фирибгарлигини айтиб, огоҳлантириб қўймоқчийдим, сени унинг таъсиридан сақламоқчийдим, холос. У билан ким алоқа қилса, хавфдан холи қолмайди. Ўзингга эҳтиёт бўл, вассалом. Сен бўлсанг, Худо билсин, қанақа яширин сирларини айтиб беради, деб ўйлаб юрибсан. Романистлигинг шундан ҳам билиниб турибди! Муттаҳам одам ҳақида нима ҳам деб бўлади? Учига чиққан ифлос одам!.. Мана, масалан, унинг кирдикорларидан бирини сенга айтиб бераман, аммо воқеа содир бўлган жой, шаҳар, гап ким устида, бу воқеа қачон бўлганини айтиб ўтирмайман. Ўзинг биласанки, у ҳали ёш, қирчиллама вақтида, идораси берадиган маош билан яшашга мажбур бўлган даврларида, битта бой савдогар қизига уйланган. Ҳўш, у савдогар қизнинг кунини бошига солган, аммо гап ҳозир бунинг устида бўлмаса ҳам шуни қайд этиш керакки, дўстим Ваня, унинг умри мана шунақанги машмаша билан ўтган. Мана, яна бир ҳодиса: у чет элга кетган. У ерда...

- Шошма, Маслобоев, сен қайси бир ишини айтяпсан? Нечанчи йилда?

- Бундан роса тўқсон тўққиз йилу уч ой муқаддам. Ҳўш, деганингиздан, ўшанда у бир қизни отасидан

алдаб олиб, ўзи билан Парижга олиб жўнаган. Тағин қанақа қилиб дегин! Отаси аллақанақа завод эгаси бўлган ёки аллақанақа корхона ишларида иштирок этган. Аниқ билмайман. Ахир сенга бошқа далилларга ва ўз тафаккурларим ва муҳокамаларимга асосланиб гапирман-да. Шундай қилиб, князь уни бошлаб алдаган, шу корхона ишларига шерик бўлган. Шундай алдаганки, ундан пул ҳам ундириб олган. Олинган пуллар ҳақида чамаси чолда баъзи бир ҳужжатлар бўлган. Князь пулни олишга олиб, қайтиб бормасликни мўлжаллаган, соддароқ қилиб айтганда, ўғирламоқчи бўлган. Чолнинг бир қизи бўлган, қиз бўлганда ҳам ҳурилиқо. Мана шу гўзал қизнинг ажойиб бир хуштори, яъни масалан, Шиллернинг укаси деса бўладиган шоир, шу билан бирга, савдогар, ёш-навқирон, хаёлпараст, хуллас калом, ғирт немис, Феферкухен деган ошиқи беқарори бўлган.

– Яъни унинг фамилияси Феферкухенми?

– Эй, ким билади дейсан, балки Феферкухен эмасдир, гап унда эмас. Фақат князгина чолнинг қизининг кўнглини овлай билган. Қиз ақли хушини йўқотиш даражасида уни севиб қолган. Князга ўша вақтда худди шу икки нарса керак эди: биринчидан, қизни қўлга тушириш, иккинчидан, чолдан олган пул ҳақидаги ҳужжатларга эга бўлиш. Чолнинг ҳамма ҳужжатлари калити қизида турар экан. Чол бўлса, қизини жони танидан ортиқ севаркан, шунчалик севарканки, ҳатто, эрга беришга кўзи қиймас экан. Рост гап. Ҳар қанақа қайликдан рашк қилар экан. Қиздан ажралиш мумкинлиги ақлига сиғмас экан. Шунинг учун Феферкухенни ҳам ҳайдаб юборган экан, ғалати, тентакрок инглиз экан-да...

– Инглиз дедингми? Ахир қаерда содир бўлган экан, ўша воқеалар?

– Шунчаки, мисол учун, айтдим-қўйдим-да, инглиз деб, сен бўлсанг дарров илиб ола қолдинг. Санта-фед

Бөгота шахрида содир бўлган, эҳтимол, Краковада. Аммо мана бу зельтер сувида ёзилганидек, Нассау Фюрстентумида¹² бўлган десак, тўғрироқ булар; кўнглинг ўрнига тушдими? Шундай қилиб, князь қизни қўлга тушириб, отасидан олиб кетган, тағин князнинг қистови билан қиз аллақандай хужжатларни олиб жўнаган. Шундай муҳаббат ҳам бўлади, Ваня! Э, Худо, қиз шунчалик соф, ҳимматли, олижаноб бўлганки, қўяверасан! Рост, балки қоғозларнинг нималигига унча тушунмаган бўлса керак. Уни фақат бир нарса – отаси «оқ» қилиб юбориши чўчитган, холос. Князь бунга ҳам баҳона топган, сенга уйланаман, деб қонуний, расмий хужжат берган. Шундай қилиб, у қизни, шунчаки айланиб саяхат қилиб келамиз, чол ҳовуридан тушгандан кейин, унинг олдига никоҳли эр-хотин бўлиб қайтиб, учаламиз умрбод апоқ-чапоқ яшаб, муроди мақсадимизга етамиз, деб ишонтирган. Қиз қочиб кетган, чол бўлса уни «оқ» қилган, ўзи синган. Қизнинг орқасидан Парижга ҳамма нарсадан воз кечиб, савдо-сотиқни ҳам йиғиштириб қўйиб, Фрауенмильх ҳам жўнаб қолган, шунчалик қаттиқ севар экан.

– Шошма, қанақа Фрауенмильх?

– Ҳа, ҳалиги-чи, отинг қурғур! Фейербах-чи... эй... отинг қурғур, Феферкухен! Хўш, деганингиздан, князь қизга уйланиши мумкин эмас экан, негаки, ахир графиня Хлестова бунга нима дейди? Барон Помойкин нима дейди? Қўйинг-чи, бир бало қилиб лақиллатиб кетиш керак эди. Алдаганда ҳам жуда разиллик билан алдаган. Биринчидан, қизни калтаклашдан ҳам тоймаган, иккинчидан, уйига атайлаб Феферкухенни таклиф қилган, у бўлса лақиллаб келаверган, қизнинг дўсти қаторида қатнаб юрган, бирга ҳасратлашишган, оқшомларни ёлғиз ўтиришиб, ўз бахтларидан нолишган, у буни юпатган, хуллас, Худонинг бандалари-да. Князь жўрттага уни шарманда қилмоқчи бўлган: бир

¹² Князлигида (немис. Turstentum).

кун жуда кеч келиб уларнинг бирга ўтирганлари устидан чиқади-да, «бир-бирларинг билан алоқанг бор экан», деб тухмат қилади, ўз кўзим билан кўрдим, фалон-пистон деб иккаласини ҳам олдига солиб қувлайди, ўзи бўлса ҳайё-ҳув деб вақтинча Лондонга жўнаб қолади. Аёл бечора ҳомиладор экан, князь ҳайдаб чиқаргандан кейин у қиз туғади... йўқ, янглишдим... ўғил, ҳа, ўғилча туғади. Унга Володька деб исм берадилар, Феферкухен уни асраб олади. Шундай қилиб, у Феферкухен билан йўлга тушади. Феферкухеннинг озмоз сармояси бор экан. Аёл у билан бутун Швейцарияни, Италияни айланиб, саёҳат қилади. Ҳамма гўзал ерларда бўлади, аммо кўз ёши тийилмайди. Феферкухен ҳамон нолийди ва шу алфозда орадан бир неча йиллар ўтиб кетади, қиз ўсаверади. Князнинг ҳам ҳамма иши жойида эди-ю, аммо бир иш унинг кўнглини хира қилиб турарди. Сабаби-шуки, никоҳига олиш ҳақидаги расмий қоғозни у қайтариб ололмаган эди. «Тубан бир инсонсан, – дебди аёл у билан ажраша туриб, – сен мени шилиб олдинг, номусимни булғадинг, энди ташлаб кетяпсан. Хайр! Аммо ваъда берган қоғозингни бермайман. Бир кунмас-бир кун сенга тегиб олиш эмас, балки шу ҳужжатдан кўрққанинг учун шундай қилияпман. Майли, у умрбод менинг қўлимда тураверсин». Хуллас, жуда ҳам қизишиб гапирибди, князь бўлса парвойи фалагига ҳам келтирмабди. Умуман, унга ўхшаш пасткашлар, ўшанақа олижаноб зотлар билан муомала қилишни яхши биладилар. Улар шу қадар покизаки, уларни алдаш ҳам жуда осон, иккинчидан, улар ҳар доим, қонуний йўллар билан иш олиб бориш ўрнига, олижаноблик қилиб нафрат билан чегараланадилар, холос. Мисол учун, ана шу онани олайлик, гарчи ҳужжатни ёнида олиб қолган бўлса ҳам, мағрур нафрат билан чегараланиб қолаверган, аммо князь бўлса аёл ўзини осса осадикки, ҳужжатни ишга солмаслигини билган. Шундай қилиб, у вақтинча бўлса ҳам

Ўзича хотиржам юраверган, аёл унинг разил башарасига туфлашга туфлаган, бироқ қўлимда Володька қолди-ку: башарти ўлиб кетсам, унинг ҳоли нима кечади, деб ўйлаб ўтирмаган. Брудершафт ҳам унга тасалли берган, охирини ўйламаган; Шиллер асарини бирга ўқишган. Ниҳоят, Брудершафт нимадандир бетобланган-у, вафот этган...

- Яъни Феферкухен?

- Ҳа-да, оти курсин! У бўлса...

- Тўхта! Улар неча йил саёҳат қилишган?

- Роппа-роса икки юз йил. Хўш, деганингиздан, ниҳоят аёл Краковга қайтиб келган. Отаси бўлса қабул қилмаган, «оқ» қилган. У ўлиб кетган, князь бўлса шодлигидан Худога шукр қилган. Хуллас, тарақа-туруқ, сўқа-ю бўйинтуруқ! Қани, ке, қўй, ичайлик, Ваня, оғайни!

- Сен унинг шу иши билан шуғулланаяпсан, деб шубҳаланаётибман, Маслобоев.

- Буни албатта билишинг шартми?

- Аммо мен бир нарсага тушунмайман, сен бу ишда нима ҳам қила олардинг!

- Кўрясанми, у ўн йил ўтгандан кейин бошқа ном билан Мадридга қайтиб келди, шунинг учун ҳаммасини тўлиқ билиб олиши керак эди-да. Брудершафт ҳақида ҳам, чол ҳақида ҳам, ростдан аёлнинг қайтиб-келган-келмагани ҳақида, бола тўғрисида ҳам, у ўлганми, тирикми, қоғоз борми-йўқми ва ҳоказо ва ҳоказоларнинг ҳаммасини ва яна бошқа баъзи бир гапларни билиш керак эди. Ўтакетган разил одам у князь, Ваня, ундан эҳтиёт бўл, Маслобоевни ҳеч қачон ва зинҳор ифлос одам деб ўйлама! Эҳтимол, у муттаҳамдир (менимча, разил бўлмаган одам йўқ), аммо сенга нисбатан эмас. Мен қаттиқ мастман, аммо эшит: башарти, вақти келиб, ҳозирми, кейинми, бу йилми ёки келаси йилми, Маслобоев сенга қарши бирор қувлик қилганини сезсанг (илтимос қиламан, қувлик қилди, деган сўзни эсингдан чиқарма),

билгинки, бу бегараз кувлик, Маслобоев сени кузатиб юради. Шубхаланиб юрма, яхшиси, келиб очикдан-очик ака-укалар каби Маслобоев билан маслахатлаш. Хўш, энди ичишни хоҳлайсанми?

- Йўқ.

- Тамадди қиласанми?

- Йўқ, кечир, оғайни...

- Бўлмаса жўнаб қол, соат чоракам тўққиз, сен бўлсанг такаббурсан. Кетадиган вақтинг бўлди.

- Нима, нима? Маст бўлиб олиб энди меҳмонни ҳайдашга тушдингми? Ҳамма вақт шунақа қилади! Вой уятсиз! - бақирди йиғламсираб Александра Семёновна.

- Отлиққа яёв ўртоқ бўлмайди! Александра Семёновна биз ўзимиз қолиб, отамлашамиз. Бу бўлса генерал: йўқ, Ваня, мен ёлғон гапирдим, сен генерал эмас, мен бўлсам пасткаш одамман! Қара, аҳволимга, кимга ўхшайман? Сенинг олдингда мен нима деган одамман? Кечир, Ваня, таъна қилма, юрак бўшатишга ижозат бер...

У мени кучоқлаб олди, кўз ёшлари дувиллаб оқиб кетди. Мен кетишга отландим.

- Худоё тавба! Кечки овқат ҳам тайёр-а! - дерди Александра Семёновна, фиғони фалакка чиқиб. - Жума куни бизникига келасизми?

- Келаман, Александра Семёновна, чин сўзим, келаман.

- Ёки анавининг пиянисталигидан ҳазар қиляпсизми-а? Ҳазар қилманг, Иван Петрович, у оққўнгил, жуда ҳам оққўнгил одам. Сизни бирам яхши кўрадики! У сизнинг ҳақингизда энди эртаю кеч гапиради, фақат сиз ҳақингизда гапиради. Атайлаб сизнинг китобларингизни менга деб сотиб олибди, мен ҳали ўқиб чиққанам йўқ; эртага бошлайман. Сиз келсангиз, менга ҳам жуда яхши бўлади! Ҳеч кимни кўрмайман, ҳеч ким бизникига келмайди. Ҳамма нарсамиз бор, доим ёлғиз ўтирамиз. Мана ҳозир мен гапларингизга жон деб астойдил кулоқ солиб ўтирдим. Қандай яхши-я... Хўп, жумагача хайр...

Мен шошилиб уйимга жунадим. Маслобоевнинг сўзлари мени ниҳоятда ҳайратга солиб қўйди. Хаёлимга минг хил фикрлар келиб-кетди... Аксига олиб, уйда шундай кутилмаган бир ҳодисага дуч келдимки, бу вужудимни худди ток ургандек титратиб юборди.

Мен истиқомат қиладиган ҳовли дарвозасининг рўпарасида фонус осиглиқ турарди. Мен эндигина дарвоза олдига келганимда нақ фонус олдидан менинг олдимга ғалати бир шарпа титраб-қақшаб, телбаларча ғизиллаб келди-ю, бақирганича қўлимга ёпишиб олди, азбаройи кўрқиб кетганимдан додлаб юбордим. Мени даҳшат босди. Бу Нелли эди!

– Нелли! Сенга нима бўлди? – бақирдим мен. – Нима қилиб юрибсан?

– У ерда, болохонада... у ўтирибди... бизникида...

– Ким у? Юр, юр мен билан.

– Чикмайман, чикмайман. У кетгунча кутиб турман. Йўлакда тураман... Кўргим йўқ.

Кўнглим ғаш бўлиб уйимга чиқдим, эшикни очсам, князь ўтирибди. У стол олдида роман ўқиб ўтирарди. Ҳар қалай китоб очиқ эди.

– Иван Петрович! – деди у қувонч билан. – Ахир келаркансиз-а, шундай хурсандманки! Энди кетмоқчи бўлиб турган эдим. Бир соатдан ортиқ сизни кутдим. Графиня ўтиниб илтимос қилавергани учун, шу бугун кечкурун уникага сиз билан бирга келишга сўз берган эдим. У шундай илтимос қилдики, сиз билан танишишни шунчалик орзу қиладики, асти қўяверасиз! Сиз ўзингиз аввал менга ваъда берганингизни назарга олиб, сиз у ёқ бу ёққа кетиб қолмасингиздан бурун, илгарироқ олдингизга келиб, сизни таклиф этишга қарор қилдим. Келсамки, оқсочингиз сизни уйда йўқ, деди-да, тарвузим қўлтиғимдан тушиб, нима қилсам экан, деб қолдим. Ахир мен сизни олиб бораман, деб

қаттиқ ваъда қилган эдим-да. Шунинг учун чорак соатча кутиб ўтирай, дедим. Чорак соат қайда? Романингизни варақладим-у, ўқишга берилиб кетдим, Иван Петрович! Ахир бу камолот-ку! Ахир буни ўқигандан кейин ҳам сизни тушунишмайди-я! Асарингизни ўқиб, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди! Мен йиғладим-а! Мен унча-мунчага йиғлайвермайман.

– Шундай қилиб, сиз менинг боришимни истайсизми? Тўғриси айтсам, ҳозир ўзим ҳам боришга қарши эмасман-ку, аммо...

– Худо ҳаққи, борамиз! Менинг аҳволимга тушунасизми, ахир мен сизни бир ярим соатдан бери кутяпман!.. Унинг устига менинг сиз билан гаплашишим жуда зарур, тушунасизми, нима ҳақда эканини? Сиз шу ҳамма ишларни мендан кўра кўпроқ биласиз. Биз, балки бирор қарорга келармиз, бирор тўхтамга келармиз. Ўйлаб кўринг! Худо ҳаққи, рад этманг...

Мен, эртами-кеч, барибир, боришга тўғри келади, деб ўйладим. Фараз қиламиз, Наташа ҳозир ёлғиз, мен унга керакман, бироқ ахир, унинг ўзи қандай бўлмасин, тезроқ Катянинг кимлигини билишимни топширган эди-ку. Бунинг устига, эҳтимол, Алёша ҳам ўша ердадир... Билардимки, Наташа Катя ҳақида бирор хабар топиб келмагунимча кўнгли жойига тушмасди. Шунини ўйлаб боришга аҳд қилдим. Аммо Неллидан кўнглим тўқ эмасди.

– Шошмай туринг, – дедим князга ва зинапояга чиқдим. Нелли шу ерда қоронғи бурчакда турар эди.

– Нега киришни хоҳламаяпсан, Нелли? У сенга нима қилди? Сен билан нимани гаплашди?

– Ҳеч нарса... Хоҳламайман, хоҳламайман... – такрорлади у, – қўрқаман...

Мен уни қистасам ҳам бундан ҳеч нима чиқмади. Биз у билан шундай келишдик, мен князь билан уйдан чиқишим билан у шу заҳоти уйга кириб, ичидан занжирлаб оладиган бўлди.

– Ҳар қанча қистаса ҳам олдинга ҳеч кимни киргизма, Нелли.

– Сиз у билан кетасизми?

– Ҳа, у билан.

У чўчиб тушди ва бормаслигимни илтимос қилмоқчи бўлгандек, қўлимга маҳкам ёпишиб олди, аммо ҳеч нарса демади. Мен ундан эртага ҳамма гапни батафсил сўраб билишга жазм қилдим.

Княздан узр сўраб, кийина бошладим. У мени, у ерга ясан-тусан қилмасдан борилаверса ҳам бўлади, деб ишонтира бошлади. «Янгироқ бўлса бўлаверади-да! – қўшиб қўйди у бошимдан оёғимгача синчков назар ташлаб. – Биласизми, нима бўлганда ҳам зодагонларга хос таассублар... ахир улардан батамом қутулишнинг иложи ҳам йўқ-да. Мана бу камолотни сиз бизнинг киборлар жамиятида ҳали-бери тополмайсиз», – деб тугатди у сўзини, менинг фраким борлигини кўргач, завқи келиб.

Биз чиқдик. Аммо мен уни зинапояда қолдирдим-да, Нелли ғизиллаб кириб кетган уйга кирдим ва яна бир марта у билан хайрлашдим. У қаттиқ хаяжонда эди. Юзи кўкариб кетибди. Мен ундан хавотирда эдим, уни ташлаб кетиш менга оғир эди.

– Оқсочингиз жуда ғалати, тавба, – деди князь зинапоядан туша туриб. – Ўша кичкина қиз сизиинг хизматкорингиз-ку, а?

– Йўқ... у шунчаки... ҳозирча менинг уйимда турибди.

– Ғалати қиз. Мен аминманки, у ғирт жинни. Биласизми, у менга аввал яхши жавоб берди, кейин мени яхшилаб кўриб олгандан кейин менга ёпишиб олиб, қичқира бошлади, қалт-қалт титраб, бир нима демоқчи бўлади-ю, айтолмайди. Ростини айтсам, мен кўрқиб кетдим, энди унинг қўлидан чиқиб қочмоқчийдим, Худога шукрки, унинг ўзи мени ташлаб қочди. Мен ёқамни ушлаб қолдим. Сиз қанақа қилиб чиқишасиз, у билан?

– Унинг тутқаноқ касали бор, – деб жавоб бердим мен.

– Эй, шунақами! Ҳа, қуёнчиғи бўлса... у ҳолда унча ҳайрон қоларли эмас...

Шу тобда менинг хаёлимга бир нарса келди: кеча Маслобоев менинг йўқлигимни билгани ҳолда уйимга келиши, бугун Маслобоевникига боришим. Маслобоевнинг кайф устида, истар-истамас менга гапириб берган ҳикояси, бугун соат еттида уникига таклиф этилишим, менинг қувлигимга ишонма, деб уқтириши ва ниҳоят, князнинг эҳтимол, Маслобоевникида эканлиги била туриб, Нелли ундан қочиб кўчага чиқиб кетганлигига қарамай, мени бир ярим соат кутиб ўтириши – ҳаммаси бир қадар бир-бирига боғлиқ эди. Кишини ўйлантириб қўядиган гаплар эди ҳаммаси.

Дарвоза олдида коляска кутиб турган экан, биз ўтирдиг-у, жунадик.

VIII БОБ

Борадиган еримиз узоқ эмас, Торговий мостигача. Биринчи дақиқаларда биз индамай кетдик. Мен ҳадеб: мен билан қанақа қилиб гап бошларкин, деб ўйлардим. Назаримда, менинг қўйнимга қўл солиб кўрмоқчи, ўсмоқчилаб сўраб-суриштирамоқчидек эди. Аммо у гапни айлантирмай, тўппа-тўғри ишга тушди-қўйди.

– Содир бўлган бир вазият мени ғоят ташвишга соляпти, Иван Петрович, – деб бошлади у, – шу ҳақда энг аввал сиз билан гаплашиб олишим ва сиздан маслаҳат сўрашим керак. Анча бўлди, менинг фойдамга ҳал бўлган жараёндан воз кечиб, ўша жанжалли ўн минг сўмни Ихменевга беришга қарор қилганман. Нима қилсам экан?

«Сен бўласан-у, нима қилишни билмайсан-а, – деган фикр лоп этиб ўтди хаёлимдан, – ёки мени майна қилмоқчимисан?»

– Билмайман, князь, – деб жавоб бердим мен ҳам мумкин қадар ўзимни соддаликка солиб. – Бошқа

тўғриларда, яъни Наталья Николаевнага доир, сиз ва ҳаммамиз учун ҳам зарур бўлган хабарларни айтишга тайёрман, аммо бу хусусда шаксиз ўзингиз мендан кўра кўпроқ биласиз.

– Йўқ, йўқ, унчалик эмас. Сиз улар билан танишсиз, балки Наталья Николаевнанинг ўзи бир неча бор бу хусусдаги ўз фикрини айтгандир; бу эса менинг учун энг муҳим дастуриламал. Сиз менга кўп ёрдам беришингиз мумкин. Ахир бу жуда машаққатли иш. Мен қайтариб беришга тайёрман ва ҳамма қолган ишлар нима билан тугамасин, барибир, қайтариб беришга ҳеч шубҳасиз қарор қилганман! Тушунасизми? Аммо шунини қай усулда бажо келтириш керак, ҳамма гап шунда! Чол такаббур, бирсўзлик, Худо билсин, ҳали у менинг яхшилигим учун ўзимни хафа қилишдан ҳам, ўша пулларни менинг башарамга отиб ташлашдан ҳам тоймайди.

– Кечирасиз, сиз ўша пулларни ўзингизники, деб ҳисоблайсизми ёки уники дебми?

– Жараёнда менинг фойдамга ҳал бўлган, демак, пул меники.

– Бироқ виждонан айтганда-чи?

– Виждонан ҳам ўзимники, деб ҳисоблайман, – жавоб берди у менинг бетакаллуфлигимдан бир оз аччиғланиб. – Назаримда, сиз бу ишнинг моҳиятини билмас экансиз. Мен чолни қасддан алдашда айбламайман ва сизга ростини айтсам, ҳеч қачон айблаган эмасман. Ўзига ўзи шунча ташвишларни орттирди, у бепарволиги, унга ишониб топширилган ишлардаги укувсизлиги туфайли айбли, бизнинг илгариги шартимиз бўйича у баъзи бир шу каби ишларга жавобгар бўлиши керак эди. Аммо биласизми, гап бунда ҳам эмас: гап бизнинг жанжалимизда, ўшандаги икки томондан ёғдирилган ҳақоратларда; хуллас, ҳар икки томон иззат-нафсининг таҳқирланишида. Мен балки ўшанда, ана шу лаънати ўн минг сўмга аҳамият ҳам

бермаган бўлар эдим; аммо шу ишнинг нима учун ва қандай бошланиб кетганидан хабардор бўлсангиз керак. Бўйнимга оламан: мен бадгумон одамман, эҳтимол, мен ноҳақ ҳамдирман (яъни ўша вақтларда), аммо ўзим шуни сезмадим, унинг дағаллигига, ҳақоратларига чидолмай, вақти-ганиматдан фойдаланиб, иш бошладим. Булар ҳаммаси, эҳтимол, сизга мен томондан инсофсизликка ўхшаб кўринар. Мен ўзимни оқламайман, аммо фақат шуни қайд этиб ўтаманки, ғазаб ва айниқса қитиқланган иззат-нафс ҳали инсофсизликдан далолат бермайди, бу табиий, инсонга хос нарсадир; шунга иқрорман, такрор айтаманки, мен ахир Ихменевнинг кимлигини ҳеч ҳам билмасдим ва унинг қизи ва Алёна ҳақидаги фисқи-фасодларга батамом ишондим, шундай бўлгандан кейин уни била туриб, пул ўғирлаганига ҳам ишонганман... Аммо бунинг бир ёққа йиғиштириб қўяйлик. Гапнинг энг муҳими шу: ҳозир мен нима қилмоғим керак? Пулдан воз кечсам-у, аммо ҳали ҳам менинг даъволарим тўғри, деб ҳисобласам, унда бу пулни мен унга ҳадя этган бўламан. Бу ерда тагин Наталья Николаевнанинг ноқулай аҳволини қўшиш керак... Шубҳасиз, у бу пулларни отиб уради.

– Мана кўряпсизми, ўзингиз пулни башарангизга уришини айтяпсиз, бундан чиқди сиз уни виждонли одам, деб ҳисоблайсиз, шунинг учун ҳам у сизнинг пулингизни ўғирламаганига чин дилингиздан ишонсангиз керак. Модомики, шундай бўлгандан кейин, нима учун ўзингиз унинг олдига бориб тўғридан-тўғри даъвонгизни қонунсиз ҳисоблаганингизни айта қолмайсиз? Бу олижаноб бир иш бўлар эди ва Ихменев ҳам эҳтимол, ўз пулини қийналмасдан қайтиб олган бўлар эди.

– Ҳм... ўз пули! Ҳамма гап шунда-да, ҳўш, унда менинг ҳолим нима бўлади? Унинг олдига бориб, ўз даъвом ғайриқонуний деб ҳисоблайман, десам, ҳўш,

қонунсиз эканини билар экансан, нима сабабдан даъвогар бўлдинг, демайдими? Ҳамма менинг юзимга шуни солади. Мен бўлсам бу таънага сазовор эмасман, негаки, менинг даъволарим қонуний. Мен ҳеч ерда, у менинг пулимни ўғирлаган, деб айтган ҳам эмасман, ёзган ҳам эмасман, аммо унинг тadbирсизлиги, укувсизлиги, иш олиб боролмаганлигига ҳали ҳам ишонаман. Уша пуллар, шак-шубҳасиз, меники ва шунинг учун ҳам ўз бошимга ўзим тухмат тоши ёғдирсам, алам қилмайдими! Яна қайтариб айтаманки, чол ўзига ўзи қилди, сиз бўлсангиз, бу учун мени ундан узр сўрашга мажбур этиясиз, бу – оғир.

– Менинг назаримда, икки киши бир-бири билан ярашмоқчи бўлса, унда...

– Бу осон гап, демоқчимисиз?

– Ҳа.

– Йўқ, баъзан жуда ҳам осон бўлмайди, айниқса...

– Айниқса бунга бошқа ҳодисалар ҳам боғланиб кетган бўлса, демоқчисиз. Мана бу фикрингизга қўшиламан, князь. Наталья Николаевна ва ўғлингиз масаласи сизга боғлиқ бўлгани важдан Ихменевларни батамом қаноатлантирадиган йўсинда ҳал этилиши керак. Фақат шундагина сиз Ихменев билан жараён ҳақида ҳам тамомила самимий келиша оласиз. Энди бўлса, ҳамон ҳали ҳеч нарса ҳал бўлмаган экан, сиз учун фақат биттагина йўл бор. У ҳам бўлса, ўз даъвонгизнинг қонунсиз эканига иқроор бўлиш, бўлганда ҳам очиқдан-очиқ, керак бўлса жамоатчилик олдида иқроор бўлишдан иборат – менинг фикрим шу; сизга тўғриси айтяпман, чунки сиз ўзингиз менинг фикримни сўрадингиз, бинобарин, сиз менинг қувлик қилмай, очиғини айтишимни истадингиз. Бу эса менга яна сиздан: нима учун у пулларни Ихменевга қайтариб бериш ташвишига тушиб қолдингиз, деган саволни бериш ҳуқуқини беради. Агар сиз ўзингизни ҳақли, деб ҳисобласангиз, нима сабабдан қайтариб бериш даркор?

Қизиқаетганим учун мени афв этинг, аммо бу бошқа бир иш билан алоқадор...

– Ўзингиз қандай фикрдасиз? – сўради у тўсатдан, гўё менинг саволимни ҳеч эшитмагандек, – кекса Ихменевга шу ўн минг сўм ҳеч сўзсиз ва... ва сипоришсиз топширилса, рад этишига ақлингиз етадими?

– Рад этиши турган гап!

Мен шундай тутақдимки, ҳатто ғазабланганимдан вужудим титраб кетди. Сурбетларча берилган бу нордон савол менга шундай таъсир қилдики, гўё князь башарамга қараб туфлагандек бўлди. Менга яна алам қилган ери шу бўлдики, у оқсуякларга хос дағаллик билан менинг саволимга жавоб бермай, гўё саволни эшитмагандек, гапни чалғитиб юборди ва бетакаллуфлик билан шундай саволлар беришга журъат этиб, ҳаддимдан ошиб кетганимни ўзимга билдирмоқчи бўларди. Мен мана шу оқсуяклар қилиғини жиним ёқтирмас ва кучим борича Алёшадаги шу қилиқларни йўқотишга уринардим.

– Ҳмм... жуда ҳам жаҳлингиз тез экан-ку, лекин киборлар оламида баъзи бир ишлар сиз тасаввур этганингиздек қилинмайди, – деди хавотирлик билан князь менинг сўзимга жавобан, – аммо лекин бу масалани қисман Наталья Николаевна ўзи ҳал қилса ҳам чакки бўлмасди, деб ўйлайман; сиз унга айтиб қўйинг. У маслаҳат бера олади.

– Асло! – дедим мен дағаллик билан. – Сиз жаноблари ҳали мен бошлаган гапга охиригача қулоқ солмадингиз, гапимни бўлиб қўйдингиз. Агар сиз пулни самимиятсизлик ва ўзингиз айтгандек сипоришламай қайтарсангиз, демак, сиз отасига қизи учун, қизига эса Алёша учун ҳақ тўлаган бўласиз, тўғрироқ қилиб айтганда, пул билан мукофотламоқчисиз.

– Ҳм... қаранг-а, азизим, Иван Петрович, сиз мени қандай тушунибсиз, – князь кулиб юборди. Нима учун кулганига ақлим етмайди. – Шунга қарамай, – деб да-

вом этди у сўзида, – ҳали сиз билан гаплашадиган га-
пимиз кўп. Аммо ҳозир вақтим йўқ. Сиз фақат бир нар-
сага тушунингки, гап бевосита Наталья Николаевна ва
унинг келажагига тааллуқлидир, булар ҳаммаси қис-
ман бизнинг қароримиз ва нимага келиб тўхташимиз-
га боғлиқ. Ўзингиз кўриб турибсизки, бу ишда жуда
зарур одамсиз. Шунинг учун башарти сиз Наталья Ни-
колаевнага меҳрибон бўлсангиз, кўзингизга ҳар қанча
ёмон кўринсам ҳам, мен билан изоҳлашишдан бўйин
товлай олмайсиз. Аммо биз етдик... а'bientot¹³.

IX БОБ

Графиня жуда яхши ҳаёт кечирар экан. Уйлар тўлиқ
жиҳозланган, айтарли дабдабали бўлмаса ҳам, дид би-
лан безатилган. Аммо булар барчаси омонатга ўхшаб
турар, бу бемаъни ҳавасларини бажо келтиришни зар-
ур деб топган оқсуяк зотларнинг маҳкам ўрнашган
доимий макони эмас, балки вақтинча турадиган уйи
эди. Графиня ёз кунлари Симбирск губернасидаги
ўзининг (вайрон бўлган ва қайтадан гаровга қўйил-
ган) мулкига кетаркан ва князь у билан бирга борар-
кан, деган миш-мишлар юрарди. Мен буни аллақачон
эшитганман. Катя графиня билан кетгудек бўлса, Алё-
ша нима қилар экан, деб юрагим сиқиларди. Бу ҳақда
ҳали Наташа билан гаплашганим йўқ, кўрқардим,
аммо баъзи бир белгилардан бу хабар унга ҳам маъ-
лум эканини сезиб қолдим. Лекин у индамас ва ич-ичи-
дан изтироб чекарди.

Графиня мени жуда яхши қарши олди, очиқ чехра
билан қўл узатди ва мени аллақачондан бери ўз хузу-
рида кўриш орзусида эканлигини изҳор этди. Чойни
ҳам ажойиб кумуш самовардан ўзи қуйиб берди. Биз
– мен князь ва яна кексайиб қолган, кўкрагида юл-

¹³ Куришганимизгача (франц). Бу ерда гапнинг бўлинган еридан да-
вом эттиргунча хайр, деган маънода ишлатилган.

дузи бор, крахмал ёқали, дипломатнамо зодагон бир жаноб билан самовар яқинида ўтирардик. Сезишимча, бу меҳмонни ғоят хурматлашардилар. Графиня чет элдан қайтиб келгандан кейин, бу йил қиш, Петербургда ҳали ўзи истаганича ва мўлжаллаганича катта ошна-оғайнилар орттиришга ва ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишга улгурмаган эди. Мана шу меҳмондан бошқа ҳеч ким йўқ эди ҳам ва бутун оқшом давомида ҳеч ким келмади ҳам. Мен кўз қирим билан Катерина Фёдоровнани ахтарардим. У Алёша билан бошқа уйда эди, аммо бизнинг келганимизни эшитиб, дарҳол олдимизга чиқди. Князь назокат билан унинг кўлини ўпди, графиня эса унга мени кўрсатди. Князь шу заҳоти бизни таништирди. Мен сабрсизлик билан унга тикилардим: бу оқ кўйлак кийган, ўрта бўйли, юз ифодаси мулойим, ажойиб фируза кўзли, Алёша айтганидек, ёшлик гўзаллиги барқ уриб турган нозиккина, оқ-сарикдан келган қиз эди. Мен гўзалликда камолотга эришган бир қизни кутган эдим, аммо ундай эмас эди. Юзининг бичими бежирим ва нозик, қалин ва чиндан ҳам жуда ажойиб сочлари оддийгина қилиб турмаклаб қўйилган, одамга оҳистагина тикилиб боқарди. Агар мен уни бирор ерда учратиб қолган бўлсам, унча эътибор ҳам бермай ўтиб кетаверган бўлардим, аммо бу биринчи қарашдаёқ кишида шундай таассурот қолдирарди, лекин мен уни шу кеча давомида диққат-ла кўздан кечирдим. Унинг қандайдир соддадиллик билан зўр бериб кўзимга тикилиб туриши ва ҳеч бир сўз айтмасдан туриб қўл беришининг ўзгинаси, ўзининг ғариблиги билан мени танг қолдирган эди, мен негадир ихтиёрсиз илжайдим. Мен шу зумдаёқ хузуримда пок қалбли бир инсон турганини сездим, шекилли. Графиня унга диққат билан разм солиб турарди. Кўлимни сиқиб кўришгандан кейин Катя аллақанақа бир шошилинич билан менинг олдимдан кетди ва уйнинг нариги томонига бориб, Алёша

билан бирга ўтирди. Алёша мен билан сўраша туриб кулоғимга пичирлади: «Мен бу ерда бир зумгина, ҳозир у ёққа жўнайман».

«Дипломат» – (мен унинг фамилиясини билмайман, бирор ном билан аташ учун дипломат деб қўя қолай) вазминлик ва улуғворлик билан қандайдир бир ғояни талқин этарди. Графиня диққат билан унга кулоқ соларди. Князь уни маъқуллаб хушомадгўйлик билан илжаярди; нотик кўпинча унга қараб гапирар, чамаси, уни эшитишга сазовор деб биларди, шекилли. Менга чой бериб, ўз ҳолимга қўйиб қўйишди, бунга ўзим ҳам жуда хурсанд эдим. Шу орада мен графиняга зеҳн солиб қараб ўтирдим. Дафъатан у менга ёқинқирамади. Балки бунинг сабаби унинг ёш бўлмаганлигими, билмадим, аммо назаримда, у йигирма саккизлардан ошмаган эди. Унинг ранги тоза эди, ёшроқ пайтларида жуда ҳам кўркем бўлган бўлиши керак. Тўқ кўнғир сочлари ҳали анча куюк, боқишлари ғоят мулойим, аммо қандайдир ҳавойи ва шўх истеҳзоли эди. Лекин ҳозир нима учундир ўзини босиб ўтирарди. Шу қарашда ҳам донолик ва ундан ҳам кўра кўпроқ кўнгилчанлик ва хушчақчақлик ифодаланарди. Менинг назаримда, унинг характерида бир қадар енгилтаклик, айш-ишратга ташналик ва аллақандайдир содда худбинлик ва балки бундан ҳам зўр бир худбинлик устун турар эди. У князнинг таъсирига берилиб кетган эди. Мен уларнинг яқинлигини билардим ва шунингдек, улар чет элда эканларида князь унчалик рашкли бўлмаган жазман эканлигини ҳам эшитгандим; аммо менимча ўшанда ҳам, ҳозир ҳам, уларни олдинги муносабатларидан ташқари яна нимадир, қисман сирли, қандайдир манфаатга асосланган ғаразгўйликка ўхшаш бир нарса боғлаб турар эди... қисқаси, шунга ўхшаш бир нарса бўлиши керак. Шу пайтларда у князнинг анча кўнглига уриб қолганини, аммо шу билан бирга, алоқалари узилиб кетмаганини ҳам билардим. Эҳтимол, у пайтларда, князнинг ташаббуси билан

қилинадиган бир иш - Катяга бўлган умидлари уларни ҳам маҳкам боғлагандир. Шу асосга мувофиқ князь, графинянинг астойдил талабига қарамай, Алёша билан ўғай қизи никоҳига ёрдам бериши кераклигига кўндириб, унга уйланишдан кутулиб олди. Хуллас, мен ўзим Алёшанинг соддалик билан айтиб берган ҳикояларидан шундай хулосага келдим, ҳарқалай у унча-мунча нарсани сезиб юрарди-ку! Ўша гаплардан менда шундай ҳис туғилдики, графиня батамом князь таъсири остида бўлишига қарамай, қандайдир бир сабабга кўра князь ундан кўрқар эди. Бунинг ҳам Алёша ҳам сезган. Мен кейинги вақтларда шуни ҳам эшитиб қолдим: князь графиняни кимга бўлса ҳам эрга беришни истар, қисман шу мақсадда бирор вилоятда тузукроқ бир эр топиш умиди билан уни Симбирск губернасига юбормоқчи экан.

Мен қандай қилсам тезроқ Катерина Фёдоровна билан юзма-юз гаплашарканман, деган умид билан гапга кулоқ солиб ўтиравердим. Дипломат графинянинг ҳозирги замон аҳволи, бошланиб келаётган реформалар ва улардан кўрқиш керакми-йўқми, деган қандайдир саволига жавоб берарди. У узокдан-узок, вазмин ва нуфузли кишидай салобат билан гапирарди. У ўз ғоясини оқилона усталик билан илгари суради, аммо унинг ғояси чиркин бир ғоя эди. У худди мана шу реформа ва ислохотлар жуда ҳам тез фурсатда маълум бир самаралар беради, бунинг кўриб, одамларнинг ақллари кириб қолади, жамиятга (унинг маълум қисмига) бу ислохотлар руҳи сингиб кетмайди эмас, балки улар қилган хатоларини тажрибада кўрадилар ва шунда яна янги куч-қувват билан эскини қувватлай бошлайдилар, дерди у. Тажриба ачинарли бўлгани билан барибир жуда фойдали, чунки ўша нажотбахш эски тартибларни қўллаб-қувватлашга ўргатади, бунинг учун янги далиллар келтиради. Шунинг учун энди бу эҳтиётсизлик тезроқ чўққисига чиқса, ҳатто кўнгилдагидек бўлар эди. «Бизсиз ҳолингизга вой, - деди у

сўзларига хотима бериб, – бизсиз ҳеч қанақа жамият ҳеч қачон оёқда туролган эмас. Биз ҳеч нарса йўқотмаймиз, аксинча яна ютамиз, биз ҳамон юзага чиқамиз ва бизнинг шиоримиз шу дақиқада: «Pire ca va mienx ca est»¹⁴ бўлиши керак». Князь унга қараб хайрихоҳлик билан ёқимсиз илжайиб қўйди. Нотик ўз-ўзидан ниҳоятда мамнун эди. Мен бўлсам азбаройи қоним қайнаб кетганидан аҳмоқчилик қилиб унга эътироз билдирмоқчи бўлдим. Аммо князнинг заҳархандалик билан боқishi мени тўхтатди, у мен томонга қўз қири билан қараб қўйди ва назаримда, князь мен томондан бирор ғалати ва ёшларга хос бирор ҳаракат содир бўлишини кутиб тургандек эди. У балки шуни истарди ҳам ва мен ўзимни беобрў қилиб қўйишимни кўриб, ҳузур қилмоқчийди. Шу билан бирга, мен қаттиқ ишонардимки: дипломат менинг эътирозимни ҳам эшитмас ва балки менинг ўзимни ҳам кўрмаганга соларди. Булар билан ўтиришнинг ўзи жуда ҳам кўнглимга ура бошлади. Худо хайр бергур Алёша дардимга дармон бўлди.

У астагина менинг олдимга келди-да, елкамга қўлини тегизиб: «Икки оғиз сўзим бор», деб чақириб олди. Мен уни Катя юборганлигини пайқадим. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди. Бир дақиқадан кейин мен Катя билан ўтирар эдим. Энг аввал у ўзича «Мана қанақа экансан», дегандек бошимдан оёғимгача тикилиб ўтирди, аввал биз гапни нимадан бошлашимизни билмасдик. Аммо мен у бир гапга тушиб кетгандан кейин тонг отгунча ҳам гапи тамом бўлмаслигига ишонардим. Алёшанинг «беш-олти соатлик суҳбат ичида», деган гапи дилимдан ўтди. Алёша ҳам шу ернинг ўзида бизнинг нимадан гап бошлашимизни тоқатсизлик билан кутиб ўтирар эди.

– Нега гаплашмаяпсизлар? – деди у табассум билан бизга қараб. – Топишиб олиб, энди жим ўтиришибди.

– Вой, Алёша, ғалатисан-да... биз ҳозир, – жавоб берди Катя. – Биз жуда кўп нарсаларни гаплашиб оли-

¹⁴ Қанча ёмон бўлса, шунча яхши (франц.).

шимиз керак. Иван Петрович, нимадан бошлашимни билмаяпман. Биз жуда кеч танишяпмиз, илгарироқ танишишимиз керак эди, аммо мен сизни аллақачонлардан бери танийман. Сизни шу қадар кўргим келардики... Мен ҳатто сизга хат ҳам ёзмоқчи бўлгандим...

- Нима хусусда? - сўрадим мен беихтиёр илжайиб.

- Ёзадиган гап озми, - деди у жиддий тусда. - Ҳеч бўлмаса, мана бунинг Наталья Николаевна ҳақида гапирганлари тўғри ё нотўғрилигини билиш учун ёзишим мумкин эди. У Наталья Николаевнани шундай пайтларда ёлғиз қолдириб келса ҳам, унга қаттиқ ботмасмиш, шу ростми? Ахир шу қилиғи тўғрими? Марҳамат қилиб айт-чи, Алёша, ахир сен энди бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

- Эй, Худо, мен ҳозир кетаман. Мен айтдим-ку, бир дақиқагина ўтираман-да, сизларнинг гаплашишларингни кўраман-у, кейин жўнайман, деб.

- Ҳўш, нима бўпти, мана бирга ўтирибмиз, кўрдингми? Бу ҳамма вақт шунақа, - деб қўшиб қўйди у хиёл қизариб ва бармоғи билан уни менга кўрсатиб: - «Бир дақиқа, фақат бир дақиқа», дейди-ю, ярим кечагача ўтириб қолганини ўзи билмайди. Ундан кейин кеч бўлиб қолади. «У хафа бўлмайди, у оққўнгил», деб ўйлайди! Ҳўш, шу яхшими? Ҳўш, шу олижанобликми?

- Майли, бора қолай бўлмаса, - жавоб берди Алёша нолиб; - фақат сизлар билан шундай бирга ўтиргим келяптики...

- Бу ерда сенга нима бор! Биз, аксинча, ёлғиз қолиб, кўп нарсаларни гаплашишимиз керак. Менга қара, сен бунга хафа бўлма, бу зарурият, шуни яхшилаб тушуниб ол.

- Зарурият бўлса, хафа бўлиб нима қилардим. Мен фақат бир дақиқагина Левинканикига кириб чиқаман-да, кейин унинг олдига бораман. Менга қаранг, Иван Петрович, - давом этди у шляпасини ола туриб,

– биласизми, отам Ихменев билан бўлган ишда ўз фойдасига ҳукм этилган пуллардан воз кечмоқчи.

– Биладан, у менга айтди.

– Нақадар ажойиб иш! Мана, Катя, унинг олижаноблик қилаётганига ишонмайди. Сиз у ҳақда бу билан гаплашинг. Хайр, Катя, барака топкур, Наташани севишимга шубҳа қилма асло. Тавба, нима учун ҳамманглар, менга ёпишиб олдинглар, а? Таъна қилаверасизлар, тергайверасизлар, худди мен сизларнинг тафтишингиз остида бўлишим шартдек! Мен уни қанчалик севишимни ўзи билади, менга ишонади ҳам. Менга ишонишига имоним комил. Мен уни ҳеч нимасиз, ҳеч қанақа шартсиз севаман. Уни шунчалик севаманки... Яхши кўраман, вассалом. Шунинг учун мени худди бир айбдордек ҳадеб сўроқ қилаверишнинг даркори йўқ. Мана, Иван Патровичдан сўрасанг бўлади, Наташа мени қаттиқ севгани билан рашки зўр, аммо унинг муҳаббатида худбинлик кўп, чунки у мен учун ҳеч қурбон бергиси келмайди.

– Нима деганингиз бу? – сўрадим мен кулоқларимга ишонмай.

– Алёша, сенга нима бўлди? – деди сал қолса бақираёзган Катя чапак чалиб юбориб.

– Рост-да, нега мунча ҳайрон бўляпсизлар? Ҳадеб ёнида бўлишимни талаб қилаверади. Бунини талаб этмайдику-я, аммо шуни хоҳлагани кўриниб туради.

– Уялмайсанми-а, уялмайсанми! – деди Катя жаҳли чиққандан қизариб кетиб.

– Нимаси уят? Жуда қизиқсан-а, Катя. Ахир мен уни у ўйлагандан ҳам кўра кўпроқ севаман, башарти у ҳам мени худди мендек чиндан севгандайди, фақат ўз хузур-ҳаловатини ўйламаган бўлар эди. Рост, у ўзи менга жавоб беради, аммо унинг афтидан, юборгиси келмаётгани кўриниб туради, шундай бўлгандан кейин мен учун бу жавоб бермаган билан баравар-да.

- Йўқ, бу гаплар бежиз эмас! - қичқирди Катя ғазабдан чақнаган кўзлари билан яна менга мурожаат этиб. - Алёша, икром бўл, ҳозир бўйнингга ол, бу гапларни сенинг қулоғингга отанг қуйган. Шу бугун айтдимиз? Менга қувлик қилма, барака топкур: барибир ҳозир билиб олама! Шундайми, йўқми?

- Ҳа, айтувди, - деб жавоб берди, хижолат чекиб Алёша, - нима бўпти? У мен билан шу бугун шу қадар меҳрибонлик, шу қадар дўстона гаплашдики, асти кўяверасиз. Наташани менга шунчалик мақтадики, мен ҳайрон бўлиб қолдим, ахир у дадамни оз-мунча ҳақорат қилдимиз, у бўлса ҳадеб Наташани мақтайди.

- Сиз бўлсангиз ҳаммасига ишондингизми? - дедим мен. - Сиз, сиздан жонини ҳам аямаган ва ҳатто ҳозир ҳам, шу бугуннинг ўзида сизнинг ғамингизни еб, сиз зеркиб қолмаслигингиз, қандай бўлса ҳам Катерина Фёдоровна билан кўришишингиз учун ҳар йўл билан уринган қиз ҳақида шундай дейсизми-а? Унинг ўзи менга шу бугун айтган эди. Сиз бўлсангиз бирдан қаёқдаги ясама гапларга ишона қолибсиз! Уялмайсизми?

- Ношукр! У уятни билармиди! - деди Катя Алёшага, одамгарчиликдан чиқиб қолган одамга гапиргандек. - Тавба, сизларга нима бўлди ўзи? - давом этди Алёша зорланган овоз билан. - Ҳамма вақт шунақасан-а, ўзинг Катя! Ҳамма вақт бир ёмон иш қилганимдек, мендан шубҳаланиб юрасан... Иван Петрович-ку, ўзи маълум! Сизлар мени Наташани севмайди, деб ўйлайсизлар. Мен уни худбин деб айтмоқчи эмасдим. Мен фақат шуни айтмоқчийдимки, у мени ҳаддан ташқари яхши кўради, чегарадан чиқиб кетади, шу сабабдан ўзига ҳам, менга ҳам қийин. Отам бўлса, башарти хоҳлаган тақдирда ҳам, мени алдай олмайди, бўй бермайман. Отам Наташани худбин деб ғараз билан айтгани йўқ, мен ахир тушундим-ку! У худди ҳозир мен айтган гапнинг ўзгинасини айтди: у мени ҳаддан ташқари севади, бу эса тўғридан-тўғри худбинликка

олиб боради, бу эса ўзи учун ҳам, мен учун ҳам оғир, бора-бора менга яна ҳам оғирроқ бўлади. Нима бўпти, ахир у ростини айтади, бу гапларни мени яхши кўрганидан айтади-да. Бундан Наташани хафа қилди, деган хулоса чиқариб бўлмайди-ку; аксинча, отам унда энг кучли муҳаббат, чегарасиз, тил билан ифодалаб бўлмайдиган бир муҳаббат борлигини пайқаган....

Бироқ Катя унинг сўзини бўлиб, тамом қилишга қўймади. У Алёшани қаттиқ таъна қила бошлади, отаси атайлаб Наташани мақтаб туриб ўзининг сохта кўнгилчанлиги билан уни алдаганини, булар ҳаммаси атайин уларнинг алоқасини бузиш ниятида қилинганлигини, усталик билан билинтирмасдан Алёшани Наташага қарши қилиб қўяётганини исбот қила бошлади. Катя қизғин ва оқилона, Наташа нақадар уни севишини ва ҳеч қанақа севган кўнгил унга ўтказилаётган ситамларни кечира олмаслигини гапирди, – у ёғини суриштирганда чинакам худбин, унинг, яъни Алёшанинг ўзи эканлигини айтди. Секин-аста Катя уни ҳам дарёсига фарқ қилиб, қилмишларидан минг-минг пушаймон бўлишгача олиб борди; у олдимизда бошини қўйи солганича ўтирар, чурқ этиб оғиз очолмас, юзининг ифодасидан азоб чекаётгани кўриниб турарди. Аммо Катя шафқатсиз эди. Мен ниҳоятда қизиқиб унга қараб ўтирардим. Мен бу ғалати қиз қанақалигини тезроқ билгим келарди. У ҳали бола эди, аммо аллақандай, қаттиқ қоидаларга риоя қилувчи, яхшилик ва адолатга туғма муҳаббат билан тўлиб-тошган етук бир бола эди. Агар у ҳақиқатан ҳам бола деб аталадиган бўлса, бу ҳолда уни бизнинг оилаларимизда кўпгина учраб турадиган хаёл сурувчи болалар тўдасига киритса бўларди. Унинг кўп мулоҳаза қилганлиги кўриниб турарди. Ажабо, унинг муҳокамалар билан тўлган бошида болаларга хос ғоялар, бошидан кечирган жиддий таассуротлар, ҳаётдан олган (чунки Катя анча нарсани кўрган эди), шу билан бирга, ҳали унга таниш бўлмаган, ҳали бошидан кечирмаган, аммо уни ҳайратга

соладиган, у ўзича бошимдан кечирганман деб ҳисоблаб юрган сон-саноксиз китобий, мужаррид тасаввурлар бир-бирига аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди. Менимча, мен бутун шу оқшом давомида ва кейин уни яхшигина синаб олдим. У оташин ва таъсирчан қалбли қиз эди. Бошқа бир ҳолларда у ҳамма нарсадан ҳақиқатни юқори қўйиб, ўзини тута билиш хислатига гўё илтифотсизлик билан қарагандек эди, турли ҳаётдаги сабр-тоқатни расм бўлиб қолган таассуб деб ҳисоблар, чамаси, бу эътиқодидан мағрурланар эдики, бу ҳолни қизиққон ва ҳатто унча ёш бўлмаган одамларда учратиш мумкин. Аммо мана шунинг ўзи унга аллақандай бир латофат бағишларди. У фикр юргизишни ва ҳақиқатнинг тагига етишни жуда яхши кўрар эди, бироқ бу масалада шу қадар гўл, шу қадар болаларча ҳаракат қилардики, сиз биринчи қарашдаёқ, ундаги шу барча оригиналликларни севиб қолиб, шунга кўникиб қолардингиз. Мен Левинка билан Боринькани эсга олдим ва назаримда булар ҳаммаси табиийдек бўлиб туюлди. Шуниси қизиқки, дафъатан қараганда ҳеч қандай гўзаллик сезилмаган юзи шу оқшомнинг ўзида дақиқа сари мен учун гўзал ва жозибадор бўлиб бормоқда эди. Унинг ҳам бола, ҳам мулоҳаза этувчи аёл каби қилиқлари, мана бу болаларча ҳаққоният ва адолатга бўлган чинакам чанқоқлик ва ўзининг интилишларига қаттиқ ишониши – ҳаммаси қўшилиб унинг юзини ажойиб бир самимият нури билан ёритар, унга аллақандай олий, руҳий гўзаллик бағишларди. Оддий, бепарво боқишда ҳаммаси бирдан кўзга ташланмайдиган бу гўзалликнинг туб маъносини унча тез қамраб олиш мумкин эмаслигига тушуна бошлайсиз. Шунда Алёша унга ихлос ила боғланиб қолиши кераклигини тушундим.

Алёшанинг ўзи фикр юргизиш муҳокама этолмаганидан унинг учун фикр юргизадиган ва ҳаттоки шуни истаган одамларни севарди, Катя эса уни аллақачон ўз ҳомийлигига олган эди. Алёша софлик ва яхшиликка

сажда қиладиган, новдадек эгилувчан, олижаноб бир қалб эгаси эди. Катя эса ўзининг барча болалик самимийлиги, жозибадорлиги билан унинг олдида энди ўзини намоён қилган эди. Алёшанинг қиттак ҳам ўз иродаси йўқ; Катя бўлса матонатли, кучли ва оташин ирода эгаси эди. Алёша эса фақат унга раҳбарлик ва ҳаттоки устидан ҳукмронлик қила оладиган одамгагина боғланиб қолиши мумкин эди. Наташа уни қисман шу билан қўлга олган эди. У ҳам бўлса алоқаларининг бешланиш даврида холос. Аммо Катя ўзи ёш бола, афтидан, хали анчагача болалигича қолиши керак бўлганидан Наташадан юқори турар эди. Унинг мана шу болалиги, ёрқин ақли ва шу билан бир вақтда, муҳокамасидаги баъзи бир етишмовчиликлар барчаси бир бўлиб қандайдир Алёшага яқинроқ эди. У буни сезар ва шунинг учун Катя тобора уни ўзига мафтун этиб бормоқда эди. Мен улар танҳо қолиб, ўзаро суҳбатлашганларида Катянинг жиддий «ташвиқий» гаплари қаторида, иш то дон олишишгача етиб боришига имоним комил эди. Катя эҳтимол, Алёшани жуда кўп марта кўриб қолган ва уни қўлга олиб қўйгани билан, барибир, Алёша Наташадан кўра Катя олдида ўзини енгилроқ ҳис этар эди. Улар кўпроқ бир-бирларига мос эдилар, бу эса жуда муҳим эди.

– Бўлди, бас, Катя, бас! Сен ҳамма вақт ҳақ бўлиб чиқасан, мен бўлсам – ноҳақ. Бунинг сабаби шуки, сенинг қалбинг меникидан покроқ, – деди Алёша ўрнидан тураркан ва хайрлашиш учун унга қўл чўзаркан. – Ҳозироқ унинг олдида кетаман, Левинканикига ҳам кирмайман.

– Левинканикига киришнинг ҳожати ҳам йўқ, энди гапга кириб, унинг олдида кетаётганинг учун кўзимга ёқимтой бўлиб кўринасан.

– Сен бўлсанг ҳаммадан минг марта ёқимтойсан, – жавоб берди хомуш бўлиб Алёша. – Иван Петрович, сизда икки оғиз гапим бор.

Биз икки қадам нари кетдик.

– Мен бугун хунук иш қилиб қўйдим, – шивирлади у менга, – жуда пасткашлик қилдим, мен дунёда ҳамма-нинг олдида гуноҳкорман, айниқса, анави иккаласининг олдида ҳаммадан кўра айблиман. Бугун мени дадам тушлиқдан кейин Александрина билан таништирди (битта француз аёли), жудаям гўзал. Ишқибоз бўлиб қолдим... ва эй, нимасини айтардим, мен улар билан бирга бўлишга лойиқ эмасман... Хайр, Иван Петрович!

– У оққўнгил, олижаноб йигит, – деб гап бошлади Катя шошиб-пишиб, мен яна келиб унинг ёнига ўтирганимдан кейин, – аммо биз у ҳақда ҳали кўп гаплашамиз; энг аввал шу тўғрида келишиб олайлик: князни сиз қанақа одам, деб ўйлайсиз?

– Жуда ёмон одам деб.

– Мен ҳам. Демак, бу ҳақда сиз билан келишар эканмиз, шунинг учун бизга фикр юргизмоқ ҳам осон бўлади. Энди Наталья Николаевнага келайлик... Бамисоли, Иван Петрович, мен ҳозир гўё зулмат ичида юргандекман, сизни худди бир нур каби кутдим. Сиз энди менга буларнинг ҳаммасини тушунтириб берасиз, чунки энг муҳим масалада мен тусмоллаб, Алёшанинг гапларига қараб мулоҳаза юргизаман. Бошқа ҳеч кимдан билиб бўлмасди. Энг олдин шуни айтинг (бу энг муҳими), сизнинг фикрингизча Алёша билан Наташа бирга бахтли бўлишадими, йўқми? Мен аниқ бир қарорга келишим ва шунга қараб бирор чора кўришим учун энг аввал шуни билишим керак.

– Бунга қандай қилиб аниқ жавоб бериш мумкин?..

– Ҳа, албатта аниқ жавоб эмас, – сўзимни бўлди у, – сизнинг назарингизда қандай? Негаки, сиз жуда доно одамсиз.

– Менимча, улар бахтли бўла олишмайди.

– Нега?

– Бир-бирларига мос эмаслар.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим! – у худди афсуслангандек қўлларини қовуштирди.

- Батафсил гапириб беринг. Менга қаранг, Наташани жуда ҳам кўргим келади, чунки мен у билан анча гаплашишим керак, назаримда, биз у билан ҳаммасини ҳал эта оламиз. Ҳозир бўлса, мен уни ўзимча шундай тасаввур қиламан: у ниҳоятда ақлли, вазмин, ҳаққоний ва чиройли бўлиши керак. Шундай-а?

- Шундай.

- Ўзим ҳам шунга ишонардим. Хўш, агар у шундай бўлса, қандай қилиб шу Алёшани, шунақа болани севиб қола олди? Шуни менга тушунтириб беринг; шу ҳақда мен жуда кўп ўйлайман.

- Буни тушунтириб бўлмайди, Катерина Фёдоровна, инсон нима учун, қандай қилиб севиб қолишини тасаввур этиш қийин. У ҳали ёш боладек, аммо биласизми, болани ҳам севиб қолади-ку, киши! (Унга, унинг чуқур жиддият, сабрсизлик, диққат билан менга тикилиб турган кўзларига қараб кўнглим юмшади). Наташанинг ўзи қанчалик ёш болага ўхшамаган бўлса, - деб давом этдим мен, - қанчалик сипо бўлса, уни шунча тез севиб қолиши табиий эди. Алёша ростгўй, самимий, ўлгудек содда, баъзан бу соддалик унга латофат бағишлайди. Нима деб айтса бўларкин?.. Балки у Алёшани аллақандай раҳм-шафқат юзасидан севиб қолган деса, бўлармикин? Олижаноб қалб раҳм келгандан ҳам севиб қола олади... Ростини айтсам, назаримда сизга буни англата олмаяпман, аммо ижозат берсангиз, ўзингиздан сўрамоқчиман: ахир ўзингиз уни севадиз, а?

Мен бу саволини унга жуда дадиллик билан бердим ва шошилиш берилган бу савол билан мен боланикидек бениҳоя соф, покиза қалбга ғулғула сола олмаслигини сездим ҳам.

- Худо ҳаққи, ҳали ҳам билмайман, - жавоб берди у астагина, очиқ чехра билан, кўзимга тикилиб туриб, - уни қаттиқ севаман, шекилли...

- Мана, кўрдингизми! Аммо сиз уни нима учун севиб қолганингизни тушунтириб бера оласизми?

- Унда қаллоблик йўқ, - жавоб қилди у ўйлаб туриб, - у менинг кўзларимга тик қараб туриб, бир нарса гапирса, менга жуда ёқиб кетади... Менга қаранг, Иван Петрович, мана мен сиз билан шунақанги гапларни гапириб ўтирибман, мен қиз бола, сиз бўлсангиз эр-каксиз. Шу ишим яхшими?

- Ҳа, нима бўпти?

- Ҳа, худди шундай, бу ерда ҳеч қанақа ёмон гап пўқ. Анавилар бўлса (у самовар олдида ўтирганларни имлаб кўрсатди), буни албатта ёмон деб ҳисоблашарди. Улар ҳақлими?

- Йўқ! Ахир сиз юрагингизда ёмон иш қилмаётганингизни сезиб турибсиз-ку, шундай бўлгандан кейин...

- Мен ҳамма вақт шундай қиламан, - гапимни бўлди у, чамамда мумкин қадар тезроқ мен билан гаплашиб олиш учун, - агар мен бирор ишдан хижолат чексам, шу заҳоти ўз кўнглимдан сўраб кўраман, кўнглим тинч бўлса, ўзим ҳам тинч. Ҳамма вақт мана шундай қилиш керак. Шунинг учун ҳам мен сиз билан худди ўзим билан гаплашгандек очилиб гаплашяпман, бунинг сабаби шуки, аввало, сиз ажойиб, яхши одамсиз ва мен Алёшага қадар Наташа билан сизнинг орангизда бўлган муносабатни биламан, эшитганимда йиғлаганман ҳам.

- Сизга ким айтиб берди?

- Алёша-да. У ҳам йиғлаб туриб гапирди, бу ажойиб олижаноблик эди, унинг бу қилиғи менга ёқди. Менинг назаримда, Иван Петрович, Алёша сизни, сиз уни яхши кўргандан ортиқ яхши кўради. Мана шу томонлари менга ёқади-да. Иккинчидан, мен шунинг учун сиз билан худди ўзим билан гаплашганимдек очиқ гаплашаманки, сиз жуда ақлли одамсиз ва менга кўп маслаҳатлар бериб, кўп нарсаларни ўргатишингиз мумкин.

- Нимага асосланиб, мени сизга ақл ўргатадиган даражада ақлли одам, деб ўйлайсиз?

- Гапингизни қаранг, қўйинг-э! - у ўйланиб қолди.
- Бу ҳақда шунчаки гап очдим-да, келинг, энг асосий гапдан бошлайлик. Менга йўл кўрсатинг, Иван Петрович: мана ўзим сезиб турибман, мен энди Наташанинг кундошиман. Ахир шуни ўзим биламан-ку, нима қилишим керак энди? Мен шунинг учун ҳам сиздан: «Улар бахтиёр бўла олишадими?» деб сўрадим. Мен бу ҳақда туну кун ўйлайман. Наташанинг аҳволи ниҳоятда оғир, жуда ҳам оғир! Ахир ундан Алёшанинг кўнгли совиб қолди, менга бўлган севгиси кундан-кунга кучайиб боряпти. Шундай-ку ахир!

- Шундай бўляпти, шекилли.

- Ахир Алёша уни алдаяпти-ку! Кундан-кунга кўнгли совиб бораётганини у ўзи билмайди; буни Наташа билса керак. У қанчалик азобланаётган экан?

- Нима қилмоқчисиз энди, Катерина Фёдоровна?

- Режаларим кўп, - жавоб берди у жиддий, - аммо ҳаммаси чигаллашиб кетди. Шунинг учун ҳам менга шуларни ҳал қилиб берасиз, деб сизни тўрт кўз билан кутдим. Сиз буларни мендан кўра кўпроқ биласиз, ахир сиз энди менинг пуштипаноҳимсиз. Эшитинг, энг аввал мен: модомики, улар бир-бирларини севсалар, бахт-саодатли бўлишлари керак, шунинг учун мен ўзимни қурбон қилишим ва уларга ёрдам беришим керак, деб ўйлардим. Шундай эмасми?

- Ўзингизни қурбон қилганингизни биламан.

- Ҳа, мен ўзимни қурбон қилдим, кейин у ҳадеб менинг олдимга келавериб, кундан-кун менга бўлган севгиси ошавергандан кейин, ўйлаб қолдим ва ўзимни қурбон қилайми-йўқми, деб ўйлайдиган бўлдим. Ахир бу яхши эмас-ку, ростми?

- Бу табиий нарса, - жавоб бердим мен, - шундай бўлиши ҳам керак эди... Сиз айбли эмассиз.

- Йўқ. Сиз жуда кўнгличан бўлганингиз учун шундай деяпсиз! Мен бўлсам... менинг виждоним унчалик пок эмас, деб ўйлайман. Агар кўнглим тоза бўлса, қандай

қилиб ҳал қилишни билган бўлар эдим. Аммо бу гапни қўйиб турайлик! Кейин мен уларнинг муносабатлари ҳақида княздан, Алёшанинг ўзидан кўпроқ эшитиб билдим, кейин уларнинг тенг эмасликларини пайқадим, мана энди сиз буни тасдиқладингиз. Мен яна кўпроқ ўйлаб қолдим. Энди нима қилиш керак? Модомики, улар бахтли бўлолмас эканлар, ҳозир ажралиб кета қолишлари яхши эмасми? Кейин шундай хулосага келдим: сиздан ҳаммасини суриштириб, кейин Наташанинг олдига равона бўлсам ва у билан ҳамма ишни ҳал этсам.

– Аммо масала қандай ҳал қилинади? Ҳамма гап шунда.

– Мен Наташага шундай дейман: «Бас, сиз уни жонингиздан ортиқ севасизми, демак, сиз унинг бахтини ҳам севишингиз керак, бинобарин, ундан воз кечмоғингиз керак».

– О, бу гапларни у қайси юрак билан тинглайди? Башарти, у сизнинг гапингизга қўшилганда ҳам бундай қилиш унинг қўлидан келармикин?

– Мана, мана шу ҳақда мен туну кун ўйлайман... ва... ва...

У бирдан йиғлаб юборди.

– Сиз ишонмайсиз, Наташага қанчалик юрагим ачийди, – пичирлади у титраётган лаблари билан.

Бирор нарса дейишга ҳам ўрин қолмаган эди. Мен индамасдим. Унга қараб туриб ўзимнинг ҳам аллақандай бир ишқ-муҳаббат дардида йиғлагим келар эди. Қанақа ажойиб жозибадор эди, бу гўдак! Нима учун ўзингизни Алёшани бахтли қилишга қодир, деб ҳисоблайсиз, деб сўрамасдим ҳам.

– Сиз мусиқани севасиз-ку, а? – сўради у бир оз овунгандан кейин, кўз ёшлари қуриса ҳам ғамгин оҳангда.

– Севаман, – дедим мен бир оз ажабланиб.

– Агар вақт бўлса, мен сизга Бетховеннинг учинчи концертини чалиб берардим. Мен ҳозир шуни чаляпман, бу туйғулар ўшанда... худди ҳозир мен ҳис этаётган-

дек... Менга шундай туюлади. Лекин бошқа бир вақтда, ҳозир гаплашиш керак.

У қандай қилиб Наташа билан кўришиши, бу ишни қандай қилиб рўёбга чиқариши керак, деб маслаҳатлаша бошладик. Ўғай онаси раҳмдил, уни яхши кўришини, бироқ барибир, қаттиқ тергаб туришларини ва Наталья Николаевна билан танишишга асло йўл қўймаслигини айтиб берди. Шунинг учун у энди қувлик ишлатишга қарор қилибди. Баъзан у эрталаблари кўпинча графиня билан сайр этгани чиқар экан. Аҳён-аҳёнда графиня бирга бормай, уни француз аёл билан юборар экан. У аёл ҳозир касал экан. Бу ҳол фақат графинянинг боши оғриб қолгандагина содир бўлар экан, демак, унинг боши оғриб қолишини кутиш керак. Унгача у ўз надимасидек бўлган кампир француз аёли билан келишиб қўяди, чунки у жуда оққўнгил экан. Натижада шундай бўлиб чиқдики, унинг Наташа зиёратига борадиган кунни асло олдиндан белгилаб бўлмас эди.

– Наташа билан танишасиз, бунинг учун ҳеч пушаймон бўлмайсиз, – дедим мен. – Унинг ўзи сизни кўришни истайди, ҳеч бўлмаса Алёшани кимнинг қўлига топшираётганини билиш учун ҳам кўришиши керак-да. Бу ҳақда кўп ташвиш қилаверманг. Вақтининг ўзи сизнинг ташвишингизсиз ҳам ҳал этади. Ахир сизлар қишлоққа кетмоқчисизлар-ку.

– Ҳа, тез кунларда, балки бир ойдан кейин кетармиз, – жавоб берди, – биламанки, князь шуни талаб қиляпти.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, Алёша сизлар билан бирга кетадими?

– Мен ҳам шуни ўйлаган эдим-а? – деди у менга тикилиб. – У боради-ку.

– Боради.

– Ё Раббий, нима бўлади ахир бориб-бориб, билмайман. Қулоқ солинг, Иван Петрович, мен ҳаммасини

сизга ёзиб тураман, тез-тез ва батафсил ёзаман. Жонингизга ҳам тегиб кетаман. Сиз бизникига тез-тез келиб турасизми?

- Қайдам, Катерина Фёдоровна, бу шароитга боғлиқ. Балки ҳеч ҳам келмасман.

- Нега ахир?

- Бу ҳар хил сабабларга боғлиқ, ҳаммадан муҳими, менинг князь билан бўлган муносабатимга боғлиқ.

- У инсофсиз одам, - деди Катя кескинлик билан. - Биласизми, Иван Петрович, мен сизникига борсам, қалай бўларкин?

- Сиз ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

- Яхши бўлса керак, деб ўйлайман. Шундоқ йўқлаб турардим-да сизни... - қўшиб қўйди у табассум қилиб.

- Мен шунинг учун айтяпманки, мен сизни ҳурмат қилиш билан бирга жуда яхши кўраман ҳам... Сиздан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Мен сизни яхши кўраман... Сизга бу гапни айтишим уятмасмикан?

- Нимаси уят? Сиз энди менга ўз жигаримдек азиз бўлиб қолдингиз.

- Ахир сиз мени ошнам бўлишни хоҳлайсиз-ку, а?

- О, албатта! - жавоб бердим мен.

- Анавилар бўлса-чи, албатта, уят бўлади, дейишарди, ёш қизга бундай қилиш ярамайди, дейишарди, - деди у яна чой ичиб ўтирган ҳамсуҳбатларни кўрсатиб. Назаримда князь бизни мириқиб гаплашиб олишсин, деб атайлаб ёлғиз қўйганди.

- Ўзим ҳам яхши биламан, - қўшиб қўйди у, - князга менинг пулларим керак. Мени улар ҳали ғирт ёш бола деб ўйлашади ва буни юзимга ҳам айтишади. Мен ундай деб ўйламайман, энди бола эмасман. Ғалати одамлар-а ўзлари, тавба, ўзлари худди ёш болага ўхшашади; нега мунча уринишар экан?

- Катерина Фёдоровна, сўрайман деб эсимдан чиқибди: ҳалиги Алёша олдиларига тез-тез бориб турадиган Левинька билан Боринькалар ким ўзи?

– Улар менинг узоқ қариндошим. Жуда ақлли, жуда ҳам инсофли одамлар, аммо жуда кўп гапиришади... Мен уларни биламан.

Шундай деб у жилмайиб қўйди.

– Сиз уларга вақти келиб бир миллион тақдим қилмоқчимисиз-а, тўғрими?

– Эй, мана кўрдингизми шу миллионни олайлик, уни чайнайвериб, кўнгилга тегишди. Мен албатта нимаики фойдали бўлса, шунга иона қиламан, шунча катта пулнинг нима кераги бөр, тўғри эмасми? Аммо ҳали қачон бераман, маълум эмас-ку! Улар бўлса, аллақачон уни тақсимлаб қўйиб, бу тўғрида бош қотиришади, шовқин-сурон кўтаришади, қаерга ишлатамиз, деб жанжаллашишади, одамга ғалати кўринар экан. Жуда ҳам ҳовлиқишяпти. Аммо барибир, улар самимий ва ақлли одамлар. Ўқишади. Бу ҳар ҳолда, бошқа бировларнинг ҳаётига қараганда яхши-ку, а. Шундай эмасми?

Биз яна у билан жуда узоқ гаплашдик. У менга қарийб ўзининг бутун ҳаётини гапириб берди ва менинг ҳам ҳикояларимни жон қулоғи билан тинглади. Кўпроқ Наташа ҳақида, Алёша ҳақида тўлиқроқ гапиришимни талаб қиларди. Князь олдимга келиб-кетиш кераклигини менга шама қилганда соат ўн икки эди. Мен хайрлашдим. Катя қўлимни қаттиқ сиқиб, афтимга маъноли қараб қўйди. Графиня келиб-кетиб туришимни сўради. Биз князь билан чиқиб кетдик.

Мен бир ғалати ва эҳтимол бу ишларга ҳеч алоқаси бўлмаган бир мулоҳазани айтишдан ўзимни тўхтата олмайман. Катя билан бўлган уч соатлик суҳбатимдан аллақандай қизиқ хулосага келдим: у, ҳали ғирт бола бўлиб, эркак билан аёл ўртасида бўладиган сирларни асло билмас экан. Бу эса унинг баъзи бир хил мулоҳазаларига, умуман, жуда кўп муҳим нарсалар ҳақида гапирган вақтидаги жиддий оҳангига ажойиб бир кулгили тус берарди.

– Биласизми, нима, – деди князь мен билан коляскага ўтира туриб, – бир овқатланиб олсак, жуда соз бўларди-да, а? Сиз қандай ўйлайсиз?

– Қайдам... князь, – жавоб бердим мен икқиланиб, – мен ҳеч вақт кечкурун овқатланмайман...

– Овқат баҳонаси билан суҳбатлашиб ҳам оламиз-да, – кўшиб кўйди у менинг кўзимга айёрона тикилиб.

Муддаосига тушуниш қийин эмасди! «Гапириб ичини бўшатиб олмоқчи, – ўйладим мен, – менинг ҳам муддаом шу-ку». Мен рози бўлдим.

– Жуда жойида. Большая Морскаяга, Б.никига борамиз.

– Ресторангами? – дедим мен бир оз тарадудланиб.

– Ҳа, нима бўпти? Мен кечки овқатни камдан-кам уйда қиламан. Наҳотки, сизни таклиф этишга ижозат бермайсиз-а?

– Аммо, сизга айтдим-ку, мен ҳеч қачон кечкурун овқатланмайман деб.

– Эй, бир марта есангиз, ҳеч нарса бўлмайди. Унинг устига мен сизни таклиф этяпман-ку!..

«Яъни сен учун тўлайман-ку», демоқчи, Худо ҳаққи, буни атайлаб такрор айтди. Мен бирга боришга кўндим, аммо ресторанда ўзимга ўзим тўлашга қарор қилиб кўйдим. Биз етиб келдик. Князь алоҳида бир хонани олди ва дид билан икки-уч хил овқат буюрди. Буюрилган овқатлар қимматбаҳо таомлар эди, худди шу таомларга яраша бир шиша овқат олдида ичиладиган ажойиб шароб келтиришга ҳам буюрди. Улар ҳаммаси менинг ҳамёнимга тўғри келмасди. Мен қартага қарадим ва яримта чил (қуш), бир рюмка лифит олиб келишни буюрдим. Князь норозилик билдирди.

– Сиз мен билан овқатланишни истамайсизми, а? Бу ахир кулгили-ку! Pardon, mon ami¹⁵, аммо бу яра-

¹⁵ Кечирасиз, азизим (франц.).

мас инжиқлик-ку! Одамнинг ҳам шунчалик сиркаси сув кўтармас бўладими? Бу ерда табақа манфаатлари ўртага тушяпти, шекилли. Худдо ҳаққи, шундай. Аммо мени хафа қиляпсиз.

Бироқ мен ўз сўзимда туриб өлдим.

– Майли, истаганингизча бўлсин, – кўшиб кўйди у. – Ихтиёрингиз... Иван Петрович, сиз билан очик, дўстона гаплашиш мумкинми?

– Буюринг, марҳамат.

– Ундай бўлса, айтай, менимча, мана бунақанги инжиқлик, сизга зарар етказди. Худди шунингдек, сизнинг шерикларингиз ҳам шу хилдаги нозлари билан зарар қиладилар. Адабиётчисиз, киборларни билишингиз керак, сиз бўлсангиз ҳаммадан ўзингизни опқочиб юрасиз. Мен энди чил ҳақида гапирмоқчи эмасман, аммо сиз бизнинг муҳит билан ҳар қандай муносабатдан воз кечишга тайёрсиз, бу эса жуда ҳам зарарли. Булардан ташқари яна сиз кўп нарсдан қуруқ қоласиз – хуллас калом, карьера қилолмайсиз – бундан ташқари, яна сиз ҳеч бўлмаса ўзингиз ёздиган нарсаларни ўзингиз кўриб билишингиз учун ҳам шу керак эди, ахир сизнинг қиссаларингизда графлар ҳам, князлар ва зодагон аёлларнинг пардозхоналари ҳам тасвирланади... Ҳа, менга нима бўлди? Сизлар энди қашшоқлик, йўқолган шинеллар, ревизорлар, жирттаки офицерлар, чиновниклар, эски давр ва раскольниклар ҳаёти билан шуғулланасизлар.

– Аммо сиз янглишяпсиз, князь, башарти мен сиз айтган «олий доираларга» бормасам, бунинг сабаби шуки, у ерда киши жуда ҳам зерикади, иккинчидан, нима қилишингни билмайсан! Аммо шунга қарамай мен...

– Биладан, йилда бир князь Р.никига борасиз. Мен сизни ўша ерда учратганман. Йилнинг қолган вақтларида бўлса сиз демократлик ғурурига берилиб, чердакларингизда сарғайиб ўтирасиз, аммо ҳаммангиз ҳам

шундай қилмайсиз. Шундай саргузашт қидирувчилар ҳам борки, улардан, ҳатто кишининг кўнгли айнийди...

– Мен сиздан шуни илтимос қилардимки, князь, шу гапни қўйсаг-у, бизнинг чердакларга тил тегизмасак.

– Вой, тавба, хафа бўлдингиз-а. Бироқ ўзингиз сиз билан дўстона гаплашишга рухсат бердингиз-ку! Кечирасиз, мен ҳали ҳеч нима билан сизга дўст бўлишга арзийдиган иш қилмадим. Вино анча тузук экан. То-тиб кўринг.

У менга ўз шишасидан ярим стакан вино қуйиб берди.

– Мана кўрдингизми, азизим Иван Петрович, мен ўзим ҳам яхши тушунаман: хиралик билан дўст бўлишга уриниш ярамас нарса. Ахир биз ўйлаганингиздек, сизлар билан қўпол ва сурбет муомала қилмай-миз-ку! Албатта, мен ҳам жуда яхши тушунаман, сиз бу ерда, менга рағбатингиз борлигидан эмас, шунчаки мен сиз билан гаплашишга ваъда берганим учун ўтирибсиз. Шундай эмасми?

У қулиб қўйди.

– Сиз маълум бир кимсанинг манфаатларини ҳимоя қилганингиз туфайли, менинг фикримни эшитмоқни истайсиз. Шундайми? – қўшиб қўйди у заҳарханда қулги билан.

– Янглишмадингиз, – сўзини бўлдим мен чидамсизлик билан (кўриб турибман у бирор кишини қиттак бўлса ҳам ўз ҳукми остида кўрса, дарров унга шуни сездириб қўярди. Мен эсам ҳозир унинг ихтиёридаман, унинг айтмоқчи бўлган гапларини эшитмасдан кетолмайман, бунини у жуда яхши биларди. Унинг турқи бирдан ўзгарди ва у борган сари сурбетларча бетакаллуф ва пичингчи бўла бошлади). – Сиз янглишмадингиз, князь, мен худди шунинг учун келдим, йўқса, тўғриси, мен бу ерда, бемаҳал вақтда ўтирмаган ҳам бўлар эдим.

Мен унга: йўқса сиз билан ўлсам ҳам бирга қолмас эдим, дейишни истардим-у, аммо тилим бормади –

бошқача қилиб айтдим, бунинг сабаби кўрқиш эмас, ўша менинг бадбахт бўшанглигим ва назокатлилигим эди. Ростдан ҳам, қандай қилиб бировнинг кўзига қараб туриб, гарчи ўша одам шунга лойиқ ва худди ўша одамга кўнол муомала қилишни истаган тақдирингда ҳам, қандай қилиб дағаллик қилиб бўлади? Назаримда, князь буни менинг кўзларимдан сизди шекилли, худди менинг юраксизлигимдан хузур қилгандай, ўз қарашлари билан мени: «Ҳа, ҳа, жигар, ботинмадинг-ку, тилинг бормади-ку!» деб тижгижлатгандек оғзимдаги жумлам тамом бўлгунча менга масхараомуз қараб ўтирар эди. Чамамда, худди шундай эди, чунки у мен гапимни тамом қилишим билан хаҳолаб кулиб юборди ва аллақандай илтифот ва марҳамат билан менинг тиззамга қоқиб қўйди.

«Кулгимни қистатяпсан, ука», деган ифодани ўқидим мен унинг боқишида. «Шошмай тур ҳали!» деб ўйладим мен ичимда.

– Бугун жуда ҳам вақтим чоғ! – деб қичқирди у, – аммо нима учунлигини билмайман, ҳа, шундай дўстим! Ҳа! Мен худди ана ўша кимса ҳақида гаплашмоқчийдим. Ахир узил-кесил айтиб қўйиш, бирор хулосага келиш керак-ку! Шу гал мени батамом тушунишингизга имоним комил. Ҳали мен сиз билан анави пуллар ва анави қаллаварам ота, олтмиш яшар гўдак ҳақида гап очган эдим. Хўш! Энди эслашнинг ҳам ҳожати йўқ. Мен шунчаки, айтдим-қўйдим-да! Ҳа, ҳа, ҳа, ахир сиз адабиётчи, ахир фаҳмига етишингиз керак эди-да...

Мен ҳайрон бўлиб, унга қараб ўтирардим. Ҳали-ку маст бўлганича йўқ...

– Энди анави қизга келсак, рост, мен уни хурмат қиламан, ҳатто, севаман ҳам, ишонинг. Бир оз инжикроқ, аммо ахир «гул тикансиз бўлмас», дейдилар, эллик йил бурун. Жуда тўғри гап: тикан санчилади, лекин мана шуниси жозибадор-да! Менинг Алексеим аҳмоқ бўлгани билан, қисман уни кечирдим, яхши диди учун

кечирдим. Қисқаси, ўшанақа қизчалар менга ёқади ва менда (у лабини маънодор қимтиб қўйди), ҳатто ниятим ҳам бошқача... Ҳай, майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз...

- Князь, гапимга қулоқ солинг! - бақирдим мен. - Мен, мен сизнинг бу қадар тез ўзгарганингизга тушунолмаман, аммо... Гапни бошқа ёққа буринг, ўтинаман!..

- Яна қизишяпсиз! Хўп, яхши... Гап мавзуини ўзгартираман. Фақат шуни сиздан сўрамоқчиман, қадрли дўстим: сиз уни қаттиқ ҳурмат қиласизми?

- Турган гап, - жавоб бердим дағал бетоқатлик билан.

- Хўш, севасиз ҳамми? - давом этди у тишларининг оқини кўрсатиб ва кўзларини сузиб.

- Ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз! - бақирдим мен.

- Ҳа, бўпти, ошмайман, ошмайман! Тинчланинг! Бугун кайфим жуда ҳам яхши. Кўп вақтлардан бери вақтим шундай чоғ бўлмаган эди. Шампан виносидан ичмаймизми? Қалай ўйлайсиз, шоир?

- Мен ичмайман. Ичишни хоҳламайман ҳам!

- Қўйинг-э, бу гапингизни! Сиз бугун албатта, менга улфат бўлишингиз керак. Мен ўзимни жуда ажойиб ҳис этяпман. Модомики, кўнгилчан, раҳмдил бўлганим учун, ёлғиз ўзим хурсанд бўлишни истамайман. Ким билади, биз балки бир-биримизни сансирашгача ичармиз, ҳа, ҳа, ҳа! Йўқ, менинг ёш дўстим, сиз ҳали мени билмайсиз! Мен аминманки, сиз мени севиб ҳам қоласиз! Сиз бугун мен билан ғамимга ҳам, шодлигимга ҳам шерик, гарчи асло йиғламаслигимга ишонсам ҳамки, кўз ёши тўкканимда ҳамдард бўлишингизни истайман. Шундай эмасми, Иван Петрович! Ахир сиз фақат шуни тушуниб олингки, агар хоҳлаганларим рўёбга чиқмаса, у ҳолда менинг барча илҳомларим йўқолади, ҳавога учади ва сиз ҳеч нарса эшита олмай қоласиз; ахир сиз бу ерда фақатгина бирор нарса эшитиш учун ўтирибсиз-ку! Тўғри эмасми? - қўшиб

қўйди у яна менга ҳаёсизлик билан кўз қисиб қўйиб. – Хуш, қани, бирини танланг.

Дўқи жойида эди. Мен рози бўлдим. «Мени маст қилиб қўймоқчи эмасмикин?» деб ўйладим. Дарвоқе, князь ҳақидаги бир миш-миш гапни эслатиб қўйиш кези келди. Уни эшитганимга ҳам анча бўлди. У ўз доираси ичида доимо тавозели ва одобли бўлиб юргани билан баъзан кечалари ичиб юради, ичганда ҳам ўтакетган пиянисталардан баттарроқ ичиб, пинҳона бузқчилик қилади, ҳеч кимга билдирмай шалоқ юради, деб гапирар эдилар.. Мен у ҳақда жуда қабиҳ гаплар эшитганман. Алёша ҳам отасини ҳар замонда ичиб маст бўлишини билади ва буни ҳаммадан, айниқса, Наташадан яширишга уринади, дердилар. Бир куни оғзидан илиниб қолди-ю, бироқ гапни бошқа ёққа буриб юборди ва менинг саволларимга жавоб бермади. Лекин мен унинг ўзидан эшитган эмасман, аммо шуни айтайки, аввалига ишонмаган эдим, энди нима бўлишини кутардим.

Вино келтирдилар, князь ўзига ва менга икки қадаҳга қўйди.

– Дилрабо, жонон қиз, мени койиса ҳам, барибир дилбар қиз! – давом этди у, винони завқ билан маза қилиб ҳўпларкан, аммо бу дилбар қизлар худди мана шу ерда, мана шунақа дақиқаларда жозибадор бўлиб кетадилар... У бўлса мени уялтирдим, деб ўйлади, – эсингизда борми ўша оқшом, титиғини чиқариб юбордим, деб ўйлади! Ҳа, ҳа, ҳа! Юзларининг лоладек қизариб кетгани унга қандай ярашади? Аёлларнинг мижозини биласизми? Баъзан беҳосдан юзига югурган қизиллик рангсиз юзларга жудаям ярашади, шуни сезганмисиз? Эй, Худо! Тағин жаҳлингиз чиқаётганга ўхшайди?

– Ҳа, жаҳлим чиқяпти! – бақирдим мен энди ўзимни тута олмай. – Энди Наталья Николаевна хусусида гапиришингизни истамайман... яъни мана бу оҳангда гапиришингизни... мен... мен бунга йўл қўймайман!

- Эҳ-е! Буюргайлар, гап мавзуини ўзгартирай, кўнглингиз тинчлансин. Мен гапга киравераман, хамирдек юшоқ одамман. Майли, сиз тўғрингизда гаплашамиз, Мен сизни яхши кўраман, Иван Петрович. О, сизга дўст, ҳамдард эканлигимни билсангиз эди.

- Князь, иш устида гаплашсак, яхшироқ бўларди, - дедим мен гапини бўлиб.

- Яъни масалан, ўз ишимиз ҳақида демоқчисиз-да. Оғзингиздан чиқмай туриб тушунаман, топ апи! Аммо борди-ю, шу тобда сиздан сўз бошласак, сиз менинг гапимни бўлмай турсангиз, айна ишга тааллуқли гап келиб чиқишига шубҳа қилмайсиз. Шундай қилиб, давом этаман: сизга шуни айтмоқчиманки, менинг бебаҳо дўстим Иван Петрович, сиздек ҳаёт кечириш ўз-ўзини хароб этиш, демакдир. Ҳарқалай, шу нозик томонларга ўтсам, хафа бўлмайсиз; дўстлигимдан гапираман. Сиз қашшоқсиз, ўз антрепренерингиздан бўнак оласиз, қарз-курсларингизни тўлайсиз, қолганига ярим йил ёлғиз чой-нон билан қаноатланасиз ва романингиз қачон антрепренер журналида босилишини кутиб, ўз чердагингизда титраб-қақшаб кун ўтказасиз. Шундай-ку, а?

- Майли, шундай бўлсин, аммо ҳар ҳолда бу..

- Ўғирлашдан, лаганбардорликдан, порахўрликдан иғво ва ҳоказо ва ҳоказолардан яхшироқ, демоқчисиз. Биламан, биламан, нима демоқчи эканингизни! Булар аллақачон китобларда босилган.

- Модомики, шундай экан, менинг ишим ҳақида гапириб ўтиришингизнинг кераги йўқ. Наҳотки, мен сизни назокатли бўлишга ўргатишим керак а, князь?

- О, албатта, ўргатадиган сиз эмас! Фақат нима ҳам қилайликки, биз худди ўша назокат торини чертяпмиз. Ахир бусиз иложи йўқ-ку! Ҳа, майли, яхшиси, чердакларни ўз ҳолига қўяйлик. Менинг ўзимни ҳам, маълум бир ҳолларни мустасно қилганда, уларга унчалик ҳушим йўқ (у жуда хунук хахолаб кулди). Бироқ мени

шу нарса ҳайратга солади: иккинчи шахс ролини ўйнашнинг сизга нима зарури тушди? Албатта, ҳатто ёзувчиларингиздан биттаси, қаердадир: агар одам ҳаётда иккинчи шахс роли билан чегараланиб қола билса, бу одамнинг энг улуғ мардлиги эмасми, деган гапи эсимда бор... Шундай эди чоғимда! Шу тўғрида тағин қаердадир эшитганман, ахир, Алёша сизнинг қайлиғингизни тортиб олди, хабарим бор, сиз бўлсангиз, аллақандай Шиллер сингари жонбозлик кўрсатиб, шуларга тағин мулозамат қиласиз, уларнинг югурдаги ҳам бўлиб, қолибсиз... Мени афв этасиз, азизим, аммо ахир бу олижаноб туйғуларни жирканч тарзда ўйин қилиш-ку!.. Қандай қилиб шулар кўнглингизга урмади-я! Ҳатто уят-номус. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, алашимга чидолмай ўлиб кетардим, энг муҳими – уят ва номус!

– Князь! Сиз мени атайлаб бу ерга ҳақорат қилиш учун олиб келганга ўхшайсиз! – бақирдим мен ғазабдан тутақиб.

– О, йўқ, йўқ, дўстим, мен шу дақиқада сизнинг бахт-саодатингизни тилайдиган ишбилармон одамман. Хуллас калом, ҳамма ишларни жойига туширмоқчиман. Аммо вақтинча ҳамма ишни ҳам қўйиб турамин, сиз менинг сўзларимни охиригача эшитинг, ҳеч бўлмаса, бир-икки дақиқа қизишмай ўтиринг. Хўш, борди-ю, сиз уйлансангиз, нима бўлади? Шу тўғрида нима дейсиз? Кўрдингизми, мен ахир энди бутунлай бошқа хусусларда гапиряпман, нега мунча менга ажабланиб қарайсиз?

– Гапингизни тамом қилишингизни кутиб турибман, – дедим мен ростдан ҳам ҳайрон бўлиб унга тикилганимча.

– Гапирадигап гап ҳам колмади, мен фақат худди шунигина: агар сизнинг чиндан бахтли бўлишингизни истаган дўстларингиздан бирортаси сизга ёшгина, чиройлиқкина, аммо... унча-мунчани бошидан кечирган қизни (мен мажозий маънода гапиряпман), яъни

масалан, ўзингиз тушунасиз, Наталья Николаетнага ўхшаш қизни ол деса, нима деб жавоб беришингизни билмоқчийдим, албатта, яхшигина мукофот билан-да. (Билиб қўйинг, мен бутунлай бошқа бир одам тўғрисида гапиряпман, гап бизнинг ишимиз устида кетаётгани йўқ.) Хўш, нима деган бўлардингиз?

– Сиз... сиз ақлдан озибсиз, деган бўлардим.

– Ҳа, ҳа, ҳа! Ҳой, мени урмоқчи ҳам бўляпсиз, шекилли?

Мен ростдан ҳам унинг устига ташланишга тайёр эдим. Энди ўзимни ушлай олмай қолувдим. У кўзимга газандага, катта ўргимчакка ўхшаб кўринди, уни янчиб ташлагим келиб кетди. У мени масхара қилиб кулаётганидан завқланарди, у мени тамоман ўз ихтиёридаги одам деб ҳисоблар, мушук сичқон билан ўйнашгандек мен билан ўйнашар эди. Назаримда (мен буни тушунардим ҳам), у менинг олдимда юзидаги ниқобини сидириб ташлаб, ўзининг пасткашлиги, юзсизлиги, ҳаёсизлигидан негадир завқланар, лаззатланарди. У менинг таажжубланишимни, менинг даҳшатга тушишимни кўриб, ҳузур қилишни истарди. У ич-ичидан мендан нафратланар ва менинг устимдан куларди.

Бошиданоқ булар ҳаммаси қасддан қилинаётганлигини ва бирор нарсага шама эканлигини юрагим сезиб турган эди; аммо мен шундай аҳволда эдимки, нима бўлмасин, унинг гапларини охиригача эшитиш керак эди. Булар ҳам Наташанинг манфаатига доир эди, шунинг учун ҳамма нарсага тайёр бўлишим ва ҳамма нарсага чидаб туришим керак эди, чунки шу дақиқада ҳамма иш ҳал бўлиши мумкин эди. Аммо қандай қилиб, Наташанинг шаънига айтилаётган мана бу одобсиз, қабиҳ сўзларга бардош бериш мумкин, буларга қандай қилиб совуққонлик билан қараш мумкин? Бунинг устига унинг ўзи, мен унинг сўзларига кулоқ солишга тоқатим йўқлигини яхши тушунарди, бу эса хўрли-

гимни келтирар эди. «Дарвоқе, ахир унинг ўзи менга муҳтож-ку!» деб ўйладим, шунинг учун унга қўпол ва таҳқиромуз жавоб бера бошладим. У буни тушунди.

– Менга қаранг, биродар, – бошлади у менга жиддий қараб, – бу аҳволда гапни давом эттириш мумкин эмас, шунинг учун, яхшиси, келишиб олайлик. Кўряпсизми, мен сизга баъзи бир нарсаларни айтиш ниятида эдим, сиз бўлсангиз, марҳамат қилиб, мен нима демай, эшитишга рози бўлишингиз керак. Мен оғзимга сиққанча, тилаган нарсамни гапирмоқчиман, ростини айтганда, шундай бўлиши ҳам керак. Хўш, биродар, нима қилайлик, сабр қилиб эшитасизми?

У ўзининг заҳарханда боқишлари билан худди ўзи атайлаб менда қаттиқ норозилик туғдиришга ҳаракат қилаётгандек кўринса ҳамки, мен тишимни тишимга қўйиб, индамай ўтиравердим. Аммо у кетмасликка рози бўлганимни тушунди ва давом этди:

– Мендан хафа бўлманг, дўстим. Сиз бир нарсадан хафа бўлдингиз-а? Битта нозанин учун, тўғри эмасми? Ахир аслини суриштирганда мендан бошқача гап кутмагандингиз, сиз билан қайси тарзда гаплашмай: назокат ва одоб биланми ёки ҳозирги гапиргандекми, барибир маъниси бир хил бўларди. Сиз мендан нафратланасиз, шундай эмасми? Кўряпсизми, менда қанчадан-қанча мулойим соддалик, ростгўйлик, бу *bonhomia*¹⁶ бор. Мен сизнинг олдингизда ҳаммасига ва ҳатто ўзимнинг боладек инжиқликларимга ҳам иқрор бўламан. Ҳа, *mon eher*¹⁷, ҳа, сизнинг томонингиздан ҳам кўпроқ *bonhomia* бўлса, биз келишамиз, гапни бир жойга қўямиз ва ниҳоят, бир-биримизнинг гапимизга батамом тушунамиз. Мендан бўлса ажабланманг: азбаройи Худо, мана бу соддаликлар, Алёшанинг кўнгли бўшлиги, мана бу Шиллербозликлар, Наташа билан бўлган машъум алоқаси (лекин дилбаргина қиз), мана

¹⁶ Оққўнгилик (франц.).

¹⁷ Азизим (франц.).

бу машмашалар, ниҳоят даражада кўнглимга шундай урдик, мен сизга айтсам, фурсати келиб қолганда афтимни бужмайтириб қўя қолгим келади. Фурсат ўзидан ўзи келиб қолди. Шу билан бирга, мен сизнинг олдингизда юрагимни бўшатмоқчи эдим ҳам. Ха, ха, ха!

– Князь, сиз мени ҳайрон қолдириясиз, мен сизни таниёлмаяпман. Сиз масхарабозликка ўтиб оляпсиз, мана бу кутилмаган ростгўйлик...

– Ха, ха, ха! Айтгандек, бир ҳисобда гапингиз тўғри! Жуда ажойиб бир ташбиҳ! Ха, ха, ха. Мен айш-ишрат қиламан, дўстим, айш-ишрат. Мен шод ва мамнунман, сиз бўлсангиз, менинг шоирим, мумкин қадар илтифот кўрсатмоғингиз керак. Аммо келинг, яхшиси, ичайлик, – деди у ўзидан ғоят мамнун бўлгани ҳолда қадаҳга вино қўя туриб. – Мана, дўстим, битта ҳов анави бемаъни оқшом – эсингизда борми, Наташаникидаги оқшом мени адоий тамом қилди. Рост, унинг ўзи ажойиб, жозибадор эди, аммо мен у ердан ғазаб отига миниб чиқдим, ҳеч қачон буни эсимдан чиқармоқчи эмасман. Эсимдан чиқариб ҳам бўлмайди, яшириб ҳам. Албатта бизга ҳам навбат келиб қолар ва у ҳатто яқинлашиб ҳам келяпти, энди биз буни шу ҳолда қўймаймиз. Дарвоқе, мен сизга шуни айтиб қўймоқчийдим, менинг шундай феълим бор, сиз уни ҳали билмасдингиз, бу манави бемаза, ҳеч нарсага арзимайдиган соддаликлар, ҳиссиётга берилишдан нафратланиш хислатидир. Мен учун энг шавқли лаззатлардан бири, ҳамма вақт аввал бошда муғамбирлик қилиб, ўзимни шундай содда кўрсатиш, шу мақомга тушиб олиш, қандайдир бир абадий ёш Шиллерни силаб-сийпаб, кўнглини кўтариб, ундан кейин унинг олдида бирдан ниқобни олиб ташлаш ва яшнаб турган юзни унга буриштириб кўрсатишдир, бунигдек совғани асло кутмаган бир дақиқада унга тилни кўрсатиб, уни довдиратиб қўйишдир. Хуш? Сиз буни ту-

шунмайсиз, бу сизга қабих, бемаъни пасткашлик бўлиб кўринар балки, шундайми?

– Бўлмаса-чи!

– Сиз очик гапирадиган одамсиз. Хўш, агар менинг ўзимни азобга солаётган бўлсалар нима қилай! Мен аҳмоқ, сир яширолмаيمان, нима ҳам қилардим, феълим шу. Аммо ҳаётимдан, хислатларимдан гапириб бергим келяпти. Сиз мени яхшироқ тушунасиз, бу жуда қизиқарли нарса. Ҳа, эҳтимол, мен бугун ҳақиқатан ҳам масхарабозга ўхшарман: ахир масхарабоз очик гапирадиган бўлади, тўғри эмасми?

– Менга қаранг, князь энди кеч бўлди, тўғриси...

– Нима? Худоё тавба, бунча сабрсизлик қиласиз! Қаёққа ҳам шошиласиз? Ўтирамиз, дўстона, самимий отамлашамиз, яхши оғайнилардек қадахни тўлдириб қуйиб дилкашлашамиз, Сиз мени маст деб ўйлаяпсизми? Ҳечқиси йўқ, қайтага шу яхши. Ҳа, ха, ха! Тўғриси! Бу дўстона улфатчилик эсдан чиқмайдиган нарса бўлади, у завқ билан эсга олинади. Инсофингиз йўқ, Иван Петрович, сизда кўнгилчанлик, хассослик йўқ. Ахир менга ўхшаш оғайнингиз учун бир соат нима деган сўз? Унинг устига шунинг ўзи ҳам ишга тааллуқли... Хўш, қандай қилиб буни тушуниб бўлмайди? Тағин адабиётчи эмишсиз: сиз ахир бу ҳодиса учун шукрлар қилишингиз керак. Ахир сиз мендан тип ясашингиз мумкин. Ҳа, ха, ха! Ё, Оллоҳ, қанчалик бугун очилиб гапиряпман-а!

У маст бўлди шекилли. Юзи ўзгарди, аллақандай ғазабли тусга кирди. Чоғимда у захрини сочмоқни, игнасини санчмоқни, масхаралаб кулмоқни истарди. «Бир ҳисобда маст бўлгани ҳам яхши, – деб ўйладим мен, – маст одам ҳамма вақт лақиллаб гапириб қўяди». Аммо унинг ақли жойида эди.

– Дўстим, – деб бошлади у чамаси ўз-ўзидан завқланиб, – мен ҳозир сизнинг олдингизда бир нарсага иқрор бўлдим, балки ўринли ҳам эмасдир, яъни мен-

да баъзан маълум бир ҳолатларда кимгадир тилим-ни чиқариб кўрсатиш истаги туғилишини айтдим. Бу соддалигим ва очиқлигим учун сиз мени масҳарабозга ўхшатдингиз, бу менинг кулгимни қистатди. Аммо менга кўпол муомала қилдингиз, оддий бир мужикдек адабсизлик қиляпсиз, сўз оҳангини бирдан ўзгартирдингиз, деб менга таъна қилсангиз ва бунга ҳайрон бўлсангиз, инсофсизлик қилган бўласиз. Биринчидан, истагим шу, иккинчидан, мен ўз уйимда эмас, сиз билан биргаман... яъни қалин ошналардек биз ҳозир кайф-сафо қиляпмиз, демоқчиман, учинчидан, мен инжиқлик қилишни ўлгудек яхши кўраман. Биласизми, мен бир вақтлар бу инжиқлигим туфайли ҳатто метафизик ҳам, филантроп ҳам бўлганман ва оз бўлмаса худди сизникига ўхшаш ғояларга берилиб кетганман. Аммо булар алақачонлар ўтиб кетган, булар ёшлигимнинг олтин даврларида эди. Эсимда бор, ҳали мен ўшанда ўз қишлоғимга инсонпарварлик руҳи билан келдим, ўлгудек зерикдим; ўшанда мен билан қанақа ҳодиса юз берганини гапирсам ишонасизми? Азбаройи зерикканимдан мен яхши-яхши қизлар билан таниша бошладим. Эй, юзингизни тириштирманг? О, менинг ёш дўстим, ахир энди биз сиз билан дўстона улфатлашяпмиз-ку! Қачон айш-ишрат суриб, қачон очилиб гаплашамиз ахир! Ахир мен рус табиатли одамман, чинакам рус мижозли одамман, ватанпарвар, очиқ гапиришни яхши кўраман, бунинг устига фурсатни қўлдан бой бермай ҳаётдан лаззатланиш керак. Ўладиган дунё! Мана шундай қилиб хотинларнинг орқасидан қолмай юрдим. Эсимда бор, битта чўпон аёлнинг эри бор эди. Чиройли, ёш мужик эди. Мен уни қаттиқ жазоладим ва солдатликка юбормоқчи бўлдим-у (бир вақтги шўхликлар, шоирим!) лекин солдатликка бермадим. У менинг касалхонамда ўлди... Қишлоқда-менинг ўн икки койкалик касалхонам бўлган, яхши жиҳозланган, озода, поли паркетдан қи-

линган. Мен сизга айтсам, уни аллақачон беркитиб қўйганман, ўша вақтларда эса у билан фахрланардим, филантроп эдим, мужикни бўлса хотини учун уриб ўлдираёзган эдим. Эй, нега тагин юзингизни тириштиряпсиз? Кулоғингизга ёқмаяптими? Олижаноблик туйғуларингизни таҳқирлаяптими? Тинчланинг, тинчланинг! Булар ҳаммаси ўтиб кетган. Мен буларни романтик бўлганимда, одамзотга ҳомий бўлмоқчи, филантропик жамият қурмоқчи бўлганимда қўрганман... Ўшанда шунақа йўлга тушиб қолган эдим. Шунда калтаклаганман ҳам. Энди калтаклаб ўлдирмайман, энди афт-башарангни буриштириб қўя қолиш керак... энди биз ҳаммамиз шундай қиламиз, шунақа вақт келди... аммо ҳаммадан кўп тентак Ихменев кулгимни қистатади. Мен аминманки, ўша мужик воқеасини билади... Нима бўлди? У ўзининг оққўнгиллигидан (бу юрак шиннидан бўлса керак), ўша вақтлар мени яхши кўриб қолганидан, ўз-ўзига мени мақтаб, ҳеч нарсага ишонмасликка қарор қилди, ишонмади ҳам, яъни фактларга ишонмади ва ўн икки йил ўзи мени ҳимоя қилиб келди, то бошига таёқ теккунча ҳимоя қилди, ха, ха, ха! Ҳа-да, булар ҳаммаси беҳуда гаплар! Ичамиз, ёш дўстим. Менга қаранг, хотинларга ҳушингиз борми?

Мен жавоб бермадим. Мен фақат унинг сўзини тинглардим, у энди иккинчи шишани бошлади.

– Мен бўлсам, кечки овқат устида улар ҳақида гапиришни яхши кўраман. Овқатдан кейин сизни битта *made moiselle Philiderta* билан таништириб қўйсам, а, нима дейсиз? Эй, сизга нима бўлди? Менга қарагингиз ҳам келмайди-я... ҳм!

У хомуш бўлиб қолди. Кейин бирдан бошини кўтарди-ю, менга аллақандай маънодор қараб қўйиб давом этди.

– Мана, шоирим, мен сизга, табиатнинг, чамамда ҳали сизга тамомила маълум бўлмаган бир сирини очмоқчиман. Мен аминманки, сиз шу лаҳзада мени гу-

ноҳга ботган, балки ҳаттоки, муттаҳам, разил, фисқ-фужурнинг учига чиққан одам, деб ўйларсиз. Аммо мен сизга шуни айтиб қўяй! Агар мумкин бўлса эди (аммо одамзотнинг табиати бунга ҳеч йўл қўймайди), агар ҳар қайсимиз ичимиздаги бутун сирларимизни бир-бир баён этсак, бировга айтишга ҳам қўрқадиган ва ўлақолсак ҳам одамларга билдирмайдиган, ўзимизнинг яқин дўстларимизга айтишдан ҳам қўрқадиган ва ҳаттоки, баъзан ўз-ўзимизга иқрор бўлишдан ҳам қўрқадиган сиримизни бир-бир ёзсак, у ҳолда дунёни шундай бадбўй ҳид босиб кетардики, ҳаммамиз бўғилиб ўлардик. Мана, шунинг учун, қавс ичида, бизнинг оқсуяклар муҳити ва одатлари нақадар соз, деймиз. Уларда чуқур бир фикр, ахлоқий деб айтолмайман, албатта, аммо ҳар эҳтиётнинг олдини оладиган, қулайлик яратадиган фикр бор, асли суриштирилса, ахлоқ қулайлик ва фароғатнинг ўзидир, яъни ёлғиз фароғат учун ўйлаб чиқарилгандир. Аммо назокат ҳақида кейин гаплашамиз, ҳозир гапимдан адашиб кетяпман, кейин эсимга солиб қўярсиз. Сўзимни шу билан тугатаман. Сиз мени фосиқ, бузуқи, ахлоқсиз, деб айблаяпсиз, мен бўлсам шунинг учун айбдорманки, бошқаларга қараганда очиқ гапираман, вассалом; боя айтиб ўтганимдек бошқалар ҳатто ўзларидан ҳам яширадиган сирларни мен беркитмайман... Мен ярамас иш қиляпман, аммо мен энди шуни истайман. Бироқ сиз ташвиш тортманг, – қўшиб қўйди у масҳараомуз кулги билан, – мен «айбдорман», дедим, аммо бу ахир сиздан кечирим сўраш, деган сўз эмас. Шуни билиб қўйингки, мен сиздан уялмайман ҳам, ўзимни оқлаш ниятида, сизнинг ҳам ҳеч қанақа гуноҳингиз борми, деб сўрамайман ҳам... Мен одоб ва олижанобликни қўлдан бермайман. Умуман, мен ҳамма вақт олижаноб иш қиламан...

– Сиз шунчаки алжираяпсиз, – дедим мен жирканиш билан унга қараб.

– Алжираяпсиз эмиш, ха, ха, ха! Айтайми, ҳозир нима ни ўйлаётганингизни? Сиз, нега мени бу ерга олиб келди-ю, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, олдимда эшилиб кетди, деб ўйлаяпсиз. Шундайми, йўқми?

– Шундай.

– Ҳа, сиз буни ҳали кейин биласиз.

– Қисқаси, икки шишани уриб олдингиз-да, кайфингиз ошиб қолди.

– Яъни мастсиз, денг. Бундай ҳам бўлиши мумкин. «Кайфингиз ошиб қолди!» эмиш, яъни маст бўлдингиз, дегандан кўра нозикроқ қилиб айтдингиз-да! О, назокат билан тўлиб-тошган инсон! Бироқ... биз яна уриша бошладик, шекилли-а, энди қизиқ нарсалардан ҳангомалашиб келаётган эдик. Ҳа, менинг шоирим, дунёда энг яхши ва ширин нарса бор бўлса, у ҳам аёллардир.

– Биласизми, князь, нима сабабдан ўз сирларингиз ва ишқий саргузаштларингиздан воқиф қилиш учун келиб-келиб мени танладингиз, бунинг боисига ҳар қалай тушунолмаيمان.

– Ҳм... ҳа, ахир мен сизга айтдим-ку; кейин биласиз, деб. Хавотир олманг, бир ҳисобда ҳеч сабабсиз сизни танлаган бўлсам нима бўпти; сиз шоирсиз, мени тушунасиз, ҳали айтган эдим-ку! Мана бу тўсатдан ниқобни сидириб ташлашнинг, бировнинг олдида уялмай-нетмай, сирингни айтишдек ҳаёсизликнинг ўзига яраша гашти бор. Мен сизга битта латифа айтиб бераман. Парижда битта жинни чиновник бор эди. Кейин жиннилиги аниқлангандан сўнг уни жиннихонага жойладилар. Шундай қилиб, у энди жинни бўлиб келаётган даврда, у ўзини хурсанд қилиш учун шундай қилиқни ўйлаб топибди: у ўз уйида қип-яланғоч бўлиб ечинаркан, худди Одам атонинг ўзгинаси бўларкан, фақат оёқ кийимидагина қолар экан, устига товонигача тушадиган кенг плашчини ташларкан-у, унга ўралганича кеккайиб олиб сипогарчилик билан кўчага чиқаркан. Бундоқ ёнидан қараганлар, ҳамма қатори

кенг плашчга ўралиб олиб сайр қилиб юрган одам-да, деб ўйларкан. Аммо бирорта йўловчини, овлоқда учратиб қолдими, бўлди, индамасдан ғоят жиддий қиёфа билан унинг рўпарасида бирдан тўхтаркан, плашчини ечиб юбориб, ҳамма ёғини кўрсатаркан... Бу бир дақиқагина давом этаркан, кейин у тағин плашчига ўралиб олиб, ғиқ этмасдан, қиттак ҳам юз ифодасини ўзгартирмасдан, хайратдан ханг-манг бўлиб қолган томошабин ёнидан Гамлетдаги соя каби гердайиб ўтиб кетавераркан. У бу қилиқни эркаклар, аёллар, болалар олдида ҳам қилаверар экан, у шундан лаззатланар экан. Қандайдир бир Шиллерни тўсатдан довдиратиб ва ҳеч кутмаганда унга тилингни кўрсатиб, ўша роҳатнинг савобини топса бўлади. «Довдиратиб» ажойиб сўзми-а? Мен бу сўзни қаердадир, ўзларингизнинг замонавий бир асарингиздан ўқиб билганман.

- У жинни экан, сиз-чи...

- Эсингиз жойида, демоқчимисиз?

- Ҳа.

Князь хахолаб юборди.

- Сиз инсоф билан гапирар экансиз, азизим, - қўшиб қўйди у юзида ниҳоятда разил бир ифода билан.

- Князь, - дедим мен унинг уятсизлигидан жоним ҳалқумимга келиб, - сиз бизни кўролмайсиз, шуларнинг ичида мени ҳам. Энди барчаси учун мендан ўч оляпсиз. Сиздаги бу қилиқларнинг ҳаммаси иззат-нафсингизнинг бачканалигидан. Сиз ёвуз, пасткаш, ахлоқсиз одамсиз. Биз сизнинг жиғингизга тегдик, балки ҳаммадан ҳам анави оқшомдаги гаплар учун жаҳлингиз чиқаётгандир. Албатта, сиз мени таҳқирлаш йўли билан қасдингизни олмаслигингиз мумкин эмасди. Биз бир-биримизга нисбатан назокатли бўлишимиз зарур бўлса ҳамки, сиз ўзингизни энг оддий назокат қоидаларидан халос этдингиз. Сиз олдимда юзингиздаги қабиҳ ниқобни олиб ташлаб, манфур башарангизни кўрсатиш билан мендан сира уялмаслигингизни билдирмоқчи бўлдингиз.

- Шуларни нима учун айтяпсиз? - сўради у кўрслик билан менга ўшшайиб қараб. - Ўзингизнинг зийрак-лигингизни кўрсатиш учунми?

- Сизнинг муддаонгизга тушунаётганимни кўрса-тиш ва сизнинг олдингизда шуни изҳор этиш учун.

- Quelle idee, mon cher¹⁸, - давом этди у бирдан ўзининг аввалги хушчақчақлиги, эзмалиги, хушмуомала-лигига қайтиб, - сиз фақат гапимдан адаштириб юбор-дингиз. Vuvans mon ami!¹⁹ Қуйишга рухсат этинг. Мен бўлсам битта ажойиб ва фавқулодда шоён ҳайрат бир ҳодисани гапириб бермоқчи бўлиб тургандим. Хулласини гапириб бера қоламан. Бир вақтлар мен бир хоним билан таниш эдим. Ўзи унча ҳам ёш эмас, йигир-ма етти, йигирма саккизларга кирган, ўтакетган гўзал жувон эди. Унинг кўкси, қомати, юриш-туришларини кўрсангиз! Боқишлари қирғий қарашдек ўткир, аммо ҳаммиша совуқ, жиддий ва сипо, ўзини улуғвор тутар-ди. У ўзининг қаҳратон қишдек совуқлиги билан ном чиқарган ва етишиб бўлмайдиган шафқатсиз иффати билан ҳаммани чўчитарди. Худди шу шафқатсиз ифбат билан! Ўз доирасида бунга ўхшаш шафқатсиз ҳакам йўқ эди. У фақат бузуқликнигина эмас, бошқа аёлларда ҳатто қиттақина заифлик топса ҳам қаттиқ қоралар эди. Жазолаганда ҳам шикоятга ҳеч ўрин қолдирмас эди. Ўз доирасида обрўси жуда ҳам баланд эди. Энг та-каббур, энг зўр фазилатли кампирлар ҳам уни ҳурмат ва ҳаттоки унинг олдида хушомадгўйлик қилишар эди-лар. Уларнинг барчасига у ўрта аср монастирларининг роҳибаси каби бепарво - шафқатсизлик билан қарарди. Унинг бир қараши, бир гапи ёш жувонларни титроққа солар эди. Унинг битта танбеҳи, битта таънаси бир аёлнинг обрўсини ер билан яксон қилиб юбора олар-ди. Жамият ичида у ўзини шу даражадаги баландлик-ка қўйган эди, ундан ҳатто эркаклар ҳам кўрқишарди.

¹⁸ Бундан нима маъно чиқади, азизим (франц.).

¹⁹ Ичамиз, дўстим.

Нихоят, у аллақанақа хаёлий мистицизмга берилиб кетди, аммо бунда ҳам сокин ва улуғворлигини қўймади... Хуш, нима бўлди, денг? Бузуқларнинг бузуғи шу хотин эди. Мен бўлсам унинг ишончига сазовор бўлиш бахтига ноил бўлдим. Хуллас, мен унинг хуфия ва сирли ўйнаши эдим. Алоқамиз шу қадар моҳирлик, шу қадар усталик билан хаспўшланган эдики, ҳатто унинг уйидагилардан ҳеч бирида қиттак бўлса ҳам шубҳа туғилмади; фақат битта чиройлигина камеристкаси – француз аёли унинг сирларидан хабардор эди. Бироқ бу камеристкага бемалол ишонилса бўлаверарди. Унинг ўзи бу ишга аралашган эди. Қандай қилиб, дейсизми? Бу тўғрида лом-мим демайман.

Менинг жононим шу қадар шаҳватга берилган эдики, Маркиз де-Сад, ундан дарс олса бўларди. Аммо бу айш-ишратнинг энг кучли, энг ўткир томони, унинг сирлидиги ва беҳаёларча алдамчилиги ва графинянинг жамоат ичида энг юксак, энг олий ва бузилмас қонун деб тарғиб этган ҳамма нарсалардан махфий равишда қаҳ-қаҳ уриб кулиши ва поймол этиш мумкин бўлмаган ҳамма нарсани онгли равишда поймол этиши эди. Тағин булар барчаси шу қадар авжга чиққан эдики, энг оташин тасаввурга ҳам сиғмасди. Ана ўша айш-ишратнинг энг ёрқин хислати ҳам мана шундан иборат эди. Ҳа, бу инсон қиёфасидаги иблиснинг ўзи бўлиб, енгиб бўлмайдиган даражада жозибадор эди. Мен ҳозир ҳам уни завқ-шавқсиз эслай олмайман. У ишрат энг авжига чиққан пайтида бирдан жазаваси тутгандек қаҳ-қаҳ уриб кулар, мен бўлсам, нега қаҳ-қаҳ ураётганига тушунардим ва ўзим ҳам кула бошлардим... Ҳали-ҳали, гарчи орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, эсимга тушган заҳоти нафасим тикилиб кетади. Бир йилдан сўнг у ўрнимга бошқасини топди. Башарти, мен унга ёмонлик қилмоқчи бўлсам ҳам қилолмасдим. Ахир ким менга ишонарди? Ажойиб характерли аёл эди-да. Хуш, сиз нима дейсиз, менинг дўстгинам?

- Тфу, нақадар разиллик! - жавоб бердим мен жирканч билан унинг сўзларини эшитиб бўлиб.

- Агар шундан бошқа жавобни берсангиз, мен сизни дўстгинам, демасдим! Ҳа, ҳа, ҳа! Шошмай туринг топ ати, ҳали ёшсиз, бошингизга тушганда биласиз, ҳозир бўлса сизга ҳам ширин кулча керак. Йўқ. Шундан кейин сизни шоир деб бўлмайди. Бу аёл ҳаётнинг нималигини тушунарди ва ундан фойдаланишни ҳам биларди.

- Ҳа, ахир, шу қадар ваҳшийликнинг нима кераги бор эди?

- Қанақа ваҳшийлик?

- Анави аёл ва у билан бирга сиз қилган ваҳшиёна иш.

- Ҳа, ҳали сиз буни ёввойилик деб атаяпсизми, бу демак сиз ҳали етовдаги одам экансиз. Албатта, мен мустақиллик бутунлай аксинча бўлиши мумкинлигига иқрорман, аммо... оддийроқ гаплашамиз, топ ати, ўзингиз хўп денг, ахир булар ҳаммаси беҳуда гаплар-ку!

- Бўлмаса нима беҳуда эмас?

- Беҳуда бўлмаган нарса бу - шахс, менинг ўзим. Ҳамма нарса ва бутун дунё мен учун барпо этилган. Кулоқ солинг, ошнам, мен дунёда яхши яшаш мумкинлигига ишонаман. Бу эса энг яхши эътиқод, чунки шу эътиқодсиз ёмонроқ яшаш ҳам мумкин эмас. Унда заҳар ичишга тўғри келар эди. Битта аҳмоқ шундай ҳам қилган эмиш. У шу қадар фалсафага берилиб кетибдики, охирда ҳамма, ҳамма нарсани ва ҳаттоки, инсоннинг табиий бурчларининг қонунийлигини рад этибди ва ниҳоят, шу аҳволга келибдики, унда ҳеч нарса қолмабди, яқунда ноль қолибди, мана шунда у дунёда энг яхши нарса синиль кислотаси деб жар солибди. Сиз, бу Гамлет, бу даҳшатли умидсизлик, хуллас, қандайдир етти ухлаб тушимизга ҳам кирмайдиган улуғ нарса, дерсиз. Аммо сиз шоирсиз, мен бўлсам оддий бир одамман ва шунинг учун ишга энг оддий, амалий нуқтаи назардан қарамоқ керак, дейман. Мен, масалан, ўзимни аллақачонлар ҳар қанақа кишандан, ҳатто бурчлардан озод этганман. Би-

рор иш менга унча-мунча фойда келтирган тақдирдагина мен ўзимни бурчли, деб ҳисоблайман. Сиз албатта, ҳеч нарсага бундай қарай олмайсиз, сизнинг оёғингиз тушовли, дидингиз ҳам хаста. Сиз ғоялар излайсиз, савоатли бўлишни истайсиз. Аммо дўстим, ахир мен ўзим ҳам нимани буюрсангиз, ҳаммасини инобатга олмоққа тайёрман, аммо на чора! Мен барча инсон фазилатлари асосида ғоят чуқур худбинлик ётишини билсам, нима қилай! Эзгу иш қанчалик эзгу бўлса, шу ерда нафсоният кучли бўлади. Мен битта қондага риоя қиламан: у ҳам бўлса «ўзинг бўл – ўзгани қўй». Ҳаёт – савдо-со-тиқ битими, пулни ҳавога совурманг, аммо хизмат учун тўлайсиз, шу билан сиз яқин одамингиз учун ўз вази-фангизни ўтаган бўласиз. Башарти, жуда ҳам билгингиз келса, мана бу менинг ахлоқим! Аммо шуни айтиб қўяйки, менимча, яқин одамингизга ҳақ тўлагандан кўра, уни бекорга ишлатиш яхшироқ. Менда юксақ мақсад йўқ, бўлишини истамайман ҳам. Ҳеч қачон уларга муҳтожлик ҳам сезган эмасман. Дунёда ғоясиз ҳам шу қадар шод, шу қадар соз яшаш мумкин... ва en somme²⁰, шунга хурсандманки, синиль кислотасисиз ҳам ўта оламан. Мен башарти фазилатлироқ бўлсам эди, анави аҳмоқ файласуф каби кислотасиз ишим битмаган бўларди (шубҳасиз, немис бўлиши керак). Йўқ! Оламда ҳали яхши нарсалар жуда кўп. Мен мавқе, амал, меҳмонхона-ни, қиморга катта пул тикишни (қартани ўлардек яхши кўраман) севаман. Аммо ҳаммадан муҳими хотинлар, ха, ха, ха! Ҳар хил хотинларни, яширин гуноҳни, ҳеч ким қилмаган ғалати фисқ-фужурни яхши кўраман... Ха, ха, ха! Юзингиздан кўриб турибман, энди менга нафрат билан қараяпсиз!

– Рост айтдингиз, – жавоб бердим мен.

– Фараз этамиз, сиз ҳақлисиз, бироқ ҳар ҳолда синиль кислотасидан кўра фисқ-фужур яхшироқ-ку, ахир, нотўғрими?

²⁰ Умуман (франц.).

- Йўқ, синиль кислотаси яхшироқ.

- Мен сиздан «нотўғрими?» деб атайлаб сўрадим, мақсадим сизнинг жавобингиздан завқланмоқ эди. Жавобингизни мен олдиндан билиб турувдим. Йўқ, дўстим, сиз чинакам инсонпарвар бўлсангиз, у ҳолда ҳамма доно одамларда менинг дилимга ўхшашган қабихроқ дид бўлсин, деб тиланг, акс ҳолда доно одамлар тез фурсатда қиладиган иш тополмай қолади, дунёда фақат аҳмоқларгина қолади. Тоза бахтли бўлишади-да, улар! Ахир ҳозир ҳам шундай бир мақол бор: маза, маза бетамизники. Биласизми нима, дунёда ёлғиз аҳмоқлар билан яшашни ва уларга қараб: фойда қиласан, деб туришнинг ғалати гашти бор-да. Сиз мени бидъатларга берилган, маълум муҳитда яшаб, юксак мавқега эга бўлишга уринган одам деб ўйламанг, ахир мен пуч жамиятда яшаётганимни кўриб турибман-ку! Аммо ҳозирча унинг қўйни иссиқ ва мен унга ҳайбаракаллачилик қиламан, уни қаттиқ ҳимоя қиламан, башарти, қулай пайт келиб қолса, мен уни биринчи бўлиб тарк этаман. Сизларнинг барча янги ғояларингиздан хабарим бор, мен улардан ҳеч қачон зиён кўрган эмасман, зиён кўрадиган жойи ҳам йўқ. Ҳеч қачон менда виждон азоби бўлган эмас. Агар менга яхши бўлса бас, ҳаммасига рози бўлавераман. Биздақалар лак-лак, ҳаммамиз роҳатда яшаймиз. Оламда ҳамма ҳалок бўлиши мумкин, ёлғиз биз ҳалок бўлмаймиз. Биз дунё тургунча турамыз. Бир вақтлар келиб, бутун дунё ер билан яксон бўлиши мумкин, аммо биз юзига қалқиб чиқамиз. Сиз шунга эътибор беринг: бизга ўхшаш одамларнинг жони қаттиқ. Ахир бизнинг жонимиз сабил, ўлмас одамлармиз-а, бу сизни ҳеч қачон ажаблантирганми? Демак, табиатнинг ўзи бизни ҳимоя қилади, ҳе-хе-хе! Мен шаксиз тўқсонга кирмоқчиман. Мен ўлимни севмайман ва ундан кўрқаман ҳам. Эй, ким билади дейсиз, қайси йўсинда ўлади киши! Бироқ нега шу ҳақда гаплашяпмиз-а! Мени заҳар ичиб

ўлган файласуф васвасага солиб қўйди. Фалсафасини жин урсин! *Vivans mon cher!* Ахир биз жонон қизчалар ҳақида гап бошлаган эдик-ку!.. Қаерга кетмоқчисиз?

– Мен кетаман, сиз ҳам кетсангиз бўларди.

– Қўйсангиз-чи! Мен сизнинг олдингизда қалбимни очиб ташладим, сиз бўлсангиз, дўстликнинг ёрқин далилини сезмадингиз ҳам. Ха-ха-ха! Сизда меҳр-оқибат йўқроқ, шоирим. Аммо шошманг, мен яна бир шиша ичмоқчиман.

– Учинчисини-я?

– Ҳа, учинчисини, эзгулик ҳақида гаплашайлик, менинг ёш шогирдим (мана шу ширин ном билан аташга рухсат этинг, зора-мора менинг насихатларим зое кетмаса)... Шундай қилиб, менинг шогирдим, эзгулик ҳақида мен сизга ҳали ҳам айтиб ўтдим: «эзгу иш нақадар эзгу бўлса, унда нафсоният шунча кучли бўлади», деб. Мана шу ҳақда мен сизга бир ажойиб латифа айтиб бермоқчиман: мен бир вақтлар бир қизни севиб қолдим. Севганда ҳам деярли чин кўнгилдан севдим. У ҳатто мен учун кўп зиён-заҳматлар чекди...

– Бу анави сиз шилиб олган қиз эмасми? – дедим мен силтаб, ортиқ ўзимни босиб ўтиришни истамай.

Князь чўчиб тушди. Ранги ўчиб, ўзининг қон қуйилган кўзлари билан менга тикилиб қолди. Унинг қарашида ҳайрат ва ғазабланиш ифодаланди.

– Шошманг, – ғудурлади у ўзига гапираётгандек, – шошманг, ўзим тушуниб олай... Мен ростдан ҳам маст бўп қолдим, миям унча ишламаяпти...

У жим бўлиб қолди ва кетиб қолишимдан кўрққандек қўлимни ушлаганича боягидек қаҳр билан менга тикилиб қараб турарди. Мен шунга аминманки, шу дақиқа у миясини ишлатиб, деярли ҳеч кимга маълум бўлмаган ишни у қаёқдан билиши мумкин ва бунда ҳеч қанақа хавфу хатар йўқмикан, деб зўр бериб ўйлаётган эди. Бу бир дақиқача давом этди, бироқ унинг юзидаги ифода тезда ўзгарди ва унинг кўзларида мас-

хараомуз кайфи чоғлик ифодаси қайта пайдо бўлди. У хандои отиб кулиб юборди.

– Ха-ха-ха! Талейраннинг ўзгинаси-я! Рост, ҳақиқатан ҳам у менинг кўзимга қараб туриб томдан тараша тушгандек, «сен мени шилиб олдинг!» деганда афтига туфланган одамдек серрайганимча туравергандим! О, ўшанда уни чинқирганларини, уришганларини кўрсангиз! Қутурган аёл эди. На бир ҳайиқишни биларди! Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг. Биринчидан, мен уни ҳозир айтганингиздек ҳеч бир талаган эмасман. У ўзи менга ўз пулларини тақдим этди ва шунинг учун у пуллар меники бўлган эди. Масалан, фараз қиламиз: сиз менга ўзингизнинг энг яхши фракингни тақдим этасиз (буни гапириб туриб у менинг бор бисотимдаги биттагина, бундан уч йил муқаддам машиначи Иван Скорнягин тиккан жўнгина фрагимга қараб қўйди), мен сизга миннатдорчилик билдираман ва уни кийиб юраман, сиз бир йилдан кейин мен билан аччиғлашиб қолиб, уни қайтариб беришимни талаб этасиз, мен бўлсам уни кийиб эскиртириб қўйганман. Бу олижаноблик эмас: нега бўлмаса тақдим этиш керак эди? Иккинчидан, пуллар меники бўлишидан қатъи назар, мен дарҳол қайтариб бермоқчийдим, аммо ўзингиз ўйлаб кўринг: мен бирдан шунча пулни қаердан топардим? Энг муҳими, мен ҳали сизга айтиб ўтгандим, кўнгилчанлик ва шиллерчиликка асло тоқатим йўқ, ҳаммасига сабаб шу эди. Агар мен сизга унинг «бош-кўзимдан садақа!» деб пулни (ўз пулимни) отганда бақириб-чақирганини айтиб берсам, ишонмайсиз. Меники ҳам тутиб кетди, аммо мен дарҳол тўғри бир қарорга кела билдим, негаки, мен ҳеч қачон эсанкираб қолмайман: пулни бериб балки мен уни баттарроқ бахтсиз қиларман, деб ўйладим. Бу билан ёлғиз мен туфайли бахтсизликка учраганлиги учун бир умр мени қарғаш ҳузуридан уни маҳрум этган бўлур эдим. Ишонинг, азизим, бу хилдаги бахтсизликка тушганда

Ўзингни батамом ҳақли ва олижаноб деб билиш ва шу кулфатларга солган кишини ифлос деб аташга тўлиқ ҳақли эканингни тушунишнинг ўзида аллақандай бир гашт бор. Бу хилдаги аламзадалик гашти Шиллер типдаги шахсларда учрайди, эҳтимол, кейинроқ бориб ўша аёлнинг ейишга овқати ҳам қолмагандир, аммо мен аминманки, у ўзини бахтиёр сезган. Мен ҳам уни шу бахтдан махрум қилишни хоҳламай, пул юбормай қўйдим. Шундай қилиб, менинг қоидаларим ҳам тамомила ўзини оқлади, негаки инсон саховати нақадар дабдабали ва катта бўлса, унда энг ярамас нафсоният шу қадар кучли бўлади... Наҳотки, шулар сизга тушунарли бўлмаса-а? Бироқ... сиз мени гапдан тутмоқчи бўлиб эдингиз? Ха-ха-ха!... Тўғриси айтинг, тутмоқчимидингиз?.. Вой, Талейран-эй!

– Хайр, – дедим ўрнимдан қўзғалиб.

– Бир дақиқа! Икки оғиз сўз бор тағин, – бақирди у яна бирдан ўзининг хунук товуш оҳангини ўзгартириб, жиддий тусга ўтаркан. – Охирги сўзларимни эшитиб олинг: менинг ҳамма айтган гапларимдан сизга шу нарса маълум ва равшан бўлсинки (сиз ўзингиз ҳам шуни сезгандирсиз деб ўйлайман), мен ҳеч қачон ва ҳеч ким учун ўз манфаатимдан кечишни хоҳламайман. Мен пулни яхши кўраман ва у менга керак ҳам. Катерина Фёдоровнада эса пул ачиб ётибди, унинг отаси ўн йил винофурушликни ўлпон қилиб олган. Унинг уч миллиони бор, бу уч миллион сўм менга жуда ҳам қўл келади. Алёша билан Катя, бир-бирига жуда ҳам муносиб, иккаласи ҳам ўтакетган лақма, менга шуниси керак. Мана шунинг учун иккисининг турмуш қуришини мен астойдил истайман ва бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Икки ёки уч ҳафтадан кейин графиня ва Катя қишлоққа жўнайдилар. Алёша уларга ҳамроҳ бўлиб бориши керак. Наталья Николаевнани огоҳлантириб қўйинг: ҳеч ханақа навозиш, ҳеч қанақа шиллерчилик, менга қарши норозиликлар бўлмасин! Мен қасос ола-

диган ёвуз одамман, айтганимнинг устидан чиқаман. Ундан мен қўрқмайман, ҳеч шубҳасиз ҳамма иш истаганимча бўлади, шунинг учун мен уни огоҳдантириб қўймоқчиман, бу унинг ўзи учун яхши. Билиб қўйинг: ҳеч қандай номаъқулчилик бўлмасин, ўзини яхши тутсин. Акс ҳолда унга ёмон, жудаям ёмон бўлади. Мен у билан қонунга мувофиқ иш қилмаганимга шукр қилсин. Шуни билиб қўйингки, мухтарам шоир, қонун оила тинчлигини ҳимоя қилади, улар ўғилнинг отага бўйсунинини таъмин этади ва фарзандларнинг ота-оналарига бўлган муқаддас бурчидан оздирувчиларни рағбатлантирмайди. Ҳеч бўлмаса шуни уқиб олинг, мейинг таниш-билишим кўп, уники бўлса ҳеч ҳам йўқ... наҳотки мен уни не ҳолга солишим мумкинлигига ақлингиз етмаса?.. Аммо мен ҳеч нарса қилмадим, чунки у шу вақтгача ўзини яхши тутиб келди. Хотиржам бўлинг: шу ярим йил мобайнида ҳар дақиқа уларнинг босган қадамлари таъқиб остида бўлди, мен уларнинг энг майда ишларигача билиб юрдим. Мана шунинг учун Алёша ўзи уни ташлаб кетгунча сабр қилиб кутиб турдим, унинг кўнгли совиб келяпти, ҳозирча унинг учун кўнгилхушлиги керак. Мен бўлсам унинг тасавурида инсонпарвар ота бўлиб қолавердим, менга шу керак эди, мен тўғримда у шундай деб ўйлашини хоҳлардим. Ха-ха-ха! Ҳов анави оқшом эсимга тушаверади: олижаноблик қилиб ўғлимга тегиб олмагани учун унга тоза хушомад қилдим; кўрардим қанақа қилиб у ўғлимга тегиб олишини! Ўшанда уникига борганимга келсак, бу фақат тезроқ уларнинг алоқасини узиш учун қилинган эди. Аммо мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, тажрибадан ўтказишим керак эди... Етарлими сизга? Ёки сиз яна нима учун мен сизни бу ерга бошлаб келганим ва нима учун олдингизда шунчалик ноз қилиб, шунчалик сирдош бўлганимнинг сабабини билмоқчимисиз? Буларнинг ҳаммасини ҳеч қанақа даромад қилмай айтилса ҳам бўлаверади-ку, а?

- Ҳа, - дедим мен тишимни тишимга қўйиб, унинг гапларини диққат билан эшитарканман. Негаки шундан ўзга чорам ҳам йўқ эди.

- Бу фақат шунинг учунки, дўстим, сиз, анави иккита аҳмоқдан кўра идроклироқ эканлигингизни ва ҳаётга мулоҳаза билан қарашингизни сиздим. Сиз менинг кимлигимни аввалроқ билишингиз, мен ҳақимда илгарироқ бир фикрга келишингиз мумкин эди, аммо мен сизни бу машаққатдан озод этмоқчи ва ким билан гаплашаётганингизни сизга амалда кўрсатиб қўймоқчи бўлдим. Ҳақиқатан ҳам таассурот буюк нарса. Тушунинг ахир мени, топ ами! Энди ким билан муомала қилаётганингизни биласиз, сиз у қизни яхши кўрасиз, шунинг учун уни баъзи бир ташвишлардан халос этиш учун таъсир кўрсатарсиз, деб ишонаман (ҳар ҳолда унга сизнинг гапингиз ўтади). Агар шундай қилмасангиз, амин бўлингки, бошига катта ташвиш орттиради. Ниҳоят, сиз билан очиқ гаплашишнинг учинчи сабаби шуки, бу... (эй, ўзингиздан ўтадиган гап йўқ-ку, азизим), мана шу нарсаларга худди сизнинг кўзингиз олдида туфламоқчийдим...

- Муродингизга етдингиз, - дедим мен ғазабдан титраб.

- Сиз ўз ғазабингизни менинг кўз олдимда менга ва бизнинг ҳаммамизга бўлган барча нафратингизни бундан, яъни мана бу очиқ гаплашишдан бошқа йўл билан тўкиб сололмасдингиз. Сиз очиқчасига гапирриш билан менинг олдимда ўз обрўйингизни тўкишдан қўрқмадингиз, ҳатто мендан уялмадингиз ҳам... Сиз ҳақиқатан ҳам анави плашч кийган жиннига ўхшайсиз. Сиз мени одам ўрнида кўрмадингиз.

- Топдингиз, азизим, - деди у ўрнидан тураркан, - жуда топдингиз: ахир ёзувчи эканингиз бежиз эмасда. Дўстларча хайрлашармиз деб ишонаман. Брудершафт ичмаймизми?

- Сиз мастсиз, шунинг учунгина мен сизга тегишлича жавоб беришни истамайман...

– Яна индамай, киноя билан чекланиб қолмоқчисиз, келишолмаган бўлсак, жавоб қайтариш керак эди-да, ха-ха-ха! Сиз учун тўлашга ижозат бермассиз.

– Ташвиш қилманг, ўзим тўлайман.

– Шубҳасиз шундоқ. Йўлимиз бир эмасми?

– Мен сиз билан кетмайман.

– Яхши қолинг, шоирим. Мени тушунгандирсиз, деб ўйлайман...

У сал-сал гандираклаб, мен томонга қарамасдан чиқиб кетди. Лакей уни коляскага ўтқизиб қўйди. Мен ўз йўлимга кетдим. Вақт соат учларга яқин. Ёмғир ёғмоқда, тун тим қоронғи эди...

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

І БОБ

Менинг ғазабимни изҳор этишга тил ҳам ожизлик қиларди. Унинг қўлидан ҳар нима келишини кутиш мумкин бўлса ҳамки, мен гангиб қолган эдим. Гўё у ўзининг бутун қабихлиги билан кўз олдимда тамом кутилмаган бир вақтда намоён бўлгандек эди. Аммо шуниси эсимдаки, менинг туйғуларим ноаниқ эди: гўёки мени бир нарса босиб қолгандек, лат егандек, кўнглим тобора қоронғилашиб, юрагим сиқилиб бормоқда эди; мен Наташа учун қўрқардим. Наташанинг бошига ҳали жуда кўп кулфатлар келишини кўнглим сезиб турарди ва шуларнинг олдини олиш, мана бу ишлар бартараф бўладиган охирги дақиқаларда унинг дарди, ҳасратини енгиллатиш учун хаёлан жон куйдирардим. Энди ишнинг охири нима бўлиши тўғрисида ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. У яқинлашмоқда ва оқибат нима бўлишини фаҳмлаш қийин эмасди! Ёмғир ҳамма ёғимдан ўтиб кетганига қарамай уйга етиб келганимни билмай ҳам қолибман. Саҳар пайт, соат уч эди. Мен эшикни тақиллатишга ҳам улгурмасдан, уйдан инграган товуш эшитилди ва гўё Нелли ухلامасдан остонада пойлаб ўтиргандек эшик дарҳол очилди. Шам ёниб турарди. Мен Неллининг юзига қарадим-у, қўрқиб кетдим: афти бутунлай ўзгариб кетибди: иситмалгандек кўзлари ёнар, худди мени таниёлмаётгандек жавдирарди. Унинг ҳарорати баланд эди.

- Нелли, сенга нима бўлди, бетобмисан? - сўрадим мен унга энгашиб ва уни қўлтиқлаб.

У бир нарсадан кўрққандек титраб, қалтираб бағримга ёпишди. Худди бир нарсани менга тезроқ айтиш учун келишимни кутиб тургандек, тез-тез энтикиб гапира бошлади. Аммо унинг сўзлари пойма-пой ва ғалати эди; мен ҳеч нарса тушунмадим, у алаҳлаётган эди...

Тезда уни ўринга олиб бордим, аммо у ҳамон менга талпинар, гўё кўрққандек, гўё аллакимдан ўзини ҳимоя қилишимни сўрагандек менга қаттиқ ёпишар ва ўринга ётгандан кейин ҳам яна кетиб қолишимдан кўрққандек шошиб-пишиб қўлимни ушлар ва қўйиб юбормас эди. Мен шу қадар таранг бўлиб, асабларим бузилиб кетдики, унинг ахволини кўриб, йиғлаб юбордим. Ўзим ҳам касал эдим. Менинг кўз ёшларимни кўриб, у худди бир нарсани тушуниб оломоқчи бўлгандек, диққатини бир жойга тўплаб, менга узоқ ҳаракатсиз тикилиб қолди. Аммо бу унга оғирлик қилаётгани кўриниб турарди. Ниҳоят, унинг юзида фикр аломати кўринди, унинг қаттиқ қуёнчиғи тутгандан кейин, одатда у бир неча вақтгача ўз фикрини бир ерга йиғолмас ва аниқ талаффуз эта олмасди. Бу гал ҳам шундай бўлди, менга ниманидир айтиш учун қаттиқ уринди ва ҳеч нарса тушунмаётганини фаҳмлагач, қўлчасини чўзиб, кўз ёшимни арта бошлади, кейин бўйнимдан кучоқлаб, мени ўзига тортди ва ўпди.

Аниқ маълум эдики, мен йўқ пайтимда унинг тутқаноғи тутган, худди эшик олдига келганда тутган. Тутқаноғи босилгандан кейин ҳам у анчагача ўзига келолмаган бўлса керак. Бундай вақтда воқелик қора хаёл билан аралашиб кетади. Хаёлига қандайдир даҳшатли, ваҳимали нарсалар келган бўлиши керак. Шу билан бир вақтда, менинг қайтиб келишим, эшикни тақиллатишим ғира-шира эсида турган бўлиши ва шунинг учун остонанинг олдида ерда ётиб, келишимни зийраклик билан кутган ва биринчи тақиллатишимдаёқ ўрнидан турган бўлиши керак.

«Бироқ нима учун у худди эшик тагида пайдо бўлиб қолдйкин?» деб ўйладим ва бирдан унинг устида калта пўстинни кўриб, ҳайрон қолдим (Мен бу калта пўстинни яқиндагина уйимга келган, насияга мол бериб турадиган таниш олиб-сотар кампирдан сотиб олган эдим). Бундан чикди у кўчага чикмоқчи бўлган ва эшикни очаётган маҳалда бирдан тутқаноғи тугтиб қолган. Қаерга бормоқчи бўлдийкан? Ё ўшандаёқ алаҳлаётган эдимикан?

Унинг ҳарорати тушмади, қаттиқ алаҳлаб, ҳушидан кетиб қолди. Менинг уйимга келгандан бери икки марта тутқаноғи тутди. Лекин ҳар сафар хатарсиз тугаган, бу гал эса у иситмалаб кўз очмай ётар эди. Унинг олдида ярим соатча ўтирганимдан кейин диван олдига курсиларни қатор қилдим-да, агар у мени чақирса, дарров уйғониш учун ечинмай яқинига келиб ётдим. Шамни ўчирмадим. Кўзим то уйқуга кетганча унга бир неча бор қараб-қараб кўйдим. Унинг ранги оқариб кетган, лаблари ҳароратдан пўрсилдоқ боғлаб, йиқилгандан бўлса керак, қон қотиб қолган эди; юзидан кўркув ва ҳатто уйқусида ҳам тинч қўймаётган аллақандай оғир ҳасрат ифодаси кетмасди. Агар аҳволи оғирлашиб қолса, барвақт туриб тезда врач олиб келишга қарор қилдим. Қаттиқ иситмалаб ётиб қолишидан кўрқардим.

«Буни князь кўрқитган!» ўйладим мен юрагим орқамга тортиб ва унинг юзига пулни отиб юборган аёл ҳақидаги гаплари эсимга тушиб кетди.

II БОБ

Икки ҳафта ўтди, Нелли соғая бошлади. Иситмаси йўқ эди. Аммо ҳануз бетоб эди. Апрельнинг охирларида, ҳаво очик ва мусаффо кунни кўрпадан бош кўтарди. Гандек қилди ҳафтаси эди.

жавдирарди. Мен ҳикоямни аввалги тартибда давом

воқеаларини ёзаётган ҳозир-

ги дақиқаларгача орадан кўп вақтлар ўтиб кетди, аммо шу чоққача анави рангпар озғин юз, анави қора кўзларнинг қаттиқ ва узоқ тикилиб боқишини оғир ҳасрат билан эслайман, баъзан иккимиз қолган чоғларимизда у ўз ўрнида ётаркан, гўё унинг хаёлидаги фикрларни пайқаётган ёки йўқлигини билмоқчи бўлгандек менга узоқ тикилиб қарарди, аммо менинг пайқамаётганлигимни ва ҳамон бояги-боягидек ҳайрон эканлигимни кўриб, астагина табассум қиларди ва бирдан меҳрибонлик билан ўзининг бармоқлари озғин, қайноқ қўлчаларини узатарди. Энди ҳаммаси ўтиб кетди, ҳаммаси маълум, аммо мен шу чоққача анави хаста, азобланган, ҳўрланган кичкина қалбнинг бор сирини билмайман.

Мен ҳикоядан четга чиқиб кетаётганимни сезяпман, аммо шу дақиқа кўнгил фақат битта Нелли ҳақида ўйлашни хоҳлайди. Қизиқ: мен энди касалхонада ёлғиз ётаман, энг кўп ва қаттиқ севган одамларим томонидан тарк этилганман, шу пайтда мен учун унчалик шоён диққат бўлмаган, тез эсдан чиқиб кетадиган ўша даврнинг қандай кичкина бир хусусияти бирдан хотирамга келади-ю, ҳатто шу чоққача тушунмай келган нарсаларим тўсатдан менинг онгимда бутунлай бошқача маъно касб этади.

У касал бўлгандан кейин тўрт кунгача биз врач билан жонимизни ҳовучлаб юрдик, аммо бешинчи куни врач мени нарироққа чақириб туриб, кўрқманг, у тез кунда тузалиб кетади, деб айтди. Бу ҳув ўша менга анчадан бери таниш бўлган, Нелли дастлабки касал бўлганида чақирилган ва Неллини ўз бўйнидаги каттакон станислав нишони билан ҳайратга солган бўйдоқ, оқкўнгил ва ҳазилкаш кекса доктор эди.

– Демак, кўрқмаса ҳам бўлар экан-да! – дедим мен суюниб.

– Ҳа, у ҳозир тузалади, аммо кейин тезда ўлиб қолади.

– Ўлиб қолади! Нега энди? – бақирдим эсанкираб қолиб.

- Ҳа, у узоққа бормай албатта ўлиб кетади. Беморнинг узвий юрак касали бор, арэзмаган бир кўнгилсиз гап бўлса, кейин у яна ётиб қолади, охир бориб вафот этади.

- Наҳотки, уни сақлаб қолишнинг ҳеч иложи бўлмас-а? Йўқ, бу мумкин эмас!

- Ҳа, иложин йўқ, аммо-лекин кўнгилсиз ҳодисалардан батамом холи бўлса, тинч ва осойишта ҳаёт кечирса, умри ширинлик билан ўтса, қиздан ажални узоқлаштириш мумкин. Баъзан шундай... кутилмаган, меъёрдан ташқари ва ажойиб... қисқаси, Худо ярлақаб унинг учун жуда кўп қулай шароитлар туғдирилса, ўлимдан қутулиб қолиши мумкин. Аммо батамом тузалиб кетмайди.

- Ё Раббий, нима қилса бўлади энди?

- Маслаҳатларга қулоқ солиш, тинч ҳаёт кечириш, дорилар вақтида истеъмол қилиб турилиши керак. Аммо сезишимча, бу қиз ўзига етганча ўжар, асабий ва ҳатто пичингчи экан. У дориларни вақтида ичишни жуда ёмон кўради, мана ҳозир ҳам қатъиян рад қиляпти.

- Ҳа, доктор. У ростдан ҳам ғалатироқ қиз, лекин мен буларнинг ҳаммаси касаллигидан деб биламан. Кечагина у гапга кираётган эди, бугун бўлса, мен унга дори олиб келсам, гўё бехосдан, қошиқни шундай туртиб юбордики, дори тўкилиб кетди. Янги порошокни қормоқчи бўлиб турсам, у қўлимдан қутиси билан тортиб олди-ю, ерга отди, кейин ўзи йиғлаб юборди... Бунинг сабаби фақат порошок ичишга мажбур этаётганимиз бўлмаса керак, - деб қўшиб қўйдим бир оз ўйлаб туриб.

- Ҳм. Ирритация²¹. Бошидан ўтган оғир кулфатлар (мен докторга Нелли воқеасини тўла-тўқис ва очиқчасига гапириб берган эдим. Доктор менинг сўзларим-

²¹ Асабийланиб, ҳаяжон (лот.).

дан қаттиқ таъсирланган эди) шунга боғлиқ, касали ҳам шулар туфайли. Ҳозирча биттаю битта чора - порошокларни қабул қилиш; у албатта порошокларни ичиши керак. Мен ҳозир бориб, яна бир марта илми тиб маслаҳатларига қулоқ солиш кераклигини уқтириб қўраман ва... яъни умуман айтганда... порошокларни қабул қилиши кераклигини айтаман.

Биз иккимиз ошхонадан чиқдик (биз шу ерда гаплашиб олган эдик) ва доктор яна касал ёнига келди. Бироқ Нелли бизнинг сўзларимизни эшитган экан шекилли, ёстиқдан бошини кўтариб, биз томонга қулоқ солар ва диққат билан гапларимизни эшитишга уринар эди. Мен буни қия очиқ турган эшикдан кўриб қолган эдим; биз унинг олдига кирганимизда эса айёр қиз кўрпага бурқаниб олди-да, биз томонга масхараомуз кулги билан мўралай бошлади. Бечора, шу тўрт кун ичида жудаям озиб қолибди; кўзлари ич-ичига тушган, иситмаси ҳали ҳам пасаймаган. Шунга қарамай, унинг юзидаги шўх ифода ва айёрона бёқишлари ўзига шу қадар ярашардики, бу билан Петербургдаги ҳамма немисларнинг энг кўнгилчани бўлган докторни ҳайратга солган эди.

Доктор жиддий, шу билан бирга мумкин қадар юмшоқ гапиришга тиришиб, юмшоқ, мулойим оҳангда порошокларнинг зарурлиги ва нажотбахш эканини, бинобарин, ҳар бир бемор уни истеъмол қилиши зарур эканини тушунтирди. Нелли бошини кўтармоқчи бўлди, гўё беҳосдан қўли қошиққа тегиб кетди ва дорининг ҳаммаси ерга тўкилди. Аминманки, у атайлаб дорини ерга тўккан эди.

- Бу жуда ҳам кўнгилсиз эҳтиётсизлик, - деди хотиржамлик билан кекса доктор, - сиз буни атайлаб қилдингиз, деб шубҳаланяпман, яхши эмас. Бироқ... бу тузатса бўладиган иш, бошқатдан порошок қорамиз.

Нелли унинг кўзгинасига қараб туриб кулиб юборди.
Доктор бошини сарак-сарак қилди.

– Яхши эмас, – деди у янги порошокни қора туриб, – жуда ҳам мақтайдиган иш эмас.

– Мендан хафа бўлманг, – деди Нелли қайтадан кулиб юбормасликка тиришиб, – албатта ичаман... Сиз мени яхши кўрасизми?

– Агар сиз мақтовга лойиқ бўлсангиз, жуда ҳам яхши кўраман.

– Жудами?

– Жуда.

– Ҳозир яхши кўрмайсизми?

– Ҳозир ҳам яхши кўраман.

– Мен сизни ўпишни хоҳласам, сиз мени ўпармидингиз?

– Ҳа, агар сиз шунга сазовор бўлсангиз.

Шу ерда Нелли ўзини тутолмай яна кулиб юборди.

– Касалимиз жуда хушчақчақ экан, аммо ҳозиргиси асаб ва ўжарликдан, – шивирлади доктор менга энг жиддий тус билан.

– Ҳўп, яхши, порошокни ичаман, – қичқирди бирдан Нелли ўзининг овози билан, – лекин мен қатта қиз бўлганимда сиз менга уйланасизми?

Чамаси унинг бу янги шўхлиги ўзига жуда ёқиб кетди шекилли; кўзлари чақнар ва бирмунча ҳайратга тушиб турган докторнинг жавобини кутиб, лаблари кулгидан кўтарилиб турарди.

– Ҳа-да, – жавоб берди у беморнинг янги нозига беихтиёр жилмайиб, – рост, агар сиз яхши ва одобли қиз бўлсангиз, гапга кирсангиз ва...

– Порошокларни ичсангиз! – сўзини илиб олди Нелли.

– Оҳо! Ҳа-да, агар порошокларни ичсангиз. Оққўнгил қиз, – шивирлади у яна, – қўнгли жуда оқ, ақли жойида, бироқ... эрга тегиш... жуда ғалати ноз-а...

У яна Неллига дори олиб келди. Аммо бу гал у ҳатто айёрлик ҳам қилмади, тўғридан-тўғри қўли билан қошиқнинг тагидан туртиб юборди, дорининг ҳаммаси бечора чол кўйлагининг кўкраги, юзларига сачраб кетди. Нелли қаттиқ кулди, аммо бу аввалгидек содда ва шўх кулги эмасди. Унинг юзида қандайдир шафқатсизлик ва ғазаб ифодаси кўринди. Шу аснода Нелли мендан кўзини опқочиб докторнинг ўзигагина масхараомуз қарарди. Лекин айна шу вақтда ташвиш тортаётгани, мана бу «кулгили» чол энди нима қиларкан, деб кутиб тургани билиниб турарди.

– Э, янами... Қандай фалокат! Бироқ... майли яна қорсақ бўлаверади, – деди чол дастрўмол билан юзини, енгини арта туриб.

Бу Неллини жуда ҳайрон қолдирди. У бизнинг қаҳру ғазабимизни кутганди, мени уришиб сўка бошлашар, деб ўйларди ва балки унинг ўзи беихтиёр равишда шу дақиқада ғазабланишимизни хоҳлагандир, додлаб йиғлашга баҳона топиш, ҳалигига ўхшаб порошокларни сочиб ташлаш ва ҳатто алам-изтиробдан бир нарсаларни уриб синдириш ва шу билан ўзининг азоб чеккан инжиқ юрагини бўшатиб олишни истагандир. Бунақанги инжиқликлар фақат касаллардагина, фақат Неллидагина бўлмайди. Шу ҳол тез-тез менда ҳам рўй бериб турарди; мен ўзимдан ўзим тезроқ бирор киши мени хафа қилсайди ёки битта гап гапира қолсайди, мени ранжитиш учун бу гапни айтди-ку, деб бир нарсадан алашимни олардим, деган ғайришуурий истак билан уйнинг у бошидан-бу бошига юрадиган кунлар ҳам оз бўлмаган эди. Хотинлар-ку шу йўл билан юракларини «бўшатиб», астойдил йиғлай бошлайдилар, айниқса таъсирчанлари ҳатто жазавалари тутгунча йиғлайдилар. Бу жуда оддий ва турмушда учрайдиган ҳодиса, кишининг юрагида ҳеч ким билмайдиган, хоҳласа ҳам

бирова айтолмайдиган ғами бўлса шундай қилади.

Аммо ранжитилган чол бечоранинг фаришта каби кўнгилчанлиги ва бир оғиз ҳам гинахонлик қилмасдан, вазминлик билан индамай янгидан порошок қоришидан танг қолган Нелли бирдан жимиб қолди. Лабларидан масхара ифодаси йўқолди, юзига қизил югурди, кўзлари намланди, менга бир қараб қўйди-ю, дарров тескари ўгирилиб олди. Доктор унга дори келтирди. У чолнинг думалоққина қизил қўлини ушлаганича чолнинг кўзларига аста тикилиб туриб, қўрқа-писа тортинибгина дорини ичиб юборди.

– Менинг... захарлигимдан хафа бўляпсиз, – деб сўзини давом эттиролмай тўхтаб қолди. Кўрпа орасига кириб кетиб, бошигача бурканди ва хўнграб йиғлаб юборди.

– О, бечора болагинам, йиғламанг, ҳеч гап эмас... Бу асабдан, сув ичинг.

Аммо Нелли унинг гапига кулоқ солмасди.

– Тинчланинг... Ўзингизни қийнаманг, – давом этди у қиз тепасида йиғлаб юборишдан ўзини аранг тутиб, чунки у ғоят таъсирчан одам эди, – мен сизни кечираман ва сизга уйланаман ҳам, агар сиз яхши, одобли, инсофли қиз бўлсангиз...

– Порошок ичсангиз! – эшитилди кўрпа орасидан унинг йиғи аралаш кўнғироқдай асабий кулгиси. Бу кулги менга жуда ҳам таниш эди.

– Яхшиликни биладиган, ажойиб қиз, – деди завқ билан доктор ўпкаси тўлиб. – Бечора қизгина!

Шу кундан бошлаб у билан Нелли ўртасида ғалати, аллақандай ажойиб меҳр пайдо бўлди. Мен билан эса Нелли, аксинча, совуқ, асабий ва серзарда бўлиб қолди. Мен буни нимага йўйишни билмасдим, ундан таажубланардим, негаки бу ўзгариш унда қандайдир тўсатдан бошланганди. Касалининг дастлабки кунла-

рида у менга ниҳоятда ширинсўз ва меҳрибон эди, гўё у менга қараб тўймайдигандек туюларди, мени олди-дан жилдирмас, қўлларимни ўзининг қайноқ қўлчалари билан ушлаб ётар ва мени ўз ёнига ўтқизарди. Агар мен хафароқ кўринсам ва хуноб бўлиб турган бўлсам, кўнглимни олишга уринар, ҳазиллашар, мен билан ўйнашар, чамаси, дардини енгилга урилиб табассум қилар эди. У менинг кечалари ишлашимни ёки унинг ёнида ўтириб чиқишимни хоҳламас, унинг сўзига кирмаганимни кўрса, хафа бўлиб қоларди. Баъзан мен унинг юзида ташвиш аломати борлигини пайқаб қолардим; шунда у мендан, нега ғамгин кўринганимни, нималарни ўйлашимни ўсмоқчилаб сўрар эди; лекин шуниси қизиқки, гап келиб Наташага тақалиши билан шу заҳоти жим бўлиб қолар ва ёки гапни бошқа ёққа буриб юборарди. У гўё Наташа ҳақида гапиришдан ўзини тияр, бу эса мени ҳам танг қолдирар эди. Мен келганимда у севиниб кетарди, кетмоқчи бўлиб шляпани қўлга олсам, у менга маъюс тикилиб, ўпкалангандек ғалати қилиб кўзи билан мени кузатиб қоларди.

Нелли бетоб бўлганининг тўртинчи куни, мен бутун оқшом, ярим кечадан ошгунча Наташанинг олдида ўтирдим. Гапларимиз йиғилиб қолган эди. Уйдан кетаётганимда мен Неллига жуда тез қайтиб келишимни айтган эдим, ўзим ҳам шуни мўлжаллаган эдим. Бехосдан Наташаникида тутилиб қолган бўлсам ҳам Неллидан кўнглим тўқ; у ёлғиз эмасди. У билан Александра Семёновна қолган эди. У, меникига бир лаҳзагина кирган Маслобоевдан Неллининг бетоблигини, битта ўзим, ташвишим бошимдан ошиб кетганини эшитибди. Оқкўнгил Александра Семёновна қандай ташвишга тушиб қолганини кўрсангиз эди.

– Бундай бўладиган бўлса, у энди бизникига овқат-

га ҳам келмас экан-да!.. Эй, Худойим! Битта ўзи-я, бечора! Қани энди бўлмаса биз унга ўз хайрихоҳлигимизни кўрсатайлик. Фурсат келганда уни қўлдан бермайлик, – дебди.

У шу заҳотиёқ катта тугун билан извошда келиб қолди. Келди-ю, энди кетмаслигини, менга ёрдам қилиш учун келганини айтди ва тугунни ечди. Тугунда бетоб учун сироп, қиём, касал тузала бошласа, қувват бўлиши учун товуқ, жўжа, олмалар, апельсинлар (мабодо доктор буюриб қолса), Киев куруқ қиёмлари, ниҳоят ички кийимлар, чойшаб, сочиқчалар, аёллар учун ички кийимлар, худди бир бутун бошли лазарет учун тайёрлангандек бинт, компресслар бор эди.

– Ҳаммаси бор бизда, – деди у менга шошиб-пишиб, гўёки бир ёққа шошилиб кетаётган одамдек, – сиз бўлсангиз, бўйдоқчасига яшайсиз. Ахир сизда бунақа нарсалар кам-ку! Энди менинг ўзимга қўйиб беринг... Филипп Филиппич ҳам шуни буюрди... Хўш, энди... Қани, тезроқ айтинг, нима қилиш керак ҳозир-а? У қалай? Хуши жойидами? Эй, ахир бундай ётиши ярамайди-ку, боши паст бўлиши учун ёстиғини тузатиб қўйиш керак, биласизми нима... чарм ёстиқ яхшироқ бўлмасмикин? Чарм совуқ бўлади. Вой, эсим қурсин! Эсимга ҳам келмабди-я, ўзим билан олиб келиш. Бориб опкеламан... Ўт ёқиш керакми? Мен сизникига кампиримни юбораман. Бир таниш кампирим бор. Сизда хизматкор аёллардан ҳеч ким йўқ-ку!.. Нима қилсак экан ҳозир-а? Бу нима? Кўкат... доктор буюргандир-да, а? Кўкракни юмшатиш учун бўлса кераг-а? Ҳозир мен бориб ўт ёқаман.

Аммо мен уни тинчлантирдим, у иш унча кўп эмаслигини билиб, жуда ҳайрон қолди, ҳатто хафа ҳам бўлиб қолди. Аммо у эсанкираб қолмади. Нелли билан дарров дўст бўлиб олди ва у бетоб ётган вақтида

менга жуда кўп ёрдам қилди, деярли ҳар куни келиб турди, ҳар вақт гўё бирор нарсаси йўқолиб қолгандек, бирортаси қаергадир кетиб қолган-у, уни тезроқ учратиш керак бўлгандек ҳовлиқиб кириб келар эди. У ҳамма вақт, Филипп Филиппич шундай буюрди, деб кўшиб кўярди. У Неллига жуда ёқди. Улар бир-бирларини опа-сингиллардек севишиб қолди, мен ўйлайманки, Александра Семёновна ҳам кўп жиҳатдан худди Неллига ўхшаш ёш бола эди. У Неллига ҳар хил воқеаларни гапириб берар, кулдирадди, уйига кетган пайтларда Нелли уни жуда соғиниб қоларди. Александра Семёновна биринчи марта бизникига келганда беморим ҳайрон қолди, аммо бу чақирилмаган меҳмон нима сабабдан келганини дарров пайқади ва одати бўйича қовоғини солиб олиб, индамас ва шўртумшук бўлиб олди.

– У нима учун бизникига келди? – сўради Нелли норози бўлиб, Александра Семёновна уйига кетгандан кейин.

– Сенга қарашиб туриш учун, Нелли, сенга қараб туриш учун.

– Нимага келади?.. Қайси ишим учун келади? Ахир мен унга ҳеч қанақа яхшилик қилган эмасман-ку!

– Яхши одамлар, олдин уларга яхшилик қилишларини кутиб ўтирмайдилар, Нелли. Улар бусиз ҳам муҳтож одамларга ёрдам беришни яхши кўрадилар. Бас, Нелли, дунёда мурувватли одамлар жуда кўп. Фақат сен бечора уларни учратмагансан, керак бўлганда учратмагансан.

Нелли индамади, мен унинг олдидан нари кетдим. Бироқ орадан чорак соат ўтгандан кейин у сув сўрамоқчи бўлгандек мени заиф товуш билан чақирди-ю, бирдан маҳкам кучоқлаб олди, менга ёпишиб олиб, анчагача кўйиб юбормади. Эртасига Александра Семё-

новна келганда уни шод табассум билан қарши олди. Аммо ўзи ҳамон бир нарсадан уялгандек эди.

III БОБ

Мана, худди шу куни мен бутун оқшом Наташаникида ўтирдим. Мен анча кеч келдим. Нелли ухлаб қолган эди. Александра Семёновна уйқуси келса ҳам бемор тепасида, мени кутиб ўтирган экан. Мен киришим билан шошиб-шошиб шивирлай бошлади: Нелли олдин жуда ҳам хурсанд экан, жуда кўп кулибди, аммо бориб-бориб у хомуш бўлиб қолибди. Мен келавермаганимдан кейин жим бўлиб хаёл сура бошлабди: «Кейин бошим оғрияпти, деб шикоят қилди, йиғлади, шундай қаттиқ йиғладики, нима қилишни билмай қолдим, – деб кўшиб кўйди Александра Семёновна. – Наталья Николаевна ҳақида гапира бошлади, аммо мен унга ҳеч нима деёлмадим, у ҳам сўрамай кўя қолди, кейин йиғлаб-йиғлаб кўзида ёши билан ухлаб қолди. Хўп бўлмаса, Иван Петрович, хайр. Сезишимча, у анча енгил тортиб қолди. Энди мен кета қолай, Филипп Филиппич ҳам шундай буюрган. Сизга ростини айтсам, бу гал у мени фақат икки соатга юборган эди. Мен бўлсам ўзим қолавердим. Майли, ҳечқиси йўқ, мендан ташвиш қилманг. У жаҳл қилишга ботинолмайди... Фақат шуниси борки... Эй, Худойим, меҳрибон Иван Петрович, нима қилсам экан-а, у энди уйга доим маст бўлиб келади! Ўзи бир иш билан жуда ҳам банд, менга айтмайди, ўзи диққат бўлади, муҳим бир иш билан банд унинг мияси; ҳа, ўзим кўриб-билиб турибман; кечкурун барибир маст бўлиб келади... Хаёлим унда: ҳозир уйга қайтиб келди. Ким энди ётқизади уни? Ҳай, майли кетдим, яхши қолинг, Иван Петрович. Китобларингизни кўрдим: ухў, қанча кўп-а! Ҳаммаси ажойиб китоблар бўлса

кераг-а; мен бўлсам аҳмоқ, умримда ҳеч нарса ўқиган эмасман... Майли, эртагача...»

Аммо эртасига Нелли уйқудан ғамгин ва хомуш бўлиб уйғонди, саволларимга истар-истамас жавоб қилди. Ўзига қолса мен билан гаплашмасди, мендан араздек кўринарди. Фақат сездирмасликка ҳаракат қилиб бир неча бор менга кўз ташлаб қўяётганини сездим; бу боқишларда аллақандай яширин кўнгил аламлари бор, аммо уларда тўғри қараганда сезилмайдиган мулойимлик ифодаси бор эди. Худди шу куни инжиқлик қилган эди. Нима қилишимни билмай бошим қотиб қолди.

Бироқ Нелли тамоман бошқача бўлиб қолди. Унинг ғалатилиги, инжиқликлари; баъзан ҳатто мендан нафратланиш – ҳаммаси то у меникидан кетиб қолган кунгача, то можаромизга хотима берган ўша кунгача давом этиб келди. Бироқ бу ҳақда кейин гаплашамиз.

Шуниси ҳам борки, баъзан у бирдан бирор соат мен билан олдингидек хушмуомала бўлиб қоларди. Унинг меҳри шу дақиқаларда икки баробар ошиб кетгандек кўринарди. Кўпроқ шу дақиқалардан у аччиқ-аччиқ йиғларди. Аммо бу соатлар жуда тез ўтиб кетар ва яна бошқатдан аввалгидек қайғуга ботар, яна менга душманлик кўзи билан тикилар ёки докторга қилган нозларини қилар ёки унинг қандайдир янги қилиғи менга ёқимсиз туюлаётганини сезиб қолиб, бирдан қотиб-қотиб кула бошлар ва булар ҳаммаси кўз ёши билан тугар эди.

У ҳатто бир марта Александра Семёновна билан аччиқлашиб қолди: «Ҳеч нарсангиз керакмас», деди. Мен Александра Семёновна олдида ундан гина қилсам, шу қадар тутақиб кетдики, қизишиб, аччиқ-аччиқ гаплар айтди, аммо бирдан жим бўлиб қолди ва роса икки кун мен билан бир оғиз ҳам гаплашмади, дори

ҳам ичмади, ҳатто ичишни ҳам, ейишни ҳам хоҳламади, фақат кекса докторгина уни кўндиришга, инсофга келтиришга муваффақ бўлди.

Мен ҳали айтиб ўтган эдим: доктор билан унинг ўртасида ўша дори ичган кундан бошлаб аллақандай бир меҳр пайдо бўлган эди. Нелли уни жуда ҳам яхши кўриб қолди, у келмасдан бурун қанчалик хафа бўлмасин, барибир, уни севинч ва табассум билан қарши оларди. Ўз навбатида чол ҳам бизникига ҳар куни, баъзан кунига икки маҳал ҳам қатнайдиған бўлди. Ҳатто Нелли оёққа тургандан кейин ҳам, батамом тузалиб кетгандан кейин ҳам худди уни сеҳрлагандек, чол бир кун кўрмаса, унинг кулги ва қизиқ-қизиқ ҳазилларини эшитмаса туролмайдиған бўлиб қолди. У Неллига суратли, ибратомуз китоблар келтирадиган бўлди. Биттасини у атайлаб Нелли учун сотиб олибди. Кейин у қизга ширинликлар, яхши-яхши қутичали конфетлар олиб кела бошлади. Бундай пайтларда у одатда тўй эгасидек ғоят тантана билан кириб келар ва Нелли шу заҳоти унинг совға билан келганини пайқар эди. Бироқ у совғаларни дарров кўрсата қолмас, айёрона кулиб, Нелли ёнига ўтирар, кейин, башарти, битта ёш қиз ўзини яхши тута билса ва менинг йўқлигимда ҳурматга сазовор бўлсайди, у ҳолда шу ёш қиз яхши мукофотга ҳам сазовор бўларди, деб шама қиларди. Бундай чоғларда у Неллига шу қадар соддадиллик ва мулойимлик билан қарардики, гарчи Нелли уни очиқдан-очиқ масхаралаб кулса ҳамки, шу дақиқаларда унинг яшнаб кетган кўзларида самимий меҳрибонлик чақнаб турарди. Ниҳоят, чол тантана билан ўрнидан турар, конфетли қутичаларни олиб келарди-да, Неллига топширар эди. Албатта: «Менинг бўлажак севгили рафиқамга», деб қўшиб қўярди. Бу дақиқаларда чол ўзини Неллидан ҳам бахтлироқ сезса керак.

Шундан кейин гап бошланар ва ҳар гал у камоли жиддият билан Неллига соғлиғини сақлаш кераклигини уқтирар ва тиббий маслаҳатлар берар эди.

– Аввало, киши ўз соғлиғини сақлаши керак, – дерди у эътирозга йўл қўймайдиган оҳангда, – биринчидан ва энг муҳими, бошинг омон бўлиши учун, иккинчидан, ҳар доим соғлом бўлиш ва шу йўл билан бахтли ҳаёт кечириш учун кишининг тан-жони соғ бўлиши керак. Агар сизнинг бирор ғамингиз бўлса, азиз брлагинам, уни эсдан чиқаринг, энг яхшиси, у ҳақда ўйламаслик-ка тиришинг. Борди-ю, ҳеч қанақа қайғунгиз бўлмаса, унда ҳам... у ҳақда ўйламанг, аксинча ҳузур-ҳаловат ҳақида ўйлашга урининг... Шўх, қизиқ-қизиқ нарсаларни ўйланг...

– Қанақа шўх, ўйноқи нарсаларни ўйлаш мумкин? – сўради Нелли.

Доктор лол бўлиб қоларди.

– Ҳа, энди... бирор ёшингизга яраша соддагина ўйин ҳақида ёки бўлмаса... ҳа, шунга ўхшаш-да...

– Мен ўйин-кулгини истамайман, ўйинни яхши кўрмайман, – дерди Нелли. – Мен биласизми нимани, янги кўйлакни яхши кўраман.

– Янги кўйлак, дейсизми? Ҳа, бу энди унча яхши эмас. Ҳаётда, ҳар бир нарсада кичик бир насиба билан қаноатланмоқ лозим. Ҳа, бундай қараганда... янги кўйлакни яхши кўрса ҳам бўлаверади.

– Мен сизга эрга текканимда анча кўйлак тиктириб берасизми?

– Ақлига келган гапни қаранг! – дерди доктор ва беихтиёр қовоғини солиб оларди. Нелли айёрона илжайарди, ҳатто бир гал беихтиёр менга ҳам илжайиб қараб қўйди. – Ҳа, айтгандек... агар сиз одобли қиз бўлсангиз, кўйлак қилиб бераман, – давом этарди доктор.

– Сизга текканимда ҳам ҳар куни порошок ичиш керакми?

- Йўқ, унда ҳар куни ичмаса ҳам бўлади, - доктор жилмая бошларди.

Нелли гапни кулги билан тўхтатиб қўярди. Унга эргашиб чол ҳам кулар ва унинг шўхликларини завқ билан томоша қилар эди.

- Шўх! - дерди у менга мурожаат этиб. - Бироқ ҳамон бир қадар инжиқ, серхархаша ва жиззакилиги кўриниб туради.

У ҳақли эди. Неллига нима бўлганини мен асло тушунолмасдим. Худди унинг олдида бир гуноҳ қилиб қўйганимдек мен билан гаплашишни сира истамасди. Бу менга алам қиларди. Ҳатто, менинг ўзим ҳам хўмрайиб олардим. Бир марта куни билан у билан гаплашмадим, бироқ эртасига ўзим қилмишимдан уялиб кетдим. Кўпинча у йиғларди, мен нима билан уни юпатишни билмай бошим қотарди. Шундай қилиб, кунлардан бир куни унинг ўзи орамиздаги сукутни бузди.

Бир куни мен шом қоронғисида уйга қайтдим ва Нелли битта китобни шошилиб ёстиқ тагига беркитиб қўяётганини кўриб қолдим. Бу менинг романим эди, мен йўғимда уни столдан олиб ўқиб юраркан. Нега уни мендан беркитиш керак эди? Уялармикин, деб ўйладим ўзимча, аммо ўзимни кўрмасликка олдим. Орадан чорақ соат ўтгандан кейин, бир дақиқагина ошхонага чиқиб кетсам, у ирғиб ўрнидан турди-ю, романи аввалги жойига келтириб қўйди, қайтиб кириб мен уни стол устида кўрдим. Бир дақиқадан сўнг ўзи мени олдига чақирди, овозидан ҳаяжонлангани сезиларди. У мен билан гаплашмаганига мана тўрт кун бўлди.

- Сиз... бугун... Наташанинг олдига борасизми? - сўради у мендан тўхтаб-тўхтаб.

- Ҳа, Нелли, мен уни бугун кўришим жуда зарур. Нелли индамади.

– Сиз... уни жуда яхши кўрасизми? – сўради у яна заиф овоз билан.

– Ҳа, Нелли, жуда яхши кўраман.

– Мен ҳам уни севаман, – қўшиб қўйди у астагина. Кейин яна жимлик чўқди.

– Мен уникага кўчиб боришни хоҳлайман, у билан бирга тураман, – деб гап бошлади яна Нелли, кўрқа-писа менга қараб.

– Мумкин эмас бу, Нелли... – жавоб бердим бир оз таажжубланиб. – Меникида турганинг ёмонми?

– Нега мумкин эмас? – у қизариб кетди. – Ахир мени унинг отасиникига бориб тургин, деб қистайсиз-ку!

– Уникага боришни истамайми. Наташанинг малай қизи борми?

– Ҳа, бор.

– Ундай бўлса, у малай қизга жавоб бериб юборсин, мен ўзим унинг хизматини қиламан, ҳамма ишини қиламан, ҳақ талаб қилмайман; мен уни жонимдек кўриб, овқатини пишираман. Бугун борсангиз, шуни айтинг.

– Бунақанги бемаъни гапнинг нима кераги бор, Нелли? Сен уни ким деб ўйлайсан? Сени у ошпаз қилиб олишга рози бўлармиди? Башарти, оладиган бўлса, ўз тенги қатори синглиз қилиб олади.

– Йўқ, тенги қатори бўлишни мен хоҳламайман. Мен буни истамайман.

– Нега ахир?

Нелли индамасди. Унинг дудоқчалари дириллар, ўпкаси тўлиб турарди.

– Ахир, севган кишиси энди уни ёлғиз ташлаб кетяптими? – сўради у ниҳоят.

Мен ҳайрон қолдим.

– Сен буни қаёқдан биласан, Нелли?

– Сиз ўзингиз гапириб бергансиз, бундан уч кун аввал эрталаб Александра Семёновнанинг эри келувди, мен ундан сўровдим, ҳаммасини гапириб берди.

- Маслобоев эрталаб келганмиди?
- Келган эди, - жавоб берди у ерга қараб.
- Нега бўлмаса унинг келганини менга айтмадинг?
- Ўзим...

Мен бир зум ўйланиб қолдим. Маслобоевнинг сирли равишда келиб юришига бало бормиди! Нега у мунча пашшахўрда бўлиб қолди? Уни бир кўриш керак эди.

- Хўш, Нелли, у Наташани ташлаб кетса, сенга нима?
- Ахир сиз уни жуда яхши кўрасиз-ку! - жавоб берди Нелли ердан кўзини узмай. - Севганингиздан кейин, анави йигит кетиши билан сиз унга уйланасиз-да.

- Йўқ, Нелли, у мени мен уни севганимдек севмайди. Мен ҳам... Бундай бўлмайди, Нелли.

- Мен бўлсам иккингиизга оқсоч бўлиб хизмат қилардим, сиз бўлсангиз хурсанд бўлиб юраверардингиз, - деди у эшитилар-эшитилмас, менга қарамай.

«Бунга нима бўлди ўзи-а, нима бўлди!» деб ўйладим, юрагим «шиғ» этиб кетди. Нелли жим бўп қолди ва шу оқшом бир оғиз ҳам гап айтмади. Мен кетганимдан кейин йиғлабди, бутун оқшом йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибди. Менга шундай деб айтди, Александра Семёновна: «У ҳатто кечаси уйқусида ҳам йиғлади ва уйқусираб нималарнидир гапирди».

Шу кундан бошлаб у яна ҳам бадқовоқ ва индамас бўлиб олди ва мен билан энди ҳеч ҳам гаплашмай қўйди. Тўғри, мен бир-икки марта унинг менга ўғринча қараб қўйганини сездим. Бу боқишлар нақадар меҳр-муҳаббатга тўла эди! Аммо бу ёқимли навозиш уни вужудга келтирган дақиқа билан бирга ўтиб кетар, бунинг эвазига борган сари Неллининг қовоғи солинар, ҳатто унинг феъл-атворидаги ўзгаришга ҳайрон қолаётган доктор билан ҳам совуқ муомала қилар эди. Ваҳоланки, Неллини энди бутунлай тузалиб кет-

ди, деса бۇларди. Ниҳоят, доктор унга очик ҳавода бир оз юришга рухсат берди. Ҳаво очик, илиқ эди. Пасхадан олдинги ҳафта жуда ҳам кечикиб келган эди; мен эрталаб уйдан чиқдим, Наташаникига боришим жуда зарур эди. Аммо уйда ёлғиз қолган Неллини сайр қилдириш учун уйга вақтлироқ қайтишга қарор қилдим.

Бироқ уйда мени кутиб турган зарбани ифодалашга тилим ожизлик қилади. Шошилиб уйга келсам, эшик калити ташқи томонда. Ичкари кирдим, уйда ҳеч зог йўқ. Турган жойимда қотиб қолдим. Кўзим стол устидаги қоғозга тушди, унда қалам билан эгри-бугри қилиб йирик ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилган:

«Мен сизниқидан кетдим, ҳеч қачон қайтиб келмайман. Аммо сизни қаттиқ севаман.

Сизга содиқ Нелли».

Мен чинқириб юбордим ва уйдан чопганимча чиқиб кетдим.

IV БОБ

Мен ҳали кўчага ҳам чиқиб улгурмасдан, нима қилиш кераклигини ўйлаб ҳам бўлмасимдан бизнинг дарвоза олдида извош тўхтади ва Неллини кўлидан ушлаганича Александра Семёновна извошдан тушиб келаверди. У Нелли яна қочиб кетмасин деб кўрққанидан кўлидан маҳкам ушлаб олибди. Мен жон ҳолатда уларга қараб югурдим.

– Нелли, сенга нима бўлди? – бақирдим мен. – Қаерга кетувдинг, нега?

– Тўхтанг, ҳовлиқманг, тезроқ уйингизга кирайлик, ҳамма гапни ўша ерда эшитасиз, – деди бидиллаб Александра Семёновна, – шунақанги гапларни айтиб бераманки сизга, Иван Петрович, – шивирлади у шошиб-пишиб йўл-йўлақай. – Оғзингиз очилиб қолади!.. Юринг, ҳозир биласиз.

Унинг юзидан ғоят муҳим янги бир гап айтмоқчи бўлгани билиниб турарди.

– Бор, Нелли, бор, бирпасгина ёнбошла, – деди у уйга кирганимиздан кейин, – чарчадинг ахир, осонми, шунча йўл юриш, касалдан туриб юриб бўладими! Ёта қол, жонгинам, ёт. Юринг, биз сиз билан у ёққа чиқайлик, халақит бермайлик, ухласин, – у имлаб, ошхонага чиқишимни сўради.

Аммо Нелли ётмади, у диванга ўтириб, икки қўли билан юзини беркитиб олди.

Биз чиқиб кетдик, Александра Семёновна нима бўлганини наридан-бери гапириб берди. Кейин мен ҳамма гапни батафсил эшитдим, воқеа шундай бўлган экан.

Қайтишимга икки соат қолганда менга хат қолдириб Нелли энг аввал чол докторникига югурибди. Манзилини олдин суриштириб билиб олган экан. Доктор Неллини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолганини, кўзларига ишонмаганини гапириб берди. «Бунга асло ишонмайман, – деб тамомлади у ўз ҳикоясини, – ҳеч қачон ҳам ишонмайман». Хуллас, Нелли ҳақиқатан ҳам уникига борган. Доктор ўз кабинетида сават курсида қаҳва ичиб ўтирганда Нелли чопганича югуриб кирибди ва у эс-хушини йиғиб олгунча, унинг бўйнига отилибди. Қон-қон йиғлаб уни кучоқлаб ўпибди, қўлларини ўпиб телба-тескари ялиниб-ёлворибди, ўз уйида олиб қолишини сўрабди. Меникидан кетганлигини, ортиқ мен билан туришни хоҳламаслигини, энди бу унинг учун оғир эканини, уни масхара қилиб кулмаслигини, янги қўйлак жанжалини қилмаслигини ва ўзини яхши тутишини, унинг манишқаларини ювиб дазмоллашни (ўз сўзларини у йўлда ёки бўлмаса ундан ҳам илгарироқ ўйлаб қўйганга ўхшайди) ўрганиб олишни ва ниҳоят мўмин қиз бўлиб ҳар куни ҳар қан-

ча дори бўлса ҳам ичаверишини гапирибди. Илгари сизга тегаман деган бўлсам, бу ҳаммаси ҳазил эди, бу тўғрида ўйламанг ҳам, деб айтибди. Кекса немис чол азбаройи эси оғиб қолганидан сигарасини ушлаган кўлини кўтарганича қолаверибди, унинг ўчганини ҳам сезмабди.

– Ойимқиз, – дебди ниҳоят у тили бир оз сўзга келиб, – ойимқиз, тушунишимча, сиз меникида туришни илтимос қилиб сўраяпсиз. Бироқ бунинг асло иложи йўқ! Кўряпсиз-ку, турар ерим жуда тор ва даромадининг ҳам унча мазаси йўқ... Ниҳоят, тўғридан-тўғри, ўйламай-нетмай... Бу яхши эмас! Кўряпманки, сиз ўз уйингиздан қочиб келяпсиз. Бу дуруст иш эмас ва мумкин ҳам эмас... Ва ниҳоят, мен сизга, валинеъматингиз назорати остида очиқ ҳавода, оз-моз сайр этишга рухсат берсам, сиз ўзингизни эҳтиёт қилиш ўрнига, у кишини ташлаб... ва... ва... дориларни ҳам ичиш ўрнига меникига қочиб келибсиз. Ва ниҳоят... ниҳоят, мен ҳеч нарса тушунолмаб қолдим-ку!..

Нелли уни гапиртирмабди. У яна йиғлай бошлабди, қайтадан унга ялина бошлабди, аммо бу фойда бермабди. Чол эса борган сари ҳайратга ботиб, бутунлай гангиб қолибди. Ниҳоят, Нелли уни ўз ҳолига қўйиб, «эй Худойим, Худо!» деб қичқирганича уйдан зинғиллаб чиқиб кетибди. «Мен куни бўйи касал бўлиб юрдим, – қўшиб қўйди доктор ўз ҳикоясини тугатиб, – кечаси дори ичиб ётдим...»

Нелли бўлса, Маслобоевларникига чопибди. Уларнинг ҳам манзилларини билиб олган экан, анча машаққат билан бўлса ҳам излаб топибди. Маслобоев уйида экан. Александра Семёновна Неллининг уларникига келиб туриш ҳақидаги илтимосини эшитиб, чапак чалиб юборибди. «Нега у билан туришни истамайсан, оғирми?» деб сўрасалар, Нелли жавоб бермаб-

ди ва фарёд қилиб ўзини курсига отибди. «У шундай додлаб йиғладики, шундай йиғладики, – деб гапирарди Александра Семёновна, – ичаги узилиб ўлиб қолади, деб ўйладим». Ҳеч бўлмаса уй ходимаси, ош пиширувчи қилиб олинглар, пол ҳам супураман, кир ювишга ўрганаман, дебди. Нима учундир, у кир ювиш мени ишга олувчиларни жуда қизиқтирарди, деб ўйлар, шундан қандайдир умид кутар эди. Александра Семёновна то масала ҳал бўлгунча уни уйларида қолдириш ва менга бу тўғрида хабар бермоқчи бўлибди. Бироқ Филипп Филиппич қатъий қаршилиқ қилиб, шу заҳоти қочқоқни меникига элтиб қўйишга буюрибди. Йўл-йўлакай Александра Неллини ўпибди, кучоқлабди. Нелли эса баттарроқ йиғлабди. Унга қараб Александра Семёновна ҳам йиғлаб юборибди. Шу алфозда иккаласи бутун йўл бўйи йиғлаб келишибди.

– Ахир, нима сабабдан, Нелли, уникида туришни хоҳламайсан ёки у сени хафа қиладими? – сўрабди кўз ёшларини дув-дув тўкиб Александра Семёновна.

– Йўқ, хафа қилмайди.

– Нега бўлмаса?..

– Ўзим. Хоҳламайман уникида туришни. Туролмайман... Мен унга шунчалик заҳарлик қиламанки... у бўлса софдил... сизникида бўлса мен заҳарлик қилмайман, ишлайман, – дебди у яна қаттиқроқ йиғлаб.

– Нима сабабдан сен унга шунчалик захрингни сочасан, Нелли?

– Қайдам...

– Шу «қайдам»дан бошқа гап эшитмадим ундан, – деди сўз охирида Александра Семёновна ёшларини артиб, – нега шунчалик бахтсиз экан, бечора? Тутқаноғи бормикан-а ёки? Сиз нима деб ўйлайсиз-а, Иван Петрович?

Биз Неллининг олдига кирдик; у ёстиққа юзини қўйиб йиғламоқда эди. Мен унинг олдига келиб тиз

чўқдим, қўлларини ушлаб ўпа бошладим. У қўлини тортиб олиб, баттарроқ уввос солиб йиғлай бошлади. Мен нима дейишимни ҳам билмас эдим. Худди шу чоғ кекса Ихменев кириб қолди.

– Ҳа, салом алайкум, Иван! Сенга бир иш билан келган эдим, – деди у ҳаммамизга бир-бир қараб, менинг тиз чўкиб ўтирганимдан таажжубланиб. Чол кейинги вақтларда бетоб эди. У рангсиз ва озғин, аммо-лекин кимнингдир олдида ўзини кўрсатиш учун ўз касалини писанд қилмас, Анна Андреевнанинг гапларига қулоқ солмас, ётмасдан ўз ишлари билан юргани-юрган эди.

– Ҳозирча яхши қолинглар, – деди Александра Семёновна чолга тикилиб қараб қўйиб, – Филипп Филиппич иложи борича тезроқ қайтишга буюрган. Ишимиз бор эди. Кечкурун қош қорайганда келиб икки соат ўтириб кетарман.

– У ким бўлади? – деб шивирлади чол. Мияси бошқа нарса билан бандга ўхшарди. Мен тушунтирдим.

– Ҳм. Мана, мен бир иш билан келган эдим, Иван...

Мен қанақа ишлигини билардим ва унинг келишини кутгандим. У мен билан Нелли ҳақида гаплашиш ва уни сўраб олиб кетиш учун келган эди. Анна Андреевна ахийри етимча қиз олиб асрашга рози бўлибди. Бу эса бизнинг яширин суҳбатларимиз оқибати эди: Анна Андреевнага ўз отаси томонидан «оқ» қилинган онанинг қизи – етимча қизнинг аҳволи, эҳтимол, бизнинг чолни ҳам кўнглини эритар, юрагида бошқа фикрлар уйғотар, деб айтган ва сўзимни маъқуллашган эдим. Мен унга ўз режаларимни шунчалик равшан қилиб тушунтиргандимки, унинг ўзи уйимизга етимча қиз олайлик, деб эрини қийин-қистоқ қила бошлади. Чол бажонидил бу ишга киришди: аввало, у ўзининг Анна Андреевнанинг кўнглигини олмоқчийди, иккинчидан, унинг махсус мулоҳазалари бор эди... Аммо

буларнинг ҳаммасини мен кейинроқ батафсил тушунтираман...

Мен юқорида айтиб ўтган эдим, Нелли чолни ўша биринчи кўришидаёқ ёмон кўриб қолган эди. Сезишимча, унинг олдида Ихменев номини тилга олсалар ҳам унинг юзида аллақанақа нафрат пайдо бўлар эди. Чол гапни у ёқ бу ёқдан айлантриб ўтирмасдан шу заҳоти ишга тушди. У ҳали ҳам юзини ёстиққа беркитиб ётган Нелли олдига келди ва унинг қўлини ушлаб: «Қизим ўрнига қиз бўлиб, меникига бориб туришни хоҳлайсанми?» деб сўради.

– Менинг қизим бор эди, уни жонимдан ортиқ севар эдим, – тугатди сўзини чол, – аммо у ёнимда эмас. У ўлган. Сен менинг уйимда ва... қалбимда унинг ўрнини босишни истайсанми?

Унинг ҳаяжон ўтидан қизарган қуруқ кўзларида ёш миятилларди.

– Йўқ, истамайман, – жавоб берди Нелли бошини кўтармай.

– Нега ахир, болажоним, сенинг ҳеч киминг йўқ. Иван сени ўз уйида бир умр олиб туролмайди-ку, меникида бўлса худди ўз туғилган уйингдагидек тура сан.

– Истамайман, чунки сиз қаҳри қаттиқ одамсиз. Ҳа, қаҳри қаттиқ, – кўшиб қўйди у бошини кўтариб ва ўрнида чолнинг рўпарасига ўтира туриб: – Мен ўзим заҳарман, ҳаммадан ҳам заҳарроқман, сиз бўлсангиз мендан баттарсиз!... – бунга гапириб туриб Нелли оқариб кетди, кўзлари чакнади, ҳатто қалтираётган лаблари оқариб, ғазабини кўзғатган қандайдир кучли туйғудан қийшайиб кетди. Чол довдираб унга қаради.

– Ҳа, мендан ҳам баттарсиз, чунки сиз ўз қизингизни кечиришни истамайсиз, сиз уни тамом эсдан чиқариб, бошқа болани ўзингизга олмоқчисиз. Ахир

Ўз фарзандини унутиб бўладими? Сиз мени яхши кўра олармидингиз? Ахир сиз менинг афтимга қарашингиз биланоқ мен бегона эканимни, ўз қизингиз бўлганлигини, уни ўзингиз унутиб юборганлигингизни эслайсиз. Чунки сиз қаҳри қаттиқ одамсиз. Мен бўлсам бағритош одамларникида туришни истамайман. Истамайман, дедим, истамайман!.. – Нелли хўрсинди ва кўз қири билан менга қараб қўйди. – Индинга христос тирилди, деб ҳамма бир-бири билан ўпишади, кучоқлашади, ҳамма ярашади, барча гуноҳлар кечирилади... Мен ахир биламан-ку... Битта сиз шундай... Қаҳри қаттиқсиз. Уҳ! Кетинг кўзимдан!

Унинг кўз ёшлари дувиллаб оқа бошлади. Бу сўзларни у анчадан бери ўйлаб қўйган, мабодо чол яна уни уйига таклиф этгундек бўлса, айтиш учун ёдлаб олган кўринади. Чол донг қотиб қолган ва ранги ўчиб кетган эди. Унинг юзида аламли туйғулар ифодаланди.

– Нега, нега энди ахир ҳаммага менинг ғамим тушиб қолдйкан? Хоҳламайман, дедим-ку, хоҳламайман! – чинқириб юборди Нелли бирдан қаттиқ ҳаяжон ичида. – Мен гадойчилик қиламан!

– Нелли, сенга нима бўлди? Нелли, дўстим! – деб юбордим мен беихтиёр, бироқ менинг бу гапим ўт устига мой сепган билан баробар бўлди.

– Ҳа, мен яхшиси кўча кезиб, хайр сўрайман, аммо бу ерда қолмайман, – бақирарди у йиғлаб туриб. – Онам ҳам тиланчилик қилган. У ўзи ўлаётган пайтида ...дан кўра қашшоқ бўлиб тиланчилик қилган яхши деган, садақа сўраш айб эмас, мен битта одамдан эмас, ҳаммадан сўрайман, ҳамма бу битта одам эмас, биттадан сўраш айб, ахир. Мен кичкина боламан, ҳеч нарсам йўқ. Мен ҳаммадан садақа сўрайман. Бу ерда қолишни истамайман, истамайман, истамайман, мен ёмон-

ман, ҳаммадан қаҳри қаттиқман, мана менинг қаҳрим қанақа!

Нелли бирдан ҳеч кутилмаганда стол устидаги кулоқ пиёлани олди-ю, полга бир урди.

– Мана энди, чил-чил бўлди, – қўшиб қўйди аллақандай беҳаё тантана билан менга қараб қўйиб. – Кулоқ пиёла фақат иккитагина, – қўшиб қўйди у, – мен унисини ҳам синдираман... Унда чойни нимада ичасиз?

У шу қадар ғазабланган эдики, гўё шу ғазабланишдан ўзи роҳатланаётгандек, ўзи бунинг қанчали уят ва одобсизлик эканини сезиб турган ҳолда ноҳўя ҳаракатларга ўзини мажбур қилаётгандек эди.

– Мен сенга айтсам, бунинг соғ эмас, Ваня, – деди чол, – ёки... у қанақа бола эканлигига тушунмаётирман. Хайр!

Чол ўз фуражкасини олди-да, қўлимни қисди. Унинг руҳи тушган эди. Нелли уни жуда қаттиқ ҳақорат қилди. Меники ҳам тутиб кетди:

– Раҳминг келмади-я унга, Нелли! – бақирдим мен ёлғиз қолганимиздан кейин. – Айб эмасми? Уялмайсанми? Йўқ, сен оққўнгил эмассан, ростдан ҳам жуда заҳарсан! – дедим-у, шапкасиз-несиз чолнинг орқасидан югурганимча чиқиб кетдим. Мен ҳеч бўлмаса дарвозагача кузатиб, уни юпатиш учун бир-икки оғиз гап айтмоқчийдим. Зинадан ғизиллаб тушиб кетаётганимда ҳам менинг таъналаримдан оппоқ оқариб кетган Неллининг юзи кўз олдимдан нари кетмасди.

Мен тезда чолнинг орқасидан етиб олдим.

– Бечора қиз хўрланган, менга ишонавер, Иван; уни ҳам ўз қайғуси бор, мен бўлсам унга ўз ҳасратимни айтиб ўтирибман, – деди у аччиқ кулиб. – Мен унинг яраларини янгиладим. «Оч билан тўқнинг нима иши бор», дейдилар. Ваня, мен шуни айтиб қўяйки, оч ҳам очни ҳамма вақт тушунавермайди. Хўп бўлмаса, хайр!

Мен бошқа бир хусусда гап очмоқчи эдим, чол қўлини силтаб қўя қолди.

– Менга тасалли бермай қўя қол. Яхшиси, эҳтиёт бўл, у сендан қочиб кетмасин. Унинг қараши бежо, – қўшиб қўйди у ғалати аламзадалик билан ва шахдам қадам ташлаб ҳассасини дўқиллатганича жўнаб қолди.

У каромат қилганини ўзи ҳам билмагандир.

Уйга қайтиб кириб, Нелли яна уйда йўқлигини пайкаганимда қандай ҳолга тушганимни тасвир эта олмайман! Мен йўлакка югурдим, зиналарни қидирдим, чақирдим, ҳатто, қўшниларнинг эшигини тақиллатиб уни сўрадим; унинг яна қочиб кетишига ишонмасдим ҳам, буни хоҳламасдим ҳам. Қандай қилиб қочдийкин у? Ҳовлида дарвоза битта. Биз чол билан гаплашиб турганимизда у олдимиздан ўтиши керак эди. Аммо афсуски, мен нима бўлганини кейин англадим: то мен уйга қайтиб келгунимча у зинанинг бирор ерида беркиниб туриши, мен уйга кириб кетганимдан кейин қочиб кетиши мумкин эди, мен уни ҳеч ҳам учратишим мумкин эмасди. Ҳарқалай, у узоққа кетолмасди.

Қаттиқ ташвиш билан югуриб чиқиб, уни яна ахтаришга тутиндим, ҳар эҳтимолга қарши уйни очиқ қолдириб кетдим.

Аввал бошдан мен Маслобоевникига жўнадим. Маслобоевлар ўзи ҳам, Александра Семёновна ҳам уйда йўқ экан. Уларни янги фалокатдан хабардор қилиб, агар Нелли келса тезда менга билдиришларини сўраб, хат ёзиб қолдирдим-да, ўзим докторникига югурдим, у ҳам уйда йўқ экан, оқсочи, иккинчи марта келгани йўқ, деди. Нима қилиш керак? Мен Бубнованикига равона бўлдим ва тобутсоз танишимдан, Бубнова кечадан бери қандайдир бир иш билан полицияда ўтирганини эшитдим, Неллини бўлса ўшандан бери ҳеч ким

кўрмабди. Ҳориб-чарчаб мен яна Маслобоевникига чопдим. Ўша жавобни эшитдим: ҳеч ким келмабди, уларнинг ўзлари ҳам ҳали қайтишмабди. Хатим столда ётибди. Энди нима қилишим керак эди?

Қайғуга ботиб кечкурун алламаҳалда уйга қайтиб келдим. Шу оқшом мен Наташаникида бўлишим керак эди, у мени ҳали эрталаб чақирган эди. Мен бўлсам кун билан ҳеч нарса еганим ҳам йўқ, Неллининг ташвиши менинг бор вужудимни ғалаёнга келтирмоқда эди. «Бу нима деган гап ўзи? – деб ўйладим мен. – Наҳотки, бу хасталикнинг натижаси бўлса? Жинни эмасмикан-а ёки энди жинни бўлиб бораётганмикан? Эй, Худойим, у энди қаердайкин, қаердан топаман уни?»

Шу гап хаёлимдан ўтиши билан, бирдан мендан бир неча қадам нарида В. кўпригида Неллини кўриб қолдим. У фонарь тагида турар ва мени кўрмас эди. Унинг олдида чопиб бормоқчи бўлдим, лекин ўзимни тўхтатдим: «Бу ерда у нима қилиб турган экан?» ўйладим мен ҳайрон бўлиб ва энди уни йўқотиб қўймаслигимга ишониб, кутишга ва уни кузатиб туришга қарор қилдим. Ўн дақиқача ўтди, у ҳамон ўтган-кетганларга қараб турарди. Ниҳоят, яхши кийинган бир чол ўтиб қолди, Нелли унинг олдида борди, у тўхтамади ҳам, чўнтагидан нимадир чиқариб, унга узатди. Нелли куллуқ қилди. Шу дақиқа ичимдан нима ўтганини тасвирлаб беролмайман. Юрагим изтиробдан сиқилиб кетди. Гўё мен учун қадрли, мен севиб ардоқлаган, эркалаган бебаҳо бир кимса шу дақиқа кўзларим олдида бадном этилгандек, шарманда бўлгандек туюлиб кетди, бироқ шу билан бирга, кўзларимдан ёшларим дувиллаб оқмоқда эди.

Ҳа, гарчи бечора Нелли учун ёш тўкаётган бўлсам ҳам, айти замонда ғазабим қўзиётганини сездим: у

муҳтожликдан садақа сўраётгани йўқ эди. У бирор кимса томонидан тақдир қўлига ташлаб қўйилган, тарк этилган эмас; у бераҳм золимлардан эмас, уни севиб ардоқлаган дўстларидан қочиб кетди. У ўз мардлиги билан кимнидир ҳайратда қолдирмоқчи ёки кимнидир қўрқитмоқчи шекилли, худди у бирор кимса олдида керилмоқчидек! Аммо унинг қалбида қандайдир бир сирли ният бор... Ҳа, чол ҳақли; у хўрланган, унинг жароҳатлари тузалмас ва у худди мана бу сирлилик, ҳаммамизга бўлган ишончсизлиги билан жўрттага ўз жароҳатларини аламга киритиб, агар шундай дейиш мумкин бўлса, гўё ўзи бу азобдан, бир ўзи чекаётган бу дарддан худбинларча роҳатлангандек бўларди. Мана шу каби жароҳатларингни аламга киритмоқ ва ундан хузур қилмоқ туйғуси менга тушунарли эди. Жуда кўп хўрланган ва ҳақоратланганлар, тақдир томонидан эзилган ва ўзи тақдирининг ҳаққонийсизлигини тушуниб, чиндан лаззатланадилар. Аммо Нелли бизнинг қайси адолатсизлигимиздан шикоят эта олади? У гўёки ўз инжиқлиги ва ёввойи қилиқлари билан бизни ҳайратда қолдирмоқчи ва чўчитмоқчи, худди бизнинг олдимизда мақтанмоқчийди... йўқ! У энди ёлғиз, унинг садақа сўраганини биздан ҳеч ким кўрмасди. Наҳотки, у ўзи шундан бир лаззат олади? Нима учун у садақа сўрайди, нима учун унга пул керак?

Садақани олгандан кейин у кўприқдан тушди ва дўконнинг ёруғ ойнаси олдига келди. Шу ерда у ўз ўлжасини ҳисоблашга тутинди. Мен ундан ўн қадамча берида турибман. Қўлидаги пули анчагина эди, унинг эрталабдан бери тилангани кўриниб турарди. Пулларни қўлида сиқимлаганича у кўчани кесиб ўтди ва майда-чуйда нарсалар сотадиган дўконга кирди. Мен шу лаҳза ланг очилиб турган дўкон эшиги олдига келиб қарадим. У бу ерда нима қиларкин?

Унинг дўкон пештахтасига пул қўйганини ва унга оддийгина кулоқпиёла берганларини кўрдим, у ҳали эрталаб менга ва Ихменевга ўзининг қанчалик заҳар эканини кўрсатиш учун уриб чил-чил қилган кулоқпиёлага ўхшарди. Бу кулоқпиёла ҳаммаси бўлиб ўн беш тийин ва балки ундан ҳам арзонроқдир. Дўкондор уни қоғозга ўраб боғлади-да, Неллига узатди. У шошилганича мамнунлик билан дўкондан чиқди.

- Нелли! - дедим мен унга ёнма-ён бўлганимдан кейин. - Нелли!

У чўчиб тушиб менга қаради, кўлидаги пиёла кўлидан сирғалиб кетиб тош йўлига тушди ва чил-чил бўлди. Неллининг ранги ўчиб кетган эди, аммо менга қараб, қилган ишларини кўрганим ва билганимга ишонгач, бирдан қип-қизариб кетди. Бу қизариш чидаб бўлмайдиган қаттиқ уялиш аломати эди. Мен уни кўлидан ушлаб, уйга олиб келдим; узоқ юришга тўғри келмади. Йўлда бир оғиз ҳам гаплашмадик. Уйга келгач, мен ўтирдим. Олдимда боягидек ранги ўчган ҳолда хаёлчан, хижолат чеккан Нелли ерга боқиб турар эди. У менга қаролмасди.

- Нелли, сен садақа сўрадингми?

- Ҳа, - шивирлади у ва баттарроқ ерга қараб олди.

- Сен эрталабки синдирган кулоқпиёлани сотиб олиш учун пул йиғмоқчимидинг?

- Ҳа...

- Мен шу кулоқпиёлани синдирдинг, деб сени таъна қилдимми, сени койидимми? Наҳотки, Нелли ўз ҳаракатингда қанчалик ёмонлик, мағрурона ёвузлик борлигини кўрмайсан-а? Шу яхшими? Наҳотки, уялмайсан? Наҳотки...

- Уят... - шивирлади у эшитилар-эшитилмас ва кўз ёши ёноқларидан думалаб кетди.

- Уят... - дедим мен унинг сўзини такрорлаб. - Нелли, азизим, агар мен сенинг олдингда айбдор бўлсам, кечир, кел, ярашамиз.

У ялт этиб менга қаради, кўзига жиққа ёш келди ва ўзини кўксимга отди.

Шу дақиқада Александра Семёновна кириб қолди.

- Нима? У уйдами? Яна-я? Эҳ, Нелли, Нелли, сенга нима бўляпти-а? Хўп, майли, яхши, ҳар ҳолда уйда экан-ку... Қаердан топдингиз уни, Иван Петрович?

Мен Александр Семёновнага суриштираверманг, дегандек имлаб кўйдим, у тушунди. Мен ҳамон аччиқ-аччиқ йиғлаётган Нелли билан ширингина хайрлашдим ва оққўнгил Александра Семёновнадан мен қайтиб келгунча у билан ўтириб туришини илтимос қилиб, ўзим Наташаникига югурдим. Мен кечикиб қолган эдим, шунинг учун шошилардим.

Шу оқшом бизнинг тақдиримиз ҳал бўлиши керак эди. Наташа билан гапларимиз жуда кўп эди, бироқ шундай бўлса ҳам мен Нелли ҳақида гап очиб, нима воқеа бўлганини батафсил, оқизмай-томизмай гапириб бердим. Менинг ҳикоям Наташани жуда қизиқтирди ва ҳайратга солди.

- Биласанми, Ваня, - деди у ўйлаб туриб, - назаримда у сени севади.

- Нима... Қанақа қилиб? - сўрадим мен таажжубланиб.

- Ҳа, бу севгининг бошланиши, аёл севгисининг...

- Нималар деяпсан, Наташа, қўйсанг-чи! Ахир у ҳали гўдак-ку!

- Яқинда ун тўртга тўлади. Тутақшининг сабаби унинг ишқини сезмаганинг. Балки унинг ўзи ҳам ўз қалбида нима бўлаётганини тушунмас. Унинг бу тутақшида болаларга хос хусусиятлар бор, аммо у жиддий ва азиятли нарса. Муҳими, у сени мenden рашк

қилади. Сен мени шу қадар севасанки, эҳтимол, уйда ҳам фақат менинггина ташвишимни қилиб, мени оғзингдан туширмай, фикри-зикринг менда бўлса керак ва шу туфайли унга унчалик парво қилмассан. Бунни у сезган ва алам қилган. У балки сен билан гаплашишни хоҳлар, сенинг олдингда ўз қалбидаги дардини очишга эҳтиёж сезар, аммо уялади, нима истаганини ўзи билмайди, қулай пайт пойлайди, сен бўлсанг шу қулай пайтни яқинлаштириш ўрнига ундан узоқлашасан, унинг олдидан меникига югурасан, ҳатто у бетоб ётган пайтларида ҳам куни билан ёлғиз ташлаб кетасан. Шунинг учун ҳам у йиғлайди. Унинг дарди – сен, ҳаммасидан ҳам кўпроқ алам қиладиган ери шуки сен уни тушунмайсан. Сен, мана ҳозир, шундай пайтда ҳам мени деб уни ташлаб келибсан. Ҳа, энди шу сабабдан у эртага ётиб қолади. Қандай қилиб уни ташлаб кела олдинг? Бор, тезроқ унинг олдига бор...

– Мен уни ёлғиз қолдирмас эдим ҳам-ку... аммо...

– Ҳа, мен ўзим сенинг келишингни сўраган эдим. Майли, ҳозир бора қол унинг олдига.

– Боришга бораман, аммо бу гапларнинг ҳеч бирига ишонмайман.

– Чунки бошқаларга ўхшамайди. Сен унинг бошидан кечирганларини эсла, ҳаммасини ўйлаб кўрсанг, шунда ишонасан. У сен билан менга ўхшаб ўсган эмас...

Шунга қарамай уйга кеч қайтдим. Александра Семёновна Неллининг яна худди ўша оқшомгидек жуда кўп йиғлаганини, ўшандагидек «кўзида ёши билан ухлаб» қолганини айтди. «Энди мен кетай, Иван Петрович, Филипп Филиппич шундай буюрган. Бечора мени кутавериб, эси кетгандир».

Мен унга миннатдорчилик билдирдим ва Неллининг бош томонига келиб ўтирдим. Шундай оғир дақиқаларда уни ташлаб кетганимга ўзим ҳам хафа

эдим. Мен унинг бошида, узоқ, тун яримдан ошгунча хаёл суриб ўтирдим... Машъум кунлар эди бу кунлар.

Бироқ мана шу икки ҳафта ичида бўлиб ўтган ҳодисаларни гапириб ўтиш керак.

V БОБ

Анави Б. ресторанида князь билан ўтказган унутилмас оқшомдан бери мен бир неча кун сурункасига Наташадан хавотир олиб юрдим. «Бу разил князь уни нима билан қўрқитаётган экан, нима қилиб ундан ўч олмоқчи экан?» деб сўрардим мен ўзимдан ўзим ва дам-бадам ва турли-туман гумонлар билан бошимни қотирардим. Ниҳоят, мен шундай хулосага келдимки, унинг таҳдидлари қуруқ дағдаға, мақтанчоқлик эмас, Наташа Алёша билан бирга турса, ростдан ҳам Наташага ёмонлик қилиш князнинг қўлидан келади. У назари паст, қасос олувчи, ёвуз ва манфаатпараст одам, деб ўйладим мен. У ҳақоратни эсидан чиқариши қийин ва ўч олиш учун қулай пайтдан фойдаланмай қўймайдн. Ҳарқалай, у бу масаланинг битта муҳим томонига диққатимни жалб этди ва шу ҳақда фикрини аниқ ва равшан изҳор этди: у Алёшани Наташадан ажралишини қаттиқ талаб этарди, мендан Наташани шу яқинлашиб келаётган жудоликка тайёрлашимни кутар эди. Наташани шундай тайёрлашим керак эдики, ҳеч қанақа «жанжал, кўз ёши, шиллерчиликлар» бўлмаслиги керак эди. Албатта у ҳаммадан кўп Алёшанинг ундан рози бўлиши ва уни ҳамон меҳрибон ота деб ҳисоблаши тўғрисида ғамхўрлик қиларди; бу эса унга кейинчалик Катянинг пулларига осонгина эга бўлиши учун керак эди. Шундай қилиб, мен Наташани яқин орада юз берадиган жудоликка тайёрлашим керак. Бироқ Наташада катта ўзгариш сездим: унинг мен билан бўлган илгариги самимиятидан асар ҳам

қолмаган эди. Бу ҳам етмагандек у менга ишончсизлик билан қарай бошлади. Менинг тасаллиларим унга азоб берарди, менинг сўроқларим тобора жиғига тегиб, хаттоки, жаҳлини чиқарарди. Шундай кунлар бўлардики, уникида ўтириб, уни кўздан кечирардим! У қўлларини қовуштириб олиб уйда, гўё беҳушдек, хатто олдида мен борлигимни ҳам унутиб қўйгандек паришон ҳолда у бурчакдан бу бурчакка юриб турарди. Борди-ю, менга кўзи тушиб қолгудек бўлса (у хатто мендан ҳам кўзини опқочарди), у ҳолда юзида бирдан тоқатсизлик, алам аломати кўринар, у тездан тескари қараб олар эди. Мен тушунардим: у яқинлашиб келаётган айрилиқ ҳақида балки қандайдир ўзича режалар тузарди, аммо буларни алам-ситамсиз ўйлай олармиди? Унинг ажралишга қарор берганига имоним комил эди. Бироқ шунга қарамай унинг мотамсаро умидсизлиги мени хафа қилар ва чўчитар эди. Бунинг устига у билан гаплашишга, тасалли беришга юрагим дов бермасди, шу туфайли бу можаро нима билан тугашини даҳшат билан кутардим.

Энди унинг мен билан совуқ муомаласи ва димоғдорлигига келсак, гарчи бу мени ташвишга солса ҳам, гарчи мени хафа қилса ҳам, Наташанинг қалбига ишонардим: унинг азоб чекаётгани ва кўзига дунё қоронғи эканини кўриб турардим. Бировнинг аралашиши унинг фақат зардасини қайнатиб, ғазабини кўзғатар эди. Бундай ҳолларда айниқса сирларимизни биладиган яқин дўстларимизнинг аралашиши ҳаммадан кўп жаҳлимизни чиқарарди. Аммо мен охири дақиқаларда Наташа худди менинг олдимга келишини ва менинг қалбимда ўзига оромгоҳ қидиришини яхши билардим.

Князь билан бўлган гаплар ҳақида шубҳасиз унга ҳеч нарса демадим: бу гаплар уни баттарроқ ҳаяжонлантирар, кўнглини бузар эди. Мен фақат сўз орасида-

гина князь билан графиняникида бўлганим ва унинг ўлгудек разил одам эканига батамом ишонганимни айтиб ўтдим. Бироқ у князь ҳақида сўроқлаб ҳам ўтирмади, бунинг учун ўзим ҳам жуда хурсанд бўлдим; бироқ Катя билан кўришганим ҳақида нима гапирсам ҳаммасини диққат билан тинглади. Эшитиб бўлиб бу ҳам Катя ҳақида ҳеч нарса демади, аммо унинг рангпар юзларига қизил югурди ва куни бўйи безовта бўлиб юрди. Мен Катя ҳақида ҳеч нарсани яширмадим, ҳатто менда ҳам ажойиб бир таъсир қолдирганига очиқдан-очиқ иқрор бўлдим. Ҳа, яширишнинг нима ҳожати ҳам бор эди? Ахир, Наташа барибир яшираётганимни пайқарди ва бунинг учун мендан койирди. Шунинг учун ҳам атайлаб, мумкин қадар унинг берадиган саволларини олдиндан пайқаб, батафсил гапириб бердим. У мендан сўраб-суриштирадиган аҳволда эмасди: ахир ўз кундошининг камолотлари ҳақида ўзини бепарволикка солиб туриб ўсмоқчилаб савол бериши осонмиди?

Мен князнинг қатъий буйруғига мувофиқ, Алёша графиня билан Катяни қишлоққа кузатиб бориши кераклигини ҳали у билмайди, деб ўйладим ва зарба мумкин қадар енгил бўлиши учун бу ҳақда қандай гап очсам экан, деб қийналиб турардим, аммо оғзимдан чиқмасдан турибоқ Наташа мени тўхтатиб: «Ялпизламай кўя қол, мен буни бундан беш кун илгари эшитганман», деса ҳанг-манг бўлиб қолибман.

– Э Худо! – бақирдим мен. – Ахир сенга ким айтди?

– Алёша.

– Нима? Айта қолдими у?

– Ҳа, мен қатъий қарорга келиб қўйдим, Ваня, – қўшиб қўйди у, шу тўғрида оғиз очмаслигимни очиқдан-очиқ талаб этувчи ифода билан.

Алёша Наташаникига тез-тез келиб турарди. Аммо ҳамма вақт бир дақиқагагина келарди, фақат бир маротаба мен йўғимда сурункасига бир неча соат ўтириб кетибди. Одатда у маъюс ҳолда кириб келар, Наташага мулойимгина қўрқа-писа тикиларди; аммо Наташа уни шу қадар мулойим, шу қадар меҳрибонлик билан кутиб олар эдики, у шу зумдаёқ ҳамма нарсани унутиб, вақти хуш бўлиб кетарди. Меникига ҳам Алёша бот-бот, деярли ҳар куни келадиган бўлиб қолди. Тўғри, у қаттиқ азобланарди, бир дақиқа бўлсин ўз ҳасрати билан ёлғиз қололмас, ҳар дақиқа мендан тасалли эшитиш учун кириб турарди.

Нима дея олардим мен унга? У мени совуқ ва бепарвосан деб айблар, ҳаттоки унга нисбатан ёвуз ниятда эканлигимни айтиб ўпка қилар, қайғурар, йиғлар, Катяникига кетиб қолар ва ўша ерда кўнгли ором олар эди.

Ўша, Наташа менга уларнинг кетишини билишини айтган куни (князь билан гаплашганимдан бир ҳафта кейин) Алёша умидсизлик билан олдимга югуриб келиб, мени кучоқлаб олди ва болаларча хўнграб-хўнграб йиғлади. Мен индамасдан унинг нима дейишини кутардим.

- Мен пасткаш, мен разил одамман, Ваня, - дея гап бошлади у, - қутқар мени ўз-ўзимдан. Мен пасткаш, разил эканимдан йиғлаётганим йўқ, мен туфайли Наташа бахтиқаро бўлади, шунинг учун йиғлаяпман. Ахир мен уни бахтсиз қилиб ташлаб кетяпман... Ваня, дўстим, менга айт, мен учун ҳал қил, мен кимни кўпроқ севаман: Катяними ёки Наташаними?

- Мен буни ҳал этолмайман, Алёша, - жавоб бердим мен, - мендан кўра сенга аёнроқ.

- Йўқ, Ваня, буни айтаётганим йўқ, мен бундай саволни берадиган даражада аҳмоқ эмасман. Бироқ гап

шундаки, мен ўзим нималигини билмайман. Ўзимга ўзим савол бериб, жавоб тополмайман. Сен бўлсанг четдан туриб, балки мендан кўра кўпроқ биларсан... Хўп, агар билмасанг айт-чи, сенга қандай туюлади?

- Менимча, сен Катяни кўпроқ севасан.

- Сенга шундай туюлади! Йўқ, йўқ, ҳеч ҳам! Сен ҳеч ҳам топмадинг. Мен Наташани бениҳоя севаман. Мен ҳеч ҳам, ҳеч қачон уни ташлаб кетолмайман, мен буни Катяга ҳам айтдим. Катя ҳам менга батамом қўшилди. Нега индамайсан? Мана кўриб турибман, илжайдинг. Эҳ, Ваня, сен мени ҳозиргидек оғир вақтларда ҳам юпатмагансан...

У бизнинг сўзларимизга индамай қулоқ солиб ўтириб, хайрон қолган Неллида ғоят кучли таъсир қолдириб ғизиллаганича уйдан чиқиб кетди. Ўшанда Нелли хали бетоб, ўринда ётар, дори ичар эди. Алёша у билан ҳеч қачон гаплашмас, келган пайтларида унга қиё боқиб қарамасди ҳам.

Икки соатдан сўнг у яна келди. Очиқ чехрасини кўриб, хайрон қолдим. У яна менинг бўйнимга ёпишиб кучоқлади.

- Иш битди! - қичқирди у. - Ҳамма англашилмовчиликлар ҳал этилди. Сиздан чиқиб мен тўппа-тўғри Наташаникига бордим. Мен хафа эдим, усиз туrolмасдим. Кира солиб мен унинг олдида тиз чўкдим ва оёқларидан ўпдим. Шундай қилмасам бўлмайди, шуни истардим, бусиз менинг юрагим тарс ёрилар эди. У мени сўзсиз кучоқлади ва йиғлаб юборди. Шунда мен Катяни ундан кўра ортиқроқ севишимни юзига айтдим...

- У-чи?

- У ҳеч нарса демади, фақат мени эркалаб овута бошлади, мени-я! Унга шундай сўзни айтган одамни-я! У тасалли беришга уста, Иван Петрович! О, мен бутун ҳасратларимни унга айтиб йиғлаб-йиғлаб ху-

мордан чиқдим. Мен тўғридан-тўғри Катяни қаттиқ севишимни, аммо қандай яхши кўрмайин, кимни яхши кўрмайин, барибир, усиз, яъни Наташасиз яшай олмаслигимни, ўлишимни айтдим. Ҳа, Ваня, мен усиз бир кун ҳам туролмайман. Ҳа, буни сезяпман! Шунинг учун биз тўхтовсиз никоҳ ўқиттириб олишга қарор қилдик. Бироқ бу ишни кетишимизга қадар тўғрилаш мумкин эмас, чунки ҳозир рўза пайти, никоҳ ўқишмайди, шунинг учун буни мен келганимдан кейин, биринчи июнда қиламиз. Отам ижозат беради, бунга шак-шубҳа йўқ. Катяга келсак, хўш, нима бўпти! Ахир мен Наташасиз туролмайман-ку!.. Никоҳ ўқитиб оламиз-да, у билан Катя турган ерга борамиз...

Бечора Наташа! Мана бу йигитни юпатиш, унинг олдида ўтириб розини тинглаш ва бу соддадил, худбин йигитни тинчлантириш учун яқинда бўладиган никоҳ ҳақида чўпчак ўйлаб топишни айтинг! Алёша ҳақиқатан ҳам бир неча кун тинчланиб юрди. У, айниқса, шунинг учун ҳам Наташаникига танда қўйгандики, унинг ожиз қалби танҳо бу ғамларни кўтаролмасди. Аммо шунга қарамай, ҳижрон дамлари яқинлашган сари у қайтадан ташвишга тушиб қолди, яна кўз ёши қилиб, менинг олдимга келиб ўз ҳасратини айтиб, кўнглини бўшатиб кетадиган бўлди. Кейинги вақтларда у Наташага шу қадар боғланиб қолдики, бир ярим ой эмас, бир кунга ҳам уни ташлаб кетолмасди. Аммо у охирига дақиқагача Наташани фақат бир ярим ойга қолдириб кетаётганлиги, қайтгандан кейин албатта уларнинг тўйи бўлишидан кўнгли тўқ эди. Наташага келсак, у ўз навбатида унинг тақдири тубдан ўзгараётганини, Алёша энди ҳеч қачон унга қайтиб келмаслигини ва шундай бўлиши кераклигини батамом тушунарди.

Жудолик куни етиб келмоқда. Наташа касал эди, ранги кетган, кўзлари қизарган, қовжираган лаблар

билан у ҳар замонда ўз-ўзи билан сўзлашар, ҳар замонда менга ялт этиб, синчков назар ташлаб кўяр, йиғламас, саволларимга жавоб бермас эди. Эшиқдан кириб келаётган Алёшанинг қўнғироқдек овози эшитилганда дарахт баргидек титраб кетарди. У шафақ каби қизариб, олдига югуриб борар, уни қаттиқ қучоқлар, ўпар, кулар эди... Алёша унга тикилиб-тикилиб боқар, баъзан ташвиш билан унинг тани соғлиғини сўрар, унча узоқ муддатга кетмаётганлиги, кейин тўйлари бўлишини айтиб, уни юпатар эди. Наташа ўзини босишга уринар, ёшларини ичига ютар эди. Наташа унинг олдида йиғламасди.

Бир гал Алёша унга ўзи йўқлигида етадиган пул қолдирмоқчи эканини, унинг безовта бўлмаслигини, отаси йўлга жуда кўп пул бермоқчи бўлганини айтиб қолди. Наташа хўмрайиб олди. Биз ўзимиз ёлғиз қолганимизда, ҳар эҳтимолга қарши унинг учун менда бир юз эллик сўм пул борлигини айтдим. Наташа пулни қаердан олганимни суриштирмади ҳам. Бу Алёшанинг кетишига икки кун қолганда ва Наташанинг Катя билан биринчи ва охириги учрашуви арафасида эди. Катя Наташадан эртага учрашувга рухсат сўраб Алёша орқали хат бериб юборибди. Шу билан бирга, менга ҳам ёзибди. Катя уларнинг учрашувида менинг ҳам бўлишимни сўрабди.

Мен ҳар қандай монеликларга қарамай Наташаларникига соат ўн иккига (Катя белгилаган соатга) албатта боришга қарор қилдим, ташвиш ва монеликлар эса бошдан ошиб ётарди. Неллини ҳисобга олмаганда ҳам кейинги вақтларда Ихменевларникидаги ташвишлар менга етиб ортади.

Бу ташвиш бундан бир ҳафта олдин бошланди. Бир куни эрталаб Анна Андреевна, ҳеч кечиктириб бўлмайдиган жуда ҳам зарур иш бор, ҳар қанақа ишинг

бўлса ҳам ташлаб, тўхтовсиз меникига етиб кел, деб менга одам юборди. Мен унинг олдига келганимда ёлғиз ўзи эди. У қаттиқ ҳаяжон ва кўрқувдан титраб, уйда у ёқдан бу ёққа юриб турар, Николай Сергеичнинг қайтишини жонсараклик билан кутарди. Одатдагича мен аңчагача нима гаплигини, нега шунчалик жони чиқиб кетганини суриштириб била олмадим. Ҳолбуки, ҳар дақиқа ғанимат эди. Ниҳоят, аччиқ-аччиқ, ишга ҳеч қанақа алоқаси бўлмаган таъналардан кейин: Нега келиб турмайсан, ўз ёғларида ўзлари қовурилсин, дегандек бизларни етимча қилиб ташлаб кўйдинг, сенсиз нима балолар бўляпти, Худонинг ўзи билади деб, кейин Николай Сергеичнинг сўнгги уч кун ичида шу қадар безовта бўлганини асло тил билан боён қилиб бўлмаслигини билдирди.

– Бутунлай ўзгариб кетган, – дерди у, – кечалари мендан беркитиб икона олдида титраб-қақшаб, тиз чўкиб дуо ўқийди, уйкусирайди, ўнгида бўлса худди эс-хушини йўқотган одамдек. Кеча карам шўрва ичмоқчи бўлиб ўтирсак, олдида турган қошиқни тополмади. Боғдан сўрасам, у тоғдан келади. Ҳар зум уйдан чиқиб кетадиган бўлиб қолди. «Иш бор, адвокатни кўришим керак», дейди; бугун зрталаб ўз кабинетига кириб ичидан беркитиб олди; «Жанжалли ишлар ҳақида қоғоз ёзишим керак», деди. Хўш, олдидаги қошиқни тополмаган одам қанақа хат ёзар экан, деб ўйладим ўзимча. Шундай бўлса ҳам тирқишдан қарадим, ёзаяпти-ю, ўзи хўнг-хўнг йиғлайди. «Ишга дахлли хатни нега бундай ёзаркан! – деб ўйлайман. – Ёки ростдан ҳам Ихменевкамизга шу қадар юраги ачиётганмикин, демак, Ихменевкамиздан тамом маҳрум бўпмиз-да!» Мен шуни ўйлаб турсам у бирдан ўрнидан сапчиб турди-ю, перони столга қараб отди, ўзи қип-қизариб, кўзлари чақнаб, фуражкасини чангаллаганича

менинг олдимга чиқди. «Анна Андреевна, мен тезда қайтиб келаман», деди. Ўзи чиқиб кетди, мен дарров унинг ёзув столи ёнига бордим, бизнинг жанжалимиз ҳақида қоғоз демаганингиз уйилиб кетган, аммо уларга қўл тегиздирмайди. Мен неча марталардан: «Ахир, барака топкур, ҳеч бўлмаса қоғозларни кўтариб, столнинг чангини артишга рухсат берсанг-чи!» деб кўрдим. Қайда! Бақриб беради, қўлларини силкитади, Петербургга келиб у бесабр, бақироқ бўлиб қолди. Шундай қилиб, мен стол олдига келдим-у, ҳозир ёзган қоғози қайси экан, деб қидира бошладим. Негаки, у қоғозни ўзи билан олиб кетмаганини, ўрнидан туриб бошқа қоғозлар тагига тиқиб қўйганини аниқ биламан. «Мана, бўтам, Иван Петрович, қаранг-чи, мен нима топдим?»

У менга ярмигача ёзиб ташлаган бир бет почта қоғозини узатди, хат шу қадар ўчирилиб ёзиб ташланганки, баъзи жойларини асло ўқиб ҳам бўлмайди.

Бечора чол! Биринчи сатрлариданоқ мактубни кимга ёзганини пайқаш мумкин эди. Бу Наташага, жондан ортиқ севган Наташасига ёзилган хат эди. Хат оташин ва мулойим сўзлар билан бошланар эди: афв сўраб, уни ўзига чақирар эди. Телба-тескари ва кўп жойлари ўчириб ташланган ҳаяжонли мактубнинг ҳаммасига тушуниш қийин эди. Фақат шу нарса кўриниб турар эдики, уни қўлига перо олишга ва дастлабки самимий сатрларни ёзишга мажбур этган қизғин туйғулар, тезда, шу биринчи сатрлардан кейиноқ тубдан айниб кетибди: чол қизидан гина қила бошлабди, унинг жиноятини ёрқин тасвирлабди, шафқатсизлигини, балки ота-онасини нима аҳволга солганини бирор марта хаёлига ҳам келтирмаганини ёзиб, таъна қилибди. Такаббурлиги учун уни жазолаш, «оқ» қилиш керак, деб кўрқитибди ва тўхтовсиз итоат

қилиб уйга қайтишини талаб этиб хатни тугатибди. «Эҳтимол, оиладаги итоаткорлигинг ва намунали ҳаётингдан сўнг кечирिशга қарор қилармиз», деб ёзибди у. У ўзининг аввалги олижаноб туйғуларини, бир қанча сатрлардан сўнг ожизлик деб ҳисоблаб, уялгани кўриниб турарди ва ниҳоят ғурурининг ҳақорат этилганини сезиб мактубни ғазаб ва таҳдидлар билан тугатибди. Кампир қўлларини қовуштирганича менинг олдимда турар ва хатни ўқиганимдан кейин менинг нима дейишимни жонини ҳовучлаб кутиб турар эди.

Мен унга тўғридан-тўғри ўз фикримни айтдим. Чолнинг энди Наташасиз яшашга мажоли қолмаганлиги ва яқин кунларда уларнинг ярашиб олиши зарурлигини, аммо-лекин булар ҳаммаси шароитга боғлиқ эканини айтдим. Мен ўз тахминларимни гапирдим: биринчидан, князнинг қозонган ғалабаси унинг иззат-нафсини қанчалик таҳқирлагани ва ишнинг бу хилда ҳал этилиши туфайли унда қаҳру ғазаб уйғонганини бир чеккага йиғиштириб қўйганда ҳам судлашишнинг хунук оқибати уни шубҳасиз каттик ранжитиб ва ҳаяжонга келтирган. Бундай дақиқаларда кўнгил ўзига ҳамдard изламай туролмайди, у дунёда жонидан ҳам азиз кўрган қизини эслаган. Ниҳоят, шундай бўлиши ҳам мумкин: эҳтимол, у тез кунларда уни Алёша ташлаб кетишини (чунки Наташа ҳақидаги ҳамма гапларни у билади ва уларни кузатиб боради) эшитгандир. У қизининг ҳоли энди нима кечаётганини ва ўзидан қиёс қилиб унга ҳозир қанчалик тасалли зарурлигини тушунган бўлиши керак. Бироқ шунга қарамай, у ўзини қизи томонидан хўрланган ва ҳақоратланган ҳисоблаб, ўз иззат-нафсини енга олмасди. Балки унинг хаёлига шу гаплар ҳам келгандир: ҳарқалай қиз олдин унинг олдига келмайди: эҳтимол, у келишни ўйламас ҳам ва ярашишга ҳеч қанақа эҳти-

ёж ҳам сезмас. Мана шундай ўйлаган бўлиши мумкин, – дедим мен ўз фикримни хотималаб, – мана шунинг учун у хатни охирига етказмаган ва эҳтимолки, булардан аввалгидан ҳам ўтиб тушадиган янги хунук гаплар чиқиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, ким билади, ярашиш тағин узоққа чўзилиб кетар.

Кампир менинг гапларимни тинглаб туриб йиғлар эди. Ниҳоят, мен Наташаникига ҳозир боришим зарурлиги, мен кечикиб қолганимни айтганимда у типирчилаб қолиб энг керакли гап эсидан чиқиб қолганини айтди. Хатни қоғозлар тагидан ола туриб бехосдан унинг устига сиёҳ тўкиб юборибди. Мактубнинг бир бурчагига сиёҳ тўкилиб кетган эди, кампир энди чол мана бу доғни кўриб, у йўғида қоғозларнинг титилгани ва Анна Андреевна Наташага ёзилган мактубни ўқиганини билиб қолишидан кўрқиб кетди. Унинг кўрққанида ҳам жон бор эди: биз унинг сирини билиб қолганимизни билса борми, уятдан ва жаҳли чиққанидан унинг гина-кудурати узоққа чўзилиши ва кечирिशга бўйни ёр бермай қолиши мумкин эди.

Аммо воқеага тушунганимдан кейин кампирни ташвиш қилмасликка унатдим. У столдан шу қадар ҳаяжон билан туриб кетганки, энди майда-чуйда нарсалар эсида ҳам йўқдир, хатни ўзи ифлос қилган ва буни эсидан чиқариб қўйганман, деб ўйлаши мумкин. Шундай қилиб, Анна Андреевнани юпатдим-да, хатни секингина аввалги жойига қўйиб қўйдик. Мен бўлсам кета туриб у билан Нелли ҳақида гаплашмоқчи бўлдим. Назаримда, онаси, ўз отаси томонидан «оқ» қилинган бечора ғариб – етимча ўзининг ўтмиш ҳаёти, онасининг вафоти ҳақидаги фожиали ҳикоялари билан чолнинг кўнглини юмшатиши, унда олижаноб ҳиссиётлар уйғотмоғи мумкин эди. Унинг юрак-бағри эзилиб адо бўлди, қизининг соғиниши энди унинг ғуруридан ва ҳақоратланган

иззат-нафсидан зўр чиқмоқда. Фақат биргина туртки, қулай бир ҳодиса етишмай турарди, мана шу қулай ҳодиса ўрнини Нелли босиши мумкин. Кампиршо гапимга диққат билан қулоқ солди, юзлари умид ва завқ билан жонланиб кетди. У шу заҳотиёқ нима учун шуни илгарироқ айтмаганимдан гина қила бошлади. Сабрсизлик билан Неллини сўраб-суриштира бошлади. Энди унинг ўзи етим қизни олиб боқишга чолни кўндиришга тантанали ваъда бериб, гапини тамомлади. Энди у чин қалбдан Неллини сева бошлади, касал эканига ачинди, у ҳақда ҳадеб сўрайверди. Нелли учун ўзи атайлаб қазноқдан бир банка қиём олиб чиқиб берди; доктор учун пулинг йўқдир, деб қўлимга бояқиш учун беш сўлкавой бермоқчи бўлди, мен олмадим. Неллига ҳали анча нарса керак бўлади, деб ўз-ўзига тасалли берди, ҳойнаҳой, кийим-кечак керақдир, деб у шу заҳоти сандиқни очиб, «етимчага» ҳадя қилса бўладиган кийим қидириб, ўз кўйлақларини тита бошлади.

Мен бўлсам Наташаникига кетдим. Юқорида айтиб ўтганимдек, айланма тик зинага қадам қўйганимда юқори поғонада, Наташанинг эшиги олдида, эндигина эшикни қоқмоқчи бўлиб турган, бироқ менинг оёқ товушимни эшитиб тўхтаб қолган бир кишини кўриб қолдим. Ниҳоят, у киши чамаси бир оз иккиланиб туриб, бирдан ниятидан воз кечди шекилли, пастга туша бошлади. Мен у билан зинада тўқнаш келдим, бу одам Ихменев эканини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолсам бўладими! Зинапоя кундуз куни ҳам жуда қоронғи эди. У менга йўл бериш учун деворга суянди. Шу чоғ ғалати қилиб менга тикилиб тургани эсимдан чиқмайди. Назаримда, у лавлагидек қизариб кетди. Чамаси, ўлардек хижолат тортиб, довдираб қолди.

– Э, Ваня, сенмидинг! – деди у тутилиб-тутилиб. – Мана шу ерга бир одамникига... бир мирзонинг олди-

га... иш билан келувдим... Яқинда кўчиб келган... Шу ерга, аллақерга... ҳа, бу ерда турмайди, шекилли, янглишибман. Хайр.

У ғизиллаганича зинадан пастга тушиб кетди.

Мен бу учрашув ҳақида ҳозирча Наташага ҳеч гап айтмасликка қарор қилдим, аммо Алёша кетиб у ёлғиз қолганидан кейин, шу заҳоти айтишни ниятлаб қўйдим. Ҳозир эса у шу қадар хафаки, гарчи шу бўлиб ўтган ҳодисани тушуниб, унинг туб маъносини қамраб олишга қодир бўлгани билан, кейинроқ, барибир, қайғу-ҳасрат бошига тушган дақиқаларидек қаттиқ ҳис ва идрок этолмасди.

Шу куни мен Ихменевларникига боришим мумкин эди, шунга кўнглим чоғиб ҳам турувди, аммо бормадим, назаримда, чол учун менинг кўзимга қараш жуда оғир бўлса керак; у шу учрашув туфайли мени атайлаб елиб-югуриб келибди, деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Уларникига орадан икки кун ўтказиб бордим. Чол хафа эди. Аммо мени анча бетакаллуф кутиб олди ва ҳадеб ўз иши ҳақида гапираверди.

– Анави куни кимникига борган эдинг, ҳув болохонада-чи, эсингда борми, сен билан учрашиб қолган эдик, уч кун бўлди, шекилли, – сўради у тўсатдан ўзини бепарволикка солиб, лекин кўзларини мендан обқочиб.

– Ўша ерда битта ошнам туради, – жавоб бердим мен ҳам бошқа ёққа қараб туриб.

– Э! Мен бўлсам мирзамни ахтариб юрган эдим, Астафьевни; менга ўша уйни кўрсатишди... янглиш экан... Хўш, шундай қилиб мен сенга ўз ишимни гапирётган эдим, сенатда шундай қарор қилибдилар... – ва ҳоказо ва ҳоказо...

У иш хусусида гапирётганда ҳатто қизариб ҳам кетди.

Мен шу куниёқ Анна Андреевнани хурсанд қилиш учун унга ҳамма гапни гапириб бердим, аммо чолга ҳадеб сермаъно қарайвермаслигини, унинг олдида ҳадеб уҳ тортмаслигини, ҳеч қанақа нарсага шама қилмаслигини, хуллас калом, унинг кейинги қилиғидан хабардор эканлигини ҳеч қанақа йўл билан сездирмаслигини ёлвориб сўрадим. Кампир шу қадар ҳайрон қолиб, қувониб кетдики, ҳатто аввал гапимга ишонмади ҳам. У ҳам ўз навбатида Николай Сергеичга етим қиз ҳақида гап очганини, аммо унинг ўзи аввал етимча боқиб олишни шунча қистаганига қарамай, бу гал индамай қўя қолганини айтди. Биз шундай қарорга келдик: кампир эртага шу ҳақда унга, гапни айлантириб ўтирмай, пўсткалласни айтади-қўяди. Аммо эртаси иккаламиз ҳам қаттиқ даҳшатга тушиб, қаттиқ ташвиш тортдик.

Бундоқ бўпти: Ихменев эрталаб унинг ишлари ҳақида ҳаракат қилиб юрган чиновник билан сўришибди. Чиновник князни кўрганини ва князь гарчи Ихменовкани ўз фойдасига қолдиргани билан «баъзи бир оилавий можаролар муносабати-ла» чолни мукофотлашга ва унга ўн минг сўм беришга қарор қилганини айтибди. Чиновникнинг олдидан чол тўғри меникига келди, фиғони фалакка чиққан, кўзлари ғазаб ўти сочарди. У мени, билмайман нима учундир, уйдан зинапояга чақиртирди ва дарҳол князь олдига бориб, дуэлга чақирганини айтишимни талаб этди. Мен шу қадар довдираб қолган эдимки, анчагача нималигини тушунмадим. Мен уни йўлдан урмоқчи бўлувдим, чол шу қадар қаттиқ ғазабланиб кетдики, кўнгли озиб қолаёзди. Мен уйга сувга югурдим, аммо қайтиб келганимда зинапояда Ихменевнинг арвоҳи ҳам қолмаган эди.

Эртаси куни мен уларникига жўнадим, аммо уйда йўқ экан, шу кетганча у уч кун дом-дараксиз кетибди.

Учинчи кунигина биз нима гаплигини билдик. У меникидан чиқиб тўғри князникига югурибди, уни уйдан тополмай хат ташлаб кетибди; у ўз хатида: князнинг чиновникка айтган сўзини эшитганини, шунга кўра ўзини ғоят даражада ҳақорат эшитган одам деб ҳисоблаганини таъкидлаб, князни энг тубан, разил одам деб билгани учун уни дуэлга чақиришини, у дуэлдан бўйин товламаслигини, акс ҳолда жамоат ўрта-сида шарманда қилинишини ёзиб огоҳлантирибди.

– Чол уйга шундай хафа келдики, азбаройи хуноби ошиб кетганидан ётиб қолди, – деди менга Анна Андреевна. У кампир билан хушмуомалада бўлибди, аммо саволларига унча жавоб бермабди, у бир нарса-ни сабрсизлик билан типирчилаб кутгандек кўринарди. Эртасига эрталаб шаҳар почтасидан хат келибди. Хатни ўқиб туриб, бирдан бақириб юборибди ва бошини чангаллаб қолибди. Анна Андреевна кўрққанидан жони чиқиб кетаёзибди. Чол эса шу зумдаёқ шляпа, ҳассасини олиб, югурганича чиқиб кетибди.

Хат княздан экан. У совуққина, қисқагина ва мулойимгина қилиб, ўзининг чиновникка айтган сўзлари учун ҳеч кимга ҳисоб бермоқчи эмаслигини Ихменевга баён қилибди. У гарчи жараёнда ютқазгани учун Ихменевга қаттиқ ачингани билан, афсуски, даъвода ютқизган кишининг қасос олиш учун ўз рақибини дуэлга чақиришга ҳақли эканини тўғри деб тополмайди. Энди «жамоат олдида шарманда қилиш» билан кўрқитишларига келсак, бу тўғрида Ихменев ташвиш тортмаса ҳам бўлади, негаки, ҳеч қанақа жамоат олдида шарманда қилиш мумкин ҳам эмас. Мактуб эса тўхтовсиз тегишли жойига топширилади ва огоҳлантириб қўйилган полициянинг тартиб ва осойишталикни сақлаш учун тегишли чораларни кўришга қудрати етса керак, деб ёзибди.

Ихменев кўлида мактубни чангаллаганича князний-кига чопади. Князь яна уйда йўқ экан. Лекин чол лакейдан князь ҳозир граф Н.никида эканлигини билиб олади. Узоқ ўйлаб турмасдан у графникига югуради. У зинапоядан чиқаётганидаёқ уни граф швейцари тўхтатади. Жони ҳалқумига келган чол уни ҳассаси билан солиб юборади. Шу заҳоти уни ушлаб, кўча эшикка олиб чиқадилар ва полицияга топширадилар. Полиция участкага жўнатади. Графга бу гапни етказадилар. Бу ҳодиса юз берганда шу ерда бўлган князь шахватпараст мўйсафидга, бу – ўша Ихменев – ўша Наталья Николаевнанинг отаси эканини тушунтиради (князь бунақа ишлар билан графнинг кўп марталар кўнглини олган), шунда мансабдор мўйсафид кулибгина кўя қолади ва ғзабини афв билан алмаштиради. Ихменевни боши оққан ёққа жўнатишга буйруқ берилади, бироқ уни фақат учинчи кўни бўшатадилар, шу билан бирга, чолга (князнинг буйруғи билан бўлса керак) князнинг ўзи графдан афв этишини сўраганини эълон қиладилар.

Чол худди жиннилардек уйга қайтиб келди, ўзини каравотга ташлади ва бир соат қимирламай ётди; ниҳоят, ўрнидан кўзғалиб, Анна Андреевнани даҳшатга келтирувчи сўзларни айтди, яъни у тантана билан ўз қизини абадий «оқ» қилганини ва оқ фотиҳа бермаслигини эълон қилди.

Анна Андреевна даҳшатга келди, аммо чолга қараб туриш керак эди, ўзи ҳам хушидан кетай деб зўрға юриб, кўни бўйи туни билан чолни парвариш қилиб чиқди, бошини сирка билан хўллаб, муз кўйди. Чол иситмалаб алаҳлаб чиқди. Мен кечаси соат иккилардан ўтганда уларникидан жўнадим. Аммо Ихменев эрталабоқ бош кўтарди ва шу кўниёқ, Неллини энди бутунлай олиб кетиш учун меникига келди. Бироқ

Нелли билан унинг ўртасида бўлган анави воқеани айтиб ўтган эдим, бу можаро уни бутунлай эзиб ташлади. Уйга қайтгандан кейин кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Булар ҳаммаси пасхадан олдинги жума куни – Катя билан Наташанинг учрашадиган куни, Алёша билан Катянинг Петербургдан жўнаш арафасида рўй берди. Бу учрашувда мен бўлдим: улар эрталаб барвақт ҳали чол меникига келмасдан бурун, Неллининг биринчи марта қочиб кетишидан олдин учрашишди.

VI БОБ

Учрашувга бир соат қолганда Алёша Наташани огоҳлантириб қўйиш учун етиб келди. Мен Катянинг коляскаси худди бизнинг дарвоза олдига келиб тўхтаган пайтда келдим. Катянинг ёнида француз аёл бор эди, у жуда узоқ ялиниш ва иккиланишлардан сўнг ниҳоят, Катя билан бирга келишга рози бўлибди ва ҳатто, унинг ёлғиз ўзини юқорига – Наташанинг олдига чиқишга ҳам рухсат берибди, аммо-лекин Алёша ҳам бирга бўлишини сўрабди, ўзи бўлса коляскада қолибди. Катя коляскадан тушмай туриб мени чақириб олди-да, Алёшани чақириб беришимни сўради. Наташанинг йиғлаб ўтиргани устига келиб қолдим, Алёша ҳам, у ҳам йиғлаб ўтиришарди. Катянинг келганини эшитиб, Наташа ўрнидан турди, кўз ёшларини артди ва хаяжон билан эшик тўғрисига келиб турди. Шу куни эрталаб у бошдан-оёқ оқ кийимда эди. Унинг қўнғир сочлари силлиқ таралиб, орқага қалин турмакланган эди. Сочининг шу хилда турмакланиши менга жуда ёқар эди. Наташа у билан қолганимни кўргач, пастга тушиб, меҳмонга пешвоз чиқишимни сўради.

– Шу чоққача Наташаникига келолмадим, – дерди менга Катя зинадан кўтарила туриб. – Мени шундай

пойлашадики, асло иложи йўқ. Madame Albertaga икки ҳафтадан бери ялинаман, охири рози бўлди. Сиз-чи, сиз, Иван Петрович, бирор марта ҳам меникига келмадингиз-а! Хат ҳам ёзмадим сизга, ҳафсалам келмади, ундан ташқари хат билан нимани ҳам тушунтириб бўларди. Сизни кўришим шундай зарур бўлдики... Эй, Худойим, юрагимнинг уришини қаранг-а...

- Зина жуда тик, - дедим мен.

- Рост... зина ҳам тик экан... Сиз нима деб ўйлайсиз-а, Наташа мендан хафа бўлармикин?

- Йўқ, нега хафа бўлсин?

- Ҳа, рост... албатта, нега хафа бўларди, ўзим ҳозир уни кўраман-ку, сўрашнинг нима ҳожати бор экан?

Мен уни қўлтиқлаб олдим. Ранги ўчиб кетди, жуда кўрқаётгандек кўринарди. Охири қайрилишда у нафасини ростлаб олиш учун тўхтаб қолди, аммо менга бир қаради-ю, дадил қадам ташлади ва қулоғимга: «Мен шундай кираман ва унга ишонганим учун чўчимай келавердим, дейман... Тавба, нима деяпман, ахир ишонаманки, Наташа ҳам олижаноб бир қиз. Тўғри эмасми?» деб шивирлади.

У худди айбдордек ийманибгина кирди ва Наташага тикилиб қаради, Наташа эса унга шу зумдаёқ табассум қилди. Шунда Катя унинг олдига ғизиллаб борди-да, қўлларини ушлади ва ўзининг дўрдоқ лабларини унинг лабларига ёпиштирди. Шундан кейин Наташага бир оғиз ҳам гап айтмай туриб, жиддий ва ҳатто қатъий суръатда Алёшага мурожаат этиб, бизни ярим соатга холи қолдиришини сўради.

- Жаҳлинг чиқмасин, Алёша, - қўшиб қўйди у, - мен Наташа билан ғоят муҳим ва жиддий бир масала ҳақида, жуда кўп нарсалар тўғрисида гаплашишим керак, буни сен эшитишинг керакмас, ақлли бола бўлгин, бора қол. Сиз Иван Петрович, қоласиз. Сиз бизнинг

хамма гапимизни бошдан-охиригача эшитишингиз керак.

- Ўтирайлик, - деди у Наташага Алёша кетгандан кейин, - мен мана шундоқ сизнинг рўпарангизга ўтираман. Олдин сизни яхшилаб кўриб олгим келяпти.

У Наташанинг рўпарасигинага ўтирди ва бир неча лаҳза унга тикилиб қаради. Наташа унга беихтиёр табассум билан жавоб қилди.

- Мен сизнинг суратингизни кўрганман, - деди Катя, - Алёша кўрсатган.

- Хўш, суратимда ўзимга ўхшайманми?

- Суратдагидан яхшироқсиз, - жавоб берди Катя кескин ва жиддий оҳангда. - Ҳа, ўзим ҳам шундай ўйлаган эдим, яхшироқсиз деб.

- Ростданми? Мен бўлсам сизга маҳлиё бўлиб қолдим. Қанақа чиройлисиз-а!

- Вой, кўйсангиз-чи! Қаёқда!.. Қоқиндиқ бўлай сизга! - кўшиб кўйди у титроқ қўли билан Наташанинг қўлини тутиб. Иккаласи яна жим бўлиб, бир-бирларига тикилишарди. - Биласизми нима, жонгинам, - жимликни бузди Катя, - биз фақат ярим соатгина бирга бўла оламиз, Madame Alberta шунга ҳам зўрға кўнди, биз жуда кўп нарсаларни гаплашишимиз керак... Мен шуни истардим... Мен билишим... тўппа-тўғри сўрай қолай: Сиз Алёшани жуда яхши кўрасизми?

- Ҳа, жуда.

- Агар шундай бўлса... агар сиз Алёшани қаттиқ севсангиз... унда сиз унинг бахтини ҳам севишингиз керак... - кўшиб кўйди у кўрқа-писа шивирлаб.

- Ҳа, мен унинг бахтли бўлишини хоҳлайман...

- Шундоқ... Аммо масала шундаки, мен уни бахтли қила оламанми, йўқми? Шундай дейишга ҳаққим борми, негаки, мен уни сиздан тортиб оляпман. Назарин-

гизда, у сиз билан бахтлироқ бўладиган бўлса, энди шуни ҳал этамиз, у ҳолда... у ҳолда...

- Бу аллақачон ҳал этиб қўйилган, азизим Катя, ахир ўзингиз кўряпсиз-ку, ҳаммаси ҳал этилган, - жавоб берди Наташа астагина ва бошини эгди. Гапни давом эттириш унга оғир эди, шекилли.

Афтидан, Катя Алёшани ким бахтли қила олади, иккаласидан қайси бири Алёшадан воз кечиши керак, деган мавзуда узундан-узоқ баёнот тайёрлаган эди шекилли, аммо Наташанинг жавобидан сўнг булар аллақачон ҳал этиб қўйилгани ва бу ҳақда гапириб ўтиришга ўрин йўқлигини дарров тушунди. Ўзининг гўзал дудоқчаларини ярим очганича, ҳамон унинг қўлларини ўз қўлида ушлаб, Наташага таажжуб ва ғамгинлик билан қараб қолган эди.

- Сиз-чи, сиз уни жуда ҳам севасизми? - деб сўраб қолди бирдан Наташа.

- Ҳа, мен ҳам шуни сиздан сўрамоқчийдим, шунинг учун ҳам келган эдим: айтинг, уни нимаси учун севасиз?

- Билмайман, - жавоб берди Наташа, унинг жавобида аламли сабрсизлик оҳанги бор эди.

- У ақллими, сиз қандай ўйлайсиз? - сўради Катя.

- Йўқ. Мен уни шундай севаман.

- Мен ҳам. Нима учундир ҳадеб унга юрагим ачийверади.

- Менинг ҳам, - жавоб берди Наташа.

- Нима қилса бўлади энди уни? Қанақа қилиб у мени деб сиздан кечяпти, шуни тушунолмайман, - деди Катя. - Мана энди сизни кўрганимдан кейин ҳеч ҳам тушунмайман!

Наташа жавоб бермади, ерга тикилганича ўтирарди. Катя бирпас-жим турди. Кейин бирдан ўрнидан туриб, Наташани кучоқлаб олди. Иккиси ҳам бир-би-

рини бағрига босиб йиғлашарди. Катя Наташани кучоқлаган ҳолда у ўтирган курсининг суянчиғига ўтирди, кўлларини ўпа бошлади.

– Мен сизни қанчалик севганимни билсангиз эди! – дерди у йиғи аралаш. – Келинг, опа-сингил тутинамиз, бир-биримизга хат ёзишиб турамиз... Мен бўлсам сизни умрбод севаман. Шундай севаманки...

– У сизга июнда бўладиган тўйимиз ҳақида гапирдимми? – сўради Наташа.

– Гапирди. Сизнинг ҳам розилигингизни айтди. Ахир бу ҳаммаси шунчаки уни юпатиш учунку-а, шундай эмасми?

– Албатта.

– Мен ҳам шундай тушундим. Мен уни севиб ардоқлайман, Наташа, ҳаммасини сизга ёзиб тураман. Энди у тез кунларда менинг эрим бўладиганга ўхшайди, ишнинг бориши шунақа. Ҳамманинг оғзида шу гап. Жонгинам Наташа, ахир, энди сиз уйингизга кўчиб борасиз-а?

Наташа унга жавоб бермади, аммо индамасдан қаттиқ ўпди.

– Бахтли бўлинглар, – деди Наташа.

– Сиз... Сиз... ҳам... – деди Катя. Шу лаҳзада эшик очилди. Алёша кирди. Унинг тоқати тоқ бўлган, мана шу ярим соатни ўтказишга унинг сабри чидамаган эди, икки қизнинг кўзларида ёш, бир-бирини кучоқлашиб ўтирганларини кўргач, мадори қуриб, изтироб ичида Наташа ва Катянинг оёғига йиқилди.

– Сен нега йиғлайсан? – деди унга Наташа. – Мендан жудолашаётганинггами? Узоқ вақтга кетяпсанми? Июнда келасан-ку!

– Ўшанда сизларнинг тўйларингиз бўлади, – шошилиб гапга аралашди Катя ҳам йиғи аралаш Алёшага тасалли бериш учун.

- Бироқ мен сени бир кун ҳам ташлаб кетолмайман, Наташа. Сенсиз ўламан... сен энди мен учун қанчалик қадрдон эканингни билмайсан! Худди шу дамларда!..

- Бўлмаса шундай қил, - деди Наташа бирдан чехраси очилиб, - ахир графиня яна бир неча кун Москвада бўлади-ку, а?

- Ҳа, бир ҳафтача бўлади, - деди Катя.

- Бир ҳафта! Жуда соз, сен эртага уларни Москвага кузатиб борасан, бунга фақат бир кун кетади, шу заҳоти бу ерга қайтиб кел. Москвадан жўнашадиган бўлганда биз бир ойга хайрлашамиз, сен уларни кузатиш учун Москвага қайтасан.

- Ҳа, шундай... ҳар ҳолда сизлар тўрт кун бирга бўласизлар! - қичқириб юборди севиниб кетиб Катя Наташа билан маънодор қарашиб олгандан кейин.

Мана бу янги гапдан Алёша шу қадар терисига сиғмай кетдики, унинг шодлигини ифодалаш ҳам қийин эди. У бирдан овуниб қўя қолди, қувончдан юзи гулгун очилди. У Наташани кучоқлар, Катянинг қўлини ўпар, мени бағрига босар эди. Наташа ғамгин табассум билан унга тикиларди, аммо Катя бу оғир дақиқаларни кўтаролмади. У менга ўткир, чакнаб турган кўзлари билан бир қараб қўйди, Наташани кучоқлади ва кетиш учун ўрнидан турди. Худди шу чоғ атайлаб қилгандек француз аёл суҳбатни тезроқ тамом қилишлари кераклигини, белгиланган ярим соат аллақачон ўтганини айтиш учун одам юборибди.

Наташа ўрнидан турди. Иккала қиз қўл ушлашганича бир-бирларининг рўпарасида турар ва шу боқиш билан кўнгилларидаги барча армонларни ифодаламоқчи бўлгандек кўринар эдилар.

- Ахир бир умр кўришмаймиз, - деди Катя.

- Ҳеч қачон Катя, - жавоб берди Наташа.

- Хўп, бўлмаса, хайрлашайлик, - иккаласи кучоқлашишди.

– Мени қарғаманг, – шивирлади Катя шошилиб, – мен бўлсам... Ҳамиша... кўнглингиз тўқ бўлсин... У бахтли бўлади... Юр, Алёша, мени кузатиб қўй! – тез-тез гапирди у Алёшанинг қўлидан ушлаб.

– Ваня! – деди ҳаяжонга келган, куйиб адо бўлган Наташа, улар чиқиб кетгандан кейин. – Бор, сен ҳам улар орқасидан ва... қайтиб келмай қўя қол: Алёша кечгача олдимда бўлади, соат саккизгача. У кечқурун қололмайди, жўнаб кетади. Ўзим ёлғиз қоламан... Соат тўққизларда кел, ўтинаман.

Соат тўққизда Неллини Александра Семёновна билан қолдириб (қулоқпиёла сингандан кейин), мен Наташанинг олдига келдим. У ўзи ёлғиз экан, мени сабрсизлик билан кутаётган экан. Мавра самовар келтирди. Наташа менга чой қуйиб бериб, ўзи диванга ўтирди ва яқинроқ ўтиришимни илтимос қилди.

– Мана, шундай қилиб ҳаммаси адои тамом бўлди, – деди у менга тикилиб қараб туриб. Бу боқишни мен ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

– Мана, муҳаббатимиз ҳам тамом бўлди. Ярим йиллик ҳаёт! Бир умрга-я, – қўшиб қўйди қўлимни қисиб. Унинг қўли қайноқ эди. Мен уни қалинроқ кийин, ўрнингга бориб ёт, деб қистайвердим.

– Ҳозир, Ваня, ҳозир, менинг қадрдон дўстим. Бирпас гапириб, хотирлашга имкон бер... Мен энди соб бўлганман... Эртага мен уни охирги марта кўраман, соат ўнда... Охирги марта-я!

– Наташа, иситманг бөр, ҳозир безгак тутиб қолади, ўзингни аясанг-чи...

– Ҳўш? Шу ярим соат ичида у кетганидан бери сени кутдим, Ваня, биласанми мен нималарни ўйладим ва ўзимга ўзим қандай савол бердим: мен уни севардимми ёки севмасдим? Қанақа севги эди бизнинг севгимиз? – деб сўрадим. Нега куляпсан, Ваня, бу тўғрида.

Ўзимга энди шундай савол берганим сени ҳайратга соляптими?

- Ўзингни койитма, Наташа...

- Кўряпсанми, Ваня: мен уни тенгим каби, одатда аёл эркак кишини севгани каби севмаган эканман. Мен уни... худди бир она боласини севгандек севганман. Назаримда, бир-бирини ўз тенги севиш бўлмаса керак. Оламда бунақанги севги бўлмаса ҳам керак. Сен қандай ўйлайсан?

Мен безовталаниб унга қарадим, иситмаси тутиб келмаётганмикан деб кўрқардим. Назаримда, бир нима унинг фикрини маҳлиё қилаётгандек кўринарди: у гапиришга қандайдир алоҳида бир эҳтиёж сезаётган эди: баъзи бир-сўзлари бир-бирига қовушмагандек, ҳаттоки баъзи сўзларини эплаб айтолмасди ҳам. Юрагим орқамга тортиб кетди.

- У меники эди, - давом эттирди гапини у. - Мен бир кўришдаёқ менда у меники, тезроқ меники бўлсайди ва ҳеч кимга қиё боқмаса, мендан ўзга ҳеч кимни билмасайди, деган бир орзу туғилди. Катя ҳали жуда тўғри айтди: мен уни худди шунинг учун севардимки, у негадир ҳамиша менга аянчли кўринарди, унга раҳим келарди... Мен ҳар доим ёлғиз қолган кезларимда, у битмас-туганмас абадий бахтга эга бўлса, деган орзу мени қамраб оларди, ҳатто азобларди ҳам. Мен унинг юзига бепарво қаролмас эдим, ўзинг биласан-ку, унинг юз ифодасини, ҳеч кимнинг юзида бундай ифода бўлмайди, кулганда бўлса аъзойи баданим жимирлаб кетарди... Эй воҳ!..

- Наташа, кулоқ сол...

- Уни бўш характерли дердилар, ўзинг ҳам айтардинг, болалардек ақли ҳам қисқа дердилар. Худди шунинг учун уни севардим-да, ишонасанми? Шунинг учун севардимми-йўқми, ўзим ҳам билмайман: қан-

дай бўлса, шундай севардим, балки у бошқачароқ характерда ёки ақллироқ бўлганда шунчалик севмасдим. Биласанми, Ваня, мен сенга бир сиримни айтай: эсингда борми, бундан уч ой муқаддам, у ҳалиги отинг курғур Миннаникига борганда ғижиллашган эдик... Мен буни билиб қолиб, кетидан пойлаб юрдим, ишонсанми, қанчалик азоб чекдим, аммо шу билан бир вақтда, хурсанд бўлган ҳам эдим... нима учунлигини ўзим билмайман... У ҳам катталар қаторида соҳибжамолларникига борибди, деган фикрнинг ўзи мени фахрлантирди! Миннаникига борган-а!.. Ана шу жанжалдан мен ўшанда қанчалик ҳузур қилган эдим: кейин уни кечирдиш!.. О, жонгинам!

У менинг афтимга қаради-ю, ғалати қилиб кулиб қўйди. Кейин гўё хаёл дарёсига чўмиб кетди, ҳали ҳам бир нарсаларни эслаётгандай эди. Шу аҳволда, лаблабрида табассум билан ўтганларни ўйлаб узоқ ўтирди.

– Мен уни кечирдишни ўлгудек яхши кўрардим, Ваня, – давом этди у. – Биласанми у мени ёлғиз қолдириб кетган пайтларида уйда у ёқдан бу ёққа юрардим, қийналардим, йиғлардим, ўзим бўлсам баъзан: «Менинг олдимда қанчалик айбли бўлса, шунчалик яхши-ку!..» деб ўйлардим. Ҳа, биласанми, назаримда, ҳамма вақт у кичкинагина бола-ю, у менинг тиззамга бош қўйиб ухлаб қолгандек, мен бўлсам астагина унинг бошини силаб, эркалаётгандекман... У ёнимда бўлмаганда мен ҳаммиша шуларни хаёлимга келтирардим... Менга қара, Ваня, – кўшиб қўйди у бирдан, – Катя қанақа ажойиб қиз-а!

Назаримда, у атайлаб шуларни эслар, умидсизликка тушиб азоб чекиш эҳтиёжини сезгандек ўз ярасини янгилар эди... Бу ҳол эса жудолик дардига учраган қалбларда тез-тез рўй беради!

– Менимча, Катя уни бахтли қила олади, – давом этди у. – Иродали, ўзига қаттиқ ишонган қиз, дейди-

лар. Алёшанинг олдида у ўзини шу қадар жиддий ва сипо тутадикки, худди катталардек ақлли нарсалардан гаплашади. Ўзи-чи, ўзи ғирт ёш бола! Жоним, жонгинам! О, майли, улар бахтли-саодатли бўлишсин! Майли, майли!..

Бирдан унинг кўксидан отилиб чиққан фарёд кўз ёшлари билан қўшилиб кетди. Ярим соатдан кўп у ўзига келолмади, ўпкасини босолмади.

Меҳрибоним, фариштам, Наташа! Шу оқшом ҳам, ўзининг қайғу-ҳасратларига қарамай, менинг ташвишларимга ҳамдард бўлди. Мен унинг бир оз тинчланганини, тўғрироғи, ҳориб-чарчаганини кўриб, унинг қайғусини тарқатиш учун Нелли ҳақида гапириб бердим... Биз шу кеча узоқ ўтирдик, мен у ухлаб қолгунча кутиб ўтирдим, кета туриб Маврадан ўзининг бемор бекачаси олдидан бутун кеча ҳеч ёққа қўзғалмай ўтиришини сўрадим.

– О, тезроқ, тезроқ, – дердим мен ўз-ўзимга, уйга қайта туриб, – тезроқ тугасайди, бу уқубатлар! Нима билан бўлса ҳамки, тезроқ, тезроқ тугасайди!

Эртасига барвақт, худди соат ўнда мен унинг олдига келдим. Мен билан бир вақтда Алёша ҳам... хайрлашиш учун келди. Бу ҳақда гапириб ҳам ўтирмайман, уни эсга олишни ҳам истамайман. Наташа ўзини шод ва бепарво кўрсатишга аҳд қилган бўлса ҳам, аммо бу қўлидан келмасди. У Алёшани маҳкам кучоқлаб, бағрига босди. Кўп гаплашмади, аммо изтироб ичида, телбаларча, унга тикилиб қараганича қотиб қолди. Унинг ҳар бир сўзига жон-жаҳди билан қулоқ солди, аммо нима деяётганига асло тушунмаётгандек эди. Эсимда бор, у Наташадан кечирим сўради, унинг мана шу севгисини ва шу давр ичида унга ўтказган ситамлари, хиёнати, Катяга бўлган ишқ-мухаббати, кетаётгани учун афв этишини сўради у. Пойма-пой гапирар,

кўз ёшлари унга халақит берарди. Баъзан у бирдан уни юпатишга тушиб кетарди. Фақат бир ойга, узоғи билан беш ҳафтага кетаётганини, ёзда келганда тўйлари бўлишини ва отаси бунга розилик беришини ва ниҳоят, у индинга Москвадан қайтиб келишини, шунда тўрт кун бирга бўлишларини гапирар, ахир бир кун кўришмас эканмиз-да, деб овутарди...

Қизиғи шуки, у ўзининг индинга Москвадан қайтиб келишига ва гапирган гапларининг тўғрилигига қаттиқ ишонар эди... Нега бўлмаса ўзи шунча йиғлаб, шунча азобланарди?

Ниҳоят, соат ўн бирга жом чалди. Мен уни зўрғатдан кетишга унатдим. Москва поезди худди ўн иккида жўнар эди. Бир соат вақт қолган эди. Наташа ўзи кейин унга охирги марта қанақа қилиб қарагани эсида йўқлигини айтди. Менинг эсимда қолгани шуки, Наташа уни чўқинтирди, ўпди, кейин қўли билан кўзларини беркитганча орқадаги уйга ўзини отди. Мен ҳам Алёшани экипажгача кузатиб қўймасам бўлмасди, акс ҳолда, у орқасига қайтиб келиши турган гап эди ва ҳеч қачон зинадан тушолмасди ҳам.

– Ҳамма умидим сёнда, – дерди у пастга туша туриб, – дўстим Ваня! Мен сейинг олдинда гуноҳқорман, ҳеч қачон сизларнинг муҳаббатингларга сазовор бўлмадим, аммо охиригача менга акалик қил. Уни ардоқла, ёлғиз қолдирма, ҳаммасини батафсил менга ёзиб тур, майда қилиб ёз, кўп гап сиғиши учун жуда майда қилиб ёз. Индинга мен бу ерда албатта бўламан, албатта! Аммо кейин, мен кетганимдан сўнг албатта ёз!

Мен уни экипажга ўтқиздим.

– Индингача хайр! – деб бақирди у менга экипажда туриб, – албатта!

Юрағимни ҳовучлаб мен юқорига, Наташанинг ёнига қайтдим. У қўлини қовуштириб, уй ўртасида турар

ва худди танимамай қолгандек менга анқайиб турар эди. Сочлари ғалати бўлиб бир томонга сурилиб кетибди; қарашлари маъносиз; кўзлари хиралашган, жавдирар эди. Мавра бўлса эсхонаси чиқиб кетгандай эшик олдида унга қараб турар эди.

– Ҳа, бу сен, сен! – қичқирди у менга. – Фақат битта ўзинг қолдинг энди-а! Сен уни кўролмасдинг! Мен уни севиб қолганим учун сен уни ҳеч қачон кечиролмасдинг... Энди тагин менинг ёнимда қолдингми? Хўш, нима бўпти? Яна сен менинг кўнглимни олинг, мени тарк этган, «оқ» қилган отам олдига қайтиб боришга кўндириш учун келдингми? Мен буни аллақачон, кеча, бундан икки ой илгари билганман!.. Қайтиб боришни хоҳламайман, хоҳламайман! Мен ўзим уларни «оқ» қиламан!.. Йўқол бу ердан, сени кўришга тоқатим йўқ. Йўқол кўзимдан!

У ҳаддан ташқари ҳаяжон ичида эканини ва менинг афт-башарам унинг қахру ғазабини баттарроқ кўзғатишини, шундай бўлиши кераклигини пайқадим. Яхшиси, кўзига кўринмаслик керак, деган қарорга келдим. Мен зинапояга чиқиб, биринчи босқичга ўтирдим, кутдим. Ҳар замонда ўрнимдан туриб, бориб эшикни очардим-да, Маврани имлаб чақириб, ундан Наташани сўраб-суриштирдим; Мавра юм-юм йиғларди.

Шу аҳволда бир ярим соат ўтди. Бу вақт ичида ичимдан нималар ўтганини таъсирлаш қийин. Бу оғир ҳасратдан юрагим сиқилар, оғрир эди. Тўсатдан эшик очилди, Наташа бошида шляпаси, устида мурсак билан югурганича зинапояга чиқди. У эс-хушидан айрилган кишига ўхшарди. Кейин ўзи: «Ўша вақтдаги ҳолатим ғира-шира эсимда қолган, қаерга, қанақа ният билан кетмоқчи бўлганимни ўзим билмасдим», деди.

Мен ўрнимдан туриб, унинг кўзидан йўқолиб, бирор жойга беркинишга улгурмай, у бирдан мени

кўриб, анграйганича тахта бўлиб қотиб қолди. «Бирдан хушим жойига тушди, – гапириб берди кейин ўзи. – Мен девона, бағритош, сени, жонажон дўстимни, акажонимни, менинг халоскоримни ҳайдаб юборишга қандай кўнглим бўлди-я! Шунда қаҳримга учраган сен бечора мени кутиб ўтиришинг, тағин чақиримни кутиб, кетмай ўтиришингни кўриб, нима аҳволга тушганимни билсайдинг. Ваня! Назаримда, кўксимга ханжар санчилгандек бўлди...»

– Ваня, Ваня! – деб чинқириб юборди, кўллари ни чўзиб. – Шу ердამисан?.. – шундай деб кучоғимга йиқилди.

Мен уни кўтариб, уйга олиб кирдим. У бечора беҳуш эди! «Нима қилсам экан? – деб ўйладим. – Энди шубҳасиз иситмаси тутиб қолади».

Мен докторга югурмоқчи бўлдим, касалнинг олдини олиш керак. Тезгина бориб келиш мумкин эди. Одатда, кекса немисим соат иккигача уйда бўлгувчи эди. Маврадан Наташанинг олдидан бир дақиқа ҳам, бир сония ҳам жилмаслигини, уни ҳам ҳеч ёққа юбормаслигини тайинлаб, докторга югурдим. Худо ўзи мени ярлақди: сал кечиксам, чолимни уйида тополмас эканман. У мени уйдан чиқиб келаётганда, кўчада учратди. Ҳаш-паш дегунча, доктор эсини йиғиб олишга ҳам улгурмасдан мен уни извошга ўтқиздим. Орқамизга қайрилиб Наташаникига кетдик.

Ҳа, Худо ўзи менга мадад берди! Шу ярим соат ичида шундай бир ҳодиса юз берибдики, агар биз доктор билан вақтида етиб келмасак, Наташа ҳалок бўлиши ҳам ҳеч гап эмас экан. Кетганимга чорак соат ҳам ўтмай бу ерга князь келибди. У ҳозиргина одамларини жўнатиб, вокзалдан тўппа-тўғри Наташаникига келган экан. У олдиндан Наташаникига келишни мўлжаллаб қўйган бўлиши керак. Дафъатан князнинг кели-

шидан Наташа таажжубланмабди ҳам. «Миям айниб қолган эди», деди ўзи кейин менга.

Князь унга ачинган кишидек меҳрибонлик билан қараб, рўпарасига келиб ўтирибди.

– Жонгинам, – дебди хўрсиниб қўйиб, – қайғу-ҳасратингизни тушунаман, бу дақиқа сиз учун нақадар оғирлигини билардим, шунинг учун хузурингизга келишни бурчим, деб билдим. Агар иложи бўлса, Алёшадан воз кечиш билан уни бахтли қилганингизни ўйлаб тинчланинг. Аммо сиз буни мандан ҳам кўра яхши тушунасиз, негаки, сиз олижаноб бир ишга журъат этдингиз...

«Мен унинг гапларига қулоқ солиб ўтирдим, – деди кейин Наташа, – аммо ростини айтсам, энг аввал гапларига тушунмадим ҳам. Мен унга тикилиб, тикилиб қараб ўтирганим эсимда. У менинг қўлимни олиб сиқа бошлади, назаримда бу унга жуда ёқар эди. Мен шунчалик ўзимни йўқотиб қўйган эдимки, қўлимни тортиб олиш ҳам эсимга келмабди».

– Сиз Алёшага хотин бўлсангиз, оқибатда унинг нафратини кўзғатган бўлишингизни тушундингиз ва буни англаб етиш ва бир қарорга келиш даражасида олижаноб, мағрур эканингизни кўрсатдингиз... Аммо ахир мен сизни мақташ учун келганим йўқ-ку! Мен фақат шуни изҳор этмоқчиманки, ҳеч қачон, ҳеч ерда мандан ортиқ дўст тополмайсиз. Мен сизга хайрихоҳман, ачинаман. Мана шу бўлиб ўтган ишларга мен беихтиёр қатнашдим, бироқ шу билан ўз бурчимни адо этдим. Сизнинг ажойиб гўзал қалбингиз шуни тушуниб етади ва меники билан ярашади... Менга сиздан ҳам кўра оғирроқ эди, ишонинг!

– Бўлди, бас қилинг, князь, – дебди Наташа, – мени тинч қўйинг.

– Кетаман, кетаман, албатта, – жавоб берибди у, – аммо сизни ўз қизимдек яхши кўраман. Олдингизга

келиб-кегиб туришга рухсат этгайсиз. Энди сиз менга худди ўз отангизга қарагандек қаранг ва хизматингизда бўлишимга рухсат этинг.

– Менга ҳеч нарса керакмас, мени ўз ҳолимга қўйинг, – дебди яна Наташа унинг сўзини кесиб.

– Биламан, сиз мағрурсиз... Аммо мен самимий ва чин юракдан гапиряпман. Сиз энди нима қилмоқчисиз? Ота-онангиз билан ярашмоқчимисиз? Бу жуда соз иш бўлур эди, аммо отангиз инсофсиз, такаббур ва золим одам; мени кечирасиз-у, аммо шундай. Сиз энди ўз уйингизда таъна ва янги машаққатлардан ўзгани кўрмайсиз... Аммо-лекин сиз энди бировнинг қўлига қарам бўлмаслигингиз керак, менинг вазифам, муқаддас бурчим – энди сизнинг ғамингизни ейиш ва сизга кўмак беришдир. Алёша сизни ташлаб қўймаслигимни, сизга дўст бўлишимни ёлвориб сўради. Бироқ мендан бошқа ҳам сизга чуқур садоқатли одамлар бор. Эҳтимол, граф Н.ни сизга таништиришга ижозат берарсиз. У ажойиб қалбли одам, бизнинг қариндошимиз, ҳаттоки бутун бизнинг авлодимизнинг валинеъмати деб атаса ҳам бўлади. У Алёша учун кўп яхшиликлар қилди. Алёша уни қаттиқ ҳурмат қилар ва яхши кўрарди. У ғоят эътиборли, нуфузли одам, ўзи анча кексайиб қолган, шунинг учун уни бемалол қабул қилаверсангиз бўлади, оппоқ қиз. Мен унга сиз ҳақингизда гапириб берганман. У сизни ўрнаштириб қўяди, агар истангиз, сизга қариндошларидан бириникидан яхши жой топиб беради... Бизнинг ишларимизни унга аллақачон очиқ ва равшан қилиб гапириб берганман, у эзгу, олижаноб туйғуларга шу қадар берилганки, ўзи тезроқ сиз билан танишишга ошиқади. Оламдаги барча гўзалликларга хайрихоҳлик кўрсатувчи бу сахий, ҳурматли, сўзларимга ишонаверинг, инсон фазилатларини қадрлашга қобилиятли бир мўйсафид. Яқинда-

гина ҳатто отангиз билан юз берган бир воқеада жуда ажойиб олижаноблик кўрсатди.

Наташа илон чаққандек ўрнидан сапчиб туриб кетибди. Энди у князнинг ниятларига тушунган эди.

- Қўйинг мени, кетинг ҳозир! - бақирибди у.

- Аммо, дўстгинам, сиз ҳадингиздан ошяпсиз, графнинг отангизга ҳам фойдаси тегиши мумкин...

- Менинг отам сиздан ҳеч нарса олмайди. Мени ўз ҳолимга қўясизми? - деб бақирибди яна Наташа.

- Эй, Худоё тавба, шу қадар сабрсиз, бадгумон экансиз! Наҳотки мен шунга лойиқ бўлсам? - дебди князь атрофга олазараклик билан қараб. - Ҳарқалай сиз менга рухсат этасиз, - давом этибди у киссасидан қалин пакетни ода туриб, - менинг, айниқса ўз маслаҳатлари билан менга йўл кўрсатган граф N.нинг сизга бўлган меҳрибончилигимиз исботи учун шуни қолдиришга ижозат бергайсиз. Бунинг ичида ўн минг сўм пул бор. Шошмай туринг, дўстим, - дебди шошиб князь Наташанинг ғазаб билан ўрнидан тураётганини кўриб, - сабр қилиб ҳаммасини эшитинг: биласизми, отангиз мен билан судлашиб ютқазди, мана бу ўн минг сўм шунинг эвазига бир мукофот ўрнида...

- Йўқол! - бақирибди Наташа. - Йўқол, пулинг бошингда қолсин! Мен сизнинг ким эканингизни биламан... э, пасткаш, разил, ифлос одам!

Князь жаҳли чиққандан бўздек оқариб ўрнидан турибди.

Эҳтимол, князь бу жойни кўздан кечириш, аҳволни билиш ва балки мана бу гадой, ҳамма томондан ташланган Наташада шу ўн минг сўмнинг кучли таассурот қолдиришига қаттиқ ишонган бўлса керак... Пасткаш ва қўпол бу инсон шаҳватпараст қари граф N.га бунақанги ишларда кўп маротаба хизмат кўрсатган, аммо у Наташани кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ

эди, иш ўнгидан келмаганини пайқаган, ҳеч бўлмаса меҳнати бекор кетмаслиги учун шу заҳоти оҳангини ўзгартириб, ғазабнок севинч-ла уни ҳақорат қилишга шошилди.

– Чакки қиялпсиз, жонгинам, бунча қизишасиз? – дебди у титроқ овоз билан, ўз ҳақорати таъсирини тезроқ кўриш иштиёқида. – Бу яхши эмас. Сизга ҳомийлик қилмоқчи бўлсалар, сиз бурнингизни кўтарялпсиз... Менга миннатдорчилик билдириш эсингизга ҳам келмайди. Ёш йигитни йўлдан оздириб, шилиб олганингиз учун мен сизни аллақачон ахлоқ тузатиш уйига қаматтиришим мумкин эди, ахир мен шуни қилмадим-ку!.. Хе-хе-хе-хе!

Худди шу пайт биз келиб қолдик. Ошхонадан туриб овозини эшитишим билан, бир дақиқа докторни тўхтатиб қўйиб, князнинг охирги сўзларига қулоқ солдим. Кейин ёқимсиз кулги, орқасидан Наташанинг «Эй, Худойим!» деб чинқираганини эшитиб қолдим. Шу лаҳза эшикни очиб, князга ташландим.

Мен унинг юзига туфладим ва жон-жаҳдим билан тарсакилаб солиб юбордим. У ҳам менга ҳамла қилмоқчи бўлди, аммо бизнинг икки кишилигимизни кўриб, стол устидаги пулни сиқимлаганича думини хода қилиб қочиб қолди. Ҳа, шундай қилди. Мен ошхонадаги стол устидан ўқловни олиб орқасидан отдим. Уйга югуриб қайтиб кирганимда доктор Наташани ушлаб турар эди. У типирчилаб, юлқиниб докторнинг қўлидан чиқишга уринар эди. Биз уни анчагача ўзига келтира олмадик; ниҳоят, уни тинчлантириб аранг ўринга ётқиздик. У худди иситмалагандек куйиб ётар эди.

– Доктор! Унинг аҳволи нима бўлади? – сўрадим мен хавотирланиб.

– Шошманг, – деди у, – аввал касали нима эканини аниқлаш керак, кейин бирор фикрга келамиз... аммо

умуман айтганда, аҳволи унча яхши эмас... иситмалаб алаҳлаши мумкин. Ҳар ҳолда олдини оламиз...

Аммо энди бошқа фикр хаёлимга келди. Мен доктордан Наташанинг олдида яна уч-тўрт соат ўтиришини илтимос қилиб, олдидан бир дақиқа ҳам кўзғалмаслик ваъдасини олдим, у сўз берди, мен уйга югурдим.

Нелли бурчакда қовоғини солганича, безовталаниб ўтирар ва менга ғалати қилиб қарар эди. Менинг кўринишим ҳам ғалати бўлса керак.

Уни кўтариб олиб, ўзим диванга ўтирдим, уни тиззамга ўтқиздим ва қаттиқ-қаттиқ ўпдим. У қип-қизариб кетди.

- Нелли! Фариштагинам! - дедим мен. - Айт-чи, бизнинг халоскоримиз бўлишни хоҳлайсанми? Ҳаммамизни ҳалокатдан қутқаришни хоҳлайсанми?

У анграйиб менга қарар эди.

- Нелли! Бутун умидимиз энди сендан! Битта ота бор, сен уни кўргансан, танийсан. У ўз қизини «оқ» қилган ва кеча қизи ўрнига сени қиз қилиб асраб олиш учун келган эди. Энди унинг қизи Наташани (сен уни яхши кўраман, деб айтган эдинг!) севган ёри ташлаб кетди, ўшани деб Наташа ота-онасидан кечган эди. У йигиг анави князнинг ўғли бўлади, эсингда борми, бир куни кечқурун меникига келган эди, сен ўзинг ёлғиз экансан, унинг олдидан қочиб чиқиб кетибсан, кейин касал бўлиб қолдинг... Танийсан-ку уни-а? У ёмон одам!

- Биламан, - жавоб берди Нелли чўчиб тушиб, ранги қув ўчиб.

- Ҳа, у ёмон одам. У ўғли Алёша Наташага уйланмоқчи бўлгани учун Наташани кўролмасди. Бугун Алёша кетиб қолди, бир соатдан кейин отаси Наташанинг олдида келиб, уни ҳақорат қилди, ахлоқ тузатиш уйига

қамайман, деб кўрқитди, масхара қилди. Менинг гапимга тушуняпсанми, Нелли?

Унинг қора кўзларида ўт чақнади, аммо шу заҳоти ерга қараб олди.

– Тушунаман, – шивирлади у эшитилар-эшитилмас.

– Энди Наташа ёлғиз қолди, бетоб, мен уни докторимиз билан бирга қолдириб, сенинг олдинга югурдим. Эшит, Нелли... сен билан Наташанинг отасиникига борамиз, сен уни ёмон кўрасан, уникига боришни хоҳламаган эдинг, энди бирга бормасак бўлмайди. Киришимиз билан мен энди уларга Наташанинг ўрнига қиз бўлишни хоҳлаганингни айтаман. Чол ҳозир касал ётибди, чунки Наташани «оқ» қилди, чунки Алёшанинг отаси уни яқинда жуда ёмон ҳақорат қилди. Энди қизи тўғрисида бир гап эшитишга ҳам тоқати йўқ, аммо ўзи уни севади, жуда қаттиқ севади, у билан ярашишни истайди, мен буни биламан, ҳаммасини биламан! Бу шундай!.. Эшитяпсанми, Нелли?

– Эшитяпман, – деди яна у боягидек шивирлаб. Мен кўз ёшларимни тўкиб туриб гапирардим, у тортинибгина мени тинглар эди.

– Шунга ишонасанми?

– Ишонаман.

– Шундай қилиб, мен сени олиб бораман, ўтқизиб кўяман, сени пайпаслаб гап сўрай бошлайдилар. Шунда мен ўзим гапни шундай буриб юбораманки, улар сендан илгари қандай яшаганинг, онанг, буванг ҳақида суриштира бошлайдилар. Сен уларга ҳаммасини менга гапириб берганингдек гапириб бер, Нелли. Ҳеч қайсисини яширмасдан ҳаммасини гапириб бер. Сенинг онангни бир ёмон одам қандай қилиб ташлаб кетгани, онанг Бубнова ертўласида қайси аҳволда ўлгани, онанг билан бирга кўчама-кўча юриб, гадойлик қилганларинг, у ўла туриб сенга нима деганларини,

нима деб илтимос қилганини гапириб бер... Шу заҳоти буванг тўғрисида гапир, у онангни кечиришни истамагани ва ўлим тўшагида ётган онанг, унга сени юбориб, келиб унинг гуноҳидан ўтишини сўрагани, унинг келмагани... ва онанг қанақа қилиб ўлганини гапириб бер. Ҳаммаси-ҳаммасини гапир! Шуларнинг ҳаммасини гапириб берсанг, чол ўз қалбида ҳам шулар борлигини сезади. Ахир у биладики, бугун уни Алёша ташлаб кетди, у хор-зор, ёлғиз, кимсасиз, ҳимоячисиз, ўз душманига поймол бўлди. У буларнинг ҳаммасини билади... Нелли! Наташани кутқар! Борасанми?

- Ҳа, - жавоб берди у оғир нафас олиб ва менга ғалати қилиб узоқ тикилиб қараб: Бу боқишда қандайдир гинахонлик бор эди, мен буни ўз қалбим билан сездим.

Аммо мен ўз фикримдан қайтолмасдим. Унга қаттиқ ишонардим. Неллининг қўлидан маҳкам ушлаганимча кўчага чиқдик. Соат кундузги иккидан ошган. Ҳавони булут босиб келмоқда. Кейинги вақтларда ҳаво иссиқ ва дим эди. Аммо ҳозир қаердадир, узоқларда биринчи баҳор момақалдиروғи гуриллади, ел-чанг кўчалардан эсиб ўтди.

Биз извошга ўтирдик. Бутун йўл бўйи Нелли чурқ этмади, аҳён-аҳёнда ҳамон ҳалиги ғалати ва сирли боқиш билан менга қараб қўярди. Юракчаси дук-дук урарди, извошда уни суяб ўтириб, кафтларимда унинг кичкина юракчаси қафасдаги қушдек учиб кетмоқчи бўлиб типирчилаётганини сезардим.

VII БОБ

Назаримда, йўл жуда ҳам узоқдек кўриниб кетди. Ниҳоят, биз етиб келдик ва юрагимни ҳовучлаб, чолу кампир олдига кирдим. Мен уларникидан қай аҳволда чиқиб кетишимни билмасдим, аммо шу ердан, нима

бўлса ҳам, афв ва яраш-яраш билан чиқишим кераклигини яхши билардим.

Соат учдан ошиб кетган эди. Чолу кампир одатдагидек уйларида ўтиришарди. Николай Сергеич қаттиқ хафа ва бетоб эди, ўзининг курсисида оёғини чўзганича ёнбошлаб ётар, ранги сарғайган, ҳолдан тойган, бошини рўмол билан боғлаб олган эди. Аиша Андреевна унинг олдида ўтириб, ҳар-ҳар замонда чаккасини сирка билан артиб-артиб кўяр ва раҳми келаётгандек тинмай унинг афтига тикилиб, эзилиб ўтирар эди, бу эса чолни безовта қилар ва ҳатто ғашига ҳам тегаётганга ўхшарди. У ўчакишгандек индамасди, Анна Андреевнанинг эса гапиришга юраги дов бермасди. Бизнинг кўққисдан келиб қолишимиз иккисини ҳам ҳайратга солиб қўйди. Анна Андреевна мени Нелли билан кўриб, нима учундир чўчиб кетди ва дабдурустан ўзининг айби борлигини сезгандек бизга қараб анқайиб қолди.

– Мана, мен сизларникига Неллини олиб келдим, – дедим эшикдан кира туриб. – Ўзи ўйлаб кўриб, сизларникига келишни истәди. Мана қабул қилиб, бошини силанглар...

Чол менга шубҳа билан қараб қўйди, шу қарашиданоқ унга ҳамма нарса маълумлиги, Наташанинг ёлғиз қолганлиги, ташланган, тарк этилган ва эҳтимолки, ҳақорат этилгани ҳам маълум эканини англаш мумкин эди. У бизнинг келишимиз сирига тезроқ ета қолишни истар, у менга ва Неллига савол назари билан кўз ташларди. Нелли қалт-қалт титрар, қўлимни қаттиқ сиқимларди, ердан кўз узмас ва аҳён-аҳёнда худди тутиб олинган жонивордек кўрка-писа атрофга қараб кўяр эди. Бироқ кўп ўтмай Анна Андреевна ўзига келди ва аҳволни тушунди: у Неллига ўзини отиб, уни кучоқлаб ўпди, эркалатди, ҳатто йиғлаб ҳам юборди.

Кейин меҳрибонлик билан уни ўз ёнига ўтқизди, кўлини кўйиб юбормасди. Нелли аллақандай ҳайрат билан қизиқиб, унга кўз қирини ташлар эди.

Анна Андреевна Неллини эркалатиб, ўз ёнига ўтқишга ўтқизди-ю, аммо энди нима қилишини билмай, бир нарса кутиб, соддадиллик билан менга тикиларди. Чол бўлса мен нима учун Неллини олиб келганимга туншунқираб юзини тириштирди. Унинг энсаси қотганини ва қовоғини солаётганини мен сезганимни кўриб, кўли билан пешонасини ушлади ва кескин равишда:

– Бошим оғрияпти, Ваня, – деди.

Биз ҳаммамиз ҳамон индамасдан ўтирардик. Мен гапни нимадан бошлашимни ўйлардим. Уйнинг ичи қоронғироқ, қора булутлар яқинлашиб келмоқда эди, яна узоқ-узоқлардан момақалди роқ эшитилди.

– Бу кўклам жуда эрта момақалди роқ бошланди, – деди чол. – Ўттиз еттинчи йилда бўлса, биз томонларда бундан ҳам эрта бошланган эди.

Анна Андреевна ух тортиб кўйди.

– Самовар кўйиб юборсакмикин? – сўради у тортибгина. Аммо унга ҳеч ким жавоб бермади, у яна Неллига қаради.

– Сенинг номинг нима, жонгинам? – деб сўради у.

Нелли эшитилар-эшитилмас ўз номини айтди ва баттарроқ ерга қараб олди. Чол унга тикилиб қаради.

– Елена деганими? – давом этди кампиршо анча жонланиб.

– Ҳа, – жаноб берди Нелли ва яна ўртага сукунат чўкди.

– Опамиз Просковья Андреевнанинг Елена деган жияни бор эди, – гап бошлади Николай Сергеич. – Эсимда бор, уни ҳам Нелли деб чақирардик.

– Нима, жонгинам, сенинг туғишганларинг, отанг ҳам, онанг ҳам йўқми, чироғим? – сўради яна Анна Андреевна.

– Йўқ, – деди Нелли қўрқа-писа шивирлаб.

– Эшитганман, буни эшитганман. Онаингнинг ўлганига анча бўлдимми?

– Яқинда.

– Бечора болагинам, етимчагинам, – давом этди кампиршо унга ачиниб қараб. Николай Сергеич тоқатсизлик билан столни тикиллата бошлади.

– Онагинанг бошқа юртли эди, шекилли-а? Шундай деганмидингиз, Иван Петрович? – деб ҳайиқибгина суриштира кетди Анна Андреевна.

Нелли, гўё мендан кўмак кутгандек ўзининг қора кўзлари билан менга ялт этиб қараб қўйди. У аллақандай асабий ҳолатда оғир нафас олар эди.

– Онасининг, Анна Андреевна, – бошладим мен, – отаси инглиз, онаси рус бўлган, кўпроқ рус деса ҳам бўлади. Нелли ўзи чет элда туғилган.

– Қанақа қилиб? Унинг онаси эри билан чет элга кетган эканми?

Нелли бирдан тутақиб кетди. Кампир адашиб бир гап айтиб юборганини дарров сезиб қолди ва чолнинг жаҳл билан қараганидан чўчиб кетди. У хотинига хўмрайиб қараб қўйди-да, дераза томонга бурилмоқчи бўлди-ю, лекин бирдан Анна Андреевнага мурожаат қилиб шундай деди:

– Унинг онаси ёмон ва ифлос бир одам томонидан алданган. Онаси отасидан воз кечиб, ўша одам билан кетиб қолган ва отасининг пулини ўйнашига берган, у бўлса пулни авраб олган-да, ўзини чет элга олиб кетган, уни қип-қизил қилиб шилгандан сўнг ташлаб кетган. Битта инсофли одам уни ташлаб қўймасдан умрининг охиригача ёрдам қилиб турган, у қазо қилгандан кейин, онаси икки йил бундан муқаддам отаси олдига қайтиб келган. Шундай деган эдинг, шекилли, Ваня? – сўради у кескин равишда.

Нелли қаттиқ ҳаяжонга тушиб ўрнидан турди ва эшик томон йўл олмоқчи бўлди.

– Бу ёққа кел, Нелли, – деди чол, ниҳоят, қизга кўлини узатиб, – кел, мана бу ерга, менинг ёнимга ўтир, бу ёққа! – у энгашиб Неллининг пешонасидан ўпди ва аста-секин бошини силай бошлади. Нелли титраб кетди... Аммо ўзини босиб олди. Анна Андреевна бўлса, унинг Николай Сергеичи, ниҳоят, бечора етим қизнинг бошини силаганини кўргач, кўнгли эриб кетиб, севинч умиди билан эрига тикилди.

– Биладан, Нелли, онангни бир ёвуз, ёмон, ахлоқсиз одам хароб этганини биладан, аммо онанг ўз отасини қанчалик севиб ҳурмат қилганини ҳам биладан, – деди ҳаяжон ичида Николай Сергеич, Неллининг бошгинасини силашда давом этиб ва шу дақиқа бизга маънодор қараб қўйишдан ўзини тутолмай. Унинг рангсиз ёноқларига қон югурди; у бизнинг кўзимизга қарамасликка уринарди.

– Бувам уни севгандан ортиқ севар эди, – деди Нелли тортинчоқлик билан, аммо қатъий қилиб, ҳеч кимга қарамасликка тиришиб.

– Сен буни қаердан биласан? – шартта сўради чол худди болалардек сабрсизлик билан, гўё ўзининг сабрсизлигидан хижолат чеккандек.

– Биладан, – деди кескинлик билан Нелли. – У онамни қабул қилмаган... ҳайдаб юборган...

Мен Николай Сергеичнинг нимадир демоқчи эканини, эътироз билдирмоқчи бўлганини, масалан, чол қизини қабул қилмаган бўлса, бунинг важи бор, демоқчи бўлганини кўрдим, аммо у бизга бир-бир қараб қўйди-ю, индамай қўя қолди.

– Буванг сизларни қабул қилмаган бўлса, қаерда тургансизлар? – сўради Анна Андреевна. Нима учундир унда бирдан шу мавзуда гаплашишни давом эттиришга шиддатли иштиёқ туғилган эди.

– Биз қайтиб келганимиздан кейин, бувамни жуда кўп қидирдик, – жавоб берди Нелли. – Аммо ҳеч ердан тополмадик. Ҳшанда онам айтган эдики, бувам илгари жуда бадавлат бўлган, фабрика қурмоқчи экан, энди бўлса у қашшоқ бўлиб қолган, чунки онамни бирга олиб кетган киши ойимдан бувамнинг ҳамма пулини тортиб олган ва қайтиб бермаган, онам ўзи менга айтган эди.

– Ҳм... – деди чол.

– Яна у менга айтган эдики, – давом этди Нелли тобора жонланиб, гўё Николай Сергеичга эътироз билдирмоқчи бўлгандек, лекин Анна Андреевнага қараб туриб, – у менга бувам ундан жуда қаттиқ хафа эканини, унинг олдида ўзи айбдор бўлиб, энди бу оламда бувамдан бошқа унинг ҳеч кимсаси йўқлигини гапирган эди, гапириб туриб йиғларди... «У мени ҳеч ҳам кечирмайди, – дерди у бу ёққа келаётган вақтимизда. – Лекин балки сени кўриб, сени яхши кўриб қолар, сен учун мени кечирар», дерди. Онам мени жуда ҳам яхши кўрар, шуларни гапирганда мени ўпар эди, бувамни кига боришдан жуда кўрқарди. Мени бувамни дуо қилишга ўргатарди, ўзи ҳам дуо қиларди, илгари бувам билан қандай яхши яшаганларини, бувам уни жонидан ҳам азиз кўрганини жуда кўп гапирар эди. Онам унга фортепьяно чалар экан, кечалари китоб ўқиб берар экан, бувам бўлса уни ўпиб, жуда кўп совға олиб берар экан... Ҳадеб совға олиб бераверар экан, ҳаттоки бир марта шу юзадан уришиб қолишибди. Ойимнинг туғилган кунига у совға олибди. Бувам, нима олганимни билмайди, деб ўйласа, у аллақачон нималигини билиб юрар экан. Онам исирға олишни хоҳларкан, бувам бўлса, исирға эмас, тўғноғич олиб бераман, деб алдаб юрар экан. Исирғани олиб келгандан кейин, онам тўғноғич эмас, исирға эканини аллақачон билиб олгани-

ни кўриб, бувам тоза аччиғланибди ва ярим кун онам билан гаплашмай юриб, кейин яна ўзи келиб ўпиб, кечирим сўрабди.

Нелли зўр иштиёқ билан ҳикоя қиларди, унинг рангсиз, хаста ёноқлари лоладек қизариб кетган эди.

Кўриниб турардики, унинг онаси ўзининг кичкина Неллиси билан ертўлада, бурчакда ўтириб олиб, қизини (дунёда яккаю ягона овунчоғини) кучоқлаб, ўпиб, ўтмишдаги бахтли кунларидан жуда кўп марталаб ҳикоя қилган, аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўккан, шу билан бирга, бу ҳикоялар қизининг ҳаддан зиёд таъсирчан ва бемаҳал камол топган қалбига қанчалик оғир таъсир этишини кўнглига келтирмаган.

Бироқ қизишиб гапга кириб кетган Нелли бирдан ҳуши ўзига келиб қолгандек, ишончсизлик билан атрофга аланглаб қараб жим бўлиб қолди. Чол пешонасини тириштирди ва яна столни тақиллата бошлади; Анна Андреевнанинг эса кўзига ёш келди, индамасдангина дастрўмоли билан артиб кўйди.

– Онам бу ерга оғир касал бўлиб қайтди, – кўшиб кўйди Нелли паст овоз билан, – унинг кўкраги қаттиқ оғир эди. Биз бувамни жуда кўп қидирдик, ўзимиз ертўлада бир бурчакдан жойни ижарага олдик.

– Бурчакдан! Бетоб одам-а! – қичқириб юборди Анна Андреевна.

– Ҳа... бурчакдан... – жавоб берди Нелли, – онам қашшоқ эди. Онам менга, – давом этди у тобора очилиб: – Камбағаллик айб эмас, бой бўлиб киши кўнглини ранжитиш гуноҳ... Худо ўзи менга жазо беряпти, – дерди.

– Сиз ўша Васильевскийда ижарада турармидингиз? Анали Бубнованикими? – сўради чол менга мурожаат қилиб, гўё бу савол билан ўзининг парвосизлигини кўрсатмоқчи бўлиб. У шунчаки, жим ўтиравериш ўнғайсиз бўлганлиги учунгина сўради, албатта.

– Йўқ, у ерда эмас... Олдин Мешчанскийда турганмиз, – деб жавоб берди Нелли. – У ер жуда қоронғи ва зах эди, – сўзида давом этди бир оз жим тургандан кейин. – Онам бечоранинг аҳволи кундан-кунга оғирлашаверди. Шундоқ бўлса ҳам ўзи юра олар эди. Мен кирини ювардим, у эса йиғларди. У ерда ҳам битта капитанша кампир ва яна битта истеъфога чиққан чиновник турарди, у Худонинг берган куни маст бўлиб келиб, кечалари шовқин-сурон кўтарарди. Мен ундан жуда кўрқардим. Онагинам мени ўз ёнига чақириб, маҳкам бағрига босиб оларди, ўзи бўлса қалт-қалт титрарди. Чиновник эса сўкиб тўполон қилагани-қилган эди. Бир куни у капитаншани урмоқчи бўлди, у жуда қари, ҳасса билан зўрға юрадиган кампир эди. Онам кампирга ачиниб, унинг ёнини олган эди, чиновник онамни уриб юборди, мен чиновникни...

Нелли тўхтаб қолди, хотиралар унинг юрагини тўлқинлатар, кўзлари чақнар эди.

– Эй, Тангрим! – қичқирарди ҳикояни жон қулоғи билан эшитаётган Анна Андреевна, кўпроқ унга қараб гапираётган Неллидан кўз узмай.

– Шунда онам у ердан чиқиб кетди, – давом этди Нелли, – мени ҳам етаклаб олди. Бу кундуз куни эди. Биз куни бўйи то кечгача кўчаларда кезиб юрдик, онагинам ҳамон йиғлар, кўлимдан етаклаб юрарди. Мен жуда ҳам чарчаб кетдим, шу куни ичимизга туз ҳам кирмаган эди. Онажоним бўлса ҳадеб ўзи билан ўзи гаплашар, бир менгагина: «Неллигинам, қашшоқ бўл, мен ўлганимдан кейин ҳеч кимнинг гапига кирма; ҳеч кимникига борма; ёлғиз ўзинг бўл, қашшоқ бўл, ишла, иш тонмасанг, гадойлик қил, аммо уларга ялиниб борма», дерди. Фақат кечқурун қош қорайганда биз бир катта кўчадан ўтиб кетаётган эдик; онам бирдан «Азорка! Азорка!» деб қичқириб юборди. Шунда бирдан

туллаган битта катта ит онам олдига югуриб келиб, ингиллай бошлади ва онамга ўзини ташлади, онам бўлса кўрқиб кетди, ранги оппоқ оқариб чинқириб юборди ва ерга қараб ҳасса таяниб келаётган новча бир чол оёғига йиқилди. Ана ўша новча чол бувам экан. У жуда ориқ, устидаги кийимлари эски эди. Шунда мен бувамни биринчи марта кўрдим. Бувам жуда кўрқиб кетди, ранги кув ўчди, ўзининг олдида ётиб, оёқларини маҳкам кучоқлаб олган онамни кўриб, оёғини олди, онамни итариб юборди, ҳассаси билан ерга тақэтиб урди-ю, тез-тез юриб, бизнинг олдимиздан кетиб қолди. «Азорка» бизнинг олдимизда қолди, у ҳамон ингиллаб, онамни ялар эди, кейин бувам орқамдан зинғиллаб бориб, уни этагидан тишлаб, орқага судрай бошлади, бувам бўлса, уни ҳассаси билан урди. «Азорка» яна биз томонга югурди, бувам уни чақирди, у яна бувам орқасидан кетди, лекин ингиллар эди. Онам бўлса ўликдек чўзилиб ётарди, атрофга одамлар йиғилди, полициячилар келишди. Мен бўлсам ҳадеб бақириб, онамни турғизишга уринардим. У ўрнидан туриб, атрофга қаради, кейин менинг орқамдан эргашиб кетди. Мен уни уйга олиб бордим. Одамлар бизга анча қараб туришди, улар ҳадеб бошларини чайқашарди...

Нелли нафасини ростлаб, ўзига келиш учун тўхтаб олди. Унинг ранги оппоқ, аммо боқишларида қатъийлик бор эди. У ҳаммасини, ҳамма саргузаштларини гапиришга қарор қилгани кўриниб турар эди. Унда ҳаттоки шу дақиқада қандайдир ғазаб аломати бор эди.

– Нима бўпти? – деди Николай Сергеич, асабий товушда, қандайдир жаҳл аралаш кўполлик билан. – Онанг ўз отасини хўрлаган, шунинг эвазига у онангдан воз кечган...

– Онагинам ҳам менга шундай деган эди, – деди Нелли ҳам тўсатдан, – кейин биз уйга кетаётганда ҳам:

«Мана шу сенинг буванг бўлади, Нелли, мен унинг олдида гуноҳкорман, у мени «оқ» қилган, шунинг учун энди мени Тангрининг ўзи ҳам қаҳрига олган», деган эди, шу кун бутун оқшом, кейинги кунлар у шу сўзни қайтарарди. Гуё у ақлдан озиб қолгандек ҳадеб гапирар эди.

Чол индамай қўя қолди.

– Кейин бошқа уйга кўчиб ўтдингларми? – сўради ҳамон пиқиллаб йиғлашда давом этаётган Анна Андреевна.

– Онамнинг шу кечаёқ тоби қочиб қолди, капитанша, Бубнованикидан уй топди, икки кундан кейин биз кўчиб бордик, капитанша ҳам биз билан бирга кўчди. Кўчиб келганимиздан кейин онам жуда ҳам оғирлашиб қолди, уч ҳафта касал ётди, мен уни парвариш қилдим. Ёнимизда бир чақа ҳам пулимиз қолмади, бизга капитанша ва Иван Александрович қарашиб туришди.

– Тобутсоз, уй бошлиғи, – дедим мен тушунтириш учун.

– Онам ўрнидан туриб, юрадиган бўлганда менга «Азорка» тўғрисида гапириб берди.

Нелли тўхтаб қолди. Чол гап «Азорка» устига кўчгандан севингандек бўлди.

– Нима деди у сенга «Азорка» хусусида? – сўради у, ерга қараб юзини беркитиш учун ўз курсисида яна ҳам энгашиб.

– У менга ҳадеб бувам тўғрисида гапирарди, – жавоб берди Нелли, – касал ётиб ҳам, алаҳлаганда ҳам фақат ўша тўғрида гапирарди. Мана энди, ёстикдан бош кўтара бошлаганда ҳам илгари қандай яшагани, «Азорка»ни қандай қилиб топганларини ҳикоя қиларди. Бир кун шаҳар ташқарисидаги дарё бўйига болалар «Азорка»ни бўйнидан сиртмоқ боғлаб, чўкти-

риш учун олиб келишибди, онам болаларга пул бериб, улардан «Азорка»ни сотиб олибди. Бувам «Азорка»ни кўриб, ҳадеб кулармиш. «Азорка» қочиб кетган экан, онам роса йиғлабди, шунда бувам кўрқиб кетиб, «Азорка»ни ким топиб келса, юз сўм бераман, дебди. Икки кундан кейин уни олиб келибдилар, бувам юз сўм берибди, шу кундан бошлаб «Азорка»ни яхши кўриб қолибди. Онам уни шундай яхши кўриб қолибдики, ҳатто ўрнида ҳам бирга олиб ётар экан. Онам менга гапириб берди: «Азорка» авваллари масхарабозлар билан кўчаларда юраркан, қўл беришни биларкан, маймунни миндириб юраркан, милтиқ ўқталгандек ҳаракат қиларкан, кўп қилиқларни биларкан... Онам бувамдан кетиб қолганда, бувам «Азорка»ни ўзи билан олиб қолибди, у билан кўчама-кўча юрадиган бўлибди, шунинг учун онам кўчада «Азорка»ни кўриши билан, шу ерда бувам ҳам борлигини дарров пайқабди...

Чол «Азорка» ҳақида бошқа гапни кутган эди, шекилли, қовоғини баттарроқ солиб олди. У энди ҳеч нарса сўрамай ҳам қўя қолган эди.

- Нима бўлди кейин, шундай қилиб бувангни бошқа кўролмадингларми? - сўради Анна Андреевна.

- Йўқ, онам тузалиб келаётган кунларда мен яна бувамни учратдим. Мен дўконга нонга кетаётган эдим; бирдан «Азорка» билан кетаётган одамни кўриб қолдим, қарасам, бувам экан. Мен деворга ёпишиб туриб, унга йўл бердим. Бувам менга қаради, узоқ тикилиб қаради, вазоҳати шундай даҳшатли эдики, мен ундан жуда ҳам кўрқдим, у ўтиб кетди; «Азорка» бўлса мени таниб қолиб, олдимда сакраб, қўлларимни ялай бошлади. Мен шошилганимча уйга жўнадим; орқамга қарасам, бувам дўконга кириб кетди. «Мени суриштириш учун киргандир», деб ўйладим ўзимча ва ундан баттарроқ кўрқиб кетдим, уйга келганимда онамга бу

тўғрида чурқ этиб оғиз очмадим, яна касал бўлиб қолишидан кўрқдим. Ўзим эртасига «бошим оғрияпти», деб дўконга бормадим, учинчи кун нонга борганимда ҳеч кимни кўрмадим. Аммо ўзим шундай кўрқдимки, оёғимни кўлимга олиб чопдим. Яна орадан бир кун ўтгандан кейин эндигина муюлишга етганимда бирдан олдимдан бувам билан «Азорка» чиқиб қолса бўладими! Мен қочиб кетдим, бошқа кўчага бурилиб, дўконга бошқа томондан кирдим; бирдан тагин унга тўқнаш келиб қолдим, шундай кўрқиб кетдимки, турган еримда тахта бўлиб қолдим. Бувам яна рўпарамга келиб менга қараб турди, узоқ тикилиб, кейин бошимни силаб-силаб кўлимдан ушлади-да, ўзи билан етаклаб олиб кетди. «Азорка» бўлса, орқамиздан думини ликиллашиб келаверди. Шундагина мен бувамнинг қаддини кўтариб юролмаслигини, ҳассага суяниб аранг юришини кўрдим, кўллари ҳам қалтирар эди. У мени бурчакда ўтириб пряник, олма сотадиган киши олдига бошлаб келди. Бувам хўроз, пряник, балиқ, битта попук ва олма сотиб олиб берди, у чарм кармонидан пул олаётганда кўли қалт-қалт қиларди, бир мирини тушириб юборувди, мен ердан олиб бердим. У менга шу бир мирини берди, пряникларни ҳам бериб, бошимни силади, яна бир оғиз ҳам гапирмай, уйига кетди.

Уйга келганимда онамга ҳамма воқеани, аввал мен ундан кўрқиб беркинганларимгача гапириб бердим. Онам аввал менга ишонмади, кейин шундай севиниб кетдики, бутун оқшом шу тўғрида мендан сўраб-суриштирди, ўпди, йиғлади. Кейин мен ҳаммасини айтиб берганимдан сўнг онам менга, бундан кейин бувангдан ҳеч кўрқма, қидириб келган бўлса, демак, у сени севаркан, сен бувангга эркалик қилиб у билан гаплашиб юр, деди. Эртасига, бувам кечга яқин келадилар, деб айтсам ҳам эрталабдан бошлабоқ бир неча марта мени дўконга юборди.

Ўзи бўлса узоқроқда орқамдан келаверди, бурчакда беркиниб турди, эртасига ҳам шундай қилди, аммо бувамдан дарак бўлмади, шу кунларда ёмғир ёғиб турар эди. Онам қаттиқ шамоллаб қолди, нега десангиз, бир неча бор орқамдан дарвозага чиққан эди. Тагин ётиб қолди.

Бувам бир ҳафтадан кейин келди, яна менга битта пряник, балиқ, битта олма олиб берди, яна ҳеч нарса демади. У олдимдан кетгандан кейин мен аста-секин унинг орқасидан юравердим, пойлаб бориб қаерда туришини билиб олмоқчи ва онамга айтиб бермоқчи бўлган эдим. Мен кўчанинг бу бетига ўтиб олиб, узоқдан боравердим, бувам мени кўрмади. У жуда узоқ жойда турар экан, ҳозирги турган ва ўлган ери эмас, ундан бошқа – Гороховой кўчада катта бир уйда, тўртинчи қаватда турар экан, мен шуларнинг ҳаммасини билиб, уйга кеч қайтдим. Онам қаердалигимни билмай роса хавотир олибди. Онамга гапириб берганимдан кейин у жуда қувониб кетди. Эртагаёқ бувамникига бормоқчи бўлди, аммо эртасига ўйлай бошлади, боришга юраги дов бермади, уч кунгача отланди-ю, боролмади. Кейин мени олдига чақириб: «Биласанми, Нелли, энди мен бетобман, боришга қувватим етмайди, лекин унга бир мактуб ёзиб қўйдим, шуни олиб бориб бер бувангга, аммо Нелли, мактубни қандай қилиб ўқиганини, нима дегани, нима қилганига разм сол, ўзинг тиз чўкиб, уни ўп, кучоқла ва онангни кечиришини сўраб, илтижо қил...» деди. Ўзи хўнграб-хўнграб йиғлади, мени ўпди, оқ йўл тилаб, дуо ўқиди, ўзи билан бирга мени ҳам икона олдига ўтқизиб, Худога ибодат қилди ва шунча касаллигига қарамасдан мени дарвозагача кузатиб чиқди, қорам ўчгунча орқамдан қараб турди...

Мен бувамникига келиб, эшигини очдим, эшик занжирсиз экан. Мен кирганимда бувам стол олдида

нон билан картошка еб ўтирган экан. «Азорка» бўлса, унинг овқат еганига қараб думини ликиллатиб турибди. Бувам илгари турган уйнинг ҳам ойналари кичкина, унда бор-йўғи битта стол, битта стул бор экан. Битта ўзи турар экан. Мен кирдим, у мени кўриб, шундай кўрқиб кетдики, ранги ўчиб, аъзойи бадани титрай бошлади. Мен ҳам кўрқиб кетдим, аммо ҳеч нарса демасдан стол олдига бордим-у, хатни кўйдим. Бувам хатни кўриб, шундай жаҳли чиқиб кетдики, ўрнидан ирғиб туриб менга ҳассасини ўқталди, аммо урмади, мени йўлакка олиб чиқиб итариб юборди. Мен ҳали зинапоянинг биринчи босқичига ҳам тушиб улгурмай, у эшикни очди-ю, конверти очилмаган хатни орқамдан улоқтирди. Мен уйга келиб, ҳаммасини гапириб бердим. Шунда онам яна ётиб қолди.

VIII БОБ

Шу дақиқа момақалдироқ қаттиқ гулдуради, катта-катта ёмғир томчилари дераза ойналарига урила бошлади, уй ичи қоронғилашди. Кампир кўрқиб кетгандек, чўқиниб олди. Биз ҳаммамиз бирдан жим бўлиб қолдик.

– Ҳозир ўтиб кетади, – деди чол деразага қараб, кейин ўрнидан туриб, уйда у ёқдан бу ёққа юрди. Нелли унга кўз қири билан қараб турар эди. У ғоят асабий ҳолатда, ҳаяжонда эди. Мен буни кўриб турардим, у эса менга қарамасликка тиришар эди.

– Хўш, кейин нима бўлди? – сўради чол яна ўз курсисига келиб ўтириб.

Нелли кўрқа-писа атрофга қараб олди.

– Хўш, шундай қилиб кейин бувангни кўрмадингми?

– Йўқ, кўрдим...

– Ҳа, ҳа! Гапиравер жонгинам, гапиравер, – деди Анна Андреевна.

- Мен уни уч ҳафта кўрмадим, - бошлади Нелли, - то қишгача. Кейин қиш тушди, қор ёғди. Мен бувамни яна ўша ерда кўрганимда жуда ҳам севиниб кетдим... Нега десангиз онам энди у юролмаё қолибди, деб қайғуриб юрар эди. Уни кўришим билан атайлаб, мени қочиб кетяпти, деб ўйласин деб кўчанинг нариги бетига чопиб ўтдим. Бир қайрилиб қарасам, бувам менга етиб олиш учун орқамдан тез-тез юриб, кейин чопиб кела бошлади ва йўл-йўлакай «Нелли, Нелли!» деб чақирди. «Азорка» унинг орқасидан чопиб келарди. Бувамга юрагим ачишиб кетди-ю, тўхтадим. У олдимга келиб, мени қўлимдан етаклаб олиб кетди. Йиғлаётганимни кўргандан кейин тўхтаб, менга қараб турди ва энгашиб мени ўпди. Шунда у менинг оёқ кийимим йиртиқлигини кўриб, «Бошқаси йўқми?» деб сўради. Мен шу заҳотиёқ шошилиб, онамда бир тийин ҳам йўқлигини, уй эгалари раҳмлари келгандан бизга овқат беришларини айтдим. Бувам ҳеч нарса демади, аммо мени дўконга бошлаб бориб оёқ кийими олиб берди-да, ҳозироқ кийиб олишга буюрди, кейин мени уйига - Гороховойга олиб борди. Олдин дўконга кириб пирог ва иккита конфет олган эди, уйга кирганимизда энг аввал пирог ейишга буюрди, менинг еганимга қараб ўтирди, кейин конфет берди. «Азорка» ҳам столга қўлини қўйиб пирог сўради, мен бердим, бувам кулиб юборди. Кейин мени ёнига ўтқизиб олиб, бошимни силай бошлади ва: «Бирор нарса ўқигансанми, нимани биласан?» деб суриштирди. Мен унга нима ўқиганимни гапириб бердим, у иложи бўлган куни ҳар куни соат учга унинг олдига келишимни, у ўзи мени ўқитишини айтди. Кейин у менинг орқамни ўгириб, деразага қараб туришимни ва «бўлди» дегандагина айланишимни буюрди. Мен ўгирилиб турдим, лекин ичим қизиб, астагина орқамга қарасам, у ўз ёстиқ жилдининг бир

учидан сўкиб, у ердан тўрт сўлкавой олди. Сўлкавойларни олгандан кейин менинг олдимга келиб: «Булар сенинг ўзингга», деди. Мен олмоқчи бўлдим-у, бир оз ўйлаб туриб, «битта менинг ўзимга бўлса, олмайман», дедим. Бувамнинг бирдан жаҳли чиқиб кетди ва: «Бор, билганингни қил, жўна!» деди, мен чиқиб кетдим, у мени лоақал ўпмади ҳам.

Уйга келишим билан ҳаммасини онамга айтиб бердим. Онамнинг ҳоли кундан-кунга оғирлашмоқда эди. Тобутсозниқига битта талаба келиб юрарди, ўша онамни боқди ва дори ичишга буюрди.

Мен бўлсам бувамниқига тез-тез қатнаб турадиган бўлдим, онам, бориб тур, дерди. Бувам Инжил ва жуғрофия китоблари сотиб олди ва мени ўқита бошлади; баъзан дунёда қандай ерлар бор, қанақа одамлар яшайди, қанақа денгизлар бор, авваллари қандай бўлган, қандай қилиб ҳаммамизнинг гуноҳимизни Христос кечирганини гапириб берарди. Мен ўзим ундан бир нарсани сўрасам, жуда шодланиб кетар эди. Шунинг учун ўзим кўпинча унга савол берардим, у ҳамма нарсани гапириб берарди, Худо тўғрисида жуда кўп гапирарди. Баъзи вақтларда, ўқимаётган маҳалимда «Азорка» билан ўйнашардим. «Азорка» мени жуда яхши кўриб қолди, уни таёқ устидан сакраб ўтишга ўргатдим, бувам кулиб, ҳадеб бошимни силарди. Бувам жуда кам кулар эди. Баъзи вақтда кўп гапиради, баъзи вақтда бирдан жим бўлиб қолади-ю, индамай ўтиради, худди ухлаб қолган, деб ўйлайсиз, аммо кўзлари очиқ. Шу ўтирганча қоронғи тушганча ўтиради, қоронғида у шундай кўрқинчилики, шундай қари бўлиб кўринардик... Шундай вақтлар ҳам бўлардики, унинг олдига келганимда у ўз стулида хаёл суриб ўтиради, келганимни пайқамайди ҳам. «Азорка» бўлса унинг олдида чўзилиб ётади. Мен кутиб-кутиб, йўталиб кўраман, бувам бошини ҳам кўтармайди. Шу

холда қайтиб кетавераман. Уйда бўлса онам мени зорқиб кутиб ётади. Мен унга ҳаммасини гапириб бераман, кеч кириб, қоронғи тушса ҳам мен гапираман, у бувам тўғрисида қанча эшитса, шунча эшитгиси келаверади: бугун у нима қилди, менга нималарни, қанақа воқеаларни гапириб берди ва менга қанақа вазифа берди, ҳаммасини гапириб бераман. «Азорка» тўғрисида, қанақа қилиб мен уни таёқ устидан сакрашга ўргатганим, бувамнинг кулганини гапирсам, у ҳам бирдан кула бошлайди, қувониб узоқ кулади, тагин қайтадан гапириб беришимни сўрайди, кейин дуо ўқий бошлайди. Мен ўзимча: қанақа қилиб онам бувамни шунчалик қаттиқ севади-ку, бувам уни севмайди, деб ўйладим. Кейин бувамнинг олдига келганимда, атайлаб онам уни қанчалик севишини гапириб бердим. У кулоқ солиб ўтирди. Жаҳли чиқса ҳам эшитиб ўтирди, лекин бир оғиз ҳам гапирмади. Шунда мен ундан: нима учун онам уни шунчалик яхши кўради, шунчалик ундан гап очаверади-ю, у онамни ҳеч қачон сўрамайди, деб савол бердим. Бувам аччиғи чиқиб кетиб, мени ҳайдаб чиқарди, мен эшик орқасида бирпас турдим, у бирдан эшикни очди-да, мени қайтариб чақириб олди ва ҳамон жаҳлидан тушмай, жим ўтираверди. Кейин биз дин дарси ўқий бошлаганимизда, мен яна: нега бўлмаса Исус Христос бир-бирингларни севинглар, кек сакламанглар, деб ўргатади-ю, у онамни кечира олмайди, деб сўрадим. Шунда у ўрнидан ирғиб турди, «ҳаммасини онанг ўргатган», деб бақирди ва иккинчи марта мени ҳайдаб чиқарди, «иккинчи бу ерга қадам босма!» деди. Ўзим ҳам, «энди олдингизга келмайман», дедим-у, чиқиб кетдим... Эртасига бувам бошқа уйга кўчиб кетибди...

– Айтдим-ку, ёмғир тинади деб, мана тинди, офтоб ҳам чиқди... Қара, Ваня, – деди Николай Сергеич деразага ўгирилиб.

Анна Андреевна ниҳоят даражада энсаси қотиб унга қаради ва бирдан шу чоққача мўмин-қобил бўлган кампирнинг кўзларида қаҳру ғазаб ўти чақнаб кетди. У индамасдан Неллининг қўлидан ушлаб, тиззасига ўтқизди.

– Ўзимга гапиравер, чироғим, – деди у, – ўзим эшитаман. Майли, ким тошюрак бўлса...

У гапиролмай йиғлаб юборди. Нелли таажжуб ва кўрқув аралаш менга савол назари билан қараб қўйди. Чол менга кўз ташлаб ҳайрон бўлган кишидек елкасини қисмоқчи бўлди-ю, лекин шу заҳоти тескари бурилиб олди.

– Давом эт, Нелли, – дедим.

– Мен уч кун бувамникига бормадим, – бошлади яна Нелли, – шу орада онамнинг ахволи тағин ҳам ёмонлашди. Пулимиз соб бўлди, дори олишга бир тийинимиз қолмади, ўзимиз ҳам ҳеч нарса емадик, чунки уй эгаларида ҳам ҳеч нарса қолмаган эди, улар бизга, «бошимизга битган бало бўлдинглар», деб таъна қила бошлашди. Орадан икки кун ўтгандан кейин эрта туриб кийина бошладим. Онам, қаерга борасан, деб сўради. Бувамнинг олдига, пул сўрамоқчиман, дедим, ойим жуда севиниб кетди, негаки, бувам ҳайдаб юборганини, энди уникига қадам босмаслигимни айтган эдим, онам йиғлаб-сиқтаб боришга қистаганида ҳам қулоқ солмаган эдим. Мен бувамникига борсам, у кўчиб кетибди, кўчиб борган янги уйини ахтара бошладим. Мен унинг янги турган уйига киришим билан мени кўрди-ю, ўрнидан ирғиб туриб менга ташланди, оёқлари билан тепиниб, бақириб берди. Мен шу заҳоти онам оғирлашиб қолганини, дорига ақалли эллик тийин ҳам тополмаганимизни, ейишга бир бурда нонимиз ҳам йўқлигини гапирдим. Бувам бақириб, мени уйдан итариб чиқарди-ю, эшигини ичидан занжирлаб олди.

Аммо у мени туртиб чиқараётган маҳалда, «барибир, пул бермагунигизча зинапояда ўтиравераман», дедим. Ўзим ҳам зинапояда «ҳақ» деб ўтиравердим. Бир оздан кейин у эшикни очди-ю, ўтирганимни кўриб, яна эшикни занжирлаб олди. Кейин орадан анча вақт ўтгандан кейин у яна очди, мени кўриб тағин берки-тиб олди. Яна бир неча бор очиб, бир неча бор қаради. Ниҳоят, «Азорка» билан чиқиб, эшикни қулфлади ва менинг олдимдан ғиқ этмасдан ўтиб кетди. Мен ҳам ҳеч нарса демадим, ўтиравердим, қоронғи тушгунча ўтирдим.

– Жонгинам, – жингиллади Анна Андреевна, – зинапояси ўлгур совуқ бўлса керак-ку, ахир!

– Устимда пўстинчам бор эди, – деди Нелли.

– Пўстин бўлса, нима қипти... Бечорагинам, қанча азоб тортгансан-а! Хўш, кейин буванг нима бўлди?

Неллининг лаблари бурилиб кетай деди, аммо у йиғлаб юбормаслик учун ўзини босишга уринарди.

– Бувам қоронғи тушгандан кейин келди ва кира туриб менга қоқилиб кетди, ким бу ерда, деб бақирди. «Мен», дедим. У мени аллақачон кетиб қолган деб ўйлаган бўлса керак, ҳали ҳам шу ерда ўтирганимни кўриб, жуда хайрон қолди ва анчагача олдимда қотиб турди. Бирдан ҳассасини тўқиллатиб югурганича чиқиб кетди, эшигини очди ва бир дақиқадан сўнг, нуқул бир мирилик чақаларни олиб чиқиб, олдимга отиб ташлади. «Мана, ол, бор-йўғимни ол, онангга айт, мен уни «оқ» қилганман», деб бақирди, ўзи эшикни тарақлатиб ёпиб кириб кетди. Чақалар зинапоялардан юмалаб тушиб кетди. Мен қоронғида уларни тера бошладим, бувам, назаримда, чақаларни сочиб юборганини ва қоронғида уларни топаш қийинлигини пайқади шекилли, эшикни очиб, уйдан шам кўтариб чиқди, шам ёруғида мен уларни тезгина териб олдим. Бувамнинг

ўзи ҳам мен билан териша бошлади, ҳаммаси бўлиб етмиш тийин бўлиши керак, деб қўйди-да, ўзи кириб кетди. Мен уйга келиб пулни онамга бердим ва ҳамма бўлган воқеаларни онамга айтиб бердим, шунда онамнинг аҳволи жуда ҳам ёмонлашди, ўзим ҳам тун бўйи касал бўлиб чиқдим. Эртасига ҳам куни билан иситмалаб ётдим. Лекин ҳамон бир нарсани ўйлайверардим, чунки бувамдан қаттиқ хафа бўлган эдим. Сўнг онам ухлаб қолгандан кейин, бувам турадиган кўчага қараб кетдим, уйга етмасдан берироқда кўприк устига бориб турдим. Шунда анави киши келди...

– Архиповни айтяпти, – дедим, – мен сизга у тўғрида гапирган эди, Николай Сергеич, – Бубнованикида, анави савдогар билан бирга бўлган-чи, ўша калтак еган одам. Нелли уни биринчи топқир ўшанда кўрган... Давом эт, Нелли.

– Мен уни тўхтатиб, пул сўрадим, – бир сўлкавой сўрадим. У менга қараб: «Бир сўлкавой?» деб сўради. «Ҳа», дедим. Шунда у кулиб қўйди-да: «Юр мен билан», деди. Мен бориш-бормаслигимни билмай турувдим, бирдан битта тилла кўзойнак таққан мўйсафид келиб қолди, у менинг бир сўлкавой сўраганимни эшитган эди, менга энгашиб туриб: «Нима учун албатта бир сўлкавой бўлиши керак», деб сўради. Мен унга, онам касал, фақат дорига шунча пул керак, дедим. У биз қаерда туришимизни сўради ва дафтарчасига ёзиб олди ва менга бир сўмлик қоғоз пул берди. Анави киши бўлса, кўзойнакли чолни кўриши билан жўнаб қолди ва менга бошқа «юр» демади. Мен дўконга кириб, бир сўмни чақаларга майдалатиб олдим. Ўттиз тийинни ажратиб, онам учун қоғозга ўраб қўйдим, етмиш тийинни қоғозга ўрамасдан атайлаб кафтимда сиқимлаганимча бувамникига кетдим. Уникига бориб эшикни очдим-да, остонада турганимча ҳамма пулни

унга қараб жон-жаҳдим билан отиб юбордим, чақалар полда думалашиб кетди.

– Мана, олинг пулларингизни! – дедим мен унга. – Онамга сизнинг пулингиз керак эмас, чунки сиз уни «оқ» қилгансиз, – дедим ва эшикни тарақлатиб беркитдим-у, югуриб чиқиб кетдим.

Унинг кўзларида ўт чақнади ва соддадиллик билан унинг жиғига тегиш учун чолга қараб қўйди.

– Ажаб бўпти, – деди Анна Андреевна Николай Сергеичга қарамасдан, Неллини маҳкам бағрига босиб, – унга шунақа қилмаса ҳам бўлмасди, буванг ёвуз, қаҳри қаттиқ одам экан...

– Ҳм! – деб қўйди Николай Сергеич.

– Кейин-чи? – деб сўради Анна Андреевна тоқатсизлик билан.

– Мен бувамникига қадам босмайдиган бўлдим. У ҳам менинг олдимга келмай қўйди, – жавоб берди Нелли.

– Кейин нима бўлди, онанг билан қолавердингларми? Эй, бечора бахтиқаролар!

– Онам бўлса, кундан-кун оғирлашиб бораверди, камдан-кам ўрнидан турар эди, – давом этди Нелли, унинг овози титраб, бирдан тўхтаб қолди. – Бир-чақа ҳам пулимиз қолмади, мен капитанша билан хайр сўрай бошладим. Капитанша уйма-уй юриб, хайр тилар, кўчаларда ҳам тузукроқ одамларни тўхтатиб тиланар ва шу билан кун кўрар эди. У: «Мен гадой эмасман, менинг мартабам ёзилган қоғозларим бор, ўша қоғозда менинг камбағаллигим ёзилган», дерди. Мана шу қоғозларни у одамларга кўрсатарди, шу қоғозга қараб, унга пул берардилар. Ўша менга, кўпчиликдан хайр сўраш ор-номус эмас, дерди. Шундай қилиб, мен у билан тиланчилик қилардим, бизга хайр-эхсон берардилар, шу билан кун кечирар эдик. Онам буни

билиб қолди, чунки кўшнилари миз уни «гадой» деб юзига соладиган бўлдилар. Бубнованинг ўзи онамга келиб, қизингни тиланчилик қилдирганингдан кўра, менга бера қолсанг бўлмайдими, деди. У олдин ҳам онамнинг олдига кириб-чиқиб тургувчи эди, пул олиб келарди, онам пулини олмаса, Бубнова, «димоғинг шишмай ўлсин!» дерди. Кейин овқат юборар эди. Мен тўғримда гапиргандан кейин онам кўрқиб, йиғлаб юборди, Бубнова бўлса онамни қарғай бошлади, чунки у маст эди, «унингсиз ҳам қизинг гадой, капитанша билан тиланчилик қилади», деди ва шу оқшомоқ капитаншани уйдан ҳайдаб чиқарди. Онам булардан хабардор бўлгач, йиғлай бошлади, кейин бирдан ётган ўрнидан турди, кийинди ва мени кўлимдан етаклаганича ўзи билан олиб чиқиб кетди. Иван Александрович уни тўхтатмоқчи бўлди, аммо у қулоқ солмади, биз чиқиб кетдик. Онам аранг юра оларди, ҳар қадамда кўчада ўтириб оларди, мен унинг қўлтиғидан ушлаб турардим. Онам ҳадеб, бувамникига бормоқчи эканини айтарди. Уникига олиб боришимни сўрарди. Вақт бўлса алла-палла бўлиб қолган. Бехосдан биз катта бир кўчадан чиқиб қолдик. Бу ерда битта бино олдида кареталар келиб тўхтар, одамлар чиқиб турар эди. Ойналар ёруғ, мусиқа овози янграмоқда эди. Онам тўхтади. Мени маҳкам бағрига босди ва: «Нелли, қашшоқ бўл, бир умр гадо бўл, лекин уларникига борма, ким сени чақирмасин, олдинга ким келмасин, борма. Сен ҳам мана шу ерда бўлишинг, бой ва ажойиб кийимларда бўлишинг мумкин эди, аммо мен буни истамайман. Улар ёвуз, бағритош одамлар, мана, сенга насихатим: камбағаллигингча қолавер, ишла ва гадойчилик қил, агар биров сени чақириб келса, сизларникига боришни истамайман, деб айт!» деди ўшанда. Онам шу гапни менга касал вақтида айтган, мен бир умр унинг

айтганидан чиқмоқчи эмасман, – қўшиб қўйди Нелли, хаяжондан титраб, бўғриқиб кетиб, – умрим борича ишлашни, меҳнат билан кун кечирришни хоҳлайман, сизникига ҳам хизмат қилиш учун келдим, қизингиз ўрнида бўлиш учун эмас...

– Бўлди, бас, эркатойим, бас! – чинқириб юборди кампир Неллини қаттиқ бағрига босиб. – Ахир онанг буларни гапирганда бетоб эди-да.

– Девона эди, – деди чол шартта.

– Майли, девона бўлса бўла қолсин! – гапни илиб олди Нелли шартта чолга ўгирилиб. – Майли, жинни бўлса ҳам, аммо у менга шундай буюрган, мен умримнинг борича унинг айтганини қиламан. Онам шу гапни айтиб туриб, хушидан кетди.

– Ё Раббий! – қичқирди Анна Андреевна. – Касал ҳолича, кўчада-я, қишда-я!

– Бизни полицияга олиб кетмоқчи бўлдилар, аммо бир жаноб мендан уйимизни суриштирди, қўлимга ўн сўм тутқазиб, онамни ўз извошида уйимизга элтиб қўйишни буюрди. Шундан кейин онам ўрнидан туролмади, уч ҳафтадан кейин вафот этди...

– Отаси-чи? Шундай қилиб, кечирмадим, а? – деб қичқириб юборди Анна Андреевна.

– Кечирмади! – жавоб берди зўрғатдан ўзини босиб Нелли. – Ўлишига бир ҳафта қолганда онам мени олдига чақириб олди ва: «Нелли, яна бир марта, охириги марта бувангнинг олдига бор, менинг олдимга келишини ва мени кечирришини сўра. Унга айт, мен бир неча кундан кейин ўламан, дунёда ёлғиз ўзингни ташлаб кетаман. Яна унга айт, кечирмаса қийналиб ўламан...» деди. Мен бордим, бувангнинг эшигини тақиллатдим, у эшикни очди-ю, мени кўриши билан яна шу заҳоти юзимга эшигини беркитмоқчи бўлди, аммо мен икки қўллаб эшикка ёпишиб олдим ва унга: «Онам ўляпти,

сизни чақиряпти, боринг!» деб бақирдим. Бироқ у яна мени итариб ташлаб, эшикни беркитиб олди. Мен қайтиб келдим, онамнинг ёнига кириб ётдим, кучоқладим, унга ҳеч нарса демадим... Онам ҳам мени кучоқлади ва ҳеч нарса сўрамади...

Шу ерга келганда Николай Сергеич бутун оғирлиги билан қўлини столга тираб ўрнидан турди, аммо аллақандай ғалати, нурсиз кўзлари билан ҳаммамизга бир-бир қаради-ю, мадори қуриган одамдек қайтиб курсига ўтирди. Анна Андреевна энди унга қарамади ҳам, аммо қон-қон йиғлаб Неллини бағрига босар эди...

– Мана, охирги куни, ўладиган куни кечқурун онам мени олдига чақирди, қўлларимни ушлаб туриб деди: «Бугун мен ўламан, Нелли», яна нимадир айтмоқчи бўлди-ю, лекин айта олмади. Мен унга қараб турибман, у бўлса назаримда, мени кўрмаётганга ҳам ўхшарди, фақат қўлимни маҳкам ушлаб турарди. Мен қўлимни секингина суғуриб олдим-да, уйдан югуриб чиқдим. Чопиб бувамникига келдим. У мени кўриб ўрнидан туриб кетди ва қотганича қараб қолди, шундай кўрқиб кетдики, ранги қув ўчиб, ўзи қалт-қалт титрарди. Мен унинг қўлига ёпишдим ва жон ҳолатда «Ҳозир ўлади!» дедим, холос. Шунда у бирдан типирчилаб қолди, ҳасасини олиб, орқамдан югурди, ҳатто шляпасини ҳам унутиб қўйди, ҳаво совуқ эди. Мен шляпасини олиб, кийдириб қўйдим ва иккаламиз бирга югуриб чиқиб кетдик. Мен уни шошилтирардим, извош олишга қистардим, чунки онам ҳозир жон беради, дердим. Аммо бувамда ҳаммаси бўлиб етти тийин бор экан. У извошчиларни тўхтатиб савдолашарди, улар бўлса фақат кулишарди, «Азорка»дан кулишарди. «Азорка» бўлса биз билан чопишиб келмоқда эди, биз ҳамон олға интилардик, чопардик. Бувам чарчаб, ҳаллослаб қолди, бироқ шунга қарамай шошилар, югурар эди.

Бирдан у йиқилди, бошидан шляпаси учиб тушди, мен уни турғизиб шляпасини кийгиздим ва уни суяб олиб кета бошладим, фақат қоронғи тушганда уйга етиб келдик... Аммо онам аллақачон ўлиб бўлган экан. Уни кўргандан кейин бувам чапак чалиб юборди, аъзойи бадани титраб кетди, тепасида лом-мим деёлмай тик туриб қолди. Шунда мен онамнинг жасади олдига келдим ва бувамнинг кўлидан ушлаб: «Мана бағритош, золим одам, мана, энди кўр!.. Кўр буни!» деб бақирдим. Шунда бувам додлаб юборди ва ўликдек полга йиқилди...

Нелли ирғиб ўрнидан турди, Анна Андреевна кучоғидан отилиб чиқиб, ўртамизда докадек оқарган, ҳолдан кетган, бир нарсадан кўрққандек турар эди. Аммо Анна Андреевна унга отилиб, яна уни бағрига босди ва гўё илҳомланиб кетгандек:

– Мен, мен энди сенинг онанг бўламан, Нелли, сен менинг болагинамсан! Ҳа, Нелли, кетамиз, тошюрак ва золим одамларнинг ҳаммасини ташлаб, бош олиб кетамиз! Майли, одамларга азоб бераверишсин, Худонинг ўзи уларнинг жазосини беради. Юр, Нелли. Юр, бу ердан кетамиз, – деди.

Мен уни ҳеч қачон, олдин ҳам, кейин ҳам шу ҳолатда кўрган эмасман, ҳа, мен уни бирор вақт шунчалик ҳаяжонга келар, деб ўйламаган эдим. Николай Сергеевич курсидан туриб қадини ростлади ва қалтироқ товуш билан:

– Анна Андреевна, қаёққа? – деб сўради.

– Уникига, қизгинам Наташаникига! – бақирди у ва Неллини ўзи билан бирга олиб, эшик-томон юрди.

– Тўхта, тўхта, шошма!..

– Кутганнинг фойдаси йўқ, шафқатсиз, золим одам! Мен узоқ кутдим, у ҳам узоқ кутди, энди бўлса, яхши қол!..

Шу жавобни бериб кампир эрига қайрилиб қаради-ю, тахта бўлиб қолди. Николай Сергеич унинг олдида шляпасини, титроқ ва бемажол қўллари билан шошилганича пальтосини киймоқда эди.

– Сен ҳам... Сен ҳам мен билан бормоқчимисан?! – деб қичқирди у илтижо қилгандай кафтларини бирлаштириб, гўё бу бахтга журъат этолмагандек эрига шубҳа кўзи билан қараркан.

– Наташам, қани менинг Наташам! Қани у? Қани, менинг қизгинам? – нола отилиб чиқди ниҳоят чол кўксидан. – Қайтариб беринглар, менинг Наташагинамни! Қани, қани у? – ва мен кўлига тутқазган ҳассани сиқимлаганича эшикка қараб югурди.

– Кечирди, гуноҳидан ўтди! – деб бақирди Анна Андреевна.

Аммо чол остонага бориб етмасдан эшик бирдан очилди, уйга ранги оқарган, иситмаси тутгандай кўзлари чақнаган Наташа кириб келди. Унинг кўйлаги ғижим-ғижим, ёмғирда ивиб кетган эди. Ўраб олган рўмоли бошидан гарданига тушиб кетган, қалин паришон соч толаларида йирик-йирик ёмғир томчилари йилтилар эди. У уйга отилиб кирди, отасини кўргач, фарёд қилиб, унинг олдида тиз чўкиб, қўлларини чўзди.

IX БОБ

Аммо қизи аллақачон унинг бағрида эди!..

У қизини гўдакдек кўлига кўтариб, ўз курсисига олиб келди-ю, ўтқизиб, ўзи унинг олдида тиз чўкди. У қизининг қўлларини, оёқларини ўпар; унинг дийдорига тўёлмай, шошиб-пишиб ўпар, гўё қизи, унинг Наташаси у билан бирга эканига, у яна ўз жонажон қизини кўраётганига, сўзларини эшитаётганига ишонмаётгандек эди. Анна Андреевна хўнграб йиғлаганича

қизини маҳкам қучоқлаб, бошини ўз сийнасига босиб, бир сўз айтишга ҳам мажоли етмай турар эди.

– Чироғим!.. Кўзимнинг нури!.. Овунчоғим!.. – пой-ма-пой дерди чол Наташанинг қўлини ушлаб ва унинг заъфарондек сарғайган, озғин, аммо-лекин ажойиб гўзал юзига, ёшлари ялтираб турган кўзларига суқланиб қараб. – Овунчоғим менинг, болагинам! – такрорларди у завқ-шавқ билан унга тикилиб, яна жим бўлиб қоларди. – Мана у, озиб-тўзиб кетган девдилар-а! – шошиб-пишиб, гўё болаларникидек маъсум табассум билан бизга қараб дерди у, ҳамон қизининг олдида тиз чўкиб тураркан. – Озиб қолибди, рост, ранги кетибди, аммо қарагин-а, нақадар кўхлик! Илгаригидан ҳам яхши, рост, жуда кўхлик! – кўшиб кўйди у, қалбни тарс ёриб юборай деяётган шодликнинг оғриғидан беихтиёр жим бўлиб қолиб.

– Туринг, дадажон! Туринг ахир, – деди Наташа. – Ахир мен ҳам сизни ўпгим келяпти-ку!..

– Жон, болам! Эшитяпсанми, эшитдингми, Аннушка, тилининг ширинлигини қара, – яна қаттиқ қучоқлаб олди уни.

– Йўқ, Наташа, сенинг кечирганингни қалбим сезмагунча оёқларинг остида ётишим керак, негаки, мен энди ҳеч қачон, ҳеч сенинг афв этишингга сазовор бўлолмайман! Мен сендан воз кечдим, сени қарғадим, эшитяпсанми, Наташа, мен сени қарғадим-а, шу ишни қила олдим-а... Сен-чи, сен, Наташагинам, «оқ» қила олишимга ишондингми? Ҳа, ишондинг, ишондинг-а! Ишонмаслик керак эди. Ишонмай кўя қолсанг бўлар эди! Юракчанг тошдан экан сенинг! Нега ўзинг келавермадинг? Ахир сен билардинг сени қанақа кутиб олишимни!.. О, Наташагинам, ахир билардинг-ку, илгари сени нақадар севишимни. Энди анави ҳижрон кунларида мен сени аввалгидан афзалроқ, минг мар-

та ортиқ севдим сени. Мен сени бор вужудим билан севдим! Қалбимни суғуриб, тилка-пора қилиб сенинг оёқларинг остига қўярдим!.. О, қувончим менинг!

– Ўпсангиз-чи мени, раҳмсиз одам, ўпсангиз-чи мени онам каби лабларимдан, юзимдан! – дерди Наташа севинч ёшлари бўғиб келаётган ожиз товуш билан.

– Кўзингдан ҳам! Эсингда борми, аввалгидек кўзгинангдан ҳам ўпай, – такрорлади чол қизи билан узоқ ва ширин кучоқлашгандан сўнг. – О, Наташам! Ҳеч тушларингга кирдикми биз? Сен бўлсанг, Худонинг берган куни менинг тушимга кирардинг, ҳар кеча олдимга келардинг, мен сенинг тепангда йиғлардим, бир марта кичкинагина қиз бўлиб келдинг, эсингда борми, сен ўн ёшларда, эндигина фортепьяно ўрганаётган эдинг, худди ўша вақтдагидек устингда калтагина кўйлак, оёқларингда жажжигина туфли, қўлчаларинг қип-қизил эмиш... Эсингда борми, Аннушка, ўшанда унинг қўллари қизилгина эди, а? Келиб менинг тиззамга ўтирдинг, бўйнимдан кучоқладинг... Сен... сен бераҳм қиз! Мени «оқ» қилди, борсам қабул қилмайди, деб ўйладинг, а!.. Ахир мен... кулоқ сол, Наташа: ахир мен сеникига неча марталаб бордим... онанг билмасди, ҳеч ким билмасди; ҳали деразанг тагига бориб тураман, ҳали дарвозанг тагида йўлакда туриб тиқ этган товушга кулоқ соламан! Бир чиқсанг-у, узоқдан бўлса ҳам сенинг дийдорингни кўрсам! Оқшомлари кўпинча деразангда шам ёниб турарди; неча марталаб, Наташа, оқшомлари олдинга борардим, ақалли сенинг шамингни, ҳеч бўлмаса деразангдан соянгни кўриш, кечалари ҳаққингга дуо ўқиш учун борардим... Мен учун кечалари дуо ўқирмидинг? Мени эсингга олармидинг? Ойналаринг тагида турганимни юрагинг сезармиди? Неча маротаба қишнинг қоронғи тунлари сенинг зинангдан чиқиб, овозингни эшитармиканман, деб зим-

зиё йўлакда эшик тирқишларидан кулоқ солардим. Кулганингни эшитармиканман, дердим. «Оқ» қилибманми? Ахир мен худди шу оқшом олдинга бордим, сени кечирмоқчи эдим, фақат эшигинг тагига келганда, яна қайтдим... О, Наташагинам!..

У ўрнидан турди, қизини курсидан турғизиб, қаттиқ-қаттиқ сийнасига босди.

– У яна бу ерда, менинг қалбимда! – деди у фарёд отиб. – О, Тангрим, ҳамма-ҳаммаси учун, қаҳринг учун ҳам, меҳрибонлигинг учун ҳам шукрлар қиламан!.. Момақалдироқдан сўнг бизга нуруни сочган қуёшинг учун минг-минг шукр! Мана шу дақиқаларга етказганинг учун шукр. О! Майли, биз хўрланган, биз ҳақоратланганмиз, аммо биз яна биргамиз, майли, майли, энди ўша бизни хўрлаган, ҳақоратлаган мутакаббир, манманлар тантана қилсин! Майли, бизга таъна тошлари отсин! Кўрқма, Наташа.. Биз қўлни қўлга бериб борамиз, мен уларнинг кўзига қараб туриб: бу менинг жондан азиз, севикли қизим меинг!.. Бу сиз ҳақоратлаб, ерга урган, аммо мен жондан ортиқ севган, бегуноҳ қизгинам, дейман, умрим борича уни дуо қиламан!..

– Ваня, Ваня!.. – деди Наташа мажолсиз овоз билан отасининг кўксидан туриб менга қўлларини чўзаркан.

О, шу дақиқада эсга олиб, мени чақирганини асло хотирамдан чиқармайман!

– Нелли қаерда қолди? – сўради чол олазарак бўлиб.

– Вой, қани у? – деб қичқирди кампир. – Жонгинам, қанисан?.. Унутибмиз уни!

Аммо Нелли уйда йўқ эди; у астагина ётоқхонага кириб кетибди. Ҳаммамиз у ёққа кирдик. Нелли эшик орқасидаги бурчакда, олазарак бўлиб, беркиниб турган эди.

- Нелли, сенга нима бўлди, оппоғим! - деди чол уни кучоқламоқчи бўлиб. Аммо Нелли унга ғалати қилиб узоқ тикилиб қолди...

- Онам, онажоним қани менинг? - деди у беҳуш одамдек. - Қани, қани, менинг онажоним? - қичқирди у яна бир марта, титроқ қўлларини биз томон чўзиб ва бирдан унинг кўксидан даҳшатли, кўрқинчли бир фарёд отилиб чиқди, юзининг томирлари тортишди, даҳшатли тутқаноқ тутиб қолиб ерга йиқилди...

ХОТИМА

Охирги хотиралар

Июннинг ўрталари. Кун иссиқ ва дим; шаҳарда қолишнинг иложи йўқ, чанг, оҳак, қурилиш, қизиб кетган тошлар, буғлардан захарланган ҳаво... Аммо мана, суюнчи! Қаердадир момақалдироқ гуриллади, аста-секин ҳаво тумтайиб олди; шамол эсиб, шаҳар тўзонларини олдига солиб кува кетди. Ерга йирик-йирик ёмғир томчилари туша бошлади, орқасидан худди осмон ёрилиб кетгандек, шаҳар устига шаррос ёмғир қуйиб юборди. Ярим соатлардан кейин, яна қуёш чарақлаб чиққач, мен хужрамнинг деразасини очдим ва ҳорғин кўкрагим билан тоза ҳаводан суқланиб-суқланиб нафас олдим. Кўнглим яйраб, вақтим чоғ бўлиб кетганидан перони ҳам, ҳамма ишларимни ҳам ташлаб, ўша ноширимнинг ишини ҳам йиғиштириб қуйиб, бизларникига – Васильевскийга чопмоқчи бўлдим. Аммо ҳавас қанча зўр бўлмасин, мен уни енгиб олдим ва аллақандай янги бир шиддат билан яна қоғозга ёпишдим: нима бўлмасин тамом қилмоқ керак! Ноширим шундай буюрган, акс ҳолда, пул бермайди. Мени у ерда кутяптилар, аммо мен оқшом бўш бўламан, шамолдек эркин бўламан ва бугунги оқшом мени шу охирги икки кеча-ю икки кундузда қилган меҳнатим, уч ярим босма қоғоз ёзганим учун мукофотлайди.

Мана, ниҳоят ишни ҳам тугатдим, перони ташладим, ўрнимдан турдим, белим, кўкрагим сирқирайди, миям ғувиллайди. Биламан, шу дақиқада менинг

асабларим ниҳоят даражада бузилган ва гўё кекса докторимизнинг: «Йўқ, бу каби зўр бериб ишламоққа ҳеч қанақа соғлиқ бардош беролмайди, бунинг иложи ҳам йўқ!..» деган охириги сўзлари қулоғим остида янграгандек бўлди. Аммо ҳозирча иложи бор-ку! Бошим айланади, оёқ устида аранг турибман, аммо шодлик, бениҳоя шодлик қалбимни тўлдирган. Ҳикоямни тасомом ёзиб тугатдим, гарчи мен ундан анча қарз бўлиб қолган бўлсам ҳам, ноширим, «Ўлжани» ўз қўлида кўргандан кейин унча-мунча бўлса ҳам пул беради, ҳеч бўлмаса эллик сўм беради-ку, қўлимга қачонлардан бери шунча пул тушгани йўқ. Озодлик ва пул!.. Шавқзавққа тўлиб, мен шляпамни қўлимга олдим, қўлэзманни қўлтиққа уриб, ҳурматли Александр Петровични уйдан топиш учун оёғимни қўлга олиб чопдим.

Мен уни уйдан чиқиб келаётган вақтда учратдим. У ҳам ўз навбатида, ғайриадабий, аммо-лекин ўзи учун жуда фойдали бир савдо ишини тугатиб ва қорачадан келган қандайдир бир яхудийни кузатиб чиққан экан, у билан икки соат сидирғасига ўз кабинетида суҳбатлашибди. У менга мулойимлик билан қўлини чўзади ва ўзининг майин, йўғон овози билан соғлиғимни сўрайди. Бу ажойиб кўнгилчан одам, мен ундан беҳад миннатдорман: ахир умр бўйи адабиёт оламида фақат нонгир бўлиб келаётган бўлса, у айблими? У адабий асарларга нашриётчи кераклигини пайқаб қолди, пайқаганда ҳам айна вақтида пайқади, бунинг учун, ноширлиги учун унга шон-шарафлар бўлсин!

У ҳикоя ёзиб битирилганлигини ва шу билан китобнинг навбатдаги сонини нашр этиш иши таъмин этилганини билиб, ёқимли илжайди ва умуман, мени кунт билан бирор нарсани охирига етказа олганимдан таажжубланади, ширингина аския ҳам қилиб кўяди. Шундан кейин у менга ваъда қилинган эллик сўмни

бериш учун ўзининг пулат сандиғи олдига боради, шу билан бирга, менга бошқа бир, бизга душман бўлган қалин журнални узатади ва танқид бўлимида менинг охирги ҳикоям ҳақида ёзилган бир неча сатрларни кўрсатади.

Бу «переписчик»нинг мақоласи экан. Мени сўкишяптими, мақташяптими, билиб бўлмасди, шунга ҳам вақтим чоғ. Аммо «переписчик» менинг асарларимдан умуман «тер ҳиди келиб туради», деб ёзибди, яъни мен асарим устида шу қадар тер тўкармишман, шу қадар ишлармишман, уларни шу қадар пардозлар ва безар эмишман, натижада кўнгилга урадиган даражада чучмал бўлиб кетармиш.

Биз ношир иккимиз қаҳ-қаҳ уриб куламыз. Мен унга аввалги ҳикоям икки кечада ёзилган бўлса, бу гал икки кечаю икки кундузда уч ярим босма қоғоз ёзганимни айтдим, серҳафсалалигим, ортиқча сусткашлигимни юзимга солаётган «переписчик» шуларни билсайди!

– Нима деманг, айб ўзингизда, Иван Петрович. Ахир ўзингиз ҳам ишни шунча кечиктириб юборасизки, кейин мана шунақа кечалари ишлашга тўғри келади.

Александр Петрович, гарчи, унинг ўзига хос камчилиги, чунончи, уни жуда яхши биладиган одамлар олдида ўзининг адабиётшунослиги билан мақтаниш каби одати борлигига қарамасдан, ажойиб кўнгилчан одам. Аммо мен ҳозир у билан адабиёт ҳақида тортишиб ўтиришни хоҳламай, пулни олиб, шляпамга ёпишаман. Александр Петрович, ўзининг боғи – Островга кетаётган экан, у Васильевскийга кетаётганимни эшитиб, мулойимлик билан ўз каретасида олиб бориб қўйишни таклиф этади.

– Янги карета олдим, хабарингиз борми? Ноппа-нозандек.

Биз пастга тушамиз. Каретаси ростдан ҳам туппа-тузук экан, дастлабки кунлари ҳаддан ташқари

кайфи чоғ бўлган Александр Петрович ҳатто унга ўзининг танишларини солиб, борадиган жойига элтиб қўйишга чин дилидан эҳтиёж сезади.

Каретага ўтиргандан кейин ҳам Александр Петрович бир неча бор ҳозирги замон адабиёти ҳақида мулоҳаза юргизади. У мендан тортинмайди ҳам, олдимда бировларнинг фикрини, ўзи ҳурмат қиладиган ва ишонадиган адабиётчилардан яқин кунларда эшитган фикрларни баҳузур такрорлайверади. Бундай вақтларда у баъзан ғалати нарсаларни ҳам ҳурмат билан тилга олади. Баъзан шундай ҳам бўладики, у бошқаларнинг фикрини бузиб гапирди ёки уни ноўрин ишлатиб қўяди, натижада, гапирган гапи бибурд бўлади. Мен ўтириб, индамасдан қулоқ соламан ва одам ҳавасининг хилма-хиллиги серталаблигидан ажабланаман. «Мана, бир одам, – деб ўйлайман ўзимча, – керак бўлса пул тўплаб, бойийвермайдими; йўқ, унга шуҳрат, адабий шуҳрат керак, яхши нашриётчи, танқидчилик шуҳрати керак!»

Ҳозирги дақиқада у менга, уч кун илгари мендан эшитган ва ўзи қарши чиқиб мен билан мунозара қилган фикрни энди ўзиники қилиб кўрсатяпти. Бироқ бу каби паришонхотирлик унда ҳар бир дақиқада содир бўлади. У ўзининг бу беғараз камчилиги билан ҳамма танишлари орасида машҳурдир. Ҳозир у ўзининг каретасида ўтириб, ваъзхонлик қилаётганидан нақадар шод, тақдиридан нақадар мамнун, нақадар вақти чоғ! У илмий-адабий мубоҳаса олиб боряпти, ҳаттоки унинг майин, йўғон овози ҳам олимларникига ўхшайди. Бора-бора у либералликка ўтиб кетади. Бизнинг адабиётда ва умуман, ҳеч қанақа адабиётда ҳеч қачон ҳеч кимда ҳалоллик ва камтарлик бўлиши мумкин эмас, фақат битта нарса бор, у ҳам бўлса «бир-бирининг гўштини ейиш», айниқса обуна олди-

дан, деган содда-скептик фикрга келади. Мен ўзимча: Александр Петровичда ҳар қанақа ҳалол ва самимий адабиётчини, у ҳалол ва самимий бўлгани учун аҳмоқ деб ҳисобламаганда ҳам ҳеч бўлмаса бефаҳм деб ҳисоблаш майли бор, деб ўйлайман. Эҳтимол, бунақанги эътиқод Александр Петровичнинг ҳаддан ташқари соддалигидан келиб чиқса керак.

Аммо энди унинг гапи қулоғимга ҳам кирмайди. Васильевскийда у мени каретасидан тушириб қолдиради. Мен ўзимизларникига ғизиллайман. Мана, Ўн учинчи линия, мана, уларнинг уйлари. Анна Андреевна мени кўриб, бармоғи билан пўписа қилади, қўллари силкиб, товуш чиқарманг, деб шипшийди.

- Неллининг эндигина кўзи уйқуга кетди, бечорагинам! - шивирлайди у менга шошиб-шошиб. - Худо ҳаққи, уйғотиб юборманг! Бечора болагина жуда ҳам бедармон. Биз ундан хавотир оляпмиз. Доктор ҳозирча ҳеч гап эмас, деяпти. Ҳа, ўша докторингиз тузукроқ бир гап айтармиди? Уялмайсизми-а, Иван Петрович? Кутавериб кўзимиз тешилди. Ахир икки кун келмадингиз-а!.

- Ахир мен сизларга уч кун аввал айтган эдим-ку, икки кун келмайман деб, - шивирладим Анна Андреевнанинг қулоғига. - Ишимни тугатишим керак эди...

- Ахир бугун тушликка етиб келаман, деб ваъда берган эдингиз-ку! Нега келмадингиз? Нелли атайлаб ўрнидан турди, чироққинам, бечорани авайлаб курсига ўтқиздик, тушлик овқатга олиб чиқдик: «Сизлар билан бирга Ваняни кутаман», дейди, Ванядан бўлса ном-нишон йўқ. Ҳадемай соат олти бўлади-я! Қаёқда юрувдингиз? Эй, бетавфиқлар-эй! Ахир уни шунчалик ранжитдингизки, овутаман деб эсим кетди... Шукр, оппоғимнинг кўзи илинди, шекилли. Бунинг устига Николай Сергеич шаҳарга кетган эди (чойга етиб келди);

бир ўзим ўз... Иш топилади унга, Иван Петрович, фақат Пермдалиги эсимга тушиб кетса, юрагим орқамга тортиб кетади.

– Наташа қани?

– Боғда, эркагинам боғда! Боринг олдига... Ғалатироқ... Ҳеч ақлим етмай қолди... Эҳ, Иван Петрович, юрагим сиқилиб кетади! Ўзини хушчақчақ ва хурсанд қилиб кўрсатади, аммо ишонгим келмайди... Бора қол олдига, Ваня, кейин менга секингина унинг кўнглидаги гапни айтиб берасан... Эшитдингми?

Аммо энди Анна Андреевнанинг гапи қулоғимга кирмайди ҳам, мен боғчага қараб чопаман. Бу боғ шу ҳовлига қарашли, узунасига ҳам, энига ҳам йигирма беш қадам келади, ичи кўм-кўк дарахтзор. Бу ерда уч-тўрт баланд, қари, сершох дарахт, бир неча туп ёш қайин, бир неча туп сирень, дукчўп дарахтлари бор, бир бурчак малиназор, икки ариқ қулупнай ҳам бор, боғчанинг узунасига ҳам, энига ҳам торгина илонизи йўл кетган. Чол боғчадан жуда хурсанд ва бу ерда яқин ораларда кўзиқорин ўсади, дейди. Ҳаммадан муҳими, бу боғчани Нелли яхши кўриб қолган ва уни курсида боғчага олиб чиқадилар, Нелли энди бу уйнинг бир санамми бўлиб қолди. Ана, Наташа ҳам кўринди, у мени мамнунлик билан қарши олади ва қўл бериб кўришадди. Шунчалик озиб-тўзиб, ранглари кетганки! У ҳам касалдан зўрға тузалди.

– Батамом битирдингми, Ваня? – сўрайди у мендан.

– Батамом, бутунлай! Бутун оқшом бўшман.

– Худога шукр-а! Шошилдингми? Бузиб қўйгандирсан-а?

– Нима қилай бўлмаса! Ҳа, ҳечқиси йўқ. Мана бу зўр бериб ишлашдан асабларимда алоҳида бир таъсирчанлик юзага келяптики, мен равшанроқ фикр юри-таман, жонлироқ ва чуқурроқ ҳис этаман ва ҳаттоки

сўзлар ҳам менга батамом бўйсундилар. Шундай қилиб, зўр бериб ишлаган иш яхшироқ чиқади. Ҳаммаси яхши...

– Эҳ, Ваня, Ваня!

Мен кейинги вақтларда шундай бир нарса сездимки, Наташа менинг адабиёт соҳасидаги ютуқларим, менинг шуҳратимга жуда ҳам жонкуяр бўлиб қолган. У охириги йилларда нима ёзган бўлсам биттасини ҳам қўймай ўқиб чиқади. Менинг келажакдаги режаларим ҳақида дам ўтмай сўроқлайди, менга ёзилган ҳар бир танқид билан қизиқади, баъзиларидан жаҳли чиқади ва нима қилиб бўлса ҳам адабиёт соҳасида ўзимни юқори даражада тутишимни хоҳлайди. У истак-орзуларини шу қадар куч ва матонат билан ифодалайдики, мен туриб-туриб унинг ҳозирги тутган йўлига ажабланаман.

– Ёзаверасан, ёзаверасан, Ваня, – деди у менга, – ўзингни зўрлаб бўлса ҳамки ёзаверасан, ахир ёзувчиликдан чиқиб қоласан, ундан ташқари саломатлигингни йўқотасан. Ана С*** у икки йилда биттадан ҳикоя ёзади. Н* бўлса ўн йилда ҳаммаси бўлиб битта роман ёзди. Аммо шуни айтиш керакки, уларники ҳафсала билан ёзилган, пардозланган! Битта ҳам пала-партиш гапни тополмайсан.

– Ҳа, уларнинг моддий аҳволи яхши. Муддатга қараб ўтирмай ёзаверадилар, мен бўлсам бамисоли аравага қўшилган қирчанғи! Ҳа, булар ҳаммаси беҳуда гаплар! Кел қўй, дўстим. Хўш, ҳеч қанақа янгилик йўқми?

– Янгилик кўп. Биринчидан, ундан мактуб бор.

– Янами?

– Ҳа, яна, – у менга Алёшанинг мактубини берди. Ажралганимиздан бери бу учинчи мактуб. Биринчисини ҳали Москвада эканлигида ёзган эди, мактуб иситмалаб турганда ёзилгандек эди. У, шундай бир

хол рўй бердики, ваъдалашгандек Москвадан Петербургга боришнинг асло иложи бўлмади, деб ёзганди. Иккинчи мактубида у, шошиб-пишиб, Наташа билан тезроқ никоҳ ўқиттириб олиш учун яқин кунларда бу ерга келишини, бу энди қатъий ҳал этилгани, ҳеч қанақа куч уни тўхтата олмаслигини баён этганди. Аммо-лекин мактубнинг турқидан унинг умидсизликка тушгани, ташқи таъсирлар унинг қанотини қайириб қўйгани, энди у ўзи ўзига ишонмай қолганлиги очик ва равшан кўриниб турарди. Гап орасида у Катя менинг тақдири илоҳим, ёлғиз угина менга тасалли беради ва кўнглимни кўтаради, деб қистириб ўтибди. Мен зўр иштиёқ билан унинг сўнгги учинчи мактубини очдим.

Икки коғозга тўлдирилган бу мактуб ўқиб бўлмай-диган даражада тартибсиз, пала-партиш, шошилиш билан ёзилган, сиёҳ ва кўз ёшлари томгани кўриниб турарди. Хат бошидаёқ Алёша энди Наташадан воз кечганини билдириб, уни энди ёдидан чиқаришни илтимос қилибди. У қовушиш мумкин эмаслигини, ўзгалар, ғанимларнинг таъсири ҳамма нарсадан ҳам кучли эканлиги ва ниҳоят, шундай бўлиши ҳам кераклигини, улар Наташа иккиси турмуш қуришса, бебахт бўлишлари, негаки, тенг эмасликларини исбот этишга уринибди. Аммо у чидолмай, бирдан ўз мулоҳаза ва далилларини улоқтириб ташлаб, шу ернинг ўзидаёқ, мактубнинг биринчи ярмини йиртиб олиб ташла-масдан, ўзи Наташа олдида гуноҳкор эканига, ўзининг хароб бўлганлигига ва қишлоққа етиб келган отасининг ихтиёрига қарши чиқишга кучи етмаслигига иқрор бўлибди. Ўзининг тортаётган азобларини ифодалашга ожиз эканини ёзибди; яна шу орада ўзи Наташани бахтли қилишга қодир эканлигига иқрор бўлиб, бирдан иккаласининг бир-бирларига жуда ҳам

мос эканликларини исботлай бошлабди ва отасининг далилларини ғазаб билан рад этиб, башарти улар турмуш қурган тақдирда улар – у ва Наташа кўрадиган ҳаётнинг барча ҳузур-ҳаловатларини ноумидлик билан ёзиб келиб, ўзининг иродасизлигига лаънат ўқибди ва абадий видолашибди! Мактуб қийналиб ёзилган; ўзини йўқотиб қўйган маҳалда ёзилгани кўринарди, кўнглим бузилиб кўзимга жиққа ёш келди... Наташа менга бошқа бир мактубни, Катядан келган мактубни берди. Бу Алёшанинг мактуби билан бирга битта конвертда, лекин конверт ичидаги оғзи берк конвертда эди. Катя қисқагина, бир неча сатрларда, ростдан ҳам Алёша қаттиқ хафалиги, кўп йиғлаётгани, умидсизликка тушгани ва ҳатто бир оз бетоброқ эканлигини билдирибди, аммо у Алёша билан бирга бўлгандан кейин Алёша бахтли бўлади, деб ёзибди. Шу билан бирга, Катя ўз мактубида Наташага: «Алёша шунчалик тез юпаниб қола қолибди-да, хафалиги ҳам юзаки экан-да», деб ўйламаслигини тушунтирмоқчи бўлар эди. У сизни ҳеч қачон ёдидан чиқармайди, – деб қўшиб қўйибди у, – ҳа, ҳеч қачон ёдидан чиқаролмайди ҳам, чунки унинг қалби шунақа. У сизни бениҳоя севади, ҳамиша севади, агар бирор вақт келиб у севмай қолса, бирор вақт келиб сизни соғинмай қолса, шу дақиқадан бошлаб ундан кўнглим қолади...»

Мен Наташага иккала мактубни ҳам қайтариб бердим; биз бир-биримизга қараб қўйдик, лекин бир оғиз ҳам сўз айтмадик. Аввалги икки мактубни ўқиганда ҳам шундай қилган эдик, умуман айтганда, энди биз гўё келишиб қўйгандек, ўтмишдан гапирмасликка уринардик. У ҳаддан ташқари қаттиқ изтироб чекарди, мен буни кўриб турардим, аммо ҳатто менинг олдимда ҳам сир бой бермасликка тиришарди. Ота уйига қайтиб келганидан сўнг у уч ҳафта алангаи оташда

куйиб, кўрпа-ёстик қилиб ётди, энди аранг тузалиб келмоқда эди. Биз ҳатто яқингинада юз бериши керак бўлган ўзгаришлардан ҳам кам гаплашардик, ваҳоланки, у чолнинг хизматга кириб, бошқа ерга кўчишини ва тез кунда бизга ажралишга тўғри келишини билар эди. Шунга қарамай, у менга шунчалик меҳрибон, шунчалик ширинсўз бўлиб қолдики, шу вақт ичида менга тегишли бўлган нарсаларга шу қадар қизиқарди, ўзим ҳақимда нимаики гапириб бермайин, шу қадар кунт ва диққат билан тинглардики, ҳатто бошда мен ўнғайсизлик сёза бошладим: назаримда орамизда ўтган ҳамма гаплар бадалига кўнглимни овламоқчидай бўларди; лекин бу ўнғайсизлик тезда йўқолди: мен унинг истагн бутунлай бошқа эканини тушундим, у мени севарди холос, чексиз севарди, менсиз ва менга тааллуқли бўлган ҳамма нарса тўғрисида ғамхўрлик қилмай туролмасди. Мен ўзимча, ҳеч қачон ҳеч қандай сингил ўз акасини Наташа мени севгандек қаттиқ севган эмас, деб ўйлайман. Мен билардим: яқинлашиб келаётган ҳижрон унинг юрагини эзар ва Наташа азоб чекар эди; усиз туролмаслигимни ҳам биларди; аммо иккимиз ҳам рўй берадиган воқеалар ҳақида батафсил гаплашсак ҳам, бу ҳақда оғиз очмас эдик...

Мен Николай Сергеични сўрадим.

– Ҳадемай қайтиб келар, деб ўйлайман, – жавоб берди Наташа. – Нонуштага етиб келмоқчийди.

– Ҳали ҳам иш топиш учун ҳаракат қилиб юрибдими?

– Ҳа, энди иш масаласи шубҳасиз ҳал бўлади, бугун чиқиб кетишга эҳтиёж ҳам йўқ эди, шекилли, – қўшиб қўйди у хаёл суриб, – эртага борса ҳам бўларди.

– Бўлмаса нега кетди?

– Чунки мен хат олдим... Унинг дарди мен, – қўшиб қўйди у бир оз жим тургандан сўнг, – шунчаликки,

Ваня, бу менга оғир туюлиб кетади. У ҳатто тушида ҳам битта мени кўрса керак. Унинг менадан бошқа ғами йўқ. Ҳолим нима кечяпти, нима қиляпман, ҳозир нима тўғрисида ўйлаяпман, фикр-ёди шулар билан банд, бошқа нарса тўғрисида ўйламайди. Менинг ҳар бир қайғу-ҳасратимга шерик. Ахир мен кўриб-билиб тураман-ку, баъзан у мен тўғримда қайғураётганини беркитишга, ўзини хурсанд кўрсатиб, кулиб ва бизни кулдиришга шу қадар нўноқлик билан уринадики, асти қўяверасан. Бундай дақиқаларда онам ҳам ўнғайсиз ҳолга тушади, унинг кулгисига ҳам ишонмай хўрсинади... У жудаям эпсиз, соддадил! – қўшиб қўйди у кулиб. – Мана шундай қилиб, мен бугун мактуб олишим билан у уйдан қочиб чиқиб кетди... Кўзимга қарашдан ҳам тортинади... Мен уни, Ваня, дунёда ҳаммадан ҳам, жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман, – қўшиб қўйди у бошини эгиб ва менинг қўлимни қисиб, – ҳатто сендан ҳам...

У яна гап бошлагунча боғни икки марта айланиб чикдик.

– Бугун бизникига Маслобоев келди, кеча ҳам келган эди, – деди у.

– Ҳа, кейинги вақтларда у сизларникига жуда серқатнов бўлиб қолди.

– Биласанми, у нима учун пашшахўрда бўлиб қолди? Онамнинг унга ихлоси зўр. У шунчалик кўп нарсаларни (ҳалиги қонун-понунларни-да) биладикки, ҳар қанақа ишни ҳам боплаши мумкин, деб ўйлайди. Сен нима деб ўйлайсан, ҳозир онамнинг мияси нима билан банд экан? Ўз кўнглида у мени княгиня бўлмаганимга жуда куяди ва ачинади. Мана шу фикр уни тинч қўймайди ва шу тўғрида у Маслобоевга юрагини очганга ўхшайди. Отам билан бу ҳақда гаплашишга қўрқади ва Маслобоев бирор йўл билан кўмак бермасмикин,

бирорта қонуний йўл топмасмикин, деб ўйлайди. Мас-
лобоев унга зид гапирмайди, шекилли, шунинг учун
онам уни шароб билан сийлайди, – кўшиб кўйди Ната-
ша кулимсираб.

– У шумнинг қўлидан ҳар бало келади. Сен қаёқдан
биласан буларни?

– Бехосдан оймнинг оғзидан чиқиб кетди... Шама
қилиб кўйди...

– Нелли қалай? Аҳволи яхшими? – сўрадим мен.

– Ҳайронман сенга, Ваня, шу вақтгача у тўғрида бир
оғиз ҳам сўрамадинг! – деди Наташа ўпкалаб.

Нелли бу уйдагилар учун бир санам эди. Наташа уни
ўлгудек севарди, ниҳоят, Нелли ҳам уни бутун вужуди
билан севиб қолди. Бечора бола! У бирор вақт келиб шун-
дай одамларни топишини, унга шунча меҳр-муҳаббат
кўйишларини билмаган эди. Мен қаҳру ғазабга тўлган
қалби юмшаб, ҳаммамиз учун очилганидан жуда хур-
санд эдим. Аввалгидек: ишончсизлик, ғазаб, ўжарлик-
ни кўзгатадиган барча туйғулар зид бўлган умумий
муҳаббатга оташин муҳаббат билан жавоб қайтара бо-
шлади. Бироқ Нелли шунда ҳам узоқ саркашлик қил-
ди, кўнглида йиғилиб ётган яраш ёшларини биздан
узоқ яшириб келди ва ниҳоят бутун борлиғи билан
бизга берилди. У Наташани қаттиқ яхши кўриб қолди,
кейин чолни ҳам. Мен бўлсам унга шу қадар керакли
бўлиб қолдимки, агар узоқроқ келмай қолсам, каса-
ли зўраядиган бўлди. Охирги марта кетишимда ҳам,
ўлда-жўлда қолиб кетган ишларимни тугатиш учун
икки кунгагина уйга бориб ишлаш учун уни у ёқ бу ёқ-
дан гапириб, зўрға кўндирдим. Нелли ҳали ҳам ўз хис-
латларини очиқ-ойдин, ошкора ифода этишдан уялар
эди.

У ҳаммамизни хавотирга солиб кўйган эди. Сўзсиз,
бир оғиз гапсиз, унинг энди умрбод Николай Сергеич-

никида қолдиришга қарор қилинди, ҳолбуки, кўчиб кетадиган кунлар ҳам яқинлашмоқда, унинг аҳволи эса кундан-кун оғирлашиб бормоқда эди. Нелли ўша, биз у билан бирга қарияларимизникига келган кун, қарияларнинг Наташа билан ярашган кунидан бери хаста эди. Ҳа, нималар деяпман? У ҳамиша касал эди. Касали аввал ҳам аста-секин кучаяр эди, аммо энди жуда тезлик билан зўраяверди. Мен унинг касали нима эканини ҳам аниқ билмайман ва буни аниқлай ҳам олмайман. Рост, тутқаноғи илгарига қараганда тез-тез тутиб туради, аммо энг муҳими, қандайдир ҳолсизлик, дармонсизлик, тўхтовсиз ҳарорат ва безовталиқ уни кейинги кунларда шу аҳволга олиб келдики, энди ётган еридан туролмайдиган бўлиб қолди. Ажабки, касали оғирлашган сари Нелли биз билан мулойим, хушмуомала ва сир яширмайдиган бўлди. Бундан уч кун муқаддам мен унинг каравотчаси ёнидан ўтиб кетаётган эдим, қўлимдан тутди-ю, ёнига тортди. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Юзи иситмада ёнар, кўзларидан ўт чакнарди (у ниҳоятда озиб кетганди). У титраб-қақшаб менга чўзилди, мен энгашган эдим, ўзининг қорачагина, озгин қўлчалари билан бўйнимдан кучоқлади ва қаттиқ-қаттиқ ўпди, кейин дарҳол ўз ҳузурига Наташани чақиртирди. Мен уни чақириб бердим, албатта Наташа унинг каравотига келиб, унга қараб ўтиришини истарди Нелли...

– Ўзим, сизга ҳадеб қарайвергим келади, – деди у, – кеча мен сизни тушимда кўрдим, бугун кечаси ҳам кўраман... сиз жуда кўп тушимга кирасиз... ҳар кеча...

Чамаси, у кўнгил ёриб бирор нима дегиси келар эди, ҳис-туйғулар унинг қалбини лик тўлдирган; аммо унинг ўзи ҳам ўз ҳисларига тушунмас ва қандай қилиб уни изҳор этишни билмасди...

У мандан ташқари Николай Сергеични ҳаммадан ҳам ортиқ севарди. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки,

Николай Сергеич ҳам уни Наташани севганидан кам севмасди. У Неллини хурсанд қилиб, кулдириш қобилиятига эга эди. У Нелли олдига келди дегунча кулги ва хаттоки шўхликлар бошланар эди. Бетоб қизи худди болалардек қувониб, чол билан ўйнашар, кулар, тушларини гапириб берар ва албатта кўпини ичидан тўқир эди, чолни ҳам гапиришга мажбур этарди. Булардан чолнинг боши осмонга етар, ўз «Кичкинтой қизи Нелли»га қараб, кундан-кун завқ-шавқи ошар эди.

– Буни ҳаммамизга, бизнинг қайғу-ҳасратларимиз эвазига Тангримнинг ўзи юборди, – деди кунлардан бир куни кечаси Нелли олдидан чиқиб кета туриб ва одати бўйича ётиш олдидан уни чўқинтириб.

Ҳар куни кечқурун ҳаммамиз йиғилишганимизда (Маслобоев ҳам деярли ҳар куни кечқурун келарди) жон-дили билан Ихменевларга ўрганиб қолган кекса доктор баъзан келиб турарди; Неллини ўз курсисида бизнинг олдимизга олиб чиқишарди. Балконнинг эшиги очиб қўйиларди. Ботиб бораётган офтоб нурларига чўмган боғча кафтдек кўриниб турарди. У ердан майсалар ва эндигина очилиб келаётган сирень ҳидлари гуркираб келиб турарди. Нелли ўз курсисида ўтириб, ҳаммамизга меҳр тўла кўзлари билан қарар ва гапларимизга қулоқ солар эди. Баъзан эса ўзи ҳам очилиб кетарди ва албатта бирор хусусда гап бошлар эди... Аммо бундай дақиқаларда одатда ҳаммамиз ташвиш билан қулоқ солар эдик, чунки унинг хотираларида ҳеч тегиб бўлмайдиган нозик ерлари бор эди. Мен ҳам, Наташа ҳам ва Ихменевлар ҳам унинг олдига ўз айбимизни сезардик, анави куни, унинг қанчалик ҳаяжон ва изтироб ичида эканини била туриб унга ўз бошидан ўтганларни гапиртирдик. Доктор, айниқса, бу хотираларга қарши эди, одатда гапни чалғитар эдик. Бундай ҳолларда Нелли ўзини бу ҳаракатимизни

тушунмаганга солар ва доктор ёки Николай Сергеич билан ўйнаша бошларди...

Бироқ унинг ҳоли кундан-кун оғирлашмоқда эди. У ҳаддан ташқари таъсирчан бўлиб қолди. Томири ёмон ура бошлади. Яқин кунларда вафот этиши ҳам мумкин, деди менга доктор.

Мен буни Ихменевларни ташвишга солмаслик учун айтмай қўя қолдим. Николай Сергеич йўлга чиққунларича унинг тузалиб қолишига астойдил ишонар эди.

– Ана, дадам ҳам қайтди, – деди Наташа унинг овозини эшитиб, – юр, Ваня.

Николай Сергеич остонага қадам қўймасданоқ одати бўйича шангиллаб гапира бошлади. Анна Андреевна унга қараб қўлларини силкитди. Чол шу заҳотиёқ жим бўлиб қолди ва мен билан Наташани кўриб, ўз саргузаштларининг оқибатини, шу маҳалгача кетидан юрган иш масаласи энди батамом ҳал бўлганини ва бундан ғоят шод эканини ҳовлиқиб шивирлаб гапира бошлади,

– Икки ҳафтадан кейин жўнасақ ҳам бўлади, – деди у қўлини ишқалаб ва ташвиш билан Наташага қия боқиб қўйиб. Аммо у отасига табассум-ла жавоб қилиб, уни кучоқлаб олди, ҳамма шубҳалар бир зумда тарқалди.

– Жўнаймиз, жўнаймиз, жонгиналарим, жўнаймиз! – гапириб кетди у севиниб кетиб. – Фақат, сен Ваня, фақат сендан ажралишимизгина оғир... (шуни айтиб ўтайки, у бирор марта мени бирга кетишга таклиф қилмади, унинг феъл-атвориغا қараганда, бошқа бир шароитда, яъни менинг Наташага бўлган севгимни билмаганда, албатта таклиф этган бўлар эди.)

– Иложимиз йўқ, дўстлар, ночор! Менга оғир, Ваня, аммо жойнинг ўзгариши ҳаммамизни жонлантиради, деб ўйлайман. Жой ўзгартириш демак, ҳамма нарсани

ўзгартириш демакдир! – қўшиб қўйди у яна бир марта қизига қараб қўйиб.

У шунга ишонарди ва шунга ишонганидан мамнун эди.

– Нелли-чи? – деди Анна Андреевна.

– Неллими? Нима бўларди... Қизгинам бетоброқ, аммо у вақтгача тузалиб қолса керак. У ҳозир ҳам анча яхши: сен нима деб ўйлайсан, Вәна? – деди у қўрқиб кетгандек ташвиш билан менга қараб, гўёки уни тааж-жублантирган нарсани ҳал этиб беришим керакдек.

– У қалай? Қандай ухлади? Унга бир нарса бўлма-дими? Уйғонмадимикин ҳозир? Биласанми, Анна Андреевна, биз тезгина столни айвонга суриб чиқамиз, самовар келтирадилар, бизникилар келади, ҳаммамиз бир жойга йиғиламиз, кейин Нелли ҳам олдимизга чиқади... Жуда соз, жуда соз. Уйғонмаганмикин-а? Олдига борай-чи. Кўраман, холос... Уйғотиб юбормайман, хавотир олма! – қўшиб қўйди у Анна Андреевнанинг яна унга қўл силкитганини кўриб...

Аммо Нелли аллақачон уйғонган эди. Чорак соатдан кейин одатдагидек жамоат жам бўлиб, кечки чойга ўтирдик.

Неллини курсида олиб чиқдилар. Доктор ҳам, Маслобоев ҳам келди, Маслобоев Нелли учун катта сирень гулдастасини олиб келди, аммо унинг ўзи нимадан-дир ташвиш тортар ва гўёки бирор нарсадан жаҳли чиққандай кўринарди.

Дарвоқе, Маслобоев Худонинг берган куни келарди, деса бўлади. Мен аввал ҳам айтиб ўтгандим: ҳамма, айниқса Анна Андреевна уни жудаям яхши кўриб қолган эди, аммо бирор марта, бирор сўз билан Александра Семёновнани тилга олишмасди. Маслобоевнинг ўзи ҳам у тўғрида лом-мим демасди, Анна Андреевна мендан Александра Семёновна ҳали Маслобоевнинг

никоҳди рафиқаси бўлгунча йўқ, деган гапни эшитиб, ўзича уни меҳмонга чақириш ва уйда у ҳақда гап очиш мумкин эмас, деган қарорга келган эди. Шунга риоя қилинар, бу билан Анна Андреевна жуда ҳам керилар эди. Шунга айтиш керакки, агар унинг Наташаси бўлмаганда, энг муҳими, анави воқеалар бўлиб ўтмаганда, эҳтимол, ўзи ҳам бунчалик талабчан бўлмас эди.

Нелли бу оқшом ғалати, ғамгин ва ҳатто бир нарсадан ташвиш тортаётгандай эди. Гўё у ёмон туш кўрган-у, ўшани ўйлаб юраги ғаш бўлаётгандек кўринарди. Аммо Маслобоевнинг совғасидан ғоят қувониб кетди ва унинг олдига, стаканга солиб қўйилган гулларга завқланиб қараб ўтирди.

– Гулни шунча яхши кўрасанми, дейман, Нелли? – сўради чол. – Шошма бўлмаса! – кўшиб қўйди у шавқ-завқ билан. – Эртагаёқ... ҳа, майли, мана ўзинг кўрасан!..

– Яхши кўраман, – жавоб берди Нелли, – қандай қилиб ойимни гуллар билан қарши олганимиз эсимда. Биз ҳали у ёқда эканимизда (у ёқ деб энди чет элни айтарди), ойим бутун бир ой қаттиқ касал бўлиб ётди. Генрих билан мен иккимиз, онам ёстикдан бош кўтариб, биринчи марта ўз ётоқхонасидан чиққанда (шу уйдан у бир ой чиқмай ётди), биз уйнинг ҳамма ёғини гуллар билан безаб ташлаймиз, деб келишиб қўйдик. Шундай қилдик ҳам. Онам кечқурун эртага эрталаб албатта чиқиб, сизлар билан нонушта қиларман, деб айтган эди. Биз эртасига саҳарлаб турдик. Генрих жуда кўп гуллар олиб келди ва биз уйнинг ҳамма ёғини яшил барглар ва гулчамбарлар билан безатиб ташладик. Бахмал гуллар, яна барглари япалоқ гуллар, отини билмайман, яна ҳамма нарсага илашаверадиган барглар, катта-катта оқ гуллар, наргислар ҳам бөр эди (мен наргисни ҳаммасидан ҳам кўра яхши

кўраман), ажойиб атиргуллар бор эди, ишқилиб, жуда ҳам гул кўп эди. Биз уларни гулчамбар қилиб ҳар ер-ҳар ерларга илдик, туваклардаги гулларни ҳам ҳар ер-ҳар ерга қўйдик. Шуларнинг ичида катта-катта тувакларда шундай гуллар ҳам бор эдики, худди бутун бир дарахтга ўхшарди, уларни биз бурчак-бурчакка, онамнинг курсиси ёнига қўйдик. Онам чиқиб, ҳайрон қолди ва жуда ҳам севишиб кетди. Генрих бўлса, хурсандлигидан терисига сиғмасди... Ҳали-ҳали эсимда...

Шу окшом Нелли жуда ҳам қувватдан кетган, асаби кўзиган эди. Доктор ташвиш билан унга қараб-қараб кўярди. Аммо Неллининг ҳадеб гапиргиси келар эди. У то қош қорайгунча ўзининг у ёқда ўтган ҳаётидан ҳикоя қилди, биз унинг сўзини бўлмадик. У ёқда улар онаси ва Генрих билан жуда кўп саёҳат қилишган экан, ўтмиш эсдаликлари унинг хотирасида ёрқин гавдаланар эди. У ҳаяжон билан кўм-кўк само, ўз кўзи билан кўриб ёнидан ўтган қор ва муз чўққили баланд тоғлар, тоғ шаршаралари, кейин Италия водийларидаги кўллар, гуллар, дарахтлар, қишлоқ одамлари, уларнинг кийимлари, уларнинг буғдойранг юзлари, қора кўзлари ва улар билан учрашувлар ва рўй берган ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилар эди. Улкан шаҳарлар, саройлар, куббаларида бирдан ранг-баранг олов товланиб кетувчи ҳашаматли черковлар, кейин зангори само ва кумуш денгиз, иссиқ жануб шаҳри ҳақида гапирарди... Нелли ўз хотираларини ҳеч қачон бизга бунчалик батафсил гапирган эмасди. Биз унинг ҳикояларини ниҳоят даражада диққат билан тинглардик. Фақат биз ҳаммамиз шу чоққача унинг бошқа хотираларини – бўғувчи, заҳарловчи, бузук ҳаволи мудҳиш шаҳар, доимо ифлослик қайнаган қасрлар; нурсиз, ёғдуси кам куёш, она-болага не-не ситамлар кўрсатган ёвуз ва девонасифат одамлар ҳақидаги хотираларни эшитардик.

Мен улар иккаласи ифлос ертўлада, рутубатли зулмат кечада, жуддур кўрпа устида бир-бирлари билан қучоқлашиб ўтириб, ўзларининг ўтмишларини, мархум Генрих ва ўша узоқ элларнинг ажойиб отларини эслаб ўтирган пайтларини тасаввур этдим... Яна, Неллини ўзи танҳо, онасиз, Бубнова калтак ва ваҳшиёна зулмлар билан унинг қанотини синдириб, ёмон йўлга солмоқчи бўлганда, шуларнинг ҳаммасини нақадар изтироб билан эслагани кўз олдимда гавдаланди...

Бироқ бора-бора Неллининг аҳволи ёмонлашиб қолди ва уни жойига қайтариб олиб кирдилар. Чол жуда ҳам кўрқиб кетди ва уни шунча кўп гапиришга йўл қўйганимиз учун фиғони фалакка чиқди. Унинг ғалати тутқаноғи тутиб, кўнгли озиб қолди. Бу тутқаноқ бир неча маротаба такрорланган эди. Тўхтагандан кейин Нелли Ваняни кўришим зарур, деб туриб олди. У менинг ёлғиз ўзимга бирор гап айтмоқчийди. У шу қадар қаттиқ ёлвориб сўрадики, бу гап докторнинг ўзи унинг истагини бажо келтиришимизни сўради, шундан сўнг ҳамма уйдан чиқиб кетди.

- Биласанми, Ваня, - деди Нелли иккимиз ёлғиз қолганимизда, - биламан, улар мени бирга кетади, деб ўйлашяпти, аммо мен бормайман, чунки боролмайман, ҳозирча сеинкида тураман, мана шуни сенга айтишим керак эди.

Мен уни кетишга кўндирмоқчи бўлдим, Ихменевлар уни жуда яхши кўришларини, уни ўз қизларидек севишларини, бормай қолса, улар қаттиқ хафа бўлишларини айтдим. Аксинча, менинг уйимда турса, унга қийин бўлишини, мен уни қаттиқ севсам-да, барибир, ажралишга тўғри келишини айтдим.

- Йўқ, мумкин эмас! - қатъий жавоб берди Нелли. - Чунки мен тушимда онамни тез-тез кўриб тураман, у ҳам менга улар билан кетмай шу ерда қолишим-

ни тайинлайди; жуда кўп гуноҳ қилдим, бувангни ёлғиз ташлаб кетдим, дейди, гапириб туриб, жуда кўп йиғлайди, мен шу ерда қолиб, бувамни парвариш қилишни хоҳлайман, Ваня.

– Ахир буванг ўлган-ку, Нелли! – дедим мен унинг сўзларидан ажабланиб.

У ўйлаб қолди, кейин менга тикилиб қаради.

– Ваня, яна гапириб бер, яна бир марта гапириб бер, бувамнинг ўлганини, – деди у. – Ҳаммасини айт. Ҳеч биттасини қолдирмай гапир.

Мен унинг талабидан ажабландим, лекин шундай бўлса ҳам бўлган воқеани батафсил ҳикоя этишга тутиндим. Гумонимча, у алаҳлаётганга, тутқаноқдан кейин унинг мияси жойига тушмаганга ўхшарди.

У менинг ҳикоямни диққат билан тинглади, эсимда бор: ўшанда унинг алам, изтироб ўти чакнаган қора кўзлари, ҳикоям давомида менга синчковлик билан тикилиб турди. Уй ичига аллақачон қоронғилик чуққан эди.

Ҳикоямни эшитиб ва бир оз ўйлаб тургандан кейин:

– Йўқ, Ваня, у ўлган эмас, – деди қатъий қилиб. – Онам бувам ҳақида жуда кўп гапиради, кеча мен унга: «Ахир бувам ўлган-ку», десам, у жуда хафа бўлди, йиғлади ва менга бувамнинг ўлмаганлигини, менга атайлаб шундай деганларини, у ҳозир гадойчилик қилиб юрганини айтди, «сен билан гадойчилик қилардик-ку, ўшанга ўхшаб у гадойчилик қияптин, ўша, биз сен билан уни биринчи топқир учратиб, оёғига йиқилган жойимиз бор-ку, «Азорка» мени таниган эди, эсингдами, ўша ерга бориб хайр сўрайди...» дейди онам.

– Бу ҳаммаси туш, Нелли, киши бетоб бўлса, шунақа алақ-жалақ тушлар кўради, сен бетобсан, – дедим.

– Мен ўзим ҳам булар ҳаммаси тушдир, деб ўйлаган эдим, – деди Нелли, – шунинг учун ҳеч кимга айтмасдим

хам. Фақат битта сенинг ўзингга айтгим келди. Аммо бугун сен келавермаганингдан кейин ухлаб қолувдим, тушимда бувамнинг ўзини кўрдим. У ўзининг уйида ўтириб, мени кутаётган эмиш, у шундай озиб-тўзиб кетган, «икки кундан бери ҳеч нарса емадим, «Азорка» ҳам оч», дейди. Мендан жуда хафа ва ўпкалар эмиш. Ўзи ҳам айтди, «бурнакиси қолмаганмиш, тамакисиз туриб бўладими?» дейди. Рост, Ваня, у менга илгари ҳам, онам ўлгандан кейин уникига борганимда ҳам, бир марта шуни айтган эди. Ўшанда у қаттиқ бетоб ётган эди, ҳеч нарсага тушунмасди ҳам. Мана, бугун ҳам мен ундан шу гапни эшитиб, ўзимча: бораман-да, кўприк устида туриб, хайр тилайман, тушган пулга бувамга нон, пишган картошка ва тамаки сотиб олиб бораман, деб ўйладим. Мана мен турган эмишман-да, ҳадеб хайр тилармишман. Қарасам, бувам атрофимда юрган эмиш. Секин-секин юриб турармиш-да, олдимга келиб, қанча тушди экан, деб разм солиб, кейин ўзига олармиш. Бу нонга, энди тамаки учун йиғ, дермиш. Мен йиғаман, йиғаман, у келиб мендан тортиб олади. Мен унга, бунақа қилмасанг ҳам бераман, беркитиб олиб қолмайман, дейман. «Йўқ, – дермиш у, – сен ўғирлайсан, менга сенинг ўғрилигингни Бубнова ҳам айтган, шунинг учун мен сени ҳеч қачон уйимга кўчириб олиб келмайман, яна бир мирини қаерга қўйдинг?» У менга ишонмагани учун йиғлаб юбордим, у бўлса қулоқ ҳам солмай ҳадеб: «Бир мирини ўғирладинг!» деб бақирди, кейин мени ура бошлади, шу ернинг ўзида кўприк устида аямай урди. Мен роса йиғладим... У шубҳасиз тирик ва қаерлардадир саргардон бўлиб юрибди, балки менинг боришимни кутаётгандир, деб ўйладим мен, Ваня...

Мен унинг бошқатдан кўнглини кўтариб, булар ҳаммаси беҳуда нарсалар эканига уни ишонтирмоқчи

бўлдим, ниҳоят ишонтира олдим шекилли. У: «Энди ухлашга ҳам кўрқаман, бувам кўриб қолади», деб жавоб берди. Ниҳоят, мени маҳкам кучоқлаб олди...

– Барибир, мен сени ташлаб кетолмайман, Ваня! – деди у ўзининг юзчасини менинг юзимга босиб. – Башарти, бувам бўлмаган тақдирда ҳам, барибир, мен сендан айрилмайман.

Неллининг тутқаноғи тутиб қолганидан уйдагилар ҳаммаси кўрқиб қолишган эди. Мен Неллининг барча хаёлларини секингина докторга айтиб бердим ва унинг касали ҳақида узил-кесил нима ўйлашини сўрадим.

– Ҳали номаълум, – деди у ўйлаб туриб, – мен ҳозирча зеҳн солиб, касални текшириб мушоҳада қиляпман, бош қотиряпман, аммо... ҳеч нарса маълум эмас. Умуман, тузалиб кетишига умид йўқ. У ўлади. Сиз тайинлаганингиз учун мен уларга айтмаяпман, аммо жуда ачинаман, эртагаёқ консилиум чақирмоқчиман. Балки касал консилиумдан сўнг айниб қолар ҳам, аммо бечора қизга юрагим ачийди, худди ўз қизимдек ачинаман. Шундай ажойиб, шундай ажойиб қиз! Шу қадар ҳазилкаш, ўткир қиз.

Николай Сергеич айниқса ҳовлиқиб қолган эди.

– Мен сенга айтсам, Ваня, бир нарсени ўйлаб топдим, – деди у, – Нелли гулни жуда ҳам севади. Биласанми, нима? Эртага у уйқусидан турганда биз уни, худди у онаси касалдан турганда Генрих билан кутиб олгандек, биз ҳам уни гул билан қарши оламиз, ўзи бугун гапириб бергандек... У шу қадар ҳаяжон билан гапирдики...

– Гап шунда-да, қаттиқ ҳаяжон билан гапирди, – жавоб бердим мен. – Ҳаяжонланиш энди унга жуда ҳам зарарли-да...

– Ҳа, аммо ёқимли ҳаяжон бошқа гап! Менга ишонавер, жоним, ўзимнинг бошимдан ўтган, ёқимли ҳа-

яжон ҳеч гап эмас; ҳатто ёқимли ҳаяжон дардингга даво бўлади, соғлиққа яхши таъсир қилади...

Хулласи калом, чолнинг ўйлаб топган нарсаси унинг шу қадар завқини келтирдик, боши осмонга етди. Унга эътироз билдиришниг иложи ҳам йўқ эди. Мен доктордан маслаҳат сўрадим, аммо унинг ўйи битгунча чол шляпасини чангаллаб, шу иш орқасидан югурди.

- Биласанми, - деди у кета туриб, - шу яқин орада бир гулхона бор, жуда ажойиб гулхона. Боғбонлар гулларни сотишгани-сотишган, жуда арзонга олса бўлади... Сувтекин! Сен Анна Андреевнага тушунтириб қўй, йўқса, у ҳозир чиқимнинг дарагини эшитиб, жаҳли чиқиб кетади. Шундай, ҳа! Хўш, дўстим, йўл бўлсин сенга? Ахир кутулдинг, ишингни тугатдинг, энди уйга бунча шошилишнинг нима ҳожати бор? Ётиб қолавер, томдаги хонада ёта қоласан, эсингда борми, хув илгариги вақтларга ўхшаб. Тўшагинг ҳам, каравотинг ҳам ўша турган ерида қимир этмай турибди. Фаранг қиролидек ухлайсан, нима дединг? Қолавер. Эртага барвақтроқ турамиз, гулларни олиб келишади ва соат саккизларгача ҳаммамиз биргаликда уйни безатиб бўламиз. Наташа ҳам кўмаклашади, сен билан мендан кўра унинг диди баланд... Хўш, рози бўласанми? Ётиб қоласанми?

Мен ётиб қоладиган бўлдим. Чол ишни жойига қўйди. Доктор билан Маслобоев хайрлашиб, чиқиб кетишди. Ихменевлар вақтли ухлашади - соат ўн бирлардаёқ ётишади. Кетаётганда Маслобоевнинг хаёли паришон эди, менга ниманидир айтмоқчи бўлди, лекин кейин айтаман, деб қўя қолди. Сўнг мен қариялар билан хайрлашиб, ўз хонамга чиқсам, у шу ерда мени кутиб, стол олдида қандайдир бир китобни варақлаб ўтирибди, мен жуда ҳайрон қолдим.

- Йўлдан қайтдим, Ваня, чунки ҳозир айтсам, яхшироқ бўлар, деб ўйлайман. Ўтир-чи. Мен сенга айтсам шундай бир бўлмағур, қаттоки алам қиладиган иш...

- Нима гап ўзи?

- Ҳа, анави ифлос князинг бундан икки ҳафта илгари шундай панд бериб кетдики, шу чоққача алам қиляпти.

- Нима, нима? Ҳали ҳам князь билан алоқанг борми?

- Ана холос, Худо берди энди сенга, худди бир ҳодиса юз бергандек: «Нима гап, нима бўлди?» деб ҳовлиқасан. Сенга айтсам, иним, худди Александра Семёновна билан иккалангнинг тупроғинг бир жойдан олинган. Умуман, шу ҳамма хотин... Хотинларга тоб-тоқатим йўқ-да!.. Қарға «қағ» деб қўйса ҳам, балога қолади; дарров: «Нима гап, нима бўлди?..»

- Жаҳлинг чиқмасин-да.

- Ҳеч жаҳлим чиқаётгани йўқ, аммо дарров пашшани филга айлантириш керак эмас... шундоқ.

У ҳали ҳам мендан ўпкалаётгандек бир оз жим турди. Мен ҳам сўзини бўлмадим.

- Биласанми, иним, - бошлади у яна, - мен бир нарсанинг изини топдим... яъни асли суриштирилса, ҳеч қанақа из топганим ҳам йўқ ва ҳеч қанақа изнинг ўзи ҳам йўқ, менга шундай туюлди... яъни баъзи бир мулоҳазаларга қараганда мен шундай хулосага келдимки. Нелли... эҳтимол... балки князнинг пуштикамаридан бўлган қиз...

- Нима деяпсан?

- Ана энди, ҳозир: «Нима деяпсан?» деб бақиради. Тавба, бу одамлар билан тузукроқ гаплашиб бўлмайди-я! - бақирди у зўр бериб қўл силтаб. - Эй, каллаварам, мен сенга «худди шундай», деяпманми? Мен сенга князнинг қонуний қизи шу исбот этилди, дедимми? Айтдимми, йўқми?

- Менга қара, оғайни, - сўзини бўлдим мен қаттиқ хаяжон ичида, - Худо ҳаққи, бақирмасдан очикроқ, аникроқ қилиб тушунтир, Худо ҳаққи, тушуна оламан. Ахир ўзинг бу қанчалик аҳамиятга эга ва оқибати нима бўлиши мумкинлигини тушунсанг-чи...

- Гап шунда-да, оқибати нима бўлишида-да! Исбот қани? Иш бундай қилинмайди. Мен сенга сир сақласанг, айтиб бераман. Нима учун сен билан бу тўғрида гап очганимни кейин тушунтириб бераман. Демак, шунақа бўлиши керак экан. Нафасингни ичингга ютиб тингла, шуни билиб қўйки, бу гаплар жуда ҳам махфий.

Иш бундоқ бўлган эди. Ҳали қишдаёқ, Смит ўлмасдан илгари, князь Варшавадан қайтиши биланоқ бу ишни бошлаган эди, яъни ишни аллақачон, ўтган йилиёқ бошлаган эди-я. Аммо князь илгари бирини қидириб юрган бўлса, энди бошқасини ахтармоқда. Гапнинг қизиғи шу ердаки, у калаванинг учини йўқотиб қўйди. У бундан уч йил муқаддам Парижда Смитихадан ажралиб, уни ташлаган бўлса, шу ўн уч йил тўхтовсиз уни таъқиб этиб келди, бугун тилга олинган Генрих билан туришини ҳам биларди, унинг Неллиси борлигини ҳам биларди, ўзининг касаллигини ҳам, хуллас, ҳаммасини биларди, лекин бирдан калаванинг учини йўқотиб қўйди. Бу, эҳтимол, Генрих вафотидан сўнг Смитиха Петербургга қайтишга отланганида рўй берган бўлиши керак. У Россияга қандай фамилия билан қайтмасин, барибир, Петербургда жуда тез топиб олиши турган гап эди. Аммо гап шундаки, унинг чет элдаги агентлари ёлғондан гувоҳлик бериб, уни алдаб қўйишди: у жанубий Германиядаги аллақандай хароб бир шаҳарчада яшайди, деб ишонтиришди. Улар ўзлари бўлса ҳафсаласизликлари туфайли биттасини бошқаси билан адаштириб қўйишган. Шу аҳвол бир йил ёки ундан кўпроқ давом этди. Бир йил ўтиши билан князь

шубхага тушиб қолди. Баъзи бир далилларга қараганда, сал илгарироқ князга у бошқа аёлдек туюла бошлади. Энди ҳақиқий Смитиха қаерга кетиб қолди, деган савол туғилди. Унинг калласига: (ҳатто ҳеч қандай далилсиз) у Петербургда эмасмикин, деган фикр келди. Чет элдан бир хабар келган бўлса, у бу ерда бошқасини кавлаштирди, аммо назаримда, у ҳаддан ташқари расмий йўлларни қўллашни истамасди, шекилли, мен билан танишиб олди. Унга мени, фалон-пистон, шунанқа ишлар билан шуғулланади, шундай ишларнинг гадоёи ва ҳоказо деб тавсия этган бўлсалар керак.

Мана шундай қилиб у менга иш нимадан иборатлигини тушунтирди, аммо мужмал қилиб тушунтирди у иблисвачча. Дудмал ва думи хуржунда қилиб гапирди. Хатолари кўп, битта сўзни бир неча бор такрорлайди, бир вақтнинг ўзида битта фактни бир неча шаклда баён этади... Аммо маълумки, минг қувлик қилганинг билан ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Турган гап: мен ҳам хушомадгўйлик қилиб, ўзимни соддаликка солиб, қуллуқ қилиб юрагим билан, ўзимча тузиб олган қондамга, шу билан бирга, табиат қонунига (негаки, бу табиатнинг қонуни) риоя қилиб иш тутишни мўлжаллаб қўйдим. Чунончи, биринчидан, у ўз эҳтиёжини менга баён этаётганмикан? Иккинчидан, бунинг тагида бошқа бир айтилмаган гап борми? Агар шундай бўлса, эҳтимол, ўзинг ҳам шоирона ақлинг билан тушуниб олишинг мумкин, азизим, у мени ҳаққимни еб кетади; айтайлик, бир иш бир сўм турса, бошқаси тўрт сўм туради, шундай бўлгандан кейин тўрт сўм турадиган ишни бир сўмга қилиб бериб, мен аҳмоқ эмасман-ку! Мен ишга киришдим, тусмол қилиб аста-секин изига туша бошладим; бирини унинг ўзидан ўсмоқчилаб сўраб билдим, бошқасини баъзи бир бегоналардан билиб олдим, учинчисига ўз ақлим би-

лан етдим. Эхтимол, нега мен худди шу йўсинда ҳаракат қилишга жазм этганимни сўрарсан-а? Хўп, жавоб бераман: нима учундир князь жуда питиллаб қолди, нимадандир жуда кўрқиб кетди. Бундоқ қараганда нега шунчалик кўрқиб керак экан? Ҳа, хўп, ўйнашни отасидан олиб қочиб кетибди, у ҳомиладор бўлиб қолибди, у бўлса уни ташлабди-ю, кетаверибди. Хўш, бу ерда қанақа ҳайрон қоладиган нарса бор? Ўйинқароқлик, шўхлик қилса қилибди-да! Княздек одам бундан кўрқмаса ҳам бўлади! Аммо у кўрқарди... Мана шуниси мени шубҳага солди. Мен, оғайни, ғалати, диққатга лойиқ бир иш изига тушдим. Шуни айтиш керакки, Генрих орқали тушдим. У энди ўлиб кетган, лекин тоғасининг қизларидан бири (у ҳозир битта новвойнинг хотини, шу ерда, Петербургда туради), аввал Генрихни қаттиқ севган. У, иттифоқо, саккиз бола ортирган ва семиз булқачи эри бўлишига қарамай, Генрихни ўн беш йил муттасил севиб юраверган. Мана шу аёлдан ҳар хил йўллар билан жуда ҳам муҳим бир нарсани билиб олишга муваффақ бўлдим: Генрих немис одатига мувофиқ, унга мактублар ва хотира дафтари ёзиб турган, ўлишидан сал илгарироқ шу аёлга баъзи бир қоғозларини юборган. Бу аҳмоқ аёл мактубларнинг энг керакли жойларига тушунмаган, фақат ой, мейн, либер Августин ва яна чамамда Виланде ҳақнда ёзилган ерларига тушунган, холос. Аммо мен керакли маълумотларни олдим ва ана шу мактублар орқали янги изга тушдим. Масалан, жаноби Смит, унинг қизи ўғирлаб қочган сармоя ва уни ўз кўлига киритиб олган князни билиб олдим. Ниҳоят, хатлардаги турли-туман оқ-воҳлар, киноялар, мажозий гаплар орасида менга ишнинг асли моҳияти ошкор бўлди, яъни ўзинг тушунасан, Ваня! Яна ижобий бир нарса йўқ. Нодон Генрих атайлаб буни яширган ва фақат шама қилиб

ўтган, ҳолос. Шундай қилиб, ана шу шама ва имо-ишораларнинг ҳаммасидан мен учун ғалати бир самовий сир-асрор намоён бўла бошлади: ахир князь Смитихага уйланган экан-да! Қаерда уйланди, қанақа қилиб, қачон, чет элдами, шу ернинг ўзидами, қани хужжат – ҳеч нарса маълум эмас, яъни масалан, Ваня ошна, алам қилгандан сочимни битталаб юлдим, қани энди топсам, қидирдим, қидирдим, кеча-кундуз қидирдим.

Ниҳоят, Смитни қидириб топдим. У бўлса бирдан ўлиб берса бўладими! Мен ҳали уни тириклигида кўрганим йўқ эди. Шу орада бир воқеа баҳонаси билан, мен бирдан Васильевский оролида мен учун шубҳали бўлган бир аёлнинг ўлганини билиб қоламан, суриштириб, суриштириб, яна худди изига тушаман, Васильевскийга югураман, ана ўшанда, эсингда борми, сен билан учрашиб қолдик. Ўшанда мен кўп нарсаларни билиб олдим. Хуллас калом, бу ерда Нелли менга жуда ҳам яхши иш берди...

– Менга қара, – кесдим сўзини, – наҳотки шуни Нелли билади, деб ўйлайсан-а?..

– Нимани?

– Князнинг қизи эканини?

– Ахир сен ўзинг ҳам биласан у князнинг қизи эканини, – жавоб берди у менга аллақандай аччиқ таъна билан тикилиб, – шунақа бекорчи саволлар беришнинг нима ҳожати бор? Бемаъни одам экансан-ку! Гапнинг муҳими бунда эмас, гап шундаки, у шунчаки князнинг қизи эканини эмас, балки князнинг қонуний қизи эканини билади, шуни тушунасанми ўзинг?

– Бўлмаган гап! – бақриб юбордим мен.

– Менинг ўзим ҳам бошда: «Бўлмаган гап!» деб юрардим, ҳатто энди ҳам баъзан бўлмаган гап, дейман ўзимча. Аммо гап шунда-да, мана шу «бўлиши мумкин гап», шундай бўлиши эҳтимолга яқин.

– Йўқ, Маслобоев, бундай эмасдир, жуда ҳовлиқиб

қолибсан! – бақирдим мен. – Нелли буни асло билмайди ҳам, у ҳақиқатан ҳам никоҳсиз туғилган қиз. Наҳотки, онаси қўлида унча-мунча хужжати бўлган ҳолда, бу ерда – Петербургда бошидан кечирган шунчалик аччиқ қисматга бардош бера оларди ва ўз фарзандини мана бундай етимча қилиб ташлаб кета оларди? Бас! Бунинг бўлиши мумкин эмас, ахир!

– Мен ўзим ҳам шуни ўйлаганман, яъни ҳали ҳам бу масала мен учун муаммо бўлиб келади. Бироқ шунга эътибор бериш керакки, Смитиха ўзи дунёда ўзига етганча ўтакетган телба ва қайсар аёл эди. Жуда ажойиб табиатли аёл бўлган; шароитни бир кўз олдингга келтириб кўр: ахир бу романтизм-ку, буларнинг барчаси ақл доирасига сиғмайдиган, учига чиққан жиннилик, бемаънигарчилик-ку! Сен шунга эътибор қил: аввал бошлаб унинг хаёли ердаги ажойиб самовий ҳаёт, маллакларда бўлган, чин юракдан севган, ошиғига чексиз ишонган. Шунга имоним комилки, кейин севгани ундан кўнгли совиб қолгани, уни ташлаб кетгани учун эмас, ўзининг бино қўйган одами, уни алдашга ва уни ташлаб кета олишга қобилиятли эканидан, унинг фариштаси аблаҳга айланиб кетгани, уни шарманда қилиб, оёқости қилганидан жинни бўлган. Унинг романтик ва маъсум қалби бу ўзгаришни кўтара олмаган. Бунинг устига тағин хўрлик! Биласанми, бу қандай хўрлик? Даҳшатдан ва энг муҳими, мағрурликдан у чексиз нафрат билан княздан юз ўгирган. Бутун алоқасини узиб, барча хужжатларни парчалаган; пулга ҳам тупурган, ҳатто пул ўзиники эмас, отасиникилигини ҳам унутган, алдоқчини ўз қалбининг буюклиги билан эзиш, уни ўғри ҳисоблаб, бир умр ундан нафратланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун пулдан ҳам воз кечган, пулдан бир ифлос, манхус нарсадан юз ўгиргандек юз ўгирган ва айни замонда, эҳтимол, унга хо-

тини бўлишга энди номус қилишини ҳам айтгандир. Бизда талоқ ҳужжати йўқ, аммо de facto²² улар ажралишган, шундан кейин князга ялинишга бўйин ёр берармиди! Эсингга ол, у телба ўлим талвасасида ётганда ҳам Неллига: улар олдига борма, ишла, аммо ким чақирмасин, ўлсанг ҳам борма, деган (яъни у бу ерда ҳам ҳали ҳам уни чақирадилар, демак, яна бир марта қасос олиш мумкин, чақирувчини нафрат билан эзиш мумкин, деб умид қилган, хуллас, озик ўрнига оғули хаёллар билан кун кечирган). Мен, оғайни, Неллидан жуда кўп нарсаларни ўсмоқчилаб билиб олдим, ҳозир ҳам баъзан ўсмоқчилаб юраман. Унинг онаси касал, сил эди. Бу касаллик одамни аламзада ва жуда жиззаки қилиб қўяди; бироқ мен Бубнованинг бир дўсти орқали, унинг князга, ҳа, худди князнинг ўзгинасига мактуб ёзганини билиб олганман.

– Ёзган, дейсанми? Мактуб бориб текканми? – бақриб юбордим мен тоқатим тоқ бўлиб.

– Гап мана шунда-да, бориб етган-етмаганини билмайман, Смитиха ўша аёл билан кўришган (эсингда борми, Бубнованикидаги упа-элик суртиб юрадиган аёл-чи? Ҳозир у ахлоқ тузатув уйида). Мактубни ана ўшандан юбормоқчи бўлган, ёзган ҳам, лекин бермасдан тагин қайтиб олган; бу воқеа ўлишидан уч ҳафта аввал содир бўлган... Бу муҳим факт: модомики юборишга қарор қилганми, минг қайтариб олганда ҳам, барибир, бошқа вақтда юбориши мумкин эди. Шундай қилиб, у мактубни жўнатдим, йўқми – билмайман; аммо мактубни юбормаган, деб тахмин этишга битта асос бор, чунки князь, эҳтимол, унинг Петербургда эканини биларди, аммо қаердалигини ўлгандан кейингина билган бўлса керак. Қутулганига жудаям севинган бўлса керак.

– Ҳа, эсимда бор, Алёша аллақандай мактуб ҳақида

²² Ҳақиқатда (лотин.).

гапириб, ундан отаси жуда севиниб кетганини гапирган эди, аммо бу яқиндагина, бундан икки ой муқаддам эди, шекилли. Хўш, иннайкейин-чи, князни нима қилдинг?

– Князга нима бўларди! Ахир бир нарсани тушунгин: шундай бўлганига қаноат ҳосил қилган бўлсам-да, аммо битта ҳам тузукроқ далил йўқ. Шунча жонимни жабборга берганим билан битта ҳам далил бўлмаса-я! Аҳвол чатоқ! Чет эллардан суриштириш керак эди, аммо қайси ажнабий мамлакатдан қидирасан? Номаълум. Менга энди у билан жангу жадал қилишга тўғри келишини, энди мен уни фақат шама билан кўрқита олишим ва ўзимни кўп нарсани биладиган қилиб муғомбирлик қилишим кераклигини тушуниб қолдим.

– Хўш, ундан кейин-чи?

– Алданмади, аммо ҳазилакам чўчимаси-да! Ҳа, чўчимас экан-а! Биз у билан бир неча бор учрашдик, унинг ўзини хокисор тутишини кўрсанг! Бир гал ўзини дўст кўрсатиб ҳаммасни гапира бошлади. Бу хув ўша, мени ҳамма нарсдан хабардор, деб гумон қилган вақтда эди. Ҳеч нарсани яширмай куйиниб гапирди, аммо ҳаммаси ғирт ёлғон эди, албатта. Мана шунда, у мендан қанчалик кўрқишини пайқаб қолдим. Унинг олдида ўзимни гўлликка солиб, зоҳирда қувлик қилаётгандек бўлдим: бесўнақай кўполлик билан кўрқитдим, атайлаб шундай қилдим, атайлаб кўрслик билан дўқ қила бошладим: мени тоза ҳам галварс одам экан, деб тилидан илиниб қолармикан, деб қилдим. Фаҳлаб қолди, муттаҳам! Кейин бир гал ўзимни мастликка солдим, яна ҳеч нарса чиқмади, шайтонга дарс беради, у аблаҳ! Шунга тушуняпсанми, оғайни Ваня, у мендан қанчалик хавфсирашини билишим, ўзимни ўз билганимдан кўпроқ сирини биладиган қилиб кўрсатишим

керак эди-да...

- Хўш, охир нима бўлди?

- Ҳеч нима бўлмади. Исбот керак эди, фактлар керак эди, менда булар йўқ. У фақат шуни тушундики, мен ҳар ҳолда катта жанжал чиқаришим мумкин. Шубҳасиз, у фақат мана шу жанжалдан қўрқар эди. Айниқса у энди алоқаларини кенгайтириб келаётган вақт эди. Унинг уйланаётганидан хабаринг бордир?

- Йўқ...

- Янги йилга! Қайлиқни у ўтган йили кўз остига олиб қўйган, унда қиз энди ўн тўртда эди, бу йил ўн бешга кирди, ҳали фартук кийиб юрса керак, бечора! Ота-оналари шод! Биласанми, у хотиним ўлсин, деб қанча тилак тиларди! Энди генералнинг қизини оляпти, пулдор қиз, пул жуда кўп. Сен билан биз, Ваня, оғайни, ҳеч қачон бунақангисига уйланомаймиз... Мен энди ўлгунимча ўзимни ўзим кечирмайман! - бақирди Маслобоев столга мушти билан қаттиқ уриб. - Бундан икки ҳафта бурун у аблаҳ мени чув тушириб кетди... аблаҳ!

- Қандай қилиб?

- Эй, қўйсанг-чи. Менда тузукроқ бир далил йўқлигини тушуниб қолибди, иш қанча чўзилса, у менинг ожиз эканимни шунча тез тушуниб қолганини сездим. Шундай қилиб, мен ундан икки минг сўм олишга рози бўлдим.

- Икки минг сўм олдинг!..

- Ҳа, Ваня, кумуш билан, истар-истамас олдим, ахир шу иш икки минг сўм турадимми? Ўзимни хор қилдим. Унинг олдида турибман-у, ер ёрилмади, ерга кирмадим: У бўлса: «Маслобоев, мен сизнинг илгариги хизматларингиз учун ҳали ҳақ тўламаган эдим (илгариги хизматларим эвазига у аллақачон, шартимиз бўйича бир юз эллик сўм тўлаган), шундай қилиб, мен кетяп-

ман, бу ерда икки минг сўм бор, умид қиламанки, энди ҳамма ишимиз шу билан батамом тугади», деди. Мен бўлсам, «Батамом тугади, князь», деб жавоб бердим, ўзим бўлса бошимни кўтариб, унинг башарасига қаролмайман. Назаримда, уни башарасига: «Кўп олдим, деб ўйлаяпсанми? Фақат мурувват юзасидан сен аҳмоққа пул бердим!» деган ифода ёзилганга ўхшайди. Олдидан қанақа қилиб чиқиб кетганим эсимда йўқ!

– Ахир бу пасткашлик-ку, Маслобоев! – бақирдим мен. – Нима қилдинг сен Неллини?

– Бу фақат пасткашлик эмас, бу жинойт, бу ифослик... Бу... бу... нима деб аташга сўз ҳам тополмайман буни!

– Ё Раббий! Ахир у ҳеч бўлмаса Неллини таъминлаши керак эди-ку!

– Гап шунда-да. Таъминлаши керак. Нима билан уни мажбур этиш мумкин? Қўрқитибми? Қўрқиб бўпти! Ахир мен ундан пул олганман. Ўзим унинг олдида кумуш билан икки минг сўмлик ҳолим бор, деб иқроор бўлдим-ку! Ўзимга ўзим шу нархни қўйдим-ку! Энди уни нима билан қўрқитасан?

– Наҳотки, наҳотки Неллининг иши барбод бўлган бўлса? – қичқирдим мен умидимни узиб.

– Ҳеч қачон! – бақирди Маслобоев қизишиб ва бир сапчиб тушиб: – Йўқ, мен шундоқлигича қўйиб қўймайман! Мен яна янги иш бошлайман, Ваня, мен шунга бел боғладим! Хўш, икки минг сўм олган бўлсам, нима бўпти? Туф, дейман! Мени ранжитгани учун ундан пул олганман, деса бўлади, чунки у хушёқмас мени бошлаб кетди, масхара қилди. Ҳам алдади, ҳам масхара қилди! Йўқ, мени майна қилишига йўл қўймайман... Энди мен, Ваня, Неллининг ўзидан бошлайман. Аминманки, баъзи бир мушоҳадаларга биноан ана шу ишнинг учи худди шунинг ўзида. У ҳаммасини билади. Ҳаммаси-

ни билади. Қаммасини... Унга онасининг ўзи гапириб берган. Нентма ичида, алам-изтироб билан гапирган бўлиши мумкин. Ҳасратини айтишга ҳеч ким бўлмагандан кейин, Неллига айтиб берган. Балки бирорта хужжатга дуч келиб ҳам қолармиз, – қўшиб қўйди у завқ билан қўлларини ишқалаб. – Тушундингми энди, Ваня, бу ерга танда қуришимнинг сабабини? Биринчидан, сени ўзимга яқин тутганимдан, бу ўз-ўзидан маълум, бироқ энг муҳими, Неллини кузатиб бориш, учинчидан эса, дўстим Ваня, истасанг-истамасанг, сен менга ёрдам қилишинг керак, чунки Неллига сенинг сўзинг ўтади!..

– Албатта, қасам ичаман, – қичқириб юбордим мен, – ишонаманки, Маслобоев, сен энг муҳими, Нелли учун ҳаракат қиласан, ўзингнинг шахсий манфаатинг учун эмас, бечора хўрланган етим қиз учун тиришасан...

– Кимнинг фойдасига тиришганим билан нима ишинг бор сенинг дарвиш одам? Энг кераги иш битсин, иш! Асосан етимча бечора учун албатта, одам-парварлик ҳам шуни буюради. Аммо сен Ванюша, башарти ўз манфаатим учун тиришаётган бўлсам ҳам мени асло қоралама. Мен бир камбағал одамман, у муштипар одамларни хафа қилишга журъат этмасин. У менинг улушимни тортиб оляпти, тагин ўлганнинг устига чиқиб тепгандек, у ифлос мени алдаб кетди. Хуш, сенингча, шундан кейин ҳам ана у фирибгарнинг бошини силашим керакми? Морген – фри!

Аммо бизнинг гул байрамимиз эртасига муваффақиятли чиқмади. Неллининг аҳволи оғирлашди, у уйдан эшикка чиқолмай қолди. Шу ётганича бу уйдан ортиқ чиқмади.

Икки ҳафта ўтгандан кейин у вафот этди. Мана шу икки ҳафта ичида у ўлим талвасасида бирор марта ўзига келолмади ва ғалати хаёлотлардан қутула олма-

ди. Унинг ақлу хуши гўё хиралашиб қолгандек эди. У то ўлгунча буваси уни ўз ёнига чақираётганига ва бормагани учун ундан хафа бўлаётганига, ҳассаси билан унга пўписа қилиб, инсофли одамлардан нов ва тамаки тилаб олиб кел, деб қийин-қистовга олаётганига қаттиқ ишонар эди. Кўпинча у тушида йиғлай бошлар ва уйғонгандан кейин тушида онасини кўрганини гапириб берар эди.

Ўқтин-ўқтин у хушига келгандек бўларди. Кунлардан бир куни иккаламиз ёлғиз қолдик. У менга томон чўзилиб, ўзининг озғин, оташдек қизиб ётган қўлчалари билан кўлимни ушлади.

- Ваня, - деди у менга, - мен ўлганимдан кейин Наташага уйлан!

Бу унинг доимий ва аллақачондан бери ўйлаб юрган истаги эди, шекилли. Мен индамасдан унга кулиб қараб қўйдим. Менинг кулгимни кўриб, ўзи ҳам илжайди. Шўхлик билан ингичка, ориқ бармоқчаси-ла пўписа қилди ва шу заҳоти мени ўпа бошлади.

Вафотидан уч кун илгари ажойиб ёз оқшомларидан бирида у ётган ётоқхонасининг дарпардасини кўтариб, деразани очишларини сўради. Уй деразаси боғчага қараган эди, у қалин яшил дарахтларга, ботиб бораётган қуёшга узоқ тикилиб ётди, кейин тўсатдан иккимизни холи қолдиришларини сўради.

- Ваня, - деди у зўрға эшитиладиган товуш билан, чунки энди жуда ҳам қувватдан қолган эди, - мен кўп ўтмай ўламан. Жуда ҳам яқин қолди, шунинг учун мени доимо ёдингда сақлашингни сўрайман, эсдалик учун мен сенга мана шу медальонни қолдириб кетмоқчиман (у менга кўкрагида бут билан осилиб турган каттагина медальонни кўрсатди). Буни онам менга ўлаётган вақтида берган эди. Мен ўлганимда мана шу медальонни ечиб ол ва ичидагини очиб ўқи. Мен

Ўзим ҳамма билганимни медальонни фақат битта сен ўзинг олишинг кераклигини айтаман. Нима ёзилганини ўқиганингдан кейин унинг олдига боргин-да, менинг ўлганимни; аммо уни кечирмаганлигимни айт. Тагин унга айтки, мен яқинда Инжилни ўқиб чиқдим, унда, «ўз душманларингизнинг ҳамма гуноҳини кечиринг», деб ёзилган. Мен ўқидим-у, аммо уни барибир кечирмадим, чунки жони чиқаётган пайтда онанинг охириги сўзи: «Мен унга лаънат ўқийман!» деган сўз бўлди, мен ҳам унга лаънат ўқийман, ўзим учун эмас, онам учун лаънат ўқийман... Онамнинг қай аҳволда ўлганини, қанақа қилиб мен Бубнованикида ёлғиз қолганимни айтиб бер. Бубнованикида сен мени қай аҳволда кўргансан, ҳаммасини битта қўймай гапириб бер, шуни ҳам айт, мен уникига боришдан кўра ўша Бубнованикида қолишни аъло кўрганимни гапириб бер...

Шу сўзларни айта туриб Неллининг ранги ўчиб кетди, кўзларни чақнади, юраги шу қадар қаттиқ уриб кетдики, у ҳолдан кетиб ёстиққа суянди ва икки дақиқача бир сўз айтишга ҳам мадори келмади.

– Уларни чақир, Ваня, – деди у ниҳоят, ожиз товуш билан, – мен уларнинг ҳаммаси билан видалашмоқчиман. Аявидо, Ваня!..

У охириги марта мени бағрига босиб қучоқлади. Ҳаммалари киришди. Чол унинг ўлишини тасаввурига сиғдирилмасди; буни хаёлига келтиришни ҳам истамасди. У охириги дамларгача ҳаммамиз билан олишиб, «у ўлмайди, албатта тузалиб кетади», деб бизни ишонтирмоқчи бўларди. Ғам еявериб, ҳаммадан кўп озиб кетди, Неллининг каравоти олдида у, эртдан-кечгача ва ҳатто кечалари ҳам ўтириб чиқарди... Охириги тунларда у мижожа қоқмади, Неллининг ҳар қанақа инжиқлигини кўтаришга, оғзидан чиққанини бажо келтиришга тиришар ва унинг олдидан бизнинг

олдимизга чиқиб аччиқ-аччиқ йиғларди, аммо бир дақиқа ўтмай яна умидвор бўлар ва албатта тузалиб кетади, деб бизни ишонтирарди. У хонанинг ҳамма ёғини гуллар билан безатиб ташлади. Бир гал у жуда ажойиб оқ, қизил атиргуллардан катта гулдаста ясаб олиб келди, қаердандир, узоқ ердан ўз Неллижонига олиб келибди... Бу ишлари билан у Неллини ҳаяжонга солар эди. У ҳам ҳамманинг муҳаббатига бутун қалби билан миннатдор бўлмай туролмасди. Шу оқшом у ҳаммамиз билан видолашмоқчи бўлганда, чол у билан абадий хайрлашишни асло-истамади. Нелли ўзини шод кўрсатмоққа уринди, у билан ҳазиллашди, ҳатто кулиб ўйнаб ётди... Биз ҳаммамиз унинг олдидан умидвор бўлиб чиқдик. Аммо эртасига у тилдан қолди. Икки кундан кейин абадий кўз юмди.

Эсимда бор, чол унинг тобутини гуллар билан ясатаётиб, унинг озиб кетган жонсиз юзига, унинг ўлим олдидаги табассумига, кўкрак устига қовуштириб қўйилган қўлчаларига тикиларкан, кўнгли вайрон бўларди. Унинг жасади устида ўз фарзанди устида йиғлагандек фарёд қилиб йиғлади. Наташа, мен, биз ҳаммамиз уни юпатишга уринардик. Аммо у таскин топмасди, Неллининг дафн маросимидан сўнг қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди.

Анна Андреевна Неллининг кўксидан ечиб олган медальонни менга топширди. Шу медальонда Нелли онасининг князга ёзган хати бор эди. Мен буни Нелли вафот этган кун ўқидим. У князга лаънатлар ўқиб, уни кечира олмаслигини, ўзининг сўнгги кунлардаги ҳаётини, Неллининг қанчалик мудҳиш аҳволда қолаётганини ёзган эди ва ҳеч бўлмаса бола учун бирор яхшилик қилишини сўраганди. «У сизнинг пуштикамарингиздан бўлган қиз – сизнинг ҳақиқий фарзандингиз эканини ўзингиз ҳам биласиз. Мен ўлганим-

дан кейин олдинга бориб, шу хатни ўз қўлингизга топширишни сурадим. Агар сиз Неллидан юз ўгирмасангиз, эҳтимол, мен сизни у дунёда кечирарман ва маҳшар кунни ўзим қозиюлҳожатнинг ўзидан гуноҳингиздан ўтганини сураман. Нелли мактубнинг мазмунини билади: мен унга ўқиб берганман, унга ҳамма гапни тушунтирганман. У ҳамма, ҳаммасини билади...»

Аммо Нелли онасининг васиятини бажо келтирмади: у ҳамма нарсани биларди, аммо князнинг олдига бормади, у билан ярашмасдан ўлиб кетди.

Неллини кўмиб қайтиб келганимиздан кейин биз Наташа билан боққа чиқдик. Кун иссиқ, офтоб чарақлаб турар эди. Бир ҳафтадан кейин улар жўнаши керак эди. Наташа менга узоқ ва ғалати қилиб тикилди.

– Ваня, – деди у, – Ваня, ахир бу бир туш эди-ку!

– Қанақа туш? – сурадим.

– Барчаси, барчаси, – жавоб берди у, – мана шу ўтган бир йил туш эди, Ваня. Нима учун мен сенинг бахтингни барбод этдим?

Мен унинг кўзларида: «Иккимиз бирга абадий бахтли бўлишимиз мумкин эди-ку!» деган ифодани ўқидим.

МУНДАРИЖА

| | |
|---------------------|-----|
| БИРИНЧИ ҚИСМ | 3 |
| ИККИНЧИ ҚИСМ | 123 |
| УЧИНЧИ ҚИСМ | 239 |
| ТЎРТИНЧИ ҚИСМ | 370 |
| ХОТИМА..... | 469 |

Адабий-бадиий нашр

Фёдор Михайлович Достоевский

ХЎРЛАНГАН ВА ҲАҚОРАТЛАНГАНЛАР

Тўрт қисмдан иборат роман

Муҳаррир:
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Техник муҳаррир:
Хилола АНВАРОВА

Саҳифаловчи:
Абдуқодир ЮЛДАШЕВ

Дизайнер:
Маъмур РАҲМОНОВ

Нашриёт лицензияси AI № 001. 20.07.2018 уй.

**«Yosh kuch» нашриёти
Тошкент шаҳар, Содиқов кўчаси-13.**

**Теришга 14.08.2019 йилда берилди.
Босишга 11.09.2019 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/32}. Офсет усулда чоп этилди
Буюртма № 29. Босма табоғи 15,0. Адади 3000.**

**«Yosh kuch press matbuoti» МЧЖда чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Чилонзор кўчаси, 1-А.**